







ORGANISATION OF ISLAMIC COOPERATION
RESEARCH CENTRE FOR ISLAMIC HISTORY,
ART AND CULTURE

ИСЛОМ ҲАМКОРЛИГИ ТАШКИЛОТИ
ИСЛОМ ТАРИХИ, САЊАТИ ВА МАДАНИЯТИНИ
ТАДҚИК ҚИЛИШ МАРКАЗИ



IMAM BUKHARI
INTERNATIONAL SCIENTIFIC-RESEARCH CENTER

ИМОМ БУХОРИЙ
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Proceedings of the International Workshop

Manuscript Funds of Uzbekistan

*Preservation, Cataloguing
and Personnel Training*

June 2019, Samarkand

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚЎЛЁЗМА ФОНДЛАРИ

МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, КАТАЛОГЛАШТИРИШ
ВА МУТАХАССИСЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

2019 йил июнь Самарқандда бўлиб ўтган
халқаро анжуман мақолалари тўплами

Istanbul 2020



OIC Organisation of Islamic Cooperation
IRCICA Research Centre for Islamic History, Art and Culture

Alemdar Cd., No 15, Bâbüâli Girişi
34110 Cağaloğlu, İstanbul, Türkiye

PHONE +90 212 402 00 00
FAX +90 212 258 4365

ircica.org
ircica@ircica.org

**PROCEEDINGS OF THE INTERNATIONAL WORKSHOP
MANUSCRIPT FUNDS OF UZBEKISTAN: PRESERVATION, CATALOGUING AND PERSONNEL TRAINING**

SOURCES AND STUDIES ON THE HISTORY OF ISLAMIC CIVILISATION SERIES; NO. 46

© COPYRIGHT | IRCICA 2020

All rights reserved. No part of this book may be reproduced or transmitted in any form or by any means, electronic or mechanical, including photocopying, recording or any information storage and retrieval system, without prior permission in writing from IRCICA.

ISBN 978-92-9063-089-0

İSTANBUL 2020

CATALOGUING IN PUBLICATION DATA

International Workshop. Manuscript Funds of Uzbekistan: Preservation, Cataloguing and Personnel Training (2019: Samarkand, Uzbekistan)

Proceedings of the International Workshop. Manuscript Funds of Uzbekistan: Preservation, Cataloguing and Personnel Training, June 2019, Samarkand =Ўзбекистондаги қўлёзма фондлари: муҳофаза қилиш, каталоглаштириш ва мутахассислар малакасини ошириш. 2019 йил июнь Самарқандда бўлиб ўтган халқаро анжуман мақолалари тўплами / edited by Halit Eren and Shovosil Ziyodov; prepared for publication by Ashirbek Muminov and Otabek Muhammadiyev.-İstanbul: Research Centre for Islamic History, Art and Culture, 2020.

xxix, 464 p.: col. ill.; 25 cm.- (Sources and studies on the history of Islamic civilisation series; no. 46)

Includes bibliographical references.

Text in English, Uzbek and Russian.

ISBN 978-92-9063-089-0

1. Manuscripts--Uzbekistan--Workshops. I. Eren, Halit. II. Ziyodov, Shovosil. III. Muminov, Ashirbek. IV. Muhammadiyev, Otabek. V. Title. VI. Series.

091.09587--dc22

EDITED BY Prof. Halit Eren, Dr. Shovosil Ziyodov

PREPARED FOR PUBLICATION BY Prof. Ashirbek Muminov, Otabek Muhammadiyev

BOOK DESIGN Muhammed Nur Anbarlı

PRINTING AND BINDING Optimum Basım

Contents

Foreword PROF. HALIT EREN **xvii**

Foreword DR. SHOVSIL ZIYODOV **xix**

Summary **xxv**

Хулоса **xxvii**

Аннотация **xxix**

Chapter I.

Manuscript Funds in Uzbekistan

Manuscripts from the Treasury of Sources at Imam Bukhari International
Scientific-Research Center **3**

SHOVOSIL YUNUSOVICH ZIYODOV

National and Private Collections of Manuscripts in Arabic Script in Uzbekistan **9**

ASHIRBEK KURBANOVICH MUMINOV

Imam al-Bukhari, the Sultan of Muhaddiths **37**

UBAYDULLA UVATOV

Preserving and Presenting Manuscript Works: Norms, Challenges
and Suggestions **59**

SHARIFJAN GANIDJANOVICH ISLAMOV

On the Cataloging of Historical Funds in Oriental Languages, Preserved
in the Central State Archive of the Republic of Uzbekistan **63**

NASRIDDIN MUHRITDINOVICH MIRZAEV

On the Compilation of the List of Works from the Fund of the Center for Islamic
Civilization in Uzbekistan under the Cabinet of Ministers of the Republic
of Uzbekistan **69**

AZIMJON SHARIPOVICH GHOFUROV

Timurid Era Miniatures from the Funds of the Institute of Oriental Studies
of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan **75**

ABDUMAJID ABDURAIMOVICH MADRAIMOV

Manuscripts in Arabic Script from the Holdings of the Fundamental Library of the Qaraqalpaq Branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan **81**

ABDUSALIM RAHMATULLAYEVICH IDRISOV

Manuscript Fund of Samarkand State University **87**

MUHAMMADIKHON JAMOLOVICH BUZRUKOV

Manuscript Fund of Khorezm Ma'mun Academy **93**

ABDULLA DURDIBAYEVICH URAZBOYEV

Activities of the "Treasury of Sources" at the International Islamic Academy of Uzbekistan **97**

MAKHAMMADSIDIK ABDUMANNONOVICH USMANOV

Documents from Ichan-Qal'a State Museum-Reserve, Khiva **101**

GHULOMJON KARIMBAYEVICH SIDDIQOV

Manuscripts and Lithoprinted Works Preserved in the Library of the Muslims Board of Uzbekistan **107**

SAIDRAHMAT SAIDAHMATOVICH IKRAMOV

Manuscripts from the Holdings of the Library at the State Museum of the History of Uzbekistan and the Conditions of Their Preservation **113**

TOHIR HUSANOVICH NORQOBILOV

Manuscript Collections in the Museums of Farghana **117**

SHOVOSIL YUNUSOVICH ZIYODOV; NODIRJON URAIMOVICH ABDULAHATOV

Manuscript Fund of Samarkand State Museum-Reserve: History of Its Formation, Structure and Current Status **123**

MAHMUDKHON ASATULLAYEVICH YUNUSOV

From the History of the First Uzbek (Muslim) Museum in Tashkent **129**

MUROD ZIKRULLAEV

Chapter II.

Preservation, Primary Description and Online Cataloguing of Manuscripts

Introduction of Software Products into the Research and Preservation in the Fund of Rare and Unique Publications **139**

NARGIZA SABIROVNA ZAITOVA

Cataloguing Project Experience: Problems, Solutions, and Conclusions **145**

SANJAR SAIDAMINOVICH GULOMOV

Studying Ancient Turkic Manuscripts: Urgent Tasks **153**

BAKHTIYOR OMONOVICH TURAEV

Termidhi Scholars' Heritage in Manuscripts: Challenges and Perspectives **157**

CONTENTS

JO'RABEK OMONOVICH CHO'TMATOV

Actuality of Studying the Court Library of the Kokand Khanate (1701–1876) **161**
AFTANDIL SADIRKHANOVICH ÈRKINOV; ABDULATIF TURDIALIEV

Catalogue of Persian Manuscripts from B. Bukhari's Private Collection **165**
BABUR BOMURADOVICH AMINOV; DILSHOD RASULOV

Sebzar's Qadi Library and Hafiz Kuhaki **169**
ZAYNIDDIN ÈSHONQULOV

Actuality of Studying *Majmu'a* Copies from the Manuscript Funds at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan **173**
SAIDAKBAR ABDURASHIDOVICH MUKHAMMADAMINOV

Studying Termidhi Scholars' Heritage: Results, Challenges, and Perspectives **177**
JALOLIDDIN ZAYNIYEVICH MIRZAEV

Rare Copies of the Works by Abu-l-Mu'in an-Nasafi Preserved in Uzbekistan **181**
SAIDMUKHTOR SAYDAKBAROVICH OKILOV

Principles of Cataloguing Imam Bukhari's Works and Their Classical Commentaries, Supracommentaries, Research and Modern Editions **195**
SAKHOVAT ABDUQODIROVNA ZAKHIDOVA

Luminaries of Islamic Civilization **199**
ABDUSATTOR KENJAYEVICH JUMANAZAR

Letter and the Art of Calligraphy **213**
ABDULGHAFUR RAZZOQ BUKHARI; KOMILJON RAHMATOVICH RAHIMOV

International Workshop on Islamic Calligraphy **235**
HABIBULLO ISMAILOVICH SOLIH

Brief Review on the History of Calligraphy and Its Place in Islamic Culture **239**
FAZLIDDIN MADIEV

Ways to Work with Manuscripts **243**
OLOVKHON NEMATOV

General and Particular Components of Oriental Manuscripts and Ethical Standards in Their Preservation (on the Example of the Restoration of Manuscript Cover) **253**
AHMADJON BOBOJONOV

Thoughts on the Manuscripts Regarding the History and Culture of Uzbekistan Preserved in the Libraries of Turkey **261**
FAKHRIDDIN IBRAGIMOV

Chapter III.

Prominent Scholars of Uzbekistan:

Their Compiling Activities and Manuscript Heritage

Muqaddamat al-Adab by Mahmud Zamakhshari: Its Copies from the World Funds **295**

ZOHIDJON MAHMUDOVICH ISLAMOV

Musnad ‘Abd by ‘Abd al-Hamid al-Keshi: Its Copies and Importance in Studying the Science of Hadith **337**

SHUKURILLA UMAROV

Ibn Sina in the Interpretation of Kh^waja Muhammad Parsa **343**

ABDURAHIM AMONOVICH BOLTAEV

Al-Jami‘ as-Sahih as a Main Source after the Holy Qur’an **347**

OLIMKHON YUSUPOV

‘Uqud al-‘Aqa’id by Imam-zada Bukhari as an Important Source in Verse for Studying the Science of Kalam **351**

TOHIR ÈVADULLAEV

Lubab al-Kalam and Its Copies **357**

OTABEK BOZOROVICH MUHAMMADIYEV

Al-Jami‘ al-Musnad by Abu Hafis al-Bujayri and Its Copy **363**

YULDASHKHAN ISAEV

On Sufi Tendencies in the Court Circles of the Kokand Khans (Analizing the Mystical Views of ‘Alim-Khan “Zalim”) **367**

ABDUQODIR ZAKHIDOV

Tafsir-i Qushayri from the Manuscript Fund at Imam Bukhari International Scientific-Research Center **373**

USMONKHON MUHAMMADIYEV

Life of Hafiz ad-din Abu-l-Barakat Nasafi and His Work *Kanz ad-Daqa’iq* **377**

MASHRAB KHIDIROV

Studying the Manuscript of *Ahadith Qudsiya* from the Treasury of Sources at Imam Bukhari International Scientific-Research Center **381**

BAROT AMONOV

Rare Masterpiece Preserved in the World Libraries **385**

IKHTIYOR QUSHSHAQOV

Examples of the Manuscript Copies of *al-Jami‘ as-Sahih* by Imam Bukhari from the World Libraries **389**

IRODA DAURBEKOVA

CONTENTS

- Life of Abu Hafs ‘Umar Nasafi and His Contribution to the Science of Tafsir **393**
AHMAT RAHIMOV
- Preservation of the Manuscript Copies of the Works by Imam Bukhari in the World
Libraries **397**
QODIRKHON MAHMUDOV
- Thulathi Hadiths from *al-Jami‘ as-Sahih* and Their Importance **407**
NODIR QOBILOV
- On *Sharh ‘Aqa’id an-Nasafi* by Sa‘d ad-din Taftazani **411**
ABDUVOSI SHONAZAROV
- Adab al-Muta‘allimin* and Its Importance **417**
OTABEK BAHRIYEV
- Abu-l-Ikhlās Hasan Shurunbulali and His Handwritten Works **421**
RAVSHAN ÈLMURODOV
- Al-Kamil fi-t-Ta’rikh* by Ibn al-Athir as a Historical Source **425**
ZARIF KHIDIROV
- Interpretation of Universal Values in the Hadiths
(on the Base of *Arba’in* by ‘Alisher Nava’i) **431**
BAKHTIYOR TEMUROVICH TURSUNOV
- Authors* **445**
- Illustrations* **449**

Мундарижа

Муқаддима ПРОФ. ХОЛИТ ЭРЕН **xvii**
Кириш сўзи ДОКТОР ШОВОСИЛ ЗИЁДОВ **xix**
Хулоса **xxvii**
Аннотация **xxix**

БЎЛИМ I.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚЎЛЁЗМА ФОНДЛАРИ

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Манбалар хазинасида сақланаётган қўлёзмалар **3**
ШОВОСИЛ ЮНУСОВИЧ ЗИЁДОВ

Государственные и частные собрания арабографических рукописей в Узбекистане **9**
АШИРБЕК КУРБАНОВИЧ МУМИНОВ

Имом ал-Бухорий – муҳаддислар султони **37**
УБАЙДУЛЛА УВАТОВ

Қўлёзма асарларни сақлаш ва намойиш этиш: метёр, муаммо ва таклифлар **59**
ШАРИФЖОН ГАНИЖОНОВИЧ ИСЛАМОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган шарқ тилларидаги тарихий фондларни каталоглаштириш хусусида **63**
НАСРИДДИН МУХРИДИНОВИЧ МИРЗАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази фонди хазинасидаги асарларнинг тартибли рўйхатини тузиш **69**
АЗИМЖОН ШАРИПОВИЧ ҒОФУРОВ

Темурийлар даври миниатюралари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти хазинасида **75**
АБДУМАЖИД АБДУРАИМОВИЧ МАДРАИМОВ

Арабографические рукописи Фундаментальной библиотеки Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан **81**
АБДУСАЛИМ РАХМАТУЛЛАЕВИЧ ИДРИСОВ

Рукописный фонд Самаркандского государственного университета **87**
МУХАММАДИХОН ЖАМОЛОВИЧ БУЗРУКОВ

Хоразм Маъмун академияси қўлёзмалар фонди **93**
АБДУЛЛА ДУРДИБАЕВИЧ ЎРАЗБОВЕВ

- Ўзбекистон халқаро ислом академияси «Манбалар хазинаси» фаолияти **97**
 МАХАММАДСИДИҚ АБДУМАННОНОВИЧ УСМАНОВ
- Хивадаги «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси фондида сақланаётган ҳужжатлар **101**
 ҒУЛОМЖОН КАРИМБАЕВИЧ СИДДИҚОВ
- Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма асарлар **107**
 САИДРАҲМАТ САИДАҲМАТОВИЧ ИКРАМОВ
- Ўзбекистон тарихи давлат музейи кутубхона фондида сақланаётган қўлёзмалар ва уларнинг сақланиш ҳолатига доир **113**
 ТОҲИР ҲУСАНОВИЧ НОРҚОБИЛОВ
- Фарғона музейларининг қўлёзма коллекциялари **117**
 ШОВОСИЛ ЮНУСОВИЧ ЗИЁДОВ, НОДИРЖОН УРАИМОВИЧ АБДУЛАХАТОВ
- Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси қўлёзмалар фондининг шаклланиш тарихи, таркиби ва бугунги ҳолати **123**
 МАҲМУДҲОН АСАТУЛЛАЕВИЧ ЮНУСОВ
- Тошкентдаги биринчи ўзбек (мусулмон) музейи тарихидан **129**
 МУРОД ЗИКРУЛЛАЕВ

БЎЛИМ II.

ҚЎЛЁЗМАЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, БОШЛАНҒИЧ ТАВСИФЛАШ ВА ОН-ЛАЙН КАТАЛОГЛАШТИРИШ

- Внедрение программных продуктов в изучение и хранение фонда редких и уникальных изданий **139**
 НАРГИЗА САБИРОВА ЗАИТОВА
- Бир каталог лойиҳаси тажрибаси: муаммолар, ечимлар, хулосалар **145**
 САНЖАР САИДАМИНОВИЧ ҒУЛОМОВ
- Қадимий туркий тилда битилган қўлёзмаларни тадқиқ этиш – долзарб вазифа **153**
 БАХТИЁР ОМОНОВИЧ ТУРАЕВ
- Термизийлар мероси қўлёзмаларда: муаммолар ва истиқбол **157**
 ЖЎРАБЕК ОМОНОВИЧ ЧЎТМАТОВ
- Проблема изучения придворной библиотеки Кокандского ханства (1701–1876) **161**
 АФТАНДИЛ САДИРХАНОВИЧ ЭРКИНОВ, АБДУЛАТИФ ТУРДИАЛИЕВ
- Б. Бухорийнинг шахсий коллекциясидаги форс-тожик тилидаги қўлёзма асарлар каталоги **165**
 БОБУР БОМУРАДОВИЧ АМИНОВ, ДИЛШОД РАСУЛОВ
- Себзор қозиси кутубхонаси ва Ҳофиз Кўҳакий **169**
 ЗАЙНИДДИН ЭШОНҚУЛОВ
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондларидаги мажму'а қўлёзмаларни ўрганиш масаласи **173**
 САИДАҚБАР АБДУРАШИДОВИЧ МУҲАММАДАМИНОВ
- Термизийлар меросининг ўрганилиши: натижалар, муаммолар, истиқболлар **177**
 ЖАЛОЛИДДИН ЗАЙНИЕВИЧ МИРЗАЕВ

- Абу-л-Му‘ин ан-Насафий асарларининг Ўзбекистонда сақланаётган нодир қўлёзма нусхалари **181**
САИДМУХТОР САЙДАКЪАРОВИЧ ОҚИЛОВ
- Имом Бухорий асарлари ва уларга оид мумтоз шарх, хошиялар, тадқиқотлар, замонавий нашрларни каталоглаштириш принциплари **195**
САХОВАТ АБДУКОДИРОВА ЗАХИДОВА
- Ислом тамадуни чироклари **199**
АБДУСАТТОР КЕНЖАЕВИЧ ЖУМАНАЗАР
- Хат ва хаттотлик санъати **213**
АБДУЛҒАФУР РАЗЗОК БУХОРИЙ, КОМИЛЖОН РАҲМАТОВИЧ РАҲИМОВ
- Ислом хаттотлиги мавзусидаги халқаро илмий анжуман **235**
ҲАБИБУЛЛО ИСМАИЛОВИЧ СОЛИХ
- Xattotlik tarixiga qisqacha nazar va uning islom madaniyatida tutgan o‘rni haqida **239**
FAZLIDDIN MADIEV
- Қўлёзмалар билан ишлаш усуллари **243**
ОЛОВХОН НЕМАТОВ
- Шарқ қўлёзмаларининг таркибий ва жузъий қисмлари, уларни сақлашда ахлоқий меъёрлар (қўлёзмалар муқовасининг таъмири мисолида) **253**
АҲМАДЖОН БОБОЖОНОВ
- Туркия кутубхоналаридаги Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид қўлёзмалар тўғрисида мулоҳаза **261**
ФАХРИДИН ИБРАГИМОВ
- БЎЛИМ III.**
ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК АЛЛОМАЛАРИ ИЖОДИ ВА ҚЎЛЁЗМА МЕРОСИ
- Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамат ал-адаб» асарининг дунё фондларида сақланаётган қўлёзмалари **295**
ЗОҲИДЖОН МАҲМУДОВИЧ ИСЛАМОВ
- Musnad ‘Abd by ‘Abd al-Hamid al-Keshi: Its Copies and Importance in Studying the Science of Hadith* **337**
SHUKURILLA UMAROV
- Ибн Сино Хожа Мухаммад Порсо талқинида **343**
АБДУРАҲИМ АМОНОВИЧ БОЛТАЕВ
- «Ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» – Қуръони каримдан кейинги асосий манба **347**
ОЛИМХОН ЮСУПОВ
- Имом-зода Бухорийнинг «‘Уқуд ал-‘ақо‘ид» манзумаси калом илмига оид муҳим манба **351**
ТОҲИР ЭВАДУЛЛАЕВ
- «Лубоб ал-калом» асари ва унинг қўлёзма нусхалари **357**
ОТАБЕК БОЗОРОВИЧ МУҲАММАДИЕВ
- Абу Ҳафс Бужайрий ва унинг «ал-Жоми‘ ал-муснад» асарининг қўлёзма нусхаси **363**
ЙЎЛДОШХОН ИСАЕВ
- О суфийских тенденциях в придворных кругах кокандских ханов (О мистических мотивах в деятельности и воззрениях ‘Алим-хана – «Залима») **367**
АБДУКАДИР ЗАХИДОВ

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази қўлёзмалар фондидаги «Тафсир-и Кушайрий» асари **373**

УСМОНХОН МУХАММАДИЕВ

Ҳофиз ад-дин Абу-л-Баракот Насафийнинг ҳаёти ва «Канз ад-дақо'ик» асари **377**

МАШРАБ ХИДИРОВ

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Манбалар хазинасида сақланаётган «Аҳодис қудсийа» қўлёзма асари тадқиқи **381**

БАРОТ АМОНОВ

Дунё кутубхоналарида сақланаётган ноёб асар **385**

ИХТИЁР КУШШАҚОВ

Имом Бухорийнинг «ал-Жоми' ас-саҳиҳ» асари қўлёзмаларининг дунё кутубхоналаридаги нусхаларидан намуналар **389**

ИРОДА ДАУРБЕКОВА

Абу Ҳафс 'Умар Насафий ҳаёти ва тафсир илмига қўшган ҳиссаси **393**

АХМАТ РАҲИМОВ

Имом Бухорий асарлари қўлёзма нусхаларининг дунё кутубхоналарида сақланиши **397**

КОДИРХОН МАҲМУДОВ

«Ал-Жоми' ас-саҳиҳ»даги сулосий ҳадислар ва уларнинг аҳамияти **407**

НОДИР КОБИЛОВ

Са'д ад-дин Тафтазонийнинг «Шарҳ 'Ақо'ид ан-Насафий» асари ҳақида **411**

АБДУВОСИ ШОНАЗАРОВ

«Адаб ал-мута'аллимин» асари ва унинг аҳамияти **417**

ОТАБЕК БАҲРИЕВ

Абу-л-Ихлос Ҳасан Шурунбулолий ва унинг қўлёзма асарлари **421**

РАВШАН ЭЛМУРОДОВ

Ибн ал-Асирнинг «ал-Комил фи-т-та'рих» асари тарихий манба сифатида **425**

ЗАРИФ ХИДИРОВ

Ҳадисларда умуминсоний кадриятлар талқини (Алишер Навоийнинг «Арба'ин» асари мисолида) **431**

БАХТИЁР ТЕМУРОВИЧ ТУРСУНОВ

Муаллифлар **441**

Иллюстрациялар **449**

Foreword

Prof. Halit Eren
Director General, IRCICA

It is a pleasure for me to present this collection of research papers pertaining to preservation, management and utilization of the funds of manuscripts of Uzbekistan. These funds constitute a significant segment of Uzbekistan's multifarious cultural heritage. They are the products of the sciences, philosophy, arts and letters that have been cultivated in Uzbekistan and its region over centuries. At the same time, they are sources of scholarly information for researchers on various aspects of the history of culture of the region. Their conservation and cataloguing, presentation and valorization, each require diverse specializations. Efficiency of these tasks would benefit from communication and coordination among the institutions and individuals concerned, on national and international levels. With this understanding, IRCICA and Imam Bukhari International Scientific-Research Center (IBISRC, Samarkand) joined efforts into a project that focused on the funds of Islamic manuscripts of Uzbekistan with the aim of promoting surveys and fostering experts' exchanges on all aspects of the management of the manuscript heritage. The effort resulted in the convening of the international workshop on "Manuscript Funds of Uzbekistan: Preservation, Cataloguing and Personnel Training" in Samarkand, June 2019. The participants were an inter-disciplinary group of scholars and specialists involved with theoretical and practical, scientific and technical aspects of the preservation and treatment of the funds of manuscripts. Their papers contributed to the workshop are collected in this book. They draw attention on current issues and challenges involved in this field, share knowledge on existing activities and best practices, appraise possibilities of competence development, and explore avenues of cooperation between institutions concerned within and between countries.

The academic and experts' forum that was established with this workshop has counterparts which we have convened and will convene in other countries that are members of the OIC and IRCICA. Organized with the necessary adjustments of scopes and methods in the context of each country or region of focus, these forums inspire and enrich each other with their examples. With the publication of their outcomes

as is done with the present book, they open new vistas of inter-country and inter-institutional collaboration for advancement in the study, conservation and valorization of the funds of manuscripts.

IRCICA steadily expands its research activities and international projects relating to collections of historical manuscripts. In its capacity as the cultural centre of the Organisation of Islamic Cooperation (OIC), IRCICA works on the history of science and learning, arts and architecture, and cultural heritage of its 56 member countries over their vast area across Asia, Africa, Eastern Europe and South America. With this mission, it deals with collections of Islamic manuscripts extensively and frequently as sources of historical information on one hand, and works of science and scholarship on the other. Its long-term research program of “Studies on Manuscripts” already bore fruit in a number of bibliographies and catalogues of collections of manuscripts prepared with regional and/or thematic focuses. Collections that were known, or discovered, to be important for academic studies or as heritage assets of the OIC member countries, including archives of official, institutional or personal documents and manuscripts authored as works of science or letters, are used by IRCICA as references for its research projects and/or examined and recorded in bibliographies and catalogues for the use of researchers. Within the framework of these activities, we devote special attention to the funds of manuscripts of Uzbekistan and entire Central Asia due to the richness of the intellectual and multicultural history of the region and the resulting remarkable significance of these funds from both viewpoints, i.e. as repositories of historical information and assets of the legacy of cultural history.

It has been a pleasure for IRCICA to collaborate with IBISRC through this workshop. The latter has been a significant step within the series of activities being coordinated jointly by the two institutions in the areas of culture and arts. I would like to take this opportunity to convey my thanks and appreciation to Assoc. Prof. Dr. Shovosil Ziyodov, Director of IBISRC, and his colleagues, for the excellent cooperation which resulted in the successful workshop leading to this publication. I also extend my thanks and appreciation to the contributors of the papers. The book will hopefully be useful source for further progress of the inexhaustible manuscript studies.

Кириш сўзи

Шовосил Зиёдов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

Шонли тарихимиздан маълумки, Мовароуннаҳр ҳудудидан кўплаб буюк мутафаккир ва алломалар етишиб чиққан. Улар нафақат ислом тамаддуни ривожига, балки жаҳон мамлакатлари илм-фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганлар.

Имом Бухорий, Абу ‘Исо Термизий ва Ҳаким Термизий, Бурхонуддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қафқол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу ‘Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳоларнинг номлари мангуликка даҳлдор.

Мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган даври мобайнида миллий кадрият, урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш, аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, илмий меросини чуқур ўрганиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўқувчи ва талабалар учун мўлжалланган дарсликларга бу даҳоларнинг ҳаёти ва ижоди, илмий мероси ҳақида маълумотлар киритилди. Аммо бу маълумотлар билан ёш авлод қалбида аждодларимизнинг бутун умри давомида амалга оширган эзгу ишлари, бой мероси ҳақида муайян даражада тасаввур уйғотиш мумкин, холос.

Президент Шавкат Мирзиёев бу жиҳатларни чуқур англаган ҳолда, юртимизда илм-фан ривожининг янги даврини бошлаб берди. Мактабгача таълимдан олий таълим ва ундан кейинги босқичларда ҳам тизимдаги ишларни замонавий ёндашув ва илмий, асосланган услубларга таянган ҳолда ташкил этишни замонанинг ўзи талаб қилаётгани бот-бот таъкидланмоқда.

Бу жараёнда, албатта, илмий тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис сўнгги икки йил давомида юртимиздаги таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тадқиқот ишларини рағбатлантириш,

илм аҳлига зарур шарт-шароит яратиб бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги тадқиқот муассасалари бунёд этилмоқда. Мавжудлари мукамал таъмирдан чиқарилмоқда, такомиллаштирилмоқда, энг сўнгги техника ва технологиялар билан жиҳозланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳам янгидан бунёд этилган ёш илмий-тадқиқот муассасасидир.

Шу ўринда Марказнинг ташкил этилиш тарихи, мақсад ва вазифалари, амалга ошираётган ишлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни жоиз топдик.

Президент Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ғоясини дастлаб Ислом Ҳамкорлиги Ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 2016 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган 43-сессияси очилиш маросимида сўзлаган нутқида илгари сурган эди. Ўшанда давлатимиз раҳбари Ислом Ҳамкорлиги Ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳамкорлигини янада кенгайтириш лозимлигига урғу бериб, Ўзбекистоннинг айрим ташаббусларини баён қилди.

Ана шундай эзгу ташаббуслардан бири «Юртимизда нафақат ислом маданияти, балки умумбашарий цивилизацияга беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг кўп қиррали диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этишдан иборат» бўлди.

Мазкур анжуманнинг ўзида давлатимиз раҳбари марказнинг Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ёнида яратилиши мантиқий иш бўлур эди, деган фикрни билдириб, бунинг бир қатор қулай омилларини санаб ўтди.

Биринчидан, Самарқанднинг мусулмон маданияти дурдоналаридан бири эканлиги билан боғлиқ дунё цивилизациясидаги мумтоз ўрни.

Иккинчидан, энг буюк мусулмон мутафаккирларидан бири, барча муҳаддислар амири Имом Бухорийнинг табаррук мақбараси жойлашган ушбу минтақага хос бўлган алоҳида маънавий-руҳий муҳит.

Ушбу ташаббус ва таклиф Ислом Ҳамкорлиги Ташкилотига аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг, 2017 йил 27 мартда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий илмий-тадқиқот

марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Марказ киска муддатда куриб битказилди. Бу ерда тадқиқотчилар учун барча қулайликлар яратилди.

Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳадис илми ривожига бекиёс ҳисса қўшган ватандошимиз Имом Бухорий ва бошқа мутафаккирларнинг улкан илмий ва диний меросини ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш орқали халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, ушбу мавзуларга доир илмий тадқиқотларни тизимли ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ислом цивилизациясининг умуминсоний кадрятлар, жумладан, халқимиз маънавияти ва маданияти ривожига тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, уларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш;
- ҳозирги глобаллашув жараёнида дунёда, минтақада ва мамлакатимиз ҳаётида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, унинг маърифий-маданий ролини ва ривожланиш йўналишларини илмий асосда ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш;
- мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва архив фондларида сақланаётган буюк алломаларимизнинг ижодий меросига оид ҳамда ислом дунёси учун муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган қўлёзма, тошбосма асарларнинг электрон нусхаларини тўплаш ва уларни келажак авлодга етказиш учун тизимли илмий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;
- ислом маданияти ва цивилизациясини илмий тадқиқ этиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида илмий-назарий ва услубий масалаларга бағишланган турли анжуманлар – конференция, симпозиум, кўрганма, семинар-тренинглари, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш;
- ислом динига оид илмий тарихий-маданий ва маънавий-маърифий мерос салоҳиятини, шу жумладан, қўлёзмалар ва архив фондларида сақланаётган манбаларни ҳисобга олган ҳолда, чуқур ўрганиш ва тадқиқот натижалари юзасидан қомуслар, каталоглар, альбомлар, илмий-оммабоп ҳужжатли фильмлар, ахборот-ресурс базасини тайёрлаш ва оммавий ахборот воситалари, хусусан, Интернетда эълон қилишни ташкил этиш;

- Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) ва мазкур соҳада хорижий давлатларда ташкил этилган марказлар билан ислом тарихи, фалсафаси, ҳуқуқи, манбашунослиги ва маданияти юзасидан илмий лойиҳалар, халқаро ҳамкорликдаги тадқиқотларни амалга ошириш ва унинг натижаларини нашр этиш;
- ислом тарихи ва маданияти йўналишидаги янги тадқиқотлар натижаларидан илмий-маданий жамоатчиликни кенг хабардор этиш ҳамда уларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича илмий-амалий ва услубий ўқувлар ташкил қилиш;
- «Жаҳолатга қарши – маърифат» ғояси асосида ислом динига нисбатан содир этилаётган асоссиз хуружларнинг олдини олиш, шунингдек, диний ақидапарастлик, мутаассиблик, экстремизм, миссионерлик, сохта тариқатлар ва жамоаларнинг мақсадлари, ғоявий-ақидавий негизлари, замонавий кўринишлари ва фаолият услубларини ўрганиш ва уларга қарши курашнинг илмий-маърифий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда қўллаш учун тавсия этиш.

Марказ ўтган давр мобайнида қатор ютуқ ва муваффақиятларга эришди. Биргина халқаро ҳамкорлик йўналишида йигирмага яқин нуфузли ислом ташкилоти, илмий-тадқиқот маркази, университет ва кутубхона фондлари билан ҳамкорликка оид меморандумлар имзоланди.

АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия, Германия, Саудия Арабистони, Миср, Туркия, Малайзия, Покистон, Ҳиндистондаги илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Хусусан, Буюк Британиянинг Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Кембриж университети, «Ал-Фурқон» фонди, Британия музейи, Британия кутубхонаси, Лондондаги Ислам маданияти маркази билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг 2019 йил 15 июнь куни Тожикистон Республикаси Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган бешинчи саммитида сўзлаган нутқида «Динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маърифат ва маданиятларни ўзаро бойитиш масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйиш» таклифини билдириб, «бунда Тошкентдаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази ва Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази самарали платформа» бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини таъкидлади.

Ўтган қисқа вақт давомида хорижий давлатларнинг таклифлари ва Марказнинг халқаро ҳамкорлик йўналишида эришган келишувлари асосида бешта халқаро даражадаги конференция ва анжуман ташкил этилди.

Марказда 2019 йил 21-22 июнь кунлари Ислом Ҳамкорлиги Ташкилотининг **Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази (ИРСИКА)** билан ҳамкорликда ўтказилган «Ўзбекистондаги қўлёзма фондлари: муҳофаза қилиш, каталоглаштириш ва мутахассислар малакасини ошириш» мавзусидаги халқаро семинар ҳам ана шулар жумласидандир.

Бугунги кунда юртимиздаги турли илмий-тадқиқот марказлари, қўлёзма фондлари, музей ва кутубхоналарда 100 мингдан ортиқ нодир қўлёзма ва тошбосма асар сақланмоқда. Улар асосан Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий каби алломаларнинг асарларидир.

Уларни сифатли сақлаш ва кенг тадқиқ этиш керак. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва хорижий тадқиқот марказлари фондларида қандай асарлар сақланаётганини ўрганишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Бугунги кунда барча қўлёзма фондлар ўзидаги мавжуд манбаларни каталоглаштирмоқда. Қайси фондларда ва марказларда қандай қўлёзмалар борлиги тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Президентимиз қўяётган вазифа ҳам ҳар бир соҳага янги инновацион ғояларни олиб кириш ва татбиқ этишдан иборат. Ўзбекистондаги қўлёзма фондларини рақамлаштириб, он-лайн тизимга ўтказиш ундан ҳар бир тадқиқотчи унумли фойдалана билишини таъминлайди. Шунда қайси фондда қандай қўлёзмалар борлигини аниқ билиш мумкин бўлади.

Халқаро семинарда исломшунос ва шарқшунос олимлар, илмий тадқиқотчилар орасида Ўзбекистондаги қўлёзма фондлари ва уларни муҳофаза қилиш, бошланғич тавсифлаш ва он-лайн каталоглаштириш, қўлёзмаларни илмий ўрганиш, нашр қилиш, алломалар ижоди ва қўлёзма мероси, хаттотлик санъати каби мавзулар юзасидан маърузалар тингланиб, фикр ва тажриба алмашилди.

Кўлингиздаги тўпلامда мазкур халқаро семинар иштирокчиларининг илмий мақолалари билан танишасиз.

Summary

The collection contains scholarly articles of 60 authors, based on their presentations at the joint international seminar of Research Centre for Islamic History, Art and Culture (IRCICA) and Imam Bukhari International Scientific-Research Center (IBISRC). The two-day seminar was attended by representatives of seven national museums, two national libraries, the Central State Archive of the Republic of Uzbekistan, five academic institutes, five research centers, four universities, the owners of private collections of Islamic manuscripts, as well as scientific institutions of the Muslim Board of Uzbekistan. The scholars came from various cities of Uzbekistan: Tashkent, Bukhara, Samarkand, Termidh, Nukus, Khiva, Urgench and Farghana. An exhibition of Islamic calligraphy was also organized, in which eminent calligraphers of Uzbekistan (Abdulghafur Razzaq Bukhari, Habibullo Solih, Jalil Ęrgashev, Saidmukhtor Okilov, Salimjon Badalboyev, Dr. Komiljon Rahimov) took part.

The articles of the first chapter discuss the history of the formation and development of 17 collections of Islamic manuscripts and documents in Uzbekistan: the thematic composition of manuscripts preserved there, the experience of their studies and publication, the history of cataloging funds.

The second chapter is devoted to the analysis of the experience of various centers in creating favorable conditions for the preservation of ancient manuscripts, their processing, restoration, digitization and the service of readers and researchers. Among the currently sought objectives are: the training and internship of young specialists, the purchase of special technical equipment, improving the conditions for preserving manuscripts, connecting to a global network for studying Islamic manuscripts, and reviving the traditions of local schools of Islamic calligraphy.

The third chapter presents the results of the work of Uzbek scholars studying the heritage of medieval scholars of Central Asia, based on ancient manuscripts and documents. New achievements are noted, and the importance of publishing catalogs of all the funds of Uzbekistan in hardback and online modes, internationalizing ongoing research, expanding cooperation between world centers for the preservation and study of Islamic manuscripts, documents and artifacts is underlined.

Хулоса

Тўпламга ИРСИКА ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг ҳамкор халқаро семинарида баён этилган тақдимотлар асосида ҳозирланган 60 муаллифнинг илмий мақолалари киритилган. Мазкур икки кунлик семинарда етти та миллий музей, иккита миллий кутубхона, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, бешта академик институтлар, бешта илмий-тадқиқот марказлари, тўртта университет, мусулмон қўлёзмаларининг шахсий коллекция соҳиблари, шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг илмий муассасалари вакиллари иштирок этдилар. Қатнашчилар Ўзбекистоннинг Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Термиз, Нукус, Хива, Урганч ва Фарғона каби шаҳарларидан келдилар. Семинар давомида ислом хаттотлик кўргазмаси ҳам ташкил этилган бўлиб, унда Ўзбекистоннинг таниқли хаттотлари (Абдулғафур Раззоқ Бухорий, Ҳабибулло Солиҳ, Жалил Эргашев, Саидмухтор Оқилов, Салимжон Бадалбоев, PhD доктори Комилжон Раҳимовлар) иштирок этдилар.

Биринчи бўлимда жой олган мақолаларда Ўзбекистондаги 17 та исломий қўлёзмалар ва ҳужжатлар фондларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, уларда сақланаётган қўлёзмаларнинг тематик мавзулар бўйича таркиби, нодир манбаларни ўрганиш ва нашр этиш тажрибаси, қўлёзма каталогларини яратиш жараёнлари таҳлил қилинди.

Иккинчи бўлим қадимий қўлёзмаларни сақлаш, қайта ишлаш, реставрация қилиш, рақамлаштириш ва китобхонлар, тадқиқотчиларга хизмат кўрсатиш учун турли марказларнинг иш тажрибасини таҳлил қилишга бағишланди.

Учинчи бўлимда қадимги қўлёзмалар ва ҳужжатлар асосида ўрта аср мутафаккирларининг меросини ўрганаётган тадқиқотчиларнинг янги илмий ишлари хулосалари ва натижалари берилган. Унда Ўзбекистондаги барча фондлар каталогларини китоб ҳолида ва онлайн режимда нашр этиш, олиб борилаётган изланишларни байналмилаллаштириш, ислом маданиятига тааллуқли бўлган қўлёзмалар, ҳужжатлар ва артефактларни асраб-авайлаб сақлаш ва тадқиқ қилиш йўлида жаҳон илмий марказлари билан ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Аннотация

Сборник содержит научные статьи 60 авторов, подготовленные на основе их выступлений на совместном международном семинаре ИРСИКА и Международного научно-исследовательского центра Имама Бухари. На двухдневном семинаре приняли участие представители семи национальных музеев, двух национальных библиотек, Центрального государственного архива Республики Узбекистан, пяти академических институтов, пяти научно-исследовательских центров, четырех университетов, владельцы частных коллекций исламских рукописей, а также научных учреждений Управления мусульман Узбекистана. Они представляли такие города Узбекистана, как Ташкент, Бухара, Самарканд, Термиз, Нукус, Хива, Ургенч и Фергана. Также была организована выставка исламской каллиграфии, в которой приняли участие именитые каллиграфы Узбекистана.

В статьях первого раздела рассматриваются история формирования и развития 17 фондов исламских рукописей и документов в Узбекистане, тематический состав хранящихся там рукописных сочинений, опыт их изучения и публикации, процессы каталогизации собраний.

Второй раздел посвящен анализу опыта различных центров в создании благоприятных условий для хранения древних рукописей, их обработки, реставрации, цифровизации (дигитализации фондов) и обслуживания читателей и исследователей. К числу ныне решаемых проблем относятся обучение и стажировка специалистов, приобретение технического оборудования, улучшение условий хранения рукописей, подключение к мировой сети изучения исламских рукописей, возрождение традиций местных школ исламской каллиграфии.

В третьем разделе представлены новые результаты работ узбекских исследователей по изучению наследия средневековых ученых. Отмечаются новые достижения, необходимость публикации каталогов всех фондов Узбекистана в книжном и онлайн режимах, интернационализации ведущихся исследований, расширения сотрудничества между мировыми центрами хранения и изучения исламских рукописей, документов и артефактов.

CHAPTER I
MANUSCRIPT FUNDS IN UZBEKISTAN

БЎЛИМ I
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚЎЛЁЗМА ФОНДЛАРИ

ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ МАНБАЛАР ХАЗИНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАР

Шовосил Юнусович Зиёдов*

Имом Бухорий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш таклифини илк бор президент Шавкат Мирзиёев 2016 йили Ислоҳ Ҳамкорлик Ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43–сессияси очилиш маросимида илгари сурган эди. Ўтган қисқа давр ичида барча шароитларга эга маърифат маскани янгидан барпо этилди.

Марказда алломаларнинг бебаҳо меросини ўрганишда ўзига хос мактаб яратган буюк муҳаддислар – Имом Бухорий, Имом Термизий, улуғ фақиҳлар Бурҳониддин Маргиноний, Абу-л-Лайс Самарқандий, калом илмининг буюк мутафаккирлари Абу Мансур Мотуридий, Абу-л-Му‘ин Насафий каби аждодлар бой меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш ва илмининг шу соҳалари бўйича мукамал билимга эга бўлган етук мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш учун барча керакли шароитлар яратилган.

Юз йиллар давомида маънавий бойлигимизни ўзида мужассам этган қўлёзма асарларни излаб топиш, тадқиқ қилиш ва нашр этиш ҳозирги кунда долзарб масалалардан биридир. Унинг муҳим жиҳатларидан бири асрлар давомида мутафаккирларимизнинг ноёб ёзма мерослари, яъни маънавий мулки қўлёзма манбаларда сақланиб қолган. Бундай улкан мерос янги авлодлар учун катта илм манбаи ва келажақдаги тадқиқотлар учун муҳим манба сифатида хизмат қилади. Шундай экан, давримизгача етиб келган бундай бой маънавий меросни тадқиқ этиш ва кенг илмий жамоатчиликка етказиш биз ёшларнинг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоғи лозим.

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари номзоди, доцент

Ҳозирда республикамиз қўлёзма фондларида 100 минглаб қўлёзмалар сақланмоқда, шулардан бири – Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Манбалар хазинаси.

Марказда илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш мақсадида маънавий меросимиз дурдоналари бўлган қўлёзма ва тошбосма асарлар фонди ташкил этилган. Ҳозирда Марказнинг Манбалар хазинасидаги китобларнинг умумий сони 700 дан зиёд. Шундан – 231 жилд қўлёзма китоб бўлиб, уларда 382 дона асар жамланган.

Уларнинг 50 донаси Қуръони карим ва тажвид йўналишидаги ноёб қўлёзмалар ҳисобланади. Тафсирга оид тўққизта, ҳадисга оид саккизта, калом илмига оид 40 та, фикҳга оид 92 та, тасаввуфга оид 13 та, мантик илмига оид 11 та, араб грамматикасига оид 72 та, назмий асарлар 38 та, ижтимоий ахлоққа доир 16 та ва тарихга оид 10 дона қўлёзма асарлар мавжуд. Манбалар хазинасида 385 дона тошбосма асарлар ҳамда 125 дона даврий нашрлар сақланади.

Ўтган йиллар давомида Марказнинг Манбалар хазинаси доимий янги асарлар билан бойитиб борилмоқда. Бу ишлар аҳолидан харид қилинган ноёб асарлар ва республикамиз фуқаролари томонидан ҳадия тариқасида тақдим этилган китоблар ҳисобига амалга оширилмоқда. Хазинада тўпланган асарлар асосан уч йўналишга эга. Қўлёзма, тошбосма асарлар ва замонавий нашрий китоблар. Манбалар хазинасига тўпланган қўлёзмалар мавзулари жиҳатидан исломий илмларнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган. Мавжуд китоблар, асосан, XIV–XX асрнинг бошларида кўчирилган ва нашр қилинган бўлиб, улар Қуръони каримнинг кўплаб нусхалари ва тафсирлари, ҳадис ва ҳадисшунослик илмига оид манбалар, фикҳ, калом, ислом тарихи ва фалсафаси, мантик, наҳв-сарф илмлари, назмий асарлар, қиссалар, ҳикматлар, балоғат илмига оид асарлар ҳисобланади.

Даврий нуктаи назардан Манбалар хазинасида сақланаётган энг «кўҳна» қўлёзма нусха (инв. № 31) Мовароуннаҳр тафсир мактаби намояндаси Абу-л-Баракот ан-Насафий (1232–1310) нинг «Мадорик ат-танзил» асари бўлиб, унинг қўлёзма шаклдаги иккинчи жуз’и мавжуд [1, б. 199-210]. Мазкур қўлёзма асарда «Марйам» сурасидан бошлаб, то «Ва-с-соффот» суралари баён қилинган. Минг афсуски, асарнинг биринчи ва иккинчи жуз’ларидаги «Ва-с-соффот» сурасидан кейинги қисмлар биздаги қўлёзмада мавжуд эмас. «Марйам» сурасининг бошдаги биринчи беш варағи бу манбадан

эмас. Бу нодир асар 28x17 см ўлчамда бўлиб, 332 varaқни ташкил этади ва кодикологик жиҳатларга қараганда тахминан XIII асрда кўчирилган.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Манбалар хазинасидаги яна бир эътиборли қўлёзма (инв. 78) бу ‘Убайдуллоҳ ибн Мас‘уд (ваф. 1346 й.) нинг «Мухтасар ал-виқоёйа» асарининг туркий таржимаси бўлиб, таржимони номаълум, 976/1628–1629 йилларда ‘Абду Рози ибн ‘Абд ар-Раҳмон томонидан кўчирилган. 192 varaқдан иборат.

Манбалар хазинасида (инв. № 7) рақами билан сақланаётган қўлёзма Бурҳон ад-дин ал-Марғиноний (ваф. 1197 й.) қаламига мансуб «ал-Ҳидойа» асарининг [2, б. 210-228] нусхасидир [Илл. 1]. «Ҳидойа» асари ҳанафий фикҳига оид мўътабар асар бўлиб [3, том IV, № 3083-3097; 4, № 20-24], асрлар мобайнида бутун ислом оламида мадрасаларда ҳанафий фикҳини ўқитиш бўйича қўлланма сифатида фойдаланилган. Нусха хаттот Аҳмад-хўжа ибн Баҳодир-хўжа Эшон томонидан 1242/1827 йилда кўчирилган [Илл. 2].

Маҳмуд Замахшарий (ваф. 538/1144 й.) нинг «Фасл фи-л-хуруф» асарининг бир нусхаси (№ 62/II) рақами остида сақланади [5, б. 284-296; 6, SB I, 511; 3, том I, № 424-427; 4, № 95]. Асар араб тили грамматикаси (наҳв) га оид бўлиб, араб тилида ёзилган. Асрлар давомида мадрасаларда араб тилшунослиги бўйича асосий дарсликлардан бири ҳисобланган. Етти varaқдан иборат бўлган асар грамматикага оид рисоалар билан биргаликда бир тўплам таркибида тахминан XIX асрда кўчирилган.

Абу ‘Исо Термизий (ваф. 892 й.) қаламига мансуб «Шамо’ил муҳаммадийа» асарининг нусхаси инв. № 71/VIII рақами остида сақланади [7, б. 33-50]. Нусханинг бош ва охириги қисмларида ноқислик бор. Асарда Муҳаммад пайгамбарнинг ҳаёти, сифатлари, юриш-туришлари, умуман, у зотга тааллуқли ҳадислар тўпланган.

Шунингдек, тасаввуфий олим, шоир Фарид ад-дин ‘Аттор (ваф. 618/1221 й.) нинг форс тилида ёзилган «Мантиқ ат-тайр» асари қимматли манба ҳисобланади [3, том II, № 858–865] ва бу асар № 96/II рақам остида сақланмоқда. Мазкур асарда Фарид ад-дин ‘Аттор семурғ куш бошчилигида ўттиз кушнинг сайру саёҳатини тасаввуфий ишоралар билан тасвирлаган. Мазкур асардан таъсирланиб, Алишер Навоий ўзининг «Лисон ат-тайр» асарини яратган.

«Тафсир ал-Қур’он» Мавлоно Йа‘қуб Чархий (ваф. 1439 ёки 1447 й.) томонидан ёзилган илк форсча тафсир бўлиб [8], у марказ Манбалар

хазинасида № 10 рақами остида сақланмоқда ва бу қўлёзма хаттот Мирзо ‘Абд ал-Карим ибн Эшон Шариф-хўжа Бухорий томонидан кўчирилган.

«Маноқиб-и Махдум-и А‘зам» номли агиографик жанрда номаълум муаллиф томонидан битилган асар № 72/II рақами остида сақланади. 13 варақдан иборат асарда Махдум-и А‘зам аждод ва авлодлари силсиласи, шажараси, тасаввуфдаги ўрни, айрим кароматлари тасвирланган. Унга Махдум-и А‘замнинг насиҳат ва муқаддас ўғитлари ҳам кўшилган [9]. Нусха 1304/1886 йил кўчирилган бўлиб, хаттоти номаълум.

Шунингдек, марказдаги музейда икки қўлёзма китоб мавжуд. Улардан бири Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмо‘ил Бухорийнинг XVIII асрда кўчирилган «Саҳиҳ ал-Бухорий» асари бўлиб, наста‘лик хатида ёзилган. Хаттоти номаълум. Шу кунга қадар мазкур нусха Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланган (ЎМИ, № 412). Нусха 1720 йил кўчирилган, 30х20 см ўлчамда, 619 варақдан иборат.

Яна бири насабнома шажараси бўлиб, орқасига оқ мато ёпиштирилган. Ушбу насабнома ҳам шарқ қоғозига кўчирилган бўлиб, узунлиги 320 см. Эни 30 см. Насабноманинг дастлабки 55 қатори араб-форс тилида. Унда хутба, Пайғамбар авлодларини улуғлайдиган ҳадис ва нақллар унда ўрин олган.

1-бўлим. Одам Атодан Пайғамбаримиз ‘алайҳи-с-саломгача бўлган насаб 20 қаторда жойлашган (55 қатор).

2-бўлим. Пайғамбаримиздан бошланиб, Зайн ал-‘Обидингача бўлган насаб қисми (21 қатор).

3-бўлим. Пайғамбаримиз набиралари, Ҳазрати ‘Алининг фарзандлари Ҳасан ва Ҳусайн борасида уларни улуғлайдиган шеър. Бу ерда Пайғамбаримиз кизлари Фотима исмлари ҳам ёдга олинади (55 қатор).

4-бўлим. Иброҳим ‘алайҳи-с-салом ҳақида кичик ҳамдлар (20 қатор).

Ҳошияда матндан қолиб кетган гап-сўзлар, баъзи шахсларнинг вафоти, ўтган вақти та’рихи қайд этилган. Насабнома араб ва форс тилида йирик наста‘лик хатида, қора рангда китобат қилинган. Насабномага роппа-роса 12 та муҳр урилган. Ҳошия жадвалсиз битилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур қўлёзмалар хазинасида қатор юртимиздан етишиб чиққан алломаларнинг асарлари ўрин олган. Улар сирасида Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу ‘Исо ат-Термизий, Абу-л-Баракот ан-Насафий, ‘Убайдуллоҳ ибн Мас‘уд ал-Бухорий, Бурҳон ад-дин ал-Маргиноний ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Манбалар хазинасида 400 га яқин XVIII–XIX асрларга оид нодир тошбосма асарлар сақланади. Улар орасида Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмо‘ил Бухорийнинг XIX аср охирларида чоп қилинган «Саҳиҳ ал-Бухорий» ва мазкур асарнинг энг мўътабар ва машхур шарҳларидан бири Бадр ад-дин Маҳмуд ибн Аҳмад ал-‘Айнийнинг 10 жилдли «‘Умдат ал-кори шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий» китоби мавжуддир. Манбалар хазинасида 12 жилдли «Фатҳ ал-Бори фи шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий» асари ҳам мавжуд. Бу шарҳ Шихоб ад-дин Аҳмад ибн Ҳажар ал-‘Асқалоний қаламига мансуб бўлиб, Имом Бухорийнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» ҳадис тўпламининг энг мўътабар шарҳи ҳисобланади.

«Тафсир руҳ ал-байон» китоби тўрт жилддан иборат ва Исмо‘ил Ҳақкий ал-Бурсавий муаллифлигида ёзилган бўлиб, у тасаввуфий тафсир йўналишида тасниф этилган асар ҳисобланади. Тафсирнинг 1-жилди «Фотиҳа» сурасидан «Тавба» сурасигача, 2-жилди «Йунус» сурасидан «‘Анкабут» сурасигача, 3-жилди «Рум» сурасидан «Муҳаммад» сурасигача, 4-жилди эса «Фатҳ» сурасидан Қуръони карим охиригача бўлган сураларни ўз ичига қамраб олган.

Булардан ташқари Манбалар хазинасида китобларнинг қатта қисмини ислом тарихи, ҳадис, Қуръони карим, ҳадис, калом илмига оид замонавий нашрлар ташкил этади.

Замонавий нашрлар орасида Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмо‘ил Бухорийнинг «Саҳиҳ ал-Бухорий» ва «ал-Адаб ал-муфрад», Шайх ал-ислом Муҳаммад ал-‘Аббосий ал-Маҳдийнинг «ал-Фатова ал-маҳдийа», Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғазолийнинг беш жилдлик «Иҳйо‘ ‘улум ад-дин» асари, Имом Муслимнинг «Саҳиҳ Муслим» асари ва бошқа кўплаб даврий нашрлар мавжуд.

Манбалар хазинасида қўлёзмалар фондлари учун яратилган шароитлар намунавий меъёрларга мувофиқ келади ва унга ҳавонинг мўътадиллигини бир хил қилиш ускунаси ҳамда қўлёзмаларни сақлаш учун махсус мослама кутилар келтирилган.

Ушбу хазина – бебаҳо бойлик, ёш ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, керак бўлса, янги кашфиётлар учун ажойиб материалдир. Давримизгача етиб келган бу бой меросдан бутун башарият равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланиш, сақлаш бизнинг вазифамиздир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг устувор йўналишларидан бири ушбу

қўлёзмалар хазинасида сақланаётган манбаларни, биринчи навбатда, сақлаш, ўрганиш, каталоглаштириш [10] ҳамда улар устида илмий тадқиқотлар олиб боришдир.

Шу муносабат билан марказ жисмоний ва юридик шахсларда сақланаётган, ислом динига оид, қадимий, ноёб қўлёзма асарларни халқимиздан келишган ҳолда, белгиланган тартибда харид қилишни ҳам йўлга қўймоқда. Ўйлаймизки, тез орада мазкур йўналиш бўйича аҳоли қўлида мавжуд, сақлаш учун керакли шароитлар таъмин этилмаган қўлёзмалар марказ фондидан ўрин олади.

Адабиётлар:

1. Абу-л-Баракот ан-Насафий // Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Тошкент: Имом Бухорий халқаро маркази, «Маънавият», «Мовароуннаҳр», 2010. – Б. 199-210.
2. Бурхониддин ал-Марғилоний // Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Тошкент: Имом Бухорий халқаро маркази, «Маънавият», «Мовароуннаҳр», 2010. – Б. 210-228.
3. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР: в 11 томах. Ташкент, 1952-1987.
4. *Manuscrits en écriture arabe du Musée régional de Nukus* (République autonome du Karakalpakstan, Ouzbékistan): Fonds arabe, persan, turkī et karakalpak / Ashirbek Muminov, Maria Szuppe et Abdusalim Idrisov, eds., avec la collaboration de Shovosil Ziyodov. Rome, 2007. № 20-24, p.83-89.
5. Махмуд Замахшарий // Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Тошкент: Имом Бухорий халқаро маркази, «Маънавият», «Мовароуннаҳр», 2010. – Б. 284-296.
6. Brockelmann C. *Geschichte der arabischen Litteratur*. Band I-II. Weimar-Berlin, 1898-1902. Zweite den Supplementbänden angepasste Auflage. Band I-II. Leiden, 1943-1949. Supplementbände I-III. Leiden, 1937-1942.
7. Абу Исо Термизий // Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Тошкент: Имом Бухорий халқаро маркази, «Маънавият», «Мовароуннаҳр», 2010. – Б. 33-50.
8. Мовароуннаҳр туркий тафсирлар тарихидан (таржима-и тафсир-и Чархий) / Сўзбоши, табдил, изоҳ ва мавзу кўрсаткичлари муаллифлари: т.ф.н. Усмонов И., Саидова Г. Тошкент: Мовароуннаҳр нашриёти, 2012.
9. Тўраев Б. Маҳдуми Аъзам – мутафаккир. Самарканд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2014.
10. Зиёдов Ш. (лойиҳа раҳбари). Имом Бухорий халқаро маркази қўлёзмалар каталоги. Самарканд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2018. – 688 бет.

ГОСУДАРСТВЕННЫЕ И ЧАСТНЫЕ СОБРАНИЯ АРАБОГРАФИЧНЫХ РУКОПИСЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аширбек Курбанович Муминов*

Вступление**

Узбекистан ныне располагается на той территории, где находились столицы и основные городские центры трех государств-ханств поздней Центральной Азии: Хивы, Бухары и Коканда. В письменных источниках имеется множество рассказов про крупные библиотеки различных средневековых правителей или известные общественные (вакфные) фонды при медресе и мечетях, а также о частных собраниях книг. 1870 год является примечательной датой в судьбе рукописных фондов в Центральной Азии. С этого времени рукописные книги стали собираться в государственные учреждения нового типа, также началось их научное изучение. Некоторые государственные фонды Узбекистана, которые прежде обычно рассматривались в качестве составной части собраний бывшего Советского Союза, описаны в статьях обобщающего характера [56, с. 92-93; 25; 15, с.

* Исследовательский центр по исламской истории, искусству и культуре, доктор исторических наук. Перевод статьи с французского на русский язык: Muminov, Ashirbek. "Fonds nationaux et collections privées de manuscrits en écriture arabe de l'Ouzbékistan", in: *Cahiers d'Asie centrale*, vol. 7 (1999): Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l'Asie centrale islamique / Sous la direction d'Ashirbek Muminov, Francis Richard et Maria Szuppe, pp. 17-38. Были внесены частичные дополнения, касающиеся названий осуществленных изданий тех работ, которые в прежней публикации упомянуты как находящиеся в печати. Благодарим директора ИФЕАКа доктора Адриана Фова (Adrien Fauve) за его любезное содействие к публикации русского перевода данной статьи (23.10.2020 г.).

** Статья была подготовлена на основе материалов, выявленных в ходе подготовки и проведения серии конференций под общим названием «Фонды рукописей Узбекистана и их роль в изучении исламской культуры в Центральной Азии» (*Les fonds de l'Ouzbékistan et leur rôle dans l'étude de la culture islamique en Asie centrale*), которая была представлена в апреле 1998 года в Практической школе высших исследований в Париже в рамках семинара «Древности и арабская кодикология» (*Antiquités et codicologie arabes*) под руководством профессора Ф. Дероша (François Déroche).

233-237; 49, с. 256-289; 11; 37, с. 228-251; 2, с. 692-695; 46, с. 200-202; 6, с. 32-35; 1, с. 607-625]. В этих публикациях упоминается в общей сложности 21 фонд, два из которых уже перестали существовать в наше время. Что касается частных коллекций, ставших известными в XIX в., то они частично были изучены со стороны исследователей царской России [22; 23]. Естественно, в последние годы появляются новые сведения о рукописных фондах, которые оставались доселе неизвестными. В деле изучения старинных библиотек накоплен определенный опыт со своими достижениями и недостатками. В целях близкого ознакомления с рукописными фондами, располагающимися в трех разных регионах Узбекистана (Фергана, Центральный регион и Хорезм), нами были осуществлены полевые исследования. В ходе этих поездок мы смогли осмотреть как библиотеки государственные, так и религиозных организаций, а также несколько частных собраний.* Как правило, в своем большинстве рукописи сконцентрированы в столице Узбекистана – Ташкенте.

Ташкент

В общем, в столице насчитываются десять государственных учреждений, хранящих рукописи, а также библиотека Управления мусульман Узбекистана и десятки частных собраний рукописей. Самый крупный и самый богатый фонд находится в Институте востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Институт востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан (25954 рукописных тома и 4860 документов)

Адрес: Ташкент, 100170, ул. Мирзо Улугбек, 79.

История формирования фонда: Фонд формировался в два этапа: 1) в качестве составной части Публичной библиотеки; 2) в составе самостоятельного института.

1) С момента открытия Публичной библиотеки Ташкента в 1870 году

* Две франко-узбекские экспедиции под руководством доктора Марии Шупе (Maria Szuppe) были организованы при содействии ФИИЦА (IFEAC – Institut français d'études sur l'Asie centrale) с участием местных специалистов: в Ферганскую долину (август 1997 г.; приняли участие А.К. Муминов и Б.М. Бабаджанов) и на юг Узбекистана (август 1998 г.; приняли участие А.К. Муминов и А.С. Эркинов).

началось коллекционирование рукописей. В 1889 году фонд рукописей состоял из 68 томов, которые включали в себя 126 названий работ. Первый научный каталог этих рукописей был составлен и опубликован в XIX веке [30]. В 1895 году библиотека уже содержала более 90 томов [статьи Н.В. Дмитровского, см.: 63, год 1895, № 33, 34, 37]. Рукописный «Каталог рукописей Туркестанской публичной библиотеки», сохранившийся в настоящее время в Институте востоковедения, был составлен в 1912 году со стороны А.А. Семенова в качестве дополнения к каталогу Е. Каля. Он содержит описание 231 рукописи и 656 книг, изданных литографическим способом. За это время собрание выросло за счет принятия коллекции рукописей из библиотеки Мухаммад-‘Али Сабирова (Дукчи-Ишана), конфискованной в 1898 году в количестве 213 томов рукописей [20]. Эта коллекция прежде находилась в ведении Туркестанского кружка любителей археологии, организованного в 1895 году. Между 1900–1902 годами часть этой конфискованной коллекции была отправлена в Санкт-Петербург.

По постановлению Совета народных комиссаров УзССР от 26 апреля 1933 г. «Об объединении республиканских рукописных фондов» в Отдел восточных рукописей Государственной публичной библиотеки были переданы собрания рукописей следующих учреждений: 1) Узбекистанского научно-исследовательского института в г. Самарканде; 2) Библиотеки имени Ибн Сины в г. Бухаре; 3) библиотеки хивинских ханов; 4) собрания Мухаммада Парса из бывшей Бухарской центральной библиотеки и т.д. В последующие годы сюда попала частная коллекция казиза Ташкента Мухийд-дина. В 1933 году была приобретена коллекция В.Л. Вяткина в количестве 273 томов [45], а в 1934 году – коллекции Рахманова (143 тома), ‘Абд ар-Ра’уфа Фитрата (150 томов), в составе которой было сочинение «Кутадгу билиг», переписанное уйгурским письмом, а также Хади Зарифова (40 томов). В тот момент библиотека насчитывала 4000 томов рукописей [57]. В 1936 году коллекция последнего кази-калана Бухары Мирза Мухаммад-Шарифа Садр-и Зийа’ (1867–1932) была перевезена в Государственную публичную библиотеку в количестве около 300 томов [12].

2) В связи с образованием 3 ноября 1943 г. Академии наук Узбекской ССР весь Отдел восточных рукописей Государственной публичной библиотеки был преобразован в Институт по изучению восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Также ему были переданы собрания рукописей

Фундаментальной библиотеки Академии наук Узбекской ССР, остатки библиотеки хивинских ханов, некоторых хивинских конфессиональных учреждений.

В 1950 году Институт по изучению восточных рукописей был переименован в Институт востоковедения. В 1957 году ему было присвоено имя ученого-энциклопедиста Абу Райхана Беруни.

В течение долгого периода государство выделяло средства для приобретения рукописей у населения. В 1950 году была приобретена коллекция Мусы Саиджанова из Бухары. В 1958 году количество рукописей в этом фонде достигло 15500 томов [55, с. 915]. К началу 1990-х годов количество рукописей составило 18594 тома [46, с. 201].

В мае 1998 года правительство приняло решение о ликвидации Института рукописей имени Хамида Сулайманова Академии наук и передачи его фондов рукописей и редких книг в Институт востоковедения. Таким образом, 7329 томов рукописных книг (250 томов были оставлены в Музее литературы имени Алишера Навои) и более 7000 томов книг, изданных литографическим способом, стали частью фонда Института востоковедения.

Состав фондов. Рукописи не разделены по языковому признаку, что является главной особенностью этого фонда. Существующий принцип классификации фонда, очевидно, привел к отсутствию информации по количеству произведений, содержащихся в рукописных книгах. Специалисты оценочно считают, что 40 % фонда составляют труды на арабском языке, 40 % – на персидском языке и около 20 % – на тюрки (чагатайском). Также существуют редкие произведения на урду (№ 1027, 5284), на иврите (№ 3345) и на пашто (№ 4252). Самыми древними рукописями считаются древние недатированные списки Корана (№ 579, почерком *куфи* на бумаге и № 11604, тем же почерком на пергамене). Специалисты ориентировочно относят их к X веку, исходя их палеографических характеристик. К сегодняшнему дню мы располагаем сведениями о том, что более 300 рукописей датированы периодом перед 28 *джумада* I 905/1 января 1500 года [Описания некоторых древних рукописей были опубликованы в: 8, фишки № 235, 236, 237, 238, 239 и 240, подписанные нами и доктором Ш.Ю. Зиядовым. Другие описания изданы в: 7].

Фонд книг на арабском письме, изданных литографическим способом, (более 37000 томов) располагает ценными экземплярами. Однако, в состав

литографированных книг записаны типографские и другие книги, что создает дополнительные трудности для отдельного их изучения в качестве книг, изданных литографическим способом. По мнению покойного профессора Асама Урунбаева, данный фонд располагает полным комплектом всех центральноазиатских литографированных изданий, опубликованных между 1870–1930-ми годами в Кагане, Коканде, Самарканде, Фергане, Ташкенте и Хиве.

В Институте имеется также фонд микрофильмов, где, по информации руководителя этого подразделения, хранятся копии рукописных книг, как из своего фонда (около 6000), так и из других фондов (около 500).

Степень изученности. Составлены несколько картотечных ящиков на арабском письме, отдельно для основного фонда (ИВРУ-1) и дублетного фонда (ИВРУ-2). Карточки на рукописи (фишки) содержат следующие данные: 1) инвентарный номер; 2) имя автора; 3) название произведения; 4) тематика и т.д. Для основного фонда (ИВРУ-1) отмечена цифра 13378, а для дублетного фонда (ИВРУ-2) – 5247 номеров. Новый фонд «Хамида Сулайманова» (ИВРУ-3) включает в себя 7329 номеров. Фонд архивных документов (ИВРУ-4) не располагает ящичной картотекой для обслуживания читателей. Согласно инвентарной книге, он содержит около 4860 единиц хранения; из них около 3147 документов были приобретены в период до 1991 года. Они содержатся в 91 папке. Остальные 1713 документов были приобретены в 1992 году [впоследствии был издан каталог этих документов: 32]. Следует отметить, что все рукописи, переведенные сюда из ликвидированного Института рукописей Академии наук, сохранили свои старые инвентарные номера.

В итоге всего 30814 единиц хранения на сегодняшний день доступны в Институте востоковедения для читателей.

Пятнадцать томов каталогов описания рукописей из этого фонда опубликованы до нашего времени [58; 59; 31]. Эти публикации содержат в общем количестве 11474 статьи (описания). Тематика и количество описанных работ выглядят в следующей форме: 1) художественная литература, 6340; 2) ислам, 1435; 3) суфизм, 962; 4) история, 553; 5) философия (фалсафа), 320; 6) медицина, 430; 7) точные и естественные науки, 309; 8) филология, 313; 9) география и космография, 140; 10) искусство, 57; 11) мемуары, рассказы о путешествиях, биографии и переписки, 173; 12) энциклопедии, 32; 13)

окультурные науки, 66.

14 рукописей, происходящих их Йемена, были изучены В.И. Беляевым [21, с. 35-72]. Опубликованы восемь томов отдельных каталогов работ ‘Абд ар-Рахмана Джами, ‘Алишера Навои, Хусрава Дехлави, Абу Насра ал-Фараби и Ибн Сины. Вышли два тома, описывающие источники по периоду русских завоеваний в Центральной Азии, и по братству Накшбандийа [53; 26; 64; 40; 29; 38; 24; 43]. Также опубликованы каталоги на восточных языках, осуществленные по изданным материалам «Собрания восточных рукописей» (СВР) [36; 73; 61].

Можно констатировать, что несмотря на публикацию всех этих известных каталогов и многочисленных описательных статей, фонд института остается малоизученным [39; 14; 65; 34]. Подготовка и публикация «краткого каталога» всего фонда, построенного по языковому принципу, как нам кажется, является необходимой актуальной научной задачей.

2. Центральный государственный архив (ЦГА) Республики Узбекистан (400000 документов)

Адрес: Ташкент, улица Чиланзарская, 2.

В 1958 году Центральный государственный архив владел более 700 фондами, которые содержали 400000 единиц хранения [55, с. 917]. Различные типы документов, исполненных на арабском письме, находятся в специальных папках, среди которых можно упомянуть следующие:

1) Административные дела и налоги публичных учреждений провинциальных властей; 2) Дипломатическая часть канцелярии генерал-губернатора Туркестана; 3) Первый и третий департаменты этой канцелярии; 4) Дипломатические отделы генерал-губернатора Туркестана; 5) Политическое агентство и резидентура России в Бухаре; 6) Канцелярия кушбеги Бухары; 7) Канцелярия хивинских ханов; 8) Управляющий Амударьинском отделом; 9) Книги, содержащие решение казиев по делам криминального права и общего права, содержащие проблемы наследства и жалоб, которые были зарегистрированы по различному поводу.

В 1962 году архивы хивинских и кокандских ханов были перемещены в ЦГА. Каталог, содержащий около 5000 документов из архива кокандских ханов, как и другой каталог, содержащий часть архива хивинских ханов, были опубликованы [62; 28]. Фонд архива кушбеги насчитывает 2655 папок

с 100956 документами. Документы относятся к 28 типам [17].

3. Управление мусульман Узбекистана (2300)

Адрес: Ташкент, 100002, улица Заркайнар, 103.

Рукописный фонд размещается в здании библиотеки Управления мусульман Узбекистана. Фонд начал формироваться в 1943 году в качестве собрания Духовного управления мусульман Средней Азии и Казахстана (САДУМ). Он был основан Ишаном Бабаханом Абдулмаджидхановым, первым муфтием (1943–1957) – председателем Духовного управления, который безвозмездно передал свою частную библиотеку в это учреждение. Фонд продолжал расти благодаря усилиям последующего муфтия Зияутдина Бабаханова (1957–1982), который отдавал часть своей заработной платы для покупки рукописей у населения. Много людей сдавали свои книги для расширения фонда на безвозмездной основе. В настоящее время в инвентарной книге записано около 2300 томов рукописей. Согласно сведениям бывшего заместителя муфтия Управления мусульман Узбекистана Абдулгани Абдуллаева, в 1970-х годах в фонде значились более 3000 томов. По причине некомпетентности библиотекарей определенное количество рукописей было утеряно.

Самая древняя рукопись этого фонда «Мусхаф ‘Усмана» [71; 70; 67; 50; 4]. Этот фонд имеет много других списков Корана, произведений по тафсиру, сборников хадисов, традиционных учебников по арабской филологии, произведений по каламу, фикху, логике и т.д.

Кроме инвентарной книги библиотека не располагает другой документацией, касающейся рукописей. В рукописях даже не оттиснута печать библиотеки. 32 математических трактата, содержащиеся в рукописях фонда, были описаны Ибадовым [27].

4. Национальный университет Узбекистана (408)

Адрес: Ташкент, 100095, Вузгородок, научная библиотека НУУ.

Фонд хранится в здании Научной библиотеки НУУ. Он сформировался из старого фонда Туркестанского Восточного института, состоявшего, в свою очередь, из коллекций Туркестанской учительской семинарии и генерала Джурабека (23 рукописи) [19], а также случайных приобретений, сделанных в 1920–1930-х годах.

В инвентарной книге записано 447 рукописей и 898 книг, изданных

литографическим способом. В настоящий момент из них уцелели 408 томов рукописей и 802 литографии [72]. Часть рукописей утеряна по неизвестным причинам, другая часть была повреждена водой во время потопления. Фонд содержит семь рукописей, переписанных в XVI веке и один примечательный сборник ривайатов бухарских муфтиев XIX века (номер 313). А.А. Семенов осуществил описание 339 работ, содержащихся в рукописях этого фонда [52; 54].

5. Государственный музей литературы имени Алишера Навои Академии наук Республики Узбекистан (360)

Адрес: Ташкент, 100011, улица Навои, 69.

Музей образован 18 января 1967 года. В период 1979-1991 годов он функционировал как отдельное подразделение в составе Института рукописей Академии наук. Первого июля 1991 года он был выведен из состава Института рукописей и преобразован в самостоятельный музей [68]. Инвентарная книга включает в себе 110 томов восточных рукописей. Переписывание рукописей в рабочий каталог–картотеку продолжается и в настоящий момент. В связи с ликвидацией Института рукописей, 250 рукописей, которые до образования бывшего Института рукописей принадлежали музею, были возвращены обратно в его фонд. В результате этого преобразования в настоящий момент общее количество рукописей составляет 360 томов. Закупка рукописей у населения продолжается.

6. Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами (282)

Адрес: Ташкент, 100100, улица Юсуфа Хос Хаджиба, 3.

282 тома рукописей хранятся в научном кабинете имени Натана Маллаева, принадлежащем кафедре узбекской классической литературы. Большинство фонда составляют труды по художественной литературе на тюркском и персидском языках. Рукописи используются в учебном процессе.

7. Национальная библиотека Узбекистана имени Алишера Навои (77)

Адрес: Ташкент, 100017, ул. Навои, дом 1.

Старая информация, согласно которой фонд состоял из 233 рукописей, в которых заключались 609 работ на арабском, 604 – на персидском и 100 –

на языке тюрки, не была подтверждена в ходе нашего ознакомления с этой коллекцией [1].

Согласно сведениям заведующего отделом Р. Файзуллаева, в его отделе редких книг и рукописей находятся 77 рукописей, из которых 28 на арабском, 35 – на персидском и 14 – на тюрки. Существует рабочий каталог на карточках. Рукописи хранятся вместе с книгами, изданными литографическим способом (в количестве 221 тома) и пронумерованы вперемешку с книгами.

8. Международный благотворительный фонд «Олтин Мерос» (60)

Адрес: Ташкент, 100000, улица Шодлик, 6.

Фонд образован в 1996 году со стороны общественной организации «Маънавият ва маърифат». Согласно Махмуду Хасани, члену комиссии по приобретению книг у населения, с момента открытия фонда были приобретены у граждан 60 рукописей.

9. Государственный музей истории Узбекистана (23)

Адрес: Ташкент, 100049, проспект Шарафа Рашидова, 3.

Образованный в 1867 году, музей владеет приблизительно 90 рукописями [1]. Во время нашего посещения музея мы установили наличие 23 рукописей. Рукописи записаны в различные инвентарные книги и, следовательно, носят беспорядочную нумерацию. В 1976 году Шорасул Зуннунов приготовил каталог рукописных и литографированных книг, который, однако, оставался неизданным и, на сегодняшний день считается утерянным. Среди других объектов хранения этого музея следует отметить 80000 единиц монет (из которых как минимум 70 % написаны арабской графикой), занесенных в 30 инвентарных книг, а также надгробные камни (кайраки), содержащие тексты надписей, датированных средними веками.

10. Государственный музей истории Тимуридов (16)

Адрес: Ташкент, 100000, улица Амира Тимура, 1.

Музей основан 18 октября 1996 года. Из 16 рукописей, выставленных на экспозиции, 14 принадлежат государственным фондам (10 рукописей Института востоковедения: № 777, 1224, 4439, 4441, 4448, 4599, 6805, 7570, 9233, 9386; три рукописи Областного музея Коканда: № 9/1, 13, 19; и одна рукопись из Государственного музея Бухары: № 28320/II). Остальные две

рукописи были куплены у населения. Музей имеет план по приобретению редких рукописей, отражающих историю Тимуридов (1370–1506).

11. Ташкентский государственный университет востоковедения (6)

Адрес: Ташкент, 100047, ул. Шахрисабз, 25.

Университет образован в 1990 году на базе факультета восточных языков ТашГУ. Всего он обладает шестью рукописными книгами и папку с 184 листами фрагментов. Среди рукописей имеется рукописная книга под № 1494, переписанная в 1305/1887–1888 г., хранившаяся в фонде профессора Шаислама Махмудовича Шамухамедова. Она состоит из 181 листа, переписана на кустарной бумаге и заключена в картонный переплет в исполнении Мир ‘Адила Ходжа Саххафа. Размеры бумаги 266x154 мм. Размеры текста 185x95 мм. Рукопись состоит из 23 тетрадей (курраса); имеются кустоды. Оттиск печати владельца: ‘Абд ар-Рахим ибн Ахмад. Сборная книга содержит в себе четыре работы: 1) Салах ибн Мубарак ал-Бухари. «Анис ат-талибин ва-‘уддат ас-саликин», лл. 1^б–141^б, на персидском языке; 2) Ходжа Мухаммад Парса. «Фасл ал-хитаб би-васл ал-ахбаб», глава «ал-Каул фи рижал ал-гайб ва-л-актаб», 8 листов (лл. 145^б–152^б), на арабском; 3) Му‘ин ал-Фукара’. «Китаб-и Мулла-зада», 29 листов (лл. 153^б–181^а), на персидском; 4. «Дар байан-и шама’ил-и Наби, ‘алайхи-с-салам», один лист (л. 181^а), на персидском языке.

Следует отметить, что также были приобретены четыре рукописи: «Хамса» Наво‘и; «Сабат ал-‘аджизин» Суфи Аллах-йара, «Чахар китаб» и «Шарх дар ‘илм ал-фара’из». Кафедра историографии и текстологии обладает шестой рукописью, которая состоит из 33 листов различных фрагментов. Эта рукопись содержит «Диван-и хикмат», приписываемый Ходжа Ахмаду Йасави (лл. 1^а–100^б) и аноним «Кисса-йи Имам Хасан ва-Имам Хусайн» (лл. 101^б–187^б).

12. Государственный музей искусств (5)

Адрес: Ташкент, 100060, улица Мовароуннахр, 16.

Музей образован в 1918 году. Он владеет пятью рукописями, четырьмя рулонами и одной папкой с 246 листами разных фрагментов текстов на арабском и персидском языках.

13. Частное собрание Хайдара Н. Бабабекова (206)

Адрес: Ташкент, 100190, массив Юнус-Абад, квартал 7, дом 14, квартира 27.

Владелец работает профессором в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами, являясь специалистом по истории Кокандского ханства. Фонд состоит из 206 рукописей и 320 документов. Самая древняя рукопись («Маджму‘ ал-ахадис») датирована 740/1339 годом. Рукописи приобретены в Ферганской долине. В своем большинстве они являются трудами по истории, учебниками медресе и мектебов, «народными книгами». Первый том каталога этой коллекции опубликован, второй том находится на стадии подготовки к печати [18].

14. Частное собрание Саййида Насира Мирджалилова (134)

Рукописи собраны промышленником из города Туркестана, принадлежавшим к семейству ходжей, Саййидом Насиром Мирджалиловым (1883–1937). В 1917 году, когда население в ожидании радикальной смены власти продавало все свои книги или оставляло их на улице, С.Н. Мирджалилов приобретал их. Его фонд состоит из двух частей: 1) учебников и учебных пособий по религиозным дисциплинам (Коран, хадисы, труды по фикху ханафитов, усул ад-дин, логике и арабской филологии, сборники стихов на персидском и на тюрки); 2) книг, распространенных среди местного населения («Диван-и хикмат», «Диван» Машраба, «Джанг-намайи Имам Мухаммад Ханафийа», «Кисса-йи Имам Хасан ва-Имам Хусайн»). Самым древним списком в нем является «Китаб ал-хидайа» Бурхан ад-дина ал-Маргинани, переписанная в 777/1375–1376 г. Большую часть фонда составляют списки XVIII–XIX веков.

15. Частное собрание Мулла Юнуса Хакимджанова (1893-1966) [22]

Фонд содержит 22 рукописных тома, собранные в основном в Восточном Туркестане. В последние годы отдельные богато оформленные рукописи сдавались в фонд Института рукописей имени Сулайманова.

16. Частное собрание Наджмиддина Камилова (11)

В коллекции этого известного в Узбекистане специалиста по суфизму находятся 11 томов рукописей, датируемых XIX веком: «Йусуф ва-Зулайха» Сабира Сайкали, «Нафахат ал-унс» ал-Джами, «Кимийа-йи са‘адат» ал-Газали, «Диван» Нава’и, «Шавк-и Гулистан» Мурад-Ходжа ибн Ишан-Ходжа, два списка «Ахлак-и Джалали» ад-Давани, «Диван-и хикмат» Ахмада Йасави,

народная книга «Хур-лика'», «Шарх касидат ал-Бурда» и «Диван» Амири.

17. Частное собрание Шовосила Юнусовича Зиёдова (11)

Адрес: Ташкент, 100019, массив Себзор, дом 8, квартира 6.

Фонд насчитывает 11 рукописей. Одна из них, содержащая «ат-Тайсир фи-л-кира'ат ас-саб'» Абу 'Амра 'Усмана ибн Саййид ад-Дани, происходит из библиотеки Ходжа Мухаммада Парса (ум. в 1420 г.) и представляет особый интерес для библиографов [9]. Этот список переписан 22 *джумада* II 761/10 мая 1360 года.

18. Частное собрание Саййид-Карима Хакимова (10)

Адрес: Ташкент, 100133, улица 'Али Кушчи, 1-й проезд, 3.

Фонд собран усилиями Саййид-Карима Хакимова (1897–1976), принадлежащего к одной семье ходжей в Ташкенте. Он содержит 10 рукописей и три документа.

19. Частное собрание Хабибуллах-Кари Сирадж ад-дин-угли (9)

В настоящий момент рукописи хранятся у внука собирателя Акрама Хабибуллаева.

Основатель этой библиотеки Хабибуллах-Кари (ум. в 1976 г.) долгое время был имамом мечети кишлака Карнак (Хан-Тагы) в туркестанском районе (ныне в Туркестанской области Республики Казахстан). Его предки преподавали в местном медресе. Сохранились только девять рукописей из этой некогда богатой библиотеки: список Корана, сборник трудов по арабской грамматике, «Мишкат ал-масабих» ат-Таййиби, «Хадис-и наурузи», «Мухтасар ал-викайа» ал-Махбуби, комментарий на последний труд, составленный со стороны Фахр ад-дина Илийаса ибн Махмуда ар-Руми, «Шарх фикх ал-Кайдани» Са'д ад-дина ат-Тафтазани, «Фусул ал-ахкам фи усул ал-ихкам» Джалал ад-дина ибн 'Имад ад-дина ал-Ханафи, «Таржима-йи маслак ал-муттакин» Кузи-Ходжа ибн Хафиз-Ходжа.

20. Частное собрание Маъруфа Йулдашева (7)

Адрес: Ташкент, массив Ялангач, дом 15, квартира 24.

Фонд состоит из семи рукописей, которые были приобретены в Ферганской долине. Среди них находятся два списка Корана, несколько

«народных книг» на тюрки, как «Фауз ан-наджат», «Раузат аш-шухада'», «Баба Раушан», «Кисса-йи Ибрахим валад-и Адхам (последние два труда сведены в один том), «Газат-нама-йи Хазрат 'Али», а также «Шарх-и фикх-и Кайдани» на персидском языке.

21. Частное собрание К. Султанова (6)

Адрес: Ташкент, 100001, ул. Алп Джамал, 1.

Коллекция содержит шесть рукописей.

22. Частное собрание профессора Садирхана Эркинова (1930–2009; четыре рукописи)

Коллекционер работал в Литературном музее Коканда директором (1952–1962), в Институте языка и литературы Академии наук Узбекистана заведующим отдела текстологии (1962–1995). Участвовал в издании трудов классиков узбекской литературы. Его фонд состоит из четырех рукописей: «Диван» Хафиз-и Ширази, «Хамса» и «Диван» Нава'и [Илл. 3].

Самарканд

23. Самаркандский государственный университет имени Навои, научная библиотека, отдел восточных рукописей (5000)

Адрес: Самарканд, 140104, Университетский бульвар, 15, Научная библиотека СамГУ имени А. Джами, отдел восточных рукописей.

Университет основан в 1927 году. Рукописи начали приобретать, начиная с 1959 года. Их общее количество равняется 5000. Они записаны в инвентарную книгу и на каталожную картотеку для внутреннего пользования. Опубликован алфавитный список названий работ, заключающихся в 793 рукописей [47]. Несмотря на усилие местных исследователей, этот богатый и интересный фонд остается малоизученным, и, следовательно, малодоступным.

24. Самаркандский областной музей-заповедник имени Акмала Икрамова (1000).

Адрес: 140101, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 148.

С 1940 года музей собирает рукописи. Согласно информации, предоставленной главным хранителем музея Ахмадханом Облокуловым,

фонд содержит в себя около 1000 томов рукописей и такое же количество книг, изданных литографическим способом. Они записаны в инвентарную книгу, однако не существует картотеки (фишек) для рукописей. 39 рукописей выставлены на обозрение в Музее истории культуры народов Узбекистана по адресу: Самарканд, площадь Регистана, 1. Среди них следует заметить копию Корана, исполненную почерком *куфи*, из состава *вакфа* Амира Хайдара (1800-1826) и «Коран Байсунгура» с размерами 107x156 см., датированный 1271/1854–1855 годом.

25. Самаркандский государственный институт иностранных языков (100)

Адрес: Самарканд, 140104, ул. Бустон-Сарой, 93.

Институт образован 1996 году. Он обладает своим фондом в количестве более 100 рукописей.

(-) Самаркандская центральная областная библиотека имени А.С. Пушкина (-)

Адрес: 140129, г. Самарканд, Университетский бульвар, 21.

Согласно устаревшей информации, библиотека владела приблизительно 150 рукописями [1, с. 612]. Во время нашего визита в августе 1998 года ее директор Шаходат Ахмедова подтвердила, что где-то 15-20 лет тому назад в рамках мероприятий по централизации фондов эти рукописи были переданы в рукописный фонд Самаркандского государственного университета.

Коканд

26. Ферганский областной музей литературы имени Гафура Гуляма (2000)

Адрес: Коканд, 113027, ул. Истиклол, 69.

Музей был открыт 8 февраля 1961 года. Его фонд сформировался через объединение дома-музея Муками (1943–1961) и дома-музея Хамзы (1959–1961) [66]. Согласно неподтвержденной информации, фонд располагал 6000 томами рукописей [1, с. 611]. В данный момент, согласно информации директора музея Абдулатифа Турдиалиева, из всех 8472 объектов хранения в стенах музея 2000 единиц представляют собой рукописи.

Абдукадир Мурадов сообщает о 24 рукописях из этого фонда, которые им были изучены [41, с. 198]. Списки произведений Алишера Навои были вкратце описаны [35, с. 10-15]. В настоящий момент описание 1000 рукописей готовится к публикации.

27. Региональный музей города Коканда (250)

Согласно информации его директора М. Мансуровой, музей располагает 500 книгами, из которых половину составляют рукописи.

Бухара

28. Бухарский государственный историко-архитектурный музей-заповедник (547)

Адрес: Бухара, 105001, ул. Афросиаб, 2.

Общее количество рукописей составляет 547, из которых 206 – на арабском языке, 248 – на персидском и 93 – на тюрки. Среди рукописей имеется автограф «Навадир ал-вака’и» Ахмада Даниша. Также музей обладает фондом в 2580 документов, который состоит из двух частей: 1) собственная коллекция музея (около 2000 документов); 2) старый фонд Бухарской областной библиотеки имени Абу ‘Али ибн Сина, который был включен в музей в 1986 году (580 документов) [16; 33; 5].

29. Бухарская областная библиотека имени Абу ‘Али ибн Сина (100)

Адрес: Бухара, ул. Библиотечная, 4.

Библиотека была открыта в 1921 году. Она владеет около 100 рукописями на арабском и персидском языках [51, описанные здесь рукописи, скорее всего, находятся в фонде Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни; 13].

30. Бухарский государственный университет (25)

В библиотеке этого института хранятся около 25 рукописей.

31. Медресе Мир-и ‘Араб (?)

Согласно ‘Абдулгани ‘Абдуллаеву, медресе владеет несколькими экземплярами рукописей.

Нукус

32. **Фундаментальная библиотека** Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан (194)*

Адрес: Нукус, 142000, ул. Амира Темура, 179^а.

Библиотека основана в 1946 году. Согласно картотечному каталогу, она владеет 308 рукописями и 261 книгой, изданной литографическим способом. Однако, после ознакомления с фондом мы смогли установить, что отдел рукописей владеет 179 рукописями. В отделе литографии мы смогли установить существование еще 15 рукописей.

Библиотека начала собирать рукописи с 1939 года. Согласно записи в инвентарной книге дублетного фонда «ИВРУ-2» Института востоковедения АН РУ (нанесена Йусуфджановым и А.П. Каюмовым), 46 рукописей из этого фонда были переведены в Нукус по случаю празднования 25-летия Автономной Республики Каракалпакстан.** Фонд изучен не полностью. Некоторые рукописные книги сохранили свои старые переплеты, для другой части были изготовлены новые.

Фонд обладает большим количеством учебников для медресе, поэтических произведений на персидском языке и на тюрки, «народных книг». 22 тома из состава фонда содержат дастаны и каракалпакский фольклор. Особое внимание следует обращать на «Хикайат-и Х^варазм» (127, 128) и «Та'рих-и Х^варазм» Мулла Прена (306).

33. **Институт истории, археологии и этнографии** Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан (103)

Адрес: Нукус, 142000, улица Амира Тимура, 179^а.

Фонд рукописей был основан в 1994 году. Инвентарная книга содержит 380 разделов. Среди записанных в нее книг имеются 103 восточных рукописи (в большинстве в своем фрагменты произведений) и 194 литографии.

* Мы искренно благодарим господина Сифатдина Аблаевича Утепбергенова, организовавшего нашу поездку в Нукус для ознакомления с этим фондом рукописей.

** Речь идет о следующих рукописях (номера по инвентарной книге дублетного фонда Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни, ИВРУ-2): № 2, 12, 124, 140, 142, 147, 148, 151, 190, 270, 325, 335, 339, 429, 438, 468, 527, 703, 712, 727, 733, 762, 777, 792, 939, 963, 981, 1026, 1065, 1096, 1405, 1584, 1661, 1848, 1934, 1996, 2021, 2428, 2451, 2501, 2529, 2554, 2692, 2757, 2765, 2884.

Остальную часть составляют фотокопии, печатные книги и рукописи, переписанные кириллическим шрифтом. Отдел историографии Института работает над изданием «Корпуса восточных источников по истории и истории культуры народов Южного Приаралья» под руководством доктора Максета Карлыбаева. Отдел также собирает копии эпиграфических памятников и данные по частным рукописным собраниям Каракалпакстана.

34. Каракалпакстанский государственный краеведческий музей (49)

Адрес: Нукус, 142000, ул. Каракалпакстан, 2.

Более 120 книг хранятся в этом музее. Согласно Абдусалиму Идрисову, среди них имеются 49 рукописей. Позднее был издан каталог фонда [75].

Фергана

35. Ферганский государственный университет (300)

Согласно информации профессора Шадмана Вахидова, университетский фонд включает в себя 1000 томов рукописных и литографированных книг. Лишь третья их часть являются рукописями.

36. Общественный центр «Маънавият ва маърифат» (200)

«Лаборатория по изучению восточных рукописей» была открыта в 1998 году в составе областного отдела республиканской общественной организации «Маънавият ва маърифат» под руководством Мухаммаджана Мадгазиева. Согласно его утверждениям, около 500 книг, из которых 200 томов являются рукописями, были приобретены у населения. Среди рукописей интерес представляют «Диван» Маджзуба Намангани, «Диван» Сайфи Фаргани, а также дастан «Гул-нама» и т.д.

Андижан

37. Музей литературы и искусств имени Бабур (120)

В период до 1980 года этот музей существовал в качестве филиала Музея литературы имени Алишера Навои Академии наук Узбекской ССР. Затем он был трансформирован в Музей литературы имени Бабур при Министерстве культуры Узбекской ССР. С тех пор музей начал оставлять рукописи у себя вместо прежних традиций их отправления в Ташкент. Согласно некоторым сведениям, в нем хранились 862 рукописи [1, с. 609]. Однако, профессор Р.А. Тиллабаев, бывший директор музея (1978–1983), считает, что данная

информация сильно преувеличена. Он думает, что фонд насчитывает около 120 томов рукописных книг.

38. Андижанский областной краеведческий музей (44)

Адрес: Андижан, ул. Фитрата, 259.

Музей владеет приблизительно 44 рукописями.

39. Андижанский государственный университет (?)

Университет образован в 1966 году. Университетская библиотека владеет несколькими рукописями.

40. Андижанская областная библиотека (?)

Библиотека открыта в 1906 году. Она владеет несколькими рукописями на арабском, персидском и тюркском языках.

41. Частное собрание Мухаммадхана Абдурахманова (50)

Этот фонд содержит приблизительно 50 рукописей.

Чимбай

42. Частное собрание Узака Рахматуллаева (100)

Около 300 рукописей и литографированных книг формируют этот фонд. Они находились прежде в медресе Каракум-Ишана в районе Мазлум-хан Сулу и Султан Баба [44]. Список работ, хранящихся в этом фонде, находится в Институте истории, археологии и этнографии Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. В этом институте также собрана информация о коллекционерах Каракалпакстана. В числе прочей информации там записаны их адреса и количество имеющихся у них рукописей.

Количество рукописей в рассмотренном фонде равняется к 100 томам. Рукопись, содержащая «Историю города Чимбай», представляет особый интерес для изучения местной истории.

Шахрисабз

43. Музей материальной культуры имени Амира Темура (6)

Музей образован в 1996 году. Он содержит шесть рукописей и два документа.

44. Частное собрание Равнаки (80) [69]

Владетель собрания Файзаллах-Ходжа ибн ‘Инайаталлах-Ходжа (1890–1978), бывший выпускник медресе, составлял стихи на узбекском и персидском языках под двумя псевдонимами «Равнаки» и «Рамзи». До 1928 года работал в мусульманских юридических органах, а между 1938–1948 гг. – в советских судебных учреждениях. Потом с 1948 года до своего выхода на пенсию в 1960 году он работал продавцом в магазине-автолавке. После выхода на пенсию он занимался перепиской книг и изготовлением печатей для частных лиц. В фонде хранится один лист бумаги, где он написал выражение «басмала» при помощи 25 типов различных почерков. Фонд содержит одну книгу, в которой оттиснуты 70 печатей, которые, вероятно, были изготовлены им самим. После смерти владетеля его книги разошлись среди семей родственников. Затем его зять Джурахан Асомов собрал их в одном месте. В настоящее время местные власти планируют открыть музей на базе этого фонда, который будет располагаться в одной части дома этого семейства. Полный каталог фонда рукописей скоро будет издан [69].

Фонд состоит из 80 рукописей, 70 книг, изданных литографическим способом, и 45 архивных документов. 78 томов рукописей содержат в себе 134 произведения: 70 – на арабском языке, 55 – на персидском и 9 – на тюрки. Две рукописи не открываются из-за слившихся между собой листов. Большинство этого фонда состоит из учебников, трудов по ханафитскому мазхабу, поэтических сборников, трудов по суфизму и сборников писем. Следующие рукописи заслуживают особого внимания исследователей: «Образцы составления казийских документов» (3371), «Иршад-нама» (69), «Рисала-йи Мадинат ар-рижал йа‘ни шахр-и Тирмиз» (28/2) и «Тазкира-йи Бугра-хани» (80). Другая примечательность фонда состоит в наличии автографов самого Файзаллах-Ходжа Равнаки: «Байаз» (19; 72) и его личного журнала записей (81).

45. Частное собрание Зайнитдина Ходжакулова (10)

Его библиотека состоит из 10 рукописей.

Термез

46. Сурхандарьинский областной музей этнографии (62)

Общее количество рукописей – 62 тома, из которых 14 содержат

произведения на арабском языке. Существует инвентарная книга.

Карши

47. Кашкадарьинский областной краеведческий музей (27)

Адрес: Карши, ул. Насаф, 309.

Музей был открыт в 1974 году. Рукописи, приобретенные между 1974-1989 годами, записаны в общую инвентарную книгу. Музей владеет 27 рукописями, одним документом и 12 папками с многочисленными фрагментами рукописей. Документ представляет особый интерес: это генеалогия потомков Занги-Ата, составленная в месяце *мухаррам* 1283/мае-июне 1866 года [76]. Позднее был издан каталог фонда [74].

Хива

48. Региональное отделение Академии наук Республики Узбекистан: Хорезмская академия Маъмуна (75)

Адрес: Хорезмская область, 141400, Хива, центр, 1.

В 1998 году академия была открыта по решению Академии наук Республики Узбекистан. Фонд редких книг в количестве 108 книг на арабском письме, 70 из которых являются рукописями, был получен из Ургенчской областной библиотеки. Согласно информации Г. Машариповой, в дополнение к этому были куплены три рукописи, а два других были получены в качестве дара от местного населения. На рукописи фонда составлены лишь каталожные карточки (фишки).

49. Музей-заповедник «Ичан-кала» (24)

Музей владеет 24 рукописями, 64 рулонами и 139 отдельных листов с фрагментами сочинений на арабском языке и тюрки. Рукописи записаны в инвентарную книгу.

Наманган

50. Частное собрание Даги (15)

Адрес: Наманган, 116015, ул. Беш-капа, 28.

Создателем фонда стал поэт Юлдаш-Ходжа Ата-Ходжа-угли Даги (1877–1974). Коллекция содержит 15 рукописей, среди которых имеется уникальный список «Диван» Даги.

Хатирчи

51. Частное собрание Хамракула Ризаева (15)

Адрес: Навоийская область, Хатирчи, ул. Алишера Навои, 13.

В этом фонде хранятся 15 рукописей. Большинство списков переписаны в вилайете Хатирчи в конце XIX – в начале XX века. Фонд представляет собой остатки наследия предка (деда) сегодняшнего владельца. Остальные книги рассортированы по их отличительным характеристикам.

Нурота

52. Районный краеведческий музей «Чашма» (2)

Адрес: Навоийская область, Нурота, Районный краеведческий музей.

Среди остальных своих экспонатов музей располагает двумя рукописями.

Катта Лангар

53. Мавзолей Лангар-Ата (1)

Адрес: Кашкадарьинская область, Камашинский район, кишлак Катта Лангар.

В ведении мавзолея святого Хазрат Лангар-Ата сохранилась очень древняя копия Корана (Мусхаф). Она почитается местным населением и, написана на пергамене почерком *куфи* [3]. Палеографические характеристики позволяют датировать данную копию, по меньшей мере, IX веком. В настоящий момент сохранились 13 листов, размеры каждого листа 32x52 см. Текст состоит из двух частей. Лист 1^{а-б} представляет собой два куска пергамента, приклеенного друг на друга. Текст содержит *айаты* 14-26 18-й *суры* Корана, переписанный древним почерком. Вторая часть (лл. 2^а–13^б) переписана совсем другим почерком и, содержит другой фрагмент Корана (4, 136–6, 82). Переплет позднего времени, изготовлен Мухаммадом Насиром в 1255/1839–1840 году. По информации Джурахана Асомова, здесь было когда-то 143 листа. Вероятно, другие листы находятся на руках у коллекционеров, живших в различные эпохи. Один лист из этого Корана хранится в Институте востоковедения в Ташкенте под № 11604 среди книг Мухаммад-Шарифа Садр-и Зийа' [12, в особенности № 174 в приложенной к публикации таблице].

Заключение

Таким образом, 53 фонда, где хранятся рукописи в настоящее время в

Узбекистане, содержат 40409 рукописей и 407876 архивных документов на арабской графике [Илл. 4].

Это позволяет сказать, что по количеству памятников культурного наследия на арабском письме Узбекистан занимает первое место в Центральной Азии и является одним из важных центров в мире. Однако, открытие новых собраний рукописей еще не закончено. Первой областью для исследований остаются музеи, количество которых равняется на сегодняшний день цифре 30 на государственном уровне и 150 – на уровне подотчетности местным властям [42, с. 299].

Другим направлением для открытий остаются частные коллекции. Частные лица в Центральной Азии хранят у себя дома много книг на арабской графике. Владеть рукописными книгами считается знаком престижа. Например, во время проведения собраний или ритуалов среди женщин проводится совместное чтение таких книг. Однако, юридические основы иметь частные собрания пока не урегулированы национальными законодательствами во всей Центральной Азии. Опыт показывает, что ценные для науки фонды встречаются редко. Одной из причин такого явления состоит в сохранении следующего обычая: после смерти коллекционера книги расходятся среди членов его семьи и его друзей.

Условия хранения рукописей остаются неудовлетворительными, даже в большинстве государственных фондов. Часть рукописей находится в плохом состоянии и нуждается в незамедлительной реставрации. Их регистрация, первичная обработка, каталогизация и т.д. проводятся неудовлетворительно и в форме, не отвечающей современным требованиям из-за отсутствия навыков и опыта у работников.

Таким образом, подготовка и публикация кратких каталогов отдельно по каждому фонду рукописей и в перспективе единого каталога в целом по стране становятся важной научной задачей. Для достижения этих целей полезна организация и проведение практических семинаров для специалистов, хранителей и персонала фондов рукописей.

Использованная литература:

1. Akimushkin, Oleg F. "Uzbekistan", in: *World Survey of Islamic Manuscripts*, vol. III, London, 1994, pp. 607-625.
2. Birnbaum, E. "Turkish manuscripts: cataloguing since 1960 and manuscripts still uncatalogued. Part III: U.S.S.R., Iran, Afghanistan, Arab lands (except Palestine), Israel and Palestine, India and Pakistan, China", in: *The Journal of the American Oriental Society*, 103 (1983), pp. 692-695.
3. Déroche, F. "Note sur les fragments coraniques anciens de Katta Langar (Ouzbékistan)", in: *Cahiers d'Asie centrale*, 7 (1999), pp. 65-73.
4. Jeffery, A. and I. Mendelson. "The Orthography of the Samarqand Qur'an", in: *The Journal of the American Oriental Society*, 3 (1942), p. 175-194.
5. Kazakov, Bahadir. "Analyse structurelle des actes de *waqf* provenant d'Asie centrale, XIII^e-début XX^e siècles dans la perspective de l'établissement de modèles pour banques de données", in: *Cahiers d'Asie centrale*, vol. 7 (1999). Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l'Asie centrale islamique / Sous la direction d'Ashirbek Muminov, Francis Richard et Maria Szuppe, pp. 211-232.
6. Khalidov, Anas B. "Collections of Islamic manuscripts in the former Soviet Union and their cataloguing", in: *The Significance of Islamic Manuscripts*. Proceedings of the Inaugural Conference of Al-Furqan Islamic Heritage Foundation (30th November – 1st December 1991), J. Cooper (ed.). London: Al-Furqan Islamic Heritage Foundation (Publication No. 3), 1992, pp. 32-35.
7. Muminov A. "Fiches № 301-307", in: *Nouvelles des Manuscrits du Moyen-Orient & FiMMOD*. Numéro IX/1, juin 2000 (Paris).
8. Muminov A., Ziyadov Sh. "Fiches № 235-240", in: *Le Ficher des Manuscrits du Moyen Orient*, Paris, S.E.M.M.O., 1998, VII/1.
9. Muminov A., Ziyadov Sh. "L'horizon intellectuel d'un érudit du XV^e siècle: nouvelles découvertes sur la bibliothèque de Muḥammad Pārsā", in: *Cahiers d'Asie centrale*, vol. 7 (1999). Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l'Asie centrale islamique. Sous la direction d'Ashirbek Muminov, Francis Richard et Maria Szuppe, pp. 77-98.
10. Muminov, Ashirbek. "Fonds nationaux et collections privées de manuscrits en écriture arabe de l'Ouzbékistan", in: *Cahiers d'Asie centrale*, vol. 7 (1999): Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l'Asie centrale islamique / Sous la direction d'Ashirbek Muminov, Francis Richard et Maria Szuppe, pp. 17-38.
11. Utas, Bo. "Manuscript collections in the USSR, Iran, Afghanistan and Germany", in: *Annual Newsletter of the Scandinavian Institute of Asian Studies*, 8 (1974), pp. 38-39.
12. Vahidov Sh., Erkinov A. "Le filhist (catalogue) de la bibliothèque de Sadr-i Ziya': une image de la vie intellectuelle dans le Mavarrannahr (fin XIX^e – début XX^e s.)", in: *Cahier d'Asie central*, 9 (1999): Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l'Asie centrale islamique / Sous la direction d'Ashirbek Muminov, Francis Richard et Maria Szuppe, pp. 141-173.
13. Аббарова М. Из истории математики в Бухаре // Математика на средневековом Востоке. Ташкент, 1978, сс. 97-112.
14. Азимджанова С.А., Вороновский Д.Г. Собрание восточных рукописей Академии наук

- Узбекской ССР // Востоковедные фонды крупнейших библиотек Советского Союза. Москва, 1963, сс. 110-127.
15. Акимусшкин О.Ф., Борщевский Ю.Е. Материалы для библиографии работ о персидских рукописях // Народы Азии и Африки, № 6 (1963), сс. 233-237.
 16. Альмеев Р., Казаков Б. Рукописный фонд Бухарского госмузея (состав, пополнение, изучение) // *Archaeographia Orientalis*: материалы Всесоюзного рабочего совещания по проблемам восточной археологии (Ленинград, 1-4 марта 1988 г.). Москва, 1990, сс. 17-24.
 17. Астанова Г.Ю. Архив кушбеги – важный источник по истории аграрных отношений в Бухарском ханстве в XIX – начале XX века // *Общественные науки в Узбекистане*, № 7 (1985), сс. 55-58.
 18. Бабабеков, Хайдарбек Н. Каталог рукописных и литографических книг из личной библиотеки. Ташкент, 1989.
 19. Бартольд В.В. Собрание рукописей Джурабека // Бартольд В.В. Сочинения. Том VIII. Москва, 1973, сс. 313-314.
 20. Бартольд В.В. Туркестанская государственная библиотека и местная мусульманская печать // Бартольд В.В. Сочинения. Том IX. Москва, 1973, сс. 556-563.
 21. Беляев В.И. Арабские рукописи из Йемена в собраниях Ташкента // *Советское востоковедение*. Том IV. Москва, 1947, сс. 35-72.
 22. Валидов А. Восточные рукописи в Ферганской области // *Записки Восточного отделения Императорского русского археологического общества*. Том 22 (1913–1914), 1915, сс. 303-320.
 23. Валидов А. О собраниях рукописей в Бухарском ханстве // *Записки Восточного отделения Императорского русского археологического общества*. Том 23 (1915), 1916, сс. 245-262.
 24. Вахабова Б. Рукописи произведений Ибн Сины в собрании Института востоковедения АН УзССР. Ташкент, 1982.
 25. Востоковедные фонды крупнейших библиотек Советского Союза. Москва, 1963.
 26. Епифанова Л.М. Рукописные источники Института востоковедения Академии наук УзССР по истории Средней Азии периода присоединения к России (Бухара). Ташкент, 1965.
 27. Ибадов Дж.Х. О математических рукописях из библиотеки САДУМ // *Математика на средневековом Востоке*. Ташкент, 1978, сс. 154-160.
 28. Иванов П.П. Архив хивинских ханов. Ленинград, 1940.
 29. Казибердов А. Сочинения Абу Насра ал-Фараби в рукописях Института востоковедения АН УзССР. Ташкент, 1975.
 30. Каль Е. Персидские, арабские и тюркские рукописи Туркестанской публичной библиотеки. Ташкент, 1889.
 31. Каталог фонда Института рукописей / ответственный редактор А.П. Каюмов. Томы I–II. Ташкент, 1988-1989.
 32. Каталог хивинских казийских документов XIX – начала XX вв. / составители: А. Урунбаев, Т. Хорикава, Т. Файзиев, Г. Джураева и К. Исогай. Киото: [Международный институт по изучению языков и мира Киотского университета по изучению зарубежных стран], 2001.

33. Курбанов Г., Парастепанов М. Новые поступления Бухарского музея // *Общественные науки в Узбекистане*, № 1 (1987), сс. 55-56.
34. Қайюмов А. Қўлзма меросни ўрганиш масалалари // *Общественные науки в Узбекистане*, 7-8 (1992), сс. 42-46.
35. Мадаминов А., Ҳакимов М., Сотволдиев С. Қўқон адабиёт музейи фондида Алишер Навоий асарларининг қўлзмалари // *Адабий мерос*, № (3) 57 (1991), сс. 10-15.
36. Машарипова Г. Хоразмда битилган қўлзмалар. Ташкент, 1997.
37. Михайлова И.Б. (под редакцией А.Б. Халидова). Библиография арабских рукописей. Москва, 1982, сс. 228-251.
38. Муниров Қ. Амир Хусрав Дехлавий асарларининг ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти тўпламидаги қўлзмалари. Ташкент, 1975.
39. Муниров Қ. Шарқ қўлзмалари. Ташкент, 1962.
40. Муниров Қ., Носиров А. Навоий асарларининг ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти тўпламидаги қўлзмалари. Ташкент, 1970.
41. Муродов А. Ўрта Осиё хатотлик санъати тарихидан. Ташкент, 1971.
42. Набиев А. Тарихий ўлкашунослик. Ташкент, 1996.
43. Накшбандийа тарикатига оид қўлзмалар фикристи. Ташкент, 1993.
44. Новицкий И.О. Арабо-персидские письменные источники города Чимбая // Тезисы научно-практической конференции «Шахтемир-Чимбай». Нукус, 1995, сс. 28-32.
45. Перечень восточных рукописей В.Л. Вяткина в Государственной публичной библиотеке УзССР // *Труды Государственной публичной библиотеки УзССР*. Том I. Ташкент, 1935, сс. 60-91.
46. Полосин В.В. Фонды рукописей и старопечатных книг, актовых и эпиграфических материалов на языках народов Советского и Зарубежного Востока в СССР // *Archaeographia Orientalis: материалы Всесоюзного рабочего совещания по проблемам восточной археографии* (Ленинград, 1-4 марта 1988 г.). Москва, 1990, сс. 178-204.
47. Пулатов А., Ахраров Х.К. Список восточных рукописей Фундаментальной библиотеки Самаркандского государственного университета имени Алишера Навои / под редакцией А.А. Аббасова. Самарканд, 1977.
48. Розен В.Р. Рецензия на «Каль Е. Персидские, арабские и тюркские рукописи Туркестанской публичной библиотеки. Ташкент, 1889» // *Записки Восточного отделения Императорского Русского археологического общества*, том V (Санкт-Петербург, 1891), сс. 123-124.
49. Розенфельд Б.А. Арабские и персидские физико-математические рукописи в библиотеках Советского Востока // *Физико-математические науки в странах Востока*. Том I (4). Москва, 1966, сс. 256-289.
50. Самаркандский куфический Коран, по преданию писанный третьим халифом Усманом (644-656) / издатели С.И. Писарев и Ф.И. Успенский. Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский институт археологии, 1905, 708 с.
51. Семенов А.А. Каталог рукописей Исторического отдела Бухарской центральной библиотеки. Ташкент, 1925.
52. Семенов А.А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей Фундаментальной библиотеки Среднеазиатского государственного университета. Ташкент, 1935.
53. Семенов А.А. Описание рукописей произведений Навои, хранящихся в Государственной

- публичной библиотеке УзССР. Ташкент, 1940.
54. Семенов А.А. Описание таджикских, персидских, арабских и тюркских рукописей Фундаментальной библиотеки Среднеазиатского государственного университета им. В.И. Ленина, II, Ташкент, 1956 (Среднеазиатский государственный университет им. В.И. Ленина. Материалы к библиографии, том VI).
 55. Семенов А.А. Среднеазиатские рукописные фонды и важность их изучения // Материалы Первой всесоюзной научной конференции востоковедов в г. Ташкенте. 4-11 июня 1957 г. Ташкент, 1958, сс. 912-920.
 56. Семенов А.А. Узбекские фонды восточных рукописей и актов // Тезисы докладов Юбилейной сессии АН УзССР, посвященной двадцатипятилетию УзССР. Ташкент, 1949, сс. 92-93.
 57. Сергеев Б.С. Ценнейшие восточные рукописи Государственной публичной библиотеки УзССР // Труды Государственной публичной библиотеки УзССР, том I. Ташкент, 1935, сс. 134-141.
 58. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР, томы I-V: ответственный редактор А.А. Семенов; томы VI и VIII: ответственные редакторы А.А. Семенов и Д.Г. Вороновский; томы VII и IX: ответственные редакторы А. Урунбаев и Л.М. Епифанова; том X: ответственный редактор Д.Г. Вороновский; том XI: ответственные редакторы А. Урунбаев и Р.П. Джалилова. Ташкент, 1952-1987.
 59. Собрание восточных рукописей. История / ответственные редакторы Д.Ю. Юсупова и Р.П. Джалилова. Ташкент, 1998.
 60. Собрание восточных рукописей. Точные и естественные науки / ответственный редактор А.Б. Вильданова. Ташкент, 1998.
 61. Список персидских рукописей в собрании Института востоковедения имени Абу Райхана Бируни. Том I/1: История. Тегеран, 1997 (на персидском языке).
 62. Троицкая А.Л. Каталог архива кокандских ханов XIX в. Москва, 1968.
 63. Туркестанские ведомости, год 1895, № 33, 34, 37 (статьи Н.В. Дмитриевского).
 64. Урунбаев А., Епифанова Л.М. (ответственные редакторы). Рукописи произведений Абдаррахмана Джамии в собрании Института востоковедения Академии наук Узбекской ССР. Ташкент, 1965.
 65. Урунбаев А.У., Ахмедов А.А. Каталогизация, первичная обработка и изучение письменного наследия народов Востока в ИВ АН УзССР // *Archaeographia Orientalis*: материалы Всесоюзного рабочего совещания по проблемам восточной археографии (Ленинград, 1-4 марта 1988 г.). Москва, сс. 134-146.
 66. Ферганский областной музей имени Гафура Гуляма: Путеводитель. Ташкент, 1983, сс. 47-49.
 67. Хасанов А.А. К истории священного Корана Усмана в Ташкенте // Бюллетень ГКНТ Республики Узбекистан, № 1 (1997), сс. 29-31.
 68. Хасанов, Саидбек. Илм ва маърифат маскани // *Ҳидоёта кўзгуси*, № 1 (1998), сс. 3-12.
 69. Шадман Бек Вахидуф [Вахидов], А. Эркинуп [Эркинов]. Фихрист-и нуسخа-йи хатти-йи китабхана-йи Раунаки, Шахр-и Сабз, Узбекистан. Кум: Китабхана-йи Бузург-и Хазрат-и Айаталлах ал-'Узма-йи Мар'аши-йи Наджафи, 1377/1998.
 70. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентадаги Усмон мушафининг тарихи. Ташкент, 1995.

71. Шебунин А.Ф. Куфический Коран Императорской Санкт-Петербургской публичной библиотеки // Записки Восточного отделения Императорского археологического общества, 6 (Санкт-Петербург, 1891), сс. 69-133.
72. Шмидт З.В., Труд О.Д. Восточный фонд фундаментальной библиотеки Ташкентского госуниверситета // Научные труды Ташкентского университета, 1968, том 339; Библиография, том 14. Ташкент, 1968, сс. 44-56.
73. Элитные рукописи: Институт востоковедения имени ал-Байруни. Ташкент-Дубай, 1995 (на арабском языке).
74. Maria Szuppe, Ashirbek Muminov. *Catalogue des manuscrits orientaux du Musée régional de Qarshi, Ouzbékistan*. Roma: Istituto per l'Oriente C.A. Nallino, 2004. – 142 p. (Series Catalogorum, I). Рецензию Колин Мичель см. Mitchel, C. “Szuppe, Maria; Muminov, Ashirbek. Catalogue des manuscrits orientaux du Musée Régional de Qarshi (Ouzbékistan). Series Catalogorum, I. Roma, Istituto per l'Oriente C.A. Nallino, 2004, 142 p., 4 colour plates, 44 black-and-white figures, 1 map, bibliography, indices”, in: *Abstracta Iranica*. 27, 2004. Teheran, Paris: Institut Français de recherche en Iran, 2006, p. 2-3.
75. Ashirbek Muminov, Maria Szuppe, Abdusalim Idrisov. *Manuscrits en écriture arabe du Musée régional de Nukus (République autonome du Karakalpakstan, Ouzbékistan): Fonds arabe, persan, turkī et karakalpak*. Roma: Istituto per l'Oriente C. A. Nallino, 2007 (Series Catalogorum, II). Рецензию Роберто Тоттоли на каталог см.: Tottoli, Roberto. “Muminov, Ashirbek; Szuppe, Maria and Idrisov, Abdusalim (avec la collaboration de Ziyodov, Shovosil). Manuscrits en écriture arabe du Musée régional de Nukus (République autonome du Karakalpakstan, Ouzbékistan): Fonds arabe, persan, turkī et karakalpak. Istituto per l'Oriente “C.A. Nallino” – CNRS “Mondes Iranien et Indien”. Roma, 2007, 282 p. (Series Catalogorum, n 2)”, in: *Central Eurasian Reader*, N 1, 2008, pp. 17-19.
76. Maria Szuppe, Ashirbek Muminov. “Un document généalogique (nasab-nāma) d'une famille de Ḥwāja Yasawī dans le Khanat de Kokand (XIXe S.)”, in: *Eurasian Studies*. № 1 (2002), pp. 1-35. Рецензию Роберта МакЧесни на статью см.: McChesney R. “Muminov, Ashirbek; Szuppe M. Un document généalogique (nasab-nāma) d'une famille de Ḥwāja Yasawī dans le Khanat de Kokand (XIXe s.). Eurasian Studies, 1 (2002), pp. 1-35”, in: *Abstracta Iranica*. 25, 2002. Teheran, Paris : Institut Français de Recherche en Iran, 2004, p. 91.

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ – МУҲАДДИСЛАР СУЛТОНИ

Убайдулла Уватов*

Имом ал-Бухорийнинг исми Муҳаммад, куняси Абу ‘Абдуллох, лақаби баъзан «Имом ал-муҳаддисин» (муҳаддисларнинг имоми, пешвоси), баъзан «Амир ал-му’минин фи-л-ҳадис» (ҳадис илмининг амири, султони) ва насаби Муҳаммад ибн Иброҳим ибн ал-Муғира ибн Бардазбеҳ ибн Базазбеҳдир. Сўнги икки исми – ибн Бардазбеҳ ибн Базазбеҳдан кўриниб турибдики, Имом ал-Бухорийнинг асл насаби ажамларга бориб тақалади. Бу фикр талай адабиётларда қайд қилинган бўлиб, кўпчилик муҳаддисларнинг таъкидлашларича, «Бардазбеҳ» сўзи арабча «зори’» (зироат, деҳқончилик билан шуғулланувчи киши) маъносини билдиради.

Имом ал-Бухорийнинг отаси Исмо‘ил, унинг куняси Абу-л-Ҳасан бўлиб, ўз даврининг етук муҳаддисларидан саналиб, имом Моликнинг шогирд ва асхобларидан бири бўлиб, тижорат ишлари билан ҳам шуғулланган. Афсуски, ҳозирча унинг қаламига мансуб бирор асар ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Бироқ унинг Ҳамад ибн Зайд, Имом Молик, Абу Му‘овийа каби ўз даврининг йирик муҳаддисларидан ҳадислар ривоят қилгани, ‘Абдуллох ибн ал-Муборакнинг суҳбатида бўлиб, ундан таълим олгани ҳақидаги хабарлар манбаларда келтирилади. Унинг шогирдларидан ироқлик бир қанча олимлар Аҳмад ибн Ҳафс, Наср ибн Ҳусайн ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Имом ал-Бухорий «ат-Та’рих ал-кабир» («Катта тарих») асарида отасининг таржимаи холи ҳақида талай маълумотлар келтиради. Тарихчи ал-Ҳофиз Ибн Ҳиббон ўзининг «Китоб ас-сиқот» («Буюк инсонлар ҳақида китоб») номли асарида Исмо‘ил ибн Иброҳим, яъни ал-Бухорийнинг отаси, Ҳамад

* Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор

ибн Зайд ва Моликдан ҳадислар ривоят қилган, ундан эса ироқлик олимлар ҳадислар нақл қилганлар», – деб таъкидлайди.

Манбаларда зикр қилинишича, ‘Аллома Исмо‘ил ўта тақводор, художўй, ҳалол бир инсон бўлган. Тарихчи Уҳайд ибн Ҳафснинг ёзганлари бу фикримизга ёрқин далилдир. «Абу ‘Абдуллох (Имом ал-Бухорийнинг отаси) бандаликни бажо келтираётган чоғида уни зиёрат қилганимда менга у: Бор молу дунёмдан на ҳаром йўл билан, на шубҳали, нопок йўл билан топилган бир дирҳамни ҳам билмайман, деб илтижо қилганида менинг нафасим бўғилиб, бутун вужудим унинг улуғворлигидан ҳеч нарсадай туюлди», – деб ёзади.

Шунингдек, Имом ал-Бухорийнинг отасига хос бўлган яна бир қанча асл инсоний фазилатлар ва унинг алоҳида хусусиятлари зикр этилиб, бундай фазилатлар ўша даврдаги камдан-кам кишиларда учрагани ҳақида ҳам қайд қилинади.

Имом ал-Бухорийнинг онаси ҳам тақводор, диёнатли ва ҳар хил кароматлар соҳибаси, ғоятда оқила, фозила аёл бўлган. У эл орасида Аллоҳ та‘олога илтижо этиб, доимо дуолар ўқиб юрадиган покиза аёл сифатида танилган эди. Маълумки, Имом ал-Бухорий ёшлигида кўзи жароҳатланиб, кўриш қобилияти сусайган бўлиб, ҳар қанча уринса ҳам, табиблар уни даволай олмагандилар. Қунлардан бир куни ал-Бухорийнинг онаси тушида Иброҳим (с.а.в.) ни кўрганда у зоти шариф бу мушфиқа онага қараб: «Эй, волида! Сенинг дуоларингнинг бардавомлигидан Аллоҳ та‘оло ўғлингга тўлиқ кўриш қобилиятини қайтарди», – деб хитоб қилганлар. Кейин у: «Уйқумдан уйғонсам, ўғлим Муҳаммаднинг кўз нури тўлиқ қайтиб, тузалиб кетибди», – деган ривоят мавжуддир. Абу ‘Али ал-Ғассоний деган олим: «Муҳаммад ибн Исмо‘илнинг ёшлигида кўзи ожиз бўлиб қолган. Унинг онаси тақводор аёл бўлиб, тушида Иброҳим Халилуллоҳни кўрганда, у: «Кўп дуолар қилиб йиғлаганингдан Аллоҳ, таборака ва та‘оло, ўғлингнинг кўзини қайтарди», – деган. Она: «Эрталаб уйғонсам, Аллоҳ ўғлимга кўриш қобилиятини қайтарганини кўрдим», – деган. У ҳам юқоридаги фикрни айнан қайтаради.

Имом ал-Бухорий азалдан илм-фан ва маданият равнақида машҳур бўлган Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Кўплаб муаррихларнинг гувоҳлик беришларича, Бухоро азалдан Мовароуннаҳрнинг энг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири бўлган.

Мана шу мухташам шаҳар – Бухорои шарифда 194 хижрий сана шаввол ойининг 13-кунида салот ал-жум‘адан кейин (810 милодий сана 21 июль) «Жами‘ муҳаддисларнинг имоми», «Ҳадис илмининг султони» (амир ал-мў‘минин фи-л-ҳадис), «Саййид ал-фуқаҳо’» каби улуғ лақабларга муяссар бўлиб, Пайғамбар (с.а.в.) нинг муборак ҳадисларига дурдонасимон сайқал бериб, уларни абаду-л-абад барҳаёт қилган улуғ зот – Имом ал-Бухорий дунёга келган. Буюк шоир ва мутафаккир ‘Абд ар-Раҳмон Жомий буюк муҳаддиснинг илмий салоҳиятига юксак баҳо бериб, «Батха (Макка) ва Ясриб (Мадина)да ясалган танганинг сайқали Бухорода камолига етди», – деб ёзган эди. Ўрта асрларда туғилган олимлар таваллуд топган ойлар, кунлар тугул манбаларда, ҳатто, кўпинча, йилларида ҳам аниқ бир сана бўлмай, хилма-хил йиллар кўрсатилган ҳоллари кўп учрайди. Имом ал-Бухорийнинг туғилган вақти (куни, оyi, йили)нинг аниқ келтирилишининг боиси шундаки, унинг ўзининг ёзишича, у туғилган вақт ҳақида отаси ўз қўли билан ёзиб қўйган варақ, унга замондош олимларга етиб келган.

Имом ал-Бухорий ёшлигидаёқ отаси вафот этиб, унинг тарбияси фақат волидаси зиммасида бўлган. Бирмунча улғайиб ақли расо бўлгач, унинг қалбида исломий илмларга, айниқса, Пайғамбар (с.а.в.) нинг муборак ҳадисларини ўрганишга ва ёдлашга мойиллик тобора кучая бориб, у даставвал, Ибн ал-Муборак ва Ваки‘нинг ҳадисларга оид асарларини ёд олади.

Имом ал-Бухорийнинг котиби, унинг асосий таснифи «Саҳиҳ» асари ровийларидан бири Абу Жа‘фар Муҳаммад ибн Аби Ҳотам ал-Варроқ шундай деб ёзади: «Ал-Бухорийнинг: «Ҳадисларни ёд олиш илҳоми менга бошланғич мактабда ўқиётганимда келган эди», – деб айтганини эшитганимда, «Ўшанда неча ёшда эдингиз?» – деб сўрадим, у: «Ўн ёшда, балким ундан ҳам кичик эдим», – деб жавоб берганди». Бу мисолдан кўришиб турибдики, Имом ал-Бухорий жуда ёшлигидан бошлаб ҳадисларни ёд олиб, бу илмга алоҳида завқ-шавқ ва қизиқиш билан қараган.

Имом ал-Бухорийнинг устозлари ҳақида гапирадиган бўлсак, у энг аввало, ўша пайтда Бухоронинг таниқли муҳаддисларидан саналган олим ад-Доҳилийдан ҳадис илмидан сабоқ олган. Ҳадисларни ўрганиш бўйича ушбу олим ташкил этган тўғарак (ҳалқа) нинг шуҳрати кенг тарқалган бўлиб, унинг фаолияти ёйилиб улкан самараларга эришган. Кунлардан бир куни ад-Доҳилий ўз одатича ҳадис илмидан дарс берар эди, ал-Бухорий ҳам бошқа

толиби илмлар қатори дарс тинглаб ўтирган эди. Шунда ад-Доҳилий бир ҳадис исноди ҳақида гапириб: «Суфйон Абу Зубайрдан, у Иброҳимдан», – деб зикр қилди. Шунда ал-Бухорий: «Абу Зубайр ҳеч вақт Иброҳимдан ривоят қилмаган», – деди ва бу билан у ад-Доҳилийни бу санад хусусидаги хатодан огоҳ қилмоқни истагани. Ўз шогирдининг овозини эшитган ад-Доҳилий эса ҳайратга тушиб, дағаллик билан унинг сўзини бўлди. Ал-Бухорий ўта хотиржамлик билан: «Устоз, агар ишонмасангиз асл манбага қаранг», – деди. Ад-Доҳилий манбага қараб, ал-Бухорий айтган гапнинг тўғрилигини эътироф қилиб, тан олдию, лекин ўша ҳадис санадини тузатишни пайсалга солди. Инсоф юзасидан ёки уни синаб кўриш учунми, хуллас, санадни тузатиш масаласини ал-Бухорийнинг ўзига ташлади. Ташқарига чиқишгач, ал-Бухорийдан: «Э, бола, бу ёғи энди қандоқ бўлади?» – деб сўради. Ал-Бухорий эса ҳеч бир ўйламасдан жавоб қилди: «Зубайр ибн ‘Ади Иброҳимдан ривоят қилган». Шундан кейин у (ад-Доҳилий) қалам олиб ёзганини тузатди ва «Сен ҳақсан», – деди. Ал-Бухорийнинг айтишича, бу вақтда у атиги ўн бир ёшда бўлган.

Манбаларда келтирилишича, ал-Бухорийга ўн ёшдан бошлаб ҳадисларни ёд олиш илҳоми насиб этиб, ёши улғайган сари бу рағбати тобора кучайиб, зиёда бўлиб борган, у нафақат ҳадисларни шунчаки ёд олиш, балки ёшлигидан бошлаб ҳадисларни саҳиҳ (тўғри, ишончли) ва ғайрисаҳиҳ (хато, нотўғри) ларга ажратиш, уларнинг иллатларини аниқлаш, ҳадис ровийларини ўрганиб таҳқиқ қилиш, улар ривоятининг адолатлилиги, тўғрилиги, ишончли ёки ишончсизлиги, ровийларнинг маиший ҳаётлари, яшаш жойлари, туғилган ва вафот этган саналари, бир-бирлари билан ўзаро қилган мулоқотлари, турли ровийлар келтирган ҳадисларни бир-бирига солиштириб муқояса қилиш, уларнинг бир-бирлари билан ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига боғлиқ бўлмай, узилишлар мавжуд ҳолатлар, ҳадис илмининг хилма-хил ва энг юқори нуқталарига етишиш, бу илмнинг турли масалаларини чуқур таҳқиқ этиш, уларни жамлаш ва Қуръони карим оятлари билан узвий боғлиқликда ўрганиш каби масалаларга қизиқди. Агар мухтасар ҳолда хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бу масалалар билан Имом ал-Бухорий ёшлигидан бошлаб алоҳида иштиёқ ва меҳр билан астойдил шуғулланди, бу олийжаноб ишлар унинг бутун фикри-зикрини батамом чўлғаб, тобора кучайиб, мустаҳкамланиб боради.

Имом ал-Бухорий ўз ватанида ва хорижий юртларда мингдан ортиқ устоз

(шайх, машойих) лардан ҳадис ривоят қилгани ҳақида манбаларда аниқ кўрсатилган.

Ал-Бухорийга таълим берган дастлабки устозлари ҳақида аниқ гапирадиган бўлсак, биринчи навбатда, ўша даврда Бухорода кўзга кўринган муҳаддислардан Муҳаммад ибн Саллом ал-Пойкандий, Муҳаммад ибн Йўсуф ал-Пойкандий, ‘Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий, Иброҳим ибн ал-Аш‘ас ва бошқаларни кўрсатиш лозим. Ҳадислар бўйича дастлабки сабокни ал-Бухорий мана шу устозлардан олиб, ўн олти ёшга етмасдан бурун кўпдан-кўп ҳадисларни ўзлаштириб, ‘Абдуллоҳ ибн ал-Муборакнинг китобларини ёд олди. Тез фурсатда ал-Бухорийнинг ноёб қобилияти ва зукколиги кўпчилик уламолар томонидан, шунингдек, ал-Бухорийга устозлик қилган етук муҳаддислар томонидан ҳам юксак баҳолана бошланди. Бу ҳол шу даражага етдики, ҳатто таниқли олимлар ҳам ал-Бухорийнинг ўз дарсларига ҳозир бўлишидан ташвишланиб, унинг ҳузурда бирор хато ёки камчиликка йўл қўйишларидан хавотирланадиган бўлиб қолдилар. Улар ҳатто ўз китобларидаги хатоларни тузатиш учун ал-Бухорийга мурожаат қилардилар. Манбаларда келтирилишича, ҳадислар талабида ал-Бухорий хорижий юртларга сафарга чиқишдан олдин бир воқеа содир бўлган экан. Шу ҳақда бухоролик олим Салим ибн Мужоҳид шундай ҳикоя қилади: «Бир кун дўстим Муҳаммад ибн Саллом ал-Пойкандийнинг уйига борган эдим, у менга: «Бироз олдинроқ келганимда етмиш минг ҳадисни ёд биладиган бир болакайни кўрар эдинг-да», – деди. Мен шу заҳоти орқамга қайтиб, кўчага чиқдим ва ўша болани учратиб: «Етмиш минг ҳадисни ёд биламан, дейдиган бола сенмисан?» – деб сўрасам, у: «Ҳа, балким ундан ҳам ортиқроғини биламан», – деди.

У яна: «Мен саҳобалар ва тобеъинлардан, токи уларнинг кўпларини таваллуд ва вафотлари, уларнинг масканларини аниқ билмагунимча, бирорта ҳам ҳадис ривоят қилмайман. Шунингдек, саҳобалар ва тобеъинларнинг ҳар бир ҳадисини Қуръони карим ва Пайғамбар (с.а.в.) нинг ҳадисларига таянган ҳолда ривоят қиламан», – деди. Муҳаммад ибн Саллом ал-Пойкандийнинг ушбу сўзлари ҳам ал-Бухорий ёшлигидан бошлаб катта обрў-эътиборга эга бўлганлигига далилдир. Унинг «Муҳаммад ибн Исмо‘ил қачон менинг ҳузуримга кирса, ҳар доим мен ўзимни йўқотиб қўйиб, доим ундан хавотирда тураман», – деган эътирофига жавобан, ал-Ҳофиз Ибн Ҳажар: «Унинг (ал-Бухорийнинг) ҳузурда хато қилиб қўйишдан у қўрқар эди», – деб бу фикрни

бир қадар ойдинлаштиради. Муҳаммад ибн Саллом ал-Пойкандийга доир бу фикр-мулоҳазалар айтилган пайтда ал-Бухорийнинг илми Бухородаги ўз устозлари илмидан ҳали ортиқ бўлмаган пайтда содир бўлган, чунончи, Бухородан жўнаб кетгандан кейин Имом ал-Бухорий ал-Пойкандий билан сира учрашган эмас.

Азалдан муҳаддислар орасида арабча «риҳлат» истилоҳи бирор ҳадисни билиш ёки иснодни олий даражасига етказиш мақсадида йўлга чиққан инсоннинг сафарига айтилар экан. Имом ал-Бухорий ҳадис талабида риҳлатга ният қилган даврга назар солсак, бу пайтда ислом олами узоқ-узоқларга қанотини ёйиб, ислом дини байроғи остига ўтган элу юртларнинг кўлами жуда кенгайган эди.

Илм-фан йўлида ўта фидоийлик, бутун вужудию ақл заковатини бахшида этиб, бор имконию ҳимматини аямаслигу ақл бовар қилмайдиган даражадаги қувваи хофизаси ва яна бирқанча фавқулодда фазилатлари Имом ал-Бухорийга мисли кўрилмаган шону шараф келтириб, уни ислом дунёсининг энг буюк алломаларидан бири сифатида танитди. Имом ал-Бухорий ривоят қилган ҳадисларнинг ровийлари кўп ҳолларда ҳатто Имом Молик ва Имом Абу Ҳанифанинг устозлари (шуйух) тоифасига киради. Бу фикрни кўплаб муҳаддислар бир овоздан яқдиллик билан қўллаб-қувватлаганлар.

Ўн олти ёшга етгунча Имом ал-Бухорий ўз юртидаги машойихлардан ҳадис эшитиб, улардан сабоқ олади. Мана шундан кейин исломий илмларнинг маркази, Пайғамбар (с.а.в.) нинг ватани, Қуръони карим нозил бўлган муқаддас диёр – Расулulloҳ саҳобаларининг маскани, ислом динининг маркази Ҳижози шариф томон равона бўлди. Бу хусусда Имом ал-Бухорийнинг котиби Ибн Аби Ҳотам ал-Варроқ зикр қилишича, у (ал-Бухорий) доимо шундай деяр экан: «Қачонки ўн олти ёшни урганимда (сўзма-сўз «таъинту») Ибн ал-Муборак ва Ваки'нинг китобларини ёд этиб, сўнгра «ана уларни», яъни асҳоб ар-ра'й каломларини билиб олган эдим. Сўнгра онам ва акам Аҳмад билан ҳаж ибодатини адо этиш учун сафарга жўнадим». Ал-Варроқнинг бу ривоятидан маълум бўлаётирки, Имом ал-Бухорий биринчи марта сафарга 825 йилда чиққан, ҳадис бўйича сабоқларини эса бундан беш-олти йил муқаддам ола бошлаганлиги, ўша пайтдан бошлаб билимга чанқоқлиги, ноёб қобилияти ва иқтидори, қувваи хофизасининг кучлилиги билан ўз юртидаги илм аҳлларини лол қолдириб, ҳар қандай кишини ҳам ҳайратга солгани ҳақида олдинроқ зикр қилган эдик.

Ҳатто ҳар қандай илм толиби умри давомида етиша олмайдиган билимга у қисқа муддатда эришгани, оғиздан-оғизга ўтиб, афсонавий ҳикоятларга ҳам сабаб бўлганди.

Мана шу 825 йили Имом ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Маккаи Мукаррамага етиб келиб, ҳаж ибодатини адо этгандан кейин онаси ва акасини Бухорога қайтариб юбориб, ўзи Маккада қолди ва бу муқаддас шаҳар машойихларининг илмий йиғинларига қатнаша бошлади. Ўша пайтда Маккада бир қанча кўзга кўринган уламолар истиқомат қилаётган бўлиб, улардан ҳадис илми соҳасида машҳурлардан Имом Абу-л-Валид ибн ал-Арзакий, ‘Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ва ‘Аллома ал-Ҳамидийларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, яна бир қанча таниқли олимлар бор эдики, Имом ал-Бухорий улардан ҳам ҳадис илми бўйича сабоқ олган эди. Маккаи Мукаррамада бир қанча муддат яшагандан кейин Имом ал-Бухорий Мадинаи Мунавварага томон йўл олади. Жумлаи жаҳондан илм толиблари (Пайғамбаримиз ҳақидаги) набавий илмларни ўрганиш учун бу мўтабар шаҳарга оқиб келардилар. Имом ал-Бухорий 827 йилда, ўн саккиз ёшида Пайғамбар (с.а.в.) нинг равзаи муборақлари кўйилган муқаддас шаҳар Мадинаи Мунавварага етиб келди. Шу пайтда Мадинаи Мунавварада кўзга кўринган машҳур уламолардан Иброҳим ибн ал-Мунзир, Мутриф ибн ‘Абдуллоҳ, Иброҳим ибн Ҳамза, Абу Собит Муҳаммад ибн ‘Убайдуллоҳ, ‘Абд ал-‘Азиз ибн ‘Абдуллоҳ ал-Увайсий ва шуларга ўхшаш бир қанча етук олимлар фаолият кўрсатардилар. Имом ал-Бухорий ушбу уламолар билан мулоқотда бўлиб, улардан ҳадислар бўйича кўпдан-кўп сабоқ олди. Ҳижози шарифга қилган бу рихлати асносида ойнинг ёруғ кечаларида ўзининг дастлабки асари «ат-Та’рих ал-кабир» (Катта тарих) нинг қораламасини тугатди. Қатор тарихчиларнинг таъкидлашича, Имом ал-Бухорийнинг Ҳижоз (Макка), Мадина, То’иф, Жиддага қилган бу рихлати олти йил давом этган. Шу билан бирга, бу муддат узлуксиз давом этмай, Имом ал-Бухорий шу аснода бошқа мамлакатларга ҳам сафар қилганлиги қайд қилинади.

Шундан кейин, ал-Бухорий Басра (Ироқ) шаҳрига қараб йўл олади. Ўша пайтда Басра ҳам мусулмон оламининг эътиборли илмий марказларидан бири бўлиб, илм-маърифат тараққий этиб, хусусан, ҳадисларни ўрганиш кенг қулоч ёйган шаҳарлардан бири ҳисобланарди. Басрада у Имом Абу ‘Осим ан-Набил, Сафвон ибн ‘Исо, Бадал ибн ‘Ар‘ара, Сулаймон ибн Ҳарб, Абу-л-Валид ат-Тайолисий, А‘рим ва Муҳаммад ибн Синон каби уламолардан

сабоқ олиб, ўз билимини оширди. Шу аснода ҳаммаси бўлиб Имом ал-Бухорий Басрага тўрт марта бориб келди. Унинг ўзи доимо: «Басрага тўрт марта рихлат қилганман», – деб таъкидларди. Шундан сўнгра у Куфага сафар қилди ва бу шаҳарда ҳам бир неча бор бўлди. Шунингдек, рихлати давомида Бағдодни ҳам бир неча марта зиёрат қилади. Имом ал-Бухорийнинг Куфа ва Бағдодга қилган сафарлари хусусида котиби ал-Варроқ унинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Куфа ва Бағдодга муҳаддислар билан учрашишга неча марта борганимнинг ҳисобини ҳам билмайман». Тарихчи олим ан-Нававий ўзининг «Таҳзиб ал-асмо' ва-л-луғот» номли китобида Имом ал-Бухорийнинг Куфадаги устоз (шуйх) ларидан қуйидагиларни зикр қилган: 'Абдуллох ибн Мусо, Абу Ну'айм Аҳмад ибн Йа'куб, Исмо'ил ибн Абон, ал-Ҳасан ибн Раби', Холид ибн Мухаллад, Са'ид ибн Хафс, Талақ ибн Ғунам, 'Умар ибн Хафс, 'Урва ва Қабиса ибн 'Уқба, Абу Ғассон каби Куфанинг таникли олимлари-устозларининг ривоятлари ишончли ва исботли эканлигига ишонч ҳосил қилгач, Имом ал-Бухорий улардан ҳадислар ёзиб олган ва уларга таяниб ривоят қилган. 'Аббосийлар халифатининг пойтахти бўлган Бағдодда ўша пайтда илм-фан анча тараққий қилган бўлиб, дунёнинг турли томонларидан келган кўплаб фозилу олимлар шаҳарда тўпланган эдилар. Шу боисдан бўлса керак, Имом ал-Бухорий ҳам юқорида айтиб ўтганимиздек, Бағдодда бир неча марта бўлган ва у ерда катта ҳурмат билан кутиб олинган. Бу шаҳардаги устозлари Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Муҳаммад ибн 'Исо ас-Саббо', Муҳаммад ибн Со'ик, Шурайх ибн ан-Ну'мон ва бошқалардан сабоқ олган. Имом Абу 'Али ал-Ғассоний «Тақйид ал-муҳмал» номли асариди: «Имом ал-Бухорий охириги марта (ҳаммаси бўлиб у Бағдодда саккиз марта бўлганди) Бағдодни тарк этиб қайтаётганда, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал у билан хайрлашар экан, ғоят ҳасрату алам билан: «Илм ва мухлисларни (ан-нос) ташлаб, Хуросонга кетасанми?» – деб зорланган эди. Қачонки Бухоро ҳокими Абу Тоҳир аз-Зухлий Имом ал-Бухорийга қарши фитна уюштириб, уни она юрти Бухородан бадарға қилишга қарор қилиб, унга нисбатан турли-туман бўхтону тухматлар тўқиганида, Имом ал-Бухорий Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ўша сўзларини эслаб, кўп афсусу надоматлар чекди ва «Аҳмад ибн Ҳанбалнинг сўзлари маъносига энди тушундим», – деб афсусланганди.

Имом ал-Бухорий Шомда ҳам бўлиб, унда Йусуф ал-Фарйобий, Абу Наср Исҳоқ ибн Иброҳим ва Одам ибн Аби Ийбос, Абу-л-Йўмн ал-Ҳакам ибн Нофи' ва Ҳайват ибн Шурайх каби бир қанча ўша даврнинг машҳур олимларидан

сабоқ олди. Шундан сўнг у Мисрга ўтиб, ‘Усмон ибн ас-Соғ, Са‘ид ибн Аби Марйам, ‘Абдуллоҳ ибн Солих, Аҳмад ибн Солих, Аҳмад ибн Шубайб, Асбағ ибн ал-Фараж, Са‘ид ибн Аби ‘Исо, Са‘ид ибн Касир ибн Уфайр, Йаҳйо ибн ‘Абдуллоҳ ибн Букайр ва шуларга ўхшаш олимлардан дарс олди. Баъзи манбаларда кўрсатилишича, Имом ал-Бухорий Месопотамия (Жазира) да ҳам бўлиб, Аҳмад ибн Аби-л-Малик ал-Ҳарроний, Аҳмад ибн Йазид ал-Ҳарроний, ‘Амр ибн ал-Халаф ва Исмо‘ил ибн ‘Абдуллоҳ ар-Раққий каби олимлар билан мулоқотда бўлган ҳамда улардан истифода этган. Машхур олим Тож ад-дин ас-Субкий ўзининг «ат-Табакот аш-шофи‘ийа ал-кубро» номли асариде: «Имом ал-Бухорий ал-Жазирага бормаган ва ал-Жазира машойихларидан қилган ривоятлари бошқаларга таяниб (билвосита) нақл қилинади», – деб ёзган. Бундан ташқари, аллома Хуросон ва унинг Марв, Балх, Ҳирот, Нишопур, Рай, Жибал каби шаҳарларида ҳам неча марталаб бўлиб, бу шаҳарлардаги олимлардан сабоқлар олди. Жумладан, Марвда ‘Али ибн Ҳасан ибн Шақик, ‘Абдон, Муҳаммад ибн Муқотил ва бошқалардан, Балхда эса Маккий ибн Иброҳим, Йаҳйо ибн Бишр, Муҳаммад ибн Абон, Ҳасан ибн Шужо‘, Йаҳйо ибн Мусо, Қутайба каби муҳаддислардан ривоят қилади. Ҳиротда Аҳмад ибн Аби-л-Валид ал-Ҳанафий, Нишопурда Йаҳйо ибн Йаҳйо, Бишр ибн ал-Ҳакам, Исҳоқ ибн Роҳвайх, Муҳаммад ибн Рофи‘, Райда эса Иброҳим ибн Мусо, Воситда Ҳассон ибн Ҳисон ибн ‘Абдуллоҳ, Са‘ид ибн ‘Абдуллоҳ ва шунга ўхшаш олимлардан ҳадислар ўрганиб, улардан ривоят қилди. Шунингдек, XV асрда яшаган йирик тарихчи Шараф ад-дин ‘Али Йаздий ўзининг «Зафарнома» номли машхур асариде Муҳаммад ибн Исмо‘ил ал-Бухорий Кешда ҳам анча муддат яшаганлиги ҳақида ёзади. Имом ал-Бухорий юкорида зикр қилган шаҳарлар ва мамлакатларга яккаю ягона мақсад – ҳадис илми бўйича сабоқ олиш ниятида бориб, бу жойлардаги таникли олимлар билан мулоқотда бўлиб, муттасил равишда ўз илмини бойитишга интилди. «Бағдод та’рихи» номли йирик асарнинг муаллифи ал-Хатиб ал-Бағдодий ўз китобида Жа‘фар ибн Муҳаммад ал-Қаттон деган олимнинг Имом ал-Бухорийнинг ўзи: «Мен ҳадисларни минг, эҳтимол ундан ҳам ортиқ шайху уламоларга таяниб ёздим, менинг китобимда исноди кўрсатилмаган бирорта ҳам ҳадис йўқ, деб айтганини эшитганман», – деган сўзларини келтиради.

Тарихчилар Имом ал-Бухорийнинг устозлари сони ҳақида ҳам маълумотлар келтирганлар. Жумладан, олим Муҳаммад ибн Аби Ҳотамнинг ёзишича, Имом ал-Бухорийнинг ўзи суҳбатларидан бирида унга: «Бир минг

саксонта шайх (устоз) дан ёзганман», – деб айтган гапини келтирган. X асрда яшаган исфаҳонлик олим Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал-Исфаҳоний (922-1005) Имом ал-Бухорийнинг устозлари ҳақида махсус асар яратиб, алифбо тартибида уларни номма-ном келтиради.

Ҳозирги вақтда Саудия Арабистонида истиқомат қилувчи ватандошимиз, иқтидорли олим Назар Муҳаммад ал-Фарйобий таҳқиқ қилиб, кенг кўламда илмий муомалага киритган ушбу мўъжазгина рисола 1991 йили Саудия Арабистонидаги «Мактабат ал-Кавсар» матбаасида чоп этилган. Имом ал-Бухорийнинг устозлари ҳақида муфассалроқ маълумот берадиган ушбу манба хусусида бир қадар кенгроқ тўхталиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Энг аввало, «Имом ал-Бухорий устозларининг исмлари» асарининг муаллифи ҳақида қисқача маълумот келтириш мақсадга мувофиқдир. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал-Исфаҳоний бўлиб, ҳижрий 310 (баъзи манбаларда келтиришича, 309) йилда Исфаҳонда таваллуд топган. У йигирма ёшларидан бошлаб Нишопур, ал-Искандарийа (Александрия) орқали Басра, Ҳирот, Сижистон, Озарбайжонга ҳам кирмай, тўғридан-тўғри Шош (ҳозирги Тошкент) га рихлат қилган. Ушбу сафарлардан қайтганда, манбаларда кўрсатилишича, ўзи билан қирқ ҳамл (яъни қирқ туяга юк бўладиган) хилма-хил китоблар келтирган. Яна таъкидланишича, Қуръони карим ҳофизларидан биронтасига ҳам ал-Исфаҳоний эшитган маълумотларни (ёки хабарларни) эшитиш ва на у жам қилган маънавий бойликларни жамлаш насиб этмаган экан. Ал-Исфаҳонийнинг ўзи доимо: «Мен Шаркни ҳам, Ғарбни ҳам икки марта тавоф қилиб, айланиб чиққанман. Кимки ўз ақидавий фикрида қатъий турмай беқарорлик кўрсатиб, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа оғадиганлардан бўлиб, ҳақиқий дин аҳкомларига хилоф иш тутиб, бидъат ва хурофотга амал қиладиган бўлса, ундан биронта ҳам ҳадис эшитмаганман», – деб таъкидларди.

Ал-Исфаҳоний ҳақида ёзган ўрта аср тарихчиларининг кўпчилиги унинг «кўп таснифларнинг муаллифи» («соҳиб ат-тасониф») деб қайд қилганлар. Тадқиқотчи Назар Муҳаммад ал-Фарйобий эса унинг қаламига мансуб йигирмага яқин асарлар борлигини таъкидлаб, уларни номма-ном келтиради. Ушбу асарлардан ўндан ошиғи ҳадис ва унинг турли илмларига бағишланади. Улардан «Ҳадис», «ал-Амоли», «ал-Фаво'ид», «Ма'рифат ас-саҳоба», «Фатҳ ал-боб фи-л-куна ва-л-алқаб», «Шурут ал-а'имма», «Китоб ат-та'рих», «Китоб асмо' ас-саҳоба» кабиларни кўрсатиш мумкин.

Муаллифнинг ақидага бағишланган асарлари ҳам унинг ижодида

салмоқли ўрин эгаллайди. Улардан «Китоб ар-радд ‘ало-л-жаҳмийин», «Китоб ас-сифот», «Китоб ан-нафс ва-р-руҳ», «ан-Носих ва-л-мансух» ва бошқаларни келтириш кифоядир. Исҳоқ ибн Манда ал-Исфаҳоний 395/1005 йилда вафот этиб, Исфаҳондаги Дуккабоз қабристонига дафн қилинган.

Муаллифнинг «Имом ал-Бухорий устозларининг исмлари» асари ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаса-да, атиги 16 варақдан иборат қўлёзма чиройли насх хатида ёзилган, ҳар бир саҳифада 17 сатр бўлиб, бағдодлик хаттот Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ‘Али ибн ал-Иброҳим томонидан олти юз ўттиз иккинчи ҳижрий йилнинг ўн тўққизинчи шавволи, жум‘а кунда Дамашқ Жоми‘ масжидида кўчирилган, илмий жиҳатдан ғоятда қимматлидир. Ушбу китобда Имом ал-Бухорий ўзининг шоҳ асари «Саҳих ал-Бухорий» да келтирган уч юз олти ҳадис ровийларининг исми шарифлари алфавит тартибида тўлиқ ҳолда зикр қилинади. Шунингдек, уларнинг кўпчилиги ҳақида, асли қайси шаҳардан келиб чиққанлиги, уларнинг лақаби ёки куняси, аксариятининг эса қайси шаҳарда, қачон вафот этганлиги ҳақида аниқ маълумотлар келтирилади. Фикримизнинг исботи сифатида асардан бир неча мисоллар келтирамыз:

«Аййуб ибн Сулаймон ибн Билол Мавло ‘Абдуллоҳ ибн Аби ‘Атиқ, асли Мадина шаҳридан, 224 ҳижрий йилда вафот этган; Иброҳим ибн Ҳамза ибн Муҳаммад ибн ‘Абдуллоҳ аз-Зубайр ибн ал-‘Авон аз-Зубайрий 230 ҳижрий санада Мадинада вафот этган бўлиб, кўпинча, Абу Исҳоқ куняси билан аталарди; Аҳмад ибн Исҳоқ ибн ал-Ҳусайн, Абу Исҳоқ ас-Суламий, у ас-Сурморий номи билан танилган бўлиб, Бухоро қишлоғидан эди; Аҳмад ибн Абу Ража’ – асл исми ‘Абдуллоҳ ибн Аййуб ал-Ҳаравий Абу-л-Валид. Имом ал-Бухорий ҳадисларни ундан Бухорода пайтида ёзиб олган; Аҳмад ибн Мани‘ ибн ‘Абд ар-Раҳмон, Абу Жа‘фар ал-Бағавий – у Бағдодда яшаган. У Ҳусайндан ривоят қилади. Уни ал-Қаббоний деб ҳам атардилар. Имом ал-Бухорий ундан атиги битта ҳадис ривоят қилган; ‘Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ибн ‘Исо ал-Ҳумайдий – Абу Бакр куняси билан танилган бўлиб, Макка аҳлидан. Вафоти икки юз ўн тўққизинчи ҳижрий йил; Муҳаммад ибн Йусуф Абу Аҳмад ал-Бухорий Пойканд аҳлидан».

Мана шу тариқа ушбу китобда Имом ал-Бухорий ҳадис эшитган 306 ровий ҳақида маълумотлар келтирилади. Бу адад, албатта, буюк аллома ҳадис эшитган ровийларнинг бир қисмидир. Аслида, у, юқорида айтилганидек, жуда кўп ровийлардан ҳадис эшитиб ёзиб олган.

Ҳадисшуносликда яна бир муҳим фан бўлган иллатли ҳадисларни аниқлаш ғоятда масъулиятли ва мураккаб ишлардан ҳисобланади. Ҳадис илмига оид барча тартибот ва услубларни мукамал билиш билан бир қаторда ровийларнинг туғилган ва вафот этган вақтлари, ушбу ҳадисни кимдан эшитиб, кимдан ривоят қилаётгани, эшитган ибора ва алфозларининг аниқлигини тўла-тўқис эгаллаган бўлиши керак. Шу боисдан ҳам муҳаддисларнинг кўпчилиги бу масалаларни тўла-тўқис эгаллаш ҳадис илмида энг йирик муаммо ва айни вақтда ўта шарафли масъулият деб ҳисоблайдилар. Ҳадисни ёдлаб, уларни мукамал идрок қилган ва улкан тажрибага эга бўлганларгина, ҳадислар хусусида узил-кесил гапиришга ҳақлари бўлганлардан фақат ‘Али ибн ал-Мадиний, Йа‘қуб ибн Шайба, Аҳмад ибн Ҳанбал, ал-Бухорий, Абу Ҳотам, Абу Зур‘а, ад-Доракутний ва уларга эргашган бир неча муҳаддислар ушбу юксак мақомга сазовор деган фикрни олға сурадилар. Бу ўринда ‘Али ибн ал-Мадинийнинг куйидаги сўзларини келтириб, иллатли ҳадисларни аниқлаш қанчалик қийин ва мураккаб эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. «Менинг ўзим билган бир ҳадиснинг иллатини аниқлашдан кўра янги, мен билмаган йигирмата ҳадис ёзиб олишим мен учун осондир». Дарҳақиқат, ҳадисларда гарчанд зоҳиран ўзаро боғлиқлик бўлса-да, исноди жиҳатидан дастлабки ровийга бекаму кўст етказиш ёки узилиш билан етказиш, ёки бир ҳадис ибораларини иккинчи бир ҳадис сўзлари билан аралаштириб юбориш ёки бўлмаса, ровийлардан бирининг нуқсонини аниқлаш жуда қийин ва машаққатли вазифадир. Мана шу зайлдаги тўлиқ имкониятга ва ҳар томонлама мукамал ахборотга эга бўлмаганлар, табиийки, ҳадис илмида бирор ютуққа эришиши амри маҳол эди. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Имом ал-Бухорий мукамал эгаллаган буюк санъатлардан бири бу иллатли ҳадисларни аниқлаш бўлган. Имом ал-Бухорийнинг замондоши бўлган олим ал-Ҳофиз Аҳмад ибн Ҳамдун бундай деган: «‘Усмон ибн Аби Са‘ид ибн Марвоннинг жанозаси пайтида Муҳаммад ибн Йаҳйо аз-Зухлий ал-Бухорийдан ровийлар исмлари ва иллатли ҳадислар ҳақида савол сўраганида ал-Бухорий гўёки у «қул хува Аллоҳу аҳад»ни ёддан ўқиётгандек – мерганнинг беҳато ўқи мисоли тўғри жавоб қилганини кўргандим».

Мавриди келганда шуни айтиш керакки, мана шу даврда, яъни IX асрда Нишопурда илм-фан, айниқса, ҳадис илми ниҳоятда тараққий қилиб, унда Имом ал-Бухорий, Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, Имом ат-Термизий ва

бошқа бир қанча буюк муҳаддислар йиғилган эди. Улар шаҳарда фаолият кўрсатадиган мадрасаларда ҳадис илмидан дарс берардилар. Бу буюк муҳаддислар ораларида илмий мунозаралар ва баҳслар жуда кўп бўлган. Имом ал-Бухорий ҳадис соҳасидаги ўз илми ва салоҳияти, айниқса, иллатли ҳадисларни аниқлаш маҳорати билан барчани қойил қолдирган, муҳаддисларнинг ҳаммаси унга бир овоздан тан берган. Имом ал-Бухорий масжидларда, оммавий илмий йиғинларда ҳам иштирок этган. Ўз даврининг машҳур муҳаддисларидан бири саналган Муслим ибн ал-Ҳажжож Имом ал-Бухорийнинг чуқур билимига тан бериб, унга самимий муносабат равишда: «Сизни фақат ҳасадгўйларгина кўра олмайди. Менинг имоним комилки, сиздек буюк олим жумлаи жаҳонда йўқ», – деб хитоб қилган.

Имом ал-Бухорийнинг иллатли ҳадисларни билишдаги беназир маҳорати, мукамал илми ва қобилияти ҳақида унинг замондошлари кўп қимматли фикрларни билдирганлар. Иллатли ҳадисларга атаб махсус асар ёзган Имом ат-Термизий ўз асари «Китоб ал-‘илал»да: «Ҳадислар, ровийлар, улар тарихларидаги иллатлар хусусидаги фикрларим Имом ал-Бухорийнинг «Китоб ат-та’рих» асаридан фойдаланганларим, улардан яна кўпроғини Муҳаммад ибн Исмо‘ил ал-Бухорий билан қилган илмий мунозараларим пайтида олганман, шунингдек, ‘Абдуллоҳ ибн ‘Абд ар-Раҳмон, Абу Зур‘адан ҳам фойдаландим-у, лекин барибир кўпроғи Муҳаммад ал-Бухорийдан, камроғи эса ‘Абдуллоҳ билан Абу Зур‘адандир», – деб таъкидлаган. Яна Имом ат-Термизий: «Иллатли ҳадисларни ва иснодларни аниқ билишда Муҳаммад ибн Исмо‘ил ал-Бухорийдан кўра устун бўлган бирорта олимни кўрмадим», – деб алоҳида таъкидлаган.

Имом ал-Бухорий иштирок этган илмий мажлисларнинг бирида ўз замонасининг етук олимларидан саналган ал-Фарйобий санади куйидагича бўлган бир ҳадис ҳақида гапириб: «Суфйон Абу ‘Урвадан у Абу-л-Хаттобдан, у Абу Ҳамзадан», – деди. Мажлисида ҳозир бўлганларнинг бирортаси ҳам Суфйондан бошқаларининг ким бўлганлигини аниқ билмади, чунки бу ўринда уларнинг фақат кунялари (Абу-л-Хаттоб, Абу Ҳамза) айтилган эди. Шунда Муҳаммад ал-Бухорий вазминлик билан: «Абу ‘Урва бу – Му‘аммар ибн Рошид, Абу-л-Хаттоб эса Қатода ибн Ди‘ома, Абу Ҳамза бўлса, Анас ибн Моликдир. Буюкларнинг ишлари инқилобий тусда улуғвор бўлганлиги учун ҳам улар фақат кунялари билан айтилганлар», – деди.

Ҳадис ривоятидаги ноқислик ва уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил

қилиш масалалари саҳобалар давридан бошланиб, ўша пайтданок ҳадисларни ёзиб олишда унга алоҳида эътибор берилган. Чунончи саҳобаларнинг ўзлари ривоят қилган ҳадисларда ҳам иллатли ҳадислар учраган ҳоллар аниқланган эди. Пайғамбар вафотидан кейин вақт жиҳатидан муддат кам ўтганлиги, ҳадисларни нақл қилишда воситаларнинг озлиги туфайли бошда унга эҳтиёж унчалик катта бўлмаганди. Ривоятда иштирокчилар сони кўпайиб, вақт ўта борган сари ровийларнинг иллатини аниқлаш масаласига янада зарурат кучайди. Ҳадис илмида ҳам, муҳаддислар орасида ҳам бу масала муҳим аҳамият касб эта бошлади. Ҳадис ровийларига нисбатан алоҳида диққат-эътибор, чуқур муносабат билан қаралиб, ҳар хил услубу қоидалар яратилди. Масалан: қайси ҳолатларда замондошларнинг иллати (жарҳи) қабул қилинмайдию, қайси бир ҳолатларда қабул қилинади каби аниқ йўл-йўриқлар ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳадисларда иллат масаласи муҳим аҳамият касб этиб, у билан шуғулланадиганлардан ўта кучли диёнат ва такводорлик, қобилият талаб қилинади. Имом ал-Бухорий бу соҳада ўзига асосий дастуруламал қилиб олган эҳтиёткорлик маслаги у диёнат, имонихлос ва художўйликда юксак даражага эришганлигини кўрсатади.

Имом ал-Бухорийнинг иллатли ҳадислар ҳақидаги мулоҳазалари мутавозе ва одоб-ахлоқ юзасидан бўлиб, «уни шундай қолдирганлар» (тарақах) у «ташлаб кетилган» (матрук), «тушириб қолдирилган» (соқит), «бу ҳақда ўзгача бир фикр-мулоҳаза ҳам бор», «бу хусусда аввал ўтганлар ҳеч нарса демаганлар» ва шунга ўхшаш беозор, оддий ва самимий иборалардан ташкил топган. Жуда камдан-кам ҳолларда Имом ал-Бухорий бирон одамга нисбатан: «у ичидан ўйлаб чиққан» (уйдирмачи) ёки «каззоб» деярди, иллатли ҳадислар масаласида ал-Бухорий ишлатган энг қаттиқ айблов «ҳадисни инкор қилувчи» (мункир ал-ҳадис) деган ибора бўларди. Ҳадис илмида шу қоида одат тусига кирдики, агар Имом ал-Бухорий бирон ровий ҳақида «у – мункир ал-ҳадис» деса, ундан ҳеч вақт ҳадис ривоят қилинмасди. Бу хусусда Ибн ал-Қаттон Имом ал-Бухорийнинг ушбу сўзларини келтиради: «У (ал-Бухорий) унга: «Ҳар қандай киши ҳақида «у мункир ал-ҳадис» деган бўлсам, бас, ундан ҳеч вақт ҳадис ривоят қилинмайди», – деган.

Имом ал-Бухорий устозларининг сони кўп бўлиб, улардан бирининг исми «Мусаддид» (луғавий маъноси «тўғри йўлга бошловчи») эди. Ал-Бухорий унга қаттиқ ишониб: «Мусаддид – ўз исмига монанд тўғри йўлга

бошловчидир. Китобларим ўзимда бўладими ёки унда бўладими – менга фарқи йўқ», – деб доимо такрорлар эди. Ушбу таъкиддан аён бўлаётирки, Имом ал-Бухорий ўз китоблари муҳофазасига алоҳида аҳамият берган. У бу масалага, бамисоли ҳадис ривоятига эътибор бергандек, алоҳида эътибор билан қараган. Шунингдек, улар қандай одамларнинг қўлида сақланишига ҳам жиддий қараган. Ўз китоблари ҳар қандай кимсанинг қўлига тушиб қолишига бефарқ қарамаган.

Имом ал-Бухорий бутун фаолияти давомида ҳам илмий, имкони бўлса, моддий жиҳатдан одамларга, яъни Аллоҳнинг бандаларига бирор наф етказишни ўзининг асосий мақсади қилиб қўйган эди. У доимо илм ахлларию илм толибларига, ҳатто устозлар (аш-шуйух) ва муҳаддисларга ҳам моддий ёрдам кўрсатарди. Тижорат қилганда ҳар сафар ўзи кўраётган даромаддан, яъни фойдасидан беш юз дирҳамни фақиру мискинларга, илм толибларига сарфларди. Толиби илмларга маълум маблағлар (маошлар) ажратиб, уларни алоҳида қизиқишу завқ-шавқ билан Пайғамбар (с.а.в.) илмларини (ҳадиси шарифларини) ўрганишга рағбатлантирарди, аҳли илмга нисбатан ғоятда кўп эҳсон кўрсатарди. Айни вақтда Имом ал-Бухорий ўз шахсий ҳаётида, ейиш-ичишда ва кийинишда сира ҳам ортикча дабдаба ва беҳуда сарфу харажатларга йўл қўймасди, сабр-тоқат ва қаноат, чидамлилик унинг учун одат тусидаги табиий бир ҳол эди.

Имом ал-Бухорий ғоятда беғубор, ҳалол-покиза, диёнатли инсон бўлиб, ғийбату ноҳақликлардан узоқ бир киши эди. У доимо: «Ғийбат қилиш ҳаром эканини билганимдан бошлаб, ҳеч қачон бирор киши ҳақида ғийбат гапирмаганман», – деб таъкидларди.

Имом ал-Бухорийнинг энг улуғ фазилатларидан яна бири у та'ассуб (мутаассиблик) нинг ҳар қандай кўринишларидан узоқ бўлган аллома эди. Унинг шоҳ асари «Саҳиҳ ал-Бухорий» билан чуқурроқ танишилса, ал-Бухорийнинг ўз китобидаги маълумотларга ниҳоятда катта синчковлик ва эҳтиёткорлик билан ёндошганини кўрамиз. Қанчадан-қанча машаққатлар билан тўпланган ҳадисларининг саҳиҳлигига тўла ишонч ҳосил қилиб, обдон текширгандан кейингина ўз асарига киритганлиги ушбу фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ» асари ҳақида гапирар эканмиз, шуни ҳам қайд қилиш керакки, ушбу китобнинг саҳиҳ иснодларида аҳли суннага мансуб бўлмаган ровийлар ҳам учрайди. Имом ал-Бухорий муҳаддисларда ҳадисларга бўлган катта меҳр ва интилиш ҳамда унга

қатъий амал қилиш ҳар қандай таҳсинга сазовор, деб ҳисобларди. Бу масала ғоятда муҳим бўлиб, бу хусусда баъзи муҳаддисларнинг ўзлари ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Жумладан, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: «Ўзим амал қилмаган битта ҳам ҳадисни китобга олмаганман», – деб таъкидлаган бўлса, ўз даврининг йирик муҳаддисларидан бири саналган Ваки' ибн ал-Жаррох: «Агар бирор ҳадисни ёдлашни истасанг, энг аввало, унга амал қил», – деган. Яна бир муҳаддис Иброҳим ибн Исмо'ил эса: «Ҳадисларни ёдлашда, энг аввало, унга амал қилиш йўлидан фойдаланардик», – деб таъкидлаган, аллома ас-Суйутий ўзининг «ат-Тадриб» номли асарида бу жараёни қуйидагича ифодалайди: «Ибодатлар, одоб-ахлоқ, фазилатлар, солиҳ аъмоллар хусусида эшитган ҳадислардан самарали фойдаланиш лозим. Бу, биринчидан, ушбу ҳадиснинг закоти; иккинчидан эса, уни ёдлаш учун яхши омилдир».

Имом ал-Бухорий яшаган даврда Холид ибн Аҳмад аз-Зухлий Тоҳирийлар томонидан бўлиб, Бухоронинг амири сифатида салтанат юритарди. Хорижий юртларга қилган узоқ йиллар давом этган сафаридан қайтиб, Имом ал-Бухорий ўз она юрти Бухорода ўрнашгач, унинг шону шуҳрати чор атрофга тарқалиб, кўплаб ҳадис толиблари тўда-тўда бўлишиб, Имом ал-Бухорий ҳузурига кела бошлагач, Холид ибн Аҳмад аз-Зухлий улар билан гарчанд мазҳабий масалаларда бир қадар муҳолафатда бўлса-да, уларнинг ривоятларини ташлаб кетмасдан китобига киритган. Бу тусдаги тасомух (сабр-тоқатлилик, бошқа мазҳабларга нисбатан эҳтиром билан қараш) қандай ҳолатда бўлмасин, чегараланган ёки чегараланмаган кўринишда бўлса-да, бунинг дастидан ҳадис ривоятига шак-шубҳа бўлмаслиги учун муҳаддислар ўртасида удум бўлган қоидага кўра улар аҳл ал-ҳавога (ши'алар, хорижийлар, му'тазилийлар ва ҳоказо) ҳам мансуб ривоятларни қабул қилганлар, фақат шу шарт биланки, улар бидъатга даъват қилмайдиган, ёлғон-ёшиқ ривоятларни тарқатмайдиган, ҳар қандай ҳолатда ҳам, сохта (ёлғон) аралашини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмайдиган кишилар бўлиши талаб қилинган. Шу боисдан ҳам, Имом ал-Бухорийнинг ровийларига назар солсак, улардан баъзилари ши'а тамғаси билан кўрсатилган бўлиб, Имом ал-Бухорий уларнинг ривоятини «Саҳиҳ» китобига киритган. Баъзан эса асоси бўлган ҳолларда, баъзи бир бошқаларини ши'аларга ёки рофизийларга мансублигидан уларнинг ривоятларини ўз китобига киритмаган.

Ҳадислардаги ноқис (иллат) ликларга алоҳида эътибор бергани каби Имом ал-Бухорий ровийларнинг ибратли, гўзал фазилатларини алоҳида

кўрсатишга ҳам катта аҳамият берган. Агар келтирган ривоятлари тўғри бўлса, ровийларнинг ҳақиқий тавсифларию адолатли ишларини ҳеч бир камситмасдан батафсил зикр қилган.

Пайғамбар (с.а.в.) нинг ҳадисларига нисбатан қизиқиши бўлган Бухоронинг амири Холид ибн Аҳмад аз-Зухлий Имом ал-Бухорийни ўз саройига келиб, унга ва унинг ўғилларига «Саҳиҳ ал-Бухорий» ва «ат-Та’рих» каби асарларидан сабоқ беришини талаб қилади. Шунда аллома амирдан келган хабарчига: «Мен илмни хор қилиб, унинг ҳукмдорлар эшигига олиб бормайман», – деган жавобни берди. Шундан кейин амир, агар Имом ал-Бухорий амир саройига келишни хоҳламаса, болалари учун алоҳида, махсус вақт ажратиб, дарс беришини, унда бошқа талабалар иштирок қилмаслигини таъкидлаб, яна вакилини юборди. Лекин Имом ал-Бухорий амирнинг бу талабига ҳам рад жавобини берди, чунончи илм олмоқ Пайғамбаримиз (с.а.в.) меросларидан бўлиб, бунда ҳар бир инсон – хосу авом тенг ҳуқуққа эга, деди ва агар амирда ундан дарс олиш эҳтиёжи бўлса, уйига ёки бўлмаса масжидга келишини сўраб: «Агар бу таклифим сизга маъқул бўлмаса, сиз ҳокимсиз, мени сабоқларимдан (илмий йиғинларимдан) манъ қилинг (тўхтатинг), бу менга одамлардан ўз илмимни бекитмаётганим учун қиёмат кунида Аллоҳ хузурида бир узр бўлади», – деди. Мана шу дадил жавобдан кейин Бухоро амири қаттиқ ғазабланади ва алломани шаҳардан чиқариб юбориш йўлларини излайди. Лекин, Имом ал-Бухорий миллионлаб мусулмонларнинг қалбини ўзига ром қилиб, уларнинг чексиз ҳурматию муҳаббатига сазовор бўлганлигидан амир ўз ҳокимиятию салтанати кучи билан уни шаҳардан чиқариб юборишга муваффақ бўла олмади. Шундан кейин, беандиша бир гуруҳ нопок кимсаларни топиб, Имом ал-Бухорийга нисбатан халойиқнинг ғазабини кўзгайдиган ёлғон-яшиқ тўхмат ва бўхтонлардан иборат айбномалар излади. Натижада, улар Имом ал-Бухорийга қарши хилма-хил бўлмағур сафсаталар ва тўхматлар тарқатдилар, шулар сабабли амир алломадан шаҳарни тарк қилиб, чиқиб кетишини талаб қилди.

Имом ал-Бухорий Бухородан чиқиб кетгач, Пойкандга келди. Фанимлар Бухорода алломага қарши тўқиган иғвогарона тўхматларини чор атрофга тарқатишга зўр бериб, жидду жаҳд кўрсатиб, ушбу тўхматни халқ орасида ошқора қилиб, ёйган эдилар. Шу боисдан ҳам, бу бўхтон хабар Имом ал-Бухорийдан олдин Пойкандга келиб етган бўлиб, Пойканд аҳли шу масала хусусида икки тоифага бўлинган эдилар. Уларнинг бир қисми Имом ал-

Бухорийни ушбу тухмадан ҳимоя қилиб, унинг тарафини олса, иккинчи қисми эса фиску фасодчиларни қўллаб-қувватлагандилар. Қачонки Имом ал-Бухорий Пойканд аҳли ўртасидаги ушбу ихтилофдан воқиф бўлгач, бу шаҳарда яшашни ўзига муносиб кўрмади. Айни вақтда Самарқанд аҳли ал-Бухорийни Пойкандга келганини билгач, улар уни Самарқандга таклиф қилиб, унда муқим истикомат этиб, мударрислик қилишларини сўрадилар. Бунга розилик билдирган Имом ал-Бухорий Пойканддан чиқиб, улар томон равона бўлди ва Самарқанд яқинидаги Хартанг деб аталадиган қишлоқда бир қариндошиникида тўхтади.

Лекин Имом ал-Бухорий Бухорода қўтарилган фитна Самарқандга ҳам етиб келганидан хабар топиб, унинг аҳли гўё Пойканддаги каби икки гуруҳга бўлинганини – улардан бир гуруҳи уни қўллаб-қувватлашини, иккинчи гуруҳ эса унга муҳолифлик билдириб, қаршилиқ изҳор этганини билгач: «Аллоҳим, қанчалик кенг бўлгани билан еру дунё менга торлик қилиб қолди, энди мени ўз раҳматинга қабул эт», – деб дуо қилди. Шу орада у қаттиқ бетоб бўлиб қолди ва 256 ҳижрий йилнинг Рамазон ҳайити (‘Ид ал-фитр) кечасида (870 йил 31 август) вафот этди.

Манбаларда келтирилишича, Имом ал-Бухорий ўз ижодий фаолияти даврида йигирмадан ортиқ асарлар яратган. Улар қуйидагилардан иборат: «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ», «ал-Адаб ал-муфрад», «Китоб ал-қуно», «Китоб ал-фаво‘ид», «Жуз‘ раф‘ ал-йадайн», «ат-Та‘рих ал-қабир», «ат-Та‘рих ал-авсат», «ат-Та‘рих ас-сағир», «ал-Жоми‘ ал-қабир», «Халқ аф‘ол ал-‘ибод», «Китоб аз-зу‘афо‘ ас-сағир», «ал-Муснад ал-қабир», «ат-Тафсир ал-қабир», «Китоб ал-ҳиба», «Асоми ас-саҳоба», «Китоб ал-вуҳдон», «Китоб ал-мабсут», «Китоб ал-‘илал», «Бирр ал-волидайн», «Китоб ал-ашриба», «Қазойо ас-саҳоба ва-т-тоби‘ин», «Китоб ар-риқок», «ал-Жоми‘ ас-сағир фил-ҳадис», «ал-Қиро‘а халф ал-имом».

Имом ал-Бухорий ҳақида ёзган муаррихлар ва солномачилар унинг хусни-хулқлари ва маҳосинларини зикр қилганларида, албатта, унинг қувваи ҳофизаси ва хотирасининг кучлилигини алоҳида таъкидлаб кўрсатадилар.

Чунончи, манбаларда Имом ал-Бухорийнинг хотираси кучли бўлганлиги хусусида кўпдан-кўп қизиқарли ривоятлар келтирилади. Унинг устозлари Муҳаммад ал-Бухорийнинг ёшлигидан Аллоҳ та‘оло ато қилган ноёб иқтидори ва қувваи ҳофизасини сезиб, унга яқдиллик билан тан берганлар. Ёшлигидаёқ унинг ҳақида «ғоятда фозил инсон бўлади», «довруғи эл орасида

достон зот бўлиб чиқади», деб айтган башоратлари тарих китобларида битилган.

Буюк муҳаддис Абу ‘Исо ат-Термизий: «Имом ал-Бухорий эл орасида танила бошлагач, ‘Абдуллох ибн Мунир: «Э, Абу ‘Абдуллох! Аллох сени бу умматнинг зийнати қилиб яратган!» – деган фикрини келтиради. Ат-Термизий яна: «Аллох та‘оло унинг барча хоҳишини мустажоб қилиб яратган эди», – деб таъкидлайди. Тарихчи Шамс ад-дин аз-Заҳабий қуйидагича ҳикоя қилади: «Ҳолид ибн Исмо‘ил шундай деган эди: Басра машойихлари хусусида Имом ал-Бухорий билан бизнинг фикримизда кўпинча ихтилоф бўларди. Шу пайтда у ўспирин бола бўлиб, ҳадисларни сира ёзмасди. Шу зайлда ўн олти кун ўтгач, у бизга: жуда кўп ҳадис эшитиб ёзиб олдинглар, қани менга кўрсатинглар-чи, қанча ҳадис ёзиб олибсизлар, деди. Ҳисоблаб кўрсак, ўн беш мингдан зиёд ҳадис ёзган эканмиз. Ал-Бухорий уларнинг ҳаммасини ёддан айтиб берди, ҳатто ёзган ҳадисларимизнинг кўпларидаги хатоларни унинг ёддан айтганларига қараб тузатиб ҳам олдик». Олим Муҳаммад ибн ал-Азҳар ас-Сижистоний «Биз аллома Сулаймон ибн Ҳарбдан ҳадис илмидан сабоқ олардик. Ал-Бухорий ҳам биз билан бирга ҳадис эшитарди-ю, лекин сира ёзмасди. Нега у ёзмаётир? – деб сўраганлар: «Ўз юрти Бухорога қайтгач, ёдидан ёзади», – деб жавоб олгандилар. Ушбу Сулаймон ибн Ҳарб ўз замонининг машҳур алломалари ва ҳадис ҳофизларидан ҳисобланиб, Маккаи Мукаррамада қози ҳам бўлган. Унинг хотираси ғоятда кучли бўлиб, ҳеч бир китоб-дафтарга бокмай, ўн минглаб ҳадисни ёддан ривоят қилган. Абу Ҳотам шундай ҳикоя қилади: «Мен Бағдодда Сулаймон ибн Ҳарбнинг дарсларидан сабоқ олганман. Унинг сабоғини олганларнинг сони қирқ мингдан ҳам ошиб кетган бўлиб, у ҳижрий 224 йилда вафот этган. Имом ал-Бухорий ҳам унинг шогирдларидан ҳисобланарди. Фазлу камолининг шунчалик буюк бўлишига қарамасдан, у ал-Бухорийдан «Сен бизга Шу‘банинг хатосини тушунтириб бер», – деб илтимос қиларди. Ҳифзу заковат, идроку тафаккурдан раббоний (илоҳий) бир ноёб қобилият ва истеъдод Имом ал-Бухорийга ато этилгандики, ҳатто унга устозлари томонидан ҳам юксак иззат-иқром ва ҳурмат кўрсатилиб, кўп муҳаддислар унинг ҳузурини дарс ўтишдан ҳам хижолат бўлиб, ҳайиқиб турганлар». Шу хусусда Фатҳ ибн Нух ан-Найсобурийнинг: «‘Али ибн ал-Мадинийнинг дарсида ҳозир бўлганимда Муҳаммад ал-Бухорийнинг унинг ўнг томонида ўтирганини кўрдим. Устоз ҳар бир ҳадисни зикр қилганида ҳурмат бажо келтириб, ал-Бухорий томонига оҳиста бурилиб қўяр эди», –

деб ёзиши устозларининг Имом ал-Бухорийга хурмат-эътибори алоҳида бўлганлигидан далолатдир.

Кўпгина манбалар ва тарих китобларида Имом ал-Бухорийнинг ақл-заковати ва қувваи ҳофизасини синаш мақсадида қилинган имтиҳон (синов) хусусида аниқ маълумотлар зикр қилинган. Дарҳақиқат, бундай жиддий бир имтиҳон Бағдодда Дор ал-хилофат (Халифалик уйи) да Бағдод уламолари томонидан уюштирилган. Бағдодлик олим Абу Бакр ал-Калузоний (ваф. 249 й.х.): «Муҳаммад ибн Исмо‘ил ал-Бухорийга ўхшаш ҳеч бир олимни кўрмадим. Бирор илмга оид ҳар қандай китобни олиб синчиклаб мутолаа қиларди-да, унда келтирилган барча ҳадисларни бир мартанинг ўзидаёқ ёдлаб оларди», – деб ёзган.

Қачонки Имом ал-Бухорий ҳадис илми бўйича мукаммал илмга эга бўлиб илмий мажлислар уюштириб, сабоқ бера бошлагач ва унинг бу тарздаги мажлисларининг довруғи ҳар тарафга тарқаб, эл орасида ёйилгач, илм толибларию аҳли дониш унинг сабоқларига шунчалик кўп ёғилиб кела бошладики, ҳатто мажлисларига одамлар сиғмай кетарди. Бу тартибдаги илмий мажлислар Басра, Бағдод, Ҳижоз, Балх каби шаҳарларда уюштирилиб, аллома умрининг охирларида ўз ватани Бухорода ҳам ҳадислардан дарс берганди.

Имом ал-Бухорий шогирдлари ҳақида гапирадиган бўлсак, улар сонсиз-саноксиз ва гоят даражада беҳад кўп бўлган. Бу хусусда олим ал-Фирабрий: «Бевосита Имом ал-Бухорийнинг ўзидан тўксон минг одам ҳадис эшитган», – деб ёзади. Имом ал-Бухорий устозларининг кўпчилиги унинг ҳузурига келиб шогирд сифатида унинг сабоқларига қатнашардилар, ўзларига фойдали билиб, билимларини зиёда қиладиган маълумотларни ундан ёзиб олардилар. Муаррихлару муҳаддисларнинг ёзишларича, ҳатто ал-Бухорийдан сабоқ олиб, ундан истифода қилганлар орасида унинг машҳур устозлари ҳам бўлган. Улар доимо унинг ёнида бўлиб, ал-Бухорийнинг илмий мажлисларида ҳозир бўлардилар. Улардан ‘Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий, ‘Абдуллоҳ ибн Мунир, Исҳоқ ибн Аҳмад ас-Сурморий, Муҳаммад ибн Халаф, Ибн Қутайба ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Буларнинг ҳаммалари ҳам ўз даврининг фазилатли, илми комил олимлари ҳисобланарди. Шундай улуг мартабага эга бўлишларига қарамасдан, улар ал-Бухорийдан ҳадислардан сабоқ олганлар.

Ёши Имом ал-Бухорийга тенгқур бўлиб, унга таянадиган ва унинг фазлу камолининг юксаклигини тан олиб, унинг илмий мажлисларида қатнашган

буюк олимлардан имом Абу Зур‘а ар-Розий, Абу Ҳотам ар-Розий, Иброҳим ал-Ҳарбий, ‘Абдуллоҳ ибн Мути, Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Зирак ал-Форисий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хазима, ал-Қосим ибн Закарийо, Муҳаммад ибн ‘Абдуллоҳ ал-Хадрабий, соҳиб «ал-Ма‘ориф» Муҳаммад ибн Қутайба, Абу Бакр ал-А‘йан ва бошқа кўпчиликни кўрсатиш мумкин. Мазкур олимлар рижол (ровийлар), тарих, ҳадис, жарҳ (иллатли ҳадислар), та‘дил илмлари бўйича ўз даврининг буюк алломалари эди.

Имом ал-Бухорийнинг шогирдлари орасида шон-шуҳратда юксакликка етишиб, буюк шарафга муяссар бўлган, исломий илмлар – илм ал-ҳадис ва фикҳнинг асосий жиҳатларини мукамал билганлардан «ас-Саҳиҳ» китобининг муаллифи Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, «Сунан» китобининг соҳиби Имом ‘Абд ар-Раҳмон ан-Насо‘ий, «ал-Жоми‘» асарининг соҳиби Имом Абу ‘Исо ат-Термизий, исломий илмлар бўйича қатор таснифотларнинг муаллифи Имом Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Имом ад-Доримий, машҳур фақиҳ, «ас-Саҳиҳ» номли асарнинг соҳиби Имом Ибн Хузайма ва бошқалар ҳам бор эди. Имом ал-Бухорийнинг шогирдлари бўлган ушбу алломалар ўз даврининг йирик муҳаддислари ва фикҳ олимлари ҳисобланарди.

ҚЎЛЁЗМА АСАРЛАРНИ САҚЛАШ ВА НАМОЙИШ ЭТИШ: МЕЪЁР, МУАММО ВА ТАКЛИФЛАР

Шарифжон Ғанижонович Исламов*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти мазкур соҳадаги етакчи ташкилот сифатида белгиланди. Институт мутахассисларидан иборат экспертлар гуруҳи Республиканинг турли ҳудудларида ноёб қўлёзмаларни сақлаш, илмий тадқиқот, намоиш этиш ва бошқа йўналишларда фаолият юритувчи давлат ташкилотлари фаолиятларини ўрганмоқда. Аниқланган муаммо, камчилик ва ўз ечимини кутаётган масалалар сўровнома шаклида жамланмоқда. Олинган дастлабки натижаларга кўра аксарият ташкилотларда ноёб манбаларни сақлаш, улардан фойдаланиш, таъмирлаш ва намоиш этиш борасида мутахассисларда билим ва кўникмалар етарли эмаслиги ва зарурий шароитлар мавжуд эмаслиги аниқланди. Шу боис ушбу маърузада қўлёзма манбаларни сақлаш ва намоиш этиш борасидаги мулоҳазаларни Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзма асарлар фондининг тажрибаси мисолида тақдим этамиз.

Институт 1943 йил ташкил этилган бўлиб, 2000 йил ЮНЕСКОнинг «Бутун жаҳон маданий мероси» рўйхатига киритилган. Қўлёзма китобларнинг умумий сони 26000, тошбосма ва босма асарлар 40000 жилддан иборат. Шунингдек, тарихий хужжатлар, миниатюра ва хаттотлик намуналаридан иборат коллекциялар ҳам мавжуд. Манбалар IX–XX асрларга тегишли бўлиб, ўзбек, араб, форс, тожик, урду, пушту, озарбайжон, турк, уйғур ва бошқа шарқ

* Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Фонд мудир

халқлари тилларида ёзилган. Фан соҳалари бўйича тарих, адабиёт, фалсафа, ҳуқуқ, кимё, табобат, жуғрофия, доришунослик, тил, мусиқа, математика ва бошқа соҳаларига бағишланган. Қўлёзмалар мажмуасидаги асарлар Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатларининг Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой ва Араб мамлакатлари тарихини ва улар орасидаги сиёсий-иқтисодий, маданий, дипломатик алоқалар тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Қўлёзмалар мажмуасида Шарқнинг буюк сиймолари ал-Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, ал-Марғиноний, ал-Мотуридий ва бошқаларнинг асарлари ўрин олган. Бундан ташқари Алишер Навоийнинг ўз даврида тузган девонлари, ‘Абд ар-Раҳмон Жомийнинг дастхатлари сақланади. Институт ўз фаолият давомида мазкур асарларни тадқиқ этиш, таржима, табдил, танқидий матнларини яратиш ва нашр этиш каби илмий фаолиятлар билан бир қаторда уларни халқаро талабларга мос равишда сақлаш, улардан фойланиш мезонларини йўлга қўйган.

Қўлёзма асарларни сақлаш, кўчириш, кўрғазмаларда намоёйиш этиш ва улардан фойланиш мезонларини мазкур соҳада катта тажрибага эга бўлган собиқ фонд мудирлари Қувомиддин Муниров, Маҳмуджон Ҳасанов, Ботирбек Ҳасанов, Бобоҳон Қосимхонов каби мутахассисларнинг бой тажрибаларидан фойдаланган ҳолда узок йиллар давомида шакллантирдик.

Институт янги биноси қурилиш жараёнида сақловхоналарга бўлган талаблар, ўқув заллар ва реставрация лаборатория талаблари инобатга олинган ҳолда барпо этилди. Сақлашнинг энг муҳим талаблари: ҳарорат, намлик, ёруғлик, хавфсизлик ва ёнғинга қарши чора-тадбирлар, табиий ҳаво алмашинуви маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда ва халқаро талабларга мувофиқ тарзда ташкил этилган қўлёзма асарлар фонди халқаро тоифадаги мутахассислар томонидан ўрганилди ва унинг фаолиятига ижобий баҳо берилди.

Маълумки, қўлёзма асарларни сақлашда сақловхона ҳарорати 18-22°C ҳарорат, 50-55% нисбий намлик ва 150 Lux ёруғлик миқдори меъёр этиб белгиланган. Маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда кўплаб муассасаларнинг сақловхоналаридаги ҳолат мазкур талабларга жавоб бермаслиги аниқланди. Юқори ҳарорат ва намлик натижасида қўлёзма саҳифалари бир-бирига ёпишиш ҳолатлари кузатилади. Йилнинг қиш фаслида жуда паст ҳарорат натижасида бир-бирига ёпишган саҳифалар янада мустаҳкамлашади. Мазкур зарарланиш оқибатини малакали мутахассислар

ёрдамида бартараф этмаслик эса ноёб қўлёзмадан қайта фойдаланиш имкониятининг йўқолишига сабаб бўлади.

Сақловхона муҳофизлари, айниқса бош муҳофиз зиммасида катта масъулият бўлиб, қўлёзма асарларнинг зарарсиз сақланишида муҳим вазифани бажаради. Бироқ баъзи ташкилотларда раҳбарият тарафидан уларга бўлган эътиборсизлик, ўрнатилган тартибларга амал қилмаган ҳолда лавозимидан олиш натижасида кўплаб тарихий манбаларнинг изсиз йўқолиш ҳолатлари кузатилди. Бу каби ҳолатларни олдини олиш борасида ПҚ–2995 сонли қарор ижроси сифатида давлат тасарруфидаги қўлёзма асарлар фондларининг реестри шакллантирилмоқда. Унда ташкилот тасарруфидаги қўлёзма асарлар ҳақида умумий маълумотлар базаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида шакллантирилади. Шу билан бирга мазкур йўналишни янада такомиллаштириш мақсадида 2014 йилдан бошлаб Институтда эксперт комиссияси фаолияти йўлга қўйилди. Қўлёзма асарлар фонди мудири йирик ўзгартишлар киритиш, қўлёзма асарлар электрон нусхаларини бериш каби муҳим масалаларни комиссия қарорига асосан ижро этади. Бу эса кўрилаётган чора тадбирнинг ҳар томонлама ўрганишга, қўлёзма асарларнинг электрон нусхаларидан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш ва назорат қилиш имконини беради.

Қўлёзма асарларни сақлаш борасида нафақат маҳаллий шароитда, қолаверса жаҳон амалиётида ҳам мавжуд бўлган муаммолардан бири бу уларни намойиш этиш ҳисобланади. Кўргазмаларга қўйилган ноёб қўлёзма асарларнинг саҳифалари, жилодор нақшлар ва миниатюра ранглирида сезиларли даражада хиралашиш, табиий зарарланиш ҳолатлари кузатилади. Мазкур ҳолатни бартараф этиш борасида Институт янги йўналишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу эса асл қўлёзмага жуда яқин кўринишни такрорлайдиган муляж нусхаларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Гарчан, муляж нусхалар олдинги даврларда ҳам амалиётда бўлган бўлсада, улар қадимийлик, давр руҳиятини, асл нусхадаги ўзига хосликни ифода эта олмас эди. Мазкур йўналишда олий таълим муассасаларининг иқтидорли ёш битирувчиларини мазкур йўналишга жалб қилганимиз натижасида илгари эришилмаган самараларга эришилди. Ҳозирда Қўқон Шарқ алломалари музейи, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий музейида институт мутахассислари тарафидан тайёрланган ноёб қўлёзма асарларнинг муляж нусхалари намойиш этилмоқда. Ушбу амалиёт ноёб қўлёзма

асарларнинг сақланиши, табиий зарарланиши каби салбий оқибатларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Қўлёзма асарларни сақлаш муаммоларидан яна бири аҳолида сақланаётган қўлёзма асарларни химоялашдан иборат бўлади. 2017 йилдан бошлаб Институт Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда аҳолида сақланаётган 300га яқин ноёб қўлёзма, тошбосма китоблар ва тарихий ҳужжатлар сотиб олди. Ушбу жараёндаги кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий аҳолида имкониятлари чекланган сабабли ноёб манбаларни сақлашда турли қийинчиликларга дуч келинган. Натижада асарлар турли даражада табиий зарарланган. Институтда яратилган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда уларнинг зарарланиши бартараф этилмоқда.

Юқоридаги мулоҳазаларни жамлаган ҳолда қўлёзма асарларнинг сақланишини таъминлаш бўйича қуйидаги йўналишларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ: талабларга мувофиқ сақловхона, таъмирлаш лабораторияси, электрон нусхаларини тайёрлаш ва факсимиле нусхаларини чоп этиш. Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда тадқиқотчиларга ноёб манбаларнинг фақат электрон нусхаларидан фойдаланишнинг жорий этилиши манбанинг табиий зарарланишининг олдини олади. Факсимиле нусхаларнинг чоп этилиши нафақат қўшимча даромад манбаи, қолаверса кенг доирада мутахассисларга етиб боришини таъминлайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қўлёзма асарларни сақлаш ва улардан тўғри фойдаланиш борасида талайгина ишларни амалга ошириш талаб этилади. Жумладан, сақловхоналарни халқаро талабларга мувофиқ тарзда жиҳозлаш, фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, сақлаш, таъмирлаш ва электронлаштириш йўналишида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича амалиёт лабораторияларини шакллантириш аждодларимиздан мерос бўлиб қолган ноёб қўлёзма асарлар сақланишининг асосий омилларидан ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИДА САҚЛАНАЁТГАН ШАРҚ ТИЛЛАРИДАГИ ТАРИХИЙ ФОНДЛАРНИ КАТАЛОГЛАШТИРИШ ХУСУСИДА

Насриддин Муҳритдинович Мирзаев*

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА) да сақланаётган И-323 – «Вақф ҳужжатлари коллекцияси» фонди таркибига киритилган ҳужжатлар иккита рўйхатда мужассамлашган бўлиб, асосий қисмини вақф ҳужжатлари ташкил қилади. Вақф ҳужжатлари асосан форс, араб ва эски ўзбек (чиғатой) тилларида ёзилган бўлиб, улар Самарқанд, Бухоро, Хива ва Фарғона ҳудудларида тузилган.

Вақф деб ҳукмдор ёки бошқа шахслар томонидан бағишланган кўчар ва кўчмас мулклар тушунилади. Вақф мулклари расмийлаштирилган ҳужжат вақфнома деб аталган, ҳужжат ноанъанавий тарзда ўрама шаклида битилган ҳамда тегишли қозининг муҳри билан қонунийлаштирилган.

ЎзРМДАда сақланаётган вақфнома ҳужжатлари ҳам ўрама шаклда тузилган бўлиб, энг кичикларининг эни – 10 см, узунлиги – 20 см, катталарининг эни – 45 см, узунлиги – 84 метргача бўлиб, улар ўз даврининг мулкрий муносабатлари ҳамда ижтимоий масалаларини акс эттирувчи ноёб манба саналади.

Ушбу ҳужжатларнинг расмийлаштириш жараёни Марказий Осиёда мавжуд бўлган ҳужжатшунослик анъанасига мувофиқ амалга оширилган. Бунда ҳужжатнинг аввалида Аллоҳга ҳамду сано, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) га салавот, ҳужжат тузилган санаси ва жойи, воқиф исми шарифи, вақф қилинаётган мулк номи, мулк жойлашган манзил (тўрт томони батафсил баён этилган), қайси муассаса ёки шахсга берилаётгани, воқифнинг шартлари,

* Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви катта илмий ходими; Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти (PhD student)

мутавалли тўғрисидаги маълумот, вақф мулк тури ўзгартилган бўлса тўлиқ кўрсатиб ўтилиб, ҳужжат сўнгида тегишли ҳудуд қозиси ёки қозиларининг мухри ва гувоҳларнинг исми шарифлари кўрсатилган ва қонунийлаштирилган.

«Вақф ҳужжатлари коллекцияси» И-323 фонди турли даврларда турли жойларда йиғила бошлаган бўлиб, Туркистонда хонликлар даврида ҳар бир хоннинг ўз девонлари бўлган ва ўша жойда давлатга тегишли бўлган расмий ҳужжатлари сақланиб келган, шу жумладан вақф ҳужжатлари ҳам [1]. XX асрнинг бошида Бухоро Амирлиги тугатилгандан сўнг 1919 йил 5 ноябрда Туркеспубликасининг марказий ижро комитети (ЦИК) ташкил этилган. Шу йили «Архив ишини қайта ташкил қилиш ва марказлаштириш» қарори чиққанида архив ҳужжатларини йиғиш ва уларни бир жойда сақлаш ишлари бошланди. Жумладан, йиғилган ҳужжатларнинг асосини Инқилобгача бўлган даврга тегишли Марказий Осиё тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий масалаларни ёритиб берувчи документлар ташкил этади [2].

Шунга биноан 1920 йили 1 январда Тошкент шаҳрида Марказий архив бошқармаси (ЦАУ) қошида марказ ташкил топади [3]. Унда тарихчи олимлардан иборат комиссия ташкил қилиниб, асосий аъзолари В.В. Бартольд, А.Э. Шмидт, В.Л. Вяткин, М.С. Андреев ва бошқалар бўлган. Ушбу комиссия зиммасига зудлик билан архив ҳужжатлари, манускриптлар, қўлёзмалар, китоблар, қадимий ёдгорлик ва санъат буюмларининг муҳофазасини таъминлаш чораларини кўриш ҳамда уларни Тошкентга олиб келиш юклатилган эди [Ушбу қарор юзасидан тарихчи олимлар Туркистон бўйлаб излаш ва топганларини Тошкентга олиб келиш ишларини қисқа муддатда бошлаб юборганлар. Батафсил қаранг: 4]. Қарорга кўра ишни бошлаган тарихчилар 1920 йил 30 сентябрда Бухоронинг эски шаҳрида ва арк ичидан олиб келганлари ҳақидаги Баённомаларида қуйидагича маълумот берилган: Бухорода ҳозирча йиғилган китобларга қўшиб 400 та вақф ҳужжатларини ҳам топиб олдик, баъзилари аркда ёнғин бўлган пайтда йўқ бўлиб кетган бўлиши мумкин, деган маълумотларни ҳам келтирганлар. Демак, илк вақфномалар ва уларнинг архив «фонд»лари ушбу 1920 йилда бошланган десак, хато қилмаган бўламиз.

Архивда сақланаётган вақф ҳужжатларини мазмуни ва мулк турларига кўра: экин ерлари, боғлар, тегирмонлар, ариқлар, кўприк қуриш, суғориш иншоотлари, карвонсарой, устахоналар, бозорлардаги турли расталари, китоблар, мактаб, шифохона, бозор, масжид, мадраса, ҳаммом, хужра,

корихона, дўкон, раста, тим ва сарой, уй-жой, мевали дарахт, боғ ва узумзор, ер ва ҳосилдор ерлар, китоб ва кутубхона, мақбара, мавзолей, қори, мақсураҳон, хатми Қуръон ва хатми хўжагон, масжид имоми, мактабхон (мактаб), жувозхона, устохона, тегирмон, карвонсарой, баъзи чорво моллари, отхона, қозон, дошқозон, кўприк, сартарошхона, ҳовуз, нонвойхона, кул озод қилиш, қишлоқ, ошхона, талабалар, сандиқ, таҳоратхона, меҳмонхона, хонақоҳ ва бошқаларнинг муайян муассасалар, масжидлар, мадрасалар, шифохоналар ва бошқа шу каби жамиятдаги муҳим бўғинларидан бўлган жойлар учун хайрия ва молиявий кўмак бериш кабиларга ажратиш мумкин.

Тарихий давр нуқтаи назаридан ушбу вақфномаларнинг энг қадимийси XIII асрга тегишли бўлиб, у архивда (И–323 фонд, 1–рўйхат) 1183-рақам остида сақланадиган 1326 йилга тегишли асл вақфнома ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳужжат Бухорода Шайхи Олам номи билан машҳур Шайх Сайф ад-дин Бохарзийнинг мақбарасига атаб ўз набираси Шайх Йаҳё ибн Аҳмад томонидан вақф қилинган ҳужжатдир. Ушбу манбаларнинг асосий қисми XVI–XX аср бошларига тааллуқли бўлиб, ҳозиргача илмий истеъмолга кам киритилган. Бу масалаларга оид тадқиқотларнинг аксарияти рус тилидаги манбалар ва маълумотларга асосланганлиги боис, уларда жуда кўп тарихий воқеалар моҳияти бир томонлама ёритилган.

Ушбу ҳужжатларнинг манбавий таҳлили ўтмишнинг жуда кўп масалаларига ойдинлик киритиши шубҳасиз. Зеро, уларда ўзбек халқининг ижтимоий ҳаётига оид жуда кўп маълумотлар мужассамлашган.

Айрим тадқиқотчилар вақф ҳужжатларининг маълум қисмини ўз ишларида, хусусан, П.П. Ивановнинг Хива хонлиги архиви ҳужжатлари, А.Л. Троицкаянинг Қўқон хонлиги архиви каталоги, О.Д. Чеховичнинг Бухоро хонлиги ёрлиқлари, А. Ўрунбоев, Ғ. Джураева, С.С. Ғуломовларнинг Ўрта Осиё арзномалари каталогларида қайд этиб ўтилган [5; 6; 7; 8; 9; 10; 11].

Охириги 20 йил ичида тадқиқотчилар О. Жалилов, У.И. Джабарова, Э.Э. Каримов, У.А. Абдурасулов, И. Алимов, Қ. Якубов ва Н. Исмаговларнинг изланишларида вақф мулкчилиги билан боғлиқ айрим масалалар, хусусан Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги вақфномалари тадқиқ этилганлигини кўришимиз мумкин [12; 13; 14; 15; 16; 17]. Жумладан, О. Жалиловнинг «Хазинамиздаги Хива вақф ҳужжатлари» мақоласида Шарқшунослик марказининг (институт)и қўлёзмалар хазинасида сақланаётган «Хива қози дафтарлари» деб номланган тўрт жилддан иборат қўлёзмалар таркибидаги 1600 га яқин вақф ҳужжатлари

тўғрисида маълумот берилиб, 9491 рақамли қўлёзма дафтарда Хивадаги вақф масаласига оид 520 та ҳужжат кўчирма нусхаси тузилиши ва мазмуни жиҳатдан бир неча турларга бўлиниб, тасниф этилади ҳамда И. Алимов ўзининг «Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917–1929 йиллар)» монографиясини ҳам фақат вақф мулклари тақдири ва уларнинг тугатилишига бағишланган бўлиб, вақф ҳужжатлари ва уларнинг жойлашган ери ва йиғилиши тўғрисида маълумотлар бермаган [18, б. 222].

ЎзР МДА фондида сақланаётган вақф ҳужжатлари коллекцияси амалдаги илмий маълумотнома нашрларига киритилмаган. Амалдаги архив фонди рўйхати 1989 йилда рус тилида тузилган бўлиб, икки қисмдан иборат. Жами рўйхатга киритилган вақфномалар сони 1400-дан ортиқ. Бироқ ушбу рўйхатдан фойдаланишда, замонавий тадқиқотчилар бир қатор қийинчиликларга дуч келишмоқда. Жумладан, айрим вақфномаларни тавсифлашда чалкашликлар учрайди, келтирилган маълумотлар ўта қисқа шаклда берилиб, улардан ҳужжат мазмуни тўғрисидаги бирламчи ахборот олиш қийин. Юқоридагиларни инобатга олиб, бугунги кунда архивда ушбу фонднинг ўзбек тилидаги янги рўйхатини тузиш, уни такомиллаштириш, йўл қўйилган камчилик ва хатоларни тузатиш ва тадқиқотчиларга ушбу рўйхатнинг электрон шаклини тақдим этиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб, 900 та ўрамдаги вақф ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар янги архив рўйхатига киритилган.

Эски рўйхатда жадвал шаклида қуйидаги бандлар бўйича маълумот берилган:

1. ҳужжатнинг тартиб рақами (т/р);
2. вақф қилувчининг исми шарифи (Ф.И.Ш.);
3. ҳужжатнинг асосий мазмуни;
4. қайси муассасага тегишли эканлиги;
5. санаси (ҳижрий ва милодий);
6. қозиларнинг муҳри;
7. изоҳ.

Т/р	Вақф эгаси	Ҳужжатнинг мазмуни	Қайси муассасага тегишли	Сана	Тузилган жойи ва тасдиқлаган шахс	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7

Бир жиҳатдан, ушбу тартибда маълумотлар умумий мазмунан тўлиқ очиб берилганга ўхшайди, лекин, янги тузилаётган архив рўйхатида маълумотларни тўлиқ киритиш билан бирга, тегишли изоҳлар билан бойитиш режалаштирилган. Шунингдек, зикр қилинган рўйхатнинг вақф қилувчининг исми зикр қилинаётганда муаллифнинг тўлиқ исми шарифи, унинг кунyasi ёки лавозимлари бўйича эски рўйхатда баъзи учрамайдиган маълумотлар ҳам қўшилмоқда. Бундан ташқари, «хужжатнинг мазмуни» деган қисмида вақф қилувчининг мулклари тўғрисида барча маълумотлар батафсил келтирилиб, унинг шартлари ва мутаваллига доир маълумотлар берилмоқда. Вақф мулки тегишли бўлган муассаса ундан қандай мақсадда фойдаланиши кераклиги қайд этилган бўлса, биз уни ҳам қўшиб ўтмоқдамиз. Хужжатнинг аслийлигини тасдиқловчи қозиларнинг муҳри масаласида эски рўйхатда фақат қози исми шарифи келтирилган холос, биз эса мавжуд бўлган ҳар бир муҳрнинг тўлиқ ёзувини белгилаб, муҳр ичида келадиган саналарни албатта қайд этиб боришга ҳаракат қилдик. Сабаби, баъзи вақф хужжатлари йиллар давомида яроқсиз ҳолга келиб, вақфнинг санаси аниқланмаса ёки асл матнда санаси кўрсатилмаган бўлса, муҳрнинг санасидан тахмин қилиб ёки унинг ҳошияларида келган ёзувлардан аниқлаб олиш учун бу маълумотларни қўшиш мақсадга мувофиқ, деб топдик. Шунингдек, рўйхатдаги охириги банди «Изоҳ» қисмида эски рўйхатда асосан бир хужжат икки марта қайтарилган бўлса уни ёзиб, нусхаси, агар сабаби ёзилган бўлса, шулар қўшиб кетилган. Аммо, ушбу янги рўйхатда ҳар бир хужжатнинг қайси тилда (араб, форс, чигатой-эски ўзбек ёзуви) эканлиги, кўп хужжатнинг охирида илова қилинган васиқалар тўғрисидаги маълумотлар, хужжатларнинг умумий ҳолатлари тўғрисида хулоса ва агар бирор ўзига хос хусусият (чиройли хат, зарҳал сув юритилгани ва бошқа миллийлик белгилари) аниқланган ҳолда қўшимча маълумот сифатида кўрсатиб ўтилмоқда.

Умуман олганда, ЎзР МДАда сақланаётган шарқ тилларидаги ноёб манбалар коллекцияси бўлган «Вақф хужжатлари»нинг ўзбек тилидаги янги архив рўйхатини тузиш келгусида янги турдаги архив маълумотномаларни яратиш ва тадқиқотчиларга тақдим этиш, электрон рўйхат орқали жамиятнинг тез муддатда сифатли ахборот олишга бўлган эҳтиёжларни қондириш имкониятини яратади.

Адабиётлар:

1. Исакова М. Становление и развитие архивного дела в Узбекистане. Ташкент: «Университет», 2012, с. 7-41.
2. Джураева Г. К изучению средневековых вакуфных грамот из Фонда ЦГА РУз // Тарих фани ва архив иши. Ташкент: «Фан», 2010, б. 101.
3. ЎзР МДА. Ф. Р-399, 1-рўйхат, 48-ийғмажилд, б. 3-49.
4. ЎзР МДА. Ф. Р-399, 1-рўйхат, 48-ийғмажилд, 50-51-варақлар.
5. Вильданова А.Б. К изучению документов из фондов Института востоковедения АН РУз // Общественные науки в Узбекистане. Ташкент, 1995, № 1, 2, 3, с. 48-50.
6. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Вып. I. Акты феодальной собственности на землю XVII–XIX вв. / Подбор документов, перевод, введение и примечания О.Д. Чехович. Под ред. А.К. Арндса. Ташкент, 1954.
7. Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в.: Исследование и описание документов с историческим введением. Новые источники для истории народов Средней Азии. Ленинград, 1940.
8. Троицкая А.Л. Каталог архива кокандских ханов XIX века. Москва, 1968.
9. Хива давлат ҳужжатлари. Том 2, Ташкент, 1960.
10. Чехович О.Д. Бухарские поземельные акты XVI–XIX вв. // Проблемы источниковедения. IV. Москва, 1955, с. 223-242.
11. Урунбаев А., Джураева Г., Гуломов С. Каталог среднеазиатских жалованных грамот. Халле, 2007.
12. Жалилов О. Хазинамиздаги Хива вақф ҳужжатлари // Шарқшунослик. 1993. № 4, б. 62-71.
13. Джабарова У.И. Вақфные грамоты как источник по изучению аграрных отношений Хивинского ханства XVII – начала XX в. // Материалы Международной научной студенческой конференции. Востоковедение. Новосибирск, 2003, с. 14-15.
14. Якубов Қ. Ватан тарихшунослигида Хива хонлиги вақф мулкчилиги тарихини ўрганиш масалалари // Ўзбекистон тарихи, 1-сон, Тошкент, 2014, б. 78-87.
15. Исматова Н. Бухоро амирлигида вақф мулкларини таъсис этиш ҳамда сотиш масалалари (XIX асрнинг сўнги чораги – XX аср бошлари) // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. 2-сон, Ташкент, 2014, б. 34-38.
16. Каримов Э.Э. Кубравийский вақф XVIII–XIX вв.: письменные источники по истории суфийского братства Кубравийа в Средней Азии. Ташкент: Фан, 2008.
17. Абдурасулов У.А. Земельные отношения в Хивинском ханстве во второй половине XVIII – первой четверти XIX в. Дис. ... к.и.н. Ташкент, 2008.
18. Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917–1929 йиллар). Тошкент: «Фан», 2009.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ФОНДИ
ХАЗИНАСИДАГИ АСАРЛАРНИНГ
ТАРТИБЛИ РЎЙХАТИНИ ТУЗИШ**

Азимжон Шарипович Гофуров*

Она заминимиз Ўзбекистон тарихда, қолаверса, Шарқ тарихида илм-фан, маданият ривожланган ва фан тарихида ренессанс мақомига эга алоҳида бир диёр саналади. Диёримизга VII–VIII асрлар Ислом дини кириб келиши билан нафақт исломий билимлар, балки фаннинг турли соҳалари – аниқ, табиий ҳамда ижтимоий фан йўналишларида кўплаб асарлар ёзилган бўлиб, уларнинг аксарияти бизнинг давримизгача етиб келган.

Юксак маънавий бойлигимиздан ҳисобланган ёзма меросимизнинг бир қисми юртбошимиз ташаббуслари билан 2017 йил тамал тоши қўйилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фондида сақланмоқда. Фонддаги қўлёзма ва тошбосма асарлар, асосан аҳоли томонидан тақдим этилаётган ёки коллекционерлар томонидан совға қилинаётган китоблардан иборат. Марказ фондига ҳозирги кунга қадар 123 дона қўлёзма ва 217 дона тошбосма асарлар қабул қилинган бўлиб, улар араб, форс ва туркий (эски ўзбек) тилларида ёзилган ҳамда турли фан соҳаларига оид.

Қуйида ушбу асарларнинг муҳим деб билган ва аждодларимизга тегишли бўлганларига айрим асарларга тўхталамиз.

1. Инвентар № P0006 рақами остида сақланаётган, буюк аждодларимиздан

* Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази Манбашунослик ва қўлёзмалар бўлими катта илмий ходими

бири – Бурхон ад-дин Марғинонийнинг 374 варақдан иборат фикх (ислом ҳуқуқи) га доир «Ҳидойа» асарининг I жилди. Ушбу асар 1273 х./1856 м. йил Хўқанд (Кўқон) да, хаттот Мулло Муҳаммад ‘Исо ибн Турсун Муҳаммад томонидан араб тилида «Таҳорат китоби»дан «Вақф китоби»гача тўлиқ кўчирилган нусхаси. Асар муқоваси чиройли ботик нақшли картондан ишланган бўлиб, нақш ичига «Амали Мулло Пир-Муҳаммад саҳҳоф 1268 х.» деб ёзилган. Асар ўлчами 27x17см, варақлар четига шарҳлар ёзилган.

Асар ушбу сўзлар билан бошланган:

بسم . . . الحمد لله الذى اعلى معالم العلم واعلامه واطهر شعائر الشرع واحكامه .

Асар охири куйидаги сўзлар билан тугаган:

تمت هذه النسخة الشريفة... يا ارحم الراحمين سنة ١٢٧٣ هـ اردو صدوهفتادوسه .

2. Инвентар № P0008 рақами остида сақланаётган, яна бир буюк аждоқларимиздан Бобораҳим Машраб бобомизнинг 120 варақдан иборат, назм ва наво услубида ёзилган «Шоҳ Машраб қиссаси» асари бўлиб, номаълум хаттот томонидан ўзбек тилида 1296 х./1879 м. йил кўчирилган. Асар яхши сақланган ва муқоваси 26x15,5 см ўлчамли ботик нақшли картондан ишланган.

Асар ушбу сўзлар билан бошланган:

بسم . . . نعت رسول سرور بيز عاصى لارگه . . .

Асар охири куйидаги сўзлар билан тугаган:

...ويوركى قان بولوب انده دونيائى فانى دين دونيا باق كه رحلت قلدى. كتاب در ولايت مزنان در محله مشهد نويسد

Шунингдек, айрим қўлёзма китоблари бир неча асарларнинг жамланмасидан иборат бўлиб, уч, тўрт, бешдан – 20 донагача асарларнинг тўпلامлари мавжуд. Тадқиқодчиларга маълумот сифатида энг муҳим деб билганларимизнинг тавсифларини келтираемиз.

Асарлар ичида ўта қадимий ва муаллифлик асари деб ҳисобланганлари ҳам мавжуд бўлиб, айримларига тўхталиб ўтаемиз.

‘Абд ар-Раҳмон Жомийнинг «Фаво’ид вофийа би-ҳалл мушкилот ал-кофийа» (Шарҳ-и Мулло Жомий) асари. Асар юқори даражада безатилганлиги

хам юқори мартабали шахсга тегишли эканлигини билдиради. Асар унвони, матнлар чеккасидаги хошиялар ва бўлимлар орасида доираларга ҳам тилла суви юритилган. Асар колофонида 11-рамазон 897/3 июль 1492 йил оққа кўчирувчи ‘Абд ар-Раҳмон ал-Жомий деган сўз асарни Жомий кўчирганлигига ишора қилади.

Шунингдек, фондда ислом ҳуқуқи йўналиши бўйича:

‘Убайдуллоҳ ибн Тож аш-Шари‘анинг араб тилидаги «Мухтасар ал-виқойа», «Усул ал-фикх» ва муаллифи номаълум форс тилидаги «Чор китоб».

Мантиқ фанига оид:

‘Убайдуллоҳ ибн Мас‘уд ибн Тож аш-Шари‘анинг араб тилидаги «ат-Тавзиҳ фи ҳалл ғавомиз ат-танқиҳ», Мавлоно Жалол ад-диннинг араб тилидаги «Шарҳ таҳзиб ал-мантиқ», муаллифи кўрсатилмаган араб тилидаги «Миркод шарҳи».

Қуръоншунослик йўналишида:

Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ас-Самарқандий араб тилида ёзган «Тажвид [Тажвид – Қуръон каримни талаффуз ва оҳангини тўғрилашга оид фан] и фотиҳа».

Бадий йўналишда:

Ўзбек тилида «Имом Ҳасан подшоҳ қиссаси» ва «Баҳром ва Дилором қиссаси», форс тилида «Бедил ғазаллари» каби асарлар мавжуд.

Ушбу асарларни каталоглаштириш (тартибли рўйхатини тузиш) бўйича ишлар қуйидаги тартибда жорий қилинди.

Биринчи: чап тарафда инвентар рақам, ўнг тарафда тартиб рақами.

1	Инв №	P 0005
---	-------	--------

Иккинчи: асар номи берилган.

2	Асар номи	ал-Ҳидойа
---	-----------	-----------

агар номи қўлёзма ичида ёзилмаган бўлса, «Кўрсатилмаган» деб берилди.

3	Асар номи	Кўрсатилмаган
---	-----------	---------------

Учинчи: асар муаллифининг номи қўлёзмада ёзилган бўлса, номи келтирилади.

4	Муаллиф	Бурҳон ад-дин Марғиноний
---	---------	--------------------------

агар номи ёзилмаган бўлса, уни ҳам «Кўрсатилмаган» деб берилди.

5	Муаллиф	Кўрсатилмаган
---	---------	---------------

Тўртинчи: асар қайси тилда ёзилган бўлса, шу кўрсатилди.

6	Тили	Араб
---	------	------

Бешинчи: асарнинг қайси мавзуга тегишли экани кўрсатилди.

7	Мавзу	Фикҳ (Ислом ҳуқуқи)
---	-------	---------------------

Олтинчи: асар варақларининг сони кўрсатилди.

8	Қамров (саҳифалар)	322 варақ (1 ⁶ -322 ⁶)
---	--------------------	---

Еттинчи: асар кўчирилган йил ва кўчирилган жой ҳақида маълумот берилди.

9	Кўчирилган сана ва жой	1241 х./1826 м. йил кўчирилган. Мадраса «Руҳ-и афзо»
---	------------------------	--

Саккизинчи: қўлёзмани кўчирган хаттот номи келтирилди.

10	Котиб	Муҳаммад Шариф ибн Домла Муҳаммадий Ҳисорий
----	-------	---

агар номи бўлмаса, «Кўрсатилмаган» деб ёзилди.

11	Котиб	Кўрсатилмаган
----	-------	---------------

Тўққизинчи: қўлёзманинг биринчи саҳифасида бошланган матннинг биринчи қатори ёзилди. Бу тадқиқотчилар учун фойдадан холи бўлмайди.

12	Бошланиши	بسم... الحمد لله الذى اعلم معالم العلم واعلامه واطهر شعائر الشرع واحكامه ويعث...
----	-----------	--

Ўнинчи: қўлёзманинг охириги саҳифасидаги матннинг энг охириги қатори ёзилди. Бу ҳам тадқиқотчилар учун фойдадан холи эмас.

13	Охири	...الى صرف هذه القلة والله اعلم تمت سنة ١٤٢١ هـ هذه الكتاب... كالاربعة ومن سلك مسلكهم في تأسيس قواعد الاصول ولاستنباط احكامه.
----	-------	---

Ўн биринчи: асар колофони ҳақида маълумот берилди.

14	Колофон	Бор
----	---------	-----

Ўн иккинчи: китоб муқоваси ва қоғоз ўлчами тўғрисида маълумот берилди.

15	Муқова ва қоғоз ўлчами	Оддий картон. Ўлчами: 22x27 см
----	------------------------	--------------------------------

Ўн учинчи: бу ерда асардаги нақшлар, миниатюра, ундаги сақловчи, котиб ёки муаллиф томонидан киритилган ўзгартиришлар ва бошқа камчиликлар ҳақида қисқача изоҳ бериб ўтилди.

16	Изоҳ	Муқованинг устки қисми сақловчи томонидан қайта муқоваланган. Асар Мир Ҳайдар Баҳодурхон даврида кўчирилган.
----	------	--

Хуллас, қўлёзма асарларни тартибли рўйхатини тузишнинг умумий ҳолати қуйидаги шаклда ифодаланди:

		7
1	Инв №	P 0005
2	Асар номи	ал-Ҳидойа
3	Муаллиф	Кўрсатилмаган
4	Тили	Араб
5	Мавзу	Фикҳ (Ислом ҳукуки)
6	Қамров (саҳифалар)	322 варақ (1 ⁶ -322 ⁶)
7	Кўчирилган сана ва жой	1241 х./1826 м. йил кўчирилган. Мадраса «Рух-и афзо»
8	Котиб	Муҳаммад Шариф ибн Домла Муҳаммадий Ҳисорий
9	Бошланиши	بسم... الحمد لله الذى اعلى معالم العلم واعلامه واطهر شعائر الشرع واحكامه وبعث...
10	Охири	...الى صرف هذه الفلة والله اعلم تمت سنة ١٤٢١ هـ الكتاب... كما الاربعة ومن سلك مسلكهم في تأسيس قواعد الاصول ولاستنباط احكامه.
11	Колофон	Бор
12	Муқова ва қоғоз ўлчами	Оддий картон. Ўлчами: 22x27 см
13	Изоҳ	Муқованинг устки қисми сақловчи томонидан қайта муқоваланган. Асар Мир Ҳайдар Баҳодирхон даврида кўчирилган.

Мақолада марказ фондида сақланаётган тарихий, ижтимоий-сиёсий ҳаётга доир асарларнинг тавсифлари ва уларни марказда каталоглаштириш (тартибли рўйхатини тузиш) услублари тавсиф этилди. Албатта агар бирон номуносиблик ўтган бўлса, бир қанча йиллик тажрибага эга устозлар ва мутахассислардан узр сўрайман. Шунингдек, тўлиқ маълумотни олмоқчи бўлган мутахассислар марказ фондига мурожаат қилиш орқали бошқа асарлар билан тўлиқ танишишлари мумкин.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МИНИАТЮРАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ХАЗИНАСИДА

Абдумажид Абдураимович Мадраимов*

Амир Темури ва Темурийлар даври (Мовароуннаҳр 1370–1501, Хуросон 1507 йилгача, Кобул 1530 йилгача) Шарқ китобати ва миниатюра санъати тарихида алоҳида ўрин тутди [1, с. 81]. Унинг ноёб намуналари ва муҳим обидалари дунёнинг деярли барча йирик музей, кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланмоқда [2, с. 448]. Улар тўғрисида бир қатор альбом ва тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, аммо ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинасида мавжуд Темурийлар даврига оид расмлар ёки расмли қўлёзмалар алоҳида тадқиқот объекти бўлган эмас [3; 4, с. 536].

Ушбу мақолада ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинасида мавжуд ва уч жилдди инглиз тилидаги «Шарқ миниатюралари» (Тошкент, 2001, 2003, 2004) каталогида чоп этилган Темурийлар даврида яратилган расмли қўлёзмалар хусусида фикр юритмоқчиман. Уларнинг айримлари «Ўз ФА Шарқ қўлёзмалари мажмуаси» («Собрание восточных рукописей АН Узбекистана») номли фундаментал каталогда ва бошқа нашрларда эслатилган, аммо алоҳида тадқиқ ва таҳлил этилмаган.

Темурийлар даврига нисбат бериш мумкин бўлган биринчи расмли қўлёзма – бу «Калила ва Димна» номли форс тилидаги масаллар мажмуаси, асли Ҳиндистонда яратилган «Панчатантра» (беш китоб) номли асар асосида яратилган бўлиб, уни Абу-л-Ма‘оли Насруллах 1144 йили Ғазнавий Баҳром шоҳ учун тайёрлаган. Қўлёзманинг тартиб рақами 3480. Варақлар сони 143

* Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейи Экспозиция ва кўргазмаларни илмий лойиҳалаш ва бадний безаш бўлими мудири, тарих фанлари доктори, профессор

та. Ўлчами 14,5x24 см. Китобда қирқ тўққизта расм мавжуд. Муқова асоси картон бўлиб, устки қисми қизил чарм билан қопланган, учта босма нақши бўлиб, XIX асрга оид деб тахмин қилиш мумкин. Матн қора сиёҳда майда наста'лиқ хатида, боб номлари, алоҳида сўзлар ва шеърый лавҳалар йирик сулс хатида ёзилган ва ҳаракатлар қўйилган олтин мовий сиёҳда битилган. Матн ўлчами 9,5x17 см. Ҳар бир саҳифада 17 қатор ёзув жойлаштирилган.

Асар дебочасидан маълум бўлишича, бу китоб ўн беш бобдан иборат бўлган, аммо ушбу қўлёзмада ўн уч боб матни сақланиб қолган. Қўлёзманинг яхши оҳорланган қоғози сифати, сақланиб қолган қўш зарваракнинг ўнг томони ислимий нақши услуби, чиройли наста'лиқ хати ва ундаги нафис қилиб ишланган қирқ тўққизта расм бадий услуби уни Темурийлар даври, ўн бешинчи аср биринчи ярми Ҳирот шаҳрига нисбат беришга асос беради. 85^б варақда йирик наста'лиқ хатида Кор-и Рустам Хуросоний деган ёзув мавжуд.

«Ўзбекистон ФА Шарқ қўлёзмалари мажмуаси» номли каталог тузувчилари фикрига кўра, ушбу китоб матни шу хазинадаги «Калила ва Димна»нинг энг қадимги 1304 йилги хаттот Исмо'ил ибн Муҳаммад ибн Му'алла ал-Лахим кўчирган қўлёзмаси билан бир хил. XII асрдан бошлаб бу китобни расмлар билан безаш анъанаси бошланиб, энг муҳим масалларга миниатюралар ишлангани маълум. Китоб ўлчами кичик бўлгани учунми, унга ишланган аксарият расмлар ҳам кичик ўлчамда ишланган бўлиб, баъзи ўринларда ярим саҳифани, баъзан эса матндан қолган жойларни эгаллайди. Баъзи расм учун қолдирилган жойлар жуда кичик бўлгани учун рассом ён тараф ёки юқори ҳошиядан ҳам фойдаланиб, жадвалдан чиқиб кетади. Расмлар чизиқлари ўта нозик, жонвор ва паррандалар, юксак маҳорат билан ишланган инсон қиёфалари тасвири кунт билан чизилган. Расмлар бўёқлари жуда хилма-хил бўлиб, жонвор, парранда, дарахт баргларида уларнинг табиий ҳолатини тасвирлашга хизмат қилади. Асосий манзарани тасвирида рассом жуда ҳассос бўлиб, ундаги ўт-ўланлар кам тасвирланади. Кундузги осмон олтин рангда, тунги ҳолати эса мовий бўёқ билан тасвирланиб, юлдузлар олтин рангида берилади. Академик Г.А. Пугаченкова фикрига кўра, бу қўлёзмадаги расмларнинг бадий хусусиятлари Мирзо Бойсунқур учун ҳижрий 833/милодий 1429 ва 834/1430 йиллари Ҳиротда яратилган икки «Калила ва Димна» расмлари (Тўпқопу сарой кутубхонаси) га жуда яқин [5, Fig. 91-93, pl. XLVII–XLIX].

Расм композициясида воқеларни диагональ тарзда жойлаштириш,

кишилар учбурчакда тасвирланиши, баъзан қахрамонларни симметрик ҳолатда кўришимиз мумкин. Баъзи расмларда бир неча ҳолат тасвирланиши ҳам учрайди. Аксарият расмларда жуда кам иштирокчилар тасвирланади. Ушбу расмлар мазмуни «Шарқ миниатюралари» каталогига ва махсус мақолада ёритилгани учун уларни қайтариб ўтирмаймиз [6, том 10, с. 26; 7, с. 26; 8, с. 209-217; 9, том 1, с. 42-53].

Темурийлар даврига оид қимматли обидалардан бири Шараф ад-дин ‘Али Йаздийнинг «Зафар-нома» асари қўлёзмасидир. Унинг тартиб рақами 3440. Варақлар сони 239 та. Ўлчами 35x49,5 см. Матн ёқутий сулс хатида битилган. Ҳар саҳифада 25 сатр мавжуд. Қоғози жуда сифатли, оҳорланган Самарқанд қоғози. Сарлавҳа ва алоҳида ажратилган сўзлар олтин сувида ёзилган, фақат 41, 42, 43 варақларда мавжуд бўлиб, ўлчами 29x42 см. 41^а варақда унвон нақши бор. 40, 41 ва 51 варақларда учта миниатюранинг оқ-қора чизмаси мавжуд. Охириги чизмада лашкарлар олдида кетаётган Амир Темур тасвири чизилган бўлиб, ёнига «Ҳазрат Амир Темур» деб ёзиб қўйилган. Бу ноёб қўлёзма XV аср биринчи ярмида Ҳиротда яратилган деб ҳисобланади [6, том VI, с. 25; 10, с. 79-80; 9, том 1, с. 15, 54-55].

Яна бир бу даврга оид асар бу Алишер Навоийнинг «Наводир ун-нихоя» девонининг расми қўлёзмаси бўлиб, уни «Қиблат ал-кутуб» – «Котиблар қибласи» Султон ‘Али Машҳадий наста‘лик хатида битган. Китоб Ҳиротда Султон Хусайн Мирзо хазинаси учун яратилган бўлиб, бошланишида қўш зарварақ, олтига расмлар ва хотима нақши билан зийнатланган. Китоб ўлчами 17x25 см. У 205 варақдан иборат. Қоғози оҳорланган, ўртача қалинликда, очновот рангда. Матн икки устунда, олтин, қора ва мовий чизикдан иборат жадвалга олинган. Картон муковаси XIX асрда яратилган. 1^а варақда Шайбоний Абу-л-Музаффар-хон Муҳаммад муҳри мавжуд ва унда хижрий 924/милодий 1518 йил санаси қайд этилган. Расмлар Ҳирот миниатюра мактабига хос услубда яратилиб, ғазалдаги энг асосий мавзунини очиб беришга хизмат қилади [6, том II, с. 224-227; 11, с. 11; 7, с. 28, № 20; 9, с. 15, 56-58].

Хусайн Во‘из Кошифий қайта ишлаган «Анвори Суҳайлий» ҳам «Панчатантра» китобининг форс тилидаги таржимасининг расми қўлёзмаси Темурийлар даврида Ҳиротда яратилган. Тартиб рақами 9109. Варақлар сони 431. Ўлчами 18,5x31 см. Уни мутахассислар 1502 йилдан аввал яратилган деб ҳисоблайдилар. Китоб бошида қўш зарварақ, ўттиз олтига расмлари мавжуд. Зарварақдаги меҳроби нақшидаги ёзув гулкуфий хатида битилган.

Хотима 430-варақда зийнатланмаган. Хати қора сиёҳда мумтоз наста'лик хатида битилган, сарлавҳа, ажратилган сўзлар олтин, қирмизи рангли сиёҳда ёзилган. Қўлёзма ва расмлар ўлчами шу мажмуадаги «Калила ва Димна» (тартиб рақами 3480) га нисбатан катта, мавзу жиҳатидан уларга жуда яқин [6, том VIII, с. 189; 9, том 1, с. 15].

Яна бир асар Темурийлар даврига оид Хусайн Во'из Кошифийнинг «Ахлоқ-и Муҳсиний» нинг машҳур хаттот Мир 'Али Ҳиравий хижрий 907 / милодий 1501 йили йирик наста'лик хатида битилган ва 25 та расм билан безатилган ноёб қўлёзмадир. Тартиб рақами 2116. Асар матни 194 варақда жойлашган. Ўлчами 22x35,7 см. Саҳифада 15 қатор матн жойлашган. Асар бошида қўш зарварақ мавжуд. Ҳошияда майда наста'лик хатида муаллифнинг бошқа асарлари қиялатиб битилган. Ҳар бир саҳифа учтадан лавҳа нақш билан зийнатланган. Бу нодир расмлардаги инсон қиёфаси устидан нақш чизилган. Бу қўлёзма 2010 йили факсимиле нашр этилган [6, том III, с. 107-108; 12, с. 664]. Қўлёзма расмларини яратилишида буюк мусаввир устод Камол ад-дин Беҳзод иштирок этгани шубҳасиз [9, том 1, с. 16].

Алишер Навоий терма девонининг «Ҳазо'ин ал-ма'оний» деб номланган бир ноёб расмли қўлёзмаси ҳам шу даврда яратилган. Тартиб рақами 3479. Варақлар сони 201. Ўлчами 14x22,9 см. Асосий матн мумтоз наста'лик хатида, сарлавҳалар олтин сиёҳда сулс ёзувида битилган. Матн олтин ва мовий чизиқли жадвалга олинган. Жадвал ўлчови 9,1x16 см. Саҳифада 16 қатор матн битилган. Ибодулло Одилов фикрига кўра, матни Дарвеш Муҳаммад Токий деган моҳир хаттот битган. Китоб бошида қўш зарварақнинг ўнг қисми сақланиб қолган, унда яна олтига унвон нақши мавжуд. Унда учта кейинча ишланган расмлар мавжуд. Гарчи расмлар кейинча ишланган бўлса-да, қўлёзма Ҳиротда темурийлар даврида китобат қилингани шубҳасиз [11, с. 17; 9, с. 75-76].

Қосими Анвор номи билан машҳур бўлган Му'ин ад-дин 'Алининг «Девони Қосими Анвор» қўлёзмасининг Мир 'Али битган китобни ҳам Темурийлар даврига оид дейиш мумкин. Тартиб рақами 2108. Варақлар сони – 106. Ўлчами 18,2x27,5 см. Матн икки устунда жойлашган. Унда иккита расм бўлиб, бирида Амир Темур тасвирлангани қайд этилган. Бу расмларни Темурийлар даврига оид эканлигини Г.А. Пугаченкова ёзиб қолдирган [9, том 1, с. 15]. Қўлёзманинг ҳошияси ислимий нақшлар билан зийнатланган [6, том II, с. 132; 13, с. 161; 9, том 1, с. 80-82].

2017 йили «Ўзбекистон тарихи. Амир Темур ва Темурийлар даври» номли монографик тадқиқот эълон қилинди [4, с. 536]. Китобнинг 2-қисми 2-боби 6-параграфида «Китоб миниатюраси» сарлавҳаси остида Амир Темур ва Темурийлар давридаги расмли қўлёзмалар, хусусан икки «Шеърӣ мажму‘а»лар, Шараф ад-дин ‘Али Йаздийнинг «Зафар-нома», Абу-л-Қосим Фирдавсийнинг «Шоҳ-нома», Низомий Ганжавийнинг «Хамса», Фарид ад-дин ‘Атторнинг «Мантиқ ат-тайр», ‘Абд ар-Раҳмон ас-Суфийнинг «Сувар ал-кавокиб ас-собита» («Турғун юлдузлар сурати»), «Ме‘рож-нома», Са‘дий Шерозийнинг «Гулистон», «Бўстон», Алишер Навоийнинг «Садд-и Искандарий» га ишланган ва бошқа алоҳида расмлар таҳлил қилинган [4, с. 336-352]. Бу жуда яхши. Биринчи бор Ўзбекистонда Амир Темур ва Темурийлар даври қўлёзма китоби ва алоҳида расмлари жамланган ҳолда ўрганилган. Лекин, уларга Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти тўплами [2, с. 448], Туркиянинг Истамбул шаҳридаги Тўпқопу сарой музейи, Турк ва ислом асарлари музейи фондларидаги [2018 йил 18 сентябрида очилган Ўзбекистон Бадиий академияси Камолитдин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида Истамбул шаҳридаги Тўпқопу саройи музейи, Турк ва Ислом асарлари музейи фондида сақланаётган Шарқ китобат санъати дурдоналаридан ташкил этилган кўргазмада намоиш этилган расмларни назарда тутмоқдаман. Унда ўн етти қўлёзмадан 180 расм намоиш этилди] Амир Темур ва Темурийларга оид расмли қўлёзмалар расмларини ҳам қўшиб ўрганилса, халқимизнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссаси янада ёрқин намоён бўлади.

Адабиётлар:

1. Мадраимов А. Миниатюра эпохи Темуридов // Темурийлар даврида илм-фан ва маданият, халқаро илмий конференция тезислари. 2017 йил 13-14 сентябрь. Тошкент: Akademnashr, 2017.
2. Ўзбекистон маданий мероси туркумидан: Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти тўплами (Санкт-Петербург, Россия) / Илмий муҳаррир Э.В. Ртвеладзе. Тошкент: «Uzbekistan Today», 2017 (ўзбек, рус ва инглиз тилларида).
3. Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир Р. Қосимов. Тошкент: «Шарқ», 2006.
4. История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов / отв. ред.: Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимова. Ташкент: «Фан», 2017.
5. *The Arts of the Books in Central Asia 14th-16th centuries* / Gen. ed. B. Gray. UNESCO, 1979.

6. Собрание восточных рукописей АН Узбекской ССР: в 11 томах. Ташкент, 1952-1987.
7. Каталог всесоюзной выставки искусства эпохи Темуридов / Сост. О.Ф. Акимускин, А.А. Иванов. Самарканд, Ташкент, 1968.
8. Пугаченкова Г.А., Мадраимов А. Миниатюры гератской рукописи «Калила и Димна» (из фонда Института востоковедения АН Узбекистана) // Памятники культуры. Новые открытия. Ежегодник. 1992. Москва: «Наука», 1992, с. 209-217.
9. *Oriental Miniatures*. Volume I: 14th-17th centuries / Compilers: A. Madraimov, Sh. Musaev, E. Ismailova. Tashkent: Media Land, 2001.
10. Пугаченкова Г. А. Архитектурный сюжет на миниатюре из «Зафар-наме» XV века // Международный симпозиум по искусству восточных ковров. Тезисы. Баку, 1983, с. 79-80.
11. Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий кўлэзма асарлари каталоги. Тошкент, 1970.
12. Хусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Мухсиний / 1501 йилги кўлэзма факсимилеси ва форсчадан ўзбек тилига ўгирилган матни. Нашрга тайёрловчилар: А. Мадраимов, М. Аминов. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2010.
13. Пугаченкова Г.А. Шедевры Средней Азии. Ташкент, 1986.

АРАБОГРАФИЧЕСКИЕ РУКОПИСИ ФУНДАМЕНТАЛЬНОЙ БИБЛИОТЕКИ КАРАКАЛПАКСКОГО ОТДЕЛЕНИЯ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Абдусалим Рахматуллаевич Идрисов*

В 1960-1970-х годах среди населения республики сотрудники Каракалпакского филиала Академии наук Узбекистана проводили работу по приобретению для фонда библиотеки филиала арабографических письменных памятников. В результате этого в фонд была накоплена коллекция из более чем 600 наименований рукописей и литографий. Дальнейшая работа была приостановлена в силу ряда причин (коммунистическая партийная конъюнктура не позволяла развитию востоковедения в Каракалпакстане, сотрудники со знанием арабского и других восточных языков подвергались гонениям за свои религиозные предубеждения). С приобретением независимости Узбекистаном одной из первостепенных задач исторической науки повсеместно стал поиск первоисточников. Таковыми в первую очередь являются арабографические письменные памятники (рукописи, литографии, эпиграфика и др.).

Для развития исторической науки источниковедческие работы имеют важное значение. Подготовка каталога письменных источников в этом плане является острой необходимостью [1]. В условиях Каракалпакстана подобная работа является архиважнейшей задачей в связи с отсутствием до сегодняшних дней условий развития источниковедческой работы. Это обусловлено рядом обстоятельств таких, как редкость письменных источников (в основном они хранятся за пределами республики), нехватка специалистов и т.д.

* Каракалпакское отделение Академии наук Республики Узбекистан

В Каракалпакстане периодически велись работы по поиску и сбору восточных арабографических письменных источников, имеющих научное и культурное значение. Так, в фонде фундаментальной библиотеки Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан собрано около 600 томов рукописей и литографических арабографических изданий. Данный фонд совместно с Фондом отдела источниковедения и историографии Института истории, археологии и этнографии составляют ценный научный фонд письменных источников для изучения истории и истории культуры народов Южного Приаралья, для изучения политических, экономических, дипломатических и культурных связей между народами региона [2].

Институт истории, археологии и этнографии Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан с самого начала своей деятельности пристальное внимание уделял проблеме поиска и изучения письменных источников по истории народов Южного Приаралья. С 1994 года ведутся систематические работы по приобретению, каталогизации и научному описанию восточных источников. В настоящее время в институте создан фонд восточных рукописей и старопечатных книг на арабском, персидском и старотюркском языках при отделе источниковедения и историографии.

Многие произведения датированы XIX – началом XX века. Эти произведения посвящены истории, истории литературы, философии, праву, языку и др.

Наличие рукописного фонда сделало необходимым глубокое его изучение с тем, чтобы данное культурное наследие стало достоянием широкой научной общественности.

Собранные материалы характеризуют общественный строй, семейный быт, этнический состав и этнокультурные процессы.

В рукописном фонде Института имеется очень много рукописей по истории ислама, отраслям исламских наук, суфизму, написанных на арабском, персидском, старотюркском языках.

Институтом выделено специальное помещение для хранения приобретенных письменных источников. Однако в нем отсутствуют технические условия для их хранения (например, для поддержания уровня влажности и т.д.).

В книгохранилище Фундаментальной библиотеки ККО АН РУз содержится более трёх тысяч рукописных и старопечатных книг, среди

которых есть и уникальные, единственные в мире экземпляры, составляющие золотой фонд письменного наследия каракалпакского народа. Ключевыми задачами сотрудников отдела являются обеспечение сохранности, изучение, научное описание, каталогизация средневековых рукописей, перевод их на современный каракалпакский язык. Необходимо отметить, что если в странах средневековой Европы официальным языком науки была латынь, то на Востоке функции общепринятого языка науки и литературы выполняли арабский и персидский языки. Этой традиции придерживались и каракалпакские ученые и литераторы. Поэтому многие сочинения той эпохи создавались на распространенных в странах Востока арабском языке и фарси.

В Фундаментальной библиотеке представлены труды логики, теологии, по религии и Корану, суфизму, праву (фикх), грамматике и лексикографии (словари), языкознанию, поэтике и поэзии, этике, магии и т.д.

Фонд включает в себе сочинения по нижеследующим отраслям науки:

- I. Коран и коранические науки.
- II. Хадисы.
- III. Догматика.
- IV. Фикх.
- V. Логика
- VI. Филология

Коран и коранические науки

Эта часть фонда состоит из нескольких списков Корана, сочинений по выразительному чтению Корана, толкования 12-ой суры «Йусуф» и трактата, написанного в жанре «достоинства Корана».

Хадисы

Две известные работы – «Мишкат ал-масабих» ат-Табризи (ум. в 740/1339-1340 г.) и «Мухтасар джами» ал-Джуржани (ум. в 816/1413 г.) представляют эту отрасль исламской науки.

Догматика

Среди сочинений по мусульманской догматике (калам) имеются

популярные в Центральной Азии труды Абу Ханифы (ум. в 150/767 г.), ан-Насафи (ум. в 537/1142 г.), ал-Иджи (ум. в 756/1355 г.), ат-Тафтазани (ум. в 732/1390 г.), ал-Хайали (ум. после 862/1498 г.), ас-Сийалкути (ум. в 1067/1657 г.) и др. Особого внимания заслуживает широко распространенный в Центральной Азии учебник «Аввал-и 'илм» Мирза Сулаймана.

Фикх

В этом разделе представлены исключительно сочинения по ханафитскому мазхабу. Следует отметить многочисленные списки «Мухтасар ал-викайа» 'Убайдаллаха ибн Мас'уда (ум. в 747/1346 г.), «Фикх ал-Кайдани» Лутфаллаха ан-Насафи (ум. ок. 750/1349 г.), их переводов, комментариев на них. Также имеются списки «ал-Хидайа фи шарх ал-бидайа» Бурхан ад-дина ал-Маргинани (ум. в 593/1197 г.), «ал-Фара'ид ас-сираджийа» ас-Сиджаванди (XII в.), «Шарх ал-викайа», «ат-Таудих фи халл гавамид ат-танких» 'Убайдаллаха ибн Мас'уд, «Хайрат ал-фукаха'» 'Ала' ад-дина ал-Бухари, «Маджму'а-йи мас'ала» ал-Хусайни и др.

Логика

Труды по логике составляют значительную группу (16 единиц описания) в фонде. Это популярные сочинения ал-Катиби (ум. в 675/1276 г.) «ар-Рисала аш-шамсийа», супракомментарии ар-Рази (ум. в 766/1364 г.), ал-Иджи, ал-Харави (ум. в 1101/1689 г.), ас-Сийалкути, «Тахзиб ал-мантик ва-л-калам» ат-Тафтазани и др.

Филология

Самую большую группу в фонде составляют труды по филологии. Во всех трудах, даже написанных на персидском языке, освещаются вопросы арабской грамматики, лексикографии, риторики. Это известные сочинения 'Абд ал-Кахира ал-Джурджани (ум. в 471/1078 г.), аз-Замахшари (ум. в 538/1144 г.), Ибн ал-Хаджиба (ум. в 646/1249 г.), ал-Джами (ум. в 898/1492 г.) и др.

Проблема поиска письменных источников в Узбекистане, а в особенности в Каракалпакистане, где источниковедение не получило своего развития в силу понятных причин, является одной из актуальнейших задач исторической науки. Эта проблема неоднократно выносилась на уровень государственного

значения, особо подчеркивалась в выступлениях и трудах первого президента Узбекистана И. Каримова.

Проведение работ по созданию каталога письменных арабграфических источников в условиях Каракалпакстана обусловлено актуальными задачами в сфере изучения культурного и исторического, в первую очередь, письменного наследия каракалпакского народа. Источниковедческие исследования в перспективе могут позволить вывести на совершенно новый уровень разработку важнейших проблем средневековой и новой истории народов Каракалпакстана.

На сегодняшний день учеными Института истории, археологии и этнографии Каракалпакского отделения АН РУз заложен задел для создания каталога. Ими проводились работы по сбору сведений, сбору, первичному описанию приобретенных в фонд отделения рукописей и литографий.

Литература:

1. Ashirbek Muminov, Maria Szuppe, Abdusolim Idrisov. *Manuscrits en écriture arabe du Musée régional de Nukus (République autonome du Karakalpakstan, Ouzbékistan): Fonds arabe, persan, turkī et karakalpak*. Roma: Istituto per l'Oriente C. A. Nallino, 2007 (*Series Catalogorum*, II).
2. Ashirbek Muminov. "Fonds nationaux et collections privées de manuscrits en écriture arabe de l'Ouzbékistan", in: *Cahiers d'Asie centrale*, vol. 7 (1999). Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l'Asie centrale islamique. Sous la direction d'Ashirbek Muminov, Francis Richard et Maria Szuppe, pp. 17-38.

РУКОПИСНЫЙ ФОНД САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

Мухаммадихон Жамолович Бузруков*

Город Самарканд, расположенный на центральной трассе Великого шелкового пути, на протяжении своей истории был и остается перекрестком цивилизаций и культур народов.

Крупные города Мавераннахра Бухара и Самарканд, с древности снискавшие славу центров высокой культуры, после завоевания Арабским халифатом (VIII в.) довольно скоро оказались не просто вовлеченными в процесс знакомства с новым сакральным Знанием, но и сами активно включились в формирование мусульманской социокультурной традиции. За вклад в развитие исламской религии и культуры в мусульманской традиции Самарканд удостоился почетного прозвания «ал-Мадина ал-Махфуза», что в переводе означает, – «город, охраняемый [Аллахом]».

В культурной жизни города во все времена играли особую роль медресе – университеты своего времени, которые стали очагом мусульманского образования. Самаркандский Государственный университет (СамГУ) является не только преемником средневековых медресе, но и хранителем бесценных арабографических письменных источников, отражающих в себе традицию исламского (или мусульманского) образования. «Рукописный фонд» СамГУ считается богатейшем «хранилищем» ценнейших рукописных фолиантов. Здесь сконцентрированы богатейшие собрания письменных памятников, датируемых XIII – началом XX столетия. Фонд насчитывает более 12 тысяч единиц хранения, состоящих из восточных рукописей и литографических изданий на таджикско-персидском, тюркско-узбекском, арабском и других

* Самаркандский государственный университет, Кафедра историографии и источниковедения

языках. Фонд привлекал и продолжает привлекать пристальное внимание не только отечественных, но и зарубежных исследователей.

Деятельность фонда с первых шагов была связана с научно-исследовательской работой. Первой попыткой информировать научную и широкую общественность была библиографическая работа – изданная в арабской графике в 1977 году [1]. В нем перечисляются названия рукописных сочинений и их инвентарные номера по трем разделам тюрко-узбекские, таджикско-персидские и арабские. Это издание впервые раскрыло для специалистов содержание рукописного фонда СамГУ.

Результатами продолжительной работой в этом направлении стали издание каталога на таджикском языке арабской графикой в 1989 году [2]; указатель, составленный на узбекском, русском и английском языках, изданный в кириллице, лагине и арабской графике в 1990 году [3]; библиографический указатель физико-математических произведений, изданный в 1991 году [4].

«Рукописный фонд» СамГУ имеет свой опыт изучения и применения рукописей в учебных целях [5; 6; 7]. Фонд широко используется для написания курсовых и дипломных работ студентами. Также диссертаций магистрантами, исследователями (PhD, DSc) и профессорско-преподавательским составом. Материалы фонда используются и для подготовки научных, научно-практических конференций, тематических выставок, посвященных юбилеям великих мыслителей Востока и, поэтому, представляет собой собрание с большим количеством дублетных экземпляров.

В коллекции СамГУ сохраняются несколько рукописных вариантов священной книги – Коран и много «тафсир»ов (толкования Корана). С научно-исследовательской точки зрения, тафсиры считаются ценными источниками по интерпретации выдающихся интеллектуалов – ученых-мыслителей своей эпохи. Например: «Тафсир» Махмуда Замахшари (1075–1144) переписанный в XIV веке, «Тафсир» Са’д ад-дина Тафтазани (1322–1390), «Тафсир» Йа’куба Чархи (ум. в 1447 г.), переписанный в 1579 году, «Тафсир» Кази Байдави и многие другие.

Хадисы, передававшие высказывания о деятельности Пророка, считаются второй основой мусульманской культуры. Произведение Имама ал-Бухари (810-870) «ал-Джами’ ас-сахих» («Собрание достоверных [хадисов]») стоит на втором месте после Корана. В фонде СамГУ имеется рукопись

этой книги, переписанная в XVI веке и другие произведения Имама ал-Бухари, а также других хадисоведов. Задача, которую поставил перед собой Имам ал-Бухари, заключалась в кодификации и письменной фиксации всей совокупности достоверных хадисов, что, по существу, означало сложение второго по значимости сакрального гипертекста. Даже сегодня, при наличии новейших технологий, масштабность поставленной цели потрясает, а итог и скрупулезность, с которой была проделана работа, вызывают подлинное уважение. Сегодня такому добросовестному подходу, масштабному исследованию и хранению нуждается «рукописный фонд» СамГУ.

В фонде имеются сотни, даже тысячи учебников почти по всем направлениям наук (не только религиозных), которые преподавались в медресе. Например, «Такмила ‘ала Сихах ал-Джаухари» – переписанный в 1306 году, «Шарх-и китаб-и талхис ал-мифтах» – переписанный в 1348 году, «Шарх-и та‘лим ал-фара‘из» – переписанный в 1378 году, «Шарх ал-викайа» – переписанные в 1478 и 1490 годах, «Шарх-и рисалат ат-тасарруфат» – переписанный в 1539 году и многие другие.

Самая древняя рукопись по истории суфизма это «Тазкират ал-аулийа» Фарид ад-дина ‘Аттара, переписанная почерком *сульс* в 685/1286 году. Он может быть самым древним списком этого произведения. В его начале приведено содержание и название глав. Каждая глава посвящена одному шейху. Заглавия написаны большими красивыми буквами в *сульсе*, красной чернилой. Переписчик книги – ‘Абд ар-Рахим ибн Махмуд ибн Аби-л-Фарадж Мухсин. В нем приведены биографии 72 шейхов. В поздних экземплярах этого произведения число шейхов доходит до 96. Это можно увидеть в списке XVI века (№ 1188348) из этой же коллекции, начальные и конечные страницы которого переписаны в 1981 году сотрудником отдела.

В конце другого списка этого произведения, переписанного в XVI веке (№ 823076), приведены силсилы некоторых тарикатов. В накшбандийской силсиле упомянуты халифы и преемники Баха’ ад-дина Накшбанда (1318-1389) – ‘Ала’ ад-дин ‘Аттар (ум. в 1400 г.), Мухаммад Парса (ум. в 1420 г.) и Йа‘куб Чархи (ум. в 1447 г.). Силсила продолжена по линии ‘Ала’ ад-дина ‘Аттара через его ученика Низам ад-дина Хамуша. Ученик последнего – Са’д ад-дин Кашгари является наставником ‘Абд ар-Рахмана Джамии. Как известно, по своему темпераменту и складу ума ‘Абд ар-Рахман Джамии не был расположен к наставничеству. Это не помешало ему посвятить в накшбандийское братство

по крайней мере двух *муридов*: ‘Абд ал-Гафура Лари (ум. в 1507 г.) и одного из своих сыновей – Зийа’ ад-дина Йусуфа (ум. в 1513 г.) [8, с. 254]. Силсила, приведенная в рукописи, продолжается через ‘Абд ал-Гафура Лари.

В этой статье нельзя совместить описание всех рукописных источников накшбандийской среды тимуридского периода. Но, бесспорно, самым уникальным среди них является рукопись-автограф ‘Абд ар-Рахмана Джамии, представляющий собой сборник четырех произведений (№ 823227). Переплетенные в одной обложке все четыре произведения переписаны самим автором в 1452 году. Этот год указан в колофоне первого произведения «Рисола-йи му‘амма-йи кабир» (л. 54^б). Следующие три произведения не были пронумерованы. Они вставлены позже сотрудниками отдела. Второе произведение «(Рисала-и) Шарх-и хадис» («Трактат толкования хадиса») занимает листы 55^а-57^а. На листах 57^б-63^б записано третье произведение «Шарх-и байтайн-и маснави» («Комментарий двух бейтов из Маснави»). Четвертое произведение, занимающее листы 64^а-81^б, посвящено второму ученику Баха’ ад-дина Накшбанда. Он назван «Рисала Радже’ ба-Хожа Порсо». Сведения этого произведения не повторяются в позднем произведении ‘Абд ар-Рахмана Джамии – «Нафахат ал-унс». Несмотря на уникальность, это произведение оставалось до сих пор малоизвестным и неизученным.

В заключение надо сказать, что коллекция восточных рукописей СамГУ в основном посвящена истории, науке, языку и литературе народов, живших в Центральной Азии. Фонд имеет большую научную значимость, составляет гордость не только университета, но и является национальным достоянием республики.

Среди рукописей имеются не только редкие, ценные, но и уникальные списки, неповторимые автографы. Отдел представляет собой бесценное хранилище рукописных фолиантов. Это бесценный дар, источник мудрости и знаний для новых и новых поколений людей и, прекрасный материал для новых исследований. И поэтому он требует особого внимания в вопросах их хранения и использования.

Литература:

1. Список восточных рукописей фундаментальной библиотеки Самаркандского государственного университета имени Алишера Навои / Составители: А. Пулатов, Х.К. Ахроров. Ответ. редактор, кандидат исторических наук А.А. Аббасов. Самарканд: СамГУ, 1977. – 74 с.
2. Каталог рукописных произведений Абдуррахмана Джами. Часть I / составители: А. Пулатов, Ш.М. Аминов. Общая редакция и предисловие д.ф.н., проф. Б. Валиходжаева. Самарканд: СамГУ, 1989. – 100 с.
3. Алишер Навоий асарларининг кўлэзма ва тошбосма нусхалари библиографик кўрсаткичи / Тузувчилар: Ш.М. Аминов, А. Пулатов, Х.К. Ахроров. Мухаррирлар Г.Х. Далили, Ш.М. Аминов. Профессор Б.Н. Валиходжаев умумий тахрири остида. Самарканд: СамГУ, 1990. – 149 б.
4. Описания физико-математических рукописей и литографий Восточного отдела Научной библиотеки СамГУ. Часть I / Составители: Д.Х. Каюмов, Г.Х. Далили. Ответ. редакторы: Х.К. Ахроров, Ш.М. Аминов. Под общей редакцией проф. Б.Н. Валиходжаева. Самарканд: СамГУ, 1991. – 144 с.
5. Методические указания по использованию рукописных произведений на курсах по методике преподавания математики и истории математики. Самарканд: СамГУ, 1992.
6. Qadimgi qo'lyozma asarlardan o'quv jarayonida foydalanish bo'yicha uslubiy qo'llanma / Tuzuvchi Abduhakim Abduhamidov. 1-qism. Samarqand: SamDU, 2009. – 56 b.
7. Qadimgi qo'lyozma asarlardan o'quv jarayonida foydalanish bo'yicha uslubiy qo'llanma / Tuzuvchi Abduhakim Abduhamidov. 2-qism. Samarqand: SamDU, 2009. – 44 b.
8. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм: краткая история / пер. с англ. М.Г. Романов. Санкт-Петербург: Диля, 2004.

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ФОНДИ

Абдулла Дурдибаевич Ўразбоев*

Хоразм Маъмун академияси қўлёзмалар фонди 133 қўлёзма ва тошбосма китобни ўзида жамлаб, улар туркий, форс, араб ва қадимги славян (битта) тилларидаги асарлардир. Манбалар муаллифи, мавзуси, тили, ҳажми бўйича тавсифланган. Мамлакатимизда қўлёзмалар манбаларнинг мавжудлиги, ноёб маданий меросга ҳукумат даражасидаги катта эътибор мазкур манбаларни бойитиш ҳамда тадқиқ ва тарғиботини кучайтиришни тақозо қилмоқда.

Таъкидланган эътиборнинг амалий натижаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилиши 2019–2021 йилларга мўлжалланган амалий лойиҳалар танловида Хоразм Маъмун академиясининг «Қадимий ёзма ноёб қўлёзма манбаларни тадқиқ қилиш, уларнинг рақамлаштирилган библиотекасини яратиш» мавзуси (лойиҳа раҳбари Абдулла Ўрозбоев) ғолибликни қўлга киритди. Бу борадаги ишлар бошланиб, рақамлаштирилган кутубхона фондлари, манбалари белгиланди. Булар: Хоразм Маъмун академияси фонди, Хива Ичан Қалъа музей-қўриқхонаси фонди, Хоразм вилоят Ахборот-кутубхона маркази нодир асарлар фонди, аҳоли қўлидаги ноёб қўлёзма ва тошбосма асарлар, тарихий ҳужжатлар. Хоразм вилоят Ахборот-кутубхона маркази нодир асарлар фондида 147 та, Хива Ичан Қалъа музей-қўриқхонаси фондида 2000 (икки минг)га яқин нодир ёзма манбалар мавжуд. Шунингдек, вилоят аҳли қўлида бўлган манбалар ҳам ўрганилиб, уларнинг электрон вариантини яратишга киришилган. Ўтган бир ой давомида аҳоли қўлида бўлган 72 та қози хати, бешта асар (масалан,

* Хоразм Маъмун академияси, филология фанлари доктори

Муҳаммад Раҳимхон Феруз девони (қўлёзма, 1910 йил), «ал-Фаво'ид аз-зийо'ийа»нинг 'Абд ал-Ғафур такмиласи (тошбосма), Алишер Навоийнинг иккита девони қўлёзмаси) нинг электрон нусхалари яратилди. Шунингдек, Бола бахши Абдуллаев ворислари қўлида Алишер Навоий девонларининг ноёб нусхалари борлиги аниқланиб, уларнинг электрон нусхасини яратиш рухсати олинди.

Қўлёзмалар ва дастлабки босма нашрларни ўрганиш жараёнида ёзма ёдгорликларни идентификациялаш, тизимлаштириш ва тавсифлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бунда ўрта аср мусулмон адиб ва олимларининг, шунингдек, Ғарб ва Шарқ шарқшуносларининг, арабча қўлёзмалар каталоглари ва босма нашрлар тажрибасидан келиб чиққан мавзуй таснифлаш, ўрганилаётган адабиётларнинг тиллар комбинацияси бўйича филологик хусусиятлари, тилнинг сифати (ўқувчи учун саводхонлик, мавжудлик ва тушуниш); типографик бажариш (ёзув сифати, саҳифадаги материалларнинг жойлашиши, ҳажми ва бошқалар) га эътибор берилмоқда.

Ишлаб чиқишга киришилган рақамлаштирилган кутубхона, асосан, куйидаги мавзудаги ноёб манбалардан ташкил топади:

1. Қуръон ва унинг қисмлари.
 2. Қуръон ўқиш (тажвид) санъати.
 3. Қуръон ва унинг қисмлари тафсирлар. Масалан, *الإتقان في تفسير القرآن شيخ الإسلام ابن أسد الله حميدي*
 4. Ҳадислар. Масалан, *الجامع الصحيح الإمام البخاري*
 5. Филологик манбалар (туркий, форс, араб тили дарсликлари, луғатлар)
 6. Бадиий адабиёт.
 7. Тарих, тарихшунослик.
 8. Қонунчилик (фикҳ). Масалан, *عقود الدرر، شرح سراجية .*
 9. Тасаввуф.
 10. Фалсафа, мантик, ахлоқ. Масалан, *رياض الناصحين محمد ابن الشيخ محمد رهامي*
 11. Диний адабиётлар.
 12. Расмлар, жадваллар.
 13. Тарихий ҳужжатлар.
 14. Турли соҳа илмий асарлари. Масалан, *عين الحياة عبد الرحمن أفندي ابن إبراهيم أفندي*
- Қайд этилган барча мавзу гуруҳларига оид манбаларга эгамиз. Хусусан,

бошқа электрон кутубхона ва фондларда мавжуд бўлмаган манбаларни Хоразм адабий муҳити вакиллари асарлари, тарихий хужжатлар (асосан қозихона хужжатлари, вақфномалар) ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналари ташкил этади.

Ишнинг қўламли қисмини мавжуд манбаларни СВР, шунингдек, Туркия [1; 2], Озарбайжон [3; 4], Татаристонда қардош халқлар вакиллари томонидан яратилган каталоглар билан қиёслаб чиқиш ташкил этади. Шунингдек, (turuz.dar ul-kutub.kardash edebiyatlar dergisi) сайтлари билан илмий алоқалар, ўзаро манбалар алмашиш режалаштирилган.

Куйида фондда мавжуд айрим қўлёзмаларнинг қисқа тавсифини келтирамиз:

1. «Салот-и Мас‘удий» китоби (صلاة مسعودي)

Форс тилида ёзилган Мас‘уд ибн Йўсуф Самарқандийнинг қаламига мансуб бўлиб, фикҳга бағишланган китоб, ўз ичига таҳорат, намоз, закот, рўза, талок ва бошқа масалаларни олган. Биринчи боб «Тавҳид» деб номланиб, кейинги боб Абу Ҳанифа, раҳматуллоҳи ‘алайх, ва у зотнинг мазҳаблари ҳақидадир.

2. «Сирож ал-қори ал-мубтади» (سراج القارئ المبتدئ)

Китобнинг тўлиқ номи «Сирож ал-қори ал-мубтади ва-тизкор ал-муқри ал-мунтаҳи» – سراج القارئ المبتدئ وتذكار المقرئ المنتهي

Мазкур китоб араб тилида ёзилган бўлиб, унинг муаллифи ‘Али ибн ‘Усмон ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Ҳасан ибн ал-Қосих ал-Азра‘и ал-Бағдодий саккизинчи ҳижрий асрнинг олимидир. Ушбу китоб қироат илмига бағишланган бўлиб, унда Қуръоннинг етти хил қироатда ўқилиши, қироат имомларининг номлари, сўнгра қироатлардаги фарқлар ва бошқа маълумотлар келтирилган.

3. Ушбу тавсифдаги қўлёзмада икки асар ўрин олган:

а) «‘Уқуд ад-дурад» عقود الدرر б) «Шарҳ-и сирожийа» شرح سراجية

Биринчи асарнинг тўлиқ номи «‘Уқуд ад-дурад фи ‘улум ал-асар». Асар араб тилида битилган бўлиб, муаллифи Шамс ад-дин Муҳаммад ибн

‘Абдуллох Аби Бакр ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Мужоҳид ал-Қайсий ад-Димашқий бўлиб, «Ибн Носир ад-дин» деб танилган. Ўзи ҳадис ҳофизи бўлиб, Дамашқда туғилган. 832 ҳижрий йили шаҳид қилинган. Ушбу асар ҳадис илми ва унинг атамаларига (мусталаҳ) бағишланган. Унда иснод, марфу‘, мунқати‘, мавсул, мавкуф ва шунга ўхшаш ҳадис мусталаҳларига онд маълумотлар келади. Асар шеърӣ услубда қасида қилиб ёзилган.

Иккинчи асар эса «Шарҳ-и Сирожийа» бўлиб, араб тилида битилган. Асар муаллифи Аҳмад ибн Маҳмуд Сивосийдир. Мазкур асар Сижовандийнинг «ал-Фаро’из ас-сирожийа» асарига шарҳ бўлиб, асарнинг мавзуси ҳанафий фикҳидаги мерос масалаларига бағишланган. Унда, жумладан, қуйидаги фасллар бор: Мерос олишга монe бўлувчилар, мерос ҳақида, фарзанди бор аёллар ва фарзанди йўқ аёллар, уларнинг қизларига тегадиган мерос каби фикҳий масалалар.

Адабиётлар:

1. *İstanbul Kütüphaneleri Türkçe Hamseler Katalođu*. İstanbul: Millî Eđitim Basımevi, 1967.
2. *İstanbul Kütüphaneleri Türkçe Divanlar Katalođu*. İstanbul: Millî Eđitim Basımevi, 1957–1968.
3. Tahirə Nurəliyeva. *Əlyazma kolleksiyaları kataloqu*. Bakı: Nurlan, 2006.
4. Tahirə Nurəliyeva. *Vəqf olunmuş əlyazmalar kataloqu*. Bakı: Nurlan, 2009.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ «МАНБАЛАР ХАЗИНАСИ» ФАОЛИЯТИ

Маҳаммадсидик Абдуманнонович Усманов*

Мовароуннаҳрда етишган олимлар бутун Шарқ мусулмон дунёсининг ижтимоий ҳаётига мунтазам таъсир ўтказиб, ноёб қўлёзма ва тошбосма асарлари билан танилдилар. Минг афсуски, уларнинг кўпчилиги бугунги кунимизгача етиб келмаган. Етиб келганларини асраб келажак авлодга етказиш ҳозирги ёшларнинг зиммасидаги вазифадир. Зеро, бу борада муҳтарам биринчи президентимиз И.А. Каримов ҳам сўз юритиб: «Ҳозирги кунда мамлакатимиз қўлёзма фондларида сақланаётган бетақрор илмий мерос ҳали-бери тўла ўрганилган эмас, уни ҳар томонлама ўрганиш, ҳозирги ва келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлмоғи керак», деган эдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-қарори эълон қилиниши ушбу мавзунинг долзарблигини янада кенгроқ очиб беради.

1999 йилнинг 7 апрелида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов фармони билан ташкил этилган «Манбалар хазинаси» бўлими мазкур қарорларнинг ижросини таъминлаш мақсадида фаолият олиб боради. Шу муддат асносида Ўзбекистон халқаро ислом академияси қошида фаолият кўрсатиб келаётган «Манбалар хазинаси» бўлимида кўплаб ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, 2004 йилда Тошкентдаги «‘Усмон Мусҳафи» ҳамда «Кагга Лангар Қуръони»нинг кўчирилган нусхалари ханузгача Академияга ташриф буюрадиган юртимиз ҳамда хориж меҳмонларини ҳайратга солиб келмоқда.

* Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Манбалар хазинаси мудири

Шунингдек, 2015 йилда қўлёзма ва тошбосма китоблар сақланадиган хонанинг замон талабларига мос равишда таъмир қилингани, китобларни таъмирлаш хонаси ташкил этилиб, жиҳозланиши ҳамда бир қатор давлатлар билан илмий-маданий алоқалар ўрнатилгани диққатга сазовор. Бундан ташқари бўлим ходимлари фондда мавжуд китобларни тадқиқ этиш баробарида Академия ҳамда бошқа олий таълим муассасалари талаба, профессор-ўқитувчиларига қўлёзма китоблар билан ишлаш малакасини ҳосил қилишда яқиндан кўмак бериб келмоқда. Ходимларнинг тадқиқотлари Академия ва юртимиз илмий журналларида чоп этилиши, турли мавзуларга оид илмий-оммабоп китобларининг нашр этилиши таҳсинга сазовор.

Бўлимнинг асосий вазифаси минг йиллар бурун яшаб ўтган аждодларимиз тамонидан яратилиб, мамлакатимизда сақланган, ҳамда чет эллардан олиб келинган илмий-маънавий, диний меросимиз дурдоналарини жамлаш, сақлаш ҳамда уларни келгуси авлодларга муносиб тарзда қолдириш, шунингдек, бу бебаҳо мерослар устида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришдан иборатдир. Бўлим фондига мурожаат этган Академиянинг профессор-ўқитувчилари, илмий ходим ҳамда талабалар ўзлари учун муҳим бўлган манбалар билан таниша оладилар. Бугунги кунга «Манбалар хазинаси» талайгина муҳим адабиётлар билан бойиб бормоқда. Аҳолимиз томонидан тақдим қилинаётган ҳамда вилоятлардан олиб келинаётган қадимий нодир қўлёзма китоблардан 500 га яқини, тошбосма китоблардан эса 2000 нусхага яқини ҳамда замонавий чоп этилган китобларнинг 10 000 нусхадан ортиқроғи сақланмоқда. Бўлимда Англия, Дубай ва Қатар давлатларида ўтказилган китоб кўргазмаларида намойиш этилган учинчи халифа ‘Усмон Мусҳафининг 2004 йилда кўчирилган нусхаси, шунингдек, бундан саккиз юз йил муқаддам битилган ҳамюртимиз Имом Бурҳон ад-дин Марғинонийнинг ислом фикҳига оид «ал-Ҳидойа» асари сақланади.

Манбалар ичида Қуръон ва ҳадис илмлари, тасаввуф, мантик, балоғат илмлари, шунингдек, табиий фанларга оид математика, астрономия, геометрия ва тиббиёт каби илм соҳаларига тааллуқли китоблар мавжуд. Муҳаммад Қосим ибн Муҳаммад Солих Бухорий Фатҳободийнинг «Ҳошийа ‘ала Ҳошийат ал-Хаёлий» асари, Абу Иброҳим Мустамли Бухорийнинг «Шарҳ ат-та‘арруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф» асари, Шамс ад-дин Муҳаммад ибн Муборак-шоҳ Мирак ал-Бухорийнинг «Шарҳ ҳикмат ал-‘айн», «Муқаддимат Ибн Халдун» асарининг туркий таржимаси ва бошқа шу каби

бир қатор асарлар тадқиқотчилар учун муҳим манба вазифасини ўташи мумкин. Бўлим ҳозирги кунга қадар Академия билан қадамма-қадам ўз фаолиятини амалга ошириб, аجدодларимиз қолдирган илмий меросини жамлаш, муносиб сақлаш ҳамда тадқиқ этиш борасида изланишлар олиб бормоқда.

Бўлим ходимлари томонидан давлат гранди асосида фондда сақланаётган 300 та қўлёзманинг кенгайтирилган тавсифи яратилган. Қўлёзмаларнинг тавсифида асар муаллифи, ёзилган ва қўчирилган йили, ўлчами, мазмуни, сақланиш ҳолати ва бошқа каталогларда учрашикаби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, қўлёзмаларнинг қисқа тавсифи ҳам яратилган бўлиб, ўзбек, рус, инглиз ва араб тилларида чоп этилган. Ҳозирда тошбосма асарларнинг кенгайтирилган тавсифи устида иш олиб борилмоқда.

«Манбалар хазинаси» фаолияти ва унда сақланаётган асарларни кенг оммага тарғиб қилиш мақсадида бўлим ходимлари томонидан маҳаллий ва хорижий журнал ва тўпламларга мақолалар эълон қилиниб, телевиденияда интервьюлар бериб борилмоқда. Жумладан, INFOLIB – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг маданий, маърифий, илмий-оммабоп журнали, «Бобур ва дунё» маънавий-маърифий, илмий, адабий-бадий журнали, Ўзбекистон телеканалининг «Ассалом, Ўзбекистон» кўрсатувида бўлим фаолияти ва ундаги ноёб асарлар ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, бўлим ходимлари томонидан «Бухоро мадрасалари тарихидан», «Марғилон саййидлари тарихидан», «Буюк Имом Абу Ҳанифа Нўъмон» каби китоблар таржима қилиниб, нашр этилди.

«Манбалар хазинаси» бўлими фаолият доирасини кенгайтириш ва ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази каби маҳаллий фондлар билан бир қаторда БААнинг «Жум‘а ал-Мажид» номли маданият ва мерос маркази билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ҳамкорлик доирасида бўлим ходимларининг «Жум‘а ал-Мажид» маданият ва мерос марказида малака ошириши, шунингдек, манбаларни каталоглаштириш, таъмирлаш, сақлаш ва уларнинг электрон нусхаларини яратиш каби ишларда марказнинг тажрибасини ўрганиш назарда тутилган.

ХИВАДАГИ «ИЧАН-ҚАЛЪА» ДАВЛАТ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ ФОНДИДА САҚЛАНАЁТГАН ҲУЖЖАТЛАР

Ғуломжон Каримбаевич Сиддиқов*

Хива – бу бир шаҳар, аммо унинг ноёблиги шунда-ки, у «Очиқ осмон остидаги музей» шаҳар. Бу музейнинг экспонатлари: қалъа девори билан ўралган тўрт дарвозали шаҳар, хонлар саройлари, масжид, мадраса, минора, мақбара ва шунга ўхшаган иморатлари ва қадимдан яшаб келаётган аҳолисидир. Шаҳардаги обидаларнинг ичида Хоразм халқининг минг йиллик тарихидан гувоҳлик берувчи алоҳида музейлар жойлашган. Яъни, улар музей ичидаги музейлардир. Жаҳон туризмининг марказларидан бири саналган бу шаҳарда 140 дан ортиқ археологик ёдгорликлар ва меъморий обидалар сақланиб қолган.

Тарихдан маълумки, Буюк ипак йўлида жойлашган бу шаҳардан Хоразмлик олимларнинг асарлари ва кўпгина бадий хунармандчилик намуналари дунёга тарқалган. Улар ҳанузгача Рим, Париж, Лондон, Копенгаген, Берлин, Истанбул, Қоҳира, Санкт-Петербург, Москва каби шаҳарларнинг йирик музейлари экспозицияларини беэаб турибди.

Хива хонлигида архитектура ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлаш ишлари қадимдан одат тусига кирган бўлса, осори-атиқаларни йиғиш ва ажойибхона ташкил қилишга XIX аср охирида Феруз таҳаллуси билан машҳур бўлган Муҳаммад Раҳим-хон II даврида киришилган.

1898 йил 12 апрелда Муҳаммад Раҳим-хон II Кўҳна Урганч, Хўжаэли ва Қўнғирот ҳокимларига: «Қадимдан қолғон ёдгор нимарсаларни йўқ қилдирмасунлар, ҳар тариқа кўҳна жой ва қалъа ва иморатлар бўлса, не тариқа бино бўлғонларини ва кўҳна тилла ва танга ва фуллар бўлса борлаб топиб мунда юборсун», деб фармон беради [1, с. 31]. Лекин, тўпланган

* «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси, Музей фонди арабшунос илмий ходими

буюмлар Россияга юборилиши натижасида Хиванинг ўзида музей очилиши орқага сурилиб, 1920 йилдагина амалга оширилади.

Музей-кўргазма 1920 йил 27 апрель куни эски хонлар қароргоҳи Кўхна Арк биносининг арзхонасида очилган. Ишчилари битта мудир ва қоровулдан иборат музейнинг очилишига Маориф ва маданият нозири Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, «Ёш хиваликлар» партиясининг йўлбошчиси Мулла Жуманиёз Султонмуродовлар ўзларининг катта ҳиссасини қўшганлар.

1967 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Вазирлар кенгашининг 616-сонли қарори билан Хива тарихий-меъморий музей шахри деб эълон қилинган. Орадан икки йил ўтгач эса (1969 йил 29 июль 343 сонли қарорига мувофиқ) Хива Давлат тарихий меъморчилик «Ичан-Қалъа» музей-қўриқхонаси ташкил қилинди.

1990 йил 12 декабрда Хива шахрининг «Ичан-Қалъа» си ЮНЕСКО нинг маданий мерослар қўмитаси қарори билан Жаҳон маданий мерослари рўйхатига киритилди. 1997 йилда эса бу қадимий шаҳарнинг 2500 йиллик юбилеи жаҳон миқёсида нишонланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин Давлатимиз томонидан музейлар моддий техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника билан бойитиш, тарихий обидаларни таъмирлаш, янги музейлар ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилашга катта эътибор қаратилди. Бу ишлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилда чиқарилган «Музейлар тўғрисида»ги қонуни билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Бугунги кунда «Ичан-қалъа» музей-қўриқхонаси таркибида 15-та доимий экспозициялар мавжуд бўлиб, уларнинг фондига Хоразмнинг қадимдан то ҳозирги кунгача бўлган бой тарихини акс эттирувчи экспонатлар тўпланган. Бу экспонатларнинг асосини 1920 йилда хон саройининг буюмлари мусодара қилиниб, давлат ҳисобига ўтказилган вақтдаги: сарой девонхонаси ҳужжатлари, хон оиласи фото-суратлари, қурол-аслаҳалар, танга ва муҳрлар, чинни буюмлар, уй-хўжалик анжомлари, кийим-кечаклар ва хотин-қизларнинг тақинчоқлари, ҳунармандчилик буюмлари каби ашёлар ташкил этади.

Музейнинг ноёб китоб ва ҳужжатлар тўпламида 4.000 дан зиёд ашёвий буюмлар бўлиб, булар ичида:

- Мансабга тайинлаш, имтиёз бериш, давлат ерини сотиш ва ҳоказолар тўғрисидаги хонларнинг ёрлиғлари (фармон, нишон, иноятнома) (60);

- Вақфномалар, диний муассасалар фойдасига берилган ер, мулк ҳужжатлари (170);
- Ҳуқуқшунослик ҳужжатлари – қозихат ва ривоятлар (1000 дан зиёд);
- Расмий ёзишмалар;
- Хоразм халқ шўролар республикасининг ҳар хил ҳужжатлари;
- Хоразмлик машҳур кишиларнинг архивлари;
- XVIII-XX аср бошида китобат қилинган қўлёзма, тошбосма асарлар сақланмоқда.

Ушбу ҳужжатларнинг аксарияти асосан хон саройидан мусодара қилинган бўлса, кейинги даврда аҳолидан сотиб олиш ва ҳадя қилинганлар ҳисобига бу тўплам бойитилган. Музейда сақланаётган ноёб қўлёзмалар ичида XVIII асрда кўчирилган Берунийнинг астрономияга оид асари ва XIX аср охирида Муҳаммад Раҳим-хон II нинг ўз қўли билан кўчирган Пахлавон Маҳмуднинг рубо‘ийлари алоҳида эътиборга лойиқ бўлган асарлардир.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан айримларига изоҳ шаклида шуни айтиш мумкинки:

Ёрлиғ деб номланган ҳужжатларни асосан тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: 1) Тархон [Тархон – мўғулча (дархон) – темирчи, косиб, озод киши] ёрлиғлари, 2) Мансабга тайинлаш ҳақидаги ёрлиғлар, 3) Олди-сотди ҳақидаги ёрлиғлар ва 4) Ҳар хил бошқа ёрлиғлар [2, с. 29].

Ёрлиғларнинг ўзига хос ёзилиш қоидаси бўлиб, унга кўра, аввал ҳукмдорнинг исми, унвонлари (айрим ҳужжатларда эса, ундан-да аввал Аллоҳнинг ёди – Ҳува, Ҳува ал-файёз ва б.) келтирилади. Шундан кейин оламни яратган Аллоҳга мактовлар ва ҳамду-сано билан бошланиб, Унинг ердаги вакили – Пайғамбар (с.а.в.) нинг оиласига ва унинг саҳобаларига салаватлар билан давом этиб, асосий мақсад – мамлакатдаги барча амалдор, давлат хизматчилари ва фуқорага Ёрлиғи Олийнинг мазмунини етказиш эканлиги маълум қилинади.

Тархон ёрлиғи асосан саййидлар, хўжалар, шайхлар ва эшонлар авлодларига, шунингдек, хоннинг махсус кишиларига берилганлиги маълум. Бундай ёрлиғлар отадан болага мерос ўтиб, ўз кучини йўқотмаган. Агар ҳукмдор ўзгарса, кейинги тахтга кўтарилган хон аввалги ҳукмдор ёрлиғини қайта тасдиқлаган. Тархонлик имтиёзини олган киши хон, подшоҳ олдига бемалол кира олар ва барча солиқлардан озод этилар эди. Ҳатто айрим

манбаларда [3, с. 369] бундай ёрлигли киши жиноят қилса ҳам жавобгарликка тортилмаганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Ёрлиғларнинг иккинчи тури мансабга тайинлаш ҳақида бўлиб, унда ҳоким, қози, муфти, аълам, мутавалли, оқсоқол, раис ва бошқа мансабларга тайинлаш ҳақидаги ҳукмдор фармони битилган.

Ўтмиш ҳақидаги тарихий ва бадий асарларда хонлик давридаги «бой»лар ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган. Лекин, «бой» атамасини тасаввуримизда қандай қабул қилганмиз? У амалдор, бадавлат шахси ёки мансаб, лавозимми? Бой атамаси ҳақида илмий асарларда ҳам, энциклопедияларда ҳам ҳеч қандай маълумот берилмаган. Аммо, бу сўз шўролар замонида бадавлат кишига нисбат берилиб, Бой деганда бадавлат киши тушунилган холос. Аслида ҳам шундайми? Бой ўзи ким эди?

Ушбу саволларга жавоб топиш учун яқинда музейга ҳадя қилинган бирнеча ёрлиғларга эътибор қаратамиз.

Аваз Муҳаммад бойнинг ўғли Қобил бой ва унинг авлодларига 1830 йилда Оллоқули-хон, 1857 йилда Саййид Муҳаммад-хон, 1865 йилда Муҳаммад Раҳим-хон II томонидан Ёрлиғлар берилган. Кейинги ёрлиқда жумладан шундай ёзилган, – «Қобилбойнинг ўғли Ҳожи Муҳаммадбойни Урганч балдасига [Урганч балдаси – Урганч қалъаси, 1646 йилда Абу-л-Ғози-хон томонидан бунёд қилинган Янги Урганч] Қаровул [Қаровул – Урганч шаҳрининг ғарбига жойлашган қишлоқ номи] халқига Йусуф бой ўрнига Бой қилиб, Нишони Олийшон суюрғол [Суюрғол – олий ҳукмдор томонидан кўрсатган зўр хизматлари учун амир ва руҳонийларга бериладиган инъом (пул, молу-мулк, ер-сув). Бу жойда, берилаётган ҳужжатнинг ўзи, яъни катта имтиёзли Нишони Олий – Ёрлиғ] қилдук». 04.06.1276/29.12.1859 йил).

Ушбу Ёрлиғи Олийдан маълум бўлишича, Хива хонлигидаги бой, ҳукмдор – хон томонидан ҳужжат билан тасдиқланадиган мансабдор экан.

Ёрлиғларнинг яна бир тури олди-сотди ҳақидаги ёрлиғлардир. Аслида, фуқаро ўртасидаги олди-сотди ҳужжатларини қозилар ёзишган. Лекин, подшоҳ мулки ёки давлат мулки сотилганда ҳукмдорнинг муҳри билан ёрлиғ чиқарилган. Бу ёрлиғлар айрим вақтда қози муҳри билан ҳам тасдиқланган, яъни ҳужжат тепасида хон муҳри, пастида қозининг муҳри бўлган ҳужжатлар бор.

Хулоса қилиб айтганда, ёрлиғларнинг ўрганилиши натижасида тарихнинг очилмаган ёки тўлиқ очилмаган бирқанча саҳифалари ойдинлашади.

Масалан, «тинч кўнгил ва осуда хотир бўлиб, дуои давлати абад» билан машғул бўлиши лозим бўлган шайх ва эшонларнинг жарибу-жарибона, бож тўлови каби солиқлардан озод этилиши, уларнинг деҳқончилик, савдо–сотик билан ҳам шуғулланганидан далолат беради.

Ёрлиғлар кўпчилик ҳолларда оддий оқ қоғозга қора туш билан ёзилган бўлса, аксар ҳолларда устига геометрик ва ўсимликсимон нақшлардан иборат рангдор, чиройли унвонлар ясалган ва қоғозлари чит, матога ёпиштириб умри узайтирилган бўлади.

Ўзбек давлатчилиги ва давлат бошқаруви тарихини ўрганиш юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ана шу ҳужжатларни чуқур ўрганиш асосидагина мукамал бўлиши мумкин. Бу ҳужжатлардаги айрим унут бўлган ва шевамазга хос атамалар эса чуқур ўрганилишини талаб қилади.

Вақфномалар

Вақф ерлари вақфнома деб аталувчи ҳужжат билан ҳужжатлаштирилган. Вақф давлат ва айрим кишилар томонидан диний муассасалар, чунончи, масжид, мадраса, хонақоҳ кабилар фойдасига дин ва хайрли мақсадлар йўлида ажратилган ер, ариқ, тегирмон, ҳовли, карвонсарой каби ҳаракатланувчи ва ҳаракатланмайдиган мол-мулклардир.

Вақфнома шартларида вақф этилган мулкдан қандай фойдаланиш, яъни вақфдан келадиган даромад ёки маҳсулотнинг қай тарзда тақсимланиш шартлари ёзилган. Айрим вақфномалар шартларида эса вақф этилган пулни ижарага ёки фоиз тўлаш шarti билан қарзга бериб, тушган даромаддан қай тартибда фойдаланиш кўрсатилган.

Вақфномада барча ерларнинг чегараси, шартлари кўрсатилган. Бу шартларда янги мадрасага мутавалли (иш бошқарувчи) тайинланган. Вақфномаларнинг аксариятида кўрсатилишича, агар мутавалли вафот қилса, унинг ўрнига ўғли тайинланган. Агар ўғли бўлмаса, унда мадраса мударрислари (дарс берувчилар) ўзлари бир инсофли, диёнатли ва ишбилармон бировни сайлашган. Истаган ҳар бир киши ўз мулкни вақф қилиб берган. Шунинг учун битта иморатнинг бир неча вақфномалари бўлган ва уларнинг сони йиллар ошган сайин кўпайиб борган.

Вақфномалар оддий бир варақ қоғоздан бир неча ўн метргача бўлган қоғозларга ёзилган ва умри узоқ бўлиши учун орқа томонига матоҳ-газлама ёпиштирилиб, ёрлиғлардаги каби чиройли унвон нақшлар билан безатилган.

Ҳуқуқшунослик ҳужжатлари – қозихат ва ривоятлар

Ҳақиқий тарихни билиш учун хонлик даврида чиқарилган қози ҳужжатларини ўрганиш зарур экан. Чунки, уларда бутун ҳаёт давомида инсонлар орасидаги муносабатлар ўз аксини топган. Бу тарихни астойдил ўрганиш учун Япониянинг Киото шаҳридаги Хорижий тадқиқотлар университети билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти олимларининг 1992 йилдан бошланган ҳамкорлигига Хива «Ичан-Қалъа» музей-қўриқхонаси ҳам қўшилган.

Қози ҳужжатларининг турлари кўп, жумладан:

- Икки шахс ўртасидаги қарздорлик, яъни қарз олиш;
- Мулкни гаровга қўйиб қарз олиш;
- Олди-сотди, вояга етмаган бўлса, ишончли вакил орқали;
- Никох, талоқ, маҳр нафақаси;
- Васий хати, яъни вояга етмаган етим болаларга ғамхўрлик қилиш;
- Хатти мерос;
- Хатти музораба-шерикчиликка асосланган ҳужжат.

Ушбу ҳужжатлар ўтмишимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тўғрисида ҳаққоний хулосалар чиқариб, тарихий шахсларнинг исм-шарифлари, географик жой номлари ва уларнинг жойлашган ўрни, солиқ турлари, муомалада бўлган пуллар ва мулк баҳоси, ўлчов бирлиги, давлат тузилиши, тили ва қонунчилигига оид бўлган бир қанча маълумотларни ўрганишга асос бўлади.

Адабиёт:

1. Жалилов О. Қўрғошин тахта // Фан ва турмуш, № 10, 1986 йил.
2. Шарқшунослик. Илмий тўплам, № 13, 2008 йил.
3. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. Тошкент, 1999.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ КУТУБХОНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМА ВА ТОШБОСМА АСАРЛАР

Саидрахмат Саидахматович Икрамов*

Ўзбекистон мусулмонлари идораси (ЎМИ) кутубхонасига ўз даврининг етук диний олими, муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон (1860–1957) ҳазратлари томонидан 1943 йилда асос солинган. Кутубхона мудири этиб, навоийшунос, бедилшунос олим Нодирхон Алауддинов (1899–1975) тайинланди. Нодирхон Алауддинов раҳбарлигида китобларни рўйхатга олиш, соҳаларга ажратиш ишлари амалга оширилди.

Ҳозирги кунда кутубхонада 20 мингга яқин китоблар сақланади. Шулардан уч мингга яқини қўлёмалардир. Улар даврийлик жиҳатидан VII–XIX асрларни ўз ичига олади. Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

1. Ўқув зали;
2. Картотека бўлими;
3. Қўлёмма китоблар бўлими;
4. Тошбосма китоблар бўлими;
5. ЎМИ кутубхонаси кўргазмалар зали (Мўйи Муборак мадрасасида жойлашган).

Мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган қўлёмма китоблар қуйидаги соҳаларга оид:

- Қуръон
- Тафсир

* Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси

- Тажвид
- Ҳадис
- ‘Ақо’ид
- Фикҳ
- Тарих
- Тасаввуф
- Адаб
- Усул каби мавзуларни ўз ичига олади.

Кутубхонада сақланаётган қўлёзмаларнинг энг қадимийларидан бири «‘Усмон Мусҳафи» номи билан машҳур бўлган, Қуръони каримнинг кийик терисига ёзилган нусхасидир. Ушбу мусҳаф учинчи халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон (р.а.) буйруғига (644–656) асосан VII асрда кўчирилган. Халқаро жюри қарори асосида «‘Усмон Мусҳафи»га 28 август 2000 йилда ЮНЕСКОнинг «Жаҳон хотираси» дастурига киритилгани ҳақида махсус сертификат берилган.

‘Усмон Мусҳафи Зайд ибн Собит, ‘Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр, Са’ид ибн ‘Ос ва бошқа саҳобалар ёрдамида кўчирилган.

Мусҳаф Мовароуннаҳрга Амир Темур томонидан 1375 йилда Ироқдан олиб келингани ҳақида тахминлар мавжуд.

Мусҳаф Самарқанддаги «Нодир Девонбеги Тоғо» мадрасасида сақланган. Марказий Осиё руслар томонидан мустамлака қилингандан сўнг, 1869 йилда Зарафшон генерал-губернатори Абрамов ва Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман ташаббуси билан Санкт-Петербургга Император кутубхонасига бериб юборилган. Мусҳафдан 1905 йилда Санкт-Петербургда 50 донга нусха факсимиле нусха олинган. 1917 йил Октябр инқилобидан сўнг «‘Усмон Мусҳафи», Россия мусулмонлари идораси Уфа шаҳрида жойлашгани боис Уфага, мусулмонлар ихтиёрига берилган. Шундан сўнг Тошкент, Сирдарё уламолари талаби билан «‘Усмон Мусҳафи» 1924 йилда махсус поезд билан Тошкентга олиб келинган. Мусҳаф бир оз муддат Тошкент шаҳридаги Хожа Аҳрор-и Валий масжидида, сўнг Ўзбекистон давлат тарихи музейида сақланган. 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан Мусулмонлар идорасига сақлаш учун топширилган.

Мусҳафнинг ўзига хос жиҳатларидан бири унда халифа ‘Усмон (р.а.) га оид деб билинадиган қон излари мавжудлигидадир. Қон изларини

Мусхафнинг бир неча саҳифаларида кўриш мумкин. «‘Усмон Мусхафи» анборий химйарий хат турида ёзилган. Бу хат хижозий деб ҳам аталади.

Мусхаф варақларининг ўлчами: 53 x 68 см.

Варақларининг сони: 338 та бўлиб, кийик терисига кўчирилган. Шундан 69 варағи шарқ қоғози билан таъмирланган. Мусхафнинг сақланиш ҳолати мутахассислардан иборат махсус комиссия томонидан ҳар 5 йилда текширувдан ўтказилади. «‘Усмон Мусхафи» сўнги бор 2018 йил декабр ойида текширувдан ўтказилди. Текширув натижалари мусхафнинг умумий сақланиш ҳолатини яхши эканини кўрсатди.

ЎМИ кутубхонасида сақланадиган қадимий қўлёзмалардан яна бири бу VIII асрга оид «Катта Лангар Қуръони» саҳифаларидир. Қўлёзма матни яхши ошланган ҳайвон терилари (пергамент)га ёзилган бўлиб, мутахассислар мазкур териларнинг кийик ёки қўй териси эканлиги борасида яқдил қарашга эга эмаслар.

2000 йилда Голландиянинг Гронинген университети Изотоп марказида Россия ҳамда Голландия олимлари томонидан ўтказилган мазкур қўлёзма пергаменти намуналари радио карбон таҳлили унинг милодий 775-995 йиллар оралиғида кўчирилганини кўрсатди. Дунё бўйлаб «Катта Лангар Қуръони»нинг 97 саҳифаси етиб келган. Шулардан 81 саҳифа Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлёзмалари институтида Е 20 ашё рақами остида сақланади.

Ўзбекистонда «Катта Лангар Қуръони» саҳифаларининг жами 16 варағи сақланади. Шундан 2 саҳифа Бухоро вилояти «Ибн Сино» номидаги ахборот ресурслари марказида, 1 саҳифа Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида фондида 11604 ашё рақами остида сақланади. ЎМИ кутубхонасида «Катта Лангар Қуръони»нинг 13 саҳифаси 40-А ашё рақами остида сақланади.

«Катта Лангар Қуръони» саҳифалар ўлчами 53x35 см.

Матни Куфий-Ҳижозий хат турида ёзилган.

Ҳозирги муковаси қизил рангга бўялган тери қопланган картон (папье-маше) бўлиб, XIV асрда саҳхоф Муҳаммад Носир томонидан тайёрланган.

Қуръони карим ва унинг форс тилида берилган луғавий таржимаси ва шарҳи. Таржимон ва шарҳловчиси: Ҳусайн ибн ‘Али ал-Во‘из ал-Кошифи (ваф. 910/1505 й.). Мас‘уд ибн ‘Умар ат-Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-мутаввал» (XIV аср). Ҳусайн Во‘из Кошифийнинг «Раузат аш-шуҳадо’» (XVI аср),

Бурхон ад-дин Марғинонийнинг «ал-Ҳидойа» (XVIII аср), Маҳмуд ибн ‘Умар аз-Замахшарийнинг «Тафсир ал-кашшоф», Журжонийнинг табобат илмига оид «Захират ал-Хоразмшоҳий» (XVII аср), ҳадис илмига оид ‘Абдуллох Хатиб Табризийнинг (ваф. 931/1511 й.) «Мишкот ал-масобих», Акбархўжа Ҳожининг (ваф. 806/1404 й.) тафсир илмига оид «Баҳр ал-маввож» каби нодир қўлёзмаларини киритиш мумкин.

Ярим асрдан зиёд вақтдирки, ЎМИ кутубхонаси ходимлари ушбу китобларнинг сақланишида ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Бу шарафли иш кутубхона ходимлари зиммасига улкан масъулиятни ҳам юклайди. Қўлёзмаларни муҳофаза қилишда соҳа вакилларидан доимий изланиш ва малакаларини ошириб бориш талаб қилинади. Изланишлардан тўхтамаслик талаб этилади. Қуйида кутубхона ва музейларда доимий амал қилиниши талаб этиладиган шартлар ҳақида сўз юритамиз.

Қўлёма ва тошбосма китобларни сақлашда улар сақланаётган хоналарнинг ҳаво ҳарорати 18-22 даражадан ошмаслиги керак. Ҳавонинг нисбий намлиги 45-55% дан ошмаслиги лозим. Бу талаб айниқса тери саҳифалар (пергамент) га ёзилган қўлёзмалар учун муҳим. Хона ҳароратининг талаб даражада бўлмаслиги пергаментнинг кичрайиб кетиши, қуриб, ёрилиб кетишига ёки моғорлашига олиб келади.

Китоб жавонларига тахланган китоблар жуда зич жойлашмаслиги керак. Бу ҳолат китоб варақлари бир-бирига ёпишиб кетиши ёки муқованинг жиддий зарарланишига олиб келади.

Ҳажми катта китоблар жавонларга ётқизилган ҳолда, вазнига қараб, иккита, енгил бўлса, учтадан оширилмаган ҳолда тахланиши лозим.

Китоблар сақланаётган фондларда ҳавонинг меъёрдан ортиқ исиб кетиши китоб варақларининг қуришига, совиб кетиши ёки ҳаво намлигининг ортиб кетиши, китобларда моғор ҳосил бўлишига олиб келади. Натижада китоб тиклаб бўлмас даражада зарар қўради.

Китоб сақланадиган хоналарга қуёш нури тушмаслиги керак. Хоналар инфрақизил ва ултра бинафша нурлари нисбати кам бўлган паст lux га эга бўлган чироқлар билан ёритилиши зарурат йўқлигида фондлар қоронғу ҳолатда бўлиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, хоналарда ҳаво туриб қолишини олдини олиш талаб этилади. Хона ҳавосини янгилаш жараёнида ҳосил бўлган шабада тезлиги 0,1-0,2 метр/секунддан ошиб кетиши мумкин эмас. Акс ҳолда китоб саҳифаларида қуриш жараёни бошланади.

Китоблар сканер қилинишида махсус сканерлардангина фойдаланилади.

Одий сканер, нусха кўчириш жиҳозларидан фойдаланиш, суратга олишда фотоаппарат ёритгичларидан фойдаланиш мумкин эмас.

Китобларни фақат махсус малакага эга мутахассис-реставраторлар реставрация қилишлари мумкин.

Мазкур тартиб ва қоидаларга амал қилиш қўлимиздаги бебаҳо меросни келажак авлодларга тўла-тўқис етказишимизга сабаб бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ КУТУБХОНА ФОНДИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАР ВА УЛАРНИНГ САҚЛАНИШ ҲОЛАТИГА ДОИР

Тоҳир Хусанович Норқобилов*

Ўзбекистон тарихи давлат музейи энг йирик илмий-маърифий марказ ҳисобланиб, унинг захирасида 300 мингга яқин бебаҳо осори атиқалар, археология, нумизматика, этнография, тасвирий санъат, ҳужжатлар, фотонегативлар ва кутубхона мавжуд бўлиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни баркамол авлод сифатида шакллантиришда музейнинг роли жуда каттадир.

Ўзбекистон тарихи давлат музейининг 1943 йилдан бошлаб Республика Фанлар академияси таркибига қўшилиши муҳим аҳамият касб этиб, унинг фаолиятини бутунлай ўзгартириб юборди. Бу эса музейнинг маданий ва илмий марказлардан бирига айланиши учун асос бўлди. Музей нафақат Ўрта Осиёдаги, балки дунёдаги моддий ва маънавий маданият осори-атиқалари сақланадиган энг йирик муассасалардан бири сифатида уларни тадқиқ этиш, тизимга солиш, илмий каталоглаштириш, намойиш этишга тайёрлаш бўйича ҳам кенг фаолият кўрсатмоқда.

Музей кутубхонаси ўрта асрларга оид қўлёзмалар, XIX асрга мансуб ноёб нашрлар, янги ва энг янги тарихга оид ҳужжатлар архивига ҳам эгадир.

Бугунги кунда кутубхонада сақланаётган мавжуд қўлёзмалар 70 яқин, тошбосмалар эса 130 ортиқни ташкил этади.

Улар орасида Алишер Навоийнинг «Чор девон» қўлёзмаси, Мирхонднинг «Равзат ас-сафо» (5-чи боби) қўлёзмаси, Фарид ад-дин 'Атторнинг «Мантиқ ат-тайр» қўлёзмаси, Жомийнинг «ал-Кофийа» (бирламчи асар муаллифи Ибн ал-Ҳожиб) асарига ёзилган шарҳ қўлёзмаси, Жалол ад-дин Муҳаммад

* Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими

ибн ‘Абд ар-Раҳмон Қазвинийнинг «Мифтах ал-‘улум» (бирламчи асар муаллифи ал-Хоразмий ас-Саккокий) асарига шарҳ қўлёмаси каби 10 дан ортиқ ноёб қўлёмалар сақланмоқда.

Шунингдек Қуръони карим тошбосмаси, Ҳофиз Шерозийнинг «Девон-и Ҳофиз» асари тошбосмаси, Шайх Са‘дий Шерозийнинг «Гулистон» асари тошбосмаси, Хусайн Во‘из Кошифийнинг «Қалила ва Димна» асари тошбосмаси ва шу каби кўплаб қўлёмаларнинг тошбосма нусхалари сақланмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирда Ўзбекистон тарихи давлат музейи кутубхонасида сақланаётган бу каби қўлёмза ва тошбосмалар сақлаш муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг аксарияти йиллар ўтиши натижасида ўзининг ҳолатини ўзгартириб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши аини муддао бўлиб, ёш авлодни ватанпарварлик ва бой тарихимизга чуқур хурмат руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган мамлакат сифатидаги халқаро обрў-эътиборини янада мустаҳкамлаш, бой ёзма меросимизни сақлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш ишларини янги сифат босқичига кўтаришга йўналтирилган.

Қарорда ўрта асрларда Марказий Осиё ҳудудидан етишиб чиққан аллома ва мутафаккирларнинг илм-фаннинг аниқ, табиий, гуманитар соҳалари ва ислом илмлари бўйича яратган асарлари тадқиқини кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳамда уларни асл матн ва илмий изоҳли таржима шаклида нашр этиб, таълим-тарбия жараёнига жорий этиш ва илмий муомалага киритиш ишларига алоҳида урғу берилган.

Ўзбекистон тарихи музейи томонидан музей кутубхонасида сақланаётган қўлёмалар фонди, китобларнинг сақланиш ҳолатини яхшилаш, нодир қўлёмаларни сақлаш, уларга ишлов бериш бўйича Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Беруний номидаги Шарқшунослик институти каби илмий муассасалар билан ҳамкорлик олиб боради.

Ҳамкорлик доирасида музей кутубхонасида сақланаётган кўплаб қўлёмза ва тошбосма китоблар номи ҳамда муаллифлари аниқланиб, уларнинг рўйхати шакллантирилмоқда.

Шунга қарамасдан Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган қўлёзмалар фондидаги китобларнинг аксарияти тадқиқ этилмаган ва илмий муомалага жалб этилмаган.

Республикамиз музейларида сақланаётган ёзма ёдгорликлар кейинги авлодларга маънавий, маданий, бадиий, техник ва тарихий қадриятларни етказувчи восита сифатида ҳам қадрлидир. Қўлёзма ва тошбосма асарлар каби ноёб объектлар билан ишлаганда ҳужжатларнинг қадимий таркибини максимал даражада сақлаб қолиш жуда муҳимдир.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда қадимий қўлёзма манбалар билан ишлаш малакасига эга бўлган ёш реставратор-консерватор кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш ҳукуматимиз олдида турган долзарб вазифаларидан биридир.

ФАРҒОНА МУЗЕЙЛАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМА КОЛЛЕКЦИЯЛАРИ

Шовосил Юнусович Зиёдов*
Нодиржон Ураимович Абдулаҳатов**

Ҳар бир халқнинг тарихи унинг ўтмиши ҳақидаги муқаддас хотирадир. Шу боисдан маданиятнинг юксак поғонасига кўтарилган халқлар ўз тарихига, ёдгорликлар ва қўлёзмаларига меҳр-муҳаббат билан қарайдилар, авайлаб асрайдилар, доимо синчиклаб ўрганадилар. Негаким, уларнинг кадр-қимматини ҳар бир нарса билан ўлчаб бўлмайди [1, с. 89]. Шу сабабдан Туркистон заминида қадимда ҳукмронлик қилган машҳур сулолалар ўз саройларида минглаб нодир қўлёзмалардан иборат кутубхоналар ташкил этганлар. Ўша даврларда «хазина» сўзи маънавий бойликлар тўпланган мана шундай кутубхоналарга нисбатан ҳам қўлланиб келинган.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, X–XII асрлардаги Хоразм, Бухоро, Самарқанд кутубхоналарида қўлёзма китоблар шу қадар кўп жамланган эдики, уларнинг сон-саногини тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Айниқса, Бухородаги кутубхона машҳур бўлиб, халқимизнинг буюк фарзанди, қомусий олим Абу ‘Али ибн Сино ҳам шу ерда мутолаа қилган. Ғазнавийлар сулоласининг асосчиси Маҳмуд Ғазнавий ҳам жуда кўп қўлёзма ва китоблар тўплаган. Тарихчиларининг таърифича, унинг кутубхонаси ердан шифтгача қадимги ва янги китоблар билан тирбанд бўлган. Аждодларимиз азалдан қўлёзма китобларни ардоқлаб, уларни келгуси авлодлар учун кўз қорачиғидай асраб авайлаб келганлар. Шу сабабдан юртимиздан донғи дунёни тутган улуғ олимлар ва мутафаккирларнинг кўплаб чиққани ҳам

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари номзоди, доцент

** Фарғона вилояти ўлкашунослик музейи, қўлёзмалар фонди; Ўзбекистон халқаро ислом академияси докторанти, тарих фанлари номзоди

бежиз эмас [2, с. 223]. Бу ҳолат XX аср бошларида чоп этилган хорижлик тадқиқотчиларнинг асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Заки Валидий Тўғон (1890–1970) 1915 йилда Петроградда чоп этилган «Фарғона вилоятидаги шарқ қўлёзмалари» номли мақоласида Фарғона водийси аҳолисининг шахсий коллекцияларида ноёб қўлёзма асарлар асрлар давомида сақланиб келганлигини таъкидлаб ўтади [3]. Минг афсуски, ушбу қўлёзма китобларнинг аксарияти собиқ советларнинг мустабид тузумининг дастлабки даврларидаёқ йўқ қилинди. Кейинчалик бу йўқотишлар 1950-йилларга қадар давом этди. Халқимизнинг неча асрлар мобайнида йиғиб келган, минглаб нодир бебаҳо қўлёзма асарлари қули кўкка совурилди. Тарихчи олим Сайфиддин Жалиловнинг «Бухорийлар қиссаси» китобида бу ҳақда шундай ёзади: «30-йилларда фаол ҳаракат қилган машъум «ГПУ» ташкилотининг айғоқчилари томонидан муллолар хонадони тинтув қилинганда, мабодо араб ёзувидаги биронта китоб топилса, ундай шахс «шўрога ёт унсур» деб айбланарди. Ўз даврининг олимлари бўлмиш исломий уламоларимиз жон сақлаш учун энг қимматли маънавий бойликлари ҳисобланган барча илмий-исломий китобларни қопларга солиб, қабристонларга кўмиб яширишга мажбур бўлганлар. Тинтувларда қўлга тушганлари «ГПУ»чилар томонидан тўплаб куйдириб юборилган. Оқибатда аждодларимиздан қолган қимматли илмий ва маънавий-маърифий бойлигимиз бўлмиш қадимий китоблар шафқатсизларча йўқ қилинди. Тарихимиз билагонларидан, 1920-йилларда совет ташкилотларида ишлаб, сўнгра ноҳақдан бир мунча йил қамоқда ётиб чиққан андижонлик қария Олимжон Саркаров хотираларида ўшандай ҳодисалар тафсилоти сақланган эди: «Қулоқ»ни синф сифатида тугатиш сиёсатига ўтилгач, жон сақлаш учун ватанни ташлаб чет элга чиқиб кетишга мажбур бўлган айрим бадавлат ва мулло-уламоларимиз Қошғар йўлидаги Эргаштом божхонасида ГПУ ходимлари томонидан тинтув қилиниб, олиб кетилаётган бойликлари ва ноёб китоблари тортиб олинган. Тинтув натижасида тўпланиб қолган китоблар, Олимжон отанинг эслашича, «тоғ бўлиб кетган» ва уларга ўт қўйилиб, бир гал уч кеча-кундуз ёндирилган» [4, с. 21-22]. Ўша даврларга оид ҳужжатларда ҳам нодир қўлёзма китобларни йўқ қилинишига доир тарихий фактлар қайд этилган. Андижонлик тарихчи Роза Раҳматулина ана шундай ҳужжатлар бири ҳақида жумладан қуйидагиларни ҳикоя қилади:

«Андижон вилояти музейида андижонлик бой ва уламоларнинг китобларини мусодара қилиш тўғрисида Якубов Мирзага 1919 йил 17

ноябрда берилган мандат сақланиб келмоқда. Бу китобларнинг мусодара қилинишига, йўқотилишига Султонбек қатъий норозилик билдирган. Биз музей ходимлари 1959 йили шу китобларни топиш учун кўп қидирув ишлари олиб бордик. Якубовнинг айтишича, Мирқосим, Мирфозил ва Аҳмадбекхожи хонадонларида чармга ёзилган эски китоблар кўп бўлиб, улар Искандар Зулқарнайндан тортиб, Қорахонийлар давригача ёзилган қўлёзмалар бўлган. Лекин биз уларни ҳеч қаердан топа олмадик. Демак улар эгаларида сақланмаган. У китоблар «Оқ уй» деб номланган магазин ертўласига жойлаштирилиб, мусулмон китобхонларига берилмаган. Сайфи Зияев ва Аҳмаджон Муллағалиевларнинг айтишича, 1928 йилда «Оқ уй» орқасида эски китоблар Шўро ҳукумати томонидан ёндирилган» [5, с. 42].

Бугунги кунда Фарғона водийсида фаолият кўрсатиб келаётган музейларнинг қўлёзма фондларидаги умумий ҳисобда уч мингдан ортиқ ажодларимиз томонидан араб, форс ва туркий тилларда яратилган нодир асарлар намунаси ўша таҳликали замонлар даврида музейларнинг фондига топширилганлиги туфайли асраб қолинган моддий меросимизнинг бир қисми холос. Изланишлар давомида ушбу қўлёзмалар куйидаги музейларда сақлаб келиниши аниқланди:

- Қўқон тарихи ва маданияти давлат музейинининг филиали – Қўқон адабиёт музейининг фондида 2 минг (2000) дан ортиқ қўлёзмалар мавжуд;
- Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида тўққиз юз (900) дан ортиқ қўлёзмалар мавжуд;
- Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида олтмиш (60) дан ортиқ қўлёзмалар мавжуд;
- Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида элликдан (50) дан ортиқ қўлёзмалар мавжуд [Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида 22 та ва унинг филиали Марғилон шаҳар тарихи музейида 28 та қўлёзма сақланади].

Ушбу нодир қўлёзмаларда баён этилган мавзулар доираси ғоят кенг ва хилма-хил бўлиб, ёзилиш ва кўчирилган даври XV–XIX асрларга оиддир. Уларда Қуръон, ҳадислар, фикҳ, шариат, тасаввуф, ‘илм-и сарфу наҳв, нужум, ахлоқ, агиография, сиёсатшунослик, адабиёт, луғат, тарих, мусиқа, табобат,

доришунослик, нотиклик санъати, хуснихат, мантик, кимё, география, муҳандислик, математикага доир ғоят муҳим маълумотлар жамланган.

Тўпланган тажрибалар ва олинган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, бугун қадар қўлёзмаларнинг асосий қисми мазкур музейларда каталоглаштирилган эмас, аниқроғи уларнинг электрон каталоги ҳам тўлиқ тузилмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири малакали мутахассисларнинг етишмаслигидадир. Қолаверса, аҳоли қўлида сақланиб келинаётган қўлёзмаларни сотиб олиш билан музейлар коллекциясини йилдан-йилга бойитиб бориш ўлка тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим аҳамиятга касб этсада, бу борада ҳам қатор ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.

2002–2007 йилларда Япониянинг «Нара Ипак йўли Тадқиқот Маркази» ва «Тойота» фондининг ҳомийлигида «Марказий Осиёдаги исломий муқаддас жойларни ўрганиш» (Фарғона водийси мисолида) номидаги илмий лойиҳаси бўйича Фарғона водийсида олиб борилган тадқиқотлар чоғида фуқароларнинг шахсий кутубхоналарида юзлаб қўлёзмалар мавжудлиги аниқланган эди. Биргина Марғилон шаҳрида Хонақойи Ҳазрат, Фазл Ваҳхоб Мозорий, Хўжажон Қози Рожий Марғилоний, Фазлий Марғилоний, Хожа Марғилоний, Номий Марғилоний, ‘Абдуллоҳ Марғиноний, Охунжон қори Водилий, Амоний Арабоний, Қойил Марғилоний, Мир Йаҳйо Қори Марғилоний, Охунжон Қори Марғилоний, Муҳаммад Мусо Бекий Полмоний, Ғолиб Марғилоний сингари муқаддам яшаб ўтган уламоларнинг шахсий архивларида ўнлаб қўлёзмалар сақланиб қолган. Афсуски баъзи уламоларнинг вафотидан сўнг авлодлари ўртасида уларнинг кутубхоналаридаги қўлёзмалар эсдалик сифатида шунчаки олиб кетилиши натижасида қўлёзмаларнинг кейинги тақдири номаълум бўлиб қолмоқда.

Шундай экан, мазкур муаммоларни баратараф этиш ҳозирги кунда музейшуносликнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Бу борада кўп йиллик тажрибага эга бўлган музей ходимлари билан бўлган мулоқотларимиз давомида қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар билдирилди:

- музейларга араб хуснихатини чуқур ўзлаштирган, форс-тожик, туркий тилларини яхши билган ва ўқий олиш даражасидаги мутахассисларни танлов йўли билан музей ишларига жалб қилиш;
- университетларда олиб борилаётган музейшунослик фанларини чуқурлаштирилган ҳолда, яъни қўлёзмалар билан ишлаш билан боғлиқ

- махсус дарсларни ташкил этиш;
- қўлёзмаларни каталоглаштириш борасида музейлараро мунтазам равишда ўқув-илмий семинарларини ўтказиб туриш;
 - Шарқшунослик институти, Олий ислом институти, Халқаро ислом академиясининг талабаларини музей қўлёзмаларини ўрганиш борасида ўқув амалиётларини олиб боришни ташкил этиш;
 - музей фондларини қўлёзмалар билан бойитиш мақсадида вилоятлардаги вақф фондлари билан ҳамкорликда ва бошқа ҳомийларни жалб қилган ҳолда аҳоли қўлида сақланиб келаётган қўлёзмаларни сотиб олиш.

Музейларда аввайлаб асраб келинаётган қўлёзмаларда аجدодларимизнинг ҳаётий тажрибаси, ижтимоий-маънавий руҳи, тарихий мероси акс этган. Миллий меросимизнинг таркибий қисми бўлган мазкур нодир асарлар ўзига хос илмий, ижтимоий-сиёсий, маърифий-маданий кадр-қимматга эга. Бу меросни тадқиқ этиш натижалари Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш, ёшларни миллий менталитетимизга хос бўлган фазилатлар ва қадриятлар асосида тарбиялашга ўзининг бебаҳо хиссасини қўшиши шубҳасиздир.

Адабиётлар:

1. Бердимуродов А. Топталган мерос // Фитна санъати. 2-китоб. Тошкент: «Фан», 1993.
2. Абдулахатов Н., Аҳмедова Н. Комиллик сари. Тошкент: «Noshiq», 2018.
3. Валидов З.А. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного отделения Императорского русского археологического общества. Том двадцать второй. 1913-1914. Петроград, 1915.
4. Жалилов С. Бухорийлар қиссаси (Мухожират тарихидан лавҳалар). Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.
5. Раҳматулина Р. Андижонда истиқлолчилик ҳаракати. Андижон, 2002.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ФОНДИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ, ТАРКИБИ ВА БУГУНГИ ҲОЛАТИ

Маҳмудхон Асатуллаевич Юнусов*

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига қарашли Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси 1982 йилда Самарқанд шаҳри ва вилоятида жойлашган меъморий ёдгорликлар ва музейларни бирлаштирган ҳолда ташкил этилган. Бугунги кунда Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси таркибига саккизта музейлар – 1) Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи; 2) Вилоят ўлкашунослик музейи; 3) Садриддин Айний уй-музейи; 4) Самарқанд шаҳри тарихи–Афросиёб музейи; 5) Мирзо Улуғбек музей-мажмуаси; 6) Иштихон тумани тарихи музейи; 7) Каттақўрғон шаҳар ўлкашунослик музейи; 8) Пахтачи тумани тарихи музейлари, олтита меъморий ёдгорлик – 1) Амир Темур макбараси; 2) Амир Темур (Бибихоним) Жомеъ масжиди; 3) Ҳазрати Хизр масжиди; 4) Имом Мотуридий макбараси; 5) Хўжа Дониёр макбараси; 6) Руҳобод макбаралари, иккита зиёратгоҳ – 1) Ҳазрати Довуд ва 2) Чор Чинор зиёратгоҳлари киради. Мавжуд саккизта музейда намоиш этилаётган экспонатлар Самарқанд давлат музей-қўриқхонасининг марказий фондига тегишли бўлиб, мазкур фонднинг шаклланиши 1874 йилга бориб тақалади [3].

Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси фонди ўзида кўп минг йиллик тарихга эга бўлган экспонатларни сақлаб келади. Музей фондида бугунги кунда жами 237 мингдан зиёд ашёлар сақланиб келинмоқда. Ушбу ашёлар музейимизнинг шаклланган йили, яъни 1874 йилдан бошлаб шу кунга қадар йиғилиб келинган.

Музейнинг қўлёмалар фонди республикамиздаги йирик фондлардан

* Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бош муҳофиз

ҳисобланиб, ўзида 2866 дона асарларни мужассам этган. Уларнинг ичида 2169 донаси тошбосма асарлар бўлса, 697 донаси қўлёзмалардир [Ушбу тезисни тайёрлашда Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси фонд ҳисобга олиш бўлими фонд ҳаракати ва қирим китобларидан фойдаланилди].

Мазкур фондга дастлабки ашёлар 1874 йилдаёқ келиб тушган. Архив маълумотларига кўра, музейда дастлаб йиғилган мавжуд археологик коллекциядан ташқари М.Н. Ростиславов ҳомийлигида 1874 йил давомида тегишли маблағ ажратилган ҳолда қадимги қўлёзма ва тангалар сотиб олинган [7, варақлар 1-4, 10]. Жумладан, 1874 йил 2 июль ва 9 сентябрида қўлёзма ва ноёб китоблар сотиб олиш учун дастлаб 126 рубл, кейин 52 рубл ажратилди [7, варақлар 1-2].

Ўша вақтдаги музей биносида 1874 йил ва 1875 йилнинг биринчи чораги давомида йиғилган археологик ашёлар, қабртошлар, хаглар, турли уй-рўзғор буюмларидан ташқари, анчагина қадимий тангалар ва қўлёзмалар ҳам йиғилган эди. 1875 йил июль ҳолатига биноан, олтин, кумуш, мис тангалар сони 700 донага етган бўлса, қўлёзма китоблар сони 30 тани ташкил этган [6].

1875 йилда танга ва қўлёзмалар йиғиш учун самарқандлик Қори Саид Умаровнинг Бухорога юборилиши Зарафшон округи канцеляриясида ашёларнинг йиғилиши тасодифий хусусият касб этмасдан, тизимли равишда олиб борилганлигини тасдиқлайди [7, варақлар 12, 21].

Олиб борилган ишлар натижасида йиғилган ашёларнинг аксарияти ноёб ашёлардан иборат бўлган. Хусусан, 1876 йил 20-30 август кунлари Санкт-Петербургда ўтказилган Шарқшунослар съездида Туркистон делегацияси ҳам иштирок этди. Туркистон делегацияси шарқшунос А.Л. Кун ва собиқ Шаҳрисабз ҳокими Жўрабеклардан иборат эди. Съездеги кўрғазмада 100 га яқин Қулжа [Хитой Халқ Республикаси, Или-Қозоқ автоном округидаги шаҳар], Тошкент, Самарқанд халқлари фотосуратларидан иборат альбом, Ҳисор ва Кўлобнинг хариталари, Қўқондан олиб борилган қўлёзма ва тангалардан [2] ташқари, М.Н. Ростиславов олиб борган Самарқанд музейининг қадимий ашёлари ва қўлёзмалари ҳам намойиш этилади [4].

Музей ашёларини илмий рўйхатга олиш ишлари Самарқанд музейида ўтган асрнинг 20-йилларида бошланган. 1928 йилгача музейда ягона қирим китоби мавжуд бўлиб, у 1901–1920 йилларда юритилган. Лекин ушбу китобда қўлёзма ёки тошбосма китоблар рўйхатга олинмаган [1].

Музей ашёларини ўз вақтида илмий рўйхатга олинмаслиги оқибатида

1928 йил ҳолатига музей фондида қаердан келиб қолгани номаълум бўлган 175 та қўлёзма мавжуд эди.

Кейинги йилларда ҳам музей қўлёзмалар фонди бойиб борди. Мамлакатимизда юз берган иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан 1930–йилларда музей фондига саккизта, 1940–йилларда еттита, 1950–йилларда еттита қўлёзма ашёлар аҳолидан сотиб олинди.

Самарқанд музейи қўлёзмалар фондига асосий ашёлар 1960–2000 йиллар оралиғида йиғилган бўлиб, фондни бойитиш ишларида 2000–йиллардан кейин бироз сусайиш кузатилган. Агар 1960–йилларда 263 дона, 1970–йилларда 292 дона, 1980–йилларда 1040 дона, 1990–йилларда 1201 дона ашёлар йиғилган бўлса, 2000 йилдан бугунга қадар бор-йўғи 47 дона ашё келиб тушган. 2012 йилдан буён Самарқанд музейи қўлёзмалар фонди бойитиш ишлари тўхтаб қолган. Ҳозирда музей ходимлари қўлёзмалар фондини бойитиш мақсадида изланишлар олиб бормоқда.

Қўлёзмаларни илмий рўйхатга олиш борасида ушбу фондда фаолият олиб борган илмий ходимларнинг ҳам ўрни бекиёс албатта. XX асрнинг 30–50-йилларида рўйхатга олинган қўлёзмалар ҳақида маълумотлар узук-юлуқ характерда ва етарли эмас. Афтидан бу даврда музейда фаолият олиб борган ва қўлёзма китобларни илмий рўйхатга олган илмий ходимларнинг эски ўзбек ёзуви ва араб алифбоси ҳамда тили, шунингдек, форс тилидан етарли билимга эга бўлмаган. Бундан ташқари ушбу даврда музей ходимларининг аксарияти европалик аҳоли вакилларида бўлганлиги ҳам вазиятга салмоқли таъсир кўрсатган.

1960–1990-йилларда қўлёзмалар илмий рўйхатга олиш ишлари бирмунча талаб даражасида бўлган. Лекин, 1990–йиллардан кейин ашёларни ҳисобга олиш ишларида сусайиш кузатилган.

Самарқанд музейи қўлёзмалар фондидаги ашёлар турли йўллар билан фондга қабул қилинган. Уларнинг аксарияти аҳолидан сотиб олинган бўлса, қолган қисми музей ходимлари томонидан амалга оширилган экспедициялар вақтида (19 дона), турли ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан совға қилиниши орқали (113 дона), 1990–йиллардан кейин божхона органлари томонидан мусодара қилиш орқали (48 дона) фондга келиб тушган. 1987 йилда Қўшработ туманида истиқомат қилувчи Ойдин Синдоров Эргаш Жуманбулбул кутубхонасида сақланиб келинган 15 дона қўлёзма ва тошбосма асарларни музей фондига топширган. Бундан ташқари 1991, 1993 йилларда

музей илмий кутубхонасида сақланиб келинган алоҳида қимматга эга жами 806 дона қўлёзма ва тошбосма асарлар музей фондига ўтказилган.

1992 йилда Имом Бухорий номидаги Олий Ислом институти ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар идораси кутубхонасида сақланиб келинган, жами 48 дона, шундан тўққизта қўлёзма китоблар, Институт ректори Муҳаммад-Латиф Жуман ўғли томонидан музейга совға қилинган.

Шунингдек, музей қўлёзмалар фондининг бойитилишида алоҳида шахслар ҳам муҳим роль ўйнаган. Улардан музей фонди учун катта ҳажмдаги қўлёзма ва тошбосма китоблар сотиб олинган. Масалан, Самарқанд шаҳрида яшовчи Урунходжаевдан 75 дона, Муллахўжаева Муяссардан 28 дона, Улуғова Мусалламдан 81 дона, Бабаев Ашрафдан 150 дона, Набиев Ш.-дан 78 дона, Махмудов Болтақулдан 90 дона; Наманган вилоятида истиқомат қилувчи Жалолов Камолдан 209 дона; Иштихон туманида истиқомат қилувчи Тоштемиров Примқулдан 133 дона қўлёзма ва тошбосма асарлар сотиб олинган.

Ҳозирда музей қўлёзмалар фонди диний ва дунёвий мазмундаги қўлёзма ва тошбосма китоблардан (араб, ўзбек, форс ва турк тилларида ёзилган) ташкил топган. Улар мусулмон қонунчилиги, ҳуқуқий ва нотариал битим актлари, тарих, жуғрофия, математика, тиббиёт, доришунослик, араб тили грамматикаси, адабиёт, фалсафага оид асарлардан иборат.

Ушбу фондда 1993 йилдан буён Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Тошкент давлат шарқшунослик институтини тугатган Облақулов Аҳмадхон илмий ходим ва муҳофиз сифатида меҳнат қилиб келади. Унгача бўлган даврда ушбу фондда Исмоилова М.И. фаолият юритган.

Қўлёзма фондидаги аксарият адабиётлар диний мазмунда. Фақат 1800-1920 йиллар оралиғидаги асарлар таҳлил қилинганда адабиётшунослик, геометрия, қомус, математика, тарих, тасаввуф, тиббиёт, тилшунослик, фикҳга оид қўлёзмалар сони 33 донани ташкил этиши маълум бўлди.

Юқоридаги даврга тегишли адабиётшунослик, биология, география, геометрия, диншунослик, мантиқ, математика, метафизика, педагогика, сиёсатшунослик, тарих, тасаввуф, тилшунослик, фикҳ, ҳуқуқшунослик, хунармандчилик, этика фанларига тааллуқли 86 дона тошбосма асарлар ҳам сақланади.

Хусусий хатлар, хаттотлик намуналари, вақф ҳужжатлари, нотариал ҳужжатлар қўлёзмалар фондидан алоҳида сақланиб, улар 1641 донани

ташқил этади. Самарқанд музейида директор лавозимида фаолият олиб борган М. Юсупов томонидан музей фондидаги қозилик ҳужжатлари таҳлил қилиниб, баъзи тадқиқотлар амалга оширилган. Лекин ушбу тадқиқотлар охирига етмасдан қолган.

Музей фондидаги қўлёзмалар орасида XVI асрда чоп этилган миниатюра билан безатилган, Низомий Ганжавийнинг «Хамса» асари ҳамда XV аср охирида қўчирилган Закарийо ал-Қазвинийнинг «‘Ажо’иб ал-махлуқот» (ҳайвонот ва наботот оламини тавсифловчи) асари фонднинг дурдона ашёларидан ҳисобланади. Шулар қаторида XVII асрнинг бошларида қўчирилган Абу ‘Али ибн Синонинг «Китоб ал-қонун фи-т-тибб» китоби ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Темурийлар даврининг энг машҳур хаттоти ‘Абдуллоҳ ат-Таббоҳ ал-Ҳиравий томонидан ёзилган «Ҳадислар намунаси», Марказий Осиёда энг катта ҳажмли (1,56x1,04 см) Қуръони Карим қўлёзмалар фондини безатувчи ноёб нусхалар ҳисобланади.

Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси қўлёзмалар фондида ана шундай ноёб қўлёзмалар талайгина. Уларни тадқиқ қилиш, махсус каталоглар яратиш, таржималарини амалга ошириш бугунги кундаги долзарб масалалардан сирасидандир ва бу борада барча тадқиқотчиларни ҳамкорликка чорлаймиз.

Адабиётлар:

1. Книга записей предметов, поступающих в музей. Научный архив Самаркандского музея. Дело № 501а.
2. Маев Н.А. Туркестанский край в 1876 год // Туркестанские ведомости, № 5, 1877.
3. Массон М.Е. Краткий очерк изучения Средней Азии в археологическом отношении. Ташкент: САГУ, 1956.
4. Ростиславов М.Н. Еще по поводу археологических изысканий в Зарафшанском округе // Туркестанские ведомости. № 43, 1876.
5. Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси фонди қирим китоблари, 1-24.
6. Туркестанские ведомости, № 27, 1875.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, 5-фонд, 1-рўйхат, 226-иш.

ТОШКЕНТДАГИ БИРИНЧИ ЎЗБЕК (МУСУЛМОН) МУЗЕЙИ ТАРИХИДАН

Мурод Зикруллаев*

Жамиятни маънавий юксалтириш, миллий ғояни мустаҳкамлашда, ёш авлодни миллий кадриятларга хурмат руҳида тарбиялашда музейларнинг алоҳида ўрни бор. Бежизга музейларни тарих, маънавият ва санъат хазинаси деб таърифлашмайди. Музей жамиятнинг ўз тарихи ва маданиятига муносабатини акс эттирувчи кўзгу ҳисобланади.

Шу билан бирга барча музейлар ҳам ўзининг ташкил топиши ва ривожланиши тарихига эга.

Умуман айтадиган бўлсак, жаҳоннинг барча машҳур музейлари муайян шахсиятларнинг шахсий коллекциялари негизида пайдо бўлган. Европа мисолида олиб қарайдиган бўлсак, XVIII асрда расмий музейлар кўплаб давлатларнинг ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурган эди. Илмий-таълим йўналишидаги биринчи инглиз музейи 1683 йилда Оксфорд университетига очилган бўлса, янги типдаги биринчи Британия музейи 1753 йилда Лондонда ташкил топган. 1793 йилда Француз революцияси даврида очилган Лувр музейи энг йирик расмий музейга айланган [1, б. 45]. Россиядаги биринчи оммавий музей Кунсткамера (ҳозирги кунда Буюк Пётр номидаги антропология ва этнография музейи) бўлиб, 1719 йилда Петербургда очилган.

Туркистон ўлкасида дастлабки музей ўлкада Чор империяси ҳукмронлик қилган даврда, 1876 йил 12 июлда Тошкентнинг янги шаҳар қисмида очилган. Шундан эътиборан Ўрта Осиёда Бош музейнинг мавжудлиги расман тан олинган.

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари; Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси

Бу музей тўрт бўлим: 1) этнография ва техника; 2) табиат тарихи; 3) археология, нумизматика; 4) кишлок хўжалигидан иборат бўлиб, маҳаллий сураглар ва турли коллекциялар билан бойитилган эди.

1922 йилда ушбу музей Ўрта Осиё Бош музейи номини олган (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи).

Музей мудирининг 1922 йил 4 январда Музей ишлари, тарихий ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича Туркистон комитети (Туркомстарис) га йўллаган хатидаги маълумотларга қараганда, у қуйидаги тўққизта бўлимдан иборат бўлган:

1. Этнография бўлими (экспонатлар сони 1.377 дона);
2. География бўлими (экспонатлар сони 158 та);
3. Умурткалилар зоологияси бўлими (экспонатлар сони 846 та);
4. Умуртқасизлар зоологияси бўлими (экспонатлар сони тахминан 28.000 та);
5. Геология бўлими (экспонатлар сони 2.158 та);
6. Ботаника бўлими (экспонатлар сони тахминан 600 та);
7. Нумизматика бўлими (экспонатлар сони 2.760 та);
8. Археология бўлими (экспонатлар сони 1.806 та);
9. Ҳарбий-тарихий бўлим (экспонатлар сони 224 та) [2, б. 71].

Йилдан-йилга ушбу музейга ташрифчиларнинг сони ҳам ортиб борган. Хусусан, 1919 ва 1920 йиллардаги рақамларга назар солсак, 1919 йилда жами 77.592 нафар ташрифчи келган. Шулардан, 50.799 таси европа миллатига мансуб ва 20.793 нафари маҳаллий (мусулмон) аҳоли вакиллари бўлган. 1920 йилда эса ташрифчилар сони 279.109 тани ташкил этиб, шундан, 144.953 нафари маҳаллий аҳоли, 134.156 таси европа миллатига мансуб кишилар бўлган [3, б. 24]. Рақамлар қиёсланса, 1920 йилда ташрифчиларнинг сони 301.517 нафарга ошганлиги, яна ҳам аҳамиятлиси маҳаллий аҳоли вакиллари ташрифи бошқаларга нисбатан 10.797 тага кўп бўлганлиги аён бўлади.

Маҳаллий аҳоли томонидан музейга бўлаётган мана шу катта қизиқиш, айни вақтда музейнинг Эски шаҳардан анча узоқда жойлашганлиги, қолаверса, Ўрта Осиё Бош музейи экспозициясидаги магнли маълумотларнинг рус тилида бўлганлиги Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида алоҳида ўзбек музейи ташкил этилишига сабаб бўлган.

Умуман олганда, Тошкентда миллий музей очиш масаласи 1917 йил 20-23 майда Тошкентда ўтказилган мусулмон ўқитувчиларнинг Биринчи ўлка Қурултойидаёқ кўтарилган. Қурултой қарорига киритилган эди. Бироқ, ўн еттинчи йилнинг сентябрь, сўнгра октябрь воқеалари ушбу ишни амалга ошишини анча кейинги даврларга суриб юборди.

Туркистонда биринчи ўзбек музейи Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида 1921 йилда очилган. У фақатгина табиий-тарихий бўлимдан иборат бўлиб, жами 209 та ашёси бўлган [2, б. 89].

1921 йил 2 мартда 153-сон хат билан Туркомстарис фуқаро Хайрулла Усмоновга Эски шаҳарда илмий-тарихий музей ташкил қилишни юклатиб, махсус мандат (ёрлик) берган. Ёрликқа биноан, Х. Усмонов музейга мос бино топиш учун эски шаҳардаги барча муассасалар билан бевосита иш олиб бориш ваколатига эга бўлади. Мандатда, шунингдек, барча совет ташкилотлари унга ёрдам беришлари кераклиги кўрсатилган. Ушбу ҳужжатга Туркомстарис мудир Д. Нечкин ва бўлим илмий қоғиби О. Абрамов имзо чеккан. Ҳозирда МДА сақланаётган мазкур ёрликда Х. Усмоновнинг ҳам уни олганлигини тасдиқлаб қўйган имзоси мавжуд [3, б. 2].

Бўлажак музей учун эски шаҳарда ягона мос келадиган бино Исмоилбой Бешболабоевнинг уйи деб топилган. Хоуз-Бобда жойлашган ушбу бинода илгари «Зингар» фирмаси дўкони жойлашган бўлган. Бино икки хонадан: бири ойналари кўча томонга қараган ўлчами 7x15 м., иккинчиси деразаси ҳовлига қараган ўлчами 7x8 метр бўлган. Ушбу хоналар ёнида омборхона ва қоровулларга мўлжалланган унча катта бўлмаган хона бўлган [3, б. 5].

Музейнинг мудир 1921 йил 2 мартдан 15 майгача Хайрулла Усмонов бўлган. Ундан кейин мудир этиб Иброҳим Муҳаммадзода тайинланган. Туркомстариснинг 1921 йил 18 майдаги 34-сон буйруғи билан 18 майда унга 429-сонли гувоҳнома берилган [3, б. 62]. Туркомстарис ходими Муҳаммаджон Исо Муҳамедовнинг муҳофиз ёрдамчиси вазифасини бажарувчи эканлиги (№ 284) тўғрисидаги гувоҳномалар берилган [3, б. 10].

Музейга асосан Туркистон Халқ музейи (янги шаҳардаги) ва Туркистон Бадиий музейи фондларида сақланаётган экспонатлар олиб келинган.

1921 йилнинг биргина август ойи ичида музейга жами 11777 та ташрифчи келган. Шундан 103 таси европа миллатига мансуб, қолганлари маҳаллий аҳоли бўлган [3, б. 76].

Тошкент эски шаҳар илмий-тарихий музейининг штат жадвали Халқ

маориф комиссарлиги томонидан 1921 йилнинг 20 апрелида тасдиқланган. Унга кўра, музейда жами еттига ходим, хусусан музей мудирини, унинг ёрдамчиси, 1-разрядли битта илмий ходим, 2-разрядли иккита илмий ходим ва иккита қоровул ишлаши кўзда тутилган. Қоровулларга кечаси музейни кўриқлаганлари учун мукофот сифатида кўшимча 11.400 сўм маблағ ажратилган [3, б. 76].

«Туркистон» газетасида 1923 йил 18 ноябрь 198-сонда берилган хабарга кўра, «Туркистон жумхурияти томонидан Москвада бўлиб ўтган кўринишга (кўргазма – М.3.) юборилган кўпгина муҳим нарсаларни (экспонатларни) Эски Тошкент ажойибхонасига (музейга – М.3.) қўйишга қарор берилган. Шу муносабат билан, музей касалхона қаршисида бўлгон катта бир бинога (ТашПО) ўрнига кўчирилди. Мудирликка Мажид Қодирий ўртоқ таъйин қилинди» [5, б. 3].

Туркомстарис 1924 йил 4 июнда Халқ маориф комиссари ўринбосарига Туркистон Ижроия Комитетининг пленумидаги доклади асосида Туркистонда музей иши ҳолати, тарихий ёдгорликларнинг сақлашдаги мавжуд муаммолар хусусида ахборот йўллайди (1174-сонли хат). Унда Туркистонда музейлар жуда катта маданий-маърифий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Бу таъкид 1923 йилда музейлар, ботаника боғи ва ҳайвонот боғига жами 600.000 нафар одам келганлиги, шулардан мусулмонлар (яъни маҳаллий аҳоли) 396.885 кишини ташкил этганлиги қайд этилади. Шунингдек, кўпроқ уй-рўзғор ишлари билан банд бўлган, маданий ҳаётдан кам баҳра олувчи аёллар ҳам борган сари кўпроқ Туркистон музейларига ташриф буюраётганликлари айтилган [2, б. 46].

Шундан сўнг Туркистон музейлари, хусусан, Эски шаҳар музейи фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган бошланган.

Туркомстариснинг 1924 йил 7 июнда берган 1186-сонли гувоҳномасида Тошкент Эски шаҳар музейи мудирини Мажид Қодировга бутун СССР музейларига кириб, экспозициялар билан танишишида хайрихоҳлик кўрсатишлари қайд қилинган. Бундан кўзланган мақсад, тажриба ўрганиб Эски шаҳар музейини қайта ташкил қилиш бўлган [2, б. 74].

Бунинг сабабини Мажид Қодирийнинг ўзи қуйидагича тушунтиради: «Биз ўзбекларнинг ҳам маданиятимиз, бошқа кўшни мамлакатларга қараганда бир неча босқичларни бир қадар ўтаб, 2-инчи ва 3-инчи боғларига қадам қўядурғон бўлиб қолди. Халқимиз мактаб, маориф билан бир даража

суғорилиб, энди музахоналар, наботот ва ҳайвонот боғчаларидек турли илмий эҳтиёжларни ҳам сеза бошладилар. Бунинг натижасида шу чокқача тузилиб келгон типи қуруқ хона шаклини олиб келгани учун ишчи-деҳқон оммаси булардан тубли бир фоида олар-олмай, улардаги қуруққина этикет (таърифа)лар, томошо этгон чоклариди улар учун оғиз очиб оғрайишдан бошқа ҳеч нарсага хизмат қилмади» [6, б. 3].

Мажид Қодиров томонидан музейни бутунлай янгитдан ташкил этиш, унга мос бошқа бино топиш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

1925 йилда М. Қодирий Средазкомстариснинг раиси ўринбосари этиб тайинлангандан сўнг, унинг ўрнига Исмоилов мудир бўлган. Унинг 1925 йилда бажарилган ишларга оид йиллик ҳисоботида қайд этилишича, январь ойидан бошлаб қишлоқ хўжалиги, табиий-тарихий ва касаначилик бўлимларидан иборат бўлган кенгайтирилган Биринчи ўзбек музейини ташкил этишга киришилган. Қишлоқ хўжалиги бўлимини дала экинлари, боғдорчилик, узумчилик, томорқа маҳсулотлари, тупроқ таркиби, ирригация, чорвачилик, пиллачилик ва асаларичилик бўлимларига бўлиш кўзда тутилган [3, б. 46].

Қизиғи шундаки, Қуръоннинг ноёб ‘Усмон Мусҳафи айнан мазкур музейда кўргазмага қўйилган. Бунинг учун табиий-тарихий бўлимнинг жанубий-ғарбий бурчагида алоҳида Қуръон хонаси ташкил этилган. Китоб учун мустахам цементли таглик ишланган. Унга Қуръон ғилофи билан жойлаштирилиб, тўртта қулфдан иборат симли панжара билан беркитилган. Хона яшил рангда бўлган ва электр чироғи билан ёритилган. Кўргазмага қўйилмаган пайтда Қуръон шу хонадаги темир сейфда сақланган [3, б. 46].

Янгиланган ўзбек музейи 1925 йил 25 декабрда тантанали равишда очилган.

Музей томонидан ташрифчиларни янада кўпроқ жалб қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилиб борилган. Хусусан, музей директори Исмоилов 1926 йил 15 февралда 35-сонли хат билан Средазкомстарисга музей ташрифчилари Москвадан узатиладиган радио эшиттиришларини эшитиш имкониятига эга бўлишлари учун громкоговоритель (баланд овоз чиқарувчи радио қурилмаси) ажратишларини сўрайди. Бу жиҳоз ўша замон электротехника ютуқларидан бири ҳисобланиб, музейга келганларда катта қизиқиш уйғотиши табиий эди. Унга кетадиган маблағ ҳам 400-500 рублдан кўп бўлмаган [4, б. 24в]. Айнан шу куни 36-сонли хат билан Средазкомстарисга

мурожаат килиниб, директор Исмоилов Москвадаги Главнаука музейи томонидан Миср мумиясини (1 дона) беришмоқчи эканлигини билдиради. Бу ўта ноёб экспонатни 1-ўзбек музейига олишга рухсат сўрайди [4, б. 25в]. Афсуски, 1926 йил 29 мартда Главнаука музейидан Средазкомстарисга келган 3446-сонли хат мазмунидан ушбу мумия йўқ эканлиги маълум бўлади [4, б. 42в]. Балки, ўзбек музейида бундай ноёб ашёнинг бўлиши раҳбариятга маъкул келмагандир.

Ташрифчиларга шароит яратиш мақсадида, ҳатто 1926 йил 9 мартда Средазкомстарисга Рамазон ойи муносабати билан жума кунидан ташқари кунларда музейни соат 18-дан 24-гача ишлашини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб, мурожаат қилган [4, б. 32в].

Шу ўринда Биринчи ўзбек музейи тўғрисидаги Низомнинг анча кеч, аниқроғи 1926 йил 20 февралда Средазкомстарис хузуридаги доимий Кенгаш йиғилишида тасдиқланганлигини қайд этиш жоиз [4, б. 29в].

Низомга кўра музейнинг бош мақсади ўз экспозициясида ўлканинг қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалик кооперацияси ва у билан боғлиқ барча масалаларни қамраб олиши кўзда тутилган. Бунинг учун:

- гербарий, уруғлар, қишлоқ хўжалигида олиб борилган илмий тажрибалар натижасида олинган қайта ишланган маҳсулотларни ва материалларни, шунингдек, тупроқ намуналарини йиғиш ва харид қилиш ҳамда Ўрта Осиё ўлкасида етиштирувчи ва қайта ишловчи қишлоқ хўжалик саноатининг машиналари ва қуроллари ёки уларнинг моделларини жамлаши;
- маҳаллий аҳолининг кенг оммаси ўзлаштиришига қулай шаклларда диаграммалар, графиклар, харита ва моделлар тайёрлаш;
- табиий-илмий ва этнография бўлимида зоология, минерология ва умумий этнографияга оид материалларни жамлаш ва антропология бурчагини ташкил этиш;
- маҳаллий касаначилик саноати бўлимини ташкил этиш;
- дала ва боғларга ишлов беришнинг анъанавий маҳаллий ва замонавий усулларни қиёсий ўрганиш ва натижаларини эълон қилиш;
- барча материалларни томошабинлар намойиши учун экспозицияга қўйиш вазибалари юклатилган [4, б. 29в].

Музей фаолиятида илмий-маърифий йўналишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ҳафтанинг муайян кунларида ишчи-деҳқонларга турли боб, фаслларга бўлиниб, қишлоқ хўжалигининг тузилиши тўғрисидаги мавзуларда, мактаб ўқувчиларига табиий фанлардан маърузалар ўтилган. Бунинг учун махсус мутахассислар таклиф қилинган [6, б. 3].

Музей фаолиятида ўзига хос муаммолар ҳам мавжуд бўлган. Замонанинг зайли билан бўлса керак, юқори ташкилот томонидан раҳбариятни танқид ва таъқиб қилиш ҳоллари ҳам кузатилади. Хусусан, Средазкомстарис ҳузурдаги доимий Кенгашнинг 1926 йил 30 октябрда бўлиб ўтган йиғилишида Биринчи ўзбек музейи директорининг бевосита музейга яқин бўлган жойда истиқомат қилиши кераклиги тўғрисида масала кўтарилади. Мажлисида сўзга чиққан Т. Шенс музей биносига сизот сувлари хавф солаётганлиги, бу ҳолатдан эса Қўмита директордан эмас, балки бошқалардан хабар топаётганлиги, бу билан директор ўз зиммасига юклатилган масъулиятли вазифага бир оз енгилтаклик билан ёндошаётганлиги танқид қилинади. Маърузачи томонидан музей директори Янги шаҳардаги қулайликларга эга бўлган уйда эмас, Эски шаҳарда, музейга яқин жойда истиқомат қилиши кераклиги таклифини билдиради.

Бунга жавобан директор Исмоилов музей биносига ер ости сизот сувлар хавф солаётганлиги тўғрисида бир неча бор Қўмитага маълум қилганлигини, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун эса музейга яқин жойда яшашнинг умуман мантқиққа тўғри келмаслигини, музейнинг ўзида истиқомат қилса ҳам, музей биноси ва унинг экспонатларини бирон қори ҳол бўлганда қутқариб қолишнинг иложи бўлмаслигини қайд этади [4, б. 42в].

Умуман олганда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида маҳаллий аҳоли учун шунда қатта музейнинг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё жумҳуриятлари қаторида маданий бир юксаклик даражасига етганлигини кўрсатади.

Манбалар:

1. Исмоилова Ж.Х., Мухамедова М.С. Замонавий жаҳон музейшунослиги. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2013.
2. ЎзР МДА. Ф. Р-394, рўйхат 1, 103-йиғмажилд.
3. ЎзР МДА. Ф. Р-394, рўйхат 1, 9-йиғмажилд.
4. ЎзР МДА. Ф. Р-394, рўйхат 1, 226-йиғмажилд.
5. Эски Тошкент ажойибхонаси // «Туркистон» газетаси. 1923 йил 18 ноябрь. 198-сон.
6. М.Қ. Ўзбекистон музаси // «Қизил Ўзбекистон» газетаси. 1925 йил 24 декабрь. 310-сон.

CHAPTER II
PRESERVATION, PRIMARY DESCRIPTION
AND ONLINE CATALOGUING OF MANUSCRIPTS

БЎЛИМ II
ҚЎЛЁЗМАЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ,
БОШЛАНҒИЧ ТАВСИФЛАШ ВА ОН-ЛАЙН
КАТАЛОГЛАШТИРИШ

ВНЕДРЕНИЕ ПРОГРАММНЫХ ПРОДУКТОВ В ИЗУЧЕНИЕ И ХРАНЕНИЕ ФОНДА РЕДКИХ И УНИКАЛЬНЫХ ИЗДАНИЙ

Наргиза Сабировна Зайтова*

Национальная библиотека Узбекистана имени Алишера Навои является общегосударственным универсальным информационно-библиотечным учреждением, организующим и осуществляющим в Республике Узбекистан информационно-библиотечную деятельность в интересах развития национальной и мировой культуры, науки и образования.

Фонд рукописей, уникальных и особо ценных изданий Национальной библиотеки Узбекистана занимает особое место. Это, в первую очередь, обусловлено богатым собранием печатных изданий, произведений литературы и искусства, рукописных и графических документов, альбомов, периодических изданий, имеющих научную, художественную и культурную ценность.

С 1870 года по сегодняшний день Национальная библиотека Узбекистана постоянно пополняет свои фонды уникальными изданиями, приобретая частные коллекции и личные библиотеки, за счёт книг, поступивших из других ведомств и учреждений, а также изданий, которые были переданы в дар со стороны частных лиц.

В настоящее время в фонде собрана коллекция уникальных и редких книг XII–XX веков, это рукописи, книги, периодика, литографированные издания, а также огромное количество экземпляров средневекового европейского книгопечатания.

Рукописи являются важным источником в изучении прошлого. Они занимают особое место, как в национальной, так и в мировой культуре.

* Национальная библиотека Узбекистана имени Алишера Навои, руководитель Службы рукописей, уникальных и особо ценных изданий

Рукописи по истории, литературе, философии, астрономии, медицине, математике и другим точным наукам созданы и переписаны крупными мастерами каллиграфического искусства и миниатюры в Бухаре, в Самарканде, в Ташкенте, в Коканде, в Хиве, в Худжанде, в Фергане, в Риштане, в Уратюбе и других регионах Центральной Азии, также в Индии, Турции, Иране и Афганистане. Образцы некоторых вышеуказанных рукописей хранятся и в фондах Национальной библиотеки Узбекистана.

Действительно, рукописное наследие каждого народа является незаменимым источником, подлинно характеризующим его историю и цивилизацию.

Рукопись сочинения «ал-Ахкам ас-султанийа ва-л-вилайа ад-динийа» («Законы управления государством») Абу-л-Хасана 'Али ибн Мухаммада ал-Маварди является одним из редких произведений в фонде рукописей и относится к периоду 'Аббасидских халифов.

Один из древних многоязычных словарей фонда уникальных и особо ценных изданий «Муқаддимат ал-адаб» («Введение в литературу») Махмуда аз-Замахшари (1075–1144) датирован 701/1302 годом.

Другая рукописная книга – «Шарх ал-мулаххас фи-л-хай'а», хранящаяся в фонде библиотеки, является комментарием Мусы ибн Махмуда Кади-заде Руми к книге «ал-Мулаххас фи-л-хай'а» Махмуда Чагмини, известного средневекового астронома.

Книга была одним из важных учебников в высших учебных заведениях средневекового Востока по астрономии. Произведение широко изучалось основателями средневековой Самаркандской астрономической школы и оказало влияние на создание других крупных произведений по астрономии.

Рукописи и литографии собраны в ценную коллекцию фонда библиотеки, жемчужиной которой являются произведения Алишера Навои. Они переписывались множество раз при его жизни и после, вплоть до XIX века разными переписчиками. Среди них произведение «Махбуб ал-кулуб» («Возлюбленный сердце»), являющееся последним блестящим творением Алишера Навои, состоящее из трех частей. Рукопись переписана каллиграфом Халик-Назаром Халифой ибн Уста Курбаном в 1239/1824 г. Сборник лирических стихов Алишера Навои «Гара'иб ас-сигар» («Чудеса детства»), следующее поэтическое создание поэта, хранящееся в фонде, переписано в 1284/1867 году.

На сегодняшний день коллекция пополняется, и за счёт книг, поступивших из других ведомств и учреждений, а также изданий, которые были переданы в дар частными лицами. За истекший год фонд библиотеки был укомплектован новыми тридцатью рукописными произведениями. Среди них:

- редкое этико-правовое произведение اعجوبة الفتاوى او فتاوى الديناري الاخسكتي «У‘джубат ал-фатава» или «Фатава ад-Динари ал-Ахсикати» (Интереснейшие юридические заключения ад-Динари ал-Ахсикати) ‘Ала’ ад-дина ал-Ахсикати (в Намангане) – рукопись датирована 591/1195 г. и на сегодняшний день является самым древним манускриптом этого произведения.
- «Китаб маджму‘ мухтарат ан-навазил» («Сборник избранных фетв типа навазил»); фундаментальное этико-правовое сочинение XIII века) كتاب مجموع مختارات النوازل Бурхан ад-дина ал-Маргинани. Дата переписки: 651/1253 г. Названия подобных новооткрытых списков, неизвестных до сих пор научной среде, прекраснейших *байазов*, астрономических трактатов, математических сборников можно продолжать. Но знакомясь с книгой, мы надеемся, что наши дорогие читатели сами убедятся в этом.

Национальная библиотека Узбекистана играет ключевую роль в деле сохранения, изучения и передачи информации – источника исторических, научных фактов и создаёт уникальную возможность ознакомления своих посетителей с памятниками книжной культуры, хранящимися в фонде рукописей.

- В фонде имеются издания из знаменитой типографии Альда Мануция и книги, изданные датской компанией Эльзевиров (XVI–XVIII вв.), а также более 4000 западноевропейских книг, которые являются ценными источниками для изучения истории, литературы и искусства западноевропейских стран.
- в фонде также представлены атласы исторических карт стран Европы, Азии, Африки, Америки и др. Среди них особенно много карт стран Востока и Запада. Эти карты отражают историко-географические описания стран, сведения об их природе и полезных ископаемых.

Имеется большое количество западноевропейских книг, относящихся к изучению Центральной Азии и отражающих нашу историю, которые были изданы в Париже, Лондоне, Берлине и других западноевропейских городах на английском, французском и немецком языках.

- одна из наиболее старинных книг, хранящихся в службе «Bibliothèque orientale» («Восточная библиотека» или «Восточная энциклопедия»). Она составлена знаменитым французским востоковедом Бартоломеом Эрбело. Была опубликована на французском языке в Париже в 1647 году. Издание содержит около 100 статей о великих ученых, поэтах и государственных деятелях, живших и творивших в Центральной Азии. На 661-странице книги имеется краткая информация о великом узбекском поэте Алишере Навои. Страницы 877–888 книги посвящены Тимуру и Тимуридам.

Также этой теме посвящена работа известного автора Шараф ад-дина ‘Али Йазди «Зафар-наме», которая хранится в фонде только в переводном издании на французском языке – «Histoire de Timur-Ves» («История Тимурбека»). Переводчик – Пети де ля Круа. Этот четырехтомник был издан в Париже в 1723 году.

Заслуженный интерес вызывает коллекция прижизненных изданий авторов и книг, представленных в фонде с автографами авторов и дарителей.

Среди них произведения великого русского поэта А.С. Пушкина «История пугачевского восстания» (1834), «Полтава» (1829), «Бахчисарайский фонтан» (1899) и другие, прижизненные и последующие издания великого русского писателя Л.Н. Толстого «Полное собрание сочинений» (1907), «Восстановление ада» (1906), двухтомник «Анна Каренина».

Особое место в коллекции ценных изданий Национальной библиотеки Узбекистана занимает уникальный «Туркестанский сборник» – своеобразная энциклопедия по истории, этнографии, географии, экономике и культуре Средней Азии. Сборник представляет собой тематический подбор вырезок из периодической печати, включая иногда и целиком отдельные книги. Общее количество томов – 594, охватывающих литературу за период с начала 60-х годов XIX века до 1917 года. Весь расклеенный материал собирался и переплетался в одинаковые тома, которые заключались в одинаковые

переплеты, а также снабжались напечатанным в типографии титульным листом. Все издания подбирались по мере выхода их в свет, соблюдая, таким образом, хронологическую последовательность.

19 мая 2016 г. сборник был признан в номинации международного уровня на Азиатско-Тихоокеанском региональном уровне программы «Память мира» ЮНЕСКО. Сборнику вручена соответствующая грамота.

Также особого внимания заслуживает «Туркестанский альбом», который состоит из 10 томов, разделенных на четыре части: историческую, археологическую, этнографическую и промысловую. По объему, полноте и уникальности запечатленного на фотографиях материала он занимает ведущее место в коллекции национальной фотографии. В нем представлены подлинные фотоснимки, сделанные в 1871–1872 годах под руководством известного востоковеда А.Л. Куна. Альбом дает живое представление об архитектурных памятниках Самарканда и других городов, изображение представителей многочисленных народностей, проживающих на территории Туркестана, промыслов и занятий населения в том виде, в каком они находились 140 лет тому назад. Все фотоснимки, а их более 1300, до сего времени остаются предметом научного и исторического исследования.

Условия содержания фонда, читальный зал, музей, книгохранилище, а также рабочие комнаты для специалистов библиотеки полностью отвечают международным стандартам в отношении освещения, температурного и гигроскопического режима.

Национальная библиотека Узбекистана разработала программное обеспечение, разработанное для более детального отражения фонда редких и рукописных изданий. Данная программа даёт пользователям возможность ознакомиться с каталогом уникальных книг, а также полнотекстовыми базами данных. В этой программе наряду с каталогизацией предусмотрено место и для паспорта книги, в котором помещаются сведения о состоянии, степени сохранности, о материалах данной книги.

Паспортная информация отражает самые различные сведения о документе, прежде всего состояние (имеющиеся повреждения или их отсутствие). Вместе с тем состояние документа, его сохранность на момент описания и коррективы, вносимые в этот пункт программы в дальнейшем, являются важнейшей характеристикой документа для обследования фонда и фиксации состояния документов, что позволяет своевременно

выявить повреждения, скорректировать условия хранения и использование документа, при необходимости передать документ в руки реставратора.

Задачей Национальной библиотеки является бережное сохранение того культурно-исторического богатства, дошедшего до нас в виде рукописей, исторических документов и изданий, которые считаются в наши дни редкими и особо ценными, так как выдержали испытания времени и сохранились в единственном экземпляре, в сохранении которых должны проводиться мониторинговые мероприятия.

Одной из приоритетных задач является ознакомление пользователей, особенно молодых специалистов печатными изданиями, произведениями литературы и искусства, рукописными и графическими документами, манускриптами, альбомами и периодическими изданиями, а также редкими книгами, представляющими научную, художественную и культурную ценность.

БИР КАТАЛОГ ЛОЙИҲАСИ ТАЖРИБАСИ: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР, ХУЛОСАЛАР

Санжар Саидаминович Гуломов*

«Кутубхона», «китоблар фихристи» ва «каталогизация» ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар экани барчага маълум, зеро, айнан, каталог ва фихристлар кутубхона хазинасига киришда калит ва ўқувчининг мазкур маънавий хазина билан муомаласида раҳбарлик вазифасини бажаради. Лекин гап замонавий нашрлар эмас, балки асрлар оша бу кунларгача етиб келган қўлёзма асарлар хазинаси, шу мероснинг каталогизацияси устида борганда, унда каталогзатворлардан талаб этиладиган билим доираси, ва уларга қўйиладиган талабларни бир кўз олдимизга келтирайлик. Бундай мутахассисдан хорижий тилларни билиши ва шу тилнинг классик давр хусусиятларидан бохабар бўлиши, арабий алифбо хат турларини ўқий олиши, китобат тизими, Шарқ халқлари тарихи, адабиёти, оғзаки ижоди бўйича муайян билимларга эга бўлиши талаб этилади. Қисқа қилиб айтганда, қўлёзма асарлар каталогизацияси билан чуқур билим ва катта тажрибага эга шарқшунос-манбашунос олим шуғулланиши лозим.

Шарқ қўлёзмалари каталогизацияси ўта мураккаб жараёндир. Ишнинг ижобий натижаси у ҳали бошланишидан олдин белгилаб олинган аниқ иш принципи, календарь режа, мутаносиб иш ҳажми ва аниқ мезонлар асосида танланган мутахассислар гуруҳига боғлиқ бўлиб, санаб ўтилган элементлардан бирининг етишмаслиги ишдаги турли хато ва нуқсонларга ёки ишнинг муваффақиятсиз тўхташига ҳам олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги

* Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Тарихий ҳужжатлар тадқиқоти бўлими бошлиғи; Gerda Henkel фонди донорлик қилган “Creation of an Electronic Catalogue of the Manuscript Fund of the Al-Biruni Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences, Republic of Uzbekistan” лойиҳаси бошлиғи

Шарқшунослик институтида 26000 жилд қўлёзма, 10000 га яқин тарихий ҳужжат ва 40000 жилдга яқин тошбосма асарни ўз ичига олган бебаҳо хазина мавжуд.

2008-2016 йилларда мазкур институтда қўлёзмаларнинг электрон каталогини тузиш (Creation of an Electronic Catalogue of the Manuscript fund of the Al-Biruni Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences, Republic of Uzbekistan) лойиҳаси амалга оширилди. Мазкур лойиҳа Германиянинг «Gerda Henkel Stiftung» фонди томонидан молиялаштирилган. Электрон каталог ундан фойдаланиш географиясини кенгайтириш мақсадида инглиз тилида яратилган.

Мазкур лойиҳа ғоясини муайян сабаблар келтириб чиқарган эди.

Институт фондига келиб тушган қўлёзмалар, қоидага кўра, инвентарь китобларга қайд этилган. Албатта, бу инвентарь китоблар фақат ички фойдаланиш учун мўлжалланган. Тадқиқотчилар учун ҳар бир қўлёзма ва унинг таркибий қисми учун картотека юритилган.

1950-йилларда ЎзР ФА Шарқшунослик институтида қўлёзмаларни каталоглаштириш иши жадал бошлаб юборилди ва 1987 йилгача «Шарқ қўлёзмалари тўплами» (Собрание восточных рукописей) нинг 11 жилди нашр этилди. 35 йил давомида яратилган бу каталог жилдлари жами 7574 тавсифни ўз ичига олади. 1990-йиллар ўртасига келиб, Институт тематик каталоглар тузишга киришади. Бир томондан СВР сериясида тарих, табиий ва аниқ фанлар ва медицинага оид асарлар каталоглари тузилади [1; 2; 3], иккинчи томондан хориж илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда тасаввуфга оид асарлар, форс тилидаги асарлар, шарқ миниатюралари каби бир неча мавзу каталоглари нашр этилади [4; 5; 6].

Лекин, мазкур каталоглар ҳам мавжуд хазинанинг бир қисминигина ўзида акс эттиради, холос.

Бу ерда яна бир хусусга эътиборни қаратиш керак. Гап шундаки, СВРнинг аввалги жилдларида тавсиф этилган маълум бир асарнинг яна бошқа бир нусхасини кейинги баъзи жилдларда ҳам учратиш мумкин. Ёки маълум қўлёзма таркибидаги баъзи асарлар нусхаси тавсифлангани ҳолда айни шу тўпламдаги баъзи асар нусхалари, картотекада қайд этилганига қарамай, СВР каталогига киритилмаган. Яна бир фактни назарда тутиш лозимки, СВРнинг III-жилди тасаввуф мавзусидаги асарлар нусхаларининг тавсифини ва VII-жилди туркий тилда битилган асарлар тавсифини қамраган. Шу икки жилдни

ҳисобга олмаганда, қолган жилдларга қараб, СВР каталогларига асарлар қайси меъзон асосида танланганлигини билиш ниҳоят даражада қийин.

Каталоглар нашридан олдинги босқич бўлган карточка қутиларидаги аҳвол ҳам бизни доимо ўйлантирар эди. Қўлёзмадаги маълумотлар билан карточка маълумотлари орасида айрим ҳолларда учрайдиган тафовутлар бу масалага жиддий тўхталишга мажбур қилди. Бу йўналишдаги изланишлар натижасида, афсуски, доим ҳам ижобий манзарани учратавермадик. Аниқроғи, карточкаларда баъзи йиғма жилдлар таркибидаги асарларнинг ҳаммаси ҳам қайд этилмаганини; баъзи асарлар номларининг нотўғри кўрсатилганини; асарларга шартли ном беришда қўйилган хатоликларни; асарлар мавзусининг нотўғри белгиланганини; баъзан асар муаллифлари номининг хато ёки нотўлиқ ҳолда кўрсатилганини; муайян нусха колофонидаги сананинг бошқа нусхалар учун ҳам тадбиқ этилиши ҳолатини; нусханинг кўчирилиш даврини, баъзан, сунъий равишда маълум бир асрга оид қилиш ҳолларини ва фолиациядаги (яъни варақларни рақамлашдаги) хатоликларни, умумий қилиб айтганда, айрим текстологик ва кодикологик хато-камчиликларни учратдик.

Бир неча асар нусхаларидан иборат йиғма жилдлар қўлёзмалар фондлари орасида кўплаб учрайди. Улардаги асарларнинг муаллифлари маълум, асарларнинг аниқ номлари бор. Шундай экан, улар ҳақидаги маълумотлар карт-каталоглардан, нашр этилган каталоглардан ва электрон каталогларда осонликча топилади. Лекин бизга бошқа турдаги йиғма жилдлар ҳам маълумки, улардаги катта ва кичик матнлар парчалари, турли расмий ҳужжатлардан кўчирмалар ва шахсий қайдларнинг аралаш жойлашуви натижасида улар номсиз қолиб кетганлар. Нашр этилган ғарб каталогларида мундарижада уларга «Miscellany», «Miscellanea» ёки «Manuscripts of mixed content» номли энг сўнгги бўлим ажратилади. Россия, совет даври каталогизациясида бу турдаги қўлёзма жилдлари каталогнинг охириги «Varia» номли бўлимида тавсифланган. Европа ва рус каталогизаторлари бундай жилдларга икки хил муносабат кўрсатганлар. Алоҳида таъкидлаш лозимки, Европа каталоглари бундай жилдлар таркибини ўта синчковлик билан тавсифлаганлар. Натижада йиғма жилдлардаги ҳар қандай асар, шахс ва жуғрофий номлар индексларда ҳам ўз аксини топган.

Институт фондида бундай йиғма жилдлар ҳатто инвентарь дафтар ва карт-каталогларда ҳам жуда мавҳум номланган. Масалан, «Ҳар кимдан»,

«Байоз-и манзум ва-мансур» бу номлар ичида кўп учрайдиганларидан. Яъни, фойдаланувчи, то бу нусхани кўлига олмагунича, унинг таркиби ҳақида деярли ҳеч қандай маълумотга эга бўлолмайди. Ваҳоланки, бундай жилдлар, биринчидан, жуда муҳим маълумотларни қамраган бўлади. Иккинчидан, улар жиддий ўрганилганда, ушбу мажму‘алар эгасининг ижтимоий статуси ҳақида ва мажму‘а қай мақсадда тузилганлиги ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

«Miscellanea», «Varia»лар китоб растасида сотув учун мўлжаллаб кўчирилган нусхалар эмас, балки шахсий фойдаланиш мақсадида тузилган мажмуалардир.

Мана шу икки асосий факт ва иккинчи томондан жаҳон илмий жамоатчилигини фонддаги барча асарлар ҳақидаги маълумот билан нечоғли тезроқ таништириш учун эса, албатта, умумий каталог ярагилиши лозим эди.

Лойиҳадан кўзланган мақсад, номидан ҳам кўришиб турганидек, Институт асосий фондидаги барча қўлёзмаларнинг электрон каталогини тайёрлаш ва уни Институт сайтига жойлаштиришдан иборатдир. Каталогизацияни бошлашдан аввал иш принципини белгилаб олиш зарур эди. Бинобарин, юқорида зикр этилган кузатувларимиз натижасида келган хулосаларимиз асосида янги бошланаётган лойиҳанинг қай принципда олиб борилиши лозимлиги қуйидагича белгиланди:

- Лойиҳа давомида аввалги қайдларга (карточкалар ва каталоглар) асосланмаган ҳолда ҳар бир қўлёзamani бирма-бир тавсифлашга қарор қилинди.
- Карточкалардаги маълумотлар етарсиз деб топилди ва европа стандартларини ҳисобга олган ҳолда каталогнинг маълумотлар билан бойитилган янги саволномасини тузишга қарор қилинди.
- Ишнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, лойиҳа гуруҳини тажрибали арабшунос, эроншунос манбашунос олимлардан ташкил қилиш лозим деб топилди.
- Асарлар тавсифи қўлёзмалар учун мўлжалланган махсус программа асосида бажарилиши лозимлиги белгиланди.
- Электрон каталог билан параллел равишда қўлёзмаларнинг электрон нусхасини тайёрлаш ҳам лозим топилди ва бу иш учун алоҳида мутахассис тайинланди.

Иш принципини белгилашда бир неча мартаба европа стандартларининг тилга олиншига сабаб шуки, 1998-2000 йилларда институтимизда Германия билан ҳамкорликда «Составление каталога суфийских произведений XVIII–XX вв.» номли бир лойиҳа амалга оширилган эди. Германиянинг Мартин Лютер Университети Шаркшунослик институти профессори Юрген Паул раҳбарлигида амалга оширилган бу лойиҳа каталогизаторларни европа стандартлари билан таништириш; Институтнинг асосий ва дублет фондларида сақланаётган мазкур даврларда яратилган тасаввуф мавзуидаги асарларнинг қисқа тавсифларидан иборат каталог (*Handlist*) ни яратиш ва нашр қилиш; мазкур *Handlist*дан нодир асарларни танлаш ва уларнинг батафсил тавсифларидан иборат каталогни Германия шарқ қўлёзмалари каталоги *Verzeichnis der Orientalischen Handschriften in Deutschland (VOHD)* сериясида тайёрлаш ва нашр қилиш каби босқичлардан иборат эди.

Биринчи босқич доирасида Институтнинг беш нафар кичик илмий ходими Германияда 5 ой давомида 1) Халле шаҳридаги Мартин Лютер Университети Шаркшунослик институтида; 2) Йена шаҳридаги Фридрих Шиллер университети шаркшунослик институтида ва 3) Берлин давлат кутубхонасида ўз малакаларини оширган эдилар. Халле ва Йенада каталогизациянинг асосан назарий қисми ўзлаштирилган бўлса, Берлинда қўлёзмаларнинг Германия стандартлари асосидаги тавсифи билан шуғулланилган эди. Бу илмий сафар катта тажриба мактаби вазифасини ўтаб, кейинги босқичлар жараёнида, хусусан «Краткий каталог суфийских произведений XVIII–XX вв.» ва «Каталог суфийских произведений»ларнинг яратилишида ўз ижобий самарасини кўрсатган эди.

Эришилган натижалар

Электрон каталог

Электрон каталог учун махсус саволнома шакллантирилди. У 20 параграфдан ва, параграф ости бандларни қўшиб ҳисоблаганда, тўлдирилиши керак бўлган жами 32 та банддан иборат. Саволноманинг бошқа аналогик саволномалардан фарқли жиҳати – унга асардан парчаларни ҳам териб киритиш имконияти бор ва бу қисмлар «Search» буйруғига бўйсунди. Бу эса нуқсонли дунё бўйлаб нусхаларни идентификация қилишга кенг имкон яратади.

Электрон каталог учун даставвал умумий кутубхоналарга мўлжалланган

«Ирбис» программаси кўзланган эди, лекин тажриба бу программа қўлёзмалар маълумотиغا мослашмаганлигини кўрсатди. Шу сабабли қўлёзмалар ҳақидаги маълумотларга мўлжалланган бошқа бир ишлаб чиқилди ва унга «SCAM EXPLORER» деб ном берилди. Бу программани, гарчи жуда мукамал, деб атай олмаसाқда, ҳар ҳолда каталогизация учун катта қулайлик туғдирмоқда ва Халқаро илмий кенгаш аъзоларида ҳам катта таассурот уйғотди. Программа ҳам логин, ҳам араб алифбосидаги маълумотни излаб топишга қодир. Республикамининг бир неча муассасалари томонидан бу программамизга қизиқиш уйғонгани ҳам мазкур программанинг аҳамиятини кўрсатади.

Шу кунга қадар 13176 жилд қўлёзма тавсиф этилди; Электрон каталог базасига 24 000 дан ортиқ тавсиф киритилди. 143 жилд қўлёзманинг тавсифи ҳали тугаллангани йўқ. Булар жуда қийин йиғма жилдлар бўлиб, иш суръатини сусайтирмаслик учун каталогизаторлар томонидан кейинроқ, чуқурроқ тадқиқ қилиш мақсадида чеккага олиб қўйилган жилдлардир.

Лойиҳа бошидан шу даврга қадар

524 та илгари нотўғри қайд этилган асар номининг ислоҳ қилиниши;
 463 та автор номининг аниқланиши ва ислоҳ қилиниши;
 58 та асар тилини белгилашда қўйилган хатоларнинг тўғрилиниши;
 822 жилд қўлёзма фолиациясидаги хатоларнинг тузатилиши;
 470 котиб номининг аниқланиши ва баъзида ислоҳ этилиши;
 611 нусха кўчирилиш санасининг аниқланиши ва аввалги қайдлардаги хатоларнинг ислоҳ этилиши;

ва ҳозиргача на карточкаларда, на бошқа каталогларда қайд этилмай қолиб, мутахассислар учун номаълум бўлиб келаётган 2474 та асар нусхасининг кашф этилганлиги ва булар орасида дунёнинг бошқа қўлёзма хазиналарида учрамайдиган ягона нусха асарларнинг учраётганлиги фактининг ўзи лойиҳа бошланмасдан олдин даставвал белгилаб олинган иш принципининг тўғри бўлганлигини кўрсатади.

Сканерлаш

Сканерлаш иши қуйидаги икки хил принципда олиб борилди:

- Нодир қўлёзма жилдларидан бошлаган ҳолда қўлёзма жилдларни (бошидан охиригача) тўла сканнерлаш иши олиб борилди ва бу йўналишда 130 мингдан ортиқ варақнинг, яъни 622 жилд қўлёзманинг электрон шакли яратилди.
- Дастлаб 5 йилга мўлжалланган лойиҳа каталог саволномасига янги бандларнинг қўшилиши ва бу билан иш ҳажмининг ортиб кетганлигини ҳисобга олиб, Герда Хенкель Фонди лойиҳани яна икки йилга узайтириш бўйича қарор чиқарди. Бу қўшимча муддат давомида сканерлаш принципини ҳам ўзгартириш лозим эди. Яъни, аввал қўлёзмаларни тўла сканерлашдан вақтинча воз кечиб, эндиликда электрон каталогга кирган тавсифларни лозим фото кадрлар (қўлёзма муқоваси; асарнинг бошланиши; асар асосий қисмининг бошланиши; асар якуни; кўчирувчининг колофони) билан таъминлашга ўтилди. Бу иш аввалги тўла сканерлашга қараганда бир неча баробар қийин эканлигини кўрсатди. Керакли варақни топиш, сканерлаш, ҳар бир кадр учун файл ясаш ва уни номлаш, папка очиб, уни номлаб, сўнгра унга фото-файлларни жойлаш жараёни кўп вақтни талаб қилади. Шундай бўлса-да шу кунга қадар 49 310 варақ сканерланди, бошқача айтганда электрон каталогдаги 7124 жилд қўлёзма тавсифи лозим кадрлар билан таъминланди.

Халқаро Илмий Кенгаш лойиҳа муддати давомида 3 маротаба мунозара учун тўпланди. Биринчи семинар 2009 йилда Германиянинг Дюссельдорф шаҳридаги Герда Хенкель фонди бош офисида бўлиб ўтди. Шунингдек, 2010 йилнинг 18-20 ноябрида ва 2012 йилнинг 26-27 ноябрь кунлари Тошкентда икки халқаро семинар муваффақият билан ўтди. Халқаро Илмий Кенгаш аъзолари иштирокидаги мазкур семинарларда ўрта аср манбаларининг илмий тавсифи бўйича пайдо бўлган муаммоли масалалар атрофлича муҳокама қилинди, лойиҳа жараёнида эришилган натижалар, янги топилмалар ҳақида маърузалар қилинди.

Электрон каталог яратилди, бу билан олдимизга қўйган мақсадларнинг бир қисми бажарилди ҳолос. Яратилган каталог тирик бир организм сингари тасаввур қилиниши лозим. Тирик мавжудот сингари у ҳам мулоқот, парвариш ва такомилга муҳтож. Шундай экан, бу билан боғлиқ баъзи таклифларимизни билдирмоқчимиз.

- Яратилган электрон каталогни такомиллаштириш, яъни каталог Интернет тармоғи орқали ишга тушгач, тадқиқотчилардан келиб тушадиган савол, фикр ва мулоҳазаларни қабул қилиб, унга жавоб қайтарадиган, тузатишларни амалга оширадиган, асарлар бўйича жаҳон каталогларига ҳаволаларни кенгайтириш ва ҳоказо ишлар билан шуғулланувчи энг кам тўрт кишидан иборат каталогизаторлар гуруҳи шакллантирилиши лозим.
- Тавсифларни лозим фото-кадрлар (қўлёзма муқоваси; асарнинг бошланиши; асар асосий қисмининг бошланиши; асар якуни; қўчирувчининг колофони) билан таъминлаш, яъни махсус сканерлаш иши албатта давом эттирилиши лозим. Ҳозирга қадар 7124 жилд қўлёзма тавсифи лозим кадрлар билан таъминлан бўлса, электрон каталог базасидаги тавсифларни фотокадрлар билан тўлиқ таъминлаш учун бир сканер ажратилиб, унга бир киши бириктирилса, 3,5–4 йилда яхши натижага эришиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Собрание восточных рукописей. «История» / составители: Юсупова Д., Джалилова Р. Ташкент, 1998.
2. Собрание восточных рукописей. «Естественные науки» / Составитель: Вильданова А. Ташкент, 1998.
3. Собрание восточных рукописей. «Медицина» / Составитель: Каримова С. Ташкент, 2000.
4. Краткий каталог суфийских произведений XVIII–XX вв. из собрания Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан им. Ал-Бируни [*Handlist of Sufi Manuscripts (18th–20th Centuries) in the Holdings of the Oriental Institute, Academy of Sciences, Republic of Uzbekistan (Biruni)*]. Берлин: Das Arabische Buch, 2000].
5. *Katalog suftischer Handschriften aus der Bibliothek des Instituts für Orientalistik der Akademie der Wissenschaften, Republik Uzbekistan* / Herausgeber Jürgen Paul (Verzeichnis der Orientalischen Handschriften in Deutschland; Suppl. Band 37). Stuttgart: Franz Steiner Verlag, 2002.
6. Восточные миниатюры в трех томах. Т. I: 14–17 вв. Ташкент, 2001; Т. II: 18–19 вв. Ташкент, 2003; Т. III: 19–20 вв. / Составители: Мусаев Ш., Мадраимов А. Ташкент, 2004.

ҚАДИМИЙ ТУРКИЙ ТИЛДА БИТИЛГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ – ДОЛЗАРЪ ВАЗИФА

Бахтиёр Омонович Тураев*

Дунёдаги ва мамлакатимиздаги қўлёзма ва тошбосма асарлар фондларида сақланаётган араб графикасида битилган китобларнинг қарийб 1/3 қисмини туркий тилда ёзилган асарлар ташкил этади. Совет даврида ва ундан кейинги пайтларда ҳам араб ва форс тилида арабий графикада ёзилган қўлёзма ва тошбосма асарларга кўпроқ эътибор қаратдик, аммо туркий тилда ёзилган асарлар бирмунча эътиборимиздан четда қолди. Бу ходисанинг ўз ижтимоий ва сиёсий сабаблари бор. Биз ҳозирча бу масалани кўтармаймиз.

Бизнинг ушбу мақоладан асосий мақсадимиз, инсониятни туркий цивилизация маънавий бойликларидан баҳраманд қилишга даъват этиш. Маълумки, тарихда туркий тилли халқлар инсоният цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар. Бу уларнинг ёзма манбаларидан кўриниб турибди. Қўлёзма асарлар сақланаётган кутубхоналарда жуда кўплаб туркий тилларда ёзилган асарлар ўз китобхонларини кутиб ётибди.

Тадқиқотчилар инсониятга маълум бўлган ёзма манбалардан туркий тилда араб имлоси билан ёзилган дастлабки йирик асарлардан бири сифатида Йусуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» китобини айтишади. Йусуф Хос Ҳожиб 1020 йили Боласоғун шаҳрида туғилган, Қорахонийлар саройида ҳожиблик вазифасини адо этган, йирик мутафаккир файласуф олим бўлган. Унинг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим», 1069–1070) асари исломий туркий адабиётни бошлабгина бермай, уни янги тараққиёт

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директор маслаҳатчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

босқичига ҳам кўтарган [1]. Иккинчи йирик асар Махмуд Кошғарий ибн Ҳусайн ибн Муҳаммаднинг (1030–1127) жаҳон туркийшунослигини бошлаб берган машҳур асари «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони») бўлиб, бу асар Абдуваҳҳоб Мадвалиевнинг маълумотига қараганда 1072 (айрим манбаларда 1075) йилда ёзиб тугалланган [2].

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими Абдулла Носировнинг маълумотларига кўра, ўша даврда «Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 74324 нусха қўлёзма ҳамда тошбосма асар бор. Шундан 42736 таси тошбосма асар» [3] сақланмоқда. Шу ноёб китобларнинг ичида туркий тилда битилган асарлар ҳам кўплаб учрайди. Юқорида қайд этган тадқиқотчининг маълумотларига қараганда, «туркий қўлёзмалар жуда катта географик ҳудудда яратилган ва кўчирилган. Булар: Ўрта Осиё, Фарбий Сибирь, Урал, Волга бўйи, Шимолий Кавказ, Кавказ орти ўлкалари, Қрим, Туркия, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Кашмир, Миср, Ироқ, Сурия, Болгария, Руминия, Югославия ўлкаларидир» [4]. Туркий қўлёзмаларнинг бир қанчаси ўзбек тилида ёзилган бўлиб, улар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Қўқон, Наманган, Марғилон, Хива, Кошғар, Истамбул, Қозон, Боку, Москва, Ленинград, Париж ва Ҳиндистонда нашр этилгандир. Бу китобларда фалсафа, тарих, география, астрономия, математика, хандаса (геометрия), меъморчилик (архитектура), адабиёт ва санъатга оид билимлар мужассамлашгандир. Жумладан, Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида фалсафага оид 1983 та, адабиётга оид 4428 та, тарих ва географияга оид 2021 та, медицинага оид 479 та, физика, математика ва геометрияга оид 526 та, ислом динига оид 3883 та қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланмоқда [4]. Уларни ўрганиш, тадқиқ этиш – туркий цивилизация тараққиёти тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Қўлёзмалар ичида «Мўғул дин китоби», «Китоб-и Дада Қўркут», «Бўз йигит», «Таранчилар тарихи», «Бурнумотир», «Эдика» номли асарлар ҳам мавжуд бўлиб, улар дунёнинг бошқа тилларига ҳам таржима қилинган. Бу китоблардан ташқари яна кўплаб туркий тилдаги ноёб қўлёзмалар ҳам борки, уларни ўрганиш туркий халқлар тарихини тадқиқ этишда тарихчилар эътиборидан четда қолган янги маълумотларни очиш имконини беради.

Қадимги туркий хоқонликлар тарихига оид китоблар Самарқанд давлат университети қўлёзмалар фондида ҳам мавжуд. Таниқли турколог-

олим Лев Гумилев ўзининг «Қадимги турклар» номли китобида мана шу қўлёзмалардан рус ва инглиз тилларига таржима қилинган манбалардан самарали фойдаланган [5]. Лекин, тадқиқотчиларимиз кўпроқ араб ва форс тилидаги манбаларга қизиқиб, туркий тилдаги манбаларни эътибордан четда қолдирмоқда.

Ҳозирда араб имлосида битилган қадимги турк тилидаги қўлёзмалар Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод шаҳарларида, Уйғуристоннинг Хутан, Кошғар, Ёркент шаҳарларида, Мўғилистон ва Хитойдаги қўлёзма фондларида сақланмоқда. Бу қўлёзмаларда ҳам халқимиз тарихи ва урф-одатларига оид қимматли маълумотлар мавжуд. Уларни олиб ўрганиш тадқиқотчилар олдида турган муҳим вазифалар жумласига киради.

Кейинги асрларда туркий тилдаги ноёб асарларни босиб чиқариш жонлана бошлаган эди. Жумладан, Хоразм хони Абу-л-Ғози Баҳодур-хоннинг (1603–1664) Ўрта Осиё тарихи ҳақида хикоя қилувчи «Шажара-и турк» номли асари Қозон шаҳрида император университети тарафидан 1824 йил ўзбек тилида нашр этилган биринчи босма асар ҳисобланади [3].

Шунингдек, кўпчилик туркий тилдаги арабий қўлёзмалар Европа мамлакатларида: Англия, Франция, Германия, Швейцария, Югославия, Болгария, Италия ва Испания кутубхоналарида сақланмоқда. Уларни аниқлаш, электрон нусхаларини кўчириб олиш, тадқиқ этиш, таржима қилиш ҳам бугунги куннинг зарурий тадқиқотчилик вазифалари қаторига киради. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ҳидойа музейи, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази қўлёзмалар фондларида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма китоблар орасида ҳам туркий тилда ёзилган асарлар кўп. Уларнинг махсус каталогларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш долзарбдир.

Низомий Ганжавий, Мавлоно Лутфий, Фузулий, ‘Абд ар-Раҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг туркий тилда битилган асарларининг ўзи қатга бир хазина. Бу йўналишдаги тадқиқотларни амалга оширишда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон, Афғонистон, Туркия ва Уйғуристон олимлари ўзаро ҳамкорликда тадқиқот ишларини амалга оширишлари лозим. Бу туркий халқлар тарихини ўрганишда, жаҳон маънавий хазинасини бойитишда қатга амалий ва назарий аҳамиятга эгадир.

Жаҳон қўлёзмалар фондларида сақланаётган туркий тилдаги манбаларни ўрганишни тартибга солиш мақсадида қуйидаги таклифларни тавсия этамиз:

1. Ўзбекистонда туркий тилда ёзилган қўлёзма ва тошбосма асарларнинг махсус кутубхонасини ва тадқиқот марказини ташкил этиш зарур.
2. Жаҳон кутубхоналари ва коллекционерлар қўлида сақланаётган туркий тилдаги қўлёзма ва тошбосма асарларининг умумий каталогини ишлаб чиқиш лозим.
3. Туркий тилда ёзилган қўлёзмаларни ўқиш, ўрганиш ва тадқиқ этиш билан шуғулланувчи мутахассисларни тайёрлаш. Бу вазифани бажаришни Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ.
4. Ҳар йили туркий тилда гаплашувчи давлатлар ҳамкорлигида туркий тилдаги қўлёзма ва тошбосма асарларни ўрганиш натижалари ва ютуқлари билан жаҳон жамоатчилигини таништириш мақсадида халқаро симпозиумлар ўтказиш керак.
5. Туркий тилда ёзилган асарларни тадқиқ этишга замонавий фалсафий методология ютуқларини, айниқса ночизикли ёндашувга асосланган синергетик методологияни тадбиқ этиш тадқиқотлар самарадорлигини оширган бўлар эди.
6. Туркий тилда ёзилган қўлёзма ва тошбосма асарларни ўрганишни рағбатлантириш ҳамда бу соҳада мутахассислар тайёрлашни тизимли йўлга солиш мақсадида халқаро жамғарма ташкил этиш.

Бу таклифлар туркий тилда гаплашувчи давлатлар тарихи, этнографияси, урф-одат ва анъаналарини ўрганишда муҳим роль ўйнашига ишонамиз.

Адабиётлар:

1. <https://ziyouz.uz/uzbek-sheriyati/uzbek-mumtoz-sheriyati/yusuf-xos-hojib/>
2. Мадвалиев А. <http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/1091-maqola.html>
3. Носиров А. Асарлар яшаган ноёб китоблар // «Шарқ юлдузи» журнали, 1983 йил, 3-сон.
4. <https://ziyouz.uz/matbuot/soviet-matbuoti/abdulla-nosirov-asrlar-yashagan-noyob-kitoblar-1983/>
5. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. Москва: Товарищество «Клышников-Комаров и К^о», 1993.

ТЕРМИЗИЙЛАР МЕРОСИ ҚЎЛЁЗМАЛАРДА: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

Жўрабек Омонович Чўтматов*

Ҳақиқий хазиналар сифатида ардоқланувчи ва «илм хариталари» сифатида баҳолаш мумкин бўлган қўлёзмалар олами илм-фаннинг кечаси, бугуни ва эртасини белгилаб берувчи мустаҳкам пойдевордир. Илмий тадқиқот ва хулосалар ҳам айнан ушбу пойдевор устига қурилади. Зеро, китоб босиш дастгоҳи XV асрда ихтиро қилинган бўлса-да, инсоният тарихидаги XIX асргача бўлган илоҳий ва тафаккурий мероснинг катта қисми айнан қўлёзмаларда сақланади.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, тарихий Мовароуннаҳрдаги Термиз вилоятидан чиққан олимлар диний ва дунёвий фикрий тараққиётга муҳим ҳисса қўшишган. Шу маънода улар томонидан битилган қўлёзмаларни ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим илмий вазифа ва улкан масъулиятдир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.02.2017 й. ПҚ–2774 «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида қайд этилган вазифалардан бири ҳам «мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва қўлёзма фондларида сақланаётган термизий алломалар ҳамда буюк мутафаккирларимизнинг қўлёзма ва тошбосма асарлари нусхаларини, улар ҳақидаги китобларни тўплаш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш»дир.

Бугунги кунда янги санаш мумкин бўлган ушбу йўналишда қатор жиддий ютуқлар қўлга киритилди. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Давлат илмий-техника дастури доирасида 2017–2018 йилларга мўлжалланган «БА–1-047 Термизлик алломалар асарлари қўлёзмалари каталогини тайёрлаш ва нашр қилиш» амалий лойиҳаси доирасида

* Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директор ўринбосари

Термизийларнинг жаҳон миқёсда сақланаётган қўлёзмаларини шунингдек, дунё илмий жамоатчилигига номаълум бўлган айрим қўлёзмалар ҳақидаги маълумотларни аниқлаш ва тавсифлашда фойдаланилди.

Натижада «Термизлик олимлар асарлари қўлёзмаларининг каталоги (тузатилган ва тўлдирилган нашри)» китоби нашрга тайёрланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.12.2014 да қабул қилинган 07/1–266-сонли махсус қарори асосида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказининг А1–252 «Термизлик алломалар илмий меросини тадқиқ этиш, асарларини таржима қилиш ва нашр этиш» амалий лойиҳаси доирасида нашрга тайёрланган «Термизлик алломалар асарларининг қўлёзмалари каталоги» китоби тузатилди ва тўлдирилди. Ушбу икки нашрда ҳам Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ходими Ж. Чўтматов ҳаммуаллиф сифатида иштирок этди.

Маълум бўлишича, бугунги кунда Термизийларга оид қўлёзмалар АҚШ, Буркина Фасо, Гана, Кот-д'Ивуар, Ливия, Мавритания, Мали, Марокаш, Миср, Нигер, Нигерия, Тунис, Австрия, Албания, Болгария, Босния ва Герцеговина, Буюк Британия, Ирландия, Франция, Германия, Испания, Италия, Нидерланды, Россия, Словакия, Чехия, Ҳиндистон, Покистон, Тожикистон, Туркия, Эрон, Фаластин, Ироқ, Исроил, Кувайт, Саудия Арабистони, Сурия, Яман, Арманистон, Грузия, Озарбайжон каби давлатларнинг қўлёзмалар кутубхоналарида сақланмоқда. Албатта, ушбу қўлёзмаларда икки машҳур Термизий: Имом Абу 'Исо Муҳаммад ибн 'Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Сулабий Бугий Термизий (209–279/824–892) ва Абу 'Абдуллоҳ Муҳаммад ибн 'Али ибн Ҳасан ибн Бишр Термизий (тахм. 205–320/820–932) қўлёзмаларининг салмоқли улуши бўлса-да, бошқа кўплаб Термизийларнинг турли соҳага оид китоб ва рисоалари ҳам анчагинадир.

Бугунги кунда гарчи марказимизда халқ томонидан тақдим этилган қўлёзмалар сони кам бўлса-да, аммо нодир қўлёзмалар ҳам мавжуд. Муҳаммад Ҳаким Термизий Қуръони каримга тафсир ёзишни бошлаган, аммо уни тугатишга умр етмаган. Бу ҳақда Хужвирий (ваф. тахм. 467/1074 й.), кейинчалик, 'Абд ар-Раҳмон Жомий (817–898/1412–1494) ва Алишер Навоийлар (845–907/1441–1501) маълумот беришган [1; 2; 3]. Ушбу тафсир барча тадқиқотчилар томонидан «йўқолган» деб таъриф берилиб келинганди.

Марказ томонидан ушбу асарнинг Туркиядаги қўлёзмаси аниқланди ҳамда унинг электрон ва фотонусхаси Марказга келтирилди. Бугунги кунда ушбу

қўлёзма Марказда кенг изоҳлари билан араб тилида нашрга тайёрланмоқда. Диққатга сазовор жиҳати шуки, Муҳаммад Ҳаким Термизийга мансуб деярли олдинги тафсир ҳажмига тенг яна бир тафсирга оид асар Грузияда ҳам мавжудлиги аниқланди. Унинг биринчи варағи қўлга киритилганда, у ҳам Ҳаким Термизийга мансублиги ва аввалгисидан бошқа эканлиги маълум бўлди.

Туркия университетлари ва тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида 2018–2022 йилларга мўлжалланган «Йўл харитаси»га кўра, Туркия кутубхоналари ва қўлёзма фондларида сақланаётган Мовароуннаҳр алломалари қўлёзма асарларини аниқлаш, ўрганиш ва каталогини тузиш доирасида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази иштироки ҳам кўзда тутилган. Мисрнинг ал-Азҳар мажмуаси билан республикаимизнинг диний таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ўртасида ҳамкорликка оид тасдиқланган «Йўл харитаси» нинг 2019–2023 йиллар давомидаги режалари асосида ҳам Марказ Термизийларга оид қўлёзмалар бўйича ҳамкорлик ишларини йўлга қўйишдан манфаатдордир.

Глобал тармоқ имкониятларидан фойдаланган ҳолда дунё миқёсидаги турли кутубхоналарнинг эллиқдан зиёд фикҳрист асарларини йиғишга муваффақ бўлдик. Галдаги вазифа уларни ҳам диққат билан ўрганиб чиқишдир. Чунки бугунги хулосаларимизга кўра, Термизийлар сони икки юздан ошмоқда. Умуман, Термизийларга оид асарларни имкон қадар йиғиш, қўлёзмаларнинг ўз оригинал тилидаги тадқиқий нашрларини амалга ошириш, сўнг уларни ўзбек тилига ўгириш, ушбу ишлар юзасидан халқаро алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш Марказнинг асосий вазифаларидан биридир. Бу каби ҳамкорликлар натижасида келажакда кутубхонамиз фонди дунё миқёсидаги тадқиқотчилар учун фойдали аҳамият касб этишига умид қиламиз.

Адабиётлар:

1. Абу-л-Ҳасан ‘Али ибн ‘Усмон ибн Аби ‘Али Жуллобий Ҳужвирий Ғазнавий. Кашф ал-махжуб / Ас‘ад ‘Абд ал-Ҳоди Қандил тадқиқи ва форсчадан арабчага таржимаси. Искандария, 1974. - 353 б.
2. Абу-л-Баракот Нур ад-дин ‘Абд ар-Раҳмон ибн Низом ад-дин Нақшбандий Жомий. Нафаҳот ал-унс мин ҳадарот ал-қудс / Форс тилидан араб тилига таржима. Қоҳира, 1989. - 397 б.
3. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Тошкент: «Фан», 2001. - XX, XVII, 79 б.

ПРОБЛЕМА ИЗУЧЕНИЯ ПРИДВОРНОЙ БИБЛИОТЕКИ КОКАНДСКОГО ХАНСТВА (1701–1876)*

Афтандил Садирханович Эркинов**

Абдулатиф Турдалиев***

Проблема изучения придворной библиотеки Кокандского ханства все еще остается нерешенной, сложной и, одновременно, интересной, так как следы данной библиотеки до сих пор полностью не найдены. К примеру, нам известно, что информации о ней до конца XVIII века не имелось. С начала XIX века появляются кое-какие сведения всего лишь об отдельных рукописях из коллекции правителей Коканда. Условно говоря, из библиотеки Кокандского двора, например, о рукописях Кокандского правителя ‘Умар-хана (1810–1822), Мухаммад-‘Али-хана (1822–1842) и Худайар-хана (1844–1857, 1866–1875). Однако, они не дают картину придворной библиотеки и могут показать принадлежность некоторых рукописей указанным правителям на основе личной печати правителя или посвящения изготовленной рукописи определенному хану и т.д.

Стоит обратить внимание на то, что фонд Кокандского литературного музея, возможно, был когда-то частью дворцовой библиотеки Кокандского ханства. В него попадали также рукописи из рук населения города Коканда (Кокандское ханство было основано в 1710 году, упразднено после завоевания Российской империей 19 февраля 1876 года). Кокандское ханство было одним из трех основных ханств Средней Азии – Хивинского (1804–1920) и Бухарского (1747–1920). Кокандское ханство, в отличие от двух других,

* Данная статья была подготовлена на основе материалов проекта Британской библиотеки (Великобритания), осуществленного в 2013-2014 гг. [«Manuscripts from Kokand Khanate (1710-1876): Court Library from the Museum Sources of Kokand and Fergana Valley and Private Collections» (<https://doi.org/10.15130/EAP630>)].

** Центр изучения культурных ценностей Узбекистана, находящихся за рубежом при Кабинете Министров Республики Узбекистан, доктор филологических наук, профессор

*** Кокандский литературный музей, директор, кандидат филологических наук

было ликвидировано раньше почти 50 лет тому назад. Поэтому ценности, в том числе, рукописи из дворцовой библиотеки имели больше шансов на уничтожение и утери после образования на территории этого ханства Туркестанского генерал-губернаторства (1876–1917). Например, известно, что часть рукописей Кокандской придворной библиотеки была перемещена в Российские рукописные фонды.

Кокандский литературный музей был образован в 1961 году и действует по настоящее время. В 1966 году ему было присвоено имя Гафура Гуляма (узбекский советский писатель, живший в 1903–1966 гг.). В период между 1961 и 1978 годами музей находился в составе Академии наук Узбекской ССР. В 1979 г. он был преобразован в самостоятельный Литературный музей областного значения и был переведен в структуру Министерства культуры Узбекской ССР.

В фонде музея находится около 14 тысяч экспонатов. Из них 1600 являются рукописными книгами, созданными между XV – началом XX вв. на арабском, персидском и тюркском (староузбекском) языках. Кроме этого, музей располагает более чем двумя тысячами литографическими книгами, 35 вакуфными документами, около 10 шаджара (генеалогия), а также архивными материалами местных поэтов и писателей.

Самой древней рукописью музея является переписанное в 1434 г. произведение ‘Абдаллаха ибн ‘Абд ар-Рахмана Хусайни – комментарии хадисов «Ми‘радж ал-а‘мал». Хронологически самой близкой нам является рукопись сочинения историка и медика Махмуда Хакима Йайфани (1850–1930) под названием «Хуллас ат-таварих» (Сливки истории), составленного в 1925 г. Более 500 рукописей музея относятся к литературному наследию поэтов Средней Азии, писавших на тюркском и персидском языках. Среди них находятся 30 копий произведений ‘Алишера Нава’и (1441–1501), переписанных в разное время, три копии «Хикмат»ов Ахмада Йасави (умер в 1166–1167 г.), две копии «Маснави-йи ма‘нави» Джалал ад-дина Руми (1207–1273), несколько копий произведения Фарид ад-дин ‘Аттара (1148–1221) и два списка произведения «Гулистан» Са‘ди Ширази (1184–1262). Кроме того, в музее хранятся рукописи, посвященные каллиграфии, музыковедению, астрономии, географии, медицине, логике, суфизму, мусульманскому праву и арабской грамматике, а также толкования к Корану и хадисам.

Следует отметить, что в настоящее время в научный оборот введено более 35 исторических источников по Кокандскому ханству. Они составлены в XIX – начале XX вв. По ним нельзя составлять полной картины истории возникновения Кокандского ханства. XIX век оставил большое историческое и культурное наследие по истории этого государства. До настоящего времени эти источники критически еще не были достаточно изучены. Все это приводит к заключению, что предстоит определить и идентифицировать, атрибутировать и исследовать тексты, унаследованные от дворцовой библиотеки кокандских правителей. Кроме того, на территории бывшего Кокандского ханства традиция изготовления рукописей не прерывалась до 20-х годов XX века. В этот период стали появляться книги, изготовленные литографическим способом (к сожалению, они издавались маленьким тиражом и распространялись в узком кругу). Также рукописи, переписанные уже при Туркестанском генерал-губернаторстве (1865–1917) и литографированные издания из учреждений Коканда пока еще не введены в научный оборот в достаточной мере. Предстоит определить их круг, которому поможет рукописный фонд Кокандского музея.

В период владычества Российской империи часть рукописей из Кокандского дворца были перевезены в центральные города России. Например, в Санкт-Петербурге, в Императорской публичной библиотеке (ныне – Российская Национальная библиотека) хранятся рукописи с печатями вакфа, созданного последним реальным кокандским правителем Худайар-хана. Они также еще не введены в научный оборот в качестве части библиотеки Кокандского двора. По сведениям историографа из Узбекистана Бориса Владимировича Лунина (1906–2001), в период между 1865–1917 гг. суммарно 3000 рукописей из Средней Азии были вывезены в Российские фонды. Можно предположить, что среди них были и рукописи из Кокандской дворцовой библиотеки.

Вероятно, другая часть рукописей были оставлены (или приобретены) в частных коллекциях Ферганской долины (шире Узбекистана).

Ныне рукописи придворной библиотеки Кокандского ханства (1701–1876) можно находить в нижеследующих центрах и направлениях:

1. Рукописный фонд Кокандского музея, Литературный музей имени Гафура Гуляма или другие государственные фонды и музеи Узбекистана.
2. Частные коллекции Ферганской долины (шире Средней Азии).

3. Российские рукописные фонды.

В заключении стоит отметить, что работы по поиску и изучению рукописей из Кокандской придворной библиотеки продолжаются со стороны большой группы исследователей.

Литература:

1. Абдуллаев Р. Қўкон хонларининг сулолавий сарой кутубхонаси // «Фаргона водийси тарихи янги таджикотларда» мавзусида халқаро илмий конференция материаллари. Фаргона: Фаргона давлат университети, 2019, б. 173-176.
2. Валидов А.З. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного отделения Императорского Русского археологического общества. Том XXII. Петроград, 1915, с. 86-109.
3. Кун А. Очерки Кокандского ханства // Известия Русского географического общества. Том XII, 1877, с. 59-70.
4. Лунин Б. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. Ташкент: Фан, 1965.
5. Стори Ч.А. Персидская литература. Библиографический обзор. Тома I–III. Москва: Наука, 1972.
6. Эркинов А. Қўкон хукмдори Умархон (1810–1822) кутубхонаси масаласи // «Амирий ва Қўкон адабий мухити» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Қўкон, 2017 йил, 8-9 август. Тошкент: Tamaddun, 2017, б. 66-69.
7. Эркинов А. Қўкон хукмдори Умархоннинг (1810–1822) шахсий уч мухри (Қўкон адабий мухитининг шаклланишига доир) // Вестник института / Сокровищница науки. № 1-2. Пенджикент (Таджикистан), 2019, б. 414-418.
8. Эркинов А. Приключения «Золотой Колыбели»: легитимация власти в Кокандском ханстве при Умар-хане // Восток свьше. 2014, № 1–2 (XXXIII), с. 54-69.
9. Bregel Y. *Bibliography of Islamic Central Asia* / Compiled and edited by Yuri Bregel. Indiana University. Part II. Description and Travel; Written Sources for Central Asian History; Ethnography; Folklore; Folk Entertainments; Physical Anthropology. Bloomington, IN : Research Institute for Inner Asian Studies, Indiana University, 1995.
10. Erkinov A. “Fabrication of Legitimation in the Khoqand Khanate under the Reign of ‘Umar-khān (1225–1237/1810–1822): Palace Manuscript of «Bakhtiyār-nāma» Daqāyiq Samarqandī as Source for the Legend of Āltūn Bishīk”, in: *Manuscripta Orientalia*. International Journal for Oriental Manuscript Research. Helsinki–Saint-Petersburg. 19/2, 2013, p. 3-18.
11. Erkinov A. “Livres manuscrits et milieu féminin en Asie centrale: contenu et audience des recueils poétiques copiés par des femmes à Kokand du XIXe au début du XXe siècle”, in: *Lecteurs et copistes dans les traditions manuscrites iraniennes, indiennes et centrasiatiques // Eurasian Studies*, XII (2014), p. 393-416.

Б. БУХОРИЙНИНГ ШАХСИЙ КОЛЛЕКЦИЯСИДАГИ ФОРС-ТОЖИК ТИЛИДАГИ ҚЎЛЁЗМА АСАРЛАР КАТАЛОГИ

Бобур Бомурадович Аминов*

Дилшод Расулов**

Б. Бухорий коллекцияси XX аср охири – XXI аср бошларида шаклланган бўлиб, ундаги китоблар коллекционернинг уйидаги шахсий кутубхонасида сақланади. Ушбу кутубхонадаги қўлёзма асарларнинг асосий қисмини араб тилидаги асарлар ташкил қилади. Кейинги ўринни форс-тожик тилидаги асарлар эгаллайди ва уларнинг умумий сони тахминан 300 жилдга яқин. Шахсий коллекцияда туркий-чағатой тилида ёзилган китоблар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг сони 100 дан ошиқ. Шахсий коллекцияда, фанлар бўйича классификация ясаганда, фикҳий асарлар, мактаб ва мадраса дарсликлари, Қуръони карим нусхалари, тафсирлар, ‘ақо’идга оид китоблар, жўнглр, тасаввуфий асарлар, классик шоирлар асарлари мажмуалари ва бошқа турли мавзуларда ёзилган асарлар мавжуд.

Форс-тожик тилидаги асарларга эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг асосий қисмини тасаввуфий адабиёт, классик шоирларнинг девон ва қуллиётлари, диний асарлар – Қуръон тафсирлари, ‘илм-и тасхир, ‘илм-и рамл, ‘илм-и нужум, деҳқончилик, касб-хунарга доир рисоалар ва ҳоказолар ташкил этади. Ҳозирги кунимизга қадар шахсий коллекция таркибидаги нусхаларнинг фикҳристи тузилмади. 2018 йилнинг ёзидан бошлаб мазкур асарларнинг фикҳристи тузила бошланди ва ҳозирги кунда бу жараён давом этмоқда. Фихрист учун асос бўладиган бирламчи тавсифлар, асосан, Эронда

* Ўзбекистон Республикаси Тарих маркази, тарих фанлари номзоди

** Тарих фанлари номзоди

яратилган каталоглардаги тартиб асосига монанд тузилмоқда. Маълумотлар қуйидаги тартибда берилмоқда:

1. Китоб номи.
2. Муаллиф, шорих ёки мутаржимнинг исм-шарифи.
3. Оғоз-и асар, яъни китобнинг бошланиши. Агар у икки жилддан иборат бўлса, 1-жилди, сўнгра 2-жилдининг бошланиши ҳақида маълумот берилади.
4. Шундан сўнг хат тури, қоғози, котиби, ёзилган йили ва бошқа турли эслатмалар ўрин олган.

Каталог тузиш жараёнида айрим қийинчиликлар, муаммоларга ҳам дуч келинмоқда. Баъзи асарларнинг варақлари дефект ҳолида, йиртилган, зиён етган, қурт еган, нам ёки зах таъсирига учраб, аҳволи абгорлашган, ва шу сабабли айрим маълумотларни аниқлашда шундай тўсиқлар учрайди. Китоблар орасида умуман муқовасиз ёки ўзининг оригинал муқовасига эга бўлмаганлари ҳам талайгина. Масалан, «Китоб тож ал-асоми» асарининг нусхаси қадимий бўлиши билан бир қаторда, яхши сақланган.

Форс-тожик тилидаги асарлар нусхалари ичида ҳолати яхши бўлган, маълумотлари тўлиқ сақланганлари ҳам анча. Уларда китобнинг номи, автори, нусха котиблари, тугатилган санаси ва қаерда ёзилганлиги аниқ ўз ифодасини топган.

Мажмуалар ҳам бор ва уларда кўпинча ирфоний-тасаввуфий масалалар ўрин олган. Масалан, каталогда № 11 ва № 12 рақамлардаги мажмуаларда «Васойо-йи ‘Абд ал-Холиқ Гиждувоний», «Маслак ал-‘орифин», «Ҳадо‘ик ал-ахйор», «Рисола дар масо‘ил-и намоз» ва ҳоказолар ўрин олган. Нақшбандийа тариқатига оид асарларнинг сони талайгина. Шунингдек, Аҳмад Йасавий тариқати ва унинг моҳияти акс этган китоблар ҳам мавжуд. Икки ёки уч тилда тасниф этилган асарларни ўз ичига олган мажмуалар ҳам учрайди. Бундан ташқари баъзи қўлёзмалар таркибида «мусибат-нома», «та‘бир-нома» жанридаги асарлар ҳам учрайди.

Қўлёзма нусхалар орасида форс-тожик классик адабиётининг намояндалари асарлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни лозим топдик. Буларга Бедил, Ҳофиз Шерозий, Са‘дий Шерозий, Низомий Ганжавий, Жалол ад-дин Румий асарлари мисол бўла олади. Бундан ташқари коллекцияда туркий

тилда ижод қилган шоирлар Наво'ий, Ғузулий асарларига эга қўлёзмалар ҳам мавжуд.

Форс-тожик тилидаги тарихий асарлар жумласига «Та'рих-и Табарий», «Мажма' ал-ансоб ва-л-ашжор» [1], «Темур-нома», «Мулҳақот би-с-сурах» [2], «Равзат ас-сафо'» каби асарларни киритиш мумкин.

Диний-маърифий асарлар хусусида гапирадиган бўлсак, уларнинг форс-тожик тилидаги таржималарига эътибор беришимиз лозим. Жумладан, «Қасида-йи бурда», Қуръон тафсиллари ёки Қуръон маъноларининг форс-тожик тилидаги таржималари буларга мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, Б. Бухорий шахсий кутубхонасидаги форс-тожик тилидаги қўлёзма нусхалари каталогини тузиш жараёни давом этмоқда. Келажакда мазкур шахсий кутубхона таркибидаги қўлёзмалар ичидан муҳим ва қизиқарли асарлар ҳам топилади, деб умид қиламиз.

Адабиёт:

1. 'Абд ал-Қадир ибн Муҳаммад-Амин. Мажма' ал-ансoб ва-л-ашджoр / Введение, перевод с арабского, персидского и тюркского языков, комментарии, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х. Вохидова, А.К. Муминова, Б.Б. Аминова. Отв. ред. А.К. Муминов. Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – 692 с. (серия «История Казахстана в персидских источниках». Том II).
2. Джамал ал-Қарши. ал-Мулҳақат би-с-сурах / Введение, перевод с арабско-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш.Х. Вохидова, Б.Б. Аминова. Отв. ред. А.К. Муминов. Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – 416 с. (серия «История Казахстана в персидских источниках». Том I).

СЕБЗОР ҚОЗИСИ КУТУБХОНАСИ ВА ҲОФИЗ КЎҲАКИЙ

Зайниддин Эшонкулов*

Себзор қозиси кутубхонаси 1863 йилда Қўқон тахтига ўтирган Султон Саййид-хон (1863–1865) томонидан Тошкент шаҳри қозикалони мансабига тайинланган, ва 1865 йилда Тошкент руслар тарафидан ишғол қилинган ҳам ўз мансабида қолган Ҳаким-хожа Эшон ибн Нор-хожа, ва унинг ўғли, яъни Муҳаммад Муҳиддин-хожага тегишли бўлгандир.

1869 йилда Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман (1867–1881) Тошкентда қозикалон мансабини бекор қилади ва шу йили ўз вазифасидан четлаштирилган Ҳаким-хожа Эшон вафот этади. Унинг ўғли Муҳаммад Муҳиддин-хожа Себзор даҳаси қозилигига сайланади. Муҳиддин-хожа ўз шахсий кутубхонасига ноёб қўлёзма китобларни йиққани ҳам маълум.

Бу кутубхона тақдирини биз «Тошкент қозикалони» оид ҳужжатларни тадқиқ этгунга қадар номаълум бўлиб келмоқда эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ота-ўғил қозилар – Ҳаким-хожа Эшон ва Муҳаммад Муҳиддин-хожанинг фаолиятлари оид юзлаб ноёб ҳужжатлар ҳалигача кенг қўламда тадқиқ этилмаган. Биз Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган «Тошкент қозикалони» жамғармасидаги Муҳаммад Муҳиддин-хожа фаолиятига оид ҳужжатларнинг салмоқли қисмининг илмий тавсифини амалга ошириб, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан илмий жамоатчилик ва пойтахтимизнинг ўтмиш тарихига қизиқувчи китобхонлар эътиборига ҳавола этдик.

Шундан сўнг мазкур қозиларнинг авлодлари қозикалондан мерос бўлиб қолган кутубхона ҳақидаги маълумотни бизга тақдим этишди.

* Ўзбекистон мусулмонлар идораси, Самарканд вилоят вакили

Кутубхона таркибида 400 яқин қўлёзма ва тошбосма китоблар бўлгани ҳақида маълумотлар бор, лекин улардан фақат 40 қўлёзма ва 50 та тошбосма китоблар сақланиб қолганлиги маълум бўлди. Масалан, Шараф ад-дин ‘Али Йаздийнинг «Зафар-нома» асарининг XVII асрда Самарқандда кўчирилган ва нафис мусавваралар билан безатилган бир нусхаси унинг кутубхонасида сақланган. Кейинчалик ушбу нусха асар 1972 йилда Тошкентда амалга оширилган факсимиле нашрига асос бўлди.

Яна бир асар бу Ҳофиз Кўҳакий Тошкендийнинг Қуръон каримга ёзган тафсири бўлиб, шу вақтга қадар бу ҳақида маълумот йўқ эди. Айнан мазкур тафсир қози кутубхонасида сақланиб келган.

Тарихдан маълумки, Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий жиҳатдан ривожланиш босқичларидан бири XV асрдан XVII асрнинг биринчи ўн йилликларига тўғри келади [1, с. 43]. Мақолада ҳаёти ва ижоди билан таништириладиган олим Султон Муҳаммад Ҳофиз Кўҳакий ҳам айнан мана шу XV–XVI асрларда яшаб ижод қилган.

Ҳофиз Кўҳакийнинг тўлиқ исми Султон-Муҳаммад ибн Камол ад-дин ибн ‘Ало’ ад-дин ‘Али Қушчидир. У халқ ўртасида «Ҳофиз Кўйкий» номи билан машҳур бўлган. Ҳофиз Кўҳакий хижрий 896/1490 йилда Паркентда Мавлоно Мирзо Камол ад-дин ибн ‘Ало’ ад-дин ‘Али Қушчи оиласида дунёга келди. Бундан кўринадики, у ўз даврининг «Батлимуси» деб танилган, Самарқандда туғилиб ўсган ва илмий фаолият билан шуғулланган математик ва астроном, машҳур олим Мирзо Улуғбекнинг (1394–1449) шогирди ‘Ало’ ад-дин ‘Али ибн Муҳаммад Қушчининг (XV аср) ўғил тарафдан набирасидир.

Ҳофиз Кўҳакий жуда эрта савод чиқарди. Етти ёшидаёқ Қуръони каримни тўлиқ ёд билган, нутқи ҳам равон бўлган. Она тили туркийдан бошқа араб ва форс тилларини ҳам яхши билган. Тўққиз ёшида мадрасанинг энг ёш толиби бўлди. Ўн бир ёшида мадрасадаги ўқишини тугатиб, отаси билан 1501 йили Маккага ҳаж учун сафар қилди. Сафар асносида ёш Ҳофиз Кўҳакий бир йил Маккада замонасининг талай номдор илм дарғаларининг суҳбатларига қатнашди. Диний ва дунёвий билимларни мукамал ўзлаштирганини кўрсатиб, ҳаммани ҳайратда қолдирди.

Ҳофиз Кўҳакий Ироқ, Миср, Сурия, Афғонистон, Эрон, Яман, Жазоир, Ҳиндистон, Туркия, Уйғиристоннинг бир қатор шаҳарлари ва бошқа кўплаб мамлакатларга илм талабида саёҳат қилган [2, б. 111].

Султон Муҳаммад Ҳофиз Кўҳакий диний билимлардан фикҳ, тафсир,

ҳадис ҳамда тарих, араб тили грамматикаси, мантиқ, илмлари билан шуғулланган, бу борада қатор асарлар тасниф этган [2, б. 110]. Шу билан бирга аллома жўғрофия, этнография, фалакиёт, риёзиёт, фалсафа, хандаса илмларининг улкан билимдони бўлган ва улардан илмий-ижодий ишларида унумли фойдаланган.

Инсоннинг камолоти учун бир эмас, бир қанча устозларнинг машаққатли меҳнатлари лозимлиги ҳаммамизга маълум. Ҳеч бир инсон устозларнинг ёрдамисиз инсонлар орасида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган эмас ва бўлмайти ҳам. Ҳаётлари ва ижодлари ҳақида сўз юритилаётган Мавлоно Ҳофиз Кўҳакий ҳам бундай улуғ даража ва мақомларга эришишида «Қозихон» лақабли қози Низом Бадахший ва Мавлоно ‘Асом ад-дин Иброҳим Исфаро’иний каби улуғ устозлардан илм ўрганган.

Бундан ташқари юқорида таъкидлаб ўтганимиздек Ҳофиз Кўҳакий илм талабида кўп юртларга саёҳат қилиб, ҳар бир саёҳат қилган мамлакатининг олимларидан илм олишга ҳаракат қилган. Улар билан илмий мунозаралар олиб борган. Бу эса ўз навбатида кишининг илм даражасини янада юксалишига сабаб бўлувчи асосий омиллардан биридир. Ҳар бир саёҳат қилган мамлакатидан у юртга тегишли бўлган иқтисодий, ижтимоий, илмий-маънавий ва тарихий маълумотлар тўплаб, кейинчалик буларни ўз асарларида ёзиб қолдирган.

Ҳофиз Кўҳакий «Самарот-и машойих»да келтирилган маълумотларга кўра, ҳиротлик Муҳаммад-Тоҳир деган олим илм талаби билан Бухорога келади. Бу ердаги олимлардан илм олиб бўлгач, ўз илмини янада мукамаллаштириш учун 971/1563–1564 йил атрофида Тошкентга келади ва Ҳофиз Кўҳакий билан танишиб, унга шогирд тушади ҳамда ундан турли илмлардан таҳсил олади.

Шу боис, у зот ҳақли равишда уламоларнинг юксак эътиборларига сазовор бўлганлигини «Та’рих-и жадида-йи Тошканд» асаридаги маълумотлардан билиш мумкин:

«Ҳофиз Кўҳакий Тошкент аҳолиси ва олимларининг ифтихори бўлиб, Дашт-и Қипчоқ, Фарғона, Мовароуннаҳр, Бухоро, Эрон ва Хуросонда кенг шуҳрат қозонган забардаст олимдир» [3, б. 11-12].

Ҳофиз Кўҳакий турли масалаларга оид қатор илмий асарлар тасниф этди. У «Та’рих-и Тошкандий», «Тафсир-и Ойат ал-Қурсий», «Та’рих-и ол-и Чингиз» асарларининг муаллифидир [4]. Муаллиф ушбу асарларни

ёзишда умрининг кўп қисмини мўғул ҳукмдорлари саройида ўтказган эронлик номдор тарихчи Баҳо' ад-дин Муҳаммад Ҳожа 'Ало' ад-дин Ота-Малик Жувайний (1247–1283) нинг «Та'рих-и жаҳон-кушо-йи Жувайний» номли, шунингдек яна бир забардаст олим ҳамда замонасининг буюк табиби, давлат арбоби бўлган Файзуллоҳ Рашид ад-диннинг (1247–1318) «Жоми' ат-таворих» ҳамда Ҳамдуллоҳ ибн Аби Бакр ибн Аҳмад ибн Насир Мустауфий Қазвинийнинг (ваф. 1350 й.) «Нузҳат ал-қулуб» асарларидан кенг фойдаланган.

У зот шунингдек, «Рисола фи фанн ат-тафсир ва-л-усул ва-л-фуру' ва-л-калом» («Тафсир, фикҳ асослари ва тармоқлари, мантиқ ва калом илми ҳақида рисола»), 'Абд ар-Раҳмон Жомийнинг (1414–1492) «Шарҳ-и Мулла» номи билан шуҳрат топган «Фаво'ид-и зийо'ийа» номли араб тили грамматикасига оид шарҳига хошия, «Шарҳ-и шарҳ-и одоб ал-мунозара», Мауло 'Асом ад-диннинг грамматикага оид «Мизон ал-адаб» асарига шарҳ «'Ужолат ал-байон фи шарҳ ал-мизон» каби қатор асарларнинг муаллифидир.

Тарихчи Бадавоний ўз асарида кўрсатишича, Ҳофиз Кўҳакий Тошкентда 992/1584 йили вафот этган ва баъзи маълумотларга қараганда, Қафқол Шоший макбарасида, кираверишда, ўнг тарафга дафн этилган [2, б. 113].

Ҳофиз Кўҳакий Шош воҳасининг улуғ алломаларидан бири бўлиб, нафақат ўз юрғларида машҳур бўлган, балки турли Шарқ мамлакатларида ҳам жуда катта шуҳрат қозонган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кутубхоналарни тарихини ўрганиш ёрдамида биз Марказий Осиё тарихида фаолият олиб борган турли шаклдаги кутубхоналар тақдирини ўрганиш, янги кутубхоналарни номини ва уларни эгаларини аниқлаш имконига эга бўлаемиз.

Адабиётлар:

1. Мукминова Р., Филанович М. Ташкент на перекрестке истории. Ташкент: Фан, 2001.
2. Муҳамедов Н. Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий меъроси. Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007.
3. Муҳаммад Солиххўжа ўғли. Та'рих-и жадида-йи Тошканд. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармаси, инв. 11073.
4. Ҳофиз Кўҳакий. Та'рих-и ол-и Чингиз. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармаси, инв. 8160.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ФОНДЛАРИДАГИ МАЖМУ‘А ҚЎЛЁЗМАЛАРНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАСИ

Саидакбар Абдурашидович Муҳаммадаминов*

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондларида (ЎзР ФА Шарқшунослик институтида учта қўлёзма фонди – «Асосий», «Ҳамид Сулаймонов» ва «Дублет фонд»лари ўрин олган) бир нечта асарнинг тўлиқ матни ёки парчасини қамраб олган тўплам (мажму‘а) лар сақланади. Мажму‘алардаги асарлар бир ёки бир нечта мавзуга оид бўлиб, уларни ўзаро боғлаб турувчи жиҳатлари мавжуд. Умуман, Ўзбекистон қўлёзма фондларидаги қўлёзма асарлар билан танишиб чиққанимизда кўпгина асарлар мажму‘алар таркибидан ўрин олганлигини гувоҳи бўламиз. Мажму‘аларда ўрта аср таълим муассасалари тизимида (мадраса, масжид, хужра, хонадон) ўқитилиб келинган асарлар матнларининг йиғиндиси (шунга ўхшаш тўпламлар учун қаранг: ЎзР ФА ШИ Асосий фонди, Қўлёзмалар № 8796, 8334. Улар, одатда, мутун ёки мажму‘ат ал-мутун деб юритилган. Мутун – арабча сўз бўлиб, матн сўзининг кўплигидир) [1]. Шунингдек, муайян соҳага оид мавзулар матни, масалан: ‘ақо’ид матни, шарҳи ва ҳошиялари тўплами [2; 3]; астрологияга оид асар матнлари мажму‘и; сайланган шеърлар тўплами ва бошқаларни кўришимиз мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўрта асрлар таълим тизимида ўқитилган дарсликлар тарихини ўрганишда мазкур мажму‘алар муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу турдаги тўпламларни юртимизнинг барча

* Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди

қўлёзма фондларида учратиш мумкин. Шунингдек, улар дунёнинг кўпгина қўлёзма фондларида ҳам учрайди [Масалан, Миср миллий кутубхонасининг қўлёзма каталогларидан бири айнан мажму‘аларга (мажами‘) бағишланган. Қаранг: 4]. Шундай экан, бу тўпламлардан ўрин олган асарларни мажму‘адан ажратиб олиб, алоҳида ўрганиш мазкур қўлёзмага бир томонлама қараш бўлиб қолади. Шунинг учун уларни комплекс тарзда ўрганиш ва тадқиқ этиш лозим. Хусусан, бундай тўпламларнинг алоҳида каталогини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон қўлёзма фондларидаги қўлёзма тўпламлардан яна бири – жўнг (جونغ ، جنگ) деб номланувчи мажму‘алардир. Ушбу тўпламлар ўзида турли фикҳий масалаларни қамраб олган мавжуд фикҳий асарлардан фарқ қилади. ЎзР Фа ШИ да 40 дан зиёд фикҳий масалалардан иборат мажму‘алар сақланади. Албатта, бу сон нисбий бўлиб, уларнинг сони ошиши мумкин.

Жўнг сўзи XVII–XVIII асрларда форсий ва кейинроқ туркий луғатларда умуман «катга кема», «турли шеърлар тўплами» каби маъноларни англатган [5, р. 592]. Ўрта Шарқда (Эрон ва Азарбайжон) жўнг сўзи кўпроқ турли шоирларнинг шеърларидан парчалар тўпламига, тиббиётга оид турли мавзулар, диний илмлардан иборат бўлган парчалар тўпламига нисбатан қўлланилган. Кичик Осиёда (Туркия) жўнг сўзи ҳалқ оғзаки ижодидан иборат бўлган ҳикоя ва масал, маталлардан иборат мажму‘алар учун ишлатилган. Марказий Осиёда эса жўнг сўзи асосан қозилар томонидан тузилган фикҳий масалалар, намунавий ривоят ҳужжатлар мажму‘аси учун ишлатилган. Шунингдек, маҳаллий жўнг қозилар томонидан жамланган фикҳий матнлар (масо‘ил-и мутадавилот – муомалада бўлиб турган фикҳий масала) ва ҳукмлар тўпламини билдиради. Уларда кўпинча олди-сотти, гаров, кулни озод қилиш, ижара ҳужжатлари, вақфнома ва ривоёти маъмула (амалиётдаги ривоятлар – ривоят ҳужжати – муфти, айрим ҳолларда қози томонидан муайян масала юзасидан фикҳий асарлардан далил иқтибослар келтириб ёзиладиган хулоса) намуналари жамланган. Айрим жўнг тўпламларининг варақлари орасида елимланган вақфнома, қозихонада расмийлаштирилган қозилар муҳри билан тасдиқланган шахсий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам учрайди. Масалан, Шарқшунослик институтининг асосий фондидаги 2802 рақамли қўлёзма жўнгида варақлар орасида кўплаб қозилик ҳужжатларини кўрамыз.

Жўнглари ўрганиш ва тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг тузувчилари асосан қози, муфти ва а‘ламлар бўлган. Жўнглари тузилиши

жихатдан бир-бирдан катта фарқ қилмайди, масалан, мавзуларнинг берилиш тартиби, яъни намоз, рўза ва закот каби масалалардан иборат. Шу билан биргаликда жўнглр орасида катта фарқлар ҳам мавжуд. Улар қозилик хужжатлари ва фикҳий масалаларнинг ёритилиши кўламининг кенглигида кўринади.

Шарқшунослик институти фондидаги мавжуд жўнглр хатто СВР («Собрание восточных рукописей») каталогига ҳам киритилмаган. Ушбу тўпламларни идентификациясини, яъни бу тўплам ким томонидан, қачон ва қаерда тузилгани ҳақида маълумотларни аниқлаш анча мураккаб бўлгани боис СВРга киритилмаган бўлса керак, деб ўйлаймиз. Чунки, жўнглрни тузувчилар номларини доим ҳам қайд қилиб бормаганлар. Айрим жўнглр йиллар давомида турли масалалар билан тўлдириб борилган. Буни жўнглрда кузатилаётган турли хат турларида (асосан наста'лик, хатт-и мулло, насх) ва варақлар орасига елимланган турли даврларга оид хужжатларда кўриш мумкин. Улардаги маълумотлар тузувчидан кейин унинг давомчилари томонидан ҳам қўшимча масалалар билан қўшиб, бойитиб борилган. Масалан, 8732 рақамли [7] кўлёма жўнгининг тузувчиси Қози 'Абд ал-Хайй-хўжа ибн Қози Мирак-шоҳ бўлиб, у 1111–1121/1699–1709 йилнинг ўргаларигача Бухорода қозилик қилган. Мазкур жўнгда фикҳий масалалар билан бирга турли даврларда тузилган ривоят хужжатларининг нусхалари ҳам қайд қилинган бўлиб, улар 1113/1701-1702, 1128/1715-1716, 1135/1722-1723, 1136/1723-1724, 1146/1733-1734, 1157/1744-1745 ва 1192/1778-1779 йилларга тегишлидир. Кўриб турганимиздек, унда ўрин олган фатволар 80 йил давомида тўпланиб борилган. Мазкур жўнг нихоясида муфти Муҳаммад-хўжа ибн Наср-хўжа Тошкандий исми қайд қилинган. Эҳтимол, бу муфти Қози 'Абд ал-Хайй-хўжа ибн Қози Мирак-шоҳ жўнгидан фойдаланиб, тўлдириб борган бўлиши мумкин. Шунингдек, жўнгни кейинчалик тўлдириб борган ва ундан фойдаланган (қози, муфти) нинг исмини жўнгда босилган муҳрлар ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин.

ЎЗР ФА ШИ кўлёмалар фондида сақланаётган жўнглрни ўрганиш жараёнида уларнинг кўпчилиги Бухоро хонлиги даврида (XVI–XX) тузилганлиги маълум бўлди. Аммо хазинада кўп бўлмаса-да, Хива (XVI–XX) ва Қўқон хонликлари (XVIII–XIX)да тузилган жўнглр ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси тадқиқ этилмоқда. Уларнинг тузувчиси, тузилиши, таркиби ва даври билан боғлиқ масалалар алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон фондларидаги сақланаётган кўплаб мажму‘алар борки, уларни комплекс равишда тадқиқ қилиб алоҳида каталоглари тузилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан кўзланган асосий мақсад тўпламлардан ўрин олган асарларнинг статистикасини чиқариб олиш орқали Марказий Осиё тарихидаги ўрта асрлар жамиятининг китобхонлик даражаси билан боғлиқ масалага ойдинлик киритиш, шунингдек, мажму‘алардан ўрин олган диний матнларни (калом, фикх, ҳадис, сирли илмлар ва бошқалар) ўрганиш билан диний таълим тизимида (мадраса, масжид, хужра) ислом илмига оид қандай китоблар ўқитилгани, ўша давр жамиятининг диний саводхонлик даражаси, дунёқарашига оид масалаларга аниқлик киритиш иборат.

Қўлёзма фондларида сақланаётган жўнг тўпламларини алоҳида ўрганиш тарихимизнинг кўп жиҳатларини, жумладан, шар‘ий ҳуқуқ нормаларининг амалда жорий этилиши, ижтимоий тарих билан боғлиқ кўплаб ривоят ҳужжатларни ана шу манбалар орқали кузатиш имкониятини беради.

Адабиётлар:

1. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг № 4697 рақамли қўлёзма мажму‘аси. Унда 38 та асар матни ўрин олган бўлиб, ушбу тўплам Бухородаги Нодир Девон-беги мадрасаси биносида 1213/1798 йилда кўчирилган.
2. ЎзР ФА ШИ Асосий фонди, Қўлёзма № 8796.
3. ЎзР ФА ШИ Асосий фонди, Қўлёзма № 8334.
4. «‘Ақо‘ид ан-Насафий»нинг бир неча шарҳ ва ҳошиялари. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг № 2401, 2835, 3062 рақамли қўлёзма асарлар тўпламлари.
5. *Catalogue of Arabic Manuscripts in the Egyptian National Library (Dar al-kutub al-Misriyyah) (al-Majami‘)*. Volumes I–IV. London: Al-Furqan Islamic Heritage Foundation, 1432/2011.
6. Muḥammad Ḥusayn ibn Ḥalaf Tabrīzī Burhān, 17th century. *Burhān-i qāṭi‘*. Bā muqābala-i nusaḥ-i muta‘addida-i ḥaṭṭī wa ṣāpī wa-taṣḥīḥ, wa-tawḍīḥ-i waḡh-i iṣṭiqāq, wa dīkr-i šawāhid, wa afzudan-i luḡāt-i bisīyar wa taṣāwīr wa naqṣahā, bi-ihtimām Muḥammad Mu‘īn; Muqaddamahā bi-qalam-i ‘Alī Akbar Dihḡudā, Ibrāhīm Pūr Dāwūd, ‘Alī Aṣḡar Ḥikmat, Sa‘īd Nafīsī. Vol. II. Tihrān : Kitābhāna-yi Zawwār, 1331 [1952]. P. 592.
7. ЎзР ФА ШИ, Қўлёзма № 8732. Умумий ҳажми 697 варак.

ТЕРМИЗИЙЛАР МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ: НАТИЖАЛАР, МУАММОЛАР, ИСТИҚБОЛЛАР

Жалолиддин Зайниевич Мирзаев*

Ўзбекистон тарих жараёнида инсоният тафаккури маҳсулоти бўлган турли маданиятлар юзма-юз бўлган, уларнинг ўзаро уйғунлашган макондир. Юртимиз тарихининг ибтидоси асрлар қаърига сингиб кетган бўлиб, халқимиз қадимий меросининг ҳар бир саҳифаси дунё афкор оммасининг ақлини шошириб қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир».

Тарихий меросимизнинг ёрқин намунаси бўлган ўрта аср матнлари ва қўлёзмалари тарихимизни ёритишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Уларни ўрганиш мустақиллик йилларидагина кенг миқёсда йўлга қўйилмоқда. Албатта, кўплаб тадқиқотчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли, йигирманчи асрда Марказий Осиё тарихи манбаларини ўрганиш борасида катта муваффақиятларга эришилди. Булар биринчи навбатда, моддий маданият, тарихий топография, археологик ва меъморий ёдгорликларни ўрганиш соҳалари билан боғлиқдир. Бироқ, айтиш лозимки, бу тадқиқотларнинг натижалари тарихий меросимизнинг жамият маънавий ҳаёти билан белгиланадиган қисмини тўлиқ қамраб олган эмас.

* Термиз давлат университети; Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, тарих фанлари номзоди (PhD)

Тадқиқотчилар ёндашуви мазкур даврда жамиятда ҳукмрон мафкуравий қарашлар билан белгиланган. Моддийликни жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили сифатида қабул қилган тарихий материализм руҳидаги изланишларда олимлар диққат-эътиборини ўтмишимизни моддий унсурлар воситасида ёритишга қаратади. Бундан ташқари, собиқ Иттифокда бошқа ижтимоий фанларга бўлгани сингари, исломшуносликга бўлган ғайри-социологик ёндашув ўрта аср тарихи ва маданиятини ўрганишнинг методологик хусусиятини белгилаб берди. Натижада тарихшунослигимизда шаклланган биқик ёндошув тадқиқотчиларни бир қолипга солиб қўйди. Ундан тезроқ чиқишимиз учун, тарихга холислик, тўлиқ илмий ҳақиқат билан қарашимиз учун илғор хориж тажрибасидан, масалан, қўлёзмаларни ўрганиш борасида Туркия ва Буюк Британия тажрибасидан унумли фойдаланишимиз лозим.

Юртимиз тарихининг кўплаб масалаларини ўрганишда асосий манбаларни Ўзбекистонда қидириб топиш мумкин, лекин, Термиз ва Термизийлар мавзусини ўрганишда манбаларни асосан хориждан қидиришга тўғри келади. Афсуски, тарихимизнинг айрим даврларидаги беқарорлик, масалан, мўғул босқини, Темурийларнинг Ҳиндистонга кетиши, XVIII асрдаги ўзаро урушлар ва Эрон босқини кўплаб ёзма меросимиз намуналарининг йўқолишига, хорижий юртларга олиб кетилишига сабаб бўлди.

Шак-шубҳа йўқки, минтақамиз ҳаётидаги ўрта асрлардаги улуғ маънавий янгиланиш ислом динининг ёйилиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, мазкур давр мероси ҳам, унинг тадқиқотчилари ҳам XX асрда доимо таъқиб қилинди. Хусусан, Термизда 1943 йилда Термиз саййидларининг кутубхонаси қолдиқлари ерга кўмиб ташланган, 1982 йилда эса Сурхондарё вилояти ҳудудидан 2500 қўлёзма йиғиб олинди, йўқ қилиб ташланган. Натижада, Термизда қўлёзмаларни ўрганилиш тарихидан кўра, бирин-кетин йўқ қилиш тарихини ёзиш мумкин. Шунинг учун ҳам, Термиз ва термизийлар тарихини ёритишда хорижий музейлар ва кутубхоналар хазиналарига мурожаат қилишга мажбурмиз. Масалан, Туркия кутубхоналари электрон каталогларида Термизийларнинг 236 қўлёзмаси ҳақида маълумот берилган. Қизиги шундаки, янги маълумотлар ҳеч қутилмаган жойдан чиқади.

Масалан, таниқли немис шарқшуноси Хельмут Риттер (1892–1971) шарқ муаллифларининг қўлёзма меросларини ўрганаётиб, Туркияда қўлёзмалар

орасида Муҳаммад Ҳақим Термизийнинг автобиографиясини топади. Бу асар дастлаб 1937 йилда Франц Роузенталь томонидан немис тилида эълон қилинган эди. Муҳаммад Ҳақим Термизийнинг томонидан ёзилган тафсирнинг аввал Туркияда, кейин эса Грузияда топилиши, тинимсиз изланишларнинг истиқболли эканлигини кўрсатиб берди. Париждаги Франция миллий кутубхонасида XII асрнинг биринчи ярмида Термизга келган фаластинлик шоирнинг девонида Термиз ва Термизийларга бағишланган қасидалар бор экан, улардаги маълумотлар, шубҳасиз, катта тарихий аҳамиятга эга. Француз ҳамкасбларимиз ёрдамида қўлёзманинг микрофильмини олдик. Бу манба яхши бир тадқиқот учун асос бўлади.

Бошқа йўналишларни олайлик. Термиздан чиққан рассомлар орасида энг машҳури, Бобурийлар саройида «Нодир ал-мулк» унвонига сазовор бўлган Мир Саййид ‘Али асарларини Америка ва Европа музейларидагина учратиш мумкин. Ҳамюртимиз мероси фақат хорижий илмий ва маданий марказларнинг фондларида сақланиб қолган. Термиз тарихининг шундай саҳифалари борки, масалан, мўғуллар даврини ўрганишда манба сифатида фақатгина тангалардан фойдаланиш мумкин. Тангалардаги матнлардан, улар зарб қилинган даврдаги сиёсий вазият – ҳукмдор номидан, ғоявий муҳит-қайси ойат келтирилганлигидан, иқтисодиётнинг аҳволи – танга олтинми, кумушми ёки мисданлиги, усталарнинг маҳорати ва бошқа соҳалар ҳақида маълумот олиш мумкин. Шунинг учун ҳам тадқиқотчиларнинг тангаларга қизиқиш катта. Термизда зарб қилинган тангалар дунёнинг кўплаб музейларида, хусусий коллекцияларида сақланади. Уларнинг энг тўлиқ коллекцияси эса Германиянинг Түбинген университети тасарруфидаги илмий-тадқиқот марказида сақланади.

Ҳозирги пайтда Шарқшунослик институти ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси қошида шарқ қўлёзмаларини қабул қилиш археографик комиссиялари мавжуд бўлиб, уларда ёзма манбаларни биладиган етакчи мутахассислар бор. Энди вилоятларда ҳам шундай комиссияларни ташкил этиш лозим. Термизда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказида археографик изланишлар йўлга қўйилган, ёзма манбаларни қидириб топиб, тавсифлаш, илмий муомалага олиб кириш мақсадида археографик экспедициялар ташкил этилди. Булар натижасида бир қанча нодир қўлёзмалар ва ҳужжатлар аниқланиб, уларни илмий муомалага киритиш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнги пайтда замонавий компьютерларнинг ёзма манбаларни тадқиқ этиш имкониятидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда. Бу ўринда тадқиқотчиларнинг компьютердан ва интернет хизматидан бемалол фойдалана олиши талаб этилади. Илғор тажрибани ўрганиш мақсадида инфор­мацион технологиялар ва хужжатлаштириш бўйича халқаро қўмита (СІДОС) тажрибасини ўрганиш учун Германияга илмий сафарни амалга оширдик.

Хуллас, манбаларни ўрганиш бўйича амалга оширилган ишлар, тажрибалар умумлаштирилиб, келгусида амалга ошири­ла­жак тадқиқотлар учун энг қулай ва истиқболли тадқиқ метод ва усулларини аниқлаб, белгилаб ва ишлаб чиқиб, уларнинг энг замонавийлари ва самарадорларини амалиётга қўллашни тавсия этиш зарур.

Энди биз тарихчилар олдида ҳам тадқиқотчилик, ҳам фуқаролик бурчи турганини, бир елкамизда тарихга холислик, илмий ҳақиқат билан қараш юки, иккинчи елкамизда эса Ватан ва халқимиз олдидаги жавобгарлик, ўтмишимизни асраш, авлодлар руҳини эъзозлаш ва келгуси авлод олдидаги қарздорлик юки борлигини бутун вужудимиз билан англамоғимиз, шунга яраша ҳаракат қилишимиз зарур.

АБУ-Л-МУ‘ИН АН-НАСАФИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА САҚЛАНАЁТГАН НОДИР ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

Саидмухтор Сайдакбарович Оқилов*

Юртимиз мустақилликка эришгач, тарихда яшаб ўтган кўплаб диний уламоларимиз ҳаёт йўллари ҳамда уларнинг бебаҳо илмий меросларини ҳар томонлама тадқиқ этишга кенг имкониятлар яратиб берилди. Қадимда Мовароуннаҳр деб номланган диёримизнинг Самарқанд, Бухоро, Шош (Тошкент), Хоразм, Насаф, Уструшана, Фарғона деб ном олган воҳаларидан етишиб чиққан алломаларимизнинг илмий меросларини ўрганиш бўйича ҳозирги кунда кенг қамровли тадқиқотлар давом этмоқда.

Юқорида санаб ўтилган воҳалар орасида Насаф воҳасидан ҳам кўплаб диний олимлар етишиб чиққан ва ўзларининг теранг ва ўткир билимлари билан бутун ислом оламини лол қолдирганлар. Хусусан, «Насафий», «Паздавий», «Касбавий», «Кеший» нисбалари билан қалам тебратган алломаларимизнинг илмий меросларини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, «Насафий» нисбаси билан ижод қилган алломалар қолдирган бой маънавий мерослар бугунги кунда ҳам мафкуравий аҳамият касб этмоқда. «Насафий» нисбаси билан ижод қилган олимларга Абу-л-Му‘ин ан-Насафий, Абу Ҳафс ан-Насафий, Абу-л-Баракот ан-Насафий, Макхул ан-Насафий ва Лутфуллох ан-Насафий каби қалами ўткир олимларни мисол келтириш мумкин.

* Ўзбекистон халқаро ислом академияси, «Ислом фанлари» кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

Бугунги кунда мухтарам президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Насаф воҳасидан етишиб чиккан алломларнинг илмий меросининг замонавий мафкуравий аҳамиятлари ҳақида бир неча бор алоҳида қайд этдилар. Хусусан, юқоридаги олимлар орасида ўзининг сермахсул ижоди билан ажралиб турган олим – Абу-л-Му‘ин ан-Насафий илмий меросига бугунги кунда катта эътибор қратилмоқда. Бу эса, табиий ҳолатдир, албатта. Чунки Абу-л-Му‘ин ан-Насафийнинг ўрта асрларда олиб борган фаолияти ўша давр учун жуда катта мафкуравий аҳамият касб этган. Юқорида номлари зикр этилган Абу Ҳафс, Абу-л-Баракот ан-Насафий ҳамда қўплаб диний уламолар айнан Абу-л-Му‘иннинг асарларидан руҳланиб ижод қилганлар ва шу олимнинг шогирди ҳисобланганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Абу-л-Му‘ин ан-Насафий илмий меросини ўрганиш бўйича ўтган 2017–2018 йиллар давомида самарали ишлар амалга оширилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ташаббуслари билан алломанинг Қарши шаҳрига яқин Қовчин қишлоғидаги мақбараси таъмирдан чиқарилиб, катта зиёратгоҳга айлантириш ишлари ниҳоясига этиш арафасида. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 апрелда «Абул Муин Насафийнинг бой илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш»га оид 433-Ф сонли қарори чиқарилди ва ушбу қарорда мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ ва режалар белгилаб олинган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш йўлида 2018 йил Абу-л-Му‘ин ан-Насафийнинг «Табсират ал-адилла» номли шоҳ асарининг асл араб тилидаги шаклидан дунёда биринчи мартаба хорижий тилга, яъни ўзбек тилига тўрт жилдда таржима қилиниб нашр эттирилди.

Қомусий манбаларда Абу-л-Му‘ин ан-Насафийга ўн бешдан ортик асарлар нисбат берилган. Лекин улар орасида бизгача «Табсират ал-адилла», «ат-Тамҳид ли-қаво‘ид ат-тавҳид» ва «Баҳр ал-калом» номли учта асари етиб келган ва мазкур асарларнинг юртимизда ҳам нодир қўлёзма нусхалари сақланиб келинмоқда. Мазкур мақоламизда алломанинг бизгача етиб келган учта асарининг мавжуд қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилдик.

Абу-л-Му‘иннинг энг катта асари, шубҳасиз, «Табсират ал-адилла фи усул ад-дин ‘ала тариқат ал-Имом ал-Мотуридий» асари ҳисобланади [1]. Абу-л-Му‘ин ан-Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асарининг қўлёзма нусхалари

дунёнинг бир қанча мамлакатларида, шунингдек, ватанимиз кутубхона фондларида ҳам сақланмоқда. Тадқиқотларимиз натижасида «Табсира»нинг қўлёзма нусхалари асосан Мисрда, Туркияда, Эронда ҳамда юртимиздаги қўлёзмалар хазиналарида мавжудлиги маълум бўлди.

Француз тадқиқотчиси Клод Салома «Табсира»ни нашрга тайёрлашда асосан Миср қўлёзма фондларида сақланаётган тўртта қўлёзма нусхасидан фойдаланганлиги ҳақида нашрнинг муқаддимасида таъкидлаб ўтган.

Клод Салома асарни нашрга тайёрлашда фойдаланган қўлёзмаларнинг биринчиси Мисрнинг Искандария шаҳри кутубхонасида 779 Б рақам остида сақланмоқда. Қўлёзма 209 саҳифадан иборат. Насх хатида битилган ушбу қўлёзма 659/1269 йили Муҳаммад ибн Ҳасан ибн ал-Ҳусайн исми хаттот томонидан Бухорода кўчирилган. Нашр муқаддимасида ёзилишича, бу «Табсират ал-адилла»нинг энг қадимий қўлёзма нусхаси ҳисобланади.

Иккинчи қўлёзма Қоҳирадаги «Дор ал-кутуб ал-мисрийя» кутубхонасида сақланмоқда. Бу қўлёзма 490 варақдан иборат ва йирик насх хатида кўчирилган. Афсуски, ушбу қўлёзма кўчирилган йили ҳам, унинг хаттоти ҳам кўрсатилмаган. Лекин Клод Саломанинг таъкидлашича, бу қўлёзма юқорида зикр қилинган биринчи қўлёзмадан кўчирилган. Чунки иккала қўлёзма матнларида айнан бир хилдаги хато ва нуқсонлар учрайди.

Нашр учун фойдаланилган учинчи нусха Қоҳирадаги машҳур «ал-Азҳар» университети кутубхонасида сақланаётган қўлёзмадир. У 4406 (301) рақами остида бўлиб, 383 саҳифадан иборат. Насх хатида битилган бу қўлёзма 1129/1717 йили кўчирилганлиги ҳақида унинг охири саҳифасида қайд этилган. Афсуски, бу нодир қўлёзmani ҳам кўчирган хаттотнинг номи зикр этилмаган.

Тадқиқотчи ўз ишида «Дор ал-кутуб ал-мисрийя»да «10м Тавҳид» рақамида сақланадиган яна бир қўлёзмадан ҳам фойдаланган. 395 варақдан иборат 1136 ҳижрий/1724 милодий санада насх хатида ёзилган ушбу қўлёзма ‘Абд ал-Фаттоҳ Жод ал-Мавло Абу-л-Фатҳ ад-Далижий томонидан кўчирилган.

«Табсира»нинг Сурияда нашр қилинган шакли икки жилддан иборат бўлиб, биринчи жилди 21 та боб ва 24 та қисмларни ўз ичига олган. Китобнинг иккинчи жилди эса 26 та боб ва 21 та қисмдан таркиб топган. Нашрнинг икки жилдини умумий ҳисоблаганда 1012 бетни ташкил қилади.

«Табсират ал-адилла»нинг энг кўп қўлёзмалари сақланаётган юрт,

шубҳасиз Туркия ҳисобланади. Тадқиқотларимиз давомида Истанбулнинг Сулаймония кутубхоналарида «Табсира»нинг 18 та қўлёзма нусхаси мавжуд эканлиги аниқланди [1, илова 5].

«Табсират ал-адилла»нинг Туркиядаги мавжуд барча қўлёзма нусхалари ҳақида туркиялик таникли каломшунос олим Хусайн Отай «Табсира»нинг ўзи тайёрлаган нашрида қимматли маълумотлар келтирган, ҳамда ҳар бир қўлёзманинг бош ва охириги варақларидан асл нусхасининг фотосуратларини илова қилган. Ушбу нашр «Табсира»нинг қўлёзмалари билан танишишимизда бизга катта ёрдам берди. Шунингдек, «Табсират ал-адилла»нинг Туркиядаги мавжуд қўлёзма нусхалари бўйича туркиялик яна бир олим Меҳмет Ўзерварли ҳам илмий тадқиқотлар олиб бориб, магистрлик диссертациясини ҳимоя қилган [2].

Энди бевосита мазкур асарнинг юртимизда сақланаётган қўлёзмалари ҳақида тўхталиб ўтамыз. «Табсират ал-адилла»нинг юртимиздаги ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам иккита қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Ушбу қўлёзма нусхаларнинг энг қадимийси 3268 рақама остида сақланмоқда. Қўлёзма 266 варақдан иборатдир. Саҳифанинг ҳажми 15,5x22,5 см.га, матннинг ҳажми эса 11x18 см.га тенгдир. Ҳар бир саҳифадаги матнлар 27 қатордан иборат. Қўлёзманинг қоғози оч сариқ рангда бўлиб, насх хатида ёзилган. Афсуски, бу қўлёзманинг қачон ва ким томонидан кўчирилганлиги номаълум. Ушбу қўлёзманинг ҳолати ва варақларининг турига қараб, уни энг қадимий нусха деган тахмин қилиш мумкин.

Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги иккинчи қўлёзма 5857 рақама билан сақланади. Қўлёзма умумий 289 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифа ҳажми 18x29,5 см.га, матнлар ҳажми эса 10x20 см.га тенгдир. Ҳар бир варақдаги матнлар 29 қатордан иборат. Қўлёзманинг охириги варақида ёзилишича, ушбу нодир манба 1146/1734 йили ‘Али ибн аш-Шариф ат-Титлавий томонидан насх хатида кўчирилган. Асарнинг ушбу қўлёзма нусхаси мавжуд қўлёзмалар орасида энг мукамал ва фойдаланишга қулай бўлган асардир. Чунки ушбу қўлёзманинг хати чиройли, равон ва тушунарли равишда ёзилган бўлиб, варақлари ҳам яхши сақланган.

Биринчи қўлёзмани «Табсира»нинг икки нашри билан солиштирганда, фасл ва бобларда ихтилофлар кўзга ташланмади. Фақат қўлёзмада фасллар номи баён этилмаган ва фақат «Фасл» деб таъриф берилган. Клод Салома

ва Хусайн Отай нашрларида ҳар бир фаслга ном берилган. Нашрлар ўзаро таққосланганда, «Табсира»нинг икки нашридаги боб ва фаслларнинг номлари бир хил бўлиб чиқди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, икки ношир фойдаланган қўлёзмаларда фасллар номлари ҳам ёзилган.

Иккинчи қўлёзмада эса, китобнинг дастлабки варакида фасллар фихристи жадвал шаклида берилган. Қўлёзма худди нашрдаги каби «ал-Калом фи таҳдид ал-‘илм» деган боб билан бошланади. Лекин фаслларнинг номи қўлёзмада умумий шаклда берилган, холос. Масалан, нашрда имон мавзусидаги фасллар «Фасл фи ибтал анна ал-имон ҳува ал-қавл ал-муҷаррад», «Фасл анна ал-имон йақун би-л-қалб» каби турли номлар билан аталган. Ёки имомат мавзусидаги фасллар ҳам «Фасл фи вужуб ал-имон аз-зоҳир», «Фасл фи имомат ал-мафдул» каби номлар билан аталган. Қўлёзмада эса, масалан имон ҳақидаги мавзулар боши «ал-Калом фи-л-имон», имомат мавзуси «ал-Калом фи-л-имома» деган сарлавҳалар билан бошланиб, фаслларнинг эса номлари берилмаган. Шунингдек, нашр билан қўлёзмада атоқли шахслар, олимлар номларидан кейинги аталадиган саловот ва раҳмат сўзлари турлича ифодаланган. Қўлёзмада бу сўзлар бироз кенгрок берилган. Лекин нашр ва қўлёзмалар фаслларининг матнида ихтилоф ва ноқис жиҳатлари кўзга ташланмади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, «Табсират ал-адилла»нинг юртимизда сақланаётган 3268 ва 5857 рақамли қўлёзма нусхалари асарнинг тўлиқ ва мукамал нусхаси ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасига қарашли қўлёзмалар фондида ҳам 2360 рақам остидаги қўлёзмалар мажму‘асида «Табсира»нинг яна бир нодир қўлёзма нусхаси сақланади. Мажму‘ага «Табсира»дан бошқа яна «Васийат Аби Ҳанифа» (Абу Ҳанифанинг шогирдларига васияти), «Тухфат ал-мутақаллимин», «Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар», «Шарҳ ‘ақидат ат-таҳовийа», «Бидойат ас-Собуний», «Табсират ал-адилла», «Усул аш-шайх ал-ажалл Аби-л-Қосим ас-Саффор», «ал-Фикҳ ал-акбар ли-Сирож ал-умма ва қошиф ал-умур Аби Ҳанифа, раҳматуллоҳ ‘алайх» ва «ад-Дафтар ас-сонни фи ‘ақо’ид» номли асарлар ҳам киритилган.

Ушбу мажму‘ада юқорида зикр этилган асарлар тўлиқ ҳолда берилмай, балки қисқартирилган шаклда ёзилган. Қўлёзманинг охириги саҳифасида ўтган асрнинг ўрталарида Мусулмонлар диний идораси кутубхонасининг ходими Устоз ‘Ало’ ад-дин Маҳдум домланинг ўғли Нодир-хон Маҳдумнинг имзоси қўйилган ва 1951 йил 3 апрель санаси кўрсатилган. Шундан хулоса

килиш мумкинки, ушбу мажму‘адаги асарлар аввал кутубхонада алоҳида-алоҳида ва тўлиқ бўлмаган ҳолда сақланган, Устоз Нодир-хон Махдум ушбу қўлёзма нусхаларини калом илмига оидларини имкон қадар жамлаб, юқорида кўрсатилган йилда мажму‘а ҳолига келтирган ва уни «Табсира» деб номлаган. Китобнинг муқоваси ҳам ушбу китоб ўтган асрнинг ўргаларида қайта таъмирланганлигидан далолат беради [1, б. 93]. «Васийат Аби Ҳанифа» ва «Тухфат ал-мутакаллимин» асарлари 1275/1858 йилда Бухорода кўчирилган бўлиб, афеуски қўлёзмада хаттотнинг номи кўрсатилмаган. Ушбу икки асар насх хатида қадимий Самарқанд қоғозига битилган. Қўлёзмадаги «Шарх ал-фикҳ ал-акбар», «Шарх ‘ақидат ат-таҳовийя» ва «Бидойат ас-Собуний» асарлари 1096/1685 йилда хаттот Нур Муҳаммад Шайх Кабир ибн Шайх ‘Али томонидан кўчирилган. Ушбу асарлар наста‘лиқ хатида кўчирилган. «Табсират ал-адилла» ушбу қўлёзмада ўзининг тўлиқ ифодасини топмаган ва нечанчи йил ким томонидан кўчирилганлиги ҳам номаълумдир. Асар насх хатида ёзилган. У «Табсира»нинг бошқа нусхаларидаги каби:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله ذي الجلال والإكرام والصلوة على رسول محمد خير الأنام وعلى آله وأصحابه الكرام
قال الشيخ الإمام الأجل رئيس أهل السنة والجماعة سيف الحق والدين أبو المعين النسفي رحمه الله
عليه...

деган кириш сўзи билан бошланган. Қўлёзма саҳифасининг ҳажми 17,5x11,5 см.га эгадир. Асарнинг матни 12,5x7 см.га тенг бўлиб, ҳар бир варақ 21 қатордан иборат. Ушбу қўлёзма «Табсира»нинг нашри билан солиштирилганда, қўлёзмада асарнинг тўлиқ мавзуларидан айримлари танлаб жамланган. Қўлёзмада ҳар бир мавзуларнинг фаслларида айримлари берилган, холос. Шунинг учун ушбу қўлёзмани «Табсират ал-адилла»нинг тўлиқ холи эмас, балки унинг қисқаритилган шарҳи, деб ҳисоблаш мумкин.

Абу-л-Му‘инан-Насафийнинг «ат-Тамҳидли-қаво‘идат-тавҳид» («Тавҳид коидаларига муқаддима») номли асари ҳажм жиҳатидан «Табсира»дан кейин иккинчи ўринда туради. Қисқача «Тамҳид» деб аталадиган бу асарнинг 1986 йил араб тадқиқотчиси Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад томонидан Мисрнинг «Дор ат-Тиба‘ат ал-Муҳаммадийя» нашриётида илмий-танқидий таҳлили нашр этилган. Умумий 33 бобдан иборат бўлган ушбу асар «Табсира»нинг қисқартирилган шакли ҳисобланади. Асарнинг Туркия ва Мисрда бир қанча

қўлёзма нусхалари мавжуд [1, б. 67-69].

«Тамҳид» асарининг ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ҳам тўртта нодир қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Ушбу қўлёзмалар қуйидагилар:

1. Биринчи қўлёзма 177/III рақами билан сақланмоқда. Қўлёзма 47 варақдан иборат бўлиб, насх хатида 672/1274 йил кўчирилган. Хаттоти номаълум.
2. Иккинчи қўлёзма 8221/I рақами билан сақланмоқда. Қўлёзма 41 варақдан иборат бўлиб, 1181/1768 йил хаттот Йодгор Мирзо Қурбон томонидан Бухорода насх хатида кўчирилган.
3. Учинчи қўлёзма 3185/V рақами билан сақланмоқда. Қўлёзма жами 18 варақдан иборат бўлиб, 739/1339 йил наста'лиқ хатида кўчирилган. Хаттоти номаълум.
4. Тўртинчи қўлёзма 2521 рақами билан сақланмоқда. Қўлёзма 47 варақдан иборат. Афсуски, унинг қачон ва ким томонидан кўчирилганлиги номаълумдир.

«Тамҳид» ношири Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад ушбу қўлёзмаларни эътиборга олмаган. Ан-Насафийнинг «Тамҳид» асари «Табсира»нинг кириш қисми ёки фихристи шаклидаги асар ҳисобланади. Чунки боб ва фаслларнинг берилиши солиштирилса, улар орасидаги узвий ўхшашликни сезамиз. Фақат «Табсира»да улар мукамалроқ ифода этилган. Шу боисдан бўлса керак, Ҳусайн Отай «Тамҳид»ни «Табсира»нинг «Чўнтак китоби», деб атайди [3, б. 12]. Насафийнинг ушбу асарига Низом ад-дин Ҳусайн ибн 'Али ибн ал-Ҳажжож ас-Сифнокий «ат-Тасдид» номли шарҳ ёзган [4, в. 1^{а-б}]. Ас-Сифнокий ушбу асарини «Китоб ат-тасдид фи шарҳ ат-Тамҳид ли-Аби-л-Му'ин ан-Насафий» деб номлаган ва уни 706/1306-1307 йил ёзиб тугатган. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари Туркиянинг Rağır Paşa кутубхонасида 774 рақами билан ҳамда Beyazıt давлат кутубхонасида 3078 рақами билан сақланмоқда.

Туркиялик олим Ҳусайн Отай «Табсират ал-адилла» нашрининг кириш қисмида «Табсира» билан бир қаторда «Тамҳид»ни ҳам ривоят қилган олимлар шажарасини кўрсатиб ўтган [1, илова 4; 3; 2, б. 77].

Энди Абу-л-Му'иннинг бизга етиб келган учинчи асари, яъни «Баҳр ал-калом» («Калом илми уммони») асарининг қўлёзма манбалари ҳақида

маълумот берамиз. Абу-л-Му‘ин ан-Насафийнинг ушбу асари нашри ҳам бизнинг ихтиёримизда мавжуд бўлганлиги учун у ҳақида кенгрок маълумот бериш имкониятига эгамиз.

«Баҳр ал-калом» асари алломанинг учта катта китоблари орасида («Табсира», «Тамҳид», «Баҳр ал-калом») энг биринчи нашр эттирилган асар ҳисобланади. Ушбу асар илк бор 1886 йили Бағдодда тош босмада нашр эттирилган. Сўнгра асар Мисрда 1911 йил қайта нашр этилган.

Кейинчалик эса, ушбу асар икки маротаба турк тилига ҳам таржима қилиниб, нашр эттирилган [5, с. 5]. Лекин «Баҳр ал-калом» асарининг энг сўнги нашри 1997 йил араб тадқиқотчиси Валий ад-дин Муҳаммад Солих ал-Фарфур томонидан Дамашқда амалга оширилган. Тадқиқотчи ушбу нашрига ёзган кириш сўзида ан-Насафийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳамда «Баҳр ал-калом» асари ҳақида, шунингдек, калом илми тарихи ҳақида ҳам қисқача маълумотлар бериб ўтган.

Дунёнинг бир қанча кутубхоналарида «Баҳр ал-калом»нинг қўлёзма нусхалари сақланмоқда [1, с. 72-73]. Юртимизда ҳам, хусусан ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида ушбу асар билан бевосита боғлиқ бўлган учта нодир қўлёзма сақланмоқда.

Биринчи қўлёзма «Му‘тақадот» номи билан 4008/II рақамида, иккинчи қўлёзма «Рисолат ат-тайсир» номи билан 10370/I рақамида ва учинчи қўлёзма «Табсират ал-адилла» номи билан 4146/V рақамида сақланмоқда. Мазкур қўлёзмаларнинг дастлабки иккитасининг номларидан келиб чиқиб, тадқиқотчиларда ан-Насафийнинг шундай асарлари ҳам мавжуд, деган хулоса келиб чиқиши табиийдир. Лекин ушбу икки қўлёзма билан яқиндан танишиб чиқилганда, улар Насафийнинг «Баҳр ал-калом» асарининг ўзи эканлиги маълум бўлди [1, с. 73].

«Му‘тақадот» қўлёзмаси бир қанча асарларни ўз ичига олган мажму‘а ичидан ўрин олган. Қўлёзма китоби дастлаб «ал-‘Иқд ал-фарид фи назм ат-тажвид» асари билан бошланган. Ушбу асарнинг муаллифи Муҳаммад ибн Муҳаммад аш-Шариф ас-Самарқандийдир. Асар китобнинг 1-34^а варақларини ташкил этиб, жами 33 варақдан иборат. Мажмуадан ўрин олган учинчи асар Абу-л-Мунтаҳонинг «Шарҳ ал-фиқҳ ал-акбар» асари бўлиб, 1228/1813 йил кўчирилган. Асар китобнинг 86^а-109^б варақларини ташкил этиб, жами 23 варақдан иборат.

«Му‘тақадот» асари мажму‘адан ўрин олган иккинчи асар бўлиб, 34^б-85^б варақларини ташкил этади. Асар жами 52 варақдан иборат. Қоғоз ўлчами 14,5x21,5 см.га тенг. Қўлёзма 1165/1752 йил кўчирилган. Афсуски, хаттотнинг номи берилмаган. Қўлёзма насх хатида хунук тарзда кўчирилган бўлиб, баъзан матндаги нуқталар ҳам тушиб қолган. Шунинг учун ушбу қўлёзмани ўқиб тушуниш муайян қийинчиликлар келтириб чиқаради.

«Му‘тақадот» дастлабки варақининг юқори қисмида Абу Мансур ал-Мотуридийнинг илм ҳақида ҳикматли сўзи келтирилган. Афсуски, ушбу иборанинг маълум қисми қўлёзма қайта таъмирланаётганда ўчиб кетган.

Ҳикматли сўз қуйидагича бошланган:

قال الشيخ أبو منصور الماتريدي كل من خرج طالبا للعلم فقد ... كفايته لأن فرض طلب لزم المسلمين لأن ... الكتاب لزم منهم فإن قام بهذا ...

Нуқталар ўрнидаги сўзлар ўчиб кетганлиги учун ушбу иборани тушуниш мушқилдир.

Қўлёзманинг боши қуйидаги сўзлар билан бошланган:

الحمد لله ذي الجلال والكريم والصلاة والسلام على رسوله محمد خير الأنام وعلى آله وأصحابه الكرام قال الشيخ الإمام الأجل ورئيس الأئمة لسان الحق ولى النظم والبشر أبو المعين النسفي أعلموا إني اعتقد معرفة الله تعالى وتوحيده فأقول بأن الله تعالى واحد فرد قديم أزلي وانه حميد لا شريك له ولا شبه له ولا مثل له ولا شكل له ...

Маъноси: (Аллоҳ Таолога ҳамдлар айтилгач,) Имомлар раиси, ҳақиқат тили, башарият валиси Абу-л-Му‘ин ан-Насафий шундай дейди: Билингларики, мен Аллоҳнинг маърифатига ва ягоналигига эътиқод қиламан, ва шундай дейман: Албатта Аллоҳ азалдан бор бўлган якка-ягона зотдир. Шубҳасиз, унга шерик бўладиган, унингдек кучга эга ва унинг шаклига ўхшаш биронта зот йўқдир ...

Ушбу қўлёзма Абу-л-Му‘ин ан-Насафийнинг «Баҳр ал-калом» асари билан солиштирилганда, икки асарнинг бошланиши айнан бир хил эканлиги маълум бўлди. Лекин «Му‘тақадот»нинг сўнгги варақлари «Баҳр ал-калом»дан бироз фарқ қилади. «Баҳр ал-калом»нинг сўнгги бетлари

قال أهل النجوم: الشمس والقمر والنجوم في السماء الرابعة

деган сўзлар билан давом этади ва аҳли сунна ва-л-жамо‘а ҳамда аҳли тафсир олимларининг фикрлари Қуръони карим оятлари билан

тасдиқланган [6, б. 370].

«Му‘тақадот»да эса, юқоридаги матндан сўнг ‘Усмон (р.а.) ва Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.) каби саҳобалар ҳақидаги ривоятлар келтирилган [7, в. 85^а]. Ушбу ривоятлар «Баҳр ал-калом» нашрида келтирилмаган. Лекин икки асар тўлиқ таққослаб кўрилганда, «Му‘тақадот» қўлёзмаси Абу-л-Му‘ин ан-Насафийнинг «Баҳр ал-калом» асарининг айнан ўзи бўлиб чиқди. Демак, ушбу қўлёзманинг бундай номланиб қолганига сабаб, қўлёзма рўйхатга олинаётган вақтда у билан шуғулланган ходимлар уни қандай номланганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмаганлар. Шунинг учун ходимлар асарнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб уни «Му‘тақадот» деб номлаганликлари мумкин.

Хулоса қилиб, ушбу қўлёзманинг номи «Му‘тақадот» эмас, балки, айнан «Баҳр ал-калом» асарининг ўзи, деб айтиш мумкин. Чунки ан-Насафийнинг илмий мероси ҳақида хабар берувчи тарихий манбаларда унга «Му‘тақадот» номли асар тегишли экани ҳақидаги маълумотни учратмаймиз.

ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган иккинчи, «Рисолат ат-тайсир» қўлёзмаси «Му‘тақадот» қўлёзмасига нисбатан жуда чиройли наста‘лиқ хатида кўчирилган. Ушбу қўлёзма 1228/1813 йил хаттот Муҳаммад ал-Бухорий томонидан кўчирилган. Ушбу қўлёзма китоби ҳам ўз ичига бир қанча асарларни мужассам этган. Мажму‘адаги биринчи асар «Рисолат ат-тайсир»дир. Иккинчи асар ‘Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қори қаламига мансуб «Шарҳ рисола Жалол ад-Давоний фима садара мин Ибн ал-‘Арабий» номли асар бўлиб, у китобнинг 80^б-117^а варақларини ташкил этади. Учинчи асар форсий тилида ёзилган «Рисола дар байон аз калимат Баҳо’ ад-дин Нақшбанд» бўлиб, унинг муаллифи Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофизий ал-Бухорийдир. Асар 1232/1817 йил кўчирилган. Шунингдек, китобдан яна Имом А‘зам Абу Ҳанифа Ну‘мон ибн Собит қаламига мансуб икки асар ўрин олган. Булар «Васийат-нома» ҳамда «ал-Фикҳ ал-акбар» номли асарлардир. Ушбу қўлёзмалар мажму‘асидан ўрин олган асарларнинг хати бир хиллигидан ундаги барча асарлар битта хаттот томонидан кўчирилган, деган хулосага келиш мумкин.

«Рисолат ат-тайсир» қўлёзмаси ҳам «Баҳр ал-калом» нинг матни билан солиштирилганда, ушбу қўлёзма ҳам айнан «Баҳр ал-калом» асарининг ўзи эканлиги маълум бўлди. Фақат бу қўлёзма нима учун «Рисолат ат-тайсир» деб номланганлиги номаълумдир. Чунки қўлёзманинг дастлабки варақида

هذه الرسالة مسمى بالتيسير للإمام أبي المعين النسفي رحمه الله عليه

(Маъноси: Бу рисола Тайсир (енгил) деб номланиб, Имом Абу-л-Му‘ин ан-Насафийга тегишлидир), деган ибора мавжуддир [8, в. 1^а]. Ушбу матн қўлёзamani қўчирган хаттотнинг қаламига мансубдир. «Рисолат ат-тайсир» ўзбек тилида «Енгил рисола» деган маънони англатади. Балки Насафийнинг аввалги икки асарига («ат-Табсира» ва «ат-Тамҳид») нисбатан ушбу асар ҳажм жиҳатдан кичик бўлганлиги учун «Тайсир», яъни «енгилроқ» деган ном билан ҳам аталганлиги мумкин.

«Рисолат ат-тайсир» ҳам худди «Баҳр ал-калом» асаридаги жумлалар билан бошланади. Лекин ушбу қўлёзма 64 фаслдан ташкил топган. «Баҳр ал-калом» ношири Валий ад-дин Муҳаммад Солих ал-Фарфур эса, юқорида таъкидлаганимиздек, ўқувчига осон бўлиши учун нашрни фаслларга ажратишда ўзига хос йўл тутган. Шунинг учун нашр билан қўлёзма солиштирилганда, фасллар кетма-кетлиги ўртасида ихтилофлар учрайди. Лекин қўлёзмадаги матнлар тартиби айнан «Баҳр ал-калом» нашри билан бир хилдир. Қўлёзма билан «Баҳр ал-калом» нашри Куръондаги Зу-л-Қарнайн қиссаси билан яқунланган. Фақат «Баҳр ал-калом» нашрида Зу-л-Қарнайн ҳақидаги ривоят батафсилроқ баён этилган [Таққосланг: 6, б. 671-672 ва 8, в. 81^а].

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш мумкинки, Абу-л-Му‘ин ан-Насафий қаламига мансуб ушбу қўлёзма номаълум сабаблар билан «Рисолат ат-тайсир» деб номланиб қолган. Аслида ушбу қўлёзма алломанинг бизга маълум «Баҳр ал-калом» асарининг айнан ўзидир. Чунки худди «Му‘тақадот» каби «Рисолат ат-тайсир» номини ҳам ан-Насафий илмий мероси ҳақидаги маълумотлар келтирилган тарихий манбаларда учратмаймиз.

«Табсират ал-адилла» номли қўлёзмага келсак, ушбу қўлёзманинг ҳажми «Табсира»нинг юқорида маълумот берилган бошқа тўлиқ ҳолдаги икки қўлёзмаларига нисбатан анча кам эканлиги боис нашр билан таққослашга ҳаракат қилдик. Лекин қўлёзма текширилганда, ан-Насафийнинг «Баҳр ал-калом» асари эканлиги маълум бўлди [8, в. 1^б, 79^а; 9, в. 81^а, 110^а]. Мазкур қўлёзма 4146/V рақами остидаги мажму‘а таркибида келтирилган. Ушбу мажму‘ада каломга оид бир қанча асарлар бирлаштирилган. Лекин китобда «Табсира» атиги 61 варақни ташкил этган, холос. Қўлёзма варақининг ҳажми 14x24,5 см.га ва матннинг ҳажми эса 8x18 см.га тенгдир. Ҳар бир саҳифадаги

матнлар 23 қатордан иборат. Шунингдек, ушбу қўлёзма мажму‘асидан калом илмига оид «Тухфат ал-мутакаллимин» ва «Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар» каби асарларнинг ҳам нодир қўлёзма нусхалари ўрин олган. «Табсира» нинг ушбу қўлёзма нусхаси насх хатида ёзилган бўлиб, 1231/1816 йили Рамазон ойининг тўққизинчи, жума кунида хаттот Муҳаммад Низом ад-дин Мирзо ‘Азиз-хон томонидан тугалланган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бизни ажаблантирган нарса шундаки, ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида айнан «Баҳр ал-калом» номли қўлёзма йўқдир. Аксинча, ушбу асарнинг учта нусхаси ҳам турли номлар билан аталган. 4146 рақамли қўлёзма нусхаси ҳам худди «Рисолат ат-тайсир» нусхасидаги каби қўлёзма хаттоти томонидан «Табсират ал-адилла» деб аталган. Хаттот асарни куйидаги сўзлар билан тугаллаган:

«Аллоҳнинг инояти ила Сайф ал-Ҳаққ Абу-л-Му‘ин ан-Насафий қаламига мансуб «Табсират ал-адилла» асари Аллоҳнинг фақир қули Мирзо ‘Азиз-хон томонидан ёзиб тугалланди ...» [9, в. 110^а].

Бу ерда нима учун «Баҳр ал-калом» асари уч хил ном билан келган, деган савол туғилиши табиий. Бизнинг фикримизча, юқоридаги «Рисолат ат-тайсир» ва «Табсират ал-адилла» хаттотлари фойдаланган қўлёзма ҳам «Баҳр ал-калом» деб номланмаган. Шу сабабли хаттотлар уни ан-Насафийнинг шоҳ асари «Табсира» билан қиёслаганлар. Шу тариқа «Рисолат ат-тайсир» хаттоти ўз қўлёзмасини матннинг «Табсира»дан анча кам ва енгил бўлгани учун «Рисолат ат-тайсир», яъни «Енгиллаштирилган рисола» деб номлаган бўлиши мумкин. Иккинчи хаттот эса, қўлёзмани «Табсира»нинг қисқартирилган шакли, деган тахминга бориб, уни «Табсират ал-адилла» деб номлаган. Шунингдек, Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асарининг Мисрда сақланаётган 4406 (301) рақамли қўлёзма нусхасида алломанинг «Табсират ал-адилла» асарида ташқари яна «ат-Табсира фи ‘илм ал-калом» номли бошқа асари ҳам мавжуддир, деган маълумотни учратамиз [10, в. 2^а]. Ушбу маълумотдан биз «Баҳр ал-калом» асари «ат-Табсира фи ‘илм ал-калом» деб ҳам номланган бўлиши мумкин, деган хулосага келишимиз мумкин.

«Баҳр» деган сўз денгиз, уммон каби маъноларни англатади ва илм аҳли ўз асарларининг тўлиқ ҳолатда эканига далолат бериб мажозий маънода ушбу сўз билан асарларини номлаганлар (Ушбу номдаги кўплаб асарларни

мисол келтириш мумкин: масалан: Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг «Бахр ал-‘улум» номли тафсири). Демак, бу ерда «Бахр ал-калом» ва «Рисолат ат-тайсир» («Енгил рисола») номлари маъно жиҳатидан бир-бирига қарши бўлиб қолмоқда. Насафийнинг машхур уч асарлари номларига ва уларнинг ўзагига аҳамият берсак (масалан: «Табсира», «Тамҳид», «Тайсир»), «Рисолат ат-тайсир» номи «Бахр ал-калом» номига нисбатан алломанинг юқоридаги икки машхур асарларининг номига яқинроқдир. Чунки ан-Насафий ҳар бир асарини номлаганда иккинчи боб феълининг масдаридан фойдаланганига гувоҳ бўлаемиз. Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, алломанинг ушбу асари аслида «Рисолат ат-тайсир» деб номланган бўлиши мумкин ва кейинги даврларда ушбу асар тадқиқотчилар томонидан мазмун-моҳиятига қараб юқоридаги бир қанча номлар билан аталган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Адабиётлар:

1. Оқилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти. Монография. Тошкент: «Муҳаррир» нашриёти, 2008.
2. M. Sait Özervarlı. *Ebu'l-Mu'in en-Nesefi'ye ait Tebsiretü'l-edille'nin Maynakları* (yüksek lisans tezi). İstanbul, 1988.
3. Ebu'l-Mu'in en-Nesefi. *Tabsiratü'l-Edille fi Usûli'd-Dîn*. Nşr. Hüseyin Atay- Şaban Ali Düzgün. Ankara: Diyanet İşleri Başkanlığı Yayınları, 2004.
4. Табсират ал-адилла. Қўлёзма. Истанбул: Фотиҳ кутубхонаси. Инв. 2907.
5. Mustafa Sait Yazıcıoğlu. *Maturidi ve Nesefîye Göre İnsan Hürriyeti Kavramı*. İstanbul: MEB Yayınları, 1992.
6. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Бахр ал-калом / Валий ад-дин Муҳаммад Солиҳ ал-Фарфур нашри. Дамашқ: Мактабат Дор ал-фарфур, 1997.
7. Му‘тақадот. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ. Инв. № 4008/II.
8. Рисолат ат-тайсир. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ. Инв. № 10370/I.
9. Табсират ал-адилла. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ. Инв. № 4146/V.
10. Табсират ал-адилла. Қўлёзма. Қоҳира: ал-Азҳар кутубхонаси. Инв. № 4406 (301).

ИМОМ БУХОРИЙ АСАРЛАРИ ВА УЛАРГА ОИД МУМТОЗ ШАРҲ, ҲОШИЯЛАР, ТАДҚИҚОТЛАР, ЗАМОНАВИЙ НАШРЛАРНИ КАТАЛОГЛАШТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Саховат Абдуқодировна Захидова*

Минтақамиз, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудуди жаҳон маданиятининг илк ўчоқларидан бири сифатида қадимдан турли ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, диний-фалсафий алоқалар содир бўлган ва мунтазам ўзгариб, шаклланиб, ривожланиб, тараққий этиб келган марказий ҳудудлардан бири сифатида катта ва бой тарихга, турли ёзувлар, қадимги битиклар, ноёб қўлёзма асарлар шу даражада бойки, уларни тарихийлик принципи асосида синчиклаб ўрганиш, ҳолисона тадқиқ этиш бой маданий меросимизни нафақат шунчаки асраб-авайлашга эмас, балки келажак авлодни ўз она ватани тарихини тўғри тушуниб етишида, англашида катта масъулият ҳам юклайди.

Бу борада президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йил 24 май куни «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори [1] қўлёзмалар фонди ва улар билан ишлашни қайта такомиллаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар учун ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қадимий қўлёзмалар, тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган бошқа ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш, илмий асосда тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш бўйича мамлакатимиздаги етакчи илмий-

* Ўзбекистон миллий университети Тарих факультети «Манбашунослик ва архившунослик» кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

тадқиқот муассасаси эканлиги, унинг асосий вазифаси фондларни сақлаш ва аҳоли қўлида сақланаётган қўлёзма ва бошқа турдаги ёзма ёдгорликларни харид қилиш, тўплаш ҳисобидан ўз фондини янада бойитиш, ўрта асрлар Марказий Осиё ҳудудидан етишиб чиққан аллома ва мутафаккирларнинг илм-фаннинг аниқ, табиий, гуманитар соҳалари ва ислом илмлари бўйича яратган асарлари тадқиқини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, ҳамда уларни асл матн ва илмий изоҳли таржима шаклида нашр этиб, таълим-тарбия жараёнига жорий этиш ва илмий муомалага киритиш ишларига алоҳида урғу берилган.

Шу билан бирга турдош олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўлёзма манбалар билан ишлаш малакасига эга ёш мутахассисларни тайёрлаш, хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи, ривожланиш босқичлари, ҳозирги кунда ушбу давлатларда кечаётган сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларни уларнинг Ўзбекистон Республикаси билан икки томонлама ва қўп томонлама муносабатлари нуктаи назаридан ўрганиш борасидаги илмий тадқиқотлар қўламини янада кенгайтириш борасидаги вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Дунё миқёсида қўлёзмаларни сақлаш ва реставрация қилишга бўлган эътиборнинг тобора ортиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, қарорда Институт ва унга бириктирилган илмий-тадқиқот марказларининг фондларини фото ва реставрация лабораториялари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ана шу Қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан, ҳамда мамлакатимиз етакчи қўлёзма фондларида сақланиб келинаётган нодир қўлёзма ва тошбосма асарларнинг муҳофазасини таъминлаш масаласида уларни турли шаклларда каталоглаштириб, илмий жамоъатчиликка, оммага ҳавола этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу вазифаларни амалга оширишда уларни қуйидаги тартибда каталоглаштириш мумкинлиги ҳақида ўз тавсияларимизни берамиз:

Биринчидан, бизнинг фикримизча, Имом Бухорий асарларини каталоглаштиришда бизда, шу жумладан Ўзбекистондаги СВР (Шарқ қўлёзмалари тўплами) каталоглаштириш ғояси, принципларидан воз кечмаган ҳолда, мутлақо янги каталоглаштиришга ўтиш вақти келган, объектив ва тарихий заруриятдир.

1. Ҳадисларни тил, ёзувларига кўра каталоглаштириш (араб, форс ва туркий тилдаги ва ш.к.);
2. Ҳадисларни мавзулари ва йўналишларига кўра каталоглаштириш;

3. Ҳадисларни шарҳлар, ҳошияларига кўра каталоглаштириш.

Иккинчидан, Имом Бухорий асарларига бағишланган анъанавий, исломий, тарихий, диний-фалсафий, тасаввуфий-ирфоний ҳадис тадқиқотлари каталогларини яратиш:

1. Энг эски (қадимги) филологик-луғатшунослик ҳадислар тадқиқотлари.
2. Ўқув-услубий ўрганиш, таълими-таҳсилга мўлжалланган йўл-йўриқнома характеридаги ҳадислар тадқиқотлари.
3. Тарихий-нақлий ҳадислар тадқиқотлари.
4. Тарихий-фалсафий, мантиқий тадқиқотлар.
5. Жуғрофий ва илмий ҳайъа мавзуларидаги ҳадислар тадқиқотлари.
6. Бади‘ийат илми мавзуларидаги ҳадислар тадқиқотлари – Балоғат, Исти‘ора, Му‘аммо санъатларига бағишланган тадқиқотлар.
7. Табиат ҳодисалари, тирик организмлар (ўсимликлар барглари, гуллардаги ёки ҳайвонлар кураги, териси-қўй, тошбақа қопламаларидаги Куръони карим оятлари, ҳадиси шарифларга оид тадқиқотлар).
8. Турли халқ, миллатларнинг ислом, шари‘атнинг вужудга келиши, тараққий этиши, ривожланиши борасидаги роли, аҳамияти, таъсирлари борасидаги ҳадислар тадқиқотлари.
9. Имом Бухорий асарларидаги ҳаёт, хўжалик соҳалари бўйича ҳадислар тадқиқотлари.
10. Имом Бухорий ҳадислари ғоя, асарларининг инсоният тарихий тақдиридаги ўрни, аҳамияти таъсирларига оид тадқиқотлар.

Учинчидан, Имом Бухорий асарларининг илмий исломшунослик нуқтаи-назаридан Ғарбий Оврупо тилларидаги мактаб, уюшмалар, нашрлар тадқиқотлари.

Тўртинчидан, Имом Бухорий асарлари, шарҳлари, ҳошияларининг электрон, ахборотий ва коммуникацион версиялари каталогларини яратиш.

Шунингдек, каталог ва кўрсаткичларни қуйидаги йўналишларга кўра ҳам яратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Ҳадислар бўйича шахсий, вақф ва давлат фондлари каталоглари (давлатлар, мамлакатлар, минтақалар бўйича каталоглар).
2. Ҳадислар бўйича Халқаро каталоглар (дунё бўйича, минтақалар,

- алохида мамлакатлар бўйича).
3. Ҳадислар акс эттирилган эпитафик, эпитафик, каллиграфик, нумизматик объектлардаги ҳадислар тадқиқотлар каталоги.
 4. Ҳадисларга бағишланган қомуслар, хрестоматиялар, кўрсаткичлар (Index; Глоссарий ва ҳ.к.).
 5. Журналлар, мажму‘алар, тўпламларда ифодаланган ҳадислар каталоги.
 6. Берест усули, Типография, Тошбосма, Литография, электрон версиялар шаклларидаги ҳадис нашрлари каталоглари.

Биз юқорида таклиф этаётган янгича каталоглаш, ғоя, принциплари – Имом Бухорийнинг фақат ҳадис мероси ўзи бўйича ахборот ҳажмининг беҳад ортиб кетаётганлиги, эҳтимолки, яна ҳам оғирроқ ахборот-коммуникация вазияти пайдо бўлиши мумкинлиги, ана шунлай йўл тутилмаса бўлмаслиги, қутилмаган вазиятларга ҳозир туриш ва ҳадиси шариф тадқиқотларига оид каталогларнинг доимий юксак мавқеида бўлишига эришишни кўзда тутди.

Адабиёт:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли Қарори. Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: http://www.lex.uz/Pages/GetPage.aspx?lact_id=3211987. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 25 май сони.

ИСЛОМ ТАМАДДУНИ ЧИРОҚЛАРИ

Абдусаттор Кенжаевич Жуманазар*

Билиг хулқни зийнатлайди.

Маърифат, шахс тарбияси бугуннинг мураккаб муаммосига айланди. Бу ижтимоий воқелик барча замонларда жамиятнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Интернет тармоқлари ер куррасини ўргимчак тўридай буткул қамраб олган ҳозирги ҳаётда бу муаммонинг залвори тобора ошиб бормоқда, хатарли тус олаётган жиҳатлари ҳам намоён бўлаётир.

Шахс ҳамда жамият маърифатини шакллантирадиган масканлар азалдан албатта, ўқув-таълим даргоҳлари эди. Юнон муаррихи Страбон жуда кўхна замонларда, милоддан анча илгари Турон юртини «Минг шаҳар ўлкаси», деб таърифлаган экан. Бухоро, Самарқанд, Насаф, Кеш ва Ўқуз ҳамда Яксарт дарёлари атрофидаги бошқа шаҳарларнинг маданий-маърифий ҳаётини ўрганаётиб, Страбоннинг машҳур таърифини ўзгача шаклда кўрдик. Қутилмаганда кўз ўнгимизда узоқ ўтмиш қаъридан «Минг мадраса ўлкаси» бўй кўрсатди. Юртимиздаги мадрасалар тарихи 1200 йил наридаги ижтимоий воқеаларга бориб туташиди. Уларнинг айримлари ҳақиқий олий ўқув юртлари – ўз даврининг университетлари эди. Бу илм даргоҳларида Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Муҳаммад ибн Исмо‘ил ал-Бухорий, Абу ‘Исо ат-Термизий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Йўгнакий, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Нажм ад-дин ‘Умар ан-Насафий, Бурҳон ад-дин Марғиноний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари жаҳонга доврўғи кетган кўплаб алломалар ва ижодкорлар ўқиган, камол топган.

Мадрасалар маърифат масканлари бўлиши билан бирга Турон худудида сақланиб қолган барча қадимий тарихий меъморий ёдгорликларнинг

* Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими

салмоқли қисмини ташкил этади. Ҳар йили минглаб хорижлик сайёҳлар уларни кўриш, ўзбекнинг кўҳна замонларга уланиб кетган миллий маданияти, маърифатидан баҳраманд бўлиш илинжида Ўзбекистонга келади. Мадрасалар тарихи, улардан ёдгорлик бўлиб турган сирли обидалар миллатни ўз ўтмиши, аждодлари бунёд этган маданият ва маърифат билан тез ҳамда осон таништиради, инсоний қадриятлар негизини аниқлаш ва англашга беминнат кўмаклашади.

Дунёнинг нуфузли кутубхоналари ва Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган минглаб жилдлардан иборат китобларнинг оламга келишини ҳам шу мадрасалар фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Айрим хорижий тадқиқотчилар Бухоро, Самарқанд каби йирик шаҳарларда ўрта асрларда мавжуд бўлган мадрасалар тарихи ҳақида илмий маълумотлар етарли эмаслигидан қуйинишади. Германиялик шарқшунос профессор Анке фон Кюгельген хоним мужаддибия-нақшбандия тариқати вакилларининг Бухоро хонлигидаги фаолияти ҳақида сўз юритиб: «Ўқув таълим муассасаларининг қанчалиги тўғрисида аниқ ахборотга эга эмасмиз ва таълим дастуридан мутлақо беҳабармиз. Ханьков мадрасада ўқитиладиган юздан ортиқ китоб номини келтиради. Бошқаларини талабалар мустақил ўрганиши лозим эди. Шарқшунос Демезон [1, с. 35: П.И. Демезон Русия давлати айғоқчиси эди. Ўрта Осиё хонликлари тўғрисида маълумот йиғиш учун Оренбург ҳарбий губернатори В.А. Перовскийнинг махсус топшириғи билан Бухорога келади. «Татаристонлик мулла» ниқоби остида тўрт ой Бухорода яшайди ва мадрасалардан бирига йигирма кундан кўпроқ қатнайди] 1834 йили мадрасаларнинг биридаги ўқув жараёнида бир ойдан ошиқ иштирок этади ва ўнга яқин муаллиф ҳамда китоб номини санаб ўтади», – деб ёзади [2, р. 149].

Иш жараёнида аҳвол айнан Анке фон Кюгельген хоним айтганидай экани маълум бўлди. Масалага ойдинлик киритиш учун ушбу мақоламизда фақат Бухоро худуди билан чекландик. Хива, Самарқанд, Насаф, Кеш, Тошкент, Қўқон каби шаҳарлар маърифий ҳаёти тарихи ҳам ундан кўп фарқ қилмаган.

Бухоро мадрасалари фаолияти тарихига оид махсус тизимга солинган маълумотлар XX асрнинг биринчи чорагидаёқ пайдо бўла бошлаган экан. ‘Абду Ра’уф Фитрат [3, с. 169-179], Муҳаммад-Шариф махдум Садр-и Зиё [4], Садр ад-дин ‘Айний [5; 6], Муҳаммад ‘Али Балжувоний [7], Саййид

Мансур ‘Олимий [8] каби муаллифлар асарларида Бухоро мадрасалари ҳақида қимматли маълумотлар берилади. Лекин улардаги барча ахборотлар бирлаштирилганида ҳам мавзунинг кўп қисми, айниқса, таълим тизими тарихи қоронғилигича қолаверади.

Шўролар даврида мадрасалар таълими тарихини тадқиқ этиш масаласи амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қаторига мутлақо киритилмаган экан. Балки, кимдир мустақил шу ишни қилгандир. Аммо мавзуни ўрганишни бошлаганимизда ва ҳозиргача ҳам бундай ишга дуч келмадик. Пўлатжон Аминовнинг 1950–1970 йилларда Бухоро мадрасалари тарихига доир тўплаган маълумотларини топдик. Уларни аҳамияти жиҳатидан юқорида номлари келтирилган муаллифлар ишларига қўшиш мумкин. Лекин Пўлатжон Аминовнинг ахборотлари тартибсиз, турли саҳифаларга сочилиб, аралашиб ётибди. Ишда аниқ қоида ва изчиллик йўқ. Иш тадқиқот бошланғич босқичнинг қуйи ҳолатида қолган. Шунга қарамай, бугунги тадқиқотчига уларнинг фойдаси тегади.

* * *

Шўролар даврида Л.Ю. Маньковская [9], Г.А. Жўраева [10; 11], А. Муҳаммаджанов [12], К. Ҳошимов, С. Нишонова, М. Иномова, Р. Ҳасанов, И. Ҳусанхўжаев [13; 14; 15] сингари яна бир қанча муаллифлар тадқиқотларида Бухоро мадрасаларига оид маълумотлар келтирилади. Бироқ улар ҳам ўқувчига Бухоро мадрасалари тарихи ё таълим тизими тўғрисида қониқарли илмий тасаввур бера олмайди. Аксинча, ўқувчига тақдим қилинаётган баъзи маълумотлар муаллифнинг мавзудан буткул беҳабарлигини очик кўрсатиб туради.

К. Ҳошимов, С. Нишонова, М. Иномова, Р. Ҳасанов ҳаммуаллифлигида олий ўқув юртлари ва университетлар талабалари учун ўқув қўлланма тарзида ёзилган «Педагогика тарихи» асарида Туркистон минтақаси олий таълим тизими ҳақида деярли маълумот учрамайди. Ушбу қўлланманинг К. Ҳошимов ва Р. Ҳасанов тайёрлаган «Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиёти» мақоласида факат: «Асримиз бошларига келиб Туркистон ўлкасидаги йирик марказий шаҳарларда қуйидаги мадрасалар: Бухорода – 80, Қўқонда – 40, Самарқандда – 22, Марғилонда – 28, Тошкентда – 17, Хива хонлигида 130 мадраса мавжуд бўлиб, уларда 400 дан 5000 тагача талаба таҳсил олар эди» [14, с. 242], – деган ахборотни кўраимиз.

Бу шўровий ва рус олимларининг жуда умумий, эскириб кетган гапидир. Ҳақиқий тарихий воқелик билан сира мос келмайди. Мазкур маълумотлар яқин йилларгача олий ўқув юртлари талабаларига ўқитилаётганди.

«Педагогика тарихи» туркумидаги асарларнинг қарийб барчаси баъзи жиҳатлари билан фаркланиб турмаса, мазмуни деярли жуда ўхшаш бўлиб чиқди [15, с. 115]. Уларда мадрасалар ва таълим тизими тарихига оид берилаётган маълумотлар замон талаби у ёқда турсин, оддий ҳақиқатга ҳам жавоб бера олмайдиган ҳолатдадир!

Шўролар салтанати кулаганидан кейинги даврларда бу соҳага қизиқиш пайдо бўлгани сезилади. Ботур Валихўжаев [16], Ашраф Аҳмедов [17], М. Исмоилов, Қ. Ражабов [18; 19], С. Шодмонова [20], А. Қодиров, Э. Орифжонов [21], Р. Шамсутдинов, Б. Расулов [22], Г. Солижонова [23], Д. Зиёева [24], Ф. Бобожонова [25; 26; 27], З. Халилованинг [28] бу борада амалга оширган ишлари ҳам [29] ўтмишда юртимизда мавжуд бўлган ўқув-таълим жараёнига тадқиқотчилар қизиқишининг ортганини кўрсатади.

Тадқиқот чоғида хорижлик тадқиқотчилар ишларида худди биздаги манзара такрорланди. У тарафларда ҳам Туркистон таълим тизими ва мадрасалари тарихининг айрим жиҳатлари ё баъзи мадрасалар фаолияти тарихигина қисқача ўрганилган экан.

* * *

«Мужаддибия-нақшбандия тариқати вакилларининг Бухоро хонлиги маърифий ҳаётида тутган ўрни» мавзусида иш бошлаганимизда биз ҳам ўтмишда мамлакатимизда фаолият юритган таълим тизими ва мадрасалар тарихига оид маълумотлар танқислигига тўқнаш келдик. Бухоронинг ўрта асрлардаги маърифий ҳаёти, ундаги олий ўқув юртлари тарихи ва таълим тизимига доир етарлича тасаввурга эга бўлмасдан бу ишни бажариб бўлмасди.

Шу сабабдан зарур ахборотларни бирламчи қўлёзма манбалардан кидиришга киришдик. Йиғилган маълумотлардан юртимиздаги таълим тизими ва мадрасалар тарихига оид ҳайратланарли аниқ манзара ҳосил бўлди. Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги туманларда 1200 йил оралиғида фаолият юритган 324 мадраса ҳақида тарихий маълумот йиғилди.

Таълим соҳаси қатъий низомга асосланган мукамал маъмурий бошқарув ва моддий таъминот тизими орқали бошқариб борилган экан. Уни қисқачина ифодалашга уринамиз [30, с. 54-140].

Ўқув муассасалари низоми

Вақф мулкига эга бўлган барча мадрасаларда қонуний белгиланган низом асосида иш юритилар эди. Вақф ҳужжатига доир, масалан, «Кўкалдош мадрасаси вақф ҳужжатида шарт қилинган» каби бирор матнни айнан бугунги тилда ифодалаш зарур бўлса, «Кўкалдош олий ўқув юрти таъсис ҳужжати низомида кўрсатилган» тарзида ёзилса асло хато бўлмайди. Қадимий вақф ҳужжатларини кўриб, бугунги кунда янги корхоналар ташкил қилишни расмийлаштириш жараёнлари мамлакатимизда сал кам 1300 йилдан буён амалда эканига амин бўласиз. Бу мадрасалар фаолиятида аниқроқ кўринади.

Мукамал вақф ҳужжати – ҳамд; вақф қилувчи ва вақф мулкани қабул қилувчи (мадраса) ҳақида маълумот; вақф мулклари рўйхати ва қўшимча ахборотлар; вазифадорларни тайинлаш ва вақф мулқидан улуш тақсмоти; алоҳида турли шартлар; ҳужжатни тасдиқлаш қисмларидан иборат қилиб тузилиши асрлар давомида анъанавий қоида эди. Кейинчалик ҳужжат низомида кўрсатилган тартибни ҳеч ким ўзгартира олмаган.

Битта мадрасага турли даврларда бошқа воқифлар томонидан ҳам вақф мулклари ажратилган ҳолатлар кўп учрайди. У вақф мулкига эга бўлаётган мазкур ўқув муассасасининг иккинчи қўшимча низомига айланади. Уларда биринчи низом тартибига ҳалақит берадиган ё зид келадиган бирор жиҳатни кўрмадик, аксинча, уни қувватлайди. Қарийб барча қурилиши қадимийроқ мадрасалар фаолиятида шундай ҳолат кузатилади. Баъзи мадрасаларнинг ўнга яқин алоҳида вақф ҳужжатлари бўлиши мумкин. Бундай вазиятда, айниқса, у ҳужжатларнинг бир қисми йўқолган бўлса, ўша мадраса фаолияти тарихини ёритиш анча қийинлашади.

Маъмурий бошқарув

Тизимнинг бош бўғини. Бошқарувнинг тепасида мамлакат ҳукмдори – хон ё амир турган. Йирик вақфли ҳужжатлар кўпинча уларнинг муҳри билан тасдиқланган.

Иккинчи олий бўғин. Қози – таълим тизими назоратининг муҳим ва асосий бўғини эди. Таълим тизими жараёнини мунтазам кузатиб бориш унинг зиммасида бўлган. Мир Муҳаммад Фузайл [31], Мир Абу-л-Ҳасан ибн ‘Исом ад-дин [32; 33], ‘Абдушукур ибн ‘Абдурасул [34], ‘Абдуҳамид ибн Боқи-Муҳаммад [35], Мир Садр ад-дин [36], Мир Бадр ад-дин ибн Садр

ад-дин [37; 38] каби қози ал-қузот мансабида ишлаган шахслар мухрлари ҳужжатларда кўп учрайди.

Таълим тизимига доир барча турдаги ҳужжатлар олий ҳукмдор эътиборига қози ал-қузот орқали тақдим қилинган. Бу вазифа Бухоро тумани ва бошқа вилоятлар қозилари фаолиятининг ҳам муҳим бўлаги эди.

Садр. Бухоро шаҳри ва унинг атрофида бир фарсах (7-9 км) масофада жойлашган вақф мулклари бошқарувидаги муаммоларни ҳал этишга масъул эди. Шаҳар ҳудудига кирувчи ўқув даргоҳларининг иктисодий фаолиятини ҳам у тафтиш қилиб турарди. Турли ҳужжатларда садрлар мухрлари ҳам учрайди [39].

Судур. Бухоро шаҳри бошқарувидан ташқаридаги мадрасалар фаолиятида садрлар сингари вазифаларни бажарарди.

Олимлар ясавули. Бошқарувнинг юқори бўғинларига расмий мурожаат хати ёзиб, мамлакатда ўқув мавсумининг бошланиши ва якунланаётгани, мадрасаларда мударрисларнинг бошқа мансабга ўтиши, бўш қолган дарс ўринларига ўқитувчиларни тайинлаш ишларидан қози ва олий ҳукмдорни хабардор қилиб турган [40].

Мутавалли. Ўқув даргоҳи моддий таъминоти ва ўқиш жараёнини бошқарарди. Тасарруфидаги ўқув даргоҳи ҳамда таълим соҳасига алоқадор ҳокимият амалдорлари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар у орқали амалга ошарди. Мадраса мутаваллиси ҳужжатда белгиланган низом асосида тайинланган ва унинг меҳнат ҳақи аниқ белгилаб қўйилган.

Шўролар салтанати ўрнатилиши ва мамлакатда янги таълим тартиби жорий қилиниши туфайли бу мансаб ҳам бошқалари қаторида барҳам топди.

Ўқув тизими вазифадорлари

Мударрис. Талабаларга дарс берган. Таълим даргоҳи низомида иш куни ва меҳнат ҳақи, ўқитадиган фанлар йўналиши аниқ белгилаб қўйилган. Талабаларнинг фанларни ўзлаштириши, аҳволи, хулқ-атворидан мутаваллини хабардор қилиб турган.

Яшаш жойи бўлмаган мударрисга мадраса ҳужраларидан ўрин ажратиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Талаба. Таълим соҳасининг энг кўп вакиллари эди. Мадрасалар худди шу тоифага қулай шарт-шароитлар яратиш учун ташкил қилинарди. Улар яшashi учун маблағ, жой, баъзи ҳолларда бошқа ёрдамчи рағбатлар билан

таъминланган. Талаба ношаръий ишлар билан машғул бўлса, ахлоқида нуқсонлар сезилса, узрли сабабсиз икки ойу ўн кун машғулотни тарк этса, ўқув фаолиятдан четлатилган.

Талабалар имтихонлардан ўтказиб турилган. Манбаларда бу тадбир кечган жараён тасвирланган маълумот ҳозирча учрамади. Бироқ талабаларнинг куйи (адно), ўрта (авсат) ва олий гуруҳларга ажратилиши мадрасаларда имтихонлар бўлганига шубҳа қолдирмайди. Гавкушон, Хожа Муҳаммад Порсо мадрасаларига оид ҳужжатларда талабалар гуруҳларга ажратилгани ҳақида маълумотлар сақланб қолган. Олий тоифадаги мадрасалардагина талабалар шундай гуруҳларга ажратилган. Гуруҳларнинг илмий даражалари фарқ қилган. Уларни зоҳиран бугунги махсус касб-хунар коллежи талабаси, бакалавр ва магистрлик даражасига қиёсласа бўлади.

Манший хизмат вазифадорлари

Мадраса масжиди имоми. Белгиланган тартибда мадрасадаги ибодат талабаларини адо этган ва хизматига низомда кўрсатилган тартиб бўйича ҳақ олган.

Муаззин. Азон айтган ва хизматига ҳақ олган.

Сартарош. Одатда ҳафтасига бир марта келиб вазифасини бажарган.

Фаррош. Тозаликка масъул эди. Таҳоратхона хизматлари ҳам унинг зиммасига юкланган.

Мешкобчи. Худудиди ариқ ё қудуқ бўлмаган мадрасаларни ичимлик ва таҳорат суви билан таъминлаган.

Моддий таъминот тизими

Вақф мулклари. Бухоро мадрасалари моддий таъминоти асоси вақф мулклари эди. Шахс мулки вақфга айлантирилиши мумкин. Вақф – ижтимоий моҳиятига кўра мулкдир. Кимдир уни вақфга айлантиргунча у ўша одамга тегишли эди. Вақф қилинган, у муассаса мулкига айланади. У давлат бошқаруви тасарруфи доирасидадир, унинг иқтисодий қонунларига бўйсунди. Давлатнинг унга мулк сифатида муносабати деярли ўзгаришсиз қолаверади. Хусусий мулк эгаси жамиятнинг ҳуқуқий қонун-қоидалари бўйича қандай солиқлар тўлаб келган бўлса, у вақф мулкига айланганидан кейин ҳам ундан шарият қонунларига кўра солиқ ундирилган. Бундай ҳодиса Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз мадрасалари, масжидлари вақф мулклари билан

бўлган давлат муносабатларида яққол кўзга ташланади. Хужжатлар орасида масжид, мадрасалар вақф мулкларидан ‘ушр (ўндан бир) ва ним ‘ушр (ўндан бирнинг ярми) солиғи олингани тўғрисида етарлича маълумотлар мавжуддир [41]. Кичик вақф мулкларида солиққа тортилиш даражасида маблағ ҳосил бўлмаса, улардан солиқ ундирилмаган.

Давлат таъминоти. Бухоро шаҳри мадрасалари орасида вақфсизлари ҳам бор эди. Мирзо Бади‘ девоннинг таъкидлашича, ‘ушр солиғи мақсадли равишда, асосан, фақир ва мискинлар манфаати учун йиғилган ҳамда уларга берилган экан [42, с. 53]. Садр раис мулла Мир Бадр ад-дин олий ҳукмдорга ёзган арзномаларидан бирида ‘Абдушукур-бой қурдирган чўбин мадрасасида таълим олаётган талабалар даҳяк (‘ушр) тушумидан нафақа олиши таъкидланади [43]. Бой мадрасалардан олинадиган ‘ушр солиғи Бухорода таълим тизими моддий таъминотини тартибга солиб туришнинг асосий таянчи эди. Ҳижрий 1293 йили (1876) расмийлаштирилган ҳужжатда солиқ олинувчи мадрасалар рўйхати ва улардан ундириладиган солиқлар миқдори келтирилади [44: Олий давлатхонага тааллуқли мадрасалар номлари].

Тухфалар. Айрим кишилар вақти-вақти билан ўзи қурдирган мадрасага тухфалар бериб турган, мударрис ва илғор талабаларни моддий жиҳатдан тақдирлаган. Бошқа фуқаролар томонидан ҳам ўқув ишлари соҳасига узлуксиз ҳар хил ҳадия ва тухфалар берилган. Айниқса, рамазон ойи ва қурбон ҳайити кунлари саховат ва эҳсон эшиклари ланг очилиб кетарди. Таъминотнинг бу тури ҳужжатлаштириш мақомидаги ижтимоий жараён эмасди.

Гоҳида мамлакатнинг олий раҳбарияти томонидан илм аҳлини рағбатлантирувчи мукофотлар ажратилиб турган. Темурий Шохрух мирзо, Мирзо Улуғбек, Абу-л-Қосим Бобур, Султон Ҳусайн Бойқаро, шайбоний ‘Убайдуллаҳ-хон, ‘Абд ал-‘Азиз-хон ибн ‘Убайдуллаҳ-хон, ‘Абдуллаҳ-хон ибн Искандар-хон, аштархоний Боқи Муҳаммад-хон, Имомқули-хон, ‘Абд ал-‘Азиз-хон ибн Надр-Муҳаммад-хон, манғит Шох-Мурод-бий ҳукмдорлиги даврларида тез-тез олимлар ва ижодкорларнинг йиғинлари ўтказилиб турган. Баҳс-мунозаралар охирида иштирокчилар, айниқса, ғолиблар муносиб тақдирланган.

Султоний хужралар. Иш чоғида «султоний хужра» атамаси ҳужжатларда тез-тез учради [45]. Бундай хужралардан моддий кўмакка муҳтож жойсиз камбағал талабаларга жой берилган.

Талабаларга кўмак жамғармалари. Кўхна Бухорода қадимдан талабаларнинг илм олишини рағбатлантирувчи қўшимча таъминот тармоқлари фаолияти ҳам йўлга қўйилган эди. Эвак Мирзо исмли шахс Бухорога Туркистондан илм олиш учун келган талабаларга моддий кўмак сифатида Хутфар туманидаги Рўйа мавзесида 900 таноб ерини вақф қилади. Хужжат асл нусха, қози ал-қузот Мир Носир ибн Мир-и Мирак муҳри билан тасдиқланган [46: Бухорода таълим олаётган туркистонлик талабаларга кўмак вақф хужжати]. Талабаларга бу тарзда кўмак берилган яна бир қанча хужжатлар сақланиб қолган. Бу мулклар аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракат, қонуний хужжати бор, қатъий низомига эга муассасалар эди. Шу сабабдан уларни «талабаларга моддий кўмак жамғармалари» деб атадик.

Мукофот. Ҳар йили Бухоро шаҳрида ўқиш мавсуми охирида бир ажойиб байрамона тадбир ўтказилган. Мулла Мир Сирож ад-дин муфти олий ҳукмдорга арз қилиб, таомилга кўра, илм соҳасидаги 600 нафар пешқадам илм толибига олти минг танга бўлиб берилишига ижозат сўрайди [47: Аълочи талабаларни тақдирлаш ҳақидаги хужжат]. Худди шу шахснинг ушбу тадбирга тааллуқли бошқа йилдаги хужжатида 11450 танга 860 нафар пешқадам талабага тақсим қилинаётгани билдирилади [48: Аълочи талабаларни тақдирлаш ҳақидаги хужжат].

Аълочи талабаларни тақдирлаш тадбири ҳар йили анъанавий тарзда Гавкушон мадрасасида тантаналар билан ўтказиб келингани хужжатда таъкидланган. Гавкушон охунднинг ўринбосари аълам ҳазратларининг мадрасаси эди. Унда расмий амалдорлар ва мударрислар ҳам иштирок этган.

Мадрасалар ва мударрислар тоифалари

Тадқиқот чоғида Бухоро таълим тизими таркиби ўзаро фарқланадиган бир неча тоифадаги ўқув даргоҳларидан ташкил топгани аниқланди. Илмий адабиётларда мадрасалар тоифаларини кўрсатиш учун қўлланадиган «адно» (қуйи), «авсат» (ўрта), «олий» (юқори) каби атамалар бугунги жамият кишисига бу борада аниқ тасаввур беришга ожизлик қилар экан. Қўлёзма манбаларда ҳам уларни махсус тоифаларга ажратган ахборот учрамади. Бўлса ҳам, балки, биз тополмагандирмиз. Ё бундай қилишга у пайтлар зарурат бўлмагандир. Шу сабабдан таълим тизимидаги айрим қонуниятлар ва ижтимоий аломатларга таяниб, уларни шартли равишда тоифаларга

ажратишга ҳаракат қилдик. Натижада мадрасалар беш (5) ва мударрислар олти (6) тоифага бўлиниши аниқланди.

Бешинчи даражали олий тоифа

Кўкалдош мадрасаси – Бухоро ва Мовароуннаҳр ҳудудида энг юқори мавқеда турган. Унда **охунд** дарс ўтган. Хива, Қўқон хонликлари ва ислом оламининг бошқа мамлакатларидан ҳам олимлар шу ўқув даргоҳига келишга интилишган. Манбаларда бу жойда кўпинча ўз даврининг юксак мақомдаги илм аҳли тўпланиб мажлислар қилиб туришганига оид маълумотлар учрайди. Талабаларининг илм даражаси ҳам бошқаларига нисбатан баландроқ бўлган.

Гавкушон мадрасаси – унда охунднинг ўринбосари а‘лам дарс ўтган. У ҳам Бухоронинг энг машҳур олий ўқув юрғларидан эди. Бу даргоҳ мударриси муфтилар тоифасидан юқори турган.

Тўртинчи даражали олий тоифа

Ушбу тоифадаги ўқув даргоҳида муфтийлар дарс ўтган. Тадқиқотнинг дастлабки натижаларига кўра, Бухорода шундай тўққизта мадраса аниқланди [49].

Учинчи даражали олий тоифа

Мазкур тоифадаги мадрасаларда банорас тўнли мударрислар дарс ўтган. Бу мавзуга оид битта расмий ҳужжат аниқланди. Унда ушбу тоифага мансуб 39 мадраса номи кўрсатилган [49].

Абу ‘Абд ар-Раҳмон ‘Абдуллоҳ банорас тўнли мударрислар тўғрисида: «Бухорода 287 нафар мударрис бўлиб, уларнинг қирқ бир нафари олий мартабали ҳисобланади. Жаноби олийлари сарпо эҳсон этганда, буларга банорас чопон ҳадя қилади. Булардан бошқа мударрисларга банорас киймак тақиқланади. Муфтилардан бири вафот этса, ушбу қирқ бир нафардан бирови муфтиликка тайинланади», – деб ёзади [50, б. 13].

Иккинчи даражали олий тоифа

Бу тоифа ҳам алоҳида белгиланди. Мазкур тоифадаги ўқув даргоҳлари Бухоро мадрасаларининг энг катта қисмини ташкил этган. Уларнинг орасида ўқиш учун шарт-шароит ва моддий таъминоти учинчи даражали олий тоифа мадрасалар билан бемалол тенглаша оладиганлари ҳам бор. Банорас тўнлилар ушбу мадрасалар мударрисларидан танлаб олинган.

Биринчи даражали қуйи тоифа

Бухоро мадрасаларининг энг қуйи табақасидир. Бу тоифадаги мадрасаларда моддий таъминоти етарли эмас эди. Уларда маоши камлиги сабабли илмий даражаси юқори бўлмаган ва эндигина мадрасани тугатган талаба, саловат-хон, ҳидоя-хон, таҳзиб-хон, саҳиҳ-хон каби мутахассислар мударрислик фаолиятини олиб борган.

* * *

Ўтмишдан Бухоро таълим тизими ва мадрасалари тарихига тааллуқли маълумотлар кидиргандик. Ўйлаганимиздан ҳам анча кўпроқ топдик ва улардан кичик бир парчани ушбу мақолага жойлаштиришга ҳаракат қилдик. Таълим соҳаси юртимизда қадимдан мавжуд бўлган ва такомилига етган ижтимоий қурилма экан. У IX–XX аср биринчи чораги оралиғида жамиятда узлуксиз ишлаб турган илмий-маърифий тизим эди. Бугундан Туроннинг олис ўтмишига қараган ... ёғдули юлдузларга тўла осмонни кўради. Бу юлдузлар Ўқуз ва Яксарт оралиғини узоқ асрлардан бери ёритиб турган мингдан ошиқ мадрасалардан таралаётган ёғдулардир. Ҳа, тамаддун дунёга шундай келади. Бошқача бўлмайди! Бу жараён минглаб илмий-маърифий масканларда рўй беради. Мамлакатда «Ислому цивилизацияси» иборасининг янграётгани бежиз эмас. Мадрасалар – ислом тамаддуни чироклари эди.

«Минг мадраса ўлкаси»да яшаётган бугунги қавм аждодлар яратган кўхна тамаддуни аниқ тасаввур қилиш, уларнинг ишларини давом эттириш учун аввал, бу шарафли хилқатга юзланиши керак бўлади. Дунё фақат оқ ва қора рангдан иборат эмас. Қалб кўзи унда ҳар лаҳзада борлиқ ва йўқликдан жило йигаётган камалакни кўради. «Минг мадраса ўлкаси» нинг энгилгина бир эпкинидан шунча гаплар дунёга келаётир. Бизни ҳали олдинда ўша тамаддун ичкарасида ёзилган минглаб-минглаб китоблар кутиб турибди.

Адабиётлар:

1. Записки о поездке в Бухару П.И. Демезона (1833-1834) // История Узбекистана в источниках / Составитель Б.В. Лунин. Ташкент: Фан, 1990.
2. Anke von Kügelgen. "Die Entfaltung der Naqšbandiya muğaddidiya im mittleren Transoxanien vom 18. bis zum Beginn des 19. Jahrhunderts: Ein Stück Detektivarbeit", in: *Muslim Culture in Russia and Central Asia from the 18th to the Early 20th Centuries*. Vol. 2. Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 1998.

3. Абдурауф Фитрат. Ҳинд сайёҳи баёноти // Танланган асарлар. I жилд. Тошкент: Маънавият, 2000, б. 169-179.
4. Муҳаммад Шариф Садр-и Зиё. Зикр-и асоми мадорис дохил-и Бухоро-и шариф. ЎзР ФАШИ. № 2193-13.
5. Садриддин Айний. Эсдаликлар. V жилд. I-II қисмлар. Тошкент: Бадий адабиёт, 1965.
6. Бухоро инқилобининг тарихи / Шимада Шизуо ва Шарифа Тошева нашрга тайёрлаган. Токио, 2010.
7. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий / Форсийдан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. Тошкент: Академия, 2001.
8. Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва айрим изоҳлар муаллифи Ҳалим Тўраев. Бухоро: Бухоро, 2004.
9. Маньковская Л.Ю. Кўш мадраса. Тошкент: Ўзбекистон, 1968.
10. Джураева Г.А. Вакфные грамоты как источник по социально-экономической истории Бухары в XVI–XVII вв: Автореф. дисс. канд. ист. наук. Тошкент, 1985.
11. Джураева Г.А. Вакфнаме медресе Мир-и Араб // Тезисы конференции аспирантов и молодых сотрудников Института востоковедения АН СССР. История. Ч. 1. Москва: Наука, 1977.
12. Муҳаммаджанов А. Школа и педагогическая мысль узбекского народа XIX – начала XX в. Ташкент, 1978.
13. Hoshimov K., Nishonova S., Inomova M., Hasanov P. Pedagogika tarixi. Darslik. II qism. Toshkent: O'zbekiston milliy kutubxonasi, 2005.
14. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
15. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
16. Ботурхон Валихўжаев. Самарқандда олий таълим – мадрасийи олия-университет тарихидан лавҳалар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.
17. Ашраф Аҳмад. Улугбек Муҳаммад Тарағай. Тошкент: Халқ мероси, 1994.
18. Исмоилов М., Ражабов Қ. Шайх Худойдод // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т. IX. Тошкент: ЎзМЭ, 2005, б. 680-681.
19. Ражабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёшлари // Ҳуқуқ ва бурч. Тошкент, 2008. № 1, б. 40-43; № 2, б. 35-37.
20. Шодмонова С. «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида анъанавий мактаб ва мадрасаларга доир масалалар // Шарқшунослик. Тошкент, 2011. № 15, б. 53-60.
21. Қодиров А., Орифжонов Э. XX аср бошларида Бухоро мадрасаларида ўқитиш услуби // Шарқ машғали. Тошкент, 1997. № 1–2, б. 4-9.
22. Шамсутдинов Р.Т., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи (XIX аср охири ва XX аср бошлари). Андижон, 1995.
23. Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX – начало XX вв.): Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата исторических наук. Ташкент, 1998. – 28 с.
24. Зияева Д. XIX аср охири – XX аср бошида Туркистонда анъанавий таълим тизими муаммолари. Тошкент: Тошкент ислом университети илмий- таҳлилий ахбороти, 2009. № 3, б. 10-12.

25. Бобожонова Ф.Ҳ. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX асрнинг охири – XX аср бошларида) // «Тарихий хотира – маънавият асоси» Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Бухоро, 2009, б. 19-21.
26. Бобожонова Ф.Ҳ. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири – XX аср бошларида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2011. – 30 б.
27. Манбаларда Бухоро амирлиги таълим тизими // XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро. Бухоро: Бухоро давлат университети, 2016, б. 89-91.
28. Халилова З.Э. Инглиз-Америка муаллифларининг Марказий Осиёдаги мактаб ва мадрасаларини ўрганиш борасидаги тарихий қарашлари // Тарих фани Марказий Осиё интеллектуал ривожини контекстида (илмий мақолалар тўплами). Тошкент: Янги нашр, 2014, б. 184-189.
29. Жалилов С. Бухоро тақдири. Тошкент: Meriyyus, 2011, б. 280-282.
30. Абдусаттор Жуманазар. Бухоро таълим тизими тарихи. Тошкент: Академнашр, 2017.
31. ЎзР МДА. И-323. 5. Жўйборча мадрасаси вақф ҳужжати.
32. ЎзР МДА. И-323. 85. Мулла Абдусмад мадрасаси вақф ҳужжати.
33. ЎзР МДА. И-323. 101. Қосимхожа мадрасаси вақфи.
34. ЎзР МДА. И-323. 66. Музаффархожа мадрасаси вақфи.
35. ЎзР МДА. И-323. 43. Ҳожи Муҳаммад Қосим мадрасаси вақфи.
36. ЎзР МДА. И-126. 1-1992-10.
37. ЎзР МДА. И-323. 89. Қори Султон мадрасаси вақф ҳужжати;
38. ЎзР МДА. И-323. 84. Ҳожа ‘Абдузоҳид мадрасаси вақф ҳужжати.
39. ЎзР МДА. И-323. 61. Мирзо Ғафур мадрасаси вақф ҳужжати.
40. ЎзР МДА. И-126. 1-1992-85, 91.
41. ЎзР МДА. И-126. 1-930.
42. Мирза Бади Дивон. Маджма ал-аркам. Москва: Наука, 1981, с. 53.
43. ЎзР МДА. И-126. 1-1991-30.
44. ЎзР МДА. И-126. 1-930-1. Олий давлатхонага тааллуқли мадрасалар номлари.
45. ЎзР МДА. И-126. 1-1997-74; 1-1996-45; 1-1990-74.
46. ЎзР МДА. И-323. 128. Бухорода таълим олаётган туркистонлик талабаларга кўмак вақф ҳужжати.
47. ЎзР МДА. И126. 1-1999-1. Аълочи талабаларни тақдирлаш ҳақидаги ҳужжат.
48. ЎзР МДА. И126. 1-1999-2. Аълочи талабаларни тақдирлаш ҳақидаги ҳужжат.
49. ЎзР МДА. И-126. 1-1995-8.
50. Абу ‘Абд ар-Раҳмон ‘Абдуллоҳ. Та’рих-и Бухоро ва таржумат ал-‘уламо’. ЎзР ФАШИ (тошбосма), № 1595.

ХАТ ВА ХАТТОТЛИК САНЪАТИ

Абдулғафур Раззоқ Бухорий*

Комилжон Раҳматович Раҳимов**

Исломгача бўлган даврда сўғд, хоразм, бохтар, ўрхун-энасой ва уйгур ёзувларига эга бўлган Марказий Осиё халқлари араб истилосидан сўнг, биринчидан, араб тилининг халифаликка тобе бўлган барча ўлкаларда расмий тилга айланиши, иккинчидан, юртимизда ислом динининг ёйилиши натижасида араб ёзувидан фойдаланишга ўтишди. Арабларнинг қарийиб бир ярим асрлик ҳукмронлиги тугаб, Мовароуннаҳр ва Хуросонда илк мустақил давлатлар вужудга келганидан сўнг дин ва илм-фан тили сифатидаги нуфузини сақлаб қолган араб тили билан бир қаторда эндиликда араб ёзувидан фойдаланишга ўтган форсий ва туркий тиллар ҳам давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида кенг қўлланила бошлади. Биринчи босқичи IX–XII, иккинчи босқичи эса XIV–XV асрларда юз берган Ўрта Осиё Уйғониши юртимизда мисли кўрилмаган даражадаги илм-фан ва маданият тараққиётига сабаб бўлди. Халқимиз орасидан етишиб чиққан жаҳонга машҳур алломалар дунё илм-фани ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшишди. Натижада IX–X асрлардан XX аср бошларигача бўлган давр ичида аждодларимиз томонидан арабий, форсий ва туркий тилларда улкан ёзма мерос яратилди. Ушбу меросга оид илмий ва бадиий асарларни қоғозга туширишда эса араб ёзувининг юксак санъат даражасида ривожлантирилган турларидан фойдаланилди.

Пайдо бўлган давридан бошлаб бир неча тараққиёт босқичини босиб ўтган араб ёзувида вужудга келган турли ёзув услублари – хатлар нафақат

* Мир Араб олий мадрасаси мударриси, хаттот

** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, PhD доктори

маънони ёзувда ифодалаш воситаси, балки ўқувчига юксак эстетик завқ берувчи санъат асари сифатида ҳам танилди. Бу санъат Шарқда хуснихат, хаттотлик, Ғарбда эса каллиграфия номи билан кенг шуҳрат қозонди. Мазкур санъат усталари – хаттотлар ёки котиблар ўз даврларида катта обрў-эътиборга эга бўлиб, илм-фан, адабиёт ва санъат аҳллари қаторидан жой олишди. Яъни хаттот ёки котиб оддий техник ишни – китоб кўчиришни бажарувчи ходимгина эмас, балки ўз замонасининг маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган илм-маърифат аҳли ва йирик маданият арбоби ҳам ҳисобланган.

Йигирма саккиз ҳарфдан иборат бўлган араб алифбосининг дастлабки шакли тик чизиклар билан ифодаланадиган маъқалий хати бўлиб, узок истеъмолда бўлмаган. VII асрдан бошлаб унинг ўрнини араб ёзувининг энг қадимги ва энг машҳур турларидан бўлган кўфий хати эгаллади. Шундан сўнг маъқалий ва кўфий хатлари асосида сулс, насх, муҳаққак, райҳоний, тавқиъ, риқоъ ва таълик деб номланувчи етти хат тури яратилди. IX–X асрларда ушбу хат турлари ривожлантирилиб, яна ўттиз олти хат тури (масалан, тумор, ғубор, мусалсал, девоний ва бошқалар) яратилди. Ундан кейинги асрларда араблардан бошқа мусулмон халқлар – форсийзабон ва туркийзабон халқлар томонидан ҳам шикаста, наста‘лик, уйғурий ва шу каби бошқа кўплаб хат турлари ихтиро қилиниб, кенг истеъмолга киритилди.

Араб ёзувидаги хат турларининг ҳар бири махсус ўринларда қўлланилган. Масалан, кўфий хати нақшин безаклар солишда, насх хати китоб матнларини кўчиришда, сулс хати меъморий иншоотлар пештоқларига ёзувлар ва лавҳалар битишда, тавқиъ хати имзо қўйишда, риқоъ хати мактублар ёзишда қўлланилган. Ушбу хат турларининг ҳар бири ўз навбатида ингичка – хафий ва йўғон – жалий қаламларда ёзилган. Наста‘лик хати эса асосан форсий ва туркий тилларда битилган бадий ва тарихий асарларни ёзишда диёримизда кенг қўлланиб, унда кўплаб китоблар битилган. Кейинги асрларда диёримизда ҳар бир матн асосан уч тур хатда: ойат ва ҳадислар насх, оддий матнлар наста‘лик, боб ва бўлимлар сарлавҳалари эса сулс хатида кўчирилган.

Бир неча тараққиёт босқични босиб ўтган Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихини биринчи навбатда икки катта даврга – араб истилосидан темурийлар даврига қадар бўлган давр (VIII–XV асрлар) ва темурийлар давридан совет мустамлакачилигига қадар бўлган давр (XV–XX асрлар)га, ушбу икки даврдан ҳар бирини эса, ўз навбатида, бир неча босқичга бўлиш мумкин. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тараққиёти тарихининг биринчи даврида, асосан,

VII–X asrlarda Arab халифалигининг марказий шаҳарлари – Макка, Кўфа ва Басрада яратилиб, кейинчалик халифаликнинг бошқа ҳудудларига тарқалган хат турларидан фойдаланган ҳолда арабий, форсий ва туркий тиллардаги асарларни китобат қилиш асносида Мовароуннаҳр хаттотлик мактаби вужудга келди. Аҳмад ибн ‘Умар Аш‘ас Абу Бакр Самарқандий (XI аср), Аҳмад Табиб-шоҳ Мовароуннаҳрий (вафоти 1215 йил), ‘Али Банокатий (XIII аср), Жамшид Шоший (XIV аср) ва шу каби бошқа кўплаб хаттотлар ушбу мактаб вакиллари сифатида донг таратдилар. Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги билан боғлиқ равишда XIV–XV асрларда юз берган иккинчи Ўрта Осиё Уйғониши Ўрта Осиё хаттотлик санъати тараққиёти тарихининг иккинчи даврини бошлаб берди. Бу даврда юртимиздаги илм-фан, маданият ва санъатнинг барча соҳаларида бўлгани каби хаттотлик санъатида ҳам мисли кўрилмаган юксалиш кузатилди. Шу даврдан бошлаб Ўрта Осиёнинг турли минтақаларида ўз хусусиятлари билан фарқланиб турувчи бир неча хаттотлик мактаблари вужудга келди. Жумладан, XV асрда Темурийлар сулоласи ҳукмдорларининг кенг қўллаб-қувватлашлари билан вужудга келтирилган ва Султон-‘Али Машҳадий (1437–1520), Дарвеш Муҳаммад Тақий Ҳиравий (XV асрнинг биринчи ярми), ‘Абд ал-Жамил Котиб (ваф. 1505–1506 й.) каби вакиллари билан танилган Ҳирот хаттотлик мактаби ҳамда XVI асрда Шайбонийлар сулоласи хонлари саъй-ҳаракатлари билан асос солинган ва Мир-‘Али Ҳиравий (ваф. 1557 й.), Мир ‘Убайд Бухорий (ваф. 1601 й.), Мир Ҳусайн Кўланкий Бухорий (XVI аср), Саййид ‘Абдуллоҳ Бухорий (ваф. 1647 й.), Ҳожи Йодгор (ваф. 1663 й.), Аҳмад Дониш (1826–1897) каби вакиллари билан донг таратган Бухоро хаттотлик мактаби шухрат қозонди. Бундан ташқари XVIII аср бошларида Хива ва Қўқон хонликлари ҳудудида Хоразм ва Фарғона хаттотлик мактаблари, XIX асрда эса Самарқанд ва Тошкент хаттотлик мактаблари шаклланди. Бунда Хоразм хаттотлик мактаби ўзининг Му‘нис Хоразмий (1778–1829), Комил Хоразмий (1825–1899) каби намояндалари билан танилган бўлса, Фарғона хаттотлик мактаби Мирзо Мирзо Шариф Дабир (XIX аср), Муқимий (1850–1903), Самарқанд хаттотлик мактаби Очилдимурод Мирий Каттақўрғоний (1830–1899), ‘Абд ал-Жаббор Ургутий Самарқандий (1885–1910), Тошкент хаттотлик мактаби эса Муҳаммад Йўнус Котиб (XIX аср) ва Муҳаммад Шох-Мурод Котиб (1850–1922) каби вакиллари билан машҳур бўлди.

Хаттотлик санъати китобат билангина чекланиб қолмасдан, меъморчилик ва халқ амалий санъатида ҳам хуснихатдан кенг фойдаланилган. Юртимизга

ислом кириб келган даврдан бошлаб турли меъморий иншоотлар – масжидлар, мадрасалар, мақбаралар ва бошқа иншоотларнинг ташқи ва ички деворлари, пештоқлари ва бошқа қисмлари турли нақшлар билан биргаликда турли хаттотлик услубларида ёзилган битиклар – Қуръони карим оятлари, ҳадислар, ҳикматли сўзлар ва шеърӣй парчалар билан ҳам безатилган.

Юқорида юртимизда шаклланган хаттотлик мактабларининг энг машхур вакилларида айримлари тўғрисида қисқача бўлса-да тўхталиб ўтишга ҳаракат қилдик. Умид қиламизки, ушбу қисқача маълумотлар ўқувчиларда машхур хаттот аждодларимиз тўғрисида бир оз бўлса-да тасаввур ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Ҳирот хаттотлик мактаби

Султон-‘Али Машҳадӣ (1437–1520)

Ҳирот хаттотлик мактабининг шаклланиши ва ривожланишида катта роль ўйнаган, наста‘лиқ хатининг такомиллашиши ва кенг тарқалишига улкан ҳисса қўшган, «Султон ал-хаттотин» («Хаттотлар султони») ва «Қиблат ал-кутуб» («Котиблар қибласи») номли юксак унвонлар соҳиби бўлган хаттот, шоир ва хат назарӣётчиси Султон-‘Али Машҳадӣ 1437 йилда ўша даврда Темурийлар империясига қарашли шаҳарлардан бўлган Машҳадда дунёга келган. Хаттотликка болалигидан иштиёқи баланд бўлган Султон-‘Али Машҳадӣ ўша даврнинг машхур хаттотлари Заҳир ад-дин Азҳар ва Хожа Ҳофиз Муҳаммаддан хаттотлик сирларини ўрганган. Султон-‘Али Машҳадӣ мадрасада таълим олганидан сўнг маълум муддат ўша даргоҳда талабаларга дарс бериш билан шуғулланган.

1451 йилдан салтанат пойтахти ва ўша даврнинг йирик илм-фан ва маданият маркази Ҳиротда яшаган Султон-‘Али Машҳадӣ темурий ҳукмдорлардан Султон Абу Са‘ид (1451–1469) ва Султон Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) хизматида бўлган. XV асрда Ҳиротда вужудга келган маданий муҳит, Темурийлар империясининг турли бурчакларидан бу ерга йиғилиб келган олимлар, ёзувчилар, шоирлар ва санъаткорлар доиралари билан яқин алоқа, шунингдек, Темурийлар давлатининг йирик давлат ва жамоат арбоби, буюк шоир ва олим, илм-фан ва маданият ҳомийси ‘Алишер Навоийнинг бевосита қўлаб-қувватлашлари Султон-‘Али Машҳадӣнинг буюк хаттот бўлиб етишишига сабаб бўлди.

‘Алишер Навоий ҳомийлиги остида фаолият кўрсатган, жумладан

Навоийнинг шахсий кутубхонасида китобат ишлари билан машғул бўлган Султон-‘Али Машҳадий Навоий ижодига алоҳида эътибор билан қараган. Ушбу хаттот Навоийнинг аксар асарларини бир неча нусхадан кўчириб, уларнинг кенг ўқувчилар оммасига етиб бориши, шунингдек, келажак авлодларга мерос бўлиб қолдирилишига катта ҳисса қўшган. Жумладан, Навоийнинг «Илк девон»и 1465 йили Султон-‘Али Машҳадий томонидан кўчирилиб, тартиб берилган. Бундан ташқари ‘Алишер Навоийнинг Султон-‘Али Машҳадий томонидан кўчирилган девонлари ва «Хамса» сининг кўплаб нусхалари бизнинг давримизгача етиб келган бўлиб, улар Ўзбекистон, Россия, Буюк Британия, АҚШ ва Туркия китоб хазиналарида сақланмоқда. Султон-‘Али Машҳадий Ҳусайн Во‘из Кошифийнинг «Ҳотам-нома» ва «Жавоҳир-нома» асарлари, Са‘дийнинг «Девон»и, Султон Ҳусайний «Девон»и ва бошқа асарларни ҳам кўчирган бўлиб, уларнинг аксарияти бизнинг давримизгача етиб келган.

Султон-‘Али Машҳадий иморатлар, ёғоч ва тошларга ўйиб ёзиладиган хатларни битишда ҳам моҳир бўлган. Султон Ҳусайн қурдирган биноларига китобалар, унинг марҳум қариндош ва яқинларининг қабр тошларига битиклар битган.

Султон-‘Али Машҳадий нафақат буюк хаттот, балки хатотлик санъати тадқиқотчиси сифатида ҳам машҳур бўлиб, хаттотлик назарияси ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшган. У 1519 йили хат санъати оид «Қаво‘ид ал-хутут» («Хат қоидалари») шеърини рисола ёзган. Ўттиз икки бобдан иборат бўлган ушбу рисолада хаттотликнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи, хаттотлик қоидалари, услублари, эстетик хусусиятлари, хаттотликда ишлатиладиган ёзув қуроллари тавсифи, хаттотнинг бурч ва вазифалари батафсил баён этилган.

Султон-‘Али Машҳадий хаттотлик соҳасидаги амалий ва назарий фаолиятдан ташқари хаттотлар тарбиялаш ишига ҳам ҳисса қўшган. Ўз даврининг таниқли хаттотларидан бўлган Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандон, Мир ‘Али Ҳиравий, Муҳаммад Қосим ва бошқалар Султон-‘Али Машҳадийнинг шогирдлари ҳисобланадилар. Бундан ташқари Султон-‘Али Машҳадий машҳур мусаввир Камол ад-дин Беҳзодга тасвирий санъат сирларини ўргатган устозлардан бири ҳамдир.

Султон-‘Али Машҳадийнинг хаттотлик фаолияти, у кўчирган қўлёзмалар ва битиклар Заҳир ад-дин Муҳаммад Бобурнинг «Бобур-нома», Гиёс ад-дин Хондамирнинг «Ҳабиб ас-сийар», Мирхонднинг «Равзат ас-сафо’»,

Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Та`рих-и Рашидий», ‘Абд ар-Раззоқ Самарқандийнинг «Матла‘-и са‘дайн ва-мажма‘-и баҳрайн» асарларида юқори баҳоланган.

‘Абд ал-Жамил Котиб (1505–1506 йили вафот этган)

Ҳирот хаттотлик мактабининг йирик вакилларида бири ‘Абд ал-Жамил XV асрнинг биринчи ярми ёки ўрталарида таваллуд топган. Темурийлар даврида илм-фан ва маданият тараққиёти учун вужудга келган қулай шароит, хусусан, Ҳирот шахрининг ўша даврдаги йирик илм-фан, адабиёт ва санъат марказига айланганлиги ‘Абд ал-Жамилнинг ўз даврида кенг тарқалган билимларни чуқур эгаллаган илм ва маданият аҳли бўлиб етишишида муҳим ўрин тутган. Бир неча йиллар Ҳиротдаги Султонийа мадрасасида талабаларга араб тили грамматикасидан дарс берган ‘Абд ал-Жамил хаттотлик санъатида ҳам ўз даврининг пешқадамларидан ҳисобланган. Шу сабабдан у буюк шоир ва олим, давлат ва жамоат арбоби, илм-фан, адабиёт ва санъат ҳомийси ‘Алишер Навоийнинг назарига тушиб, бир неча йиллар давомида унинг асарларини ўз вақтида гўзал хат билан кўчириб берувчи махсус котиби бўлиб ишлаган. Жумладан, у ‘Алишер Навоий ҳаётилик чоғидаёқ «Хамса»ни ўзининг чиройли хати билан кўчирган. Хатолардан холи ҳолда кўчирилган ва «Хамса»нинг энг яхши ва энг мўътабар нусхаси ҳисобланган бу нусха Навоийнинг ўзига манзур бўлган. Бундан ташқари, ‘Абд ал-Жамил ‘Алишер Навоийнинг «Наводир ан-ниҳойа» ва бошқа асарларини кўчирган ҳамда Навоийнинг лирик асарлари бўйича «Тухфат ас-салотин» («Султонларга тухфа») тўпламини тузган. Бугунги кунда Навоий «Хамса»сининг ‘Абд ал-Жамил томонидан кўчирилган нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида, «Тухфат ас-салотин» тўплами эса Британия музейида сақланмоқда.

Дарвеш-Муҳаммад Тақий Ҳиравий (вафоти 1503–1504 йил)

XV асрнинг биринчи ярмида дунёга келган Дарвеш-Муҳаммад Тақий Ҳиравий ўз даврнинг билимдон кишиларидан бўлган. Шоирликда яхшигина истеъдоди бўлган Тақий Ҳиравий хаттотликда ҳам машҳур бўлиб, Ҳирот хаттотлик мактабининг йирик вакиллари қаторидан жой олган. Ўша давр Ҳирот маданий муҳитининг ‘Алишер Навоий ва ‘Абд ар-Раҳмон Жомий

каби забардаст вакиллари билан яқин алоқада бўлган хаттот ушбу шоирлар ва бошқа адибларнинг асарларини чиройли хатда кўчириш билан шуғулланган. Жумладан, у ‘Алишер Навоийнинг девонлари ва «Муножот» асари, шунингдек, ‘Абд ар-Раҳмон Жомийнинг «Баҳористон» ва Хусайн Во‘из Кошифийнинг «Лубб-и лубоб-и ма‘навий интиҳоб-и маснавий» асарларини ҳамда Хусрав Деҳлавийнинг «Куллиёт»ини кўчирганлиги маълум.

Дарвеш-Муҳаммад Такий Ҳиравий томонидан кўчирилган ‘Абд ар-Раҳмон Жомийнинг «Баҳористон» (инв. № 3376), Хусайн Во‘из Кошифийнинг «Лубб-и лубоб-и ма‘навий интиҳоб-и маснавий» (инв. № 2227) асарлари ҳамда Хусрав Деҳлавийнинг «Куллиёт»и (инв. № 9661) нусхалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда.

Бухоро хаттотлик мактаби

Мир-‘Али Ҳиравий (вафоти 1554 йил)

Ҳирот хаттотлик мактабининг йирик вакили, Бухоро хаттотлик мактаби асосчиларидан бири, «Котиб-и Султоний» номи билан машҳур бўлган Мир-‘Али Ҳиравий XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда дунёга келган. Темурийлар даврида Ҳиротда вужудга келган маданий муҳитда тарбияланган Мир-‘Али ўз замонасининг бошқа илмларини эгаллаш билан бирга, Султон-‘Али Машҳадийнинг (1437–1520) шогирдларидан бўлган Зайн ад-дин Муҳаммаддан хаттотлик сирларини ўрганади. У ёшлигиданоқ моҳир котиб сифатида танилиб, аввалига Ҳирот ҳукмдорлари девонхоналарида, кейинчалик эса Султон Хусайн Бойқаро саройида котиб бўлиб ишлайди. У шу даврда ‘Алишер Навоийнинг назарига тушади. 1510 йили Эрон шоҳи Исмо‘ил Сафавий (1487–1524) Ҳиротни эгаллагач, маълум муддат Ҳиротнинг сафавий ҳокимлари Карим ад-дин Соважий ва Сом Мирзо Сафавий хизматида бўлади. XVI аср бошларида Ўрта Осиёда ташкил топган Шайбонийлар сулоласи вакили ‘Убайдуллоҳ-хон (1487–1540) 1529 йили Ҳиротни ишғол этгач, Бухорони ўша даврнинг йирик илм-фан ва маданият марказига айлантириш мақсадида бу шаҳарнинг кўплаб олимлари, адиблари ва санъаткорлари қаторида машҳур хаттот Мир-‘Али Ҳиравийни ҳам ўзи билан Бухорога олиб кетади.

Моҳир хаттот Бухорода ‘Убайдуллоҳ-хоннинг ўғли ‘Абд ал-‘Азизга турли фанлар, жумладан хаттотликдан ҳам сабоқ беради. У ‘Убайдуллоҳ-

хон ҳукмронлиги замонида (1533–1540) шайбонийлар саройи котиблиги вазифасини бажаради, 1529 йилдан эса унинг ўғли ‘Абд ал-‘Азиз-хон кутубхонасида ишлайди. Мир-‘Али Ҳиравий шу билан биргаликда, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, ‘Абд ар-Раҳмон Жомий, Ҳусайн Во‘из Кошифий, Ансорий каби кўплаб машҳур шоирлар ва ёзувчиларнинг машҳур асарларини юқори сифатда кўчириб, қайтадан китобат қилиш, шу орқали уларни ўқувчилар оммаси орасида кенг тарқатиш ҳамда келажак авлодларга етказиш ишига катта ҳисса қўшади.

Наста‘лиқ хатида чиройли ёзиш бобида ўз даврида ягона бўлган, тез ёза олиши билан замондош хаттотлардан ажралиб турган Мир-‘Али Ҳиравий шу чокқача наста‘лиқ хати кенг муомала киритилмаган Мовароуннаҳрда ушбу хат турининг тарқалишида муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари, у маҳаллий хаттотларга сабоқ бериш орқали Бухоро хаттотлик мактабининг шаклланишига катта ҳисса қўшади. У тайёрлаган кўплаб шогирдлар орасида Мир-Ҳусайн Кўланкий Бухорий, Мир-Ҳайдар Ҳусайний Бухорий, Мир-Чалма Бухорий каби хаттотларнинг номлари учрайди.

Мир-‘Али Ҳиравий хаттотлик назарияси ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. У томонидан ёзилган хаттотлик қоидалари тўғрисидаги «Медод ал-хутут» (1520) номли рисола хаттотлик санъатини ўрганувчилар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Мир-‘Али Ҳиравий томонидан кўчирилган ўттиздан ортиқ қўлёзма ва тўрт юздан ортиқ китъа бизгача етиб келган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳазинасида ушбу хаттот томонидан кўчирилган Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавийнинг «Хусрав ва Ширин» дostonлари (1494 й.), ‘Абд ар-Раҳмон Жомийнинг «Тухфат ал-аҳрор» (1531 й.), Ҳусайн Во‘из Кошифийнинг «Ахлоқ-и муҳсиний» ва «Тухфат ас-саловот» (1501 й.), Ансорийнинг «Илоҳий-нома» (1531 й.) асарлари ва бошқалар сақланмоқда.

Мир-Ҳусайн Кўланкий Бухорий (XVI аср)

XVI асрнинг таниқли хаттотларидан бўлган наста‘лиқ хатининг йирик устаси Мир-Ҳусайн Кўланкий Бухорий Ҳиротда дунёга келган. 1529 йили Ҳирот Шайбонийлар сулоласи вакили ‘Убайдуллоҳ-хон (1487–1540) томонидан ишғол этилгач, Мир-‘Али Ҳиравий ҳам Ҳиротнинг кўплаб олимлари, адиблари ва санъаткорлари билан биргаликда Бухорога олиб

кетилади. Шайбоний ҳукмдорларнинг бундан кўзда тутган мақсади Бухорони ўша даврнинг йирик илм-фан ва маданият марказига айлантириш бўлган.

Ёшлигидан хаттотлик истеъдодига эга бўлган Мир-Хусайн Бухорода Шайбонийлар томонидан Ҳиротдан кўчириб олиб келинган машхур хаттот Мир-‘Али Ҳиравий ҳузурида хаттотлик сирларини ўрганади ва унинг энг таниқли шогирдлари қаторидан жой олади. Шайбонийлардан ‘Абдуллоҳ-хон II (1534–1598) ҳукмронлиги замонида (1583–1598) сарой кутубхонаси раҳбари бўлиб ишлайди.

«Китобдор-и Султоний» ва «Котиб-и Хоқоний» лақаблари билан машхур бўлган Мир-Хусайн Кўланкий Бухорий Бухоро ва Мовароуннаҳрда наста‘лик хатининг кенг тарқалишига катта ҳисса қўшади. У «‘Убайдий», «Кул ‘Убайдий» ва «‘Убайдуллоҳ» тахаллуслари билан ўзбек, форс ва араб тилларида ижод қилган Шайбонийлар сулоласи хони (1533–1540) ‘Убайдуллоҳ-хон (1487–1540) қаламига мансуб шеърӣ асарлар тўпламларини, шунингдек, Шайх Са‘дий, Ҳофиз Шерозӣ, ‘Абд ар-Раҳмон Жомӣ каби Шарқ классик адабиёти намоёндалари асарларини чиройли хатда ва юқори сифатда кўчиради.

Мир-Хусайн Кўланкий Бухорий томонидан кўчирилган қўлёзмалардан йигирматадан ортиғи бизнинг давримизгача етиб келган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган ‘Убайдуллоҳ-хон асарларининг «Куллиёти мин мақолот» номли тўплами (1583, инв. № 8931), Россия Федерацияси миллий кутубхонасида сақланаётган Са‘дийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жомийнинг «Йусуф ва Зулайхо», «Тухфат ал-аҳрор» асарлари, Покистоннинг Ҳайдаробод университети кутубхонасида сақланаётган Ҳофиз Шерозӣ «Девон»и ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мир ‘Убайд Бухорий (ваф. 1601 йил)

Бухоро хаттотлик мактаби асосчиларидан бири, «Лу’лу’» («Марварид») лақаби билан машхур бўлган Мир ‘Убайд Бухорий XVI–XVII асрларда Бухорода яшаб, ижод қилган. Ўз даврининг атоқли хаттотларидан бўлган Муҳаммад-Амин Ҳалво’ӣ Бухорий (ваф. 1543 й.) ҳузурида хаттотликдан таълим олган Мир ‘Убайд устозининг ёзув услубини ўзгартириб, аниқлиги

билан ажралиб турадиган гўзал бир услубда ёза бошлайди. Бу хат насх хатидан кўра йирикрок бўлиб, ўзининг гўзаллиги, жозибadorлиги ҳамда ҳар қандай ўқувчи бир хилда қийналмай ўқий олиши билан ажралиб турарди. Бунинг устига ушбу услубда барча ҳарфлар ўзларининг аниқ ўлчамларига эга бўлиб, ушбу хат билан ёзилган матнлар бир текисда чиқар, бу эса котиблар учун жуда қулай ва самарадор бўлиб, тез ёзиш имконини берарди. Насх хатининг Мир ‘Убайд томонидан ихтиро этилган ушбу услуби «насх-и Бухорий» («Бухоро насхи») ёки «насх-и Мир ‘Убайдий» («Мир ‘Убайд насхи») деб ном олди.

Айтиб ўтиш лозимки, бу давргача Бухоронинг барча хаттотлари Ибн Муқла ва Йокут Жазо’ирий услубида ёзар, Муҳаммад-Амин Ҳалво’ий Бухорий эса ушбу услубларни энг мукамал даражасига етказган эди. Насх-и Бухорий ихтиро қилинганидан кейин Бухоро ва Мовароуннаҳрдаги барча хаттотлар ушбу хат турида ёза бошладилар ва Муҳаммад-Амин Ҳалво’ий Бухорийнинг ёзув услуби Бухорода амалдан қолди. Бу хат тез орада Ўрта Осиё ва Хуросоннинг барча ҳудудларига тарқалиб, мазкур хат турида хатто Қуръон китобат қилина бошланди.

XIX аср охирлари – XX аср бошларида Бухорода яшаб ижод қилган маърифатпарвар шоир, олим, хаттот Муҳаммад-Шариф Садр Зийо’ (1867-1932) Мир ‘Убайд Бухорийни араб ёзуви соҳасидаги уч машҳур хат ихтирочисидан бири сифатида эслатиб, уни Ибн Муқла ва Мир-‘Али Табризий қаторига қўйган.

Мир ‘Убайдга «Лу’лу» лақабининг берилишига сабаб шундан иборатки, Шайбонийлар давлати хони ‘Убайдуллоҳ-хон томонидан Мир ‘Убайдга китобат соҳасидаги хизматлари эвазига берилган ҳадиялар ичида кўпгина марварид ҳам бўлган. Бундан ташқари, Мир ‘Убайдни «Жавоҳир-Рақам» деб ҳам атаганлар. Мир ‘Убайд хаттотлик соҳасда кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

Лекин Мир ‘Убайднинг ўз қўли билан кўчирилган китоблар жудаям кам бўлган. Бугунги кунда ушбу хаттот томонидан насх-и Бухорий хагида китобат қилинган Муҳаммад ибн Са’ид ал-Бусирийнинг «Қасида-йи бурда» асари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида инв. № 2460 рақами остида сақланмоқда.

Ҳожи Йодгор (вафоти 1663 йил)

XVII аср Бухоро хаттотлик мактабининг ёрқин намояндаларидан бири Ҳожи Йодгор XVI аср охирлари – XVII аср бошларида дунёга келган. Ўз замонаси илмлари қаторида, зарринқалам хаттот Мир-Ҳусайн Кашмирийдан хаттотлик санъатини чуқур ўрганган Ҳожи Йодгор ўз даврида наста‘лик хатида ёзиш бобида тенгсиз бўлган ва жавоҳиррақам котиб сифатида ном қозонган. Ҳожи Йодгорнинг хаттотлик санъатидаги маҳорати шунчалик юқори бўлганки, уни «иккинчи Мир-‘Али», деб аташган.

Ҳожи Йодгор асосан китъалар кўчириш билан шуғулланган, бироқ, шу билан биргаликда, машҳур шоирлар асарларини ҳам кўчирган. Жумладан, у ўша даврдаги Бухоро хонлигининг Аштархонийлар сулоласидан бўлган хони ‘Абд ал-‘Азиз Муҳаммад-хон (1645–1681) буюртмаси билан етти йил муддатда Ҳофиз Шерозий девонини чиройли хатда кўчириб тугатган. Қўшни Эрон давлатига элчилик ҳайъати жўнатган ўзбек хони ‘Абд ал-‘Азиз Муҳаммад-хон ушбу давлат ҳукмдори Шох Сулаймон Сафийга (1666–1694) аталган қимматбаҳо совғаларига қўшиб Ҳожи Йодгор томонидан кўчирилган Ҳофиз Шерозий девонини ҳам юборади. Эрон шоҳи ўзбек хони томонидан совға сифатида юборилган Ҳофиз девонини қўлига оларкан, хаттотлик санъатининг юксак намунаси бўлган бу қўлёзamani «бир неча мамлакат тухфасига тенг хазина», деб баҳолайди.

Аҳмад Дониш (1827–1897)

XIX асрнинг буюк мутафаккирларидан ҳисобланган маърифатпарвар шоир, ёзувчи, файласуф, хаттот, давлат арбоби ва дипломат Аҳмад Дониш Махдум ибн Носир 1827 йилда ҳозирги Бухоро вилояти Шофиркон тумани ҳудудидаги Суғут қишлоғида мударрис Мулла Мир Носир оиласида дунёга келган. Болалигидан шеърят ва рассомчиликка қизиққан Аҳмад Дониш бошланғич таълимни ўзи туғилиб ўсган жойда олгач, 1842 йилда мадрасага ўқишга қиради. У бу пайтга қадар араб тили грамматикаси ва тарихни ўқиган, шеърлар ёзар ва қўлёзма китобларни миниатюралар билан безарди. Аҳмад Дониш мадрасада ўқиб юрган йилларида моҳир хаттот, миниатюрочи рассом ва чизмачи сифатида танилди.

Аҳмад Дониш Бухоро амирлиги ҳукмдори Амир Насруллоҳ (1827–1860) эътиборига тушиб, 1855 йили амир саройида меъмор ва муҳандис сифатида иш бошлайди. Бироқ у тез орада олим, шоир ва ёзувчи сифатида

донг таратиб, ички ва ташқи сиёсат масалаларида ҳам яхшигина мутахассис бўлиб етишади. Шунга қўра 1857, 1869 ва 1875 йилларда Бухоро амирлиги элчилик хайъатларининг котиби сифатида уч марта Россия империяси пойтахти Санкт-Петербург шаҳрига сафар қилади. Сафар таассуротлари асосида «Наводир ал-вақо'е'» («Нодир воқеалар») ва «Таржума-и ахвол-и амирон-и Бухоро-и шариф» («Бухоройи шариф амирларининг таржимаи ҳоллари») каби асарлар ёзиб, уларда амирлик тузумини ислоҳ қилиш масаласини кўтаради. Аҳмад Дониш 1865 йили Бухоро амирлигининг кейинги ҳукмдори Амир Музаффар (1860–1885) таклифи билан «Манозил ал-кавокиб» («Сайёраларнинг жойлашишлари») номли астрономияга оид китоб ёзади. У 1870–1873 йилларда давлат тузумини ислоҳ қилиш ҳақида «Рисола дар назм-и тамаддун ва та'овун» («Маданият ва жамият тартиби ҳақида рисола») асарини яратади. Бироқ ундаги фикрлар амирга ёқмасдан, уни саройдан узоклаштиради (1874 й.). Аҳмад Дониш маълум муддат Бухоро амирлиги туманларида қози лавозимида ишлаган. Амир Музаффар вафотидан сўнг, Бухоро амирлигининг навбатдаги ҳукмдори Амир Саййид 'Абд ал-Аҳад-хон (1885–1910) Аҳмад Донишни пойтахт Бухорога чақириб, мадрасалардан бирига мударрис ва кутубхона раҳбари этиб тайинлаган.

Аҳмад Дониш юқоридаги асарлардан ташқари «Рисола-и та'рихий» номи билан машҳур бўлган «Таърих-и салтанат-и хонадон-и манғитийа» («Манғитлар сулоласи тарихи»), «Мажму'а-и ҳикойот-и Аҳмад Калла» («Аҳмад Калла ҳикоятлари тўплами»), «Ислоҳ миён-и ши'а ва сунний» («Ши'а ва суннийни яраштириш ҳақидаги насихат»), «Дафтар-и тақвим» («Кундалиқлар»), «Ми'йор ат-тадайюн» («Диндорлик меъёрлари»), «Рисола фи а'мол ал-кура» («Глобус ҳақида рисола»), «Та'одул-и хамса-и мутахаййира» («Беш сайёра ҳақида рисола») каби асарлар ёзган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида Аҳмад Донишнинг 16 қўлёзма асари сақланади. Аксарияти унинг ўз қўли билан ёзилган автограф нусхалардир.

Аҳмад Дониш ижодига мансуб тасвирий санъат асарларидан ҳам айримлари бизгача сақланиб қолган. Мусаввир ўзининг «Мактаб» номли миниатюрасида хотин-қизларни ўқитиш ғоясини илгари сурган. Аҳмад Донишнинг XV аср миниатюра санъати услубида чизилган «Шоир ва дарвеш» миниатюраси, «Мажнун сахрода» номли икки миниатюраси,

бангининг ҳажвий расми, ўзи кўчирган ва беаган Бедил асарлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида (инв. № 373) ва Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланади.

Хоразм хаттотлик мактаби

Му'нис Хоразмий (1778–1829)

Шоир, тарихнавис, таржимон, хаттот ва маърифатпарвар Шер-Мухаммад Амир 'Авазбий ўғли Му'нис 1778 йили Хива яқинидаги Қийот қишлоғида туғилган. Бошланғич маълумотни ўзи туғилиб ўсанган қишлоқ мактабида олган. Хива мадрасаларидаги таҳсили давомида замонасининг илмлари билан бир қаторда хаттотлик сирларини ҳам ўрганган. Ўз даврининг етук хаттотларидан бири бўлиб етишган Му'нис 1800 йилдан бошлаб Хива хони 'Аваз-Мухаммад Иноқ (1790–1804) саройида фармоннавис котиб сифатида иш бошлаган. Му'нис замонасининг машҳур олим, шоир ва санъаткорлари билан яқин алоқада бўлиб, билими, салоҳияти ва куч-қувватини шеърятга, илм-фан ва маърифатга бағишлаган. 1804 йили Му'ниснинг илк шеърый девони «Девон-и Му'нис» китобат қилинган.

1806 йилда Хива хонлигининг кейинги ҳукмдори Элгузар-хон (1804–1806) топшириғи билан Хива хонлиги тарихи ҳақида «Фирдавс ал-иқбол» («Бахтлар боғи») асарини ёзишни бошлайди. Бироқ бу китобни ёзиш ҳали охирига етмасдан туриб Элгузар-хон фожиали ҳалок бўлади. Му'нис китобни ёзишда давом этади ва 1819 йилда Мирхонднинг «Равзат ас-сафо'» («Софлик боғи») тарихий асарини туркий тилга таржима қилишни бошлайди. Бироқ ушбу асарнинг биринчи жилдини тугатгач, ўзи ҳам оламдан кўз юмади. Шундан сўнг Му'ниснинг шогирди Огахий унинг «Фирдавс ал-иқбол» («Бахтлар боғи») асарини ва «Равзат ас-сафо'» таржимасини ниҳоясига етказди.

Му'нис ўз давридаги суғориш иншоотлари ва ер-сув муносабатларига доир «Арналар» («Каналлар») номли рисола ҳам ёзган. Му'нис адабий меросининг асосий қисми 1815–1820 йилларда тузилган «Му'нис ал-ушшок» («Ошиқлар дўсти») девонидан жой олган икки юз минг байтдан иборат ғазал, мухаммас, қасида, рубо'ий, қитъа ва бошқа жанрларда ёзилган шеърлардан иборат бўлиб, хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилган ва 1880 йилда Хива тошбосмасида нашр этилган.

Ўз даврининг моҳир ва машҳур хаттотларидан ҳисобланган Му'нис атоқли шоир ва ёзувчиларнинг асарларини кўчириб, қайтадан китобат қилиш билан ҳам шуғулланган. Жумладан, у 1794 йили Навоийнинг «Мезон ал-авзон», 1797 йили эса унинг «Ҳолот-и Саййид Ҳасан Ардашер» асарларини китобат қилган. Му'нис «Мезон ал-авзон»ни қайтадан кўчиришда унда олдинги хаттотлар йўл қўйган айрим хатоларни тузатган.

Му'нис хаттотликнинг ўзи билангина шуғулланиб қолмасдан, хаттотлик назарияси ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшган. У 1804 йили савод чиқаришни енгиллатиш ва хуснихат санъатини ривожлантириш масалаларига бағишланган «Савод-и та'лим» шеърый рисоласини ёзади.

Му'нис девонларининг бир неча кўлёзма нусхалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланади.

Комил Хоразмий (1825–1899)

Комил Хоразмий тахаллуси билан ижод қилган шоир, хаттот, муסיқашунос, таржимон ва давлат арбоби Паҳлавон Муҳаммад-Нийоз 'Абдуллоҳ Охунд ўғли 1825 йили Хивада дунёга келган. Хива мадрасасидаги таҳсили давомида араб ва форс тилларини мукамал ўрганган Комил Хоразмий Шарқ классик адабиёти намояндалари ижоди ва мумтоз муסיқа билан биргаликда хаттотлик сирларини ҳам чуқур ўрганган. Яхшигина шоирлик истеъодига эга бўлган Комил Хоразмий ёшлик чоғларидаёқ ўз даврининг машҳур шоирлари қаторидан жой олган.

Ўз даврининг энг машҳур хаттотларидан бири бўлиб етишган Комил Хоразмий Хива хони Саййид Муҳаммад-хон (1856–1864) саройида котиблик қилган. Кейинги Хива хони Муҳаммад Раҳим-хон II (1864–1910) эса уни мирзабошилиқ вазифасига қўтарган. 1873 йили Россия билан Хива хонлиги ўртасида имзоланган «Гандумиён шартномаси» номини олган сулҳ шартномаси Комил Хоразмий қўли билан ёзилган.

Комил Хоразмий 1873–1880 йилларда Хива хонлиги саройида девонбеги, 1880 йилдан эса мирзабоши лавозимларида ишлаган. 1880 йилда Комил Хоразмий томонидан Хоразмда биринчи босмаҳона ташкил этилган.

Комил Хоразмий ўз даврининг атоқли муסיқашуноси ва бастакори ҳам бўлган. У танбур созига ярим мақом созини орттириб, «Мақом-и Ферузшоҳ»

деб ном беради. Сўнгра Муҳаммад Раҳим-хон II фармони билан олти ярим мақом танбурга катта нота тузади.

Комил Хоразмий Шарқ мумтоз шоирлари анъаналари руҳида лирик шеърлар ёзган. Унинг девонидан жой олган саккиз минг мисра‘дан ортиқ шеър ғазал, мурабба‘, мухаммас, мусаддас, маснавий, рубо‘ий, қасида, му‘аммо каби жанрларда ёзилган.

Комил Хоразмий таржимонлик фаолияти билан ҳам шуғулланган. У 1865 йилда Бархурдор ибн Маҳмуд Туркман Фароҳийнинг «Маҳбуб ал-кулуб», 1869–1870 йилларда эса Фахр ад-дин ‘Али Сафийнинг «Латойиф ат-тавойиф» («Турли тоифаларнинг латифалари») асарларини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Комил Хоразмийнинг ноширлик фаолиятида ‘Алишер Навоий асарларини нашр этиш муҳим ўрин тутган. У Навоий «Хамса» сининг биринчи Хоразм тошбосма нашрига сўзбоши ёзган.

Комил Хоразмий девони қўлёзмалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланади (инв. № 1849, 1025).

Фарғона хаттотлик мактаби

Мирзо Шариф Дабир (XIX аср)

XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган шоир ва хаттот Мирзо Шариф Дабир Қўқон хонлиги маданий муҳитида вужудга келган Фарғона хаттотлик мактабининг йирик вакиллари билан биридир. Бошқа илмларни чуқур эгаллаш қаторида ўша давр илмий-маданий ҳаёти учун муҳим ўрин тутган хаттотлик санъатини ҳам яхши ўрганган Мирзо Шариф Дабир Қўқон хонлиги ҳукмдорларининг назарига тушади.

1822–1841 йилларда Қўқон хони бўлган Муҳаммад ‘Али-хон (1803–1842) ўз давлати ҳудудида илм-фан ва маданият ривожига катта эътибор беради, айниқса, ‘Алишер Навоий, Фузулий каби туркийзабон адабиёт вакиллари асарларини кўчириб, китобат қилиш ишига бош-қош бўлади. Жумладан, ўша даврда Қўқон хонлиги хаттотлари орасида энг машхурларидан бири бўлган Мирзо Шариф Дабир Муҳаммад ‘Али-хон топшириғи билан 1836 йили Фузулий девонини, 1837 йили Фузулийнинг сайланган ғазалларини, кейинроқ эса ‘Алишер Навоийнинг сайланган ғазалларини наста‘лик ҳатида

нихоятда гўзал бир шаклда кўчиради.

Бундан ташқари, 1838 йили Қўқон хони Муҳаммад ‘Али-хон топшириғи билан кўқонлик хаттотлар олти ой муддат ичида ‘Алишер Навоийнинг «Чор девон» асарини уч юз нусхада кўчириб, шерозали муковада китобат қиладилар. Ушбу нусхалардан бири Мирзо Шариф Дабир томонидан кўчирилган.

Бугунги кунда Мирзо Шариф Дабир томонидан кўчирилган Фузулий девони (инв. № 150), Фузулийнинг сайланган ғазалларини (инв. № 3465) ва Алишер Навоийнинг сайланган ғазаллари (инв. № 2223) нусхалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда.

Муқимий (1850–1903)

Муқимий тахаллуси билан ижод қилган шоир ва мутафаккир, ўзбек демократик адабиёти асосчиларидан бири Муҳаммад Амин-хўжа Мирза-хўжа ўғли 1850 йили Қўқонда дунёга келган. Бошланғич маълумотни маҳалласидаги мактабда олган Муқимий аввал Қўқондаги Нодира бино қилдирган «Моҳлар ойим» мадрасасида (1864–1865), сўнг Бухоро мадрасаларидан бирида (1875–1876) ўқиган. 1876 йилда Қўқонга қайтгач, ер қурилиши маҳкамасида мирзалик қилган ва 1870-йиллар охирларидан бошлаб ижод билан шуғулланган.

Муқимий бир неча бор – 1887–1888 ва 1892 йилларда Тошкентга саёҳат қилиб, у ердаги янгиликлар билан танишган. Тошкент маданий ва адабий ҳаётини чуқур ўрганган. Алма‘ий, Нодим каби илғор руҳдаги ижодкорлар билан алоқа боғлаб, ижодий ҳамкорлик қилган.

Муқимий ўз шеърлятида ўзбек ва форс мумтоз шоирлари анъаналарини давом эттириб, Навоий, Жомий, Низомий ва Фузулий каби шоирларга эргашиб, уларнинг ғазалларига мухаммаслар боғлади. Бундан ташқари, жамиятдаги иллатларга, эскилик ақидаларига танқидий назар билан қараган Муқимий ижодида ҳажвийёт муҳим ўрин тутди. Шоир ўзининг ҳажвий асарларида чор амалдорлари, айрим маҳаллий бойларнинг кирдикорларини очиб ташлайди, ўлкага кириб келаётган капиталистик ва ғайрихлоқий муносабатлар ҳамда уларнинг оқибатларини кўрсатади, турмушнинг қоқоқ ва чиркин томонлари, ижтимоий онгдаги нуқсонлар устидан кулади, мустамлакачилик азоби, харобаликни заҳархандалик билан тасвирлайди.

Муқимийнинг шеърлари қўлёзмалар ва баёзларда, XX аср бошларида тошбосма усулда чоп этилган китобларда ҳамда Тошкент ва Петербургда босилган вақтли матбуот саҳифаларида бизгача етиб келган.

Ўз даврининг моҳир хаттотларидан бири ҳам ҳисобланган Муқимий ўз асарларини чиройли хатда ўз қўли билан кўчирган. Бундан ташқари у гўзал наста‘лиқ хатида жалий қалам билан бошқа муаллифларнинг қитъа ва рубо‘ийларини ҳам кўчирган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида Муқимий томонидан кўчирилган қитъа ва рубо‘ийлар тўплами (инв. № 9309), Қўқон адабиёт музейида эса Муқимийнинг ўз қўли билан ёзилган ўн саккизта мактуби сақланмоқда.

Рожий Хуқандий (1871–1924)

Рожий тахаллуси билан ижод қилган шоир ва хаттот Сулаймонқул уста Суярқул ўғли 1871 йили Қўқонда дунёга келган. Қўқон мадрасаларида таҳсил кўрган Рожий ёшлигидан шеърят ва санъатга, жумладан хаттотликка қизиққан.

Рожий Хуқандий шеъриятида ишқий ғазаллар, сатирик шеърлар ва таърихлар асосий ўрин эгаллайди. Унинг ижодида самимий муҳаббат улуғланади, инсон ва унинг жамиятда тутган ўрни юксак баҳоланади. Рожий Хуқандий адабий мероси 880 мисра‘ шеър ҳамда 400 дан ортиқ мақол ва ҳикматли сўзларни ўз ичига олувчи «Зарбулмасал» асаридан жой олган.

Рожий Хуқандий XX аср бошларида тобора тараққий топиб бораётган ўзбек вақтли матбуотида фаол иштирок этган. Жумладан, Маҳмуд-хўжа Бехбудий томонидан нашр этиладиган «Ойна» журналида унинг икки шеъри босиб чиқарилган.

Рожий Хуқандий ўз даврининг моҳир хаттотларидан бири сифатида машҳур шоир ва ёзувчиларнинг асарларини кўчириш ва китобат қилиш билан ҳам шуғулланган. Жумладан, у 1914 йили ‘Алишер Навоийнинг «Мажолис ан-нафо‘ис» ва «Хамса ал-мутаҳаййирин» асарларини ва Ҳофиз Шерозий девонини, 1915 йили эса Низомий Қўқондийнинг «Мажму‘ат ал-мақосид» ва «Марфу‘ат ал-маросиб» асарларини кўчирган.

Рожий Хуқандий томонидан кўчирилган қўлёзмалардан айримлари Қўқон адабиёт музейида сақланади.

Самарқанд хаттотлик мактаби

Мирий (1830–1899)

Мирий тахаллуси билан ижод қилган шоир ва хаттот, Самарқанд хаттотлик мактабининг йирик вакилларида бири Очилдимурод Не‘матуллоҳ ўғли Мирий Каттақўрғоний Самарқандий 1830 йили Каттақўрғонда деҳқон оиласида дунёга келган. Олдиниға Каттақўрғондаги Накиб-хўжа мадрасаси, кейинчалик эса Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсил олган. Таҳсили тугагач, маълум муддат деҳқончилик қилган, кейинчалик Каттақўрғоннинг Ҳайдарчаман маҳалласи мактабида ўқитувчи, 1888 йилдан эса Каллиқўрғон мавзеида қозилик қилган.

Мирий биринчи навбатда истеъдодли шоир сифатида ном қозонган. У ўздан мукамал девон, икки баёз ва бир қатор эпик асарлар қолдирган. Достонлар Мирий ижодининг асосий қисмини ташкил этади. Жумладан, у 1884 йилда «Раъно ва Зебо», 1887 йилда «Қисса-и Салим Жавҳарий», 1898 йили «Рустам ва Сухроб», 1899 йили «Мажд ад-дин ва Фаҳр ан-нисо‘» достонларини ёзган. Бундан ташқари Мирий «Гул-нома» ва «Чой-нома» каби маснавийлар муаллифи ҳисобланади. Мирий ўз ғазалларида ҳаёт зиддиятлари, турмушдаги тартибсизликлар, ноҳақликларни тасвирлаган, ҳажвий шеърларида эса риёкор қозилар ва миршабларни фош этган. Мирий асарлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Самарқанд давлат университетининг асосий кутубхонаси фондларида сақланади.

Мирий адабий таржима соҳасида ҳам ижод қилган. Жумладан, у Фирдавсий «Шоҳ-номаси»нинг бир қисми ҳамда Хусайн Во‘из Кошифийнинг «Анвор-и Суҳайлий» асарини ўзбек тилига шеърӣ таржима қилган.

Мирий хаттотлик соҳасида ҳам самарали фаолият кўрсатган. У Ҳофиз Шерозий, ‘Алишер Навоий, ‘Абд ар-Раҳмон Жомий, Са‘дий Шерозий, Бедил ва бошқа шоирларнинг айрим асарларини насх ва наста‘лик хатларида кўчирган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида Мирий томонидан кўчирилган Ҳофиз Шерозий, ‘Алишер Навоий ва Бедил асарлари нусхалари (инв. № 1380, 1408, 9395) сақланмоқда.

‘Абд ал-Жаббор Ургутий (1813–1912)

Истеъдодли шоир ва маҳоратли хаттот, Самарқанд хаттотлик мактабининг атоқли намояндаларидан бири ‘Абд ал-Жаббор Ургутий Самарқандий 1913 йили Самарқанд вилоятининг Ургут туманида дунёга келган. Ўз давридаги асосий билимларни эгаллаган ‘Абд ал-Жаббор Шарқ классик адабиётини чуқур ўрганган ва ўзи ҳам шеър ёзиб турган. Бироқ уни машҳур қилган нарса хаттотлик соҳасидаги фаолияти бўлди.

Наста‘лиқ хатида катта маҳоратга эга бўлган ‘Абд ал-Жаббор Ургутий ушбу хатнинг янги услубини яратиш орқали Мовароуннаҳрдаги наста‘лиқ хати услублари ихтирочилари қаторидан жой олди. Тадқиқотчиларнинг айтишларича, тарихда Мовароуннаҳр ўлкасида куйидаги тўрт киши наста‘лиқ хатининг тўрт янги услубига асос солишган: Мавлавий Соқий Муҳаммад, Содикжон Кўйи-дарахтий, Сиддиқжон Иштихоний ва ‘Абд ал-Жаббор Ургутий Самарқандий. Бироқ ўз мураккаблиги билан наста‘лиқ хатининг юқоридаги уч услубидан ажралиб турган ‘Абд ал-Жаббор Ургутий услубини ўрганиш анча қийин бўлган.

Хаттотликда ўз даврининг илғорларидан бўлган ‘Абд ал-Жаббор Ургутий бошқа уч хаттот билан биргаликда бир кечада бир китобни гўзал хатда кўчириб битирар эди. Айтишларича, ‘Абд ал-Жаббор Ургутий кўчирган қўлёзмаларда бирор марта бўлса-да хато кузатилмаган. ‘Абд ал-Жаббор Ургутий ҳаммаси бўлиб 250 жилд китобни кўчириб, китобат қилган.

Тошкент хаттотлик мактаби

Муҳаммад Йунус Котиб (XIX аср)

XIX аср Тошкент хаттотлик мактабининг таниқли вакили Муҳаммад Йунус Котиб асли Шаҳрисабздан бўлиб, кейинчалик Тошкентга келиб қолган. У шаҳарнинг Қашқар маҳалласида бир неча йиллар давомида истиқомат қилган. Муҳаммад Йунуснинг ҳаёт йўли тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд бўлмаса-да, унинг ўз замонидаги билимларни чуқур ўрганганлиги, жумладан адабиётга қизиқиши ва эътибори катта бўлганлигини пайқаш мумкин.

Муҳаммад Йунус Котиб ўз даврининг машҳур котибларидан саналиб, насх, наста‘лиқ ва шикаста хатларни ёзишда моҳир хаттот бўлган. Муҳаммад Йунус Котиб Тошкентда яшаган вақтида ‘Алишер Навоий асарларини кўчириш билан машғул бўлган. Жумладан, у ‘Алишер Навоийнинг «Хамса»,

«Маҳбуб ал-қулуб», «Лисон ат-тайр», «Мажолис ан-нафо'ис», «Ғаройиб ас-сиғар» ва бошқа асарларидан бир нечалаб нусхалар кўчирган. Булар орасида «Хамса»нинг мазкур хаттот томонидан кўчирилиб, китобат қилинган икки нусхаси алоҳида эътиборга сазовордир. Жумладан, Муҳаммад Йунус Котиб томонидан 1861–1863 йилларда кўчирилиб, китобат қилинган «Хамса» достони жилдида 'Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ал-қулуб», «Лисон ат-тайр» асарлари ҳам жойлаштирилган. «Хамса»нинг ушбу хаттот қалами билан кўчирилган иккинчи нусхаси эса 1872/1873 йилга оид бўлиб, асарнинг бошидаги икки саҳифасига, шунингдек, «Хамса»даги беш дostonдан ҳар бирининг бошланишига ҳам алоҳида-алоҳида бадий лавҳалар ишланган. Ажойиб наста'лиқ хати билан Қўқон қоғозида ёзилган ушбу нусха жилдида Навоийнинг 1873 йили мазкур котиб томонидан чиройли наста'лиқ хати билан кўчирилган «Маҳбуб ал-қулуб» асари ҳам жойлаштирилган.

'Алишер Навоий асарларининг Муҳаммад Йунус Котиб қўли билан юқори сифатда кўчирилган қўлёзма нусхалари ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда.

Муҳаммад Шох-Мурод Котиб (1850–1922)

Тошкент хаттотлик мактабининг забардаст намояндаларидан бири Муҳаммад Шох-Мурод Котиб Не'мат ўғли 1850 йили Тошкентда боғдор оиласида дунёга келган. Бошланғич мактабни битирганидан сўнг Довуд-хўжа Котиб номли хаттот ҳузурида хаттотлик санъатини ўрганган.

Муҳаммад Шох-Мурод бир оз муддатда наста'лиқ хатини ниҳоятда гўзал бир тарзда ёза оладиган бўлади. Бу пайтга келиб хаттотлик санъатини яхшигина ўзлаштириб олган ёш хаттот устозининг китъаларидан ташқари наста'лиқ хати усталари Мир-'Али Табризий, Султон-'Али Машҳадий, ва Мир-'Али Ҳиравий ҳамда шикаста хати устаси Йунус-хўжа Шаҳрисабзий қалами билан ёзилган қўлёзма нусхаларга тақлид қилиб ғазаллар кўчиради.

Маълум муддат Тошкентнинг Қўқалдош мадрасасида таҳсил олган Муҳаммад Шох-Мурод бошланғич мактаблар учун ёзиладиган савод китобларини кўчириб, китобат қилиш билан шуғулланади.

1867–1917 йилларда Тошкентда Лахтин, Бердиёнбах, Каминский, Ильин, Порцев, Туркестанский Курьер, Яковлев, Гулом-Ҳасан ва бошқалар томонидан тошбосма матбаалари ишга туширилиб, миллий тилларда китоблар нашр

этила бошлайди. Бу пайтда ўз даврининг энг моҳир хаттотларидан бирига айланиб улгурган Муҳаммад Шох-Мурод Котиб тошбосма матбаалар учун қўлёмалар кўчириб бера бошлайди. Жумладан, у томонидан кўчирилган ‘Алишер Навоийнинг «Хамса» ва «Ғаройиб ас-сиғар» асарлари, ‘Абд ар-Раҳмон Жомий асарлари, Фаттоҳийнинг «Шабистон» асари ҳамда Фузулий, Ҳофиз Шерозий, Бедил ва Амирий девонлари турли ноширлар томонидан нашр қилинади. Бундан ташқари Муҳаммад Шох-Мурод Котиб қўли билан кўчирилган хаттотлик санъати назариясига оид «Муфрадот ва мураккабот ва рисола-и хатт» асари Табризийнинг хуснихат ҳақидаги рисоласи билан биргаликда 1893 йили Тошкентда нашр қилинди.

Адабиётлар:

1. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент: «Фан», 1971.
2. Баёний, Меҳдий. Хаттотларнинг таржима-и ҳоли ва асарлари. Техрон: «Илмий», 1984.
3. Воҳид Обидинпур Жўшқоний. Темурийлар даври жамиятида хаттотлик ва хаттотларнинг ўрни // «Исломиё тадқиқотлар: тарих ва маданият» уч ойлик журнали. Техрон, 2010 йил, баҳор-ёз сони (№84), 141-170-бетлар (форс тилида).
4. Ёқуб Бухорбоев. Машхур хаттот Мир Убайд Бухорий // www.buxoriy.uz

ИСЛОМ ХАТТОТЛИГИ МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН

Ҳабибулло Исмаилович Солиҳ*

Ёзув – фикр элтишда илғор восита ҳисобланади. Бугунги кунда муомалада мавжуд ёзувлар: арабий, лотиний, кирилл, ‘иброний, хиндий ва бошқа турлари бисёр. Еттинчи асрдан бошлаб Қуръоннинг ёзуви турли халқлар орасида фикр алмашиш воситаси сифатида қўлланилган. Шу сабабли, асрлар давомида бу ёзув шаклан ривож – эволюцион жараёни вужудга келган. Давомли қалам тебратиш натижаси юзага келган бир қанча услублар турли атамалар билан мутахассислар томонидан эътироф этилган. Ўрта асрларда етти хил қалам тебратиш услублари эътироф этилиб, Насх-и ҳижозий қадим, Сульс, Куфий, Мағрибий, Насх-и қуръоний, Наста‘лик-и самарқандий, Рикъий ва Девоний каби атамалар билан юритилган. Қалам кесмасининг катта ва кичик (жалий ва хафий) қирқимлари жиҳатидан, атамалар сони орта борган. Йиллар оша сайқал топган Қуръон ёзуви бугунга келиб етмишдан ортиқ атамалар билан муомалада қўлланмоқда. Бу жараёнда Марказий Осиё халқларининг салмоқли ҳиссалари тарихдан барчага маълум. Айниқса Ўзбекистон заминида яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг маърифат соҳасида дунё тамаддуни тараққиётига қўшган ҳиссалари беқиёс. Бугун дунё хазиналарини салобат билан тўлдириб турган қўлёмалар бунинг ёрқин исботидир. Қўлёзма асарларни ўрганиш эса барчамизнинг шарафли бурчимиз. Буюк аждодларимизнинг маънавий меросларини ўрганиш – давримиз талаби. «Хаттотлик» – китобат санъати фан даражасига кўтарилган соҳалардан бири ҳисобланади. Бу санъат турини ўзлаштиришга барча имкониятлар бугун муҳайё. Қадимий ёдгорлик обидаларда мавжуд деворий кошинкор битиклар ва улардаги эпиграфик альбомлар нашр қилинмоқда.

* Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, хаттот

Аслида, «Насх» ибораси – фикрни хатга тушириш маъносида ҳам қўлланади. Қадимий Ҳижоз (Саудия Арабистони) худудида қўлланиб келган ёзувда Қуръон оятлари кўчирилиб, барча мусулмон диёрларига етказилган. Халифа ‘Усмон (р.а.) Мусҳафи қадимий Ҳижозий хат турида ёзилган. Еттинчи аср (646 м.й.) да кийик терисига кўчирилган Мусҳафнинг асл нусхаси Тошкентда сақланмоқда.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Расулulloҳ (с.а.в.) даврида турли халқ ва элатлар (Мусавий, ‘Исавий ва бошқалар) исломни қабул қилиб, ўзларининг ёзувларида Қуръон оятларини ёзиб, тарқата бошлаганлар. Натижада ихтилофлар юзага келган. Саҳобаи киромлар Расулulloҳ (с.а.в.) нинг ҳузурига келиб, мурожаат қилганидаги ҳадис шариф: – Қома аннабиййу (с.а.в.), ихмарра важхуҳу ва қола; «Ё, Або Зарр (Ғифорий)! Ва-ллазий ба‘асани би-л-ҳаққи Набийян, ма анзала Аллоҳу (табарока ва та‘ола) ‘ала Одам (‘алайҳи-с-солат ва-с-салом) илла тис‘атан ва ‘ишрина ҳарфан (ал-лати тактубуна биҳа ал-Қур‘он ал-карим). ‘Ала ва ҳийа; «Абжад, ҳавваз, хутти, каламан, са‘фас, қарашат, саххаз, зозоғ». Бунинг маъноси: – Абу (Ота) Одам жадда (қилмишига яраша), назала ‘ала-л-арз (ер юзига тушди), аҳотаҳу калала ва манна (ерда мехнату машаққатларга юзма-юз келди), са‘а (Одам) фа собара ва қарра шаттал-маядин (сабру бардош билан барча жабҳадаги тўсиқларни мардонавор енгиб ўтди), ва ахаза Сано’ (Робб ал-‘оламина ишончини оқлади), ва важада Зийо’, Зафар ва Ғина’ (натижада зиё, зафар ва бойликка эришди) [1].

Атиги 19 та шакл асосида таркиб топган Қуръон ёзуви ҳақидаги оятда: – «‘Алайҳа тис‘ата ‘ашар ...» иборасининг ўзиёқ ҳикматлар хазинасига ишора. Аллоҳ та‘оло таъкидлагандек: «Бутун оламга донги кетган Лавҳ ал-Маҳфуздаги Қуръон Мажиддир» (ал-Буруж, 22-оят). Бу алифбо: Бирлик, ўнлик ва юзлик сонлар ифодасини ҳам англатади. ‘Усмон Мусҳафидаги оятлар адади ҳам ҳарфлар билан берилган. Абу Райҳон Берунийнинг устурлоб асбобидаги даражалар сони ва Улуғбек бобомизнинг юлдузлар кузатув «секстант» иншоотидаги даражалари ҳам мармар тошга Қуръон ҳарфлари билан белгиланган.

Хуллас, буюк аجدодларимиз асрлар давомида ушбу мумтоз ёзув орқали бизларга илмий ва маърифий мерос қолдирган. Қадимий ёдгорликлар ички ва ташқи безакларидаги ҳикматли иборалар ҳам кошин безаклар тилида битилган. Ўзбек миллий халқ амалий санъатининг барча жабҳаларида ушбу

мумтоз ёзувда амалга ошган маъноларни кўриш мумкин (Кўргазмада баъзи намуналар намойиш этилади).

Бугунгача етиб келган илмий ва маданий мерослар умумбашарий бойлик. Марказий Осиё Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган минтақа бўлгани сабабли, муқаддас юртимиз Шарқу Ғарб халқларининг турли соҳасидаги тамаддуни синтез масканига айланган. Бу етукликлар жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётганига гувоҳмиз. Бунинг асосий омили – буюк аجدодларимиз ҳар қандай даври даврон ўзгаришларига ижобий қараб ва унга нисбатан ижодий ёндошганининг самараси бўлган. Ушбу халқаро миқёсда ўтаётган муҳим аҳамиятга молик бўлган илмий анжуман мазкур маъноларнинг ёрқин ифодасидир.

Адабиёт:

1. Нажий Зайн ад-дин. Мусаввар ал-хатт ал-‘араби. Бағдод, 1968. - 298 бет.

XATTOTLIK TARIXIGA QISQACHA NAZAR VA UNING ISLOM MADANIYATIDA TUTGAN O'RNI HAQIDA

Fazliddin Madiev*

Xattotlik arab tilida «husnixat yozuvchi» degan ma'noni bildirib, yozuv (xat) san'ati, kitob ko'chirish hamda me'moriy inshootlar, badiiy buyumlar kitobatini yaratish kasbini anglatadi. Sharq xalqlarining ko'p asrlik tarixiy merosida xattotlik va kitobat san'ati alohida o'rin egallaydi.

Arab yozuvining 100 dan ortiq turi mavjud. 28 harfdan iborat bo'lgan arab alifbosining dastlabki shakli «Xatti ma'qaliy» bo'lib, tik chiziqlar bilan ifodalangan. Ammo uzoq iste'molda bo'lib, shuhrat qozona olmagan. VII asrdan boshlab uning o'rnini arab yozuvining eng qadimiysi va mashhuri hisoblangan «Xatti kufiy» egallaydi. So'ngra xatti ma'qaliy va kufiy xati asosida arab yozuvining san'atkorona yaratilgan 8 xil asosiy uslubi maydonga kelgan. Bular: suls xati, nasx xati, muhaqqaq xati, rayhoniyy xati, tavqi' xati, riqo' xati, devoniy xati, nasta'liq xati.

Bu xatlar ichida hozirgi kunda eng ko'p qo'llaniladigani nasx xati bo'lib, 22 arab davlatida, Eron Islom Respublikasida shu xatdan foydalaniladi. Qur'oni karim hozirgi vaqtda asosan nasx xatida chop etiladi. Riqo' yozuvi arab yozuvining qo'lyozma shaklida o'z ifodasini topgan.

Arab yozuvining muhim xususiyatlaridan yana biri – u stenografik yozuv xususiyatiga ega. Odatda arab yozuvida Qur'oni karim va boshlang'ich sinflar uchun qo'llanmalar va lug'atlardagina qisqa unli harflar (harakatlar) yoziladi. Qolgan holatlarda ular yozuvda aks etmaydi.

Sharqda xattotlarning xatlari ma'no ifodasidan tashqari, kishini hayajonga solib, unga estetik zavq bergan. Har bir xatga san'at mo'jizasi sifatida qaralgan. O'rta Osiyoda kitob bosish vujudga kelguniga qadar qo'lyozma kitob tayyorlash,

* Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi tadqiqotchisi

ularning nusxalarini ko'paytirish (matn ko'chirish) bilan xattotlar shug'ullangan. Xattotlar saroylarda, ayrim amaldorlar huzurida guruh bo'lib ishlagan. Xattotlik san'atiga bag'ishlangan ko'plab risolalar yozilgan. Muhammad ibn Husayn at-Tibbiy, Mir-'Ali Tabriziy, Sulton-'Ali Mashhadiy, Mir-'Ali Xiraviy, Mu'nis Xorazmiy va Ahmad Donish o'z davrining mashhur xattotlari bo'lishgan [1].

Jumladan, Navo'iy «Xamsa» ustida ishlaganda uning yozib tugatilgan qismini mashhur xattot 'Abdu Jamil Kotib peshma-pesh oqqa ko'chirgandi. Shoir o'zining yirik tazkirasida «Majolis an-nafo'is» asarida xattotlik san'atiga yuqori baho berib, uni puxta egallagan Sulton 'Ali Mashhadiy, Mavlono Soyimiy, Mavlono Sayfiy, Mavlono Sher-'Ali, Shayx-zoda Purniy, Mavlono Voysiy, Mavlono Kotibiy va 'Abdu Jamil Kotib Hirotiy kabi mashhur kotiblarni faxr bilan tilga oladi. Shunisi diqqatga sazovorki, bizgacha yetib kelgan 'Alisher Navo'iy asarlari qo'lyozmalarining juda ko'pchiligi qadimiy ilm-fan maskanlari Buxoro va Shahrisabzda kitobat qilingan. Qavomiddin Munirov va 'Abdulla Nosirov kabi sharqshunoslar tartib bergan «'Alisher Navo'iy qo'lyozma asarlari katalogi» (Toshkent, 1970) dagi ro'yxat ana shundan dalolat beradi [2].

Bizning (IBXITM) kutubxonasida ham 'Alisher Navo'iyning XVIII asrga tegishli «Xamsa» asarining nasta'liq arab xat turida yozilgan nusxasi saqlanadi [Ill. 5-6].

Islomni qabul qilish bilan rivojlana boshlgan xattotlik sa'nati O'rta Osiyoda Temuriylar davrida, Turkiyada esa 'Usmonli saltanati davrida eng yuqori cho'qqiga chiqqan edi. Islom geografiyasida tilga olinadigan «Qur'on Makkada nozil bo'ldi, Misirda o'qildi, Istanbulda yozildi va Mavoraunnahrda amal qilindi» iborasi Temuriylar va 'Usmonli sultonligining bu san'atga bo'lgan hissasi va muvaffaqiyatini ko'rsatmoqda.

Tuxum oqi bilan jilolangan oharli qog'oz, quritilgan qamishdan tayorlangan bir qamish qalam, neft qurumi va arab saqichidan tayorlangan siyoh xattotlik san'atining eng muhim qurollaridir.

Xattotlik san'ati simmetriya, hajm, muvozanat kabi unsurlarni o'z ichiga oladi. Bu san'atning ijrosida diqqat etiladigan xususiyatlarga amal qilgan holda, ham estetik, ham mazmunli matn tarkibini paydo qilish muhim omil hisoblanadi.

Xattotlik san'ati ustoz-shogird munosabatlaridan mashq deb ataladigan ta'lim orqali avloddan avlodga yetkaziladi. Xattotlik san'atini egallash uchun o'rtacha besh yil vaqt ketadi. Bu ta'limni olgan shogirdlar, ustozlar oldida o'zlari egallagan san'atni namoyish qilib, mustaqil ishlash uchun ijozat olishadi [3].

‘Alisher Navo’iy o‘zining yirik tazkirası «Majolis an-nafo’is» asarida xattotlik san’atiga yuqori baho berib, uni puxta egallagan Sulton ‘Ali Mashhadiy, Mavlono Soyimiy, Mavlono Sayfiy, Mavlono Sher-‘Ali, Shayx-zoda Puroniy, Mavlono Voysiy, Mavlono Kotibiy va ‘Abdu Jamil kotib Hirotiy kabi mashhur kotiblarni faxr bilan tilga olgan bo’lsa, ‘Usmonli sultonligida Amasiyali Shayx Hamdullah (XV asr) va o’g’li Mustafı Dede, Hafız ‘Usmon (XVII asr), Ahmet Qorahisorli, ‘Ali ibn Murid as-Sufiy, Mustafa Raqim Afandi, Kotib-zoda Mehmet Refi’ Afandilar (XVIII asr) xattotlik san’atida katta o’rin tutgan.

Bu ikkala sultonlikda XX asrning boshlarigacha rivojlanib, katta ahamiyat kasb etgan bu nafis san’at turi ikki mintaqada ham yozuv almashishi tufayli va kitob bosishning zamonaviy yo’liga o’tganligadan katta yo’qotishga uchradi. Ammo bu nafis sana’t turini saqlab qolish uchun Turkiyada bizdan ko’ra ancha oldin harakat qilindi va mutaxassislar chiqarishga erishildi.

O‘zbekistonda esa, o’tgan 2018 yilning 1-3 fevral’ kunlari poytaxtimizdagi Yoshlar ijod saroyida ilk marotaba «Hikmatlar olami» I-xattotlik festivali o’tkazildi. Festival O‘zbekiston Respublikasi xalq ustalari, hunarmandlari va musavvirlari «Hunarmand» uyushmasi tomonidan tashkil etildi.

Xattotlik san’ati festivalining o’tkazilishi tarixiy voqea bo’ldi. Chunki shu vaqtga qadar bunday festival’ bo’lmagan edi. Mamlakat miqyosida birinchi bor tashkil etilgan ushbu tadbir Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning xattotlik san’atini rivojlantirish va uning an’anaviyligini ta’minlashga qaratgan alohida e’tibori tufayli amalga oshdi.

Oxirgi yuz yillikda unutilayozgan kitobat san’ati bir guruh xattotlarimiz tomonidan qayta tiklandi. Bunda Habibulla Solih, Salimjon Badalboyev, ‘Abdulla Mirsoatov, To’xtamurod Zufarov, ‘Alisher Shomuhamedov va boshqalarning xizmatlari katta. Habibulla Solih 1998 yili Istanbulda o’tkazilgan xalqaro xattotlar bellashuvida «Devoniy» xat uslubi bo’yicha kuchli o’nlikdan joy oldi. 1999-yili u xattotlikda yangi tarz, ya’ni naqshin bezak yozuvining alifbosini kashf qilgani uchun Lohurdagi xalqaro xattotlar bellashuvida «Parvin raqam» unvoniga sazovor bo’lgan.

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti, Toshkent islom universiteti, Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn institutida xattotlik san’atining o’qitilishi ota-bobolarimiz an’analarini davom ettirish va yoshlar orasidan iste’dodli xattotlar yetishib chiqishiga xizmat qilmoqda [1].

Bu san’at bo’yicha amalga oshirilishi kerak bo’lgan eng katta maqsad,

Xattotlik maktablarini qaytadan jonlantirib, 500-600 yil oldingi Amir Temur, ‘Alisher Navo’iy davridagi darajaga yetkazishdir. Amir Temur davrida 40 dan ziyod xattotlar saroyda ishlashgan. Masalan, devoniy xatida devonlar qog‘ozga tushirilgan. Podsholar bir-biriga maktublarni devoniy xatida yozgan. Nasta’liq xatida badiiy asarlar ko‘chirilgan. Tazkiralari, tarixlar hammasi nasx xatida yozilgan. Har bir xattot o‘z vazifasini bajargan.

Biz xattotlik to‘garaklarini madrasalardan boshlaganimiz yaxshi. Chunki u madrasada o‘quvchilarga arab alifbosi o‘rgatiladi. Hozir respublikamizning har bir viloyatida madrasa bor. Lekin ularda xattotlik darslari o‘tilmaydi. Hech bo‘lmaganda, har bir madrasada xattotlikka qiziquvchilar uchun alohida guruh ochib, ularga xattotlikdan ta‘lim berish kerak. Kadrlar masalasini ham o‘ylab ko‘rish lozim bo‘ladi. Buxoroda ‘Abdug‘ofir Razzoq Buxoriy bor. Taniqli xattot. U kishi suls, nasta’liq xatida juda go‘zal yozadi va talabalarga xattotlikni o‘rgatadi. Ana shunday insonlarni madrasalarda ta‘lim berish uchun jalb qilish kerak. Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi va Hadis maktabida ham bunday to‘garaklarni rasman tashkil qilish ham muhim deb hisoblayman. So‘zimning oxirida xulosam shuki, xattotlik san‘atini rivojlantirsak, quyidagilarga erishamiz:

Birinchidan, ota-bobolarimiz o‘z vaqtida bu ilmda dunyoda peshqadam bo‘lishgan. O‘sha peshqadamlilikni yana qaytarib olib, ulardan qolgan bebaho meros bo‘lgan nafis san‘atni davom ettirgan bo‘lamiz.

Ikkinchidan, xalqimiz tarixi, ijtimoiy-siyosiy va moddiy-ma‘naviy ahvoli 1300 yil mobaynida arab alifbosiga asoslangan xatda yozib kelingan. Bu yozuv sirlarini anglash, xat jihati va imlo xususiyatlarini o‘zlashtirish orqali esa biz xalqimizning uzoq asrlik tarixi, madaniyati, san‘ati, tili va adabiyoti, yozma yodgorliklar, qadim qo‘lyozmalar, o‘n minglab tarixiy obidalarimizni chuqur o‘rganish imkoniga ega bo‘lamiz [4].

Фойданилган манбалар:

1. Nasiba Ziyodullayeva <http://uza.uz/uz/culture/xattotlik-eng-go-zal-va-nafis-san-at-30-01-2018>
2. L. Rahimjonova <https://saviya.uz/hayot/nigoh/navoiy-xattotlari/>
3. Geçmişten Geleceğe Yaşayan Kültür Mirasımız Türkiye Somut Olmayan Kültürel Miras Ulusal Envanteri <http://aregem.kulturturizm.gov.tr/TR-131415/hat-sanati.html>
4. Salimjon Badalboyev http://uzbekistonovozi.uz/uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=58841

ҚЎЛЁЗМАЛАР БИЛАН ИШЛАШ УСУЛЛАРИ

Оловхон Нематов*

Инсонни яратиб, унга илм ва нутқни берган Аллоҳ та'олога ҳамдлар бўлсин! Инсонларни нодонлик зулматларидан маърифат ёғдулари сари чорлаган Пайғамбаримиз Муҳаммад, соллаллоҳу 'алайҳи ва-салламга, ҳадсиз-ҳисобсиз салавотлар бўлсин!

Дарҳақиқат, дунё тамаддунининг ривожига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган буюк алломалар яшаб ўтган она ватанимиз улкан бой илмий меросга эгадир. Биз уларнинг ворисларимиз дея фахр билан айта оладиган олиму уламоларимизнинг номларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Илм-фаннинг қайси жабҳасини олиб қараманг, аждодларимиз у соҳада асарлар ёзиб кетганига гувоҳ бўласиз. Бугун ана шундай бебаҳо дурдоналарни ўқиб-ўрганиш, юртимиз аҳолисига, айниқса ёшларга ўз ота-боболари қолдириб кетган маънавий хазинанинг эшикларини очиб, уларнинг ичидаги дуру жавоҳирларни кўрсатиб бериш юртимиз уламоларининг масъулиятли, айти дамда шарафли вазифасидир. Бунинг учун юртимизда барча шарт-шароитлар мавжуд. Айниқса, муҳтарам юртбошимиз Ш. Мирзиёев ташаббуслари билан ўз фаолиятини бошлаган «Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази» бу борада пешқадамлардан бўлишлари лозим ва лобуддир.

Мен бу мақоламда қўлёзма асарлар устида ишлаш ва тадқиқот олиб бориш ишларини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмаган, бу борада билим ва тажрибаси оз бўлган илмий тадқиқотчилар учун кўп асқотадиган маълумотларни келтириб ўтдим. Қуйида зикр қилинадиган услублар ва усуллар ёрдамида қўлёзмалар билан ишлаш борасида каттагина кўникмаларни қўлга киритишимиз мумкин бўлади.

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

Нусхаларни тўплаш ва тартиблаш

1. Нусхаларни тўплаб олиш. Биз бирон бир қадимий қўлёзмани таҳқиқ қилмоқчи бўлсак, энг аввало, унинг дунё кутубхоналари бўйлаб сочилиб кетган мавжуд бир қатор нусхалари билан мумкин қадар танишиб чиқишга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Бундан мақсад – шу қўлёзманинг энг қадимги ва тўғри нусхасини қўлга киритишдир. Бу борада эътиборсизлик қилиш мумкин эмас.

2. Бунинг учун Карл Броккелманн, Фуат Сезгин, Рамазон Шешен ва бошқалар сингари олимларнинг қўлёзмалар каталогларига оид китобларига муурожаат қилиш керак бўлади.

3. Ўрганилаётган қўлёзма асарнинг нусхалари мавжуд жойларни билиб олсак, уларни каталоглар ёрдамида энг юқори савияда ўрганиб чиқишимиз, бизга керак бўлаётган нусхаларни танлаб олишимиз, асл манбалар ҳақидаги ишончли суратлар бизнинг столимиз устида бўлиши учун уларни тасвирга олиб қўйишимиз ва суратлар ҳар қандай янги ўзгартириш ва ҳарфлар жойи алмашилган бўлишидан холи бўлмоғи керак бўлади.

4. Каталогланмаган кутубхоналарда мавжуд бўлган нусхалар эса суратга олинади ва ўрганилади.

Нусхаларни тартиблаш

Одатда, нусхаларнинг мартабалари қуйидагича бўлади:

1. Нашр қилиш учун асос қилиб олинadиган энг яхши нусха бу, муаллифнинг ўзи ёзган нусхадир. Ана шуниси бирламчи манба ҳисобланади.

2. Муаллифнинг қўли билан ёзилган нусхани учратиб қолинганда муаллиф бу китобни бир ўтиришда ёзганми ёки турли босқичлар ва ҳолатларда ёзганми экани ўрганилиши лозим. Ана шундай қилинса, қўлимиздаги нусха муаллиф ўз китобини ёзган энг сўнги кўриниш эканига ишонч ҳосил бўлади.

Аслида кўплаб уламолар ўз асарларини аввал бир кўринишда ёзганлар. Сўнгра унга қўшимчалар киритганлар ёки унда айрим қисқартиришларни амалга оширганлар. Шунинг учун ҳам айрим китобларнинг бирдан ортик нусхалари борлигини, айримлари, масалан, беш жуз' бўлса, бошқалари етти жуз' ёки аксинча бўлганини кўрамиз. Бинобарин, муҳаққиқ ана шуларга эътибор бериши ва асарнинг энг сўнги нусхасига таяниб иш қилиши лозим бўлади.

3. Муаллифнинг нусхасидан кейин у ўқиб берган ёки унга ўқиб берилган

ва бу нусха унга ўқиб берилгани муаллифнинг ўз қўли билан қайд этиб қўйилган нусхаси туради. Шунинг учун ҳам Имом Бухорийнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» асарининг Фирабрий ривоят қилган нусхаси бошқа нусхалардан устун туради. Зеро, Фирабрий уни Имом Бухорийнинг ўзидан икки марта эшитган. Иккинчи мартаси 252 ҳижрий йилда бўлган.

4. Сўнгра муаллифнинг нусхасидан кўчириб олинган ёки у билан солиштириб, таққослаб кўрилган нусха туради.

5. Сўнгра муаллифнинг даврида кўчирилган, устида уламоларга ўқиб эшиттирилгани қайд этилган нусха туради.

6. Сўнгра муаллифнинг даврида кўчирилган, аммо устида уламоларга ўқиб эшиттирилгани қайд этилмаган нусха туради.

7. Сўнгра муаллифнинг замонидан кейин кўчирилган нусхалар туради. Бундай нусхаларда олдин кўчирилгани кейин ёзилганидан устун туради. Бу нусхалар бирор олим тарафидан кўчирилган ёки бирор олимга ўқиб берилган бўлади.

Айрим вақтларда шундай ҳолатлар бўладик, кейин кўчирилган нусха олдин кўчирилган аммо ўзгартириш ёки жойини алмаштириш ҳолатлари мавжуд бўлган нусхага нисбатан тўғрироқ ва аниқроқ бўлиб чиқади.

Ёки жуда ҳам кейин кўчирилган нусха айнан муаллифнинг ўзининг нусхасидан ёки муаллифнинг замонидаги нусхадан кўра яхшироқ қилиб кўчирилган бўлади. Муаллифнинг ўз қўли билан ёзган нусхасини қўлга киритишга қодир бўлмасак, бизнинг ишимиз ўзгартирилган ва жойи алмаштирилган ҳолатлардан йироқ бўлган ва муаллифнинг асарига энг яқинроқ кўринишдаги нусхани қўлга киритиш бўлади. Бунинг сабаби шуки, қўлёзма асар муаллифнинг замонидан қанча узоқлашган сари нусха кўчирувчиларнинг қўллари билан кўп ҳолларда уларда ўзгартиришлар содир бўлади.

8. Баъзан устида кўчирилган санаси ёзилмаган ёки кўчирилган санасига далолат қиладиган қандайдир ишора бўлмаган қўлёзмани учратиш қоламиз. Ана шундай пайтда қўлёзма ёзилган хат турининг ёрдамида унинг кўчирилган санасини аниқлаш мумкин. Чунки ўтган асрлардан ҳар бирининг ўзига хос хат тури бўлган. Тадқиқотчи қўлёзмаларнинг хатларини шу қўлёзмаларни кўп мутулаа қилиш ёки қўлёзмалар кўчирилган хат турларидан намуналар берилган каталогларга мурожаат қилиш орқали ўрганиши ва улар ҳақида билимга эга бўлиши мумкин.

9. Агар китобнинг бошқа маълум нусхалари мавжуд бўлса фақат биргина нусхага асосланган ҳолда китобни нашр қилиш мумкин эмас. Шунингдек, китобнинг дунё кутубхоналарида қадимий нусхалари бор бўла туриб, сўнги даврларда кўчирилган нусхаларига таяниб ҳам уни нашр қилиш мумкин эмас. Агар шундай қилинадиган бўлса, нашрдан чиққан китоб илмий таҳқиқ ва ишончлилигини ўрганишга муҳтож бўлиб қолади.

Категориялар

Айрим китоблар жуда ҳам кенг тарқалиб кетгани сабабли уларнинг нусхалари ҳам кўпдир. Нусхалар кўп бўлган ҳолатда баъзан учта ё ундан кўп ёки камроқ нусхалар борлигини кўрамыз ва уларнинг барчаси хатолари ё хошиялари ёки нуқсонлари ёхуд қўшимчалари билан бир-бирларига жуда ўхшаб кетади ва уларнинг барчаси битта манбадан кўчирилган бўлади. Мана шундай ҳолатларда бир-бирига ўхшаш нусхаларни категорияларга ажратиб олинади ва ҳар бир категорияга ҳарфлар ёрдамида белгилар қўйиб чиқилади. Масалан, «а» категорияси, «б» категорияси, «в» категорияси ва ҳоказо. Сўнг ҳар бир категориядан биттадан нусха ажратиб олинади.

Матнларни таҳқиқ қилиш

Таҳқиқ қилишнинг мақсади ва услуби

Таҳқиқ қилишдан мақсад қўлёзмани муаллиф ёзиб кетганидек тўғри ҳолатда китобхонларга тақдим қилишдир, уни шарҳлаш эмас. Кўпгина нашр қилувчилар мана шу масалага аҳамият қаратмаганлари учун ҳам китобнинг хошиялари шарҳлар ва қўшимчалар билан тўлиб кетган бўлади. Улар орасида китобдаги айрим сўзларнинг шарҳлари, шахсларнинг таржимаи ҳоллари, чоп этилган китоблардан нақллар, муаллиф айтган сўзга ёзилган изоҳлар ҳам бўлади ва буларнинг барчаси кишини зериктириб юборадиган даражада кенг кўринишда бўлади. Бу нарсалар китобхонни матннинг ўзидан чалғитиб юборади. Ана шу санаб ўтилганлар қўлёзманинг ўзида мавжуд бўлмайди.

Таҳқиқ қилиш учун қуйидагилар амалга оширилиши зарур:

1. Китобнинг тўғрилиги, исми ва унинг ҳақиқатдан ҳам шу муаллифга мансублигини аниқлаштириб олиш.
2. Агар нусха муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган асл бўлса, шундайлигича қолдирилади.

3. Агар муаллиф айрим манбалардан баъзи матнни нақл қилган ва уларнинг номларини зикр қилиб ўтган бўлса, ана шу матнлар асл манбасига солиштириб кўрилади ва китобнинг хошиясида қисқача қилиб ундаги зиёдалик ва камчиликлар кўрсатиб ўтилади. Масалан, бу матнлар сўзлардаги бир оз фарқлилик ёки зиёдалик билан фалон китобда келган дейилади ёхуд булардан бошқа маълумотлар айтиб ўтилади.

Биз матнлар деганда муаллифнинг китобида келган барча нарсани назарда тутамиз. Улар хоҳ назм бўлсин, хоҳ наср, хоҳ улардан бошқа, барибирдир.

4. Баъзан муаллиф ўзи нақл қилаётган матнларнинг манбасини айтиб ўтмаслиги ҳам мумкин. Ана шундай ҳолатда тадқиқотчи уларнинг манбаини аниқласа ва китобда келган ҳар бир матннинг ўз манбасини кўрсатиб ўтса, гўзал иш бўлади. Қолаверса, матннинг ишончилигидан хотиржам бўлинади. Бу икки иш, яъни 3 ва 4 ишларга фақатгина матннинг тўғрилигини аниқлаш мақсадида мурожаат қилинади, холос.

5. Муаллиф ёзишда хатога йўл қўйган ёки хотираси панд берган бўлиши, оқибатда бирор сўз ёки исмда хатолик кетган бўлиши ҳам мумкин. Ана шунда тадқиқотчи хошияда бу хатони тузатиб ўтиши, матнни у қандай келган бўлса, шундайлигича келтириши мумкин бўлади. Чунки муаллиф ўз хати билан ёзадиган матн унинг ўша матнни ўқиганига, ундан хабари борлигига ҳамда унинг илмий шахсиятига далолат қилади. Ёки тадқиқотчи тўғри матнни китобнинг ўзида келтириб, матндаги хатоликни китобнинг хошиясида кўрсатиб ўтиши ҳам мумкин.

6. Аммо нусхалар турлича бўладиган бўлса, асосий нусха сифатида бир нусха танлаб олинади ва китобга унинг матнлари қолдирилади.

7. Асосий қилиб олинadиган нусха бошқа нусхалар билан солиштириб кўрилади ва хошияда нусхалардаги фарқлар кўрсатиб ўтилади. Яъни, сўзларда маънони ўзгартириб юборадиган даражадаги фарқ мавжуд бўлса, улар айтиб ўтилади ва нусха кўчирувчиларнинг хатоси кўрсатиб ўтилмайди.

8. Сўзларда фарқ бўлган вақтда китобнинг матнида тадқиқотчи ҳар бир сўзни ўрганиб чиққанидан сўнг ўзича тўғри деб билган сўзни келтиради ва ўзгартирилган, жойи алмаштирилган ва хато кетган жойлар китобнинг хошиясида келтирилади.

9. Нусхаларнинг бирида ишончли нусхаларда мавжуд бўлмаган зиёдалик учраб қолган пайтда шу ишончли нусхага қўшим юборилади ва хошияда буни кўрсатиб ўтилади. Бу иш китобни нашрга тайёрлагувчи киши ана шу зиёдалик

нусха кўчирувчининг эмас, балки китобнинг ўзидан деб билса шундай қилинади. Йўқса, унга ишора қилиб, хошияда уни келтириб ўтиш ҳам мумкин.

10. Муҳакқиқ матндан тушиб қолган ҳарф ёки сўзни қўшиб кетишига рухсат бор. Аммо икки қавс ўртасида бўлиши шарт. Аввалги уламолар китобнинг матндан тушиб қолган ҳадиснинг санади ёки матнни кўшимча қилиб ўтилишга ва ҳадис китобида ўчиб кетган жойларини янгилашга рухсат берганлар.

11. Агар қўлёзмада бирор матнни зоя қиладиган даражадаги тешик ва йиртиқ жой бўлса, мана шу матн хоҳ тошбосма бўлсин, хоҳ қўлёзма, бошқа бир китобда мавжуд бўлса, матнни унинг биринчи манбасидан олиб нақл қилинади. Ана шунда ўша тешик ёки йиртиқ жой ўрни тўлдирилади ҳамда китобнинг хошиясида уни кўрсатиб ўтилади. Бошқа манбалардан олиб кўшилган ўша матн икки қавс ўртасида берилади. Аммо тадқиқотчи йиртилган ёки бўш қолдириб кетилган жойни тўлдирадиган матнни бошқа бир манбада топмаса, хошияда ўша йиртиқ ёки бўш қолган жойнинг миқдорини кўрсатиб ўтади.

12. Ўрганилаётган қўлёзманинг нусхалари кўп бўлган ва ишончли бир нусхани танлаб олмаган вақтларида айрим нашр қилгувчилар бир пайтнинг ўзида бир нечта нусхаларга таяниб иш қиладилар. Бу усул нашр қилгувчига эркинлик беради. Бироқ бундай эркинлик билан бирга хатога йўл қўйиш ҳам бор бўлади. Бундай хатодан сақланиш учун нашр қилгувчи шахс китобнинг муаллифи, тили, услубини, китобнинг ўзини яхши билган бўлиши лозим. Қўлёзмалар билан ишлашни энди бошлаган тадқиқотчилар учун энг яхши йўл битта нусхага таяниш, уни бошқа нусхалар билан солиштириб кўриш ва сифатли ривоят қилинган нусхани бошқаларидан устун қўйишдир.

13. Қадимги уламолар бир китобнинг иккита нусхасини учратиб қолсалар, уларни бир-бири билан солиштириб кўрганлар ва улар ўртасидаги фарқни китобнинг хошиясида «Фалон нусхада бунақа» деб, кўрсатиб ўтганлар. Бундай ҳолатда хошияда ёзилган матн худди иккинчи нусхадек бўлиб қолади ва у билан матндагининг ўртаси ажратиб қўйилади ҳамда хошияда уни кўрсатиб ўтилади.

14. Бирор олим одам бирор китобни ўқиб, унинг айрим сўзларини тузатиб қўядиган ҳолатлар ҳам бўлади. Мана шу тузатилган сўзлар нусханинг қийматини оширади. Агар тадқиқотчи ҳам сўзларни тузатишга муваффақ бўлса, уни матнга киритади ва хошияда бу сўз аслида қандай бўлганини

кўрсатиб ўтади. Умумий қилиб айтганда, китобнинг хошиясида қайси бир нусханинг хошиясида топиладиган ҳар қандай изоҳга ишора бериб ўтилиши лозим.

15. Агар қўлёзманинг четларида кейин қўшилган зиёдалиқлар ё қандайдир танбеҳ ёки шарҳ ёхуд бошқа нарсалар бор бўлса, улар асло матнга қўшилмайди. Аксинча хошияда уларни кўрсатиб ўтилади.

16. Тадқиқотчи шу нарсага диққатли бўлиши лозимки, у олтинчи асрга қадар ёзилган қадимий қўлёзмаларда, айниқса ҳадисга доирларида сўзларнинг устига айрим белгилар ёки ҳарфлар қўйиб кетилган ҳолатларни ҳам учратади. Аммо уларнинг маъноларини билмайди. Ана шундай белги ва ҳарфлар, жумладан, қуйидагилардир:

а) Сўзнинг устига ёзилган «**صح**» калимаси. Унинг маъноси шуки, матнда келтирилган сўз саҳиҳдир.

б) «**ضبة**» (дабба) ёки шубҳалига чиқариш белгиси деб аталадиган «**صح**» ҳарфи ва чўзиқ «**ص**» ҳарфи. Унинг маъноси шуки, мана шу ҳарф қўйилган сўзда шубҳа ё хатолик ёки иллат бор.

в) Агар бирор сўзнинг устидан узун чизик тортилган бўлса, унинг ҳазф қилинган эканини билдиради. Кўп ҳолларда ҳазф қилинган сўзнинг усти ярим доира билан ўраб қўйилади.

17. Асл араб тилидаги китобларда ҳарфларнинг нуқталари қўйилмаган бўлади ва бу нарса уларни ўқишдаги чалкашликка йўл қўйилишига олиб келади. Китобни ўзгартириш ёки жойини алмаштиришнинг олдини олиш мақсадида нусха кўчирувчилар ва қадимги уламолар учинчи асрдан олтинчи асрга қадар ҳарфларнинг устига айрим ишораларни қўйиб кетишга одатланишган. Масалан, улар сўздаги «**ح**» ҳарфи устига «**خ**» қилиб ўқилмаслиги учун кичкина қилиб «**ح**» ҳарфини қўйишган.

Ёки «**غ**» ўқилмаслиги учун «**ع**» ҳарфи устига кичкина қилиб «**ع**» ҳарфини ёзиб кетишган.

«**ص**», «**ط**», «**د**» ва «**ر**» ҳарфлари билан ҳам худди шу ишни қилишган.

«**ش**» ўқилмасин деб «**س**» ҳарфи остига учта нуқта қўйиб кетган ҳолатлари ҳам бўлган.

Ҳарф шакли

Аслида ўрганилаётган қўлёзмати қўлда ёки компьютер ёрдамида териб чиқиш жараёнида агар нусха муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган бўлса,

муаллиф ёзган ҳарф шаклида териш лозим бўлар эди. Лекин араб хати вақт ўтгани сайин ривожланиб борди ва матнларни ўзимиз одатланиб қолган ҳарф кўринишида ёзиш лозим бўлиб қолди. Аввалги уламоларнинг ўзлари бунга ижозат беришган. Масалан, ҳарфларнинг нукталари қўйилмай кетган қадимий матнларни учратиш қоламиз. Бугун уларни нукталарсиз нашр қилиш мумкин эмас. Ҳамза, замма, фатҳа, касра, ташдид ва суқун каби ҳаракат белгиларидан бирортаси қўйилмай кетган матнларни ҳам учратамиз. Уларни қўйиб чиқамиз десак, айрим хатоликларга қўл уриб қўямиз. Шунинг учун энг маъқул йўл қуйидагиларга амал қилишдир:

1. Ҳамза қўйилмайдиган бўлса, маъно ўзгариб кетадиган бўлса, сўз бошида келганда у ҳар доим ёзилади. Масалан: إعلام ва إعلام сингари.
2. Алиф-и мақсура (қисқа алиф) билан «йа'» ҳарфининг ўртаси чалкаштириб юборилмаслиги учун «йа'»нинг остига иккита нукта қўйиб кетилади.
3. Ташдид ҳар доим қўйиб кетилади.
4. Атоқли отларнинг алиф-и ҳазф қилинган исмларида бугунги кундаги одатга биноан алиф ёзилади. Масалан: حرث , سليمان ўрнига سليم , حارث ўрнига حارث , خالد ўрнига خالد , معاوية ўрнига معاوية , مروان ўрнига مروان , مالك ўрнига ملك , مروان .

Бу борада фақатгина Қуръони каримда келган исмлар ўзининг қадимги ҳолида қолдирилади. Масалан: اسحق , ابراهيم , اسمعيل лар каби.

Аммо алиф-и ҳазф қилиб кетилган сўзларга келадиган бўлсак, уларнинг алифини ёзиб кетган яхши иш бўлади. Масалан: هؤلاء , لائن ўрнига لكن , هاؤلاء , هذا ўрнига هاذا ва ҳоказолар.

5. Ададларни ажратиш ёзиш. Масалан: سبعماية , سبعةمة ўрнига ثلاث مئة , ثلاثماية , ثلثمائة , سبع مئة ва ҳоказолар.

Қисқартма сўзлар

Матнлар ичида кўп такрорланадиган сўз ва иборалар учрайди. Масалан, Пайғамбар, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-салламга, салавот айтиш, вафот этган шахснинг номи зикр қилинганидан сўнг «рахимаҳуллоҳ» дейиш, саҳобалар зикр қилинганидан сўнг «розияллоҳу ‘анҳу» дейиш, ҳадисларнинг санади зикр қилинганда «ҳаддасана», «ахбарона» ва «анба’ана» каби сўзлар.

Аввалги уламолар айрим сўзларни, шунингдек, айрим китобларнинг

номларини қисқартириб ёзишга, бир ёки иккита ҳарф ёрдамида унга белги қўйишга одатланишган. Қуйида ана шундай белги ва қисқартмалардан айримларини келтирамиз:

رحه = رحمه الله، تع = تعالى، رضه = رضي الله عنه، إلخ = إلى آخره، اه = انتهى، ثنا = حدثنا، أنا =
أخبرنا، انبا = أنبأنا.

Ҳадис китобларида олтига саҳиҳ китоблари ва бошқаларнинг номларининг қисқартмаларини учратамиз. Масалан, Бухорийнинг белгиси (خ), Муслимники (م), Термизийники (ت), Абу Довудники (د), Наса’ийники (ن) ва Қазвинийники (ق) бўлган.

Ижозат беришлар ва тинглашлар

Қадимги уламоларнинг шундай одатлари бўлган: улар қўлёзма китобни бирон бир улуғ шайхга ўқиб берганлар ва уни ўқиб берганларнинг номларини қўлёзма нусхасининг энг охирида қайдлаб қўйганлар. Шунинг учун ҳам биз қўлёзмаларнинг охирига саҳифаларида эшитиб сўнг ижозат берилгани ёки ўқитиб кейин ижоза берилгани қайд этилган ёзувларни кўп учратамиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қадимий қўлёзмалар бизнинг миллий бойлигимиздир. Уларни қандай қабул қилиб олган бўлсак, шундайлигича келажак авлодларга етказиб беришимиз лозим. Арзимас дунё матоҳини деб, ана шундай маънавий бойликларни юртимиздан ташқаридагиларга сотиб юборишга ҳаракат қилаётган кимсалар билан жиддий шуғулланиш мақсадга мувофиқ ишдир. Юқорида айтиб ўтилган усуллар ва кучли тадқиқотлар орқали қўлёзма асарларни ўқиб-ўрганиш, одамларга уларни танитиш йўлида бор имкониятларни ишга солиш керак бўлади. Токи буюк аждодларимизнинг бизларга қолдириб кетган улкан бой мероси кутубхоналар ва китоб жавонларида, кимларнингдир сандиқлари ёки тоқчаларида ўрганилмасдан ётишига йўл қўйилмаслиги керак. Чунки улар халқнинг мулки. Уларни ўзиники қилиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир.

Адабиётлар:

1. Қўлёзмаларни таҳқиқ қилиш қоидалари / Доктор Салоҳ ад-дин Мунажжид. Байрут, 1972.
2. Матнларни таҳқиқ ва нашр қилиш / ‘Абду Салом Ҳорун. Қоҳира, 1954.
3. Қўлёзмаларни таҳқиқ қилиш усули / ‘Ийод Халид Таббо’. Димашк, 2003.

ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ВА ЖУЗЪИЙ ҚИСМЛАРИ, УЛАРНИ САҚЛАШДА АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАР (ҚЎЛЁЗМАЛАР МУҚОВАСИНИНГ ТАЪМИРИ МИСОЛИДА)

Аҳмаджон Бобожонов*

Ёзма ёдгорликлар ўзида нафақат ўтмишга оид ахборотларни жамлаганлиги билан, балки, кейинги авлодларга маънавий, маданий, бадиий, техник ва тарихий қадриятларни етказувчи восита сифатида ҳам қадрлидир. Шу сабабли, қўлёзма ва тошбосма асарлар каби ноёб объектлар билан ишлаганда ҳужжатларнинг қадимий таркибини максимал даражада сақлаб қолиш жуда муҳимдир. Қадимий қўлёзмалар билан ишловчи реставратор-консерваторларнинг асосий вазифаси консервация ишларини амалга ошириш билан бирга кодиколог тадқиқотчилар учун зарур бўлган маълумотларни ҳам сақлаб қолишга интилишдир.

Турли даврларда турли миллатлар томонидан муомалага киритилган муқованинг конструктив жиҳатлари ва муқова яшаш техникасининг ўзига хосликлари ҳақидаги маълумотлар албатта қимматлидир. Аммо, турли халқларнинг китобат техникасига қўшган улушини чегаралаш осон иш эмас. Зеро, ҳар бир миллатнинг муқовачилик санъати ривожига қўшган ҳиссаси турлича бўлиб, муқовасозларнинг бирлари ўз техникалари асосида иш юритган бўлсалар, иккинчилари бошқа усталар ютуқларидан фойдаланган.

Ўрам шаклидаги китобнинг варақли шаклга ўзгариши оқибатида муқова китобнинг ажралмас таркибий қисми сифатида шаклланди. Марказий Осиёда эса, муқова илк ўрта асрларда пайдо бўлди. Ўша даврнинг саҳҳофлари Ўрта Осиёнинг биринчи хаттот ва миниатюрочи-рассомларидан бўлган монийлар эди [Монийлик – III асрда Эронда вужудга келган дин. Асосчиси Моний ибн Фатак (тахм. 216 – тахм. 277)]. Монийликда зардуштийлик ва христианлик ғоялари мавжуд бўлган. Монийлик дунёнинг кўп мамлакатларига тарқалган,

* Ўзбекистон халқаро ислом академияси «Ислом энциклопедияси» бўлими ходими

VIII–IX асрларда ислом тарафдорларининг таъқибига учраган (Қаранг: 7, б. 74). Монийлар орасида сўғд, хоразмий ва турк миллатлари вакиллари ҳам кўп бўлган. 1905 йили археологик қазишмалар вақтида Шарқий Туркистонда жойлашган қадимий шаҳар вайроналаридан топилган монийларга оид иккита мукова қолдиқлари мутахассислар томонидан VI–IX асрларга тааллуқли деб баҳоланган [2, б. 197]. Топилмалардаги геометрик ва ўсимликсимон нақшлар, совук услубда зарб қилинган безаклар илк ўрта асрларда Марказий Осиё заминида муқовачилик ишлари сезиларли даражада ривожланганлигига далолат қилади.

Араб маданияти кириб келишлиги билан Турон китобининг ички ва ташқи кўринишида араб китобатининг ҳам таъсири билинди. Китоблар муковаси декорида митти усқуналар ёрдамида туширилган ингичка, унчалик ботиқ бўлмаган чизиқлар билан ажратилган содда геометрик безаклар ва мавҳум шакли нақшлар муомалага кирди. Исломий китобларнинг классик услубига далолат қилувчи асосий элемент – китоб жузларини беркитиб турувчи қўшимча ён қопқоқли (fore-edge flap), яъни клапанли муқовалар пайдо бўлди. Исломий муқоваларни таниб олишнинг уч тури мавжуд бўлиб, VIII–XII аср қўлёзмаларида топилган «ёғоч мукова» («box bindings») деб аталмиш гуруҳ I, «Муқованинг китоб жузларини беркитиб турувчи қўшимча қопқоғига эга» («fore-edge flap») тоифадаги муқовалар кирадиган гуруҳ II ва «Муқованинг китоб жузларини беркитиб турувчи қўшимча қопқоғига эга бўлмаган» исломий мукова гуруҳи III турларга киритилган (Қаранг: 3, б. 106-110; 5, б. 104).

Марказий Осиё бадий муқовачилиги тарихида XV–XIX асрлар янги, асосий давр бўлди. XV–XVI асрларда нафақат муқовачилик соҳасида, балки қўлёзманинг ҳар бир элементининг бегагида тубдан ўзгаришлар содир бўлди ва Марказий Осиё китобат санъатида келгуси юз йилликларга тагиғулик янги услуб дунё юзини кўрди. XIV–XV асрларда Самарқанд ва Бухоро усталари муқовачилик техникасини такомиллаштирдилар, муқовачилик соҳасига янги материаллар кириб келди, муқовалар турли оригинал безаклар, бадий ижролар билан бойиди. Мукова сиртини қоплашда Ғарб анъанасига мос ўларок, қимматбаҳо материаллар ишлатила бошланди ва ярми чармдан қопланган муқовалар билан бир қаторда, нақшлар билан безатилган қоғоз муқовалар ҳам пайдо бўлди.

Реставратор-консерваторлар қўлёзма ва тошбосма асарларни таъмирлаш

жараёнида бошқа тадқиқотчилар кўзидан яширинган китобларнинг таркибий қисмларини кўриш имкониятига эгалар. Шундай экан, бу ўзига хосликларни тўғри баҳолаш, тавсифлаш, суратга ва рўйхатга олиш жуда муҳим. Муқова қопқоқлари формаси, уларнинг ўлчами ва конфигурацияси, турли тарихий-географик муҳитда бажарилган мустаҳкамлаш усуллари, муқовачилик санъатининг техник-бадий хусусиятларининг ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, булар китобат тарихини ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди.

Манбадан фойдаланиш, уни тадқиқ қилиш, сақлаш ва реставрация қилиш жараёнида қўлёзма муқовасига тегишли бирор-бир элементнинг йўқотилиши ёки зарарланишига йўл қўйиш мумкин эмас. Аслида арзимас бўлакдек кўринган детал жуда муҳим тарихий маълумотга далолат қилиши мумкин.

Реставрация жараёнида китобнинг аслиятига зарар етказмаслик учун эса қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим.

1. Китобнинг тикув усули (яъни жуз'ларни қавиш). Шарқ муқовачилигининг ўзига хос жиҳатларидан бири қавиш ишлари бўлиб, китоб жузлари бир-бирига турли материаллар ёрдамида, турли усуллар билан бирлаштирилган. Қавиш ишлари зиғир толали, кўпинча эса ипак ишлар ёрдамида бажарилган [8, б. 46]. Марказий Осиё қўлёзмаларида ҳам Шарқ қўлёзмалари учун характерли бўлган икки нуктадан қавилган занжирсимон тикув усули кузатилади. ЎзРФА Шарқшунослик институти фондида шунингдек, бир нечта нуктадан тикилган тузилишга эга китоблар ҳам мавжуд. Аниқ бир даврга хос маълум бир қавиш усуллари китоб муқовасининг тайёрланиш вақти ва жойини аниқлашга ёрдам беради. Аммо, бир вақтнинг ўзида бир неча усулларнинг қўлланилганини ҳисобга олсак, аниқ бир классификация мавжуд эмас. Шунинг учун, реставратордан талаб қилинадиган асосий мажбуриятлардан бири – ҳар бир таъмирланган китобнинг қавилиш усулини аниқлаб, уни иложи борича сақлаб қолиш ва ўзгартиришлар киритилган тақдирда уларни албатта рўйхатга олишдир.

2. Муқова қопқоғининг материал ва безаклари. Муқовалар бажарилиш техникаси нуктаи-назаридан турлича бўлиб, тузилиши ва ишлатилган материалларида бир-биридан фарқ қилган. Муқова қопқоғи аввал ёғочдан тайёрланиб, тери ёки мато билан қопланган. Шунингдек, юқори сифатли теридан ишланган соф чарм муқовалар ҳам бўлган. Тери ва матоли муқовалар қаторида ўрта асрлар мобайнида чинор дарахтидан тайёрланиб,

ўймакор нақшлар билан безатилган ёғоч муқовалардан ҳам фойдаланилган. XIV аср охирларига келиб картон асосида тайёрланган муқовалар пайдо бўлди. Картон тайёрлашнинг икки усули мавжуд бўлиб, биринчи усул қоғознинг бир неча қатламини бир-бирига елимлаш йўли билан тайёрланган ва «мағзийи-сохта» («Тайёрланган картон») деб номланган. Иккинчи усулда тайёрланган картонга «мағзийи-рехта» («Қуйилган картон») дейилган бўлиб, у фойдаланилган қоғоз ва эски картон парчаларини майдалаб, суюқ холатка келтириш ва махсус формага қуйиш йўли билан олинган (Қаранг: 6, б. 487-488; 4, б. 322-323). Картон материали XV асрлардан бошлаб китобат марказларида кенг қўлланилди ва муқовачилик ишларида асосий ашё вазифасини бажарди. XVI асрда биринчи бор картон муқова устига тасвир солиниб локланган муқоваларни яшаш муомалага киритилди [1, б. 222]. Устоз реставраторлар ўз фаолиятлари давомида фанердан қопқоқ ясаиб, усти чарм ёки қоғоз билан қопланган ҳамда лой ва жун аралашмасидан қуйилган муқова қопқоқларига ҳам дуч келганлар.

Муқованинг декоратив беаги ҳақида шуни айтиш мумкинки, исломий китоб муқовачилиги дастлабки боскичда Қибт услубининг кучли таъсирида шаклланди, аммо кейинчалик алоҳида бир услуб кўринишига келди [3, б. 105]. XV–XIX асрлар мобайнида Марказий Осиёда саҳҳофлар томонидан муқоваларни безатиш ишлари тараққий этиб борди. Муқовани бадий безатишда бир қанча: чарм ёки картон асосига муҳр асбоб ёрдамида безак босиш; зарҳалланган ёки рангли фонда акс эттирилган нафис кесма безак билан безатиш; локли миниатюра технологияси бўйича безатиш; олтин ёки кумуш билан безатиш; ўймакорлик, иплар ёрдамида кашта тикиб безатиш каби техник усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, айнан XV асрда кейинги даврларда муқова безатишда кенг қўлланилган туркистонча услуб пайдо бўлди.

Ўрта Осиёда қўлланилган муқова безатиш техникасининг турлари ва муқова яшашда фойдаланилган материалларни чуқур ўрганиш қўлёзманинг даврий ва ҳудудий чегараларини белгилашда, муқовани безатиш техникасини баҳолашда ҳамда муқовасозлик соҳаси ривожини тадқиқида қўл келади. Шунингдек, уларнинг фарқларини билиш ва ажрата олиш қўлёзма муқоваларига нисбатан амалга оширилаётган муолажаларни тўғри белгилашнинг гаровидир.

3. Клапан (fore-edge flap – муқованинг китоб жуз’ларини беркитиб турувчи қўшимча ён қопқоғи). XIII асрдан бошлаб исломий муқовачиликда китоб жузларини беркитиб турувчи қўшимча ён қопқоқ муомалага киритилди. Мазкур муқова қопқоғи одатда муқованинг қуйи қопқоғига чарм ёрдамида, эгилившан қилиб уланган бўлиб, муқованинг устки қопқоғига келиб тахланган. Шу билан у китобнинг матн блокини ёпиб турган ва муқовага қутича тусини берган. XVIII–XIX асрларга оид қўлёзмаларда эса кўпинча Ўрта Осиё муқовасозлигининг кейинги даврига характерли – ён қопқоғи бўлмаган намуналар кузатилади. Муқоваларнинг мазкур кўринишларига қараб уларни қайси даврга тегишли эканини аниқлаш мумкин.

4. Китоб кесимидаги ёзувлар. Асар номини китобнинг ён кесимларига ёзиш исломий китобларга характерли бўлмаса-да, ЎзРФА ШИ фондидаги китобларда шундай ёзувли нусхалар ҳам учраб туради. Тахминимизча, кейинги даврларга тааллуқли бундай ёзувларда одатда асар номи, айрим ҳолларда эса котибнинг исми ҳам акс этган бўлиб, улар китобнинг ён томонлари, яъни, китоб жузларининг юқори ва пастки кесими ёки олдинги кесув жойига ёзилган. Кўпинча қора ва қизил рангларда битилган ушбу ёзувлар безак вазифаси билан бирга информатив функцияни ҳам бажаради. Шу боисдан, уларни сақлаб қолиш ҳам муҳим ҳисобланади. Бироқ, алоҳида варақларни реставрация қилиш, айниқса уларни намланган ҳолатда прессга қўйиш оқибатида рўй берадиган ўзгаришлар (майдоннинг кенгайиши) жуз’лар қавилганидан сўнг китоб кесимидаги ёзув шаклининг бузилишига олиб келади. Китоб жуз’лари ва муқовани бузмасдан таъмирлаш реставраторлар учун таъмирлаш техникаси, вақт ва бошқа омиллар билан боғлиқ муайян ноқулайликлар келтириб чиқарса-да, китоб аслиятига минимал таъсир қилиш нуктаи назаридан ўзини тўла оқлайди. Шу сабабли, реставратордан таъмирлаш амалиётини тўғри, яъни иложи борича китоб жузларини очиб ташламасдан, бузилиш жараёнларини тўхтатиш учун кифоя қиладиган даражадагина бажариши талаб қилинади. Бу нафақат китоб кесимида мавжуд ёзувли безакни, балки, қўлёзманинг оригинал қавилиш усули ва муқованинг бошқа деталларини ҳам сақлаб қолинишига замин яратади.

5. Шероза. Матн блоки билан муқовани боғлаб турувчи мато ҳамда ҳар бир жуз’нинг юқори ва қуйи четига рангли пахта ёки ипак иплар ёрдамида тўқиб чиқилган тасма – шероза матн блокини ҳимояловчи восита ва безак

сифатида қўлланилган. Шерозаларнинг турли усуллар ёрдамида бажарилган бир неча хиллари мавжуд:

- бир хил рангдаги иплардан тикилган шерозалар;
- рангларни алмаштириб, шахматсимон шаклда тикилган шерозалар;
- зиг-загсимон шерозалар;
- ўримсимон шерозалар.

Шерозаларнинг нақшинкорлиги билан бирга конструктив жиҳатидан ҳам бир-биридан ажралиб туриши уларни ясаиш техникасида ўзига хос хусусиятларга эга эканлигига далолат қилади.

6. Корешок (ён муқова)нинг ички ва ташқи тузилиши. Европа китобларининг муқовасидан фарқли ўлароқ, Шарқ муқоваларининг ён муқова қисми текис бўлиб, китоб варақлари ўлчами билан мос келган, яъни китоб жузларининг четидан ўтиб кетмаган. Ён муқова одатда қизил, алвон ва қора рангли юмшоқ қўй ёки савра (махсус йўл билан ишлов берилган яшил, холчали хачир) терисидан тайёрланган. Илк ўрта аср ва ‘Усманийлар даврига тааллуқли бир неча алоҳида камёб намуналарни ҳисобга олмаганда, исломий муқовачиликда ён муқовани безаш бўлмаган [3, б. 108]. Ён муқованинг юқори ва қуйи қисмларидан туртиб чиққан чармдан ишланган тилча – лахтак асосан сўнгги ўрта асрларга оид Ўрта Осиё қўлёмаларида қўлланилган бўлиб, улар китобларни жавон тоқчаларидан олишда ушлагич вазифасини бажарган. Сўнгги давр форсий қўлёмаларда туртиб чиққан чеккаси текис қилиб тайёрланган муқовалар топилган. Биздаги нусхаларда у декоратив усул билан ишланган.

Корешокнинг ички ва ташқи тузилишидаги (текислиги, безак ишлатилган ёки ишлатилмагани, туртиб чиққан чеккасининг қўриниши, ички матосининг тури каби) ўзига хос жиҳатлари маълум бир тарихий даврда китобат санъати ривожига далолат қилади.

7. Форзац (муқова қопқоғининг ички қопламаси ва қўшимча варақлар). Китоб жузларининг чекка дафтари ва муқова қопқоғининг ички томонини бир-бирига боғлаб турувчи, китобни мустаҳкамлаш ҳамда уни бадий безатиш воситаси бўлиб хизмат қилувчи деталь (форзац) турли даврларда турли материаллардан ишланган. Форзацларни безатишда парча, мрамр каби қоғозлар ва матодан фойдаланилган. ЎзРФА ШИ фондида форзацлари абру ва тилла ҳал билан бўялиб безатилган муқовали китоблар

кўплаб учрайди. Бундай форзацларнинг ҳатто бир бўлаги ҳам безатиш методикасини ўрганишга, унинг келиб чиқиши ва тайёрланиш усулларининг тадқиқига хизмат қилиши мумкин.

Китобнинг боши ва охирида асар матнининг химояси ва изоҳлар учун қолдирилган бўш варақлар (тахминан биттадан 10 тагача) ҳам форзац дейилиб, ўзининг функционал вазифасини тўлиқ бажармаган ҳолатларда ҳам уларни сақлаб қолиш лозим. Чунки, форзац қоғозида мавжуд (қоғоз сузиб олингандаги тўр излари, Европа ва саноат қоғозларида кузатиладиган сув белгилари каби) кўриб туриб ажратиш мумкин бўлган қоғоз таркибий қисмининг унсурлари муқованинг тайёрланиш ёки унинг кейинги таъмирланиш вақтлари ҳақида қўшимча маълумот бериши мумкин. Ўз вазифасига кўра, китоб муқоваси ташқи муҳитнинг салбий таъсирларига биринчи бўлиб дуч келганлиги туфайли муқоваларнинг бир қисми бизгача таъмирланган ёки бошқасига алмаштирилган ҳолатда етиб келганлиги табиий. Лекин уларнинг орасида ҳам қайта муқоваланган даври ва худуди, бадий хусусиятлари билан эътибор қаратишимизга арзигулик нусхалар ҳали кўплаб учрайди.

8. Топилмалар. Реставрация жараёни мобайнида учраган бошқа кўринмас элементлар ҳам ҳужжатнинг китобати, осори атиқа «ҳаёти»нинг худудий ва даврий чегараларини аниқлашга оид маълум бир фактларга ишора қилиши мумкин.

Хулоса шуки, реставрация ишига илмий ёндашув, билим, тайёргарлик ва тажриба, ҳар бир қадимий китобларнинг таркибий қисмига оид жиҳатларини кўра билиш ҳамда тўғри баҳолаш, улар устида олиб бориладиган консервация амалиётларининг илмий принцип ва методлари масаласида малакага эга бўлиш профессионал реставраторга зарур ахлоқий меъёрлардан саналади.

Адабиётлар:

1. Ахунджанов Э.А. Письменная и книжная культура Узбекистана. Древность. Средние века. Ташкент, 2015.
2. Ахунджанов Э.А. История книги в Туркестане. Челябинск, 2009.
3. Ди Белла М. Исламий китоб муқоваси. Шарқ кўлёмалари хазинаси. Ташкент, 2012.
4. Казиев А.Ю. Художественное оформление азербайджанской рукописной книги XIII–XVII веков. Москва, 1977.
5. Раҳмонқулова М. Ўрта Осиё китобат санъати тарихидан: Муқовасозлик. Ташкент, 2015.

6. Султанов Т.И. Среднеазиатская и восточнотуркестанская средневековая рукописная книга // Рукописная книга в культуре народов Востока. Книга первая. Москва, 1987.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 6. Тошкент, 2003.
8. Bosch G., Petherbridge G. *The Materials, Techniques and Structures of Islamic Bookmaking. Bindings and Bookmaking*. Chicago, 1981.

ТУРКИЯ КУТУБХОНАЛАРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИГА ОИД ҚЎЛЁЗМАЛАР ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗА

Фахриддин Ибрагимов*

Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганишдек эзгу ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳам тарихий-маданий мерос намуналарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш орқали мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бугунги кунда мазкур институт тарихий-илмий меросимизни илмий тадқиқ қилиш ва ўрганиш мақсадида мамлакатимиз ҳамда хорижда илмий ўрганишлар олиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу мақола мазкур жамғарма гранти доирасида амалга оширилди.

Инсоният тарихи, фан оламида кенг қабул қилинган қоидага кўра ёзув билан бошланади ва ёзувдан олдинги давр «Prehistoria (тарихдан олдин)» деб номланади [7, б. XIII]. Бунга ўхшаш бир шаклда, ёзувнинг маҳсули бўлган китоб ҳам қўлёзма ва босма шаклда бўлиб, алоҳида икки гуруҳга ажратилади. Ғарб маданияти бир қарашда босма китоб пайдо бўлиши билан бошланди. Ислом маданиятининг босма китоб даврига ўтиши кечикди.

* Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими

Бунинг бир нечта сабаблари бор. Шунинг учун, Ислом маданиятининг бир бўлаги бўлган Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихини тўлиқ ёритиш биринчи даражали манба ҳисобланувчи қўлёзма асарларни топиш ва тадқиқ қилишга боғлиқдир. Маданиятимизга оид жуда кўп дурдона асарлар хориждаги кутубхоналар ва музейларда сақланади. Афсуски, у қўлёзма асарлар ханузгача тўлиқ аниқланмаган ва ўрганилмаган.

Абу ‘Али ибн Сино (980–1037) каби том маънодаги буюк қомусий олимларни нафақат мутахассислар, балки кенг жамоатчиликка таништириб ўтишнинг ҳожати ҳам йўқ. Чунки уларнинг беназир истеъдоди ва буюк илмий мероси барчага аён [11, б. 16].

Туркиядаги муайян изланишларимиз натижасида ушбу мамлакатдаги қадимги қўлёзмалар сақланадиган Сулаймония кутубхонасининг биргина ўзида ватандошимиз, буюк аллома Абу ‘Али ибн Сино асарларининг 1 минг 184 дона қўлёзмалари мавжудлигини аниқладик. Шу мисолнинг ўзи Ибн Синодан бошқа кўплаб олимларимизнинг асарлари Туркия кутубхоналарида мавжуд бўлиши мумкинлиги фикрини уйғотади.

Дастлабки изланишларимиз Туркияда ҳозирги кунда Марказий Осиёлик алломаларга тегишли қанча асар борлигини айтиш қийинлигини кўрсатди. Бу ишни амалга ошириш учун махсус археографик экспедицияларни уюштириш, амалга ошириш, Марказий Осиёлик олимлар асарларига каталоглар тузиш керак бўлади.

Ишимизнинг биринчи босқичи сифатида Туркиядаги нуфузли кутубхоналар ва уларда сақланаётган қўлёзма асарлар (сони, мавзуси, тили в.б.) ҳақида тадқиқотчиларимизни хабардор қилишни ўзимизга бурч деб билдик. Бу мақсадга эришиш учун кўп сонли кутубхоналарга бордик, қўлёзма асарларга тузилган каталогларни кўздан кечирдик. Мавзуга оид китоб ва мақолалардан фойдаландик, кўплаб соҳага алоқадор таниқли турк олимлари билан суҳбатлашдик, интервью олдик.

Бўлим 1

Туркияда кутубхоналар пайдо бўлишининг қисқача тарихи

1.1. ‘Усмонлилар давридаги кутубхоналар [14]

Бизга маълум бўлган ‘Усмонлилар давридаги илк кутубхоналар Бурса ва Болудаги икки мадрасанинг ичида қурилган. ‘Усмонийлар давлатида

XV асрда Мурод II (1421–1451) даврида қурилган мадрасалар, масжидлар ва хонақоҳ кутубхоналари билан бирга янги бир маданий ҳаёт пайдо бўлди. Мурод II 1430 йилда Эдирнада қурдирган «Дар ал-ҳадис» мадрасасининг вақфиясига кўра у ерда 71 жилд қўлёзма асар бўлган [9, б. 243].

Фотиҳ Султон Меҳмет (1432-1481) Истанбулни фатҳ этгандан кейин уни ислом дунёсининг муҳим маданий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Бошида тўртта мадрасада кутубхона қуради. У ерга вақф қилган китобларининг сони 300 тага етмас эди [15].

Аниқ маълумотларга кўра, Фотиҳ Султон Меҳмет 1459 йилда «Аййуб Жоми'» сидаги кутубхонани қурдирган. Сўнгра Фотиҳ Султон Меҳмет 1463–1470 йиллар орасида «Фотиҳ Жоми'» сани қурдириб, атрофига саккиз мадраса бино эттирди. Марказий кутубхона қуриб, фойдаланишни осонлаштириш асосий мақсад эди. Султон томонидан 839 та китоблар ҳадя қилинди. Бошқача айтганда Тўпқоппи ва Эдирнадан келган китоблардан бир мажму'а тузилди [15].

‘Усмонлилар салтанатининг давлат амалдорлари ва машҳур олимлари томонидан ҳам Эдирна, Бурса, Амася ва Кўнё каби маданий марказларда кутубхоналар ташкил этилган. «Боязид II Эдирна, Амася ва Истанбулдаги куллияларда кутубхоналар қурдирди. Давлат одамлари ва олимлар Истанбулда, Анадўли ва бошқа жойларда кутубхона қурдирганлари тарихдан маълум: Алайели Муҳйи-д-дин, Атик ‘Али Пошо, Эфталзода Аҳмад Чалабий ва Муслиҳ ад-дин Чалабийлар Истанбулда кичик мажму'алардан тузилган кутубхоналар қурдирганлар. Инегўлда Исҳоқ Пошо (1489), Эдирнада Ноктачи-зода Меҳмет (1492), Манастирда Исҳоқ Чалабий (1506), Принзенда Сузи Чалабийлар (1513 йилдан олдин) ҳам кутубхоналар қурдирган» [9, б. 238].

Салим I (1470–1520) даврида кутубхоналар ишида кўп янгиликлар кўзга ташланмайди. Унинг ўғли Сулаймон I (1494–1566) ҳукмдорлигининг илк даврида Истанбул ва бошқа шаҳарларда кутубхоналар қурилади. Бу даврда қурилган мадрасаларнинг ўн олтитасида кутубхоналар мавжуд эди.

XVI асрнинг охирида қурилган мадрасалар биноси ичидаги кутубхоналар сони ортган. Бу кутубхоналардан кўпининг қурилиш услуби олдинги асрагиларга ўхшаш эди. Бу даврдаги кутубхоналар қурилиши билан алоҳида ажралиб туради. Маҳмуд Бей томонидан «Жаҳонгир жоми'» сида 1593 йилда қурилган кутубхона ана шундай зиё масканларидан биридир. Бу кутубхонада

жамланган китобларнинг бир қисми туркча эди. Мурод III томонидан Истанбулда Расадхона биносида қурилган кутубхона фақат астрономияга оид китобларни ўз ичига олган эди.

Илк мустақил кутубхона 1678 йилда Истанбулда Кўпрулу Фозил Мустафо Пошо томонидан қурилди. Шунингдек, Мерзифонли Қара Мустафо Пошо, ‘Амжа-зода Хусайн ва Шайх ал-ислом Файзуллоҳ Эфенди томонидан кутубхоналар қурилди. Улар қурдирган уч кутубхона шу асрдаги мадраса кутубхоналаридан ҳам алоҳида ажралиб турарди.

‘Усмонлилар тарихида Султон Аҳмад III салтанатининг иккинчи даврида кутубхоналарга алоҳида эътибор қаратилди. Аҳмад III саройида ва «Янги жоми» ёнида (1725), унинг вазири Иброҳим Пошо эса Истанбулдаги мадрасасида (1720) ва Невшеҳирда (1728) кутубхоналар қурдирди.

Маҳмуд I (1730–1754) даврида кутубхоналарнинг тез суръатларда ривожланганини кўришимиз мумкин. Аёсофия (1740 й.), Фотиҳ (1742 й.), Ғалатасарой (1754 й.) кутубхоналари бу даврда қурилган энг муҳим иншоотлардир. Бугунги кунгача етиб келган кутубхоналарнинг кўпи Маҳмуд I даврига тўғри келади: Ҳакимўғли ‘Али Пошо (1738 й.), Ҳожи Башир Оға (1745 й.), Аёсофия (1740 й.), ‘Атиф Эфенди (1741 й.) ва Фотиҳ (1742 й.) кутубхоналари шулар жумласидандир.

XVIII асрнинг охирида қурилган кутубхоналарнинг кўпи олдингилардан алоҳида фарқ қилмайди. Невшеҳирдаги Қара Вазир (1780 й.); Испартадаги Халил Ҳамит Пошо (1783 й.); Кўнёдаги Йўсуф Оға (1794 й.); Кайсеридagi Рашид Эфенди (1794 й.); Кутаҳядаги Воҳид Пошо (1811 й.) ва Бурдурдаги Дарвиш Пошо (1818 й.) кутубхоналари бу даврга тегишлидир.

«Маҳмуд II (1808–1839) ўз даврида янгилик киритиб, кутубхоналарни давлат назоратига олишга ҳаракат қилган. Бироқ давлатнинг назорати чекланиб қолди ва ислохотлар эълон қилинганлигидан кейингина туб ўзгаришлар юз берди» [9, б. 243].

Ислохотлардан Республика ташкил қилинишига қадар (1923 й.) вақф кутубхоналари ўз ривожланишини давом эттирди. Бу даврда Ғарбнинг таъсири натижасида таълим муассасаларнинг кўпида чет тилларда, айниқса французча нашр қилинган китоблардан тузилган кутубхоналар қурилди.

Бўлим 2

Туркияда қўлёзмалар сақланадиган кутубхоналар ва ташкилотлар

Дунё миқёсида барча фанларга оид энг кўп қўлёзмалар сақланадиган жой Туркиядир. «Архивдаги ҳужжатларга асосланиб, мутахассислар Туркияда 300.000 жилд атрофида қўлёзма борлигини тахмин қилишмоқда. Ўртача олганда, буларнинг 160.000 дан кўпи арабча; 70.000 га яқини туркча; 13.000 жилддан ортиғи форсчадир. Юнонча, арманийча, сурёнийча қўлёзмалар ҳам бор» [16].

Туркиядаги қўлёзма асарлар сақланадиган ташкилотларни куйидагича таснифлаш мумкин:

1. Маданият ва туризм вазирлигига қарашли Кутубхоналар ва нашрлар бош бошқармаси (Kültür ve Turizm Bakanlığı Kütüphaneler ve Yayımlar Genel Müdürlüğü);
2. Маданият ва туризм вазирлигига қарашли Маданий ёдгорликлар ва музейлар бош бошқармаси (Kültür ve Turizm Bakanlığı Kültür Varlıkları ve Müzeler Genel Müdürlüğü);
3. Университет кутубхоналари;
4. Оммавий кутубхоналар;
5. Вақфлар бош бошқармасига қарашли кутубхоналар;
6. Банклар ва газеталар билан боғлиқ хусусий кутубхоналар.

Маданият ва туризм вазирлигига қарашли кутубхоналар ва нашрлар бош бошқармаси

Туркиядаги қўлёзма асарларнинг 160.000 га яқини Маданият ва туризм вазирлиги кутубхоналар ва нашрлар бош бошқармасига қарашли 35 та кутубхонада сақланади.

2.1. Туркия қўлёзма асарлар ташкилоти бошқармаси (Türkiye Yazma Eserler Kurumu Başkanlığı)

Туркия қўлёзма асарлар ташкилоти бошқармаси Маданият ва Туризм Вазирлигига қарашли расмий ташкилот ҳисобланади. У Туркия қўлёзма асарлар ташкилоти бошқармасини тузиш ва унинг вазифалари ҳақидаги (28.12.2010 йил № 6093) қонунга асосан ташкил қилинган [19].

Мақсад ва вазифалари:

Кутубхоначилик ишини такомиллаштириш, ёзма ва қадимги ҳарfli нодир босма асарларни тўплаш, қўлёзмаларни сақлаш, реставрация қилиш ва уларни келажак авлодларга ўз ҳолича етказиш; маданият ва санъат соҳасига хизмат қилиш каби вазифаларни амалга ошириш; қўлёзма асарларни таржима қилиш, факсимиле нусхаларини нашр қилиш ва қадимий матнлар устида илмий тадқиқотлар олиб бориш ва натижаларини нашр қилиш; каталоглар яратиш, таснифлаш ва библиографик тадқиқотларни амалга ошириш ва маълумотлар базасини яратиш; қўлёзмаларнинг рақамлаштирилган микрофильмлари, рақамлаштирилмаганларининг архивини яратиш ва оммага тақдим қилиш; хат, муқовасозлик каби санъатлар билан боғлиқ сертификатли ва сертификатсиз таълим дастурларини ташкил қилиш; асарларни маҳаллий ва халқаро миқёсда танитиш мақсадида семинар ва конференциялар ташкил қилиш; соҳага яқин халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, шу турдаги санъатларни қайта тиклаш ва ривожлантириш, оммалаштириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда бу соҳада фаолият юритувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Туркия қўлёзма асарлар ташкилоти бошқармасининг учта асосий бўлими бор:

1. Қўлёзмалар ва нодир асарлар бўлими (Yazma ve Nadir Eserler Daire Başkanlığı). Бу бўлим қўлёзмаларни сақлаш ва сотиб олиш ҳамда бошқа ишлар билан шуғулланади.
2. Таржима ва нашр қилиш бўлими (Çeviri Yayım Dairesi Başkanlığı). Бу бўлим фан ва фалсафа, исломий илмлар, адабиёт ва санъат, тарих ва ижтимоий фанлар, факсимиле ва Султон Фотиҳ ўқиган ва унга ҳадя қилинган китоблар факсимилеларини тайёрлаш сериясида таржима ва нашр ишларини амалга оширади. Имом Ғазолийнинг «Асос ал-қийос» асари, Абу Ҳафс' Умар ан-Насафийнинг «ат-Тайсир» («Тафсирда осонлаштириш») номли тафсири, Абу-л-Му'ин ан-Насафийнинг «Табсират ал-адилла» номли китоби ва «Ислом тадқиқотлар маркази» (ISAM) кутубхонаси билан ҳамкорликда Имом Бухорийнинг «ал-Жоми' ас-саҳиҳ» асарининг нодир нусхалари асосида факсимиле нашри тайёрланди. Асар икки жилдан иборат.

3. «Реставрация ва архив бўлими» (Kitap Şifahanesi ve Arşiv Dairesi Başkanlığı). Бу шикаст етган қўлёзмаларни таъмирлаш, янгидан тайёрлаш ишларини амалга оширади.

Туркиядаги қўлёзма асарлар кутубхоналари тўғридан-тўғри маҳаллий минтақавий мудирликка ва бу мудирликлар ўз навбатида Туркия қўлёзма асарлар Бош бошқармасига бўйсунди. Биз қуйида шаҳар, туман, қўлёзма асарлар кутубхоналари ва улар бўйсунувчи ташкилотлар рўйхатини келтириб ўтамыз.

I. Бошқармага бириктирилган қўлёзма асарлар кутубхонаси мудирликлари (Türkiye Yazma Eserler Kurumu Başkanlığı)

	Шахар номи	Туман номи	Қўлёзма асар кутубхонаси мудирлигининг номи	Бўйсунувчи ташкилот
1	Истанбул	Фотиҳ	Сулаймония қўлёзма асарлар кутубхонаси	Истанбул қўлёзма асарлар минтақавий мудирлиги
2	Истанбул	Ускудар	Ҳожи Салим Оға қўлёзма асарлар кутубхонаси	Истанбул қўлёзма асарлар минтақавий мудирлиги
3	Истанбул	Фотиҳ	Боязид қўлёзма асарлар кутубхонаси	Истанбул қўлёзма асарлар минтақавий мудирлиги
4	Истанбул	Фотиҳ	Миллат қўлёзма асарлар кутубхонаси	Истанбул қўлёзма асарлар минтақавий мудирлиги
5	Бурса	‘Османғози	Инебей қўлёзма асарлар кутубхонаси	Истанбул қўлёзма асарлар минтақавий мудирлиги
6	Эдирна	Меркез	Салимия қўлёзма асарлар кутубхонаси	Истанбул қўлёзма асарлар минтақавий мудирлиги
7	Чорум	Меркез	Ҳасан Пошо қўлёзма асарлар кутубхонаси	Анқара қўлёзма асарлар минтақавий мудирлиги
8	Кастамону	Меркез	Кастамону қўлёзма асарлар кутубхонаси	Анқара қўлёзма асарлар минтақавий мудирлиги
9	Кутаҳя	Меркез	Воҳид Пошо қўлёзма асарлар кутубхонаси	Анқара қўлёзма асарлар минтақавий мудирлиги

10	Амасыя	Меркез	Амасыя Боязид қўлёзма асарлар кутубхонаси	Анкара қўлёзма асарлар минтакавий мудирлиги
11	Сивас	Меркез	Зия Бей қўлёзма асарлар кутубхонаси	Анкара қўлёзма асарлар минтакавий мудирлиги
12	Кўнё	Каратай	Йусуф Оға қўлёзма асарлар кутубхонаси	Кўнё қўлёзма асарлар кутубхонаси минтакавий мудирлиги
13	Диёрбакыр	Янишеҳир	Зиё Гўкалп Кўнё қўлёзма асарлар кутубхонаси	Кўнё қўлёзма асарлар кутубхонаси минтакавий мудирлиги
14	Кайсери	Меликгази	Рашид Эфенди қўлёзма асарлар кутубхонаси	Кўнё қўлёзма асарлар кутубхонаси минтакавий мудирлиги
15	Маниса	Меркез	Маниса қўлёзма асарлар кутубхонаси	Кўнё қўлёзма асарлар кутубхонаси минтакавий мудирлиги

II. Бошқармага бириктирилган қўлёзма асарлар кутубхоналари
(Türkiye Yazma Eserler Kurumu Başkanlığı)

	Вилоят номи	Туман номи	Кутубхона номи
1	Бурса	‘Усмонғози	Инебей қўлёзма асарлар кутубхонаси
2	Диёрбакыр	Янишеҳир	Зиё Гўкалп қўлёзма асарлар кутубхонаси
3	Эдирна	Меркез	Салимия қўлёзма асарлар кутубхонаси
4	Истанбул	Фотих	Сулаймония қўлёзма асарлар кутубхонаси мудирлиги
5	Истанбул	Фотих	Нуруусмония қўлёзма асарлар кутубхонаси
6	Истанбул	Фотих	Кўпрулу қўлёзма асарлар кутубхонаси
7	Истанбул	Ускудар	Ҳожи Салим Оға қўлёзма асарлар кутубхонаси
8	Истанбул	Меркез	Атиф Эфенди қўлёзма асарлар кутубхонаси
9	Истанбул	Фатих	Миллат қўлёзма асарлар кутубхонаси
10	Истанбул	Фатих	Рағиб Пошо қўлёзма асарлар кутубхонаси
11	Кайсери	Меликгази	Рашид Эфенди қўлёзма асарлар кутубхонаси
12	Кўнё	Мерам	Минтакавий қўлёзма асарлар кутубхонаси мудирлиги
13	Кўнё	Каратай	Йусуф Оға қўлёзма асарлар кутубхонаси
14	Сивас	Меркез	Зия бей қўлёзма асарлар кутубхонаси

III. Бошқармага бириктирилган ва номи ўзгарган қўлёзма асарлар кутубхоналари номлари (Türkiye Yazma Eserler Kurumu Başkanlığı)

	Шаҳар номи	Туман номи	Оммавий кутубхона номи	Янги қўйилган бирликнинг номи
1	Амасыя	Меркез	Амасыя Боязид оммавий кутубхонаси	Амасыя Боязид қўлёзма асарлар кутубхонаси
2	Анқара		‘Аднан Ўтукен оммавий кутубхонаси	Анқара қўлёзма асарлар минтақавий мудирлиги
3	Чорум	Меркез	Ҳасан Пошо оммавий кутубхонаси	Ҳасан Пошо қўлёзма асарлар кутубхонаси мудирлиги
4	Истанбул	Фотих	Боязид давлат кутубхонаси мудирлиги	Боязид қўлёзма асарлар кутубхонаси мудирлиги
5	Кастамону	Меркез	Кастамону туман оммавий кутубхонаси мудирлиги	Кастамону қўлёзма асарлар кутубхонаси мудирлиги
6	Кутаҳя	Меркез	Воҳид Пошо туман оммавий кутубхонаси мудирлиги	Воҳид Пошо қўлёзма асарлар кутубхонаси мудирлиги
7	Маниса	Меркез	Маниса туман оммавий кутубхонаси мудирлиги	Маниса қўлёзма асарлар кутубхонаси мудирлиги

Маданият ва туризм вазирлигига қаршли кутубхоналар ва нашрлар бош бошқармаси назоратида фаолият юритаётган 13 қўлёзма асарлар кутубхонасининг 7 таси Истанбулдадир. Бу кутубхоналарда 105.000 га яқин қўлёзма мавжуд. Улар куйидагилар:

1. Сулаймония кутубхонаси

Истанбулнинг Эминёну туманидаги Сулаймония куллиясида жойлашган «Сулаймония қўлёзма асарлар кутубхонаси» дунёнинг энг бой кутубхоналаридан саналади. Республика даврида чиқарилган «Tevhid-i Tedrisat Kanunu» ва «Хонақоҳ ва зовияларни бекитишга доир қонун» га мувофиқ Истанбулдаги қўлёзма асарлар кутубхоналари Сулаймония кутубхонаси назоратига олинган.

Сулаймония кутубхонасидаги жами китоблар сони 151 412 тани ташкил этади, жумладан: мажму‘алар 154, ёзма асарлар 82924, босма асарлар 55812, янги ҳарфдаги китоблар 3498, хорижий тиллардаги китоблар 4990, лавҳалар 738, дафтарлар 1330, абру 30, досье 1316, фармонлар 379, ксеронусхалар 395 тадан иборатдир. 46 та мажму‘анинг қисқа каталоги ‘Усмонлилар даврининг сўнгги йилларида нашр қилинган. Айниқса Аёсофия, Бағдодли Веҳби, Жаруллаҳ, Дамат Иброҳим, Ас‘ад Эфенди, Фотих, Ҳожи Маҳмуд, Ҳамидия Қилич ‘Али, Лалели, Ре‘ис ул-қуттаб, Сулаймония, Шехид ‘Али ва Йени Жами‘ мажму‘аларида жуда нодир ва камёб асарлар жамланган.

Сулаймония кутубхонасининг каталоги нашр қилинган. Араб тилидаги уч жилдли мазкур каталог фақатгина Сулаймония мажму‘асини ўз ичига олган. Аёсофия, Ас‘ад ‘Али ва шу каби муҳим мажму‘алар каталогга кирмаган. Кутубхонада мавжуд бошқа мажму‘аларнинг каталоги ҳали тайёрланган эмас.

Тадқиқотчилар ўзларига керакли қўлёзма асарни Сулаймония кутубхонасидан осонликча топишлари учун асар номи ёки инвентарь рақамини кутубхонада ўрнатилган компьютердаги электрон тизимга киритиб бир зумда топишлари мумкин. Қўлёзма асарлар ҳақида маълумотларни кутубхоналарда мавжуд каталоглардан топиш мумкин. Кутубхонадаги компьютерлашган тил турк тилида бўлиб, изланаётган асар араб, форс, турк тилларининг бири билан излаш мумкин. Топилган қўлёзмани электрон нусхаси келишилган нарҳда CD, флэшга ёзиб берилади ёки электрон почта орқали тадқиқотчига тақдим қилиниши мумкин.

2. Кўпрулу қўлёзма асарлар кутубхонаси

1661 йилда Садр аъзам Кўпрулу Меҳмет Пошо тарафидан қурилган. Тўртта мажму‘а бор. 2537 та қўлёзма, 238 босма асар мавжуд. Ҳозирда Кўпрулу мажму‘аси тасниф қилинаяпти. Жами 2775 та китоб мавжуд. Чемберлиташда фаолият юритаётган кутубхонанинг каталоги Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази (ИРСИКА) томонидан манбашунос Рамазон Шешан раҳбарлигида 1986 йилда уч жилдда нашр қилинган.

3. ‘Атиф Эфенди қўлёзма асарлар кутубхонаси

1741 йилда хаттот, шоир, молиячи ‘Атиф Эфенди томонидан Эминону

Вефада қурилган. 3036 та қўлёзма асар, 9204 та босма асар ва 417 та мажму‘а мавжуд. Жами 12660 та китоб бор. 1892 йилда қисқа каталоги қилинган.

4. Рағиб Пошо қўлёзма асарлар кутубхонаси

1763 йилда Хожа Рағиб Пошо томонидан Лалелида қурилган. Эминёнуга қарашли Лалели атрофида жойлашган кутубхонада 1449 та қўлёзма ва 1794 та босма асар бор. Жами 3240 та китоб бор. Қисқача каталоги 1868 йили нашр қилинган.

5. Нурусмония қўлёзма асарлар кутубхонаси

1775 йилда Султон Маҳмуд I томонидан қурилган. 5063 та қўлёзма, 77 босма асар, жами 5140 китобни ўз ичига олади.

Байрам Пошода сақланадиган қўлёзмалар мажму‘аси ҳам унинг таркибига киритилган. Эминёнуда Нурусмония жоми‘си ҳовлисида жойлашган бу кутубхонанинг қисқача каталоги 1892 йил нашр қилинган.

6. Ҳожи Салим Оға қўлёзма асарлар кутубхонаси

1782 йили Ҳожи Салим Оға томонидан қурилган. Салим Оға, ‘Азиз Маҳмуд Худойи, Нурбону Султон ва Камонкаш Амир Хўжа мажму‘аларидан ташкил топган. 2 минг 952 та қўлёзма асар бор. 1892 йилда қисқача каталоги ва картотекаси тузилган.

7. Миллат кутубхонаси

1916 йилда ‘Али Эмири Эфенди томонидан вақф этилган китоблар билан ташкил қилинган. Фотиҳ Файзуллоҳ Эфенди мадрасасида жойлашган. ‘Али Эмири мажму‘асидаги 4.414 та асар билан бирга 10.500 жилд атрофида қўлёзма асарлар бор.

1775 йилда қурилган кутубхонада 2.000 жилдга яқин қўлёзма асарлар мавжуд.

8. Мурод Мулла кутубхонаси

Миллат кутубхонасига қарашли Фотиҳ Чоршамбада жойлашган бу кутубхона Дамадзода номи билан 1775 йилда ташкил топган кутубхона 2000 жилд

кўлёмани ўз ичига олади. Кутубхона Куръони Карим илмлари, пайгамбаримиз Муҳаммад (саллаллоху ‘алайхи ва-саллам) нинг ҳадиси шарифларига оид кўлёмаларни ўзида сақлаши билан ажралиб туради. Тарихчи, манбашунос олима Гунай Кут «кейинчалик кутубхона таркибига Шайх Ҳофиз Меҳмет Мурод, Шайх Меҳмет ‘Ориф, Гелибоули Таҳир, Ҳамидия, Лале Исмо‘ил, Сервели, Дуғумлу Баба, Дарул Маснавий, Эс‘ад Эфенди, Меҳмет Оға, Салиҳа Хатун, Измирли Мустафо, Рустам Пошо, Йусуф Оға мажму‘алари кўшилган. Бироқ бу мажму‘алар 1956 йилда Сулаймония кутубхонасига кўчирилган. Қисқача каталоги 1893 йилда босиб чиқарилган», – дейди [10, б. 341-374].

2.2. Истанбулдаги бошқа муассасаларга қарашли кўлёмза асарлар кутубхоналари

1. Боязид давлат кутубхонаси

Боязид кварталдаги Туран Эмексиз кўчасида жойлашган бу кутубхона 1882 йилда «Кутубхона-и ‘Усмоний» номи билан давлат томонидан қурилган. 11 минг 98 жилд кўлёмза асарга эга бўлган мажму‘ага Валиюддин Эфенди ва Қара Мустафо Пошо мажму‘алари ҳам қўшилган. Маданият ва туризм вазирлигига қарашлидир. Ҳозирги кунда нодир асарлар мажмуаси Туркия кўлёмза асарлар ташкилоти бошқармасига ўтказилмоқда. Интернет саҳифаси: <http://istanbulbeyazitdevlet.kutuphane.gov.tr/>

2. Истанбул университети кутубхонаси

1925 йилда қурилган. Султон ‘Абд ал-Ҳамид II га келган кўлёмалар билан Халис Эфенди, Саҳиб Мулла ва Риза Пошо мажму‘аларидан тузилган жами 18.000 жилд, жумладан: 6.963 та арабча; 1.614 та форсча; 9.941 та туркча; оз сонда олмонча, арманча, французча, италянча, русча кўлёмалар мавжуд.

Кутубхонага Ибн эл-Эмин Меҳмет Камол Инал томонидан ҳада қилган мажму‘а минг жилдни ташкил қилади. Кутубхона нодир кўлёмаларга бой бўлса-да, ҳануз илмий картотекалари тузилмаган. Университет музейи юқори санъат намуналари акс этган қадимий кўлёмаларга эга.

Истанбул университетига қарашли муассасалар ҳам бор. Масалан, «Жарроҳ Пошо таобат тарихи институти» да 600 жилд кўлёмза бор. «Чапа таобат тарихи институти» да 200 жилдга яқин кўлёмза (улар асосан

табобат илмига оид) сақланади. «Ислом тадқиқотлари институти» нинг адабиёт факультетида 143 жилд, «Турк тадқиқотлари институти» да 70 жилдга яқин, «Турк тили ва адабиёти бўлими» кутубхонасида 115 жилд, «Тарих тадқиқотлари маркази» да 30 жилдга яқин қўлёзма сақланади. Бу қўлёзмаларнинг картотекалари тузилмаган. «Истанбул техника институти» га карашли фан тарихи ва «Технологияларини тадқиқ қилиш маркази» да математика ва астрономияга оид баъзи қўлёзмалар бор.

Интернет саҳифаси: [https://kutuphane.istanbul.edu.tr/tr/_](https://kutuphane.istanbul.edu.tr/tr/)

3. Истанбул буюкшеҳир баладияси Отатурк кутубхонаси

1924 йилда ташкил этилган. Бу кутубхонада 4760 та қўлёзма асар бор. Маданий ёдгорликлар доира бошқармасининг кутубхона ва музейлар мудирлигига карашлидир.

Интернет саҳифаси: <http://aturkkitapligi.ibb.gov.tr/aturkkitapligi/index.php?dil=tr>

4. Бўғазиги университети Қандилли расадхонаси кутубхонаси

Истанбулда 1968 йилда қурилган. Давлат назоратига қарайди. Кутубхонада 828 жилд ичида 1.340 қўлёзма асар мажму'аси мавжуд. Энг қадимий қўлёзма XV асрга тегишлидир. Кутубхонада нодир, ягона ва қадимий нусхалари борлиги билан дунё кутубхоналари ичида ажралиб туради. Астрология, математика, география ва бошқа фанларга оид қўлёзмалар бор. Шу университетнинг Турк тили ва адабиёти бўлими декани (Kırcı Başı) проф.док. Гунай Кут бошчилигидаги гуруҳ мазкур кутубхонанинг каталогини тузганлар. Интернет саҳифаси: <http://www.eskieserler.com/Eski/Eserler/Kutuphane/48/Bogazici-Universitesi-Kandilli-Rasathanesi-Kutuphanesi.asp?LID=TR&ID=48>

5. Япы Креди банкаси Сермет Чифтер тадқиқот кутубхонаси

1975 йилда Таксимда қурилган. 1000 жилд қўлёзма асар мавжуд. Бу хусусий кутубхона ҳисобланади.

6. «Таржумон» газетаси кутубхонаси

1976 йил ташкил этилган. 500 жилддан кўпроқ қўлёзма асар бор. Профессор

Гунай Кут кутубхонадаги туркча қўлёзмалар каталогини тайёрлаб, 1989 йили нашр этган. Бу кутубхона Сулаймония кутубхонаси мажму‘аси ичидадир.

2.3. Қўлёзма асарлар мавжуд бўлган музейлар

2.3.1. Тўпқопи Саройи музейи кутубхонаси

Фотиҳ Султон Муҳаммад II (ваф. 1481 й.) томонидан 1478 йили курдирилган. Султонларга ҳада қилинган энг ноёб қўлёзмалар шу кутубхонада сақланган. Бу кутубхонадаги баъзи қўлёзмалар бошқа султонлар кутубхоналарига кўчирилган. 1719 йилда Султон Аҳмад III ўз номидан кутубхона ташкил қилади. Бугунги кунда Тўпқопи саройи кутубхонаси Аҳмад III, Реван Кўшқу, Бағдад Кўшқу, Эманет хазинаси, Мадина, Хазина ва Коғушлар мажму‘аларини ўз ичига олган. Булар орасида Аҳмад III мажму‘аси энг каттаси ҳисобланиб, ноёб, илмий аҳамиятга эга қўлёзмаларни ўз ичига олади, тилла суви югуртирилган қўлёзмаларга бойдир. Бу қўлёзмалар турли даврларда Эрон, Ҳирот (Хуросон), Ҳиндистондан ва бугунги Марказий Осиё худудида жойлашган мамлакатлардан ‘Усманий султонларига юборилган. Улар орасида ‘Усмон, розияллоху ‘анхуга, нисбат берилган Қуръони Карим мусҳафи ҳам бор.

Таниқли навоийшунос олим, филология фанлари доктори Афтондил Эркинов ўзининг «Хазо‘ин ал-ма‘оний» га бағишланган мақоласида марҳум академик Азиз Қаюмовнинг «Лутфий, Наво‘ий, Амир ‘Умар-хоннинг девонларидан иборат «Муҳаббат-нома» деган бир мажму‘а махсус чиройли безаклар билан безатилиб, гўзал хат билан кўчирилиб тузилган. Бу мажму‘ани ‘Умар-хон совға қилиб, Туркияга юборган. Худди шу тарзда тузилган Бедил девони ҳам ўша ерга ҳада тарзида жўнатилган», – деган сўзини келтириб ўтади [13, б. 384-388].

Шунингдек, Тўпқопида Шайбоний-хоннинг ягона нусхадаги девони, теурийларга оид ёзишмалар сақланиши тўғрисида илмий доираларда гап бор.

Айни пайтда турк султонлари Марказий Осиёлик хонларга китобларни ҳада сифатида жўнатганлар. Масалан, Истанбул халифаси Кўқон хони Амир ‘Умар-хонга «Шамо‘ил ан-Набий» (Муҳаммад ‘алайҳи-с-салом шамойили) китобини совға қилиб, юборганлиги тўғрисидаги маълумот қўлёзманинг 125^б вароғида учрайди [12, б. 65-66; Илл. 7].

Тўпқопидаги араб, форс ва туркий тилларда ёзилган қўлёзмаларнинг

сони 13 минг 405 жилдни ташкил қилади. Машхур турк каталогшунос олими Фаҳмий Қаратой (1888–1968) барча қўлёзмаларни қайси тилда ёзилганига қараб уч туркумли каталог тузган. Хусусан, Истанбулда форс тилидаги қўлёзмалар каталогини 1961 йили битта жилдда, туркий тилдаги қўлёзмалар каталогини 1961–1962 йилларда икки жилдда, араб тилидаги қўлёзмалар каталогини 1963–1968 йилларда тўрт жилдда нашр этди. Юнон ва венгер тилида ёзилган қўлёзмалар бу кутубхонада оз сонни ташкил қилади. Шунингдек, нафис хат ёзувларига эга лавҳлар ҳам ўрин олган. Турли китоблар ва альбомлар ичида XII–XVII асрлар орасига тегишли 13.533 та миниатюра мавжуд. 140 жилд ичида 7.200 дан ортиқ турк, ҳинд, мўғул ва араб миниатюралари бордир. 1924 йилда музейлар мудирлигига боғланган. Ҳозирда ҳукумат назоратига ўтказилмоқда. Тадқиқотчилар кутубхонадан фойдаланишлари учун Анқарадаги Маданият ва туризм вазирлигидан рухсат олишлари шарт.

2.3.2. Турк ислом асарлари музейи кутубхонаси

Сулаймониядаги мадрасаларнинг бирида жойлашган. 1914 йил 14 апрелда вақфларга тегишли музей сифатида ишга туширилган. 1927 йил Миллий таълим вазирлигига (Тўпқопи Сарой музейига) бириктирилди. Унинг мажму‘асида 2.251 жилд арабча, форсча ва туркча қўлёзма асарлар бор.

Унда ноёб мусҳафлар, юқори безакли ислом санъатига оид қўлёзмалар сақланади. Уларнинг баъзилари турли кутубхоналардан олиб келинган. Аксарият қўлёзмалар музей залларида кўргазма сифатида қўйилган. Ҳозирги кунга қадар қўлёзмаларнинг белгиланган тартибдаги тизимли картотекалари тузилмаган. Қўлёзмалар қадимий, нафис хатлар билан ёзилган.

2.3.3. Археология музейи кутубхонаси

Мазкур музей-кутубхона Тўпқопи саройи ҳовлисидаги жойлашган. Бу музей қадимда «Музей-и Хумойун» деб юритилган. Босма асарлар қўлёзма асарлардан кўпчиликни ташкил қилади. Жами 1.659 жилд қўлёзма асардан 478 таси арабча, 192 таси форсча, 949 таси туркча, 38 таси аралаш тилда, 2 таси туркий-чиғатойчадир. Қўлёзмаларнинг илмий картотекалари тузилган. Музей-кутубхона Маданият ва туризм вазирлигининг Маданий ёдгорликлар ва музейлар бош бошқармаси қарашли бўлиб, тадқиқотчилар фойдаланиш учун мазкур вазирликдан рухсат олишлари керак.

Шунингдек, «Истанбул ҳарбий музей» да 200 жилд, «Денгиз музейи» да 123 жилд, «Девон адабиёти музейи» да 194 жилд, «Турк вақф санъатлари музейи» да 200 жилд, «Садберк Ханум музейи» да эса 200 жилд қўлёзма бор.

«Истанбул ҳарбий музейида»ги қўлёзмаларнинг барчаси муҳим аҳамиятга эга. Улар математика, геометрия, астрономия, география каби фанлар ва ҳарбий мавзуларга оид. «Денгиз музейи»да сақланаётган қўлёзмалар эса картография ва географияга алоқадорлиги билан аҳамиятли. Шунга қарамасдан, мазкур қўлёзмалар, шунингдек, «Садберк Ханум музейи» ва «Девон адабиёти музейи» ларидаги қўлёзмалар хануз илмий жиҳатдан тавсиф ва таснифланмаган.

2.4. Анқара қўлёзма асарлар кутубхоналари

2.4.1. Миллий кутубхона

‘Аднан Ўтукен томонидан қурилган. 1948 йил 16 августда Сарачоғлу маҳалласидаги биносида фойдаланиш учун очилган. Миллий кутубхонанинг мажму‘асида 11.546 жилдга яқин қўлёзмалар бор.

2.4.2. Тил, тарих ва география факультети кутубхонаси

1935 йилда қурилган. 15.000 жилдга яқин қўлёзма мавжуд. Бу ноёб кутубхонада Исмо‘ил Со‘иб Санжар мажму‘аси ҳам бор. Ҳозирги кунга қадар тартибли картотекаси тузилмаган.

Бундан ташқари Анқара университети Тибб тарихи маркази Феридун Нафиз Узлук мажму‘асида; Турк тарих ташкилоти кутубхонасида; Диёнат ишлари бошқармаси кутубхонасида; Турк тили ташкилотида; Президент саройида; Туркия буюк миллат мажлиси кутубхонаси ва Аныткабырдаги кутубхонада бир қанча қўлёзмалар бор.

2.5. Қўлёзма асарлар мавжуд оммавий кутубхоналар

Туркиядаги оммавий кутубхоналар Маданият ва туризм вазирлигига қарашли кутубхоналар ва нашрлар бош бошқармасига қарашлидир. Қўлёзма асарлар баъзи оммавий кутубхоналарда ҳам сақланади.

2.5.1. Бурса кутубхоналари

Бурсада турли мажмуалардан тузилган ‘Усман-Ғази Тахтакаледа жойлашган Инебей мадрасаси кутубхонасида 8.373 жилд; Йенишехир Сулаймон Пошо кутубхонасида 238 жилд; Бурса музейида 400 жилд қўлёзма асар сақланади.

2.5.2. Кўнё кутубхоналари

Кўнёда тўртта муҳим кутубхона бор: 1) Кўнё қўлёзма асарлар вилоят мудирлиги; 2) Йусуф Оға; 3) Иззет Қоюнўғли ва 4) «Мавлоно музейи» кутубхонаси.

1. Кўнё қўлёзма асарлар вилоят мудирлиги (Konya Yazma Eserler Bölge Müdürlüğü)

Туркия қўлёзма асарлар ташкilotи бошқармасига қарашлидир. 2019 йилда мудирлик ўзида сақланаётган 140 минг китоб ва 30 минг қўлёзмани рақамлаштирди. Унда 101 та мажму‘а бор. Қўлёзмаларнинг сони бўйича Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасидан кейин иккинчи ўринда туради. Қўлёзмалар араб, форс, арман, сурёний, курд, ‘усмоний ва чигатоий тилларида ёзилган.

Ўн еттинчи асрда Римда чоп қилинган «Инжил» китоби ҳам сақланади. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Жалолол-дин Румий ва Ибн ал-‘Арабийнинг китоблари ҳам жой олган.

Намлик ва бошқа сабаблар натижасида зарар кўрган қўлёзмаларнинг барчаси таъмирланган. Мудирлик ҳақида <http://www.konya.yek.gov.tr/> сайтидан тўлиқ маълумот олиниши мумкин.

2. Йусуф Оға кутубхонаси

1795 йилда ташкил этилган. Кўнё қўлёзма асарлар вилоят мудирлигига қарашлидир. Унда 5 минг 142 жилд (4 минг 656 таси араб; 109 таси форс; 375 таси туркий тилда) қўлёзма асар сақланади.

Кутубхонага турли мажму‘алар кўчириб келтирилган. Муҳим ва нодир қўлёзмалар сақланади. Тартибга келтирилган картотекалар тузилган.

3. Иззат Қоюнўғлу музей-кутубхонаси

Туркия Республикаси тузилган даврда ташкил этилган. Бу Иззат Қоюнўғлу вақфларидан ҳисобланиб, уч минг 500 та қўлёзмани ўз ичига олади. Ибн Синонинг «Китоб аш-шифо’» асарининг нусхаси шу кутубхонадан ўрин олган. Туркий тилдаги қўлёзмаларнинг сони кўпчиликни ташкил қилади. Араб ва форс тилдаги нодир қўлёзмалар ҳам бор.

4. «Мавлоно музейи» кутубхонаси

Халқ орасида Мавлавийхона, деб аталадиган Жалол ад-дин Румий ҳазратлари макбараси ёнида жойлашган. Салжукийлар даврида ташкил қилинган. Форс тилида ёзилган қўлёзмаларга бойлиги билан ажралиб туради. Унда 2000 та қўлёзма сақланади. Профессор ‘Абдулбоқи Гулпынарлы кутубхонанинг тўрт жилдли каталогини тузган. Уч жилд 1967, 1971 ва 1972 йилларда нашр қилинган. Тўртинчи жилдини нашр қилиш режалаштирилган.

2.5.3. Кайсар кутубхоналари

Кайсар–Рашид Эфенди қўлёзма асарлар кутубхонаси: Меҳмет Рашид Эфенди томонидан Султон Салим III (1789-1807) даврида қурилган. Қурувчиси томонидан 925 жилд қўлёзма ва 18 жилд босма асар, жами 943 та китоб вақф қилинган. Бу ердаги қўлёзма асарлар сони ҳозирда 2.000 жилддан иборат.

2.5.4. Сивас кутубхоналари

Сивас–Зиёбей қўлёзма асарлар кутубхонаси: Сивас марказида Чаршибаши маҳалласида, Сивас конгресси аъзоси Сивасли Йусуф Зиё томонидан сўнгги ‘Усманий меъморчилиги асосида қурилган. 704 жилд қўлёзма асар мавжуд.

2.5.5. Диёрбакыр кутубхоналари

Диёрбакыр–Зиё Гўкалп маҳсус кутубхонаси: Бу кутубхонада 1.984 жилд қўлёзма асар мавжуд. Туман халқ кутубхонасига боғлиқ ҳолда ишлайди.

Бошқа оммавий кутубхоналар: Амася Боязид; Анталя-Аксеки Йейен Меҳмет Пошо; Баликесир вилоят оммавий кутубхонаси; Бурдур вилоят оммавий кутубхонаси; Чорум–Искилип ва Ҳасан Пошо оммавий кутубхоналари; Эдирна Киркпинар оммавий кутубхонаси; Эрзурум вилоят оммавий кутубхонаси; Кастамону вилоят оммавий кутубхонаси; Кутаҳя Воҳид Пошо вилоят оммавий кутубхонаси; Малатя–Даренде Меҳмет Пошо; Маниса вилоят оммавий кутубхонаси; Маниса–Ақҳисар Зейнелзода; Невшехир–Ҳожи Бектош; Нийде–Бор Халил Нури Бей; Кутаҳя–Тавшанли Зейтуноғлу; Трабзон вилоят оммавий кутубхоналарида кўп миқдорда қўлёзма асарлар бор, аммо уларнинг сони аниқ эмас.

Бўлим 3

Қўлёзма асарлар мавжуд бошқа ташкилотлар

Анталия музейи; Эрзурум Отатурк университети кутубхоналари ва Измир миллий кутубхонаси. Анқарадаги миллий кутубхона давлат томонидан қурилган. Измирдаги миллий кутубхона давлатга тегишли кутубхона эмас. Адвокат Кадизода Иброҳим Бей бошчилигида 1912 йил 23 июнда фойдаланишга топширилган. Диёнат ишлари бошқармаси кутубхонаси, Вақфлар бош бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамда шахсий коллекцияларда қўлёзма асарлар мавжуд.

3.1. Диёнат ишлари бошқармаси (Diyanet İşleri Başkanlığı) Марказий кутубхонаси

Диёнат ишлари бошқармаси марказий кутубхонаси Анқарада жойлашган бўлиб, унинг қўлёзма асарлар мажмуасида Ислом илмлари, адабиёт, тарих, тиб, астрономия ва бошқа фанларни ўз ичига олган 7200 жилд асар мавжуд. Бу асарлар рисоалар билан биргаликда 19500 донани ташкил қилади [21].

Қўлёзма асарларнинг рақамлаштирилган шаклларида онлайн очик тарзда фойдаланиш мумкин. Кутубхонада Салжуқийлар, Рай ва Шероз мактаби хат ва безак санъатини акс эттирган, Салжуқийлар даври ва Мамлуқийлар даврида қўчирилган Қуръони карим нусхалари мавжуд. Шунингдек, ‘Усмонлилар даврида ёзилган ўта ноёб ва нодир Қуръони карим нусхалари ҳам бор.

3.2. Вақфлар бош мудирлиги (Vakıflar Genel Müdürlüğü)

Бу мудирлик Маданият ва туризм вазирлигига қарашлидир. Туркия Вақфлар бош мудирлигининг учта асосий кутубхонаси мавжуд: Анқара марказий кутубхонаси; Истанбулда Иброҳим Ҳаққи Кўнели кутубхонаси ва архиви; Измирда Тире Нажип Пошо кутубхонаси.

1. Анқара марказий кутубхонаси

Илк вақф кутубхонаси 1924 йилда Бош бошқарма ташкил этилганда очилган. Санъат тарихи, тарих, меъморчилик ҳақидаги китоблар кўп сонни ташкил қилади. Ҳозирда оммавий кутубхонага айланган. Кутубхонада жами 8.013 дона китоб ва журнал мавжуд. Буларнинг 469 таси Саип Туна мажму‘асига тегишлидир, архивда 645 та матбаа асари, 944 та қўлёзма ва 1278 та тошбосма асар сақланади.

2. Иброҳим Ҳаққи Кўнёли кутубхонаси

Бу вақф Истанбул Иккинчи минтақа мудирлигига қарашлидир.

Иброҳим Ҳаққи Кўнёли вақф кутубхонаси ва арихиви сифатида ишлатилган бу бино, 1801–1805 йиллари орасида Султон Салим III томонидан қурилган Ускудар Катта Салимийа жомиининг Ҳункар қасридир. ‘Усмонлилар даврида фақат жума кунлари подшоҳларнинг ибодат ва суҳбатлари мақсадида қўлланилган. Ҳункар қасри 1979 йил 13 апрелда Вақфлар Бош бошқармасининг кутубхонаси сифатида маданиятга хизмат қилиш учун очилган.

Кутубхона Иброҳим Ҳаққи Кўнёлининг вақф қилган китоб ва архив материаллари билан ташкил қилинганлиги учун Иброҳим Ҳаққи Кўнёлининг Вақф кутубхонаси ва архиви номини олган. Тўрт қисмдан иборат.

Қўлёзмалар бўлими: 713 та қўлёзма асари бор.

‘Усмонийлар даври китоблари бўлими: арабча, форсча ва ‘усмонлича китобларни ўз ичига олади. ‘Усмонлилар даврига оид 2919 та босма асарлар;

Жумҳурият даври китоблари бўлими: бу даврга оид 4223 та босма асарлар;

Архив бўлими: Иброҳим Ҳаққи Кўнёлининг турли мавзудаги қайдлари, газета нусхалари ва расмлардан таркиб топган 5367 та ҳужжат бор.

3. Нажиб Пошо кутубхонаси

Измир (Тире) вақфлар минтақавий бошқармаси тизими остида ишлайдиган бу кутубхонада Нажиб Пошо вақф қилган 671 дона асар сақланмоқда. Совға қилинган бошқа китоблар «Бошқа вақф мажму‘аси» деб номланиб, унда 1.482 нодир асар мавжуд. «Қушадаси мажму‘аси»да 565 та нодир асар бор. Жами 2.718 та қўлёзма ва босма нодир асарлар сақланади. Шунингдек, Республика даврида босилган туркча ва арабча китоблар бор.

Кутубхона мажму‘асида Фотиҳ Султон Меҳмет томонидан қўчирилган Ибн Синонинг «Китаб аш-шифо’» асари, Ибн Халдуннинг «Муқаддима» си ҳамда 555/1160 йилда қўчирилган Ибн Синонинг «Ишорот» асари ва бошқа нодир асарлар сақланади.

3.3. Маниса вилоят оммавий кутубхонаси

Маниса Муродийа масжидида кўплаб мажму‘алар сақланади. ‘Усмонли ҳукмдорлар шу ерда яшаган. Бу ерда Қара ‘Усмон ўғлу кутубхонаси ташкил қилинган. Муродийа ва Қара ‘Усмон ўғлу мажмуаси қўшилиб, кичик мажмуалар бирлаштирилган. Кейинчалик барчаси Манисадаги вилоят халқ кутубхонасига киритилди. Катта илмий аҳамиятга эга кутубхона 5084 жилд қўлёзмани ўзида жамлаган бўлиб, улар қиммати бўйича Аё-София кутубхонасига тенглаштирилади. Математика, ҳандаса, астрономия, тиб, тил ва диний илмларга оид нодир қўлёзмалар бор.

3.4. Эдирна Салимийа кутубхонаси

Султон Салим II томонидан 1570 йиллар оралиғида ташкил қилинган. Кейин унга Бади Эфенди ва бошқа мажмуалар қўшилган. Салим II мажму‘аси ноёб асарларга бой саналади. Бу ердаги китоблар саралаб олинган. Султон Салим II нинг вақфийасида 140, 141-рақамлар остида 30 минг 291 жилд қўлёзма сақланади, улар картотека қилинган.

3.5. Бурдур вилоят оммавий кутубхонаси

Халил Ҳамид Пошо вақф қилган мажму‘аларга янги мажму‘аларнинг қўшилиши билан ташкил қилинган. 2 минг 300 жилд қўлёзмани қамраб олади. Улар орасида нодир қўлёзмалар ҳам талайгина. Қўлёзмаларга картотекалар тузилган.

3.6. Чорум вилоят оммавий кутубхонаси

Бу кутубхонада 3 минг 455 жилд қўлёзма бор. Улар орасида араб тилидаги қўлёзмалар, девонлар ва луғатлар сон жиҳатдан кўпдир. Бу Анадўли шаҳридаги муҳим мажму‘алардан ҳисобланади.

3.7. Измир миллий кутубхонаси

Унда 1 минг 594 жилд қўлёзма сақланади. ‘Али Йардим Измир миллий кутубхонаси Ёзма асарлар каталогини икки жилдда 1992-1994 йилларда бостирган.

3.8. Кастамону вилоят оммавий кутубхонаси

Бу кутубхона Нў‘монийа, Мердийа, Мунира ва Исфандийарўғлу Исма‘илбей

мажму‘алари ва баъзи кичик мажму‘алардан тузилган. Бу ерда араб ва турк тилида битилган 4 минг 44 жилд қўлёзма бор. Анадўлида мавжуд бой мажму‘алардан бири ҳисобланади ва қўлёзмалар картотекалари тайёрланган.

3.9. Кайсери Рашид Эфенди кутубхонаси

1797 йилда ташкил этилган. Кейинчалик бошқа кичик мажму‘алар қўшилган. Унда 10 минг 835 та қўлёзма бор. ‘Али Риза Карабулут томонидан 1982 йили нодир қўлёзмалар каталоги тузилган.

3.10. Кутаҳйа Воҳид Пошо кутубхонаси

1811 йилда ташкил этилган бўлиб, 3 минг 36 жилд қўлёзмаси бор. Бугунги кунга қадар илмий тадқиқ қилинмаган.

3.11. Тавшанли Зейтунўғлу кутубхонаси

Бу кутубхона 10 минг 256 жилд ноёб қўлёзмани ўз ичига олади. Ҳозирга қадар илмий жиҳатдан тадқиқ қилинмаган.

Анадўлида нодир қўлёзмалар сақланадиган бошқа кутубхоналар ҳам бор. Улар қуйидагилардан иборат [4, б. 20-21]:

№	Кутубхоналар номи	Жилдлар сони
1.	Адана Рамазон ўғлу кутубхонаси ва музейи	1711
2.	Адийаман вилоят оммавий кутубхонаси	73
3.	Афйон Гедик Аҳмет Пошо кутубхонаси	1327
4.	Ақҳисар Зейнелзаде оммавий кутубхонаси	1508
5.	Аксеки Ейен Меҳмет Пошо кутубхонаси	318
6.	Акшехир оммавий кутубхонаси	448
7.	Амася Боязид оммавий кутубхонаси	982
8.	Анталя музейи	200
9.	Баликесир вилоят оммавий кутубхонаси	1246
10.	Бор оммавий кутубхонаси	502
11.	Болу вилоят оммавий кутубхонаси	389
12.	Чанкири вилоят оммавий кутубхонаси	1128
13.	Даренде Меҳмет Пошо оммавий кутубхонаси	779

14.	Элазиг вилоят оммавий кутубхонаси	300
15.	Эрзурум вилоят оммавий кутубхонаси	546
16.	Эрзурум Ататурк университети	500
17.	Эскишехир вилоят оммавий кутубхонаси	1059
18.	Ғазиянтеп вилоят оммавий кутубхонаси	365
19.	Гулшехир Каравазир оммавий кутубхонаси	321
20.	Ҳажӣ Бекташ оммавий кутубхонаси	258
21.	Инегўл Исҳоқ Пошо оммавий кутубхонаси	386
22.	Искилип оммавий кутубхонаси	526
23.	Испарга Халил Ҳамид Пошо кутубхонаси	858
24.	Шарки Караағач (Ялвач 232 жилд)	109
25.	Караман вилоят оммавий кутубхонаси	358
26.	Мар'аш Муҳаррам Чалабий кутубхонаси	185
27.	Мардин вилоят оммавий кутубхонаси	96
28.	Невшехир Дамад Иброҳим Пошо кутубхонаси	473
29.	Нийде Сунгурбей кутубхонаси	548
30.	Ортаҳисар Ҳусейн Ғолиб Эфенди кутубхонаси	66
31.	Самсун Ғазӣ вилоят оммавий кутубхонаси	1159
32.	Синоп Риза Нур оммавий кутубхонаси	83
33.	Сунгурлу оммавий кутубхонаси	200
34.	Токаг вилоят оммавий кутубхонаси	351
35.	Трабзон вилоят оммавий кутубхонаси	411
36.	Ургур Таҳсин Оға оммавий кутубхонаси	450
37.	Улуборлу 'Ала'эддин оммавий кутубхонаси	478
38.	Бурса Йенишехир Сулаймон Пошо кутубхонаси	238
39.	Зиле оммавий кутубхонаси	209

Бўлим 4

Сулаймония кутубхонасида сақланаётган Ибн Сино асарлари таснифи

4.1. Фотиҳ Султон Меҳметнинг хусусий кутубхонасида ўзи учун кўчирилган Ибн Сино асарлари ҳақида [17, б. 245]

Шарқнинг подшоҳлари ва олимлари кутубхоналарида нафақат исломий

илмларга оид асарлар, балки ақлий-дунёвий фанларга оид китоблар сақланган. Илмлар бир бутун нарса деб қабул қилинган. Улар орасида шарқнинг буюк мутафаккири Абу ‘Али ибн Сино асарлари кўплаб подшоҳ ва олимларни ўзига жалб қилиб келган. Фикҳ ва калом илми устун бўлган Фотиҳ даври уламоларининг орасида «Тибб қонунлари» ўкилиб, муҳокама қилинганлиги маълумдир. Султон Меҳмет (1432–1481) у баҳсларда иштирок этган. Ўзи арабча билганлиги сабабли бу асарларни ўқир эди. Саройидаги кўп тиббий китобларни хаттотларга кўчиртирар ва безак бердиарар эди. У кўчирилган нусхаларнинг рўйхати давлат архивлари вазирлигида (Başvekelet arşivi) сақланади. Бу ерда Ибн Синонинг турли фанларга оид кўплаб асарларининг нусхалари сақланади. Вақт ўтиши билан подшоҳлар у нусхаларни кўпайтириб, бошқа умумий кутубхоналарга кўчиришган. Истанбул агрофидаги кутубхоналарда 100 мингдан ортиқ қўлёзма асар бўлса, шундан 30 минги Фотиҳ Меҳмет учун кўчирилган ва 100 дан 21 фоизи Ибн Сино асарларини ташкил этади. Улар орасида ажойиб хат санъатлари билан кўчирилган «Тиб қонунлари», «Китоб аш-шифо’», «Дониш-нома-и ‘Ало’ий», «Шарҳ қасидат ‘айнийя» ва «Китоб алишорот ва-т-танбиҳот» асарлари алоҳида ажралиб туради.

Бу асарлар фақат ўзи мутолаа қилиши учун кўчирилган ва зийнат берилган ва шахсий кутубхонасида сақланадиган асарларнинг бир қисмидир. Сотиб олинган Ибн Сино асарлари 100 дан зиёд. Ажабо Султон Меҳмет сотиб олинган нақлий ва ақлий мавзудаги китобларга қаноат қилмасдан уларни шахсий котибларига кўчиртирган. Бу ўзининг шахсий кутубхона яратиш нияти борлигини билдиради.

Ибн Синонинг деярли барча асарлари насх хатида кўчирилган. «Дониш-нома-и ‘Ало’ий» та’лиқда, Мурод Мулла кутубхонасидаги «Тиб қонунлари» нусхаси наста’лиқда кўчирилган. Безакларда райҳоний ва райҳоний сулус хатлари ишлатилган.

Унинг саройида Ибн Сино асарларини кўчирган котиблар қуйидагилардир: Собир номи билан машҳур ‘Али ибн Фетхуллоҳ ал-Ма’даний ал-Исфаҳоний 867, 880, 883 (1462, 1475, 1478) йиллар орасида та’лиқ хатида кўчирган (Фотиҳ кутубхонаси, № 5377). Та’лиқ хати Табризлик хаттот ‘Али томонидан 823/1420 йилда ихтиро қилинганлиги маълум. Бу хат тури Туркияда алоҳида эътибор билан ривожлантирилган. Фотиҳ Султон Меҳмет даврида бу ёзувда кўплаб асарлар кўчирилган ва ёзилган.

4.2. Сулаймония кутубхонасида сақланаётган Ибн Сино асарлари таснифи

Сулаймония кутубхонаси Ибн Синонинг бизгача етиб келган барча асарларини ўзида тўла жамлаган дунёдаги ягона кутубхонадир. Бу ерда сақланаётган Ибн Сино асарлари орасида XI асрга тааллуқлилари ҳам бор. Ўша кезларда мусулмон дунёсида араб тили илм-фан тили сифатида кенг истифодада бўлган. Шу боис Ибн Синонинг деярли барча асарлари араб тилида ёзилган.

Сулаймонияда сақланаётган Ибн Сино қўлёзмаларидаги каллиграфия, миниатюра, расм ва муковалар бебаҳодир.

Кутубхонада Ибн Синонинг алоҳида номлардаги 263 та асари мавжуд, уларнинг қўлёзма нусхалари сони эса 600 тага етади. Баъзилари кичик рисоалардир.

Сулаймонияда сақланаётган Ибн Сино асарлари фалсафа (89 та), мантиқ (11 та), дин фалсафаси (53 та), тасаввуф (5 та), тил (2 та), адабиёт (12 та), математика (7 та), физика (2 та), кимё (2 та), тиббиёт (58 та), сиёсат (1 та), география (1 та), астрономия (7 та) каби фанларга тааллуқлидир ва буларнинг барчаси 1022 йилдан 1728 йиллар оралиғида кўчирилган қўлёзмалардир. Ибн Синонинг кичик асарлари ҳам бўлиб, унда муаллиф ўзининг эпистемология, онтология, теология ва метафизикага оид қарашларини баён қилади. Қомусий олимнинг Абу Райҳон Беруний билан олиб борган ёзишмалари ҳам кутубхона мажмуасидан жой олган.

«Китоб аш-шифо'» Ибн Синонинг ўз қўли билан ёзган автограф нусхаси деб қаралади. Сулаймония кутубхонаси Ибн Сино асарларини тўла қамраб ола олмаслиги мумкин, лекин бу кутубхона дунёда Ибн Сино асарларига жуда бой ҳисобланади.

Фалсафага оид унинг «Китоб аш-шифо'» (32 та нусхаси мавжуд), «Китоб ан-нажот», «Ишорот ва танбеҳот» ва кичик фалсафий рисоалари ҳам кутубхона фондидан ўрин олган.

Табобатга оид асарларига келсак, Сулаймонияда «Тиб қонунлари» асарининг 58 та нусхаси мавжуд. Беш китобдан иборат бу асарнинг 'усмонли ва лотин тилига қилинган таржималари бор. Лотин тилидаги таржима 1510 йилга тегишли бўлиб, Ибн Сино китоб муқовасида Гален ва Гиппократ ўртасида тож кийган ҳолда тасвирланган.

Буюк ватандошимиз мероси ўзининг қалби пок тадқиқотчиларини кутиб турибди.

4.3. Туркиядаги қўлёзма асарлар онлайн кутубхоналари

Ислом тадқиқотлари маркази (ISAM) кутубхонаси

Ислом тадқиқотлар маркази 1984 йилда Ислом энциклопедиясини тайёрлаш учун ташкил этилган бўлиб, илмий ишлар олиб бориш, ислом илмлари ва шарқшунослик борасидаги тадқиқотларни таржима ва тадқиқ қилиш, нашр қилиш ва бошқа илмий-маърифий фаолият билан шуғулланади.

Марказнинг бой кутубхонаси 312.846 минг китоб, турли соҳага оид 226 минг журнал, 18.336 минг хужжат файли, 23 минг 505 та микрофильмлар (‘Усмонлилар қозилик реестрлари) 411 та микрофиш ва микрофильмлар, 5.400 та алоҳида нашрлар ва 1.598 та CD ни ўз ичига олади.

Тадқиқотчи <http://www.isam.org.tr/> сайтига кириб, Türkiye Kütüphaneleri VT ни топиб, қўлёзма асар ёки муаллиф номини ёзса, мазкур асарнинг Туркиядаги кутубхоналарида сақланадиган рўйхатини чиқариб беради.

Отатурк кутубхонаси

1924 йилда ташкил этилган. Отатурк кутубхонаси Истанбул буюкшаҳар баладияси кутубхона ва музейлар мудирлигига қарашли марказий кутубхона ҳисобланади. Мудирликка тегишли 21 та кутубхона Отатурк кутубхонасининг бир шўъбаси сифатида фаолият юритади.

Бу кутубхонада ‘усмонлича босма китоблар, даврий нашрлар, қўлёзма асарлар, хорижий тиллардаги нодир китоблар, хариталар, солномалар ва таквимлар ўрин олган. Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар булардан онлайн тарзда фойдаланишлари мумкин.

Куйидаги <http://aturkkitapligi.ibb.gov.tr/yordambt13/yordam.php?> манзилдан аъзо бўлиб, керакли маълумотларни юклаб олиш мумкин. Баъзи маълумотларни аъзо бўлмасдан ҳам юклаб олса бўлади.

Туркия ёзма асарлар ташкилоти бошқармаси [Бу ташкилот фаолияти ҳақида иккинчи бўлимда батафсил маълумот берилди].

Бу сайтда Туркия ёзма асарлар ташкилоти бошқармаси билан Анқара Миллий кутубхона архивидаги қўлёзма асарлар ўрин олган. Сайтдан турк ва инглиз тилларида маълумот олиш мумкин. Фойдаланувчи сайтга аъзо бўлиб,

<http://yazmalar.gov.tr/katalog-tarama> дан керакли қўлёзмани буюртма бериб олиши, фойдаланиши мумкин.

Миллий кутубхона

Мазкур рақамли кутубхона тизими, Миллий кутубхона базасида бўлган қўлёзма асарлар ҳақида қисқача маълумот ва асарларнинг юқори сифатли рақамли файлларни ўзи ичига олган. Унинг интернет манзили: <https://dijital-kutuphane.mkutup.gov.tr/tr/manuscripts/catalog/list>

Бўлим 5

Туркияда қўлёзма асарлар учун тузилган каталоглар

5.1. «Туркия қўлёзмаларининг ягона каталоги» (Türkiye Yazmaları Toplu Kataloğu)

1978 йил Туркия Маданият вазирлиги бошчилигида «Туркия қўлёзмаларининг ягона каталоги (Türkiye Yazmaları Toplu Kataloğu)» ни тузиш катта лойиҳа эди. Жами бу каталогнинг 32 жилди нашр қилинди. Олти жилди Анқара Миллий кутубхонаси каталоги эди. Маълум сабабларга кўра, Маданият вазири Мустафо ‘Исам вазирлиги даврида бу лойиҳа тўхтатилди. Бу лойиҳа ҳақида «Туркия кутубхоналари қўлёзма асарлари каталоглари» китоби муаллифи, йирик каталогшунос Хусайн Туркман қуйидагиларни сўзлади: «Бу каталогнинг мақсади Туркиядаги барча кутубхоналар қўлёзма асарларининг каталогини тузиш эди, лекин бу иш амалга ошмади. Шунингдек, лойиҳа ягона каталог тузиш лойиҳаси сифатида бошланган бўлса-да, ҳар бир кутубхонанинг каталоги алоҳида нашр қилинди. Бу ишда илмий ва техник жиҳатлардан анча хатоликлар кўзга ташланди» [18].

5.2. Бир муаллиф тузган каталоглар

Анқара. Анқарадаги Турк тили ташкилоти кутубхоналаридаги қўлёзмалар доктор Муждан Жунбур, Дурсун Кая, Ниязи Унвер томонидан тайёрланиб, Анқарадаги Турк тили ташкилоти кутубхонаси қўлёзма асарлар каталоги номи билан 1999 йилда нашр қилинган. ‘Абдуллаҳ Жейлан Диёнат Ишлари бошқармаси кутубхонаси қўлёзмалари каталогини тайёрлаган. Туркияда илк босма каталог ‘Абду Раҳмон Нажим Эфенди томонидан тайёрланган Кутубхона-и Дамад Пошо (1279/1862 й.) каталогидир. Буни ‘Абд ал-Ҳамид II

даврида босилган (1293-1325) «Ҳамидий даври каталоглари» номи берилган дафтарлар давом эттирди.

Йусуф Оға кутубхонаси каталоги факсимилеси босилган. Фаҳми Адҳам Каратай «Тўпқопи Саройи музейи» даги арабча, форсча ва туркча китобларнинг каталогини тайёрлаган. Туркча қўлёзмаларни «Тўпқопи музейи кутубхонаси туркча қўлёзмалар каталоги» номи билан 1961 йилда босилган.

Гунай Кут «Таржуман газетаси» кутубхонасидаги туркча қўлёзмалар каталогини Истанбулда 1989 йилда нашр қилди.

Истанбул. Истанбул баладиясига тегишли Ататурк кутубхонасидаги Му‘аллим Жавдат ва ‘Осман Эргин мажму‘алари ҳақида тадқиқотлар бошлаган На‘ил Байрактар Ататурк кутубхонаси ‘Осман Эргин қўлёзмалари алифболи каталогининг биринчисини 1991, иккинчисини 1995, янги совға қилган қўлёзма китобларнинг алифболи каталогини 1997 йилда нашр қилинган. «Садберк Ханим музейи» кутубхонасига оид Хусайн Кожабаш қўлёзма асарлари каталоги Исма‘ил Бакар томонидан тайёрланган, Истанбулда 2001 йилда нашр қилинган. Аҳмад Оташ томонидан тайёрланган, «Истанбул кутубхоналаридаги асарлар» (Истанбул, 1968 й.) каталоги Истанбул Университети билан Нурусмония кутубхоналарини ўз ичига олган. Шунингдек, Фаҳми Адҳам Каратайнинг тайёрлаган «Тўпқопи Саройи музейи» кутубхонаси форсча ёзма асарлар каталоги (Истанбул, 1961) ҳам бордир.

Измир. ‘Али Йардим Измир миллий кутубхонаси Ёзма асарлар каталогини икки жилда 1992-1994 йилларда босган.

Кайсери. ‘Али Риза Карабулут Кайсеридаги китобларни, Кайсери Рашид Эфенди кутубхонасидаги туркча, форсча, арабча қўлёзмалар каталоги номи билан 1982 йилда битта, 1995 йилда икки жилд ҳолида нашр қилган.

Кўнё. ‘Абдулбоқи Гўлпинарли томонидан тайёрланган Мавлоно музейи қўлёзмалар каталоги тўрт жилда 1967-1994 йиллар орасида нашр қилинган. Меҳмет Эминўғлу томонидан тайёрланган Коюнўғлу музейи ва кутубхонаси қўлёзма асарлар каталогининг биринчиси Кўнёда 1997 йил Кўнё буюкшеҳир беледияси томонидан босилган.

Маниса. ‘Исмаи Пармаксизўғли томонидан тайёрланган Маниса Бош кутубхонаси тарих-жўғрофия қўлёзмалар каталогини Турк ёзма тарихлар нашриёти 1952 йилда нашр этган.

Умумий каталог тузиш тадқиқотлари

Туркияда бугунги кунда каталоглаштириш иши давом этмоқда. 1935 йилда олмон шарқшуноси Хелмут Риттер (1892–1971) бошчилигида «Кутубхоналарни таснифлаш комиссияси» номида бир тадқиқот бошланган эди. Натижада 11 жуз’дан тузилган Истанбул кутубхоналари Туркча тарих-география қўлёзмалар каталоглари 1943–1962 йилларда тугатилиб, илмий муомалага киритилган эди. «Истанбул кутубхоналари туркча девонлар каталоги» лойиҳаси 1947–1976 йиллар орасида тўрт жилда босилди. Истанбул кутубхоналари «Туркча хамсалар каталоги» эса 1961 йилда бир жилда босилди.

Туркияда бугунга қадар қўлёзма асарларни каталоглаштириш борасида талай ишлар қилинган бўлсада, ҳали ечимини кутиб ётган муаммолар талайгина. Биринчи навбатда соҳа мутахассисларининг етишмаслигидир.

«Туркияда манбашунос ва каталогшунос олимлар етишмаслиги катта муаммодир. 300-400 минг жилд қўлёзмаси бўлган миллат Хелмут Риттер [олмониялик олим, Туркияга келиб, қўлёзмаларнинг каталогларини тузиш борасида бир неча лойиҳаларга раҳбарлик қилган], Аҳмад Оташ (1917–1966), Нежат Четинлардан кейин йирик манбашунослар авлодини етиштира олмадик», – дейди тарихчи, кутубхона иши бўйича мутахассис профессор, доктор Исма’ил Эрунсал [15].

Масаланинг бошқа жиҳати ҳозирга қадар тузилган каталогларнинг кўпчилигида умумий хатоларнинг учрашидир.

Отатурк кутубхонаси кутубхоначилик иши бўйича етакчи мутахассиси, «Туркия кутубхоналаридаги қўлёзма асарлар каталоглари» китоби муаллифи Хусайн Туркман бу ҳақда куйидагиларни сўзлаб берди: «Муаллиф номлари, асар номлари ва инвентар рақамларни беришдаги ҳар-хилликлар барча каталогларда учрайди. Масалан, Меҳмет ибн Пирали исми Муҳаммад ибн Пирали шаклида ҳар хил ёзилади. Асарнинг бошланиш қисмида муаллиф номи келса-да, каталогда асар муаллифи номаълум деган ҳолатлар ҳам учрайди. Мисол тариқасида «Ҳофиз ‘Али Эфенди ёзма асарлар» каталогини келтиришимиз мумкин. Бундай ҳолатлар тадқиқотчини адаштириши табиий ҳолдир. Бундай хатоларнинг сабаби, бир томондан, каталог тузувчининг эътиборсизлигидан бўлса, иккинчи томондан, техник томони бўлиб, бу хилдаги каталогларнинг «word» форматида тузилганидир. Бунда ҳарф, ёзув ва рақамларнинг ўзгариб кетишининг эҳтимоли каттадир. Келгусидаги каталогларни тузишда махсус кутубхоначилик ишида ишлатиладиган махсус

программалардан фойдаланиш лозим» [18].

Бугунги кунда туркиялик соҳа олимлари қўлёзма асарларни таснифлаш ва уларга каталоглар тузишни муҳим вазифалардан деб билади. Тарихчи ва манбашунос олим Рамазон Шешан қуйидагиларни сўзлайди:

«Шубҳасиз, Ислом маданиятининг ноёб хазиналаридан бири қўлёзма асарлари кутубхоналаридир. 1959 йилдан 2014 йилгача Туркия кутубхоналаридаги қўлёзма асарлар устида ишладим. Қўлёзмалар билан боғлиқ мақолалар, каталоглар ва китоблар нашр килдим. Араб, форс ва турк тилларидаги асарларни синчковлик билан ўргандим. Уларни ўрганиш методларини ишлаб чиқдим. Бу соҳадаги узоқ йиллик тажрибам ва билимларим шуни кўрсатмоқдаки, қўлёзмаларни ўрганиш учун биринчи қадам уларнинг каталогини тузишдан иборатдир. Туркиядаги кўпгина кутубхоналарнинг каталогини тузиш у ёқда турсин, ҳали уларнинг картотекаси тузиб чиқилмаган. Биз у кутубхоналарда қанақа китоблар борлигини билмаймиз. ‘Усмонлилар давридан то бугунги кунгача қўлёзма асарларга қанчадан-қанча картотека ва каталоглар тузилмасин, Туркиядаги барча қўлёзма асарларнинг каталоги тузиб бўлинмади. Туркиянинг турли фондларида 250-300 минг жилд қўлёзма борлиги тахмин қилинади. Бугунга қадар Туркия бўйлаб 30 минг жилд қўлёзма асарларнинг каталоги қилинган, холос. Бу мавжуд қўлёзмаларнинг ўн фоизи деганидир. Масалан, ўзида бой ва нодир қўлёзмаларни жам қилган Бурса ва Кастамону кутубхоналаридаги қўлёзма асарлар каталоги ҳалигача амалга оширилмаган» [16].

Хусайн Туркманнинг қайд этишича, «Туркияда 300 минг жилд қўлёзма асар борлигини тахмин қиладиган бўлсак, уларда 10 ёки 15 минг асар мавжуд бўлиши мумкин. Қолган бир миллионга яқини уларнинг нусхалари ҳисобланади. Буларни осон ва тез аниқлашнинг осон йўли инвентар рақамли, яъни асар номи, муаллиф номи, мавзуси ва вароқ сонини қамраб олган каталог тузиш керак. Бу ишни Туркия қўлёзма асарлар ташкилоти бошқармаси ўз зиммасига олиши керак».

Шундан маълум бўладики, барча қўлёзмаларни тўла каталоглаштириш амалга ошмагунча, Туркиядаги қўлёзма асарлар сони ва Марказий Осиёлик олимлар асарларининг сонини айта олмаймиз, деган хулосага келишимиз мумкин.

Биз Туркия кутубхоналаридаги каталогларни кўздан кечирганимизда юртимиздан чиққан олимлар номига қўйилган мажму‘алар номи, масалан,

Сулаймония кутубхонасидаги Мурод Молла Бухорий мажму‘аси борлиги, шунингдек, Бурса қўлёзма ва эски босма асарлар кутубхонасида Абу Райхон Берунийнинг «Китоб ас-сайдана фи-т-тибб» асари (ҳижрий 678/1279 йилда қўчирилган) нусхаси ноёб қўлёзма сифатида Куршунлу ўғли мажму‘асининг 149 рақамида сақланиши каби мисоллардан қўплаб келтиришимиз мумкин.

Хусайин Туркманнинг қайд этишича, «Туркия кутубхоналарида сақланаётган Марказий Осиёдан чиққан алломалар асарлари ҳақида алоҳида каталог тузилмаган. Ҳали биз асарларнинг қайси минтақага мансуб эканлигини аниқлашга етиб келганимиз йўқ. Аммо Марказий Осиёлик олимлар асарлари туркча қўлёзма асарлар каталогларидан жой олган бўлиши мумкин», – деган фикрни илгари сурди [18].

Хулоса ўрнида айтганда, Туркия кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма асарларни тадқиқ қилиш, каталогларни ўрганиш, улар асосида Марказий Осиёлик алломалар асарларининг каталогини тузиш орқали алломаларимизнинг ҳали ўрганилмаган ва маълум бўлмаган илмий меросини илмий доира вакилларига таништириш имкони яратилиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Ramazan Şeşen. *Mukhtarat min al-makhtutat al-‘arabiyya al-nadira fi maktabat Turkiya / taqdim Ekmeleddin İhsanoğlu. İstanbul: İslam Tarih, Sanat ve Kültürünü Araştırma Vakfı (İSAR), 1997.*
2. A. Ateş, “Burdur-Antalya ve Havalisi Kütüphanelerinde Bulunan Bazı Mühim Yazmalar” // *Türk Dili ve Edebiyatı Dergisi*, II, 1948, s. 171-191.
3. Abdülkadir Gölpinarlı. *Mevlana Müzesi Yazmalar Kataloğu*, I-III. Ankara, 1967-1972.
4. Ramazan Şeşen. “Türkiye’deki yazma koleksiyonları ve bunların kataloglarının neşredilmesi” // *İstanbul Üniversitesi Edebiyat Fakültesi Tarih Dergisi*. İstanbul, 1994, s. 1-21, б. 1-34.
5. Hüseyin Türkmen. *Türk Kütüphaneleri Yazma Eserler Katalogları 1923-2006*. İstanbul, 2010.
6. *Süleymaniye Kütüphanesi*, Yapı Kredi Bankası Hizmetleri. İstanbul, 1980.
7. *Türkiye Yazma Eser Kütüphaneleri ve Bu Kütüphanelerde Bulunan Yazmalarla İlgili Yayınlar Bibliyografyası / Nimet Bayraktar, Mihin Lugal; editör Ekmeleddin İhsanoğlu. İstanbul: İslam Tarih, Sanat ve Kültür Araştırma Merkezi (IRCICA), 1995. XXXI, 337 S.*
8. İsmet Parmaksızoğlu. “Türk kütüphanelerinde gelişmeler” *Türk Kütüphaneciler Derneği Bülteni*, 1974, 22 (2).
9. İsmail E. Erünsal. “Osmanlı Kütüphanelerinin Tarihi Gelişimi” *Türk Kütüphaneciler Derneği*, 1999, s. 235-246.
10. Günay Kut. “İstanbul’daki Yazma Kütüphaneleri” // *İstanbul Üniversitesi Edebiyat Fakültesi Tarih Dergisi*, İstanbul, 1980/1981. 33. sayı [Fatih Sultan Mehmed’e Hatıra Sayısı], Sayfa 341-374.

11. Баҳром Абдухалимов. Байт ал-хикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2010.
12. Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёмалари каталоги / Нашрга тайёрловчилар: С.А. Муҳаммадаминов, О.Р. Мадалиева. Тошкент: Фан, 2018.
13. Афтондил Эркинов. «Хазойин ул-Маоний»га эга «Муҳаббатнома» тўплами Огаҳ сирри Левенд тавсифида // «Алишер Навоий ва XXI аср»: Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: «TURON-IQBOL», 2018.
14. Niyazi Ünver, Dursun Kaya. Yazma Kitaplar. <http://yazmalar.gov.tr/sayfa/yazma-kitaplar/9>
15. Мармара университети «Фан-адабиёт факультети» профессори, доктор Исма’ил Е. Эрунсал (İsmail E.Erünsal) билан 2020 йил 1 ва 2 февралда қилинган суҳбат протоколлари.
16. Тарихчи, манбашунос ва каталогшунос Рамазон Шешан билан 26 февраль 2020 йилда қилинган суҳбат протоколи.
17. А. Süheyl Ünver. “İbni Sina hayatı ve eserleri hakkında çalışmalar” ҳақидаги китобининг 150-бетдаги шу номдаги мақоласи асос қилиниб олинди. İstanbul: Bühraneddin Erenler Matbaası, 1955, 245-б.
18. 26 январь 2020 йилда Хусайн Туркман билан бўлган суҳбат протоколи.
19. <https://www.yek.gov.tr/>
20. <https://islamansiklopedisi.org.tr>
21. <https://kutuphane.diyonet.gov.tr/YazmaEserSearch.aspx>
22. <http://vakar.org/kutuphane/>
23. <https://kutuphane.vgm.gov.tr/yordambt/yordam.php>
24. <https://www.tbmm.gov.tr/kutuphane/index.htm>
25. [http://www.toplukatalog.gov.tr/index.php?cwid=2&keyword=%C4%B0bn+Sina %2C+980-\(\)1037&tokat_search_field=6&order=0](http://www.toplukatalog.gov.tr/index.php?cwid=2&keyword=%C4%B0bn+Sina %2C+980-()1037&tokat_search_field=6&order=0)
26. <https://www.vgm.gov.tr/vakiflarimiz/vakiflarimiz/genel-bilgi>

CHAPTER III
PROMINENT SCHOLARS OF UZBEKISTAN:
THEIR COMPILING ACTIVITIES
AND MANUSCRIPT HERITAGE

БЎЛИМ III
ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК АЛЛОМАЛАРИ
ИЖОДИ ВА ҚЎЛЁЗМА МЕРОСИ

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ «МУҚАДДАМАТ АЛ-АДАБ» АСАРИНИНГ ДУНЁ ФОНДЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Зоҳиджон Маҳмудович Исламов*

«МуқаддаMAT ал-адаб» асари устида олиб борган узоқ йиллик изланишларимиз унинг жаҳон фондлари бўйлаб тарқалган қуйидаги қўлёзма нусхаларини аниқлашимизга имкон берди.

1. Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди – 8 қўлёзма.
2. Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фонди – 1 қўлёзма.
3. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қўлёзмалар фонди – 1 қўлёзма.
4. Россия ФА Шарқшунослик институти фонди – 3 қўлёзма.
5. Доғистондаги Тил, тарих ва адабиёт институти фонди – 1 қўлёзма.
6. Тожикистон ФА Шарқшунослик институти фонди – 1 қўлёзма.
7. Англиядаги Британия музейи қўлёзмалар фонди – 3 қўлёзма.
8. Франциядаги Париж миллий кутубхонаси қўлёзмалар фонди – 13 қўлёзма.
9. Германия: Берлин кутубхонаси қўлёзмалар фонди – 10 қўлёзма.
10. Италия: Болоньядаги Марсигли шарқ қўлёзмалари коллекцияси – 1 қўлёзма.
11. Эрон қўлёзма фондлари – 8 қўлёзма.
12. Туркия қўлёзма фондлари – 20 қўлёзма.
13. Ҳиндистондаги Рампур Сарой кутубхонаси фонди – 1 қўлёзма.

* Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори, филология фанлари доктори, профессор

14. Хитой фонди – 1 қўлёзма.

«Муқаддамат ал-адаб» кўп тиллик луғат бўлгани учун фаннинг кўп соҳаларига оид муҳим маълумотларни жамлаганлиги боис ҳам давр талабига қўра ўз вақтида қайта-қайта кўчирилган, унинг қўлёзма нусхалари турли мамлакатларга тарқалган. Биз асарнинг мавжуд қўлёзмаларини шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга бўлдик:

1. «Муқаддамат ал-адаб» нинг Тошкент нусхалари

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида асарнинг арабча-форсча бешта (№ 429, 1301/ II, 3628, 9477, 7352) ва арабча-форсча-туркий учта (№ 2699, 3807, 1497/ III) қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида эса ҳозирча ягона ҳисобланувчи тўрт тиллик арабча-форсча-туркий-мўғулча нодир қўлёзма нусха (№ 202) мавжуд. Луғатнинг туркий сўзлик киритилган қўлёзма нусхалари китобат даврига қўра анчагина қадимий бўлиб, бу уларнинг илмий аҳамиятини янада оширади ва ўзбек тарихий лексикологияси, тил тарихини ўрганиш учун жуда қимматли манба эканлигини кўрсатади.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг «А» нусхаси

«Муқаддамат ал-адаб»нинг Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида сақланаётган 202 сақланиш рақамли қўлёзмасини шартли «А» нусха деб белгиладик.

Мазкур нусха асарнинг Тошкент қўлёзмалари орасида исмлар қисмига туркий сўзлик киритилган ягона манба ҳисобланади. Тошкент қўлёзма фондларида сақланаётган «Муқаддамат ал-адаб» нинг қолган 8 қўлёзмасидан бирортаси таркибидаги исмлар қисмига туркий муодиллар киритилган эмас. Қўлёзманинг яна бир илмий қиммати шундаки, мазкур манбага асар таркибига кирган муқаддиманинг туркий варианты ҳам киритилган.

Тошкент нусхаларининг ягона тўрт тилли нусхаси мавжуд бўлиб, бу нодир қўлёзмада сўзлар араб, форс, туркий, мўғул тилларида берилган. Қўлёзмага муқаддима (1^б-5^б), исмлар қисми (6^б-215^б) ва феъллар қисми (215^б-533^б) киритилган. Феъллар қисмида уч ўзакли II боб, тўрт ўзакли IV боб ва тусланмайдиган феъллар боби باب الافعال غير المتصرفة ўз ифодасини топган. Қўлёзмадаги арабча сўзлик ҳар бир саҳифага 4 мисрадан жойлаштирилган.

Асарнинг форсча, туркий, мўғулча таржималари ўз муодиллари остига тартиб билан киритилган. Туркий сўзлик қизил сиёҳ билан битилган. Бизнингча, мазкур нусха туркий сўзликнинг аҳамиятини таъкидлаш учун кўчирилган бўлса керак. Араб тилидаги матн қора сиёҳда, насх хатида тўлиқ ҳаракатлар билан хушхат қилиб ёзилган. Форсча, туркча, мўғулча таржималари майдароқ наста'лик хатида битилган. Асар юпқа шалдиरोқ Қўқон қоғозига ёзилган.

Н.Н. Поппенинг ёзишича, Октябрь инқилобидан сўнг Бухородаги Ибн Сино номли кутубхонада «Муқаддамат ал-адаб» нинг икки қўлёзма нусхаси сақланган. Улардан бири 893/1492 йили котиб Дарвиш Муҳаммад томонидан кўчирилган нусха бўлиб, бу қўлёзма нусха арабий сўзлик билан бир қаторда унинг форсий, туркий, мўғулий муодиллари билан тўлдирилган ва исмлар, феъллар қисмидан иборат эди [9, с. 6-8]. 1926 йили Н.Н. Поппе мазкур қўлёзманинг тасвирий нусхасини олиш истаги борлигини билдиради, лекин бу ишни амалга ошириш ўша вақтда жуда қийин эди. Орадан оз муддат ўтгандан сўнг, 1928 йили СССР ФА Осиё музейи (Азиатский музей) вақтинча фойдаланиш учун юқоридаги қўлёзманинг янгидан кўчирилган бир нусхасини қўлга киритади ва ундан тасвирий нусха олинади. Ана шу нусха асосида Н.Н. Поппе ўзининг «Монгольский словарь «Муқаддамат ал-адаб» асарини яратди. Адабиёт музейи фондидаги қўлёзма матнини Н. Поппе нашр этган юқоридаги асар матни билан қиёслаш уларнинг бир-бирига ўхшашлигини кўрсатади. Демак, биз юқорида тавсифлаган нусха 1492 йили кўчирилган қўлёзмадан олинган. Қўлёзма кейинчалик муқова қилинган ва устига сунъий чарм қопланган. 533 в., ўлчови 14,5 x 22,5 см.

«Муқаддамат ал-адаб»нинг бу нусхаси Маҳмуд Замахшарий илмий ижодига хос бўлган қисқа муқаддима билан бошланган. Қўлёзмада муқаддиманинг арабча, форсча ҳамда туркий вариантлари келтирилган. Нусханинг бошқа қисмлари таркибига киритилган мўғулий сўзлик муқаддимада ўз аксини топмаган. Қуйида қўлёзма таркибига киритилган муқаддиманинг туркий вариантини келтирамыз:

Бисмиллаҳир-рахмонир-рахим.

Шукр ул Тангригаким, артуқ қилди бирча тиллардин араб тилини анинг ортиқ қилди инган (этган) [14] китобини ўзга китоблардин. Дуруд пайғамбараким, битиг билмай араб сўзи уруклариқаким, барча арабдин ўрундур, пайғамбардин сўнқра бу тилнинг артуқлуқи учун. Ва ул Тангри буюрди (буюрдин) анқа артуқлуқ ишдин ва улким, эҳтиёж этар (эта) бўлубтур

муслмонлик динида турлук-турлук илмлариқа, турлук-турлук одоблариқа яхши билгучиларни. Ва ани билгучи (ни) саналдию, умматнинг олимлари ичида ёд қилилди. Имомлар бўлукинда (нўлукинда) Тангри та‘оло сунъидин ушбу бўлукка ул турурким, подшоҳларининг ёғмири булутлари тўкмасади, берганлари бахшишлақанлари (бахшишқанлари) ҳеч кишига буларқа тўкулган аларнинг билганларига (билганларин), аларнинг хатиблариқа, аларнинг битгучиларига, аларнинг қўшукчилариқа ўқсутмади. Араб давлати ўтгандин сўнқра ҳеч чакни чақлардин бир жавонмард подшоҳдинким, мехрибон эди, аларқа ва танлар эди аларни. Ва ўзига ўлур эрди, ишларини ва бутқарур эди, билушур эрди аларнинг ҳунарида, амроқ эдилар анинг ҳунарининг ёпилмоқиқа ва улким, танлади Тангри та‘оло бизнинг чақимизда адаб (аб) илмининг нусроти (нусроқи) учун ва солди анинг қўнглига араб тилининг севуклутин (севуклуги). Улуғ бек черик беги улуғ давлатлиғ Отсиз турур Хоразмшоҳ (Хораршоҳ) ўғли Тангри та‘оло ҳамиша ани ортуқ тутқай ва тавфиқиқа (тавфиқа) нусрат бергай (берга) анинг артуқ татлиқи (татақи) фозиллар била ўлтурмоқи турур. Ва анинг ғоят артуқ авинмақи билгучилар била аёқ ичишмоқи турур ва доим карамининг (карининг) кэнг бўлагай (лулагай), аларнинг бошида тортилиб (тотилиб) турур, аларнинг турур ерлари тўкулган бир наси билан яхши турур ва бир налари ва кийимлари (кийиблари) бир-бирининг сўнғича аларнинг қатида улангу эрди, инъом юбарур аларқа ва кундуз эрурди, чин ақаким манқа улуғ ҳукми еттиким, доим улуғ бўсунким, бир нусха битмақликка «Муқаддама-и адаб» китобидин китобхонаси учунки, ма‘мура турур, ман дақи ишладим, ул фармонбурдалиқи учун қилдим. Бу китобни отламиш анинг отида анинг учунким, ушбу китоб чин у ким топибтур қабул қўнгулларда ва эсти шаҳарлар ичинда кун туғар, жануб ели (мили) эскандек тиладиким, доим мазкур бўлқай, барча ерларда ва чақларда бўлқай анинг ‘азиз оти барча тилларда (билларда). Тангри та‘оло тавфиқ бергай анқа ул ишниким, будун қилгай (қилга) яхши отини қазқанқай. Улуғ савобни чин-ўққим, Тангри яхши тавфиқ бергучи турур ва ёри қилгучи. Бул китоб беш улуш турур. Бурунқи улуши отларда турур, иккинчи улуши (улуси) феълларда турур, учунчи улуши ҳарфларда турур, тўртинчи улуши атларнинг (атмарнинг) эвурмақида, бешинчи улуши фе‘лларнинг эвурмақида турур, бурунқи улуши ул атларнинг (атмарнинг) улушида турур.

Асарнинг муқаддимасидан сўнғ исмлар қисми бошланган. Қисм бошланишидаги анъанавий бисмиллоҳ ҳамда қисмнинг номи тушиб қолган.

Мазкур қисмдаги сўз мақолалари ўзига хос ички тартибда берилган.

Дастлаб сўзнинг бирликдаги кўриниши келтирилган бўлиб, ундан сўнг лозим ўринлардагина унинг кўплик шакли кўрсатилган. Мазкур бирликдаги арабий сўзнинг форсий, туркий ва мўғулий сўзликлари унинг остига кетма-кет ёзилган. Сўзнинг кўплик шакли арабий сўзликда айнан келтирилган бўлса, форсий сўзликда جمع – жам‘ – «кўплик» сўзи билан кўрсатилган. Айнан шу кўпликдаги сўзларнинг туркий ва мўғулий шакллари жам‘ сўзининг бош ҳарфи ج – жим билан белгиланган. Айрим ўринларда бирликдаги сўзнинг икки ва ундан ортиқ кўплик шакли берилган.

Масалан: (А. 76. 4.) سحر – сахар – تانك – тонг сўзининг اسحار – асха: р ва سحور – суҳу: р кўринишидаги кўплик шакллари берилган. Уларнинг ҳар иккаласи ج – жим ҳарфи билан кўрсатилган. Шунингдек, (А. 6.б. 1) زمن – заман сўзининг ازمان – азма: н ва ازمة – азмина каби (А. 6.б. 1) عصر – ‘аср сўзининг اعصار – а‘са: р ва عصور – усу: р кўринишидаги кўплик шакллари ҳам форсий сўзликда جمع – жам‘ сўзи ва туркий ҳамда мўғулий сўзликда ج – жим ҳарфи билан кўрсатилган. Кўлёзма матнини синчковлик билан ўрганиш матнда икки, уч ва тўрттадан кўплик шаклларига эга бўлган ҳолатлар мавжудлигини кўрсатди.

Араб тилидаги сўзнинг ўзи айнан бошқа тилларда ҳам қўлланилган бўлса, у ҳолда бу сўз форсий, туркий, мўғулий муодилда арабча معروف – ма‘ру: ф сўзи билан кўрсатилган. Форсий муодилда бу сўз тўлиғича ёзилган бўлиб, туркий ва мўғулий сўзликда эса ма‘ру: ф сўзининг охирги ҳарфи ف – фа билан белгиланган, масалан:

(А. 36.а. 1) арабча نارنج – на: ринж

форсча معروف – ма‘ру: ф

туркий ف – фа

мўғулий ف – фа

(А. 11.а. 2) арабча عرش – ‘арш

форсча معروف – ма‘ру: ф

туркий ف – фа

мўғулий ف – фа

(А. 62.а. 4) арабча بلغم – балғам

форсча معروف – ма‘ру: ф

туркий ف – фа

мўғулий ف – фа

(А. 60.а. 4) арабча *صدى* – сада:

форсча *معروف* – ма‘ру: ф

туркий *ف* – фа

мўғулий *ف* – фа

Демак, юқоридаги *نارنج* – на: ринж, *عرش* – ‘арш, *بلغم* – балғам, *صدى* – сада: каби сўзлар форс, туркий, мўғул тилларида айнан арабий кўринишдагидек қўлланилган.

Агар арабий сўзнинг форсий таржимаси туркий ҳамда мўғулий сўзликда айнан форсчадагидек ўзгаришсиз қўлланилган бўлса, у ҳолда сўзликнинг туркий, мўғулий шаклдошлари *ف* – фа ҳарфи билан кўрсатилган, масалан:

(А. 35.б. 4) арабча *ادرج* – идриж

форсча *الو* – алу

туркий *ف* – фа

мўғулий *ف* – фа

(А. 35. 4) арабча *تين* – ти: н

форсча *شفتالو* – шафталу

туркий *ف* – фа

мўғулий *ف* – фа

(А. 12.б. 3) арабча *زحل* – зуҳал

форсча *كيون* – кайван

туркий *ف* – фа

мўғулий *ف* – фа

(А. 45.а. 1) арабча *شرفة* – шурфа

форсча *کنگره* – кунгра

туркий *ف* – фа

мўғулий *ف* – фа

(А. 58.а. 2) арабча *عربى* – арабий

форсча *تازى زفان* – тазий зафан

туркий *ف* – фа

мўғулий *ف* – фа

Сўзнинг туркий шакли мўғулий сўзликда қўлланилган бўлса, у ҳолда мўғулий сўзликдаги сўз ўрнига *ف* – фа ҳарфи қўйилган. Бунда араб, форс, туркий тиллардаги мазкур сўзнинг муодиллари ўз ўрнига тўлиғича ёзилган, масалан:

(А. 35.б. 1) арабча *مشمش* – мишмиш

- форсча زردالو – зарда: лу
 туркий ايروك – эрук
 мўғулий ف – фа
 (А. 35.б. 4) арабча اخاص – ихха: с
 форсча الوى سياه – алуийи сиёх
 туркий قره الو – қара алу
 мўғулий ف – фа
 (А. 41.б. 1) арабча قيد – кайд
 форсча بند – банд
 туркий بقاو – буқав
 мўғулий ف – фа
 (А. 47.а. 1) арабча سلمة – суллама
 форсча نردبان – нардбан
 туркий شاتو – шату
 мўғулий ف – фа

Қўлёзма матнида арабий сўзнинг кетма-кет икки маънодоши келган бўлса, у холда биринчи сўзга унинг таржимаси ёзилган ва ўзидан кейинги маънодоши مثله – мислуҳу – «унга ўхшаш» ибораси билан кўрсатилган. Сўзларнинг маънодошлари уларнинг сонига қараб кетма-кет жойлаштирилган, масалан: (А. 38.б. 1) ناحية – на: хийа сўзи туркийда سارى – сари маъносида изоҳланган. Бу сўздан кейин келган جانب – жа: ниб, وجه – важх, جهة – жиҳат, قطر – қутр, رجاء – ража:, عرض – ‘урд, شفاء – шафа:, طرف – тараф, حافة – ҳа: ффат сўзлари форсий, туркий, мўғулий сўзликда мислуҳу ибораси билан берилган. Демак, юқоридаги турли шаклдаги арабий сўзларнинг барчаси туркий тилда бир хил сўз билан ифодаланган. Бундан ташқари қўлёзма матнида ушбу қўлланилган ҳолатдан чекинишлар ҳам учрайди. Масалан, арабий ظل – зилл (А. 13.б. 1) форсийда سايه – са: йа, туркийда كولاكا – кўлага тарзида кўрсатилган. Зилл сўздан кейин унинг синоними арабий فىء – фай сўзининг остига «соя» мазмунидаги форсий, туркий, мўғулий сўзлар олдинги қатордаги каби айнан тўлиқ кўрсатилган.

Арабий (А. 13.б. 1-2) برق – барқ сўзи форсийда درحش – дарахш, туркийда ياشين – йашин, мўғулийда ياشين – йашин тарзида изоҳланган.

Мазкур сўздан кейин келган арабий صاعقة – са: ‘ика сўзи ҳам «яшин» мазмунини англатади, лекин унинг остидаги форсий сўзликда مثله – мислуҳу белгиси, туркийда يشين – йашин, қайта такрорланган ва мўғулий

сўзликда *م* – мим ҳарфи билан кўрсатилган.

Кўлэзма матнида арабий, форсий, мўғулий сўзликдаги маънодошлар ўз ўрнида берилиб, туркий сўзлик муодили *معروف* – ма'ру: *ف* – *ф* ҳарфи билан белгиланган ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан:

(А. 92.б. 4) арабча *ورق* – варақ

форсча *کاغذ* – ка: ғаз

туркий *ف* – фа

мўғулий *جالسون* – жалсун

(А. 61.а. 4) арабча *صورة* – су: рат

форсча *بیکر* – пайкар

туркий *ف* – фа

мўғулий *سومه* – сума

Юқоридаги мисолларда туркий сўзлик ўрнида *ف* – *ф* ҳарфининг кўрсатилиши айнан варақ ҳамда сурат сўзларининг ўзгаришсиз туркий сўзликда ҳам қўлланилганига ишора қилади.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг «А» нусхасида юқоридаги ҳолатнинг бошқа бир кўриниши ҳам учрайди. Бунга кўра арабий сўзликдаги сўз мақоласининг форсий ҳамда туркий муодиллари ма'ру: *ф* сўзи билан кўрсатилган. Матн таркибидаги мўғулий сўзликда эса унинг мўғулча муодили келтирилади.

(А. 90.а. 1) арабча *امانة* – ама: нат

форсча *معروف* – ма'ру: *ф*

туркий *ف* – фа

мўғулий *دانك* – данг

(А. 91.б. 3) арабча *ادب* – адаб

форсча *معروف* – ма'ру: *ф*

туркий *ف* – фа

мўғулий *ابري* – аброй

Бундан ташқари кўлэзма матнида юқоридаги ҳолатлардан ҳам фаркли ўринларни учратиш мумкин. Масалан, (А. 85.б. 2) арабий *شحنة* – шахна мақоласи форсийда ма'ру: *ф*, туркий сўзликда *داروغة* – даруға, мўғулийда *ف* – *ф* белгиси билан кўрсатилган. Демак, форсийда *شحنة* – шахна сўзи араб тилидаги каби ўзгаришсиз қўлланилган. Кўлэзмадаги мўғулий шакл ўрнидаги *ف* – *ф* эса мазкур ўринда туркий даруға сўзининг келишини кўрсатмоқда. Бу ҳолат кўлэзма матнида қуйидагича белгиланган:

арабча *شحنة* – шахна

форсча معروف – ма‘ру: ф

туркий داروغه – даруға

мўғулий ف – фа

Қўлёзма матнида ўзига хос тузилиш жиҳатларига эга бўлган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, арабий قصر – қаср сўзи форсий كوشك – кўшк тарзида келтирилган. Туркий сўзликда бу сўз مثله – мислуху ишораси билан изоҳланиб, мўғулий кўринишда ف – фа ҳарфи билан кўрсатилган. Юқоридаги туркий мақола сўзнинг берилиш қондасига биноан ўзидан олдинги сўзга ўхшаш бўлиши керак, яъни қаср сўзи قيشليق ايوي – кишлиқ эй тарзида изоҳланмоғи лозим. Лекин қаср сўзидан кейинги мақолага мурожаат этсак. Бу сўз сарҳ бўлиб, у форсий كوشك بلند – кўшк баланд, туркий بدوك كوشك – будук кўшк, мўғулий اندرون كوشك – андурун кўшк сўзлари ёрдамида ифодаланган. Демак, арабий قصر – қаср сўзи туркий сўзликда форсий муодилга ўхшаш كوشك – кўшк тарзида изоҳланади. Шу мақоланинг мўғулий муодилига келсак, у ف ҳарфи билан белгиланган эди. Бу эса мўғулий сўзликда ҳам كوشك – кўшк сўзи қўлланганлигига ишора қилади.

Исmlар қисми юкламаларга бағишланган نولك – навлука – منداق كيراك سنقاكيم قيلسانك – мундақ кэрак санқаким қилсанг мақоласи (А. 166.б. 4) билан тугаган. Мазкур варақнинг пойгирида المعتل – ал-му‘талл деб кўрсатилган ва кейинги 167^а саҳифа айнан шу сўз билан бошланган. Лекин қўлёманинг 167^а-214^б саҳифаларидаги матн асарнинг иккинчи – феъллар қисмига киради. Исmlар қисмининг давоми 215^а саҳифада жойлашган. Бу саҳифа جاوافرادى – жа: у фура: дай – كىلدى لار بىر ايكي – кэлдилар бир икки мақоласи билан бошланган ва اللهم لاهم – алла: хумма ла: хумма اى تينكرى – эй тэнгри мақоласи билан тугаган.

Асарнинг феъллар қисми тўлиқ бўлиб, жуда равон хат билан ёзилган. Феъллар қисмида ҳам айрим шартли қисқартмалар қўлланилган. Кетма-кет келган маънодош феъллар مثله – мислуху қисқартмаси билан кўрсатилган. Масалан, (А. 220.а. 1) جنح اليه – жанаҳа илайҳи феъли туркийча كونكل سندي اتقه – кўнгил синди анқа тарзида изоҳланган. Мазкур феълдан кейин берилган арабий جنح له – жанаҳа лаху феъли туркий сўзликда م белгиси билан кўрсатилган. Демак, мазкур жанаҳа лаху феъли ҳам олдинги кўнгил синди анқа маъносини англатади.

Бундан ташқари феъллар қисмида кетма-кет иккидан ортиқ белгиси билан кўрсатилган феълларни учратиш мумкин. Қўлёманинг арабий сўзлигидаги

كوج بيلان الدى اندين نيمه نى – гадабаху аш-шай’а туркийда غضبه الشىء – гадабаху билан алди андин нимани тарзида изоҳланган. Ундан кейинги арабий غضبه على الشىء – гадабаху غضب منه الشىء – гадаба минху-ш-шай’а ҳамда ‘ала аш-шай’а иборалари туркийда белгиси билан кўрсатилган.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг «А» нусхаси таркибидаги арабий матнга ҳаракатлар қўйилган. Лекин арабий матндаги ҳаракатларнинг тушиб қолиш ҳоллари ҳам учрайди. Қўлэзмадаги форсий, туркий, мўғулий сўзлик матнида эса ҳаракатлар берилмаган. Юқоридаги сўзликлар матнидаги айрим сўзларнинг ўқилишини аниқлаштириш мақсадида ўрни билан ҳаракатлар киритилган мисолларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, форсий сўзликда ملك (А. 57.б. 2) – малак, (А. 55.а. 4) خرجين – хуржин, (А. 52.б. 3) ابريق – ибриқ, (А. 47.б. 1) در – дар, (А. 57.б. 2) مردم – мардум, (А. 65.б. 1) ملك چشم – милки чашм, мўғулий сўзликда (А. 65.а. 3) منكه – минка, (А. 14.б. 4) كى – ки, (А. 77.б. 1) جلولىق – жалвалиқ, (А. 77.а. 3) جلوه – жалава.

«А» нусханнинг дастлабки ҳар бир саҳифаси қора сиёҳда 1 дан 96 гача рақамланган, сўнгра рақамлар қора қаламда давом эттирилган ва 501 гача араб рақамларида белгиланган. 93-96 саҳифалар матнсиз қолдирилган. Қўлэзманинг пойгирлари тўлиқ эмас. Дастлабки пойгирлар асосан жузвларнинг узилиш жойларигагина қўйилган. Қўлэзманинг 47⁶ варағидан бошлаб пойгирлар тўлиқ кўрсатилган. Мазкур нусхадаги туркий сўзлик қизил сиёҳда ажратиб ёзилган. Айрим ўринларда бошқа сўзликдаги иборалар ҳам қизил сиёҳда битилган. Масалан, қўлэзманинг 6⁶ саҳифаси 4-қатордаги туркий сўзлик қора, мўғулий сўзлик эса қизил сиёҳда ёзилган. Қўлэзма кейинчалик муқоваланган ва муқовалаш вақтида варақларнинг ўрни алмаштириб юборилган.

كيدى انقا – фа‘ала йаф‘улу қолипидаги فعل يفعل – жа: جاءه – фа‘ала феълидан бошлаб ايسى ييل – эсти هب الريح – ҳабба-р-ри: ху – эсти йэл феълига қадар эллик варақ матн исмлар қисмининг таркибига киритиб юборилган.

Қўлэзма қуйидаги хотима билан яқунланган:

Катабаху ал-‘абд ал-муҳтож ила раҳмат ал-Ғани дарвеш камина факиру ҳақир Мирза Мавлон валади Мирза Иқром Бухорий фи понздаҳум шаҳри ша‘бон ал-му‘аззам 1339-сана шукри бағоя ва миннати била ниҳояки, бу китоби нодир мусамма би-луғоти Хоразмий қалами Мусажон Саййид-зоданинг саъйи вофири била Мирза Мавлон Мирза Иқром ўгли дастёрис

бирлан либоси хотима кшоб, мақбули хос ва ‘ом ўлдиғила баробар тубанда кўрсатилган кит‘а-и манзумадан тарихи тамоми зухура келмишдур:

Хамд лиллоҳ луғоти Хоразмий,
Зуюри ихтигома еткурмиш.
Котиби эрди ўртоқ Икромов,
Жон каби захми хома дўндурмиш.
Сафҳаи даҳра ёдгоридур,
Бу асар файз омма чўкдурмиш.
Илму ирфон учун муфид дегил,
Муттали‘лар қиёма индурмиш.
Соли тарихина чеккан рақамим,
«Келажакда тамома» сундурмиш.

Мазкур китъадаги *كيله جقده تمامه* «келажакда тамома» иборасининг абжад ҳисоби қўлёзманинг кўчирилиш тарихини, яъни 1339 ҳижрий – 1921 милодий йилни билдиради.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг мазкур қўлёзмаси асарнинг ягона тўрт тилли нусхаси бўлиб, мукамал илмий принциплар асосида тузилган. У арабий-форсий-туркий-мўғулий тиллар бўйича муҳим маълумотга эга нодир қўлёзма манба бўлиб ҳисобланади.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг «Б» нусхаси

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги «Муқаддамат ал-адаб» нинг 2699 сақланиш рақамли қўлёзмасини «Б» нусха сифатида қабул қилдик. Мазкур қўлёзма «Муқаддамат ал-адаб» нинг Тошкентда сақланаётган туркий сўзлик киритилган энг қадимий, лекин нуқсонли нусхаларидан ҳисобланади. Қўлёзмага феъллар қисмигина киритилган. Китобнинг дастлабки саҳифасига Роғибийнинг «Мени ким хаста ҳол этди, фалак ҳам хаста ҳол ўлсун» матла‘и билан бошланувчи қуйидаги ғазали битилган.

منى كيم خسته حال ايتدى فلك هم خسته حال اولسون
كيجه لار ناليشمدين جانينغه يوز مينك ملال اولسون
تحرك دين مرادى ازديار فضل ايميش كويا
الهي انتقالى دمبدم نقص زوال اولسون
منى بيچاره غه دايم ايشى بيداد ظلم ايرميش

ستمکر لار همیشه مورینکلیغ بایمال اولسون
 منی رسوای عالم ایلاما کدین مدعا اول کیم
 اولوسغه بو فسانه تا قیامت قیل قال اولسون
 کشی کیم راغبی نی لحظه غمدین فراغ ایتسه
 عروج ایلاب قمری دیک کوک اوزه صاحب کمال اولسون

Мани ким хаста ҳол этди, фалак ҳам хаста ҳол ўлсун,
 Кечалар нолишимдин жониға юз минг малол ўлсун.
 Таҳаррукдин муроди издиёди фазл эмиш гўё,
 Илоҳи интиқоли дам бадам нақсу завол ўлсун.
 Мани бечораға доим иши бедоду зулм эрмиш,
 Ситамгарлар ҳамиша мўр янглиғ поймол ўлсун.
 Мани расвои олам айламақдин муддао улким,
 Улусға бу фасона то қиёмат қили-қол ўлсун.
 Кишиким, Роғибийни лаҳза ғамдин фароғ этса,
 Уруж айлаб кумридек кўк уза соҳиби камол ўлсун.

«Б» нусханинг бошланиш қисмидан **فعل يفعل** – фа‘ала йаф‘улу қолипидаги I боб феълларининг 423 таси тушиб қолган. Мазкур қадимий нусханинг энг асосий ноқислиги ҳам мана шундан иборат. Қўлғезма **ردم الحائط** – радама ал-ҳа: ита – **اونكاردى تامنى** – ўнгарди тамни феъли билан бошланган.

Бу боб сўзларнинг берилиши ва изоҳланиши бўйича бошқа боблардан фарқланади, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Одатда, «Муқаддамат ал-адаб» матнида феълларнинг ўтган замон шакли келтирилади, сўнгра уларнинг инфинитив кўриниши, ҳозирги-келаси замон шакли, масдар ёки сифатдош кўриниши берилади. Бу тартиб барча феъллар учун бир хилда эмас. Асарда бир феъл ва бир инфинитив шакл билан ифодаланган ҳолатлар кўпчиликни ташкил этади:

(Б. 1.а. 2-7) **غشم غشما** – ғашама ғашман – **كوج قیلدی كوج قیلماق** – куч қилди, куч қилмақ; (Б. 1.б. 2-3) **صرم النخل صراما** – сарама-н-нахла сира: ман – **كستی خرما یغاخى نی كسماك** – кэсти хурма йиғачини, кэсмак.

Бундан ташқари асар матнида ўтган замон феъли, унинг ҳозирги-келаси замон кўринишлари, инфинитив шакли билан ифодаланган ҳолатларни ҳам учратиш мумкин: (Б. 4.б. 20-23) **شذ عنه** – шазза ‘анху – **اذریلدى اندین** – азрилди андин, **یشذ ویشذ** – йашиззу ва йашуззу – **اذریلور** – азрилур,

شذوذا – шузу: зан – اذريلماق – азрилмак.

Бу мисолда мазкур феълнинг ҳозирги-келаси замон кўринишидаги икки хил шакли берилган. Улардан биринчисининг тўлиқ туркий таржимаси اذريلور – азрилур берилган бўлиб, иккинчиси мазкур ҳозирги замон феълнинг охирги ҳарфи ر – ра: билан белгиланган:

(Б. 5.а. 6) افسوس بولدى – аксук бўлди. ياخشى – йахиссу – аксук бўлур. ياخشى – йахассу – ر (ра:). حىسە – хиссатан – аксук бўлмак, حساسە – хаса: сатан – ق (қаф). حسوسە – хусу: сатан – ق (қаф).

Ушбу мисолда ҳам феълнинг ҳозирги замон кўринишларидан бирининг остига унинг туркий муодили аксук бўлур ва иккинчисининг остига ر – ра: ҳарфи қўйилган. Асар матнида феъл ортидан келган инфинитив шаклининг уч хил кўриниши берилган бўлиб, улардан биринчисининг остига унинг таржимаси аксук бўлмак, иккинчи ва учинчи кўринишлари остига эса ق – қоф ҳарфи ёзилган. Демак, инфинитив шакли – мақ қўшимчаси билан тугайдиган кўринишлардан бир нечтаси келтирилган бўлса, матнда уларнинг биринчиси остида унинг тўлиқ туркий кўриниши берилган ва қолган вариантларнинг остига ق белгиси қўйилган. Бу эса кўринишларнинг юқоридагидек –мақ қўшимчаси билан қўлланилишига ишора этади. Бундан ташқари инфинитив кўриниши – мақ қўшимчаси билан тугайдиган феъллар ҳам луғат матнида кўплаб учрайди. Уларнинг юқоридаги кўринишлари ك – коф ҳарфи билан кўрсатилган. (Б. 8.а. 4-5) سەكرىدى – сәкриди, سەكرور – сәкрур, ياشىبۇ – йасибу, وئبا وئوبا وئوبيا – васбан ва вусу: бан ва васи: бан кўринишлари остига ك – коф ҳарфи қўйилган, бу эса мазкур сўзларнинг айнан сәкрамак мазмунини ифодаланишига ишора қилади.

Демак, қаттиқ ўзакли инфинитив кўриниш – мақ қўшимчаси билан тугайдиган шакллар ق ҳарфи, юмшоқ ўзакли – мақ қўшимчаси билан тугайдиган шакллар ك ҳарфи билан белгиланган.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг «Б» нусхаси айнан туркий сўзликнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаш мақсадида тузилган. Чунки бу қўлёзмадаги асосий арабий феъллар ва уларнинг масдар ёки сифатдошларининггина форсий муодиллари кўрсатилган холос. Туркий сўзликка келсак, асосий феъллар, уларнинг масдар ва сифатдошлари билан бирга ҳозирги-келаси замон шакллари, инфинитив кўринишларининг ҳам таржимаси берилган:

(B. 11.6. 4-5)

Туркий Форсий Арабий

قمار اوينادى مقامى كرد يسر
 قمار اوينار ----- ييسر
 قمار اويناماق ----- يسرا
 بوقمار اين قمار هو الميسر
 قيتى باز كشت اب
 قيتور ----- يئيب
 قيتماق ----- آية
 قيتور ----- يؤوب
 قيتماق ----- أوبه
 [مثله] م ----- اوبا
 [مثله] م ----- ايابا
 بتى توبراق قافروشد بخاك ساخ التراب
 بتار ----- يسيخ
 بتماق ----- سيخا
 [بتار] ر ----- يسوخ
 [بتماق] ق ----- سوخا
 افلادى انى شكار كردش صاده
 افلار انى ----- يصيده
 افلار انى ----- يصاده
 افلاماق ----- صيدا
 بوتوزاق اين دام هى المصيدة
 [جمع] ج ----- المصائد
 قياس قيلدى اندازه كردجير قس الشىء
 نا ارسانى نا ارساكا را بر جيزى على الشىء
 [مثله] م ----- قاس الشىء
 بالشىء
 قياس قيلور ----- يقيس
 قياس قيلماق ----- قياسا
 [مثله] م ----- قيسا
 قياس قيلور ----- يقوس
 قياس قيلماق ----- قوسا
 بو قياس اين اندازه هو المقياس

Феълларнинг ўтган, ҳозирги-келаси замон кўринишлари, инфинитив шакллари, улардан ясалган масдар, сифатдошлар, уларнинг кўплик кўринишлари асосан энг кўп, фаол ишлатилувчи биринчи боб феъллари мисолида батафсил ёритилган. Кейинги бобларда феълларнинг ўтган замон кўриниши ва айрим ҳоллардагина улардан ясалган масдар ва сифатдошларгина берилган.

Кўлёманинг айрим ўринларида, матндаги маънодош сўзлар ёнида кўлёмза матни хатидан бошқа ёзувдаги мисолларни учратиш мумкин. Бу ҳол асосан مثله – мислуҳу ишораси билан кўрсатилган сўзлар ва бошқа тиллардаги маънодошлари тушиб қолган сўз мақолалари остида учрайди. Масалан, кўлёманинг 34^a саҳифасида نصره الله على العدو – насараҳу алла: ху ‘ала-л-‘адувви мақоласи туркий сўзликда م ҳарфи билан белгиланган. Демак, мазкур жумланинг туркий шакли олдинги жумла мазмунига мосдир. Лекин, кейинги жумла ёнидаги ҳошияда نصرت بيردى تنكرى انكا دشمنى اوزا – нусрат бэрди тангри анга душмани уза мазмунидаги ёзув битилган.

Демак, кўлёмза билан кейинчалик танишган китобхон юқоридаги қисқартмаларни имкон қадар тўлдиришга уринган.

Кўлёмза матнига айрим сўзларнинг тўғри ўқилишига доир кўрсатмалар ва уларнинг изоҳи ҳам киритилган, масалан, 76^b саҳифада арабий لثغ – ласиға – بلتكر بولدى – балтак бўлди, яъни «ш-шлаб гапирувчи бўлди» феъли, ундан сўнг эса унинг сифат кўриниши هو اللثغ – хува алсағ – بولتلك – бу балтак келтирилган. Мазкур сифат кўриниши ёнида араб тилида битилган куйидаги жумла бор:

الالغ هو الذى يحول لسانه من السين الى الثاء – Ал-алсағ хува-л-лазий йўҳаввилу лиса: нуҳу мина-с-си: н ила-с-са: – «Ал-алсағ» тили «син» ни «са»га айлантирувчи шахсдир». Демак, алсағ фақатгина дудук эмас, балки талаффузда «с» товушини тил ва тиш оралиғида сирғалувчи «с» товушига айлантириб гапирувчи шахсни англатади.

Кўлёмзада (Б. 120.б. 1) هو القفر – хува-л-қафру сўз мақоласи بو خراب اورون – бу хараб ўрун – «бўш, кимсасиз, ташландиқ жой» мазмунида изоҳланган. Мазкур масдарнинг устки қисмига الخالى من النبات – ал-ха: ли мина-н-наба: т – «ўсимликсиз», «ўсимликлардан холи» мазмунидаги ибора киритилган ва юқоридаги қафр сўзи «бўш, гиёҳсиз жой, чўл» мазмунини ифодалайди.

Демак, кўлёмзада айрим сўзларнинг араб тилидаги изоҳи айнан шу сўзнинг мазмунини очиб бериш учун қўлланилган.

Кўлэзмадаги айрим феълларнинг кетма-кет келган икки масдар ёки ҳозирги-келаси замон кўринишлари алоҳида сўз мақоласи сифатида келтирилган. Ана шундай ҳолларда кетма-кет келиб, бир хил маънони ифодалаган сўзларнинг олдингисида унинг маънодоши кўрсатилар, кейингисида эса مثله – мислуҳу ифодаси қўйилар эди. Бу усулдан ташқари кетма-кет келиб бир хил маъно ифодалаган мақолалар ўртасидаги арабча كالا – кила: – «иккиси» мазмунини ифодаловчи белги ҳам қўйилган ва сўзнинг маъноси унинг ёнида берилган. Масалан, (Б. 81.а. 3) سقم – сақума феълнинг ўзидан кейинги келувчи سقما – суқман ва سقما – сақман кўринишдаги масдарлари остига юқоридаги كالا – кила: белгиси қўйилган ва шаклларнинг маъноси سوكال بولماق – сўгал бўлмақ тарзида изоҳланган. Демак, бу белги ҳар иккала سقما – суқман ва سقما – сақман шаклларининг бир хил سوكال بولماق – сўгал бўлмақ мазмунини ифодалашига ишора қилади.

Биз юқорида алоҳида олинган сўз, исм ёки сифатнинг араб тилида изоҳланган ҳолларини учратдик. Бу ҳолни луғатнинг асосини ташкил қилувчи феълларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, (Б. 81.а. 7) عقت – ‘ақимат феъли قسراق بولدى عورت – қисрак бўлди ‘аврат тарзида изоҳланган. Лекин, арабий феълга перпендикуляр йўналишда اى لا تحمل المرأة – ай ла: таҳмилу-л-мар’ату – «яъни аёл ҳомиладор бўлмади» мазмунидаги ибора келтирилган. Юқоридаги عقت – ‘ақимат феъли لا تحمل المرأة – ла: таҳмилу-л-мар’ату бирикмаси мазмунига айнан мос бўлиб, у ҳам «аёл ҳомиладор бўлмади» мазмунини англатади.

Кўлэзма матнида (Б. 107.б. 1) غزت الناقة – газурати-н-на: қату – اوكوش بولدى اينكان سوتى – ўтуш бўлди инган сути ибораси берилган. Мазкур арабий иборанинг юқорисига котиб қўли билан арабча كثر لبنها – қасура лабануҳа: яъни, «унинг сути кўп бўлди» мазмунидаги ёзув битилган. Бу эса жумла мазмунини айнан такрорлайди.

Бу ҳолни яна бир мисолда кўриб чиқсак, (Б. 125.а. 3) كنا في الاملاك – кунна: фи-л-амла: ки ибораси ايردوك بيز ائينك نيكا حينده – эрдук биз анинг никаҳинда – «биз унинг никоҳида бўлдик», «биз унинг никоҳида эдик» мазмунини англатади. Мазкур иборанинг ёнида اى كنا في النكاح – ай кунна: фи-н-ника: ҳи мазмунидаги ибора маъносини тасдиқловчи бирикма киритилган.

Асар матнидаги (Б. 128.б. 7) أمر الحبل – амарра-л-ҳабла мақоласи بوكتوردى اوركان نى – буктурди ўрганни тарзида изоҳланган. Мазкур мақоладан сўнг юқоридаги أمر – амарра феълидан ясалган المرة – ал-миррату масдар

кўриниши келган бўлиб, *ي قوتى* – йип қуввати маъносида келтирилган. *المرّة* – ал-миррату сўзининг юқори қисмига котиб қўли билан айнан туркий, форсий матн ёзувида *القيل وقوة الحبل أيضا* – ал-қи: лу ва қуввату-л-ҳабли айдан – «шунингдек, арқоннинг қуввати деб ҳам айтилади», деган мазмундаги ибора изоҳ тарзида келтирилган. Демак, котиб асар матнидаги айрим сўз мақолаларининг тушунилишини осонлаштириш мақсадида мазкур сўз мақоласи ёнига унинг соддалаштирилган кўринишини киритиб кетган.

Кўлёзма матнида ёнма-ён келган икки маънодош сўзларнинг биринчисига тўлиқ мазмуни ёзилган, иккинчисига *مثله* – мислуҳу белгиси қўйилган эди. Айрим ўринларда маъноси ўхшаш сўзларга қўйилажак *مثله* – мислуҳу белгисини тўлдириш мақсадида дастлабки феъл-сўз қайта такрорланган. Масалан, кўлёзмада (Б. 135.а. 3) *اراق الماء* – ара: қа-л-ма: ‘а – *توكدى سف نى* – тўқди сувни жумласидан кейин *يقال هراق* – йуқа: лу ҳара: қа – «ҳарақа деб айтилади» деб кўрсатилган. Унинг остига *م* белгиси қўйилган, демак ҳара: қа феъли айнан ара: қа феъли мазмунини англатади. Шунга қарамай, белгининг ёнига *يعنى اراق* – йа‘ни ара: қа деб кўрсатилган.

Биз юқорида арабий феълларнинг кетма-кет келган икки маънодоши билан изоҳланган ҳолларни учратдик. Шунингдек, бу ҳолни кўлёзма таркибидаги форсий ҳамда туркий сўзликда ҳам кўриш мумкин.

Феълларнинг форсий муодиллари қўшалок қўлланилган ҳоллар: (Б. 116.б. 1) *اطلبه* – атлабаху – *با طلب كردش* – ба: талаб кардаш, *حاش رواركرد* – ҳа: ҳиш рава: кард; (Б. 141.б. 2) *صمد رأسه* – саммада ра‘саҳу – *بيست سرش را* – бест сараш ра:, *مرهم نهاد* – марҳам наҳа: д.

Аксарият ҳолларда арабий феълнинг форсий ва туркий маънодошлари таркибидаги мураккаб феълларнинг исмий қисми ҳар иккала тилда бир хил қўлланилган вариантлари учрайди. Бу ҳолда мазкур исмий қисм форсий сўзликда тўлиқ кўрсатилган бўлиб, туркий сўзликда эса қолган қисми берилган. Масалан, арабий (Б. 1.а. 5-3) *زهى الرجل* – заҳийа-р-ражулу жумласи форсий сўзликда *متكبر شد مرد* – мутакаббир шуд мард тарзида изоҳланган, лекин унинг остидаги туркий сўзлик *بولدى ار* – бўлди эр тарзида кўрсатилган. Бу эса форсий сўзлик таркибидаги *متكبر* – мутакаббир сўзининг туркий сўзликка ҳам тегишли эканлигини кўрсатади. Бунинг яна бир исботи тарзида мазкур феълнинг сифатдоши шаклига назар солмоқ лозим. Феълнинг сифатдоши *هو مزهوء* – ҳува мазҳу:, форсий сўзликда *اين متكبر مرد* – ин мутакаббир мард, туркий сўзликда *بو متكبر ار* – бу мутакаббир эр тарзида изоҳланган.

Демак, котиб ўзига хос енгиллик киритиш мақсадида форсий ва туркий сўзлик таркибига бир хил қўлланилган сўзларни таржима қилинаётган тилларнинг биринчи, форсий муодилидан кейин келганлиги учун сўзни айнан такрорлаб ёзишга ҳожат сезмаган ва жумланинг давомини ёзиб қўйган.

Қўлёзманинг айрим ўринларида сўзларнинг ўқилишига доир форсий изоҳлар (Б. 135.а.) ҳам учрайди. Уларнинг хати асосий матн ёзуvidан фарқ қилади.

«Муқаддамат ал-адаб» қўлёзмалари матнидаги сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган ва араб тилидагина келтирилган, лекин «Б» нусханинг баъзи сарлавҳалари остида уларнинг туркий таржимаси ҳам ёзилган. Масалан, أفعال – аф‘ала қолипидаги тўртинчи боб феълларининг иккинчи ва учинчи ўзаклари вов билан ифодаланган кўринишлари келтирилган ўринда улар بالياء – би-л-йа: деб ажратиб кўрсатилган. Шу сарлавҳа остида يابرا – йо бирла деган мазмунда туркийча изоҳ ҳам берилган.

Илмий адабиётларда кўрсатилишича, X–XIII асрга оид қўлёзмаларнинг аксарияти ўзига хос китобий услубда битилган. Бунда араб алифбосидаги ط ظ ض ص ر ز ذ каби ҳарфлар остига бир нукта қўйиб ёзиш анъана бўлган. Мана шундай хусусиятни биз таҳлил этаётган қўлёзма матнида ҳам учратамиз. (Б. 1.а. 2-3) صرم النخل صراما – сарама-н-нахла сира: ман, (Б. 25.б. 7) طلبه اليه – талабаху илайҳи, (Б. 38.б. 2) برق البصر – барақа-л-басару, (Б. 40.б. 3) في الدار – фи-д-да: ри, (Б. 70.а. 5) هو ادرد – хува адрад каби сўзлардаги юқорида кўрсатилган ҳарфлар остига нукта қўйилган.

Юқоридаги хусусиятни қўлёзма матнидаги фақат арабий сўзликдагина эмас, балки форсий ҳамда туркий сўзликда ҳам учратиш мумкин. Масалан, форсий сўзликдаги (Б. 77.а. 4) لاغر – ла: ғир, (Б. 110.а. 1) اصلى شد – аслий шуд каби сўзлардаги ра ҳамда шин ҳарфлари остига нукталар қўйилган.

Туркий сўзликдаги (Б. 5.б. 2) ييلدرادى – йилдиради, (Б. 5.б. 2) يوققا بولور – йуфқа бўлур, (Б. 80.б. 2) بو اروق – бу арук, (Б. 110.а. 1) اصل ليغ بولدى – аслиғ бўлди, (Б. 119.а. 2) قصاص – қасас каби сўзлар таркибидаги юқорида зикр этилган ҳарфлар остига нукталар қўйилган.

Мазкур қўлёзмада юқоридаги ҳарфлардан ташқари خ ر ث каби ҳарфлар остига ҳам нукта қўйиб қўлланилганлиги аниқланди: (Б. 27.б. 3) مكث – макаса, (Б. 28.б. 3) خ.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг мазкур қўлёзмаси таркибидаги арабий сўзлик асосан тўлиқ ҳаракатлар билан ёзилган. Форсий ва туркий сўзликларга эса

ҳаракат қўйилмаган. Лекин котиб айрим ўринлардагина сўзнинг ўқилишини осонлаштириш, хатога йўл қўйилмаслиги мақсадида ҳар иккала сўзликка ҳаракатлар киритган: (Б. 28.б. 7) بفسرداب – буфсурдоб, (Б. 20.б. 6) شبس – шубус, (Б. 49.а. 7) بدر – будр.

«Б» нуханинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, қўлёманинг маълум ўринларида асар матнида келтирилган сўз ва иборалар иштирок этган ҳадислардан намуналар учрайди. Бу ҳол биз тадқиқотимизда истифода этган «Муқаддамат ал-адаб» нинг бошқа қўлёмаларида учрамайди. Масалан, қўлёманинг 25^а саҳифасида арабча (Б. 25.а. 6) حلب – халаба феъли берилган ва унинг туркий маънодоши الدادى – алдади тарзида изоҳланган. Ундан сўнг мазкур феълдан ясалган сифатдош шакли حلب – хуллабун – برق حلب – барқун хуллабун – بو الداغان يلدريم – бу алдаган йилдирим бирикмаси билан келтирилган. Бирикманинг ёнида, ҳошияда قال لا يكن برقك برقا خلدا ان خير البرق ما الغيث معه – қа: ла ла: йақун барқука барқан хуллабан ин хайру-л-барқи ма: ал-ғайсу ма‘аху – «Ёмғир келтирмайдиган яшиндан яхшилик кутма, ўзидан кейин ёмғир олиб келадиган яшин яхшидур» мазмунидаги ҳадис келтирилган.

Қўлёманинг 47^б саҳифасида арабий مص – масса феъли берилган, мазкур феълнинг ёнида шу феъл иштирок этган қуйидаги ҳадис ёзилган: قال النبي صلى الله عليه وسلم مصوا الماء مصا وعبوا الدين عبا – қа: ла-н-наби: салла-л-ла: ху ‘алайҳи ва-саллам:

Массу-л-ма: ‘а массан

Аббу-д-ди: на ‘аббан.

Бу ҳадис «сувни тозалаб ичинг, динга чин дилдан эътиқод қилинг», деган мазмунни англатади.

Шунингдек, қўлёматнида изоҳланган сўзлар киритилган шеърий парчалар ҳам учрайди, масалан, 102^а саҳифага لسعته العقرب – ласа-‘атхул-‘ақрабу – تيكدي اني جدان – тэгди ани чазан ибораси киритилган. Мазкур иборанинг ёнида шу жумла қўлланилган арабча шеърий парча битилган:

قد لسعت حية الهوى كبدى فلا طبيب لها ولا راقى
الا الحبيب الذى شعفت به فعنده رفيتى وتريافى

Қад ласа‘ат ҳаййату-л-ҳава: кабди: фала: таби: бун лаҳа: ва ла: ра: қи:

Илла-л-ҳаби: бу-л-лази: шу‘ифту биҳи фа‘индаху рафи: ти: ва тарйа: фи:

«Муҳаббат илони жигаримни жароҳатлади. Мен севиб қолган ёрдан

ўзга табиб ва сеҳргар уни қайтара олмайди. Фақатгина у мени озод этиб, даволаши мумкин».

Қўлёзманинг охиридаги варақлар тартиби бузилган. Улар қуйидаги кетма-кетликда келади: 177^б, 187^а–192^б, 184^а–185^б, 181^{а-б}, 180^{а-б}, 178^а–179^б, 183^{а-б}, 186^{а-б}, 194^а–195^б, 196^а–196^б.

186^б варақ олтинчи боб феъллари таркибига кирган *تخادعوا* – таха: да‘у: – *الداشٹی لار* – алдаштилари феъли билан тугаган. Мазкур феълдан сўнг келган олтинчи боб матнидан 134 та феъл тушиб қолган. Феълларнинг давоми 194^а саҳифадаги *تعداوا* – та‘а: ду: – *دشمنلیق قلیشتی لار* – душманлик қилиштилари феъли билан давом этган. Матн 195^а саҳифадаги 10-бобнинг *استشعر خونا* – исташ‘ара хавфан феълига қадар давом этган. Асар таркибига киритилган 10-боб феълларининг қолган қисми – 237 та феъл матндан тушиб қолган. Қўлёзма матни 193^а саҳифадаги 10-боб феълларидан *استوصی به خیرا* – иставса: биҳи хайран – *وصیت قیلدی انکا اذکور لوکنی* – васийат қилди анга эзгулукни ибораси билан давом этиб, 193^{а-б} вараққа 10-боб феълларининг қолган қисми ва уч ўзакли феълларнинг *افوعل* – иф‘ав‘ала қолипидидаги 12 та феъл ва *فعلل* – фа‘лала қолипидидаги тўрт ўзакли феъл боби таркибидидаги 7 та феъл киритилган.

فعلل – фа‘лала қолипидидаги 69 та феъл ва улардан ясалган 8 та сифатдош матндан тушиб қолган. Юқоридаги *فعلل* – фа‘лала қолипидидаги феълларнинг давоми қўлёзманинг 196^а варағига киритилган ва *وسوس* – васваса билан *شعود* – ша‘ваза феъллари оралиғидидаги 27 та феъл ёзилган. Қўлёзма матни 196^б саҳифадаги *شعود الرجل* – ша‘ваза-р-ражулу жумласи билан тугаган. Асарнинг тўлиқ матнидан *فعلل* – фа‘лала қолипидаги мансуб 12 та феъл, *تفعلل* – тафа‘лала қолипидидаги 36 та феъл, *افعلل* – иф‘анлала қолипидидаги уч ўзакли феъллардан 6 та феъл, *افعلل* – иф‘алалла қолипидидаги IV ўзакли феъл бобидан 21 та феъл ҳамда махсус тусланмайдиган феъллар бобига кирган 13 та бирикма тушиб қолган.

Юқоридаги илмий таҳлил натижасида қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. «Муқаддамат ал-адаб» нинг мазкур қўлёзмаси асарнинг Тошкентда сақланаётган нусхаларининг энг қадимийси ҳисобланади.
2. Унинг таркибига киритилган туркий сўзликнинг тўлиқ берилиши мазкур қўлёзманинг туркий сўзликнинг аҳамиятини таъкидлаш мақсадида битилганлигини кўрсатади.
3. Қўлёзмани мукаммаллаштириш мақсадида котиб унга киритилган

мураккаб сўз ва мақолаларнинг изоҳи ва айрим сўз мақолалари иштирок этган ҳадис ва шеърлардан намуналар келтирган.

4. Асар матнини илмий таҳлил этиш ва уни илмий истифодага киритиш туркий тилларнинг кам ўрганилган даври муаммолари бўйича қимматли маълумотлар беради ва ҳозирги замон ўзбек тили тараққиётига самарали таъсир этади.

«Муқаддат ал-адаб» нинг «В» нусхаси

«Муқаддат ал-адаб»нинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 3807 сақланиш рақами остида сақланаётган қўлёзмасини шартли равишда «В» нусха деб белгиладик. Мазкур қўлёзмага асарнинг фақатгина феъллар қисми киритилган, қолган қисмлар тушиб қолган. Асар анъанавий бисмилло билан бошланиб, **فعل يفعل فعلا** – фа‘ала йаф‘илу фа‘лан қолипидаги феъллар билан давом этган. Бу нусха асарнинг бошқа қўлёзмаларидан фарқланиб, унда сарлавҳаларнинг ўзигина келтирилмай, уларнинг изоҳи ҳам берилган. Масалан, биринчи боб қолипининг номи фақатгина **باب فعل يفعل فعلا** – ба: б фа‘ала йаф‘илу фа‘лан тарзида берилмай, у янада тўлдирилган ва қуйидагича берилган:

باب فعل يفعل فعلا في المعتدى وفعولا في اللازم غالبا – ба: б фа‘ала йаф‘илу фа‘лан фи-л-му‘тада: ва фу‘у: лан фи-л-ла: зими га: либан, йа‘ни фа‘ала йаф‘илу қолипидаги феълларнинг ўтимлисидан фа‘лан ва ўтимсизидан фу‘у: лан шаклида масдар кўриниши ясалади. Бу далиллар «В» нусханинг «Муқаддат ал-адаб» нинг бошқа нусхаларига нисбатан илмий тўлиқлигига ишора қилади. Яна бир мисол, қўлёзманинг 104⁶ саҳифасида **فاعل يفاعل** – фа: ‘ала йуфа: ‘илу қолипидаги учинчи боб феълларининг **مفاعلة** – муфа: ‘алатан ва **فعال** – фи‘а: лан қолипидаги масдар кўринишларига қўшимча **فيعالا** – фи‘а: лан шакли ҳам берилган.

Қўлёзмада унинг китобат тарихи кўрсатилмаган. Мазкур нусханинг қадимийлиги, қоғози, ёзувига асосланган ҳолда уни XIV аср нусхаси деб белгиладик. У «Муқаддат ал-адаб» нинг уч тилли нусхалари орасида муҳим ўрин тутди. Қўлёзманинг умумий ҳажми 136 варақни ташкил этиб, ҳар бир вараққа 9 қатордан матн жойлаштирилган. Арабий матн йирикрок насх хатида, қора сиёҳда текис ёзилган. Боб номлари қизил сиёҳда ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма таркибидаги форсий ҳамда туркий сўзлик матни ҳам

қора сиёҳда, майда насх хатида битилган. Форсий ва туркий сўзлик матни аксарият ҳолларда арабий матннинг остига, икки сатр оралиғига, турли йўналишларда жойлаштирилган. Қўлёманинг айрим варақлари (2^б, 3^{а-б}, 4^{а-б}, 5^{а-б} ва ҳ.к.) ҳошиясида аниқ сув доғлари билиниб туради. Нусханинг дастлабки 20 варағидаги матн четида у кўп фойдаланилганидан бўлса керак, қора доғлар пайдо бўлган. Бу эса матнни ўқишда қийинчилик туғдиради. Қўлёмма матнидан айрим сабабларга кўра тушиб қолган сўз мақолалари котиб томонидан саҳифа ҳошиясига киритилган (1^б, 10^б, 12^а, 13^а, 15^а ва ҳ.к.). 2^а саҳифасининг юқори қисмида китобга эгалик қилган шахснинг соддагина муҳри урилган. Унда *ملا عبد العزيز* – «Мулла ‘Абд ал-‘Азиз» ёзувини ўқиш мумкин. Шунингдек, муҳр ёнида *این کتاب ملا عبد العزيز اخوند که دور البت* – «Ин китоб Мулла ‘Абд ал-‘Азиз охунд (ни) кидур албат» мазмунидаги ёзув ҳам бор. Қўлёмма матнида асарнинг бошқа нусхаларидаги каби белгилар қўлланилган. Масалан, кетма-кет келган арабча синоним сўзларнинг туркий ҳамда форсий муодиллари *مثله* – «мислуху» сўзи билан кўрсатилган. Бунда ҳар бир сўзликка алоҳида қўйилмай, иккала сўзлик учун битта ёзилган.

Шартли қисқартмалардан кўплик шаклини ифодалаш учун эса *ج* белгиси қўлланилган. Қўлёманинг арабий матни асосан ҳаракатлар билан берилган, лекин ҳаракатсиз келтирилган сўз мақолалари ҳам учрайди. Арабий матннинг форсий, туркий муодиллари ёки улардан бирортаси тушиб қолган сўз мақолалари ҳам мавжуд. Мазкур қўлёмма матнида «Муқаддамат ал-адаб» нинг қадимий қўлёммаларидаги каби *ر د ض ص* ҳарфларининг остига нуқта қўйиш ҳоллари учрайди (18^б, 44^а, 113^а). Қўлёмма сўнгидан *افعلل يفعلل* – иф‘алалла йаф‘алиллу қолипидаги етита сўз мақоласи ҳамда тусланмайдиган феъллар боби *باب الأفعال غير المتصرفة* – ба: б ал-аф‘а: ли ғайри-л-мутасаррифати тушиб қолган. Матн *اشمأز عن الأمر* – ишма‘азза ‘ан ал-амри – *نوميد بولدى ايشدين* – навмид бўлди ишдин сўз мақоласи билан тугаган.

Демак, «Муқаддамат ал-адаб» нинг мазкур нусхаси асарнинг қадимий, нодир қўлёммаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг таркибига киритилган туркий сўзлик ўзининг оригиналлиги билан асарнинг бошқа нусхаларидаги туркий сўзликдан ажралиб туради. Мазкур қўлёмма «Муқаддамат ал-адаб» нинг мукамал йиғма матнини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

«Муқаддамот ал-адаб» нинг «Г» нусхаси

«Муқаддамот ал-адаб» нинг қўлёзмаларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади. 1479 сақланиш рақамли бу қўлёзмани шартли равишда «Г» нусха деб белгиладик. Асарнинг бу қўлёзмаси унинг қадимий, нодир нусхаларидан бири ҳисобланади. Унинг таркибига муқаддима, исмлар ҳамда феъллар қисми киритилган. Қўлёзма матни ўзига хос китобат услубида битилган. Асарнинг қисмлари ягона китобат шаклига келтирилган бўлиб, уларни илмий таҳлил қилиб ўрганиш бу қисмлар орасида фарқ борлигини кўрсатади. Афтидан, давр жиҳатидан қадимийроқ бўлган феъллар қисми, кейинчалик нисбатан янгироқ кўчирилган муқаддима ва исмлар қисми билан тўлдирилган. Бу эса асар таркибига киритилган сўзликларда ҳам ўз аксини топган. Китобат даврига кўра янгироқ бўлган муқаддима ва исмлар қисмига арабий сўзлик билан бирга форсий сўзлик ҳам киритилган. Феъллар қисми эса юқоридаги сўзликларга қўшимча туркий сўзлик билан тўлдирилган. Нусханинг муқаддимаси ҳамда исмлар қисми юпқа, шалдиरोқ кўқон қоғозига наста'лик хатида битилган. Феъллар эса сарғиш рангли, оҳорланган, силлик, шарқ ипак қоғозига қора сиёҳ билан ёзилган. Арабий матн йирикрок насх хатида, форсий, туркий муодиллари эса сатрлар оралиғига, сўз мақоласининг остига турли йўналишларда майда насх ёзувида жойлаштирилган. Сарлавҳаларни кўрсатувчи феъл боблари ҳамда ажратиб кўрсатилган ўзак ҳарфлари қизил сиёҳ билан кўчирилган. Феъллар қисмининг биринчи саҳифаси йўқолган, ундаги матн кейинчалик муқовалаш вақтида бошқа хат билан ёзиб киритилган ва остига *صح البياض* – саҳҳал-байа: да, яъни «аслига тўғри» деб кўрсатилган. Мазкур саҳифадаги матн таркибига асосий қисмдаги каби туркий сўзлик киритилган эмас. Феъллар қисмининг қадимий бўлаги *ضربه في الماء* – дарабаху фи-л-ма: 'и сўз мақоласи билан бошланган. Қўлёзма хошиясига тушиб қолган сўзлар, изоҳлар, тўлдиришлар (1⁶, 6⁶, 16⁶, 20^a, 22⁶ ва ҳ.к.) асосий матнни кўчирган котиб қўли билан киритилган. Матн ҳар бир саҳифага 10 қатордан жойлаштирилган. Саҳифалар котиб томонидан рақамланган. Қўлёзма матнидаги форсий ҳамда туркий сўзлик матни анчагина қийинчилик билан ўқилади, чунки туркий, форсий сўзлик мақолаларида нуқталар қўйилмаган ўринлар кўп учрайди. Юқоридаги ҳар иккала сўзликдан бири берилиб, иккинчиси изоҳланмаган ҳолатлар ҳам мавжуд. Қўлёзманинг сўнгги варағи (88^b–89^a), хошиясига

иккита тухумсимон, битта юмалоқ муҳр урилган. Муҳр ёзувлари жуда хира. Асарнинг бу қўлёзмаси китоб охиридаги тўртбурчак муҳр ёзувига кўра, Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасининг қўлёзмалар бўлимида ҳам сақланган. Қўлёзма қуйидаги қисқа колофон билан тугайди:

تمت كتابته على يد الفقير عبد الرحمان الخزارى ثم البلخى تم حل لغة المسمى بأسماء أفعال على ترتيب علم الصرف من مصنفات علامة الزمخشري

«Асар котиб ‘Абд ар-Раҳмон ал-Хазарий ал-Балхий қўли билан ёзиб тугатилди. Аллома Замахшарийнинг сарф илми тартибида тузилган асарларидан исмлар, феъллар деб аталувчи сўзлар изоҳи тугади». Қўлёзмада унинг китобат тарихи кўрсатилмаган, лекин илмий таҳлилимиз унинг асосий қисмини XIV асрга оид, деб ҳисоблашимизга асос бўлмоқда.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг «Г» нусхасидаги туркий сўзлик матни унинг «В» нусхаси таркибидаги туркий сўзлик матнига ўхшаш. Бу жиҳатдан ҳар иккала қўлёзмадаги туркий сўзлик матни бир-бирини тўлдиради. Асарнинг «В» нусхасидаги туркий сўз мақолаларини «Г» нусха мазмунан тўлдиради.

Демак, «Муқаддамат ал-адаб» нинг «Г» нусхаси асарнинг XIII–XIV асрларда китобат қилинган нодир қўлёзмаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

1.2. «Муқаддамат ал-адаб» нинг чет эллардаги қўлёзмалари

«Муқаддамат ал-адаб»нинг кўплаб нодир қўлёзма нусхалари чет эллардаги қўлёзма фондларида ҳам сақланмоқда. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон ҳудудида ёзилган ва турли сабаблар туфайли ташқарига олиб чикиб кетилган. Тадқиқотимизда асарнинг чет эллардаги мавжуд қўлёзмаларининг илмий тавсифини келтирдик.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалари

Россия ФА Шарқшунослик институти (ҳозир Шарқ қўлёзмалари институти) қўлёзмалари фондида «Муқаддамат ал-адаб» нинг учта ноёб қўлёзмаси сақланмоқда. Биринчи қўлёзма С 1297 сақланиш рақами остида рўйхатга олинган. Қўлёзманинг ҳар бир қисми тугал асардек шакллантирилган, улар бисмилло билан бошланиб, хотима билан тугайди. Ҳар бир саҳифага саккиз қатордан матн жойлаштирилган. Арабий сўзлик матни йирик насх

хатида, кора сиёҳда ёзилган, сарлавҳалар ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма хошиясида, айниқса исмлар қисми хошиясида турли тўлдиришлар мавжуд. Ҳарфлар қисмининг айрим сўзлари остида уларнинг араб тилидаги изоҳи ҳам берилган. Қўлёзма таркибидан феълларнинг тусланишига бағишланган охирги қисмининг бир бўлаги тушиб қолган. У المصدر – ал-масдар боби билан тугаган. Қўлёзма 763 хижрий, 1361–1362 милодий йили китобат қилинган. Россия ФА Шарқшунослик институти фондидаги А 1192 сақланиш рақамли қўлёзмага эса асарнинг феъллар қисмигина киритилган. Унинг дастлабки саҳифасида феъл бобларининг номлари мундарижа тарзида берилган. Бу қўлёзма асарнинг арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Матн ҳар бир саҳифага тўққиз қатордан жойлаштирилган. Асарнинг пойгирлари тўлик. Қўлёзмага феъллар қисмининг матни тўлиқ киритилган. Сарлавҳа кўринишида берилган феъл бобларининг номи ажратиб кўрсатилган. Қўлёзмадаги арабий матннинг ҳаракатлари саводли қўйилган. Шартли қисқартмалардан синоним сўзларни ифодаловчи مثله – мислуҳу – «унга ўхшаш» иборасигина қўлланилган. Асар таркибидаги туркий матнда ҳам ўрни билан ҳаракат қўйилган сўзлар учрайди. Қўлёзма ҳажми 90 саҳифадан иборат.

Мазкур фондда «Муқаддат ал-адаб» нинг XIV–XV асрларда китобат қилинган яна бир нодир нусхаси сақланади. С 271 сақланиш рақамидаги бу қўлёзма таркибига арабий-форсий-туркий сўзлик киритилган. Унинг таркибидаги туркий сўзлик анчагина қадимий қатламга мансуб бўлиб, у Рабғузийнинг «Қисас ал-анбийо'» асари тилига яқин ва ҳатто уни асар муаллифининг замондоши киритган бўлиши мумкин [2, с. 465]. Бу қўлёзма илмий адабиётларда «Самарқанд» нусхаси деб ҳам аталади. Уни В.Л. Вяткин Самарқанд шаҳридан 1897 йили сотиб олган ва Рус Академиясига топширган [1, с. 10-12]. Мазкур қўлёзма таркибидаги туркий сўзлик ҳар тарафлама ўрганилиши, илмий истифодага киритилиши лозим.

«Муқаддат ал-адаб» нинг Маҳачкала нусхаси

Доғистондаги Тарих, тил ва адабиёт институти фондида «Муқаддат ал-адаб» нинг арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган уч тилли қўлёзмаси (№ 26) мавжуд. Бу нодир нусха 731 хижрий, 1330 милодий йили Хоразмда котиб Маҳмуд ибн Йусуф ас-Сабайни ас-Саран томонидан кўчирилган. Унга муқаддима, исмлар ва феъллар қисмлари киритилган [4, с. 26-27].

«Муқаддамат ал-адаб» нинг Тожикистон нусхаси

«Муқаддамат ал-адаб» нинг яна бир қўлёзмаси Тожикистон ФА Шарқшунослик институти фондида сақланади. Бу арабча-форсча қўлёзма 1074/1664 йили кўчирилган. Унга муқаддима ва исмлар қисмининг бир бўлаги киритилган [5, с. 55-56].

«Муқаддамат ал-адаб» нинг Туркия фондларида сақланаётган қўлёзмалари

Туркия қўлёзма хазиналарида ҳам «Муқаддамат ал-адаб» нинг йигирмадан ортиқ қўлёзмалари сақланмоқда. Уларнинг аксарияти китобат даврига кўра анчагина қадимий ҳисобланади.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг тарихи кўрсатилган энг қадимий қўлёзмаси унинг Ёзгат нусхаси ҳисобланади. Туркиянинг Ёзгат шаҳрида Маориф кутубхонаси фондида 396 хужжат рақами остида сақланган мазкур қўлёзма ҳозирги Истамбулдаги Сулаймония кутубхонаси хазинасига кўчирилган.

Қўлёзманинг дастлабки варақларига Куръоннинг «Нух» ва «Жинн» сураларидан парчалар ёзилган. Асарнинг муқаддима қисми тушиб қолган.

Асосий матн исмлар қисмининг شاح – ша: хун, میان بند – мийа: н банд, قرین باغی – қарин бағи сўзи билан бошланган. Бу қисмда «Муқаддамат ал-адаб» қўлёзмаларининг исмлар қисмида қўлланилган шартли қисқартмалар истифода этилган. Исмлар қисмининг матни тўлиқ, лекин махсус колофон кўринишида шаклантирилмаган. Феъллар қисми тўртбурчак нақшли унвон билан бошланган, унга كتاب الأفعال – кита: бу-л-аф‘а: л мазмунидаги ёзув киритилган. Асарнинг ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағишланган қисмлари тугал асардек бисмилло билан бошланиб, хотима билан тугаган. Арабий матн йирик сулс-наسخ хатида, қора сиёҳда ҳаракатлар билан ёзилган. Боб, фасл сўзлари сарлавҳа тарзида қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма матнидаги сўзларда учраган ظ ط ض ص ذ د زر каби ҳарфлар остига нукталар қўйилган. Туркий, форсий сўзлик матнида ҳаракатли ўринлар учрайди. Асар матни 347 варақдан иборат бўлиб, ҳар саҳифага етти қатордан матн битилган.

Ёзгат қўлёзмасидаги туркий жумлаларнинг сўз тартиби асарнинг бошқа қўлёзмаларидаги туркий сўзлик тартибидан фарқланади. Масалан, арабий هناه الطعام – ҳана’аху-т-та‘а: му жумласи асарнинг «А», «В», «Г» нусхаларида

طعام سنكىدى انكا – та‘а: м сингди анга аш, Ёзгат нусхасида эса سينكىدى انكا اش – сингди анга шаклида берилган. Яна бир мисол, арабий نضحہ بالماء – надахаху би-л-ма: ‘и ибораси «А» нусхада اوردى انى سو بيرلا – урди ани сув бирла, «В», «Г» нусхаларида سبتى انكا سف نى – сэпти анга сувни тарзида изоҳланган. Бу жумла тавсифланаётган Ёзгат қўлёзмасида سف برلا اوردى – сув бирла урди қўринишида келтирилган. Мазкур қўлёзма ўзининг қадимийлиги, туркий сўзликнинг нодирлиги жиҳатидан ҳам алоҳида тадқиқот объекти бўлиши зарур. Асар матни қатта ҳажмли хотима-колофон билан тугаган. Ундаги маълумотга кўра, бу қўлёзма 655 хижрий йил, учинчи жумаду-л-аввал шанба, яъни 1257 йил 27 май куни Хоразмда қотиб Иброҳим ибн Маҳмуд Суфи ал-Му‘аззин томонидан кўчирилган.

Китобат даврига кўра кейинги қўлёзма Истамбул университети кутубхонасида (инв. № 4655) сақланади. Қўлёзма асарнинг туркий сўзлик киритилган энг ноёб нусхаларидан бири ҳисобланади. Асар хотимасидаги ёзувга кўра, мазкур қўлёзма 715 хижрий йил сафар ойининг 25 куни, яъни 1315 йил 1 июнь куни қотиб Мас‘уд ибн Муҳаммад ибн Муса-Хўжа ал-Барқандий томонидан кўчирилган. Бу қўлёзми Хожи ибн Йа‘қуб хижрий 840 зу-л-хижжа, милодий 1437 йил июнь ойида 220 мидод дирҳамга сотиб олган.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг яна бир нодир нусхаси Дамад Иброҳим Пошша кутубхонасидаги 1149 рақамли қўлёзмадир. Қўлёзманинг дастлабки саҳифаларига Дамад Иброҳимнинг шахсий муҳри, унинг вақфига тегишли муҳрлар урилган. У муқаддима билан бошланган. Муқаддиманинг арабий матни остида сатрма-сатр форсий таржимаси ҳам берилган. Исмлар, феъллар, ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағишланган қисмлар тўлиқ, ўзига хос колофон билан яқунланган. Асосий арабий матн йирик насх хатида, форсий матн эса наста‘лиққа қора сиёҳ билан берилган. Барча сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзилган. Ҳарфлар қисмининг бошланишидаги айрим сўзларнинг остига арабий изоҳи берилган. Ҳар бир саҳифага 7 сатрдан матн жойлаштирилган.

Мазкур ноёб қўлёзма Хоразмда машҳур «ал-Байда’» мадрасасида ‘Ибодуллоҳ Муҳаммад ибн Йўсуф ас-Саройи қўли билан битилган. Китобат тарихи хижрий 738 йил ша‘бон ойининг бошлари, яъни 1388 йил февраль ойининг охири деб кўрсатилган. Ҳозирда бу қўлёзма Сулаймония кутубхонаси фондида сақланади.

Истамбулдаги Археология музейи қўлёзма фондида 1619 сақланиш рақамида рўйхатга олинган қўлёзма «Муқаддама ал-адаб» нинг муҳим нусхаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур қўлёзmani Закий Валидий Тўғон «Олтин Ўрда» нусхаси деб атайди [10, s. 84]. Бу қўлёзма асарнинг тўлиқ нусхаси бўлиб, унга мавжуд қисмларнинг барчаси киритилган. Асарнинг бошланиши, исмлар билан феъллар қисмларининг ораси, қўлёзманинг охирида араб ва форс тилларида ёзилган рисолалар бор. Улардан бири «Хуросон устози» деб аталмиш Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ан-Нисопурийнинг мусиқа илмига оид рисоласидир. Қўлёзманинг ҳар бир қисми «бисмиллоҳ» билан бошланиб, «тамма» билан тугаган. Сарлавҳа қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма ҳошиясига кўплаб тўлдиришлар киритилган, китоб соҳибларининг муҳрлари урилган. Ҳар бир саҳифага 15 қатордан матн жойлаштирилган. Форсий матн қора, туркий матн қизил сиёҳда наста'лиқ хатида битилган. Қўлёзманинг ҳажми 201 варақдан иборат. Қўлёзма таркибидаги биринчи – исмлар қисми котиб Ҳибатуллоҳ ас-Саройи қўли билан Эски Сарой шаҳрида 10 муҳаррам 741 ҳижрий йил (милодий 1340 йил 6 июль куни) ёзилган. Асарнинг иккинчи – феъллар қисми ҳам айнан шу котиб томонидан 740 ҳижрий йил шаввол ойининг бошларида (милодий 1340 йил апрель) кўчирилган. Ҳарфлар қисмининг китобат тарихи ҳам қўлёзма сўнгида кўрсатилган. У 26 муҳаррам 741 ҳижрий, яъни 1340 йил 12 июлда ёзилган. Қўлёзма таркибидаги асар қисмларининг кўчирилиш тарихи феъллар қисмининг дастлаб кўчирилганлигини, сўнгра исмлар ҳамда ҳарфлар қисмлари ёзилганлигини кўрсатади. Асар таркибига арабий, форсий, туркий сўзлик матни киритилган.

Миллат кутубхонаси фондидаги 2009 сақланиш рақамли қўлёзма 749 ҳижрий, 1348 милодий йили Хоразмга қарашли Сирдарё ҳавзасидаги Жанд шаҳрида Мавлоно Ҳисом ад-дин ал-Жандий томонидан кўчирилган. Арабий, форсий, туркий сўзлик матнлари киритилган бу қўлёзма келгусида албатта махсус тадқиқот объекти бўлмоғи лозим.

Ҳадича Турхон нусхаси номи билан машҳур навбатдаги қўлёзма Истамбулдаги Йени Жоми' кутубхонасида 322 сақланиш рақами остида рўйхатга олинган. Бу «Муқаддама ал-адаб» нинг ўзига хос китобат усулида ёзилган, муҳим илмий аҳамиятга эга, ноёб қўлёзмаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ундаги арабий сўзлик форсий ҳамда туркий муодиллар матни

билан таъминланган. Қўлёзма муқаддима билан бошланади, сўнгра исмлар қисми киритилган. Исмлар қисмидаги ҳар бир сўз мақоласи алоҳида ажратиб кўрсатилган. Форсий, туркий муодиллар сатр остида жойлаштирилган бўлиб, уларнинг аксариятига ҳаракатлар қўйилган. Қўлёзма матнида «Муқаддамат ал-адаб» нинг «А» нусхаси матнида қўлланилган шартли қисқартмалар системаси ишлатилган. «А» нусхада шартли қисқартмалар ҳар иккала сўзлик учун алоҳида такрорланган бўлса, Хадича Турхон нусхасида форсий, туркий сўзлик учун битта шартли қисқартма қўлланилган. Исмлар қисми қуйидаги колофон билан тугаган.

تم القسم الاول من مقدمة الأدب بحمد الله تعالى وهو قسم الأسماء ويتلوه القسم الثانى
وهو قسم الأفعال

«Муқаддамат ал-адаб» нинг исмларга бағишланган биринчи қисми тугади, кейинги иккинчи қисми феъллар қисмидир».

Феъллар, ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағишланган қисмлар бисмилло билан бошланиб, махсус хотима билан тугайди. Улардаги грамматик матн тўлиқ ҳаракатлар билан таъминланган. Қўлёзма колофонидаги маълумотга кўра, мазкур нусха котиб ‘Абд ал-Воҳид ибн ‘Абд ал-Мажид ас-Сивасий томонидан Мисрда 769 хижрий йили раби‘ ал-охир ойида, милодий 1367 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида марҳум Амир Сурғатмиш (?) га мансуб Тулун жоми‘и ёнидаги Ҳанафия мадрасасида битилган.

Қўлёзманинг кўпгина саҳифаларига Турхон Волида номи кўрсатилган муҳр урилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан кўчирилган. Матн ҳар саҳифага 11 қатордан жойлаштирилган. Қўлёзманинг боши, ўртаси, охиридаги варақларига китоб соҳибининг тухумсимон муҳри урилган.

Истамбулдаги Тўпқопи саройи музейи қўлёзмалар фонди таркибига кирган Аҳмад III кутубхонасидаги XIII–XIV асрларда кўчирилган 2243 рақамли қўлёзма, мазкур кутубхонадаги Шамс Хивакий томонидан ёзилган 2470 сақланиш рақамли XIV аср нусхаси, шунингдек, 2741 рақамли арабча-форсча-туркий сўзлик киритилган қўлёзма, буларнинг барчаси «Муқаддамат ал-адаб» матнини илмий таҳлил қилиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу қўлёзмалар ёзув хусусияти, китобат услубига кўра Ўрта Осиё худудидаги минтақаларда кўчирилган.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг яна бир муҳим қўлёзмаси Сулаймония кутубхонасида сақланувчи 648 рақамли Ҳожи Башир Оға нусхасидир.

У муқаддима билан бошланган. Арабий матн остида муқаддиманинг форсий таржимаси ҳам берилган. Қўлёзманинг дастлабки саҳифаларига турли шаклдаги муҳрлар урилган. Улар орасида Ҳожи Башир Оғанинг шахсий ва вақфига тегишли муҳрлари ҳам бор. Асосий матндан олдинги варақларда бошқа асарлардан бўлақлар келтирилган ва мазкур қўлёзма Ҳожи Башир Оға қўлига ўтганлиги ҳақида ёзув ҳам битилган.

Исмлар қисми матни муқаддимага уланиб кетган. Унда Хадича Турхон қўлёзмаси матнидаги каби шартли қисқартмалар берилган. Исмлар қисми мукамал колофон билан тугатилган. Қўлёздаги феъллар қисми тўлиқ берилган. Унинг колофонида асар Аҳмад ибн Муҳаммад Шамс ал-Хивакий ал-Кубравий томонидан 8-сафар 797 ҳижрий йил (милодий 2-декабрь 1394 йили) Мисрда ёзилганлиги кўрсатилган. Колофон ёнида эса бу қўлёзма асарнинг Хоразм олимлари томонидан кўриб чиқилган нусхалар билан Мисрда 797 йил 9 раби' ал-аввал (милодий 1395 йил 3 январь) куни қиёсланганлиги ҳақида ёзув бор. Қўлёзманинг ҳар бир саҳифасига 13 қатордан матн жойлаштирилган.

Феъллар қисми тугагандан сўнг асарнинг муқаддимаси қайтадан кўчирилган. Сўнгра исмлар қисмининг матни тўлиқ қайта келтирилган. Унинг таркибига туркий сўзлик ҳам киритилган. Исмлар қисмининг хошиясига кўплаб тўлдиришлар, грамматик қоидалар, ҳадислардан намуналар, шеърий парчалар ёзилган. Қўлёзманинг бу қисми ҳам анчагина қадимий бўлиб, матн сўнггида унинг ҳижрий 749 (милодий 1348) йил кўчирилганлиги кўрсатилган. Саҳифага 8 қатордан матн киритилган. Ёзув услуби, китобат хусусиятларига кўра, бу қисм олдинги қисмга нисбатан илгарироқ кўчирилган.

Демак, «Муқаддамат ал-адаб»нинг Ҳожи Башир Оға қўлёзмаси таркибига икки нодир нусхаси киритилган. Унинг таркибидаги қадимий туркий сўзлик муҳим илмий аҳамиятга эга.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг аниқ тарихи кўрсатилган, арабий-форсий-туркий сўзлик матни киритилган нодир қўлёзмаларидан яна бири Отиф Афанди нусхаси ҳисобланади. 2768 сақланиш рақамли бу қўлёзма 799 ҳижрий, 1379 милодий йили китобат этилган. Қўлёзманинг котиби Шайх Даққоқ исми билан танилган Муса ибн Мурсил бўлиб, ушбу асар таркибидаги

туркий сўзлик муҳим аҳамиятга эга.

Асарнинг диққатга лойиқ қўлёзмаларидан яна бири сифатида Маниса кутубхонасидаги 2850 сақланиш рақамли нусхани келтириш мумкин. Бу қўлёзма Ҳибатуллоҳ ибн Қосим ибн Аҳмад ибн Мас‘уд ибн Хусом ад-дин ас-Саройи томонидан Амир Мурод ибн Амир Шоҳин ибн Амир ‘Иzz ад-дин саройидаги кутубхона учун махсус қўчирилган сарой нусхаси ҳисобланади.

Қўлёзманинг бошланиш қисмидан бир неча варақ тушиб қолган. Асар мукаддиманинг *خطبائهم و مترسليهم و شعرائهم* – хутаба: ‘ихим ва мутарсили: хим ва шу‘ара: ‘ихим сўзлари билан бошланган. Исmlар қисми тўлиқ қўчирилган. Феъллар қисми «бисмиллоҳ» билан бошланган, матни тўлиқ. Қўлёзманинг бошланиши ҳамда охириги варағига Маниса кутубхонасининг юмалоқ муҳри урилган. Мукаддимадаги ёзувга кўра, мазкур қўлёзма ‘Алабий ‘Али Афандининг вақфига кирган – *وقف مرحوم علمى على افندى*. Қўлёзма ҳошияларига қўплаб тўлдиришлар, грамматик изоҳлар киритилган. Арабий сўзлик матни йирик насх хатида, форсий сўзлик матни эса сатрлар оралиғига наста‘лик хатида ёзилган. Ҳар бир саҳифага 9 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлёзманинг жами ҳажми 270 варақдан иборат. Асарнинг мазкур нусхаси 800 ҳижрий йилнинг 25-рамазон ал-муборак, сешанба (милодий 1398 йил 12 июнь) куни ёзиб тугатилган.

«Мукаддадат ал-адаб» нинг арабча-хоразмийча нусхаси Қўния нусхаси номи билан илмий истифодага кирган. Бу қўлёзма Йўсуф Оға кутубхонасида дастлаб 1755, сўнгра 6919, ҳозирги кунда 5010 инвентар рақами остида сақланмоқда. Қўлёзманинг бошланиш қисми нуқсонли бўлиб, у исmlар қисмининг қариндош-уруғчиликка бағишланган бобидаги *عم* – ‘аммун – «амаки» сўзи билан бошланган.

Асарнинг исmlар қисми анъанавий хотима билан тугаган. Исmlар қисмининг умумий ҳажми 31 варақни ташкил этади. Феъллар қисмининг матни тўлиқ сақланган. Исmlар ва феъллар қисmlарида ҳар бир саҳифага 8 қатордан матн жойлаштирилган. Арабий сўз мақолаларининг араб ёзувидаги хоразмий муодили сатрлар орасига ёзилган. Мазкур қисmlарнинг хотимасида уларнинг китобат тарихи кўрсатилган эмас. Қўлёзмати илмий ўрганиш, китобат хусусиятларини таҳлил этиш уни XII асрга оид деб ҳисоблашга асос бўла олади. Бундан ташқари, асарнинг арабий матни XII–XIII асрлар қўлёзмалари хатига ўхшаш йирик сулс-насх ёзув услубида ёзилган. Бу далил ҳам қўлёзманинг қадимийлигига ишора қилади.

Қўлёзма таркибига асарнинг учинчи – ҳарфлар, тўртинчи – исмларнинг турланиши, бешинчи – феълларнинг тусланиши қисмлари ҳам киритилган. Мазкур қисмлар дастлабки қисмлар ёзувига нисбатан кичикроқ, лекин қадимий ёзув услубида битилган. Сарлавҳалар йирик, сулс-насх хатида ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма матни билан танишиш унинг ўта моҳир хаттот томонидан кўчирилганлигини кўрсатади. Қўлёзманинг охири ҳам нуқсонли. Нусхадан асардаги феълларнинг тусланишига бағишланган бешинчи қисм таркибига кирган ўтган, ҳозирги-келаси замон, буйруқ майлига бағишланган боблар, шунингдек, масдар, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлари, сифат даражалари, макон ва замонни англатувчи исмлар қисмлари тушиб қолган. Қўлёзма ҳамзали феъллар фасли билан тугаган.

Закий Валидий Тўғон илк бор 1927 йили мазкур қўлёзма матни билан танишган ва 1948 йили уни тадқиқ эта бошлаган. У 1951 йили Истамбулда «Хоразмча таржимали «Муқаддамат ал-адаб» китобини нашр этади. Китоб таркибига «Кўния» қўлёзмасининг факсимиле нашри ва у ҳақидаги қисқача мақола киритилган. Олим факсимиле нусханинг хошиясида Ветштейн нашр этган «Замахшарийнинг арабча-форсча луғати» асарининг саҳифаларини «Ғ» ҳарфи, Исҳоқ Хожа Аҳмад Афандининг «Ақса ал-‘араб фи таржимат Муқаддимат ал-адаб» асари саҳифаларини «Т» ҳарфи билан кўрсатган [6].

Анқарадаги «Турк тил куруми» кутубхонасида ҳам «Муқаддамат ал-адаб» нинг бир неча нодир қўлёзмалари сақланмоқда. Бу қўлёзмаларнинг топилиши асарнинг нусхалари ҳақидаги маълумотларни янада бойитади. Улардан биринчиси арабча, форсча, туркий сўзлик матнлари киритилган. А 187 сақланиш рақамли қўлёзмадан исмлар қисми тушиб қолган. Асар матни феъллар қисми билан бошланган. Аксарият сўз мақолаларининг арабий асли остига туркий муодили киритилган, форсий сўзлик матни эса тўлиқ акс эттирилмаган. Қўлёзма матни муҳим илмий аҳамиятга эга, чунки арабий сўзлик матни билан бир қаторда туркий сўзлик матни ҳам ўқишни осонлаштириш мақсадида ҳаракатлар билан таъминланган. Матн ҳар бир саҳифага 11 қатордан жойлаштирилган бўлиб, форсий, туркий муодиллар бир текис ёзилган. Қўлёзма хошияларида турли тўлдиришлар, китоб соҳиби муҳрларининг изи бор. Феъллар қисми қисқа хотима билан тугаган. Ундаги маълумотга кўра, мазкур қўлёзма 873 ҳижрий йил, ўн иккинчи зу-л-қа‘да, яқшанба куни пешинда, милодий 1469 йил 24 май куни Константинопол шаҳридаги Аё София мадрасасида кўчириб тугатилган. Қўлёзма таркибига

«Муқаддамат ал-адаб» нинг ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағишланган қисмлари ҳам киритилган. Уларнинг ҳар бири бисмилло билан бошланиб, анъанавий тамма билан якунланган. Қўлёзма сўнгида котиб ҳамда китобат тарихига оид маълумотлар келтирилган. Котиб – ‘Абд ал-Карим ал-Мунталавий Эр Ҳасан Баз’алий ат-Таквий.

Турк тил қуруми хазинасидаги кейинги қўлёзма А 502 рақами остида сақланади.

Қўлёзма таркибига исмлар ҳамда феъллар қисмлари киритилган. Исмлар қисмининг дастлабки 4 вараги йўқолган, у кейинчалик ўзга котиб қўли билан тўлдирилган. Ҳар бир саҳифага ўн бир қатордан матн жойлаштирилган. Феъллар қисмининг матни тўлиқ бўлиб, охириги саҳифадаги матн бошқа котиб томонидан ёзилган. Мазкур қўлёзмага арабий, туркий сўзлик киритилган, лекин феъллар қисмининг бошланиш қисмидаги эллик варақ матнга кейинчалик сўзларнинг форсий муодиллари билан қўшилган ва асосан ҳошияга жойлаштирилган. Форсий сўзлик хаги туркий сўзлик хатидан фарқ қилади. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур қўлёзма таркибидаги туркий сўзлик Тошкент нусхалари таркибидаги туркий сўзлик қатламига айнан ўхшайди. Шу жиҳатдан ҳам қўлёзма матнини илмий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, мазкур кутубхона фондида «Муқаддамат ал-адаб» нинг туркча сўзлик киритилган бир неча нодир қўлёзмалари ҳам сақланмоқда.

Туркия қўлёзма фондларида «Муқаддамат ал-адаб» нинг яна кўплаб ноёб қўлёзмалари мавжуд. Уларнинг аксарияти Сулаймония кутубхонасига жамланган. Лекин турли шахсий қўлёзма хазиналарида ҳам ҳозирги кунда сақланаётган нусхалар бор. Улар жумласига 736 ҳижрий, 1336 милодий йили кўчирилган 674 сақланиш рақамли Лала Исмо‘ил кутубхонаси қўлёзмасини, Бурсадаги Харажжи ўғли кутубхонасидаги 1444 рақамли нусхани, Измир, Фотиҳ, Серез, Аё София қўлёзма фондларидаги ўндан ортиқ ноёб қўлёзмаларни киритиш мумкин.

Умуман, «Муқаддамат ал-адаб»нинг Туркия қўлёзма фондларида сақланаётган нусхаларининг барчаси бир-бирдан муҳим, нодир манбалар ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, мазкур қўлёзмаларнинг туркий сўзлик киритилган қадимий нусхаларининг аксарияти ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида китобат этилган. Бу эса ушбу қўлёзмаларнинг маданиятимиз,

фанимиз тарихи, маънавий меросимиз сарчашмаларини аниқлаш, уларни тадқиқ этиш учун муҳим манба бўлиб хизмат этажагини кўрсатади. Асарнинг Туркия қўлёзмалари орасида асосан икки тилли арабча-форсча, арабча-туркийча, арабча-туркча, арабча-хоразмийча, уч тилли арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган нусхалари учрайди. «Муқаддамат ал-адаб» нинг Туркия қўлёзмаларини тадқиқ этиш асарни ўрганишда янги бир саҳифани очади.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг Эрон фондларида сақланаётган қўлёзмалари

Эрон қўлёзма фондларида «Муқаддамат ал-адаб» нинг саккизта нодир қўлёзмаси сақланмоқда.

Муҳим қўлёзмалардан бири асарнинг Шуштар нусхасидир. Туркиялик олим Нури Юже мазкур қўлёзма таркибидаги туркий сўзликнинг транслитерациясини 1988 йили эълон қилди [7]. Бу қўлёзма Эроннинг Шуштар қасабасида яшовчи Шайх Муҳаммад Такийнинг кутубхонасида сақланмоқда. 1967 йили Ўрхан Билгин мазкур қўлёзмани аниқлаб, Истамбулга олиб келади ва ундан Сулаймония кутубхонасида микрофильми олинади. Қўлёзмани нашрга тайёрлаш вақтида тасвирий нусхада аниқ чикмаган ўринларни Метрол Тулум қайтадан қўлёзма билан қиёслаб солиштириб чиқади.

Мана шу тайёрланган матн асосида Нури Юже асардаги туркий сўзликнинг тилига бағишланган тадқиқотни яратади. «Муқаддамат ал-адаб» нинг Шуштар нусхасини унинг Тошкент нусхалари билан қиёслаш унинг нодир манбалардан бири эканлигини кўрсатди.

Асарнинг бошланишидан I боб феълларига бағишланган катта қисми, тўлиқ матнининг тахминан ярми тушиб қолган. Қўлёзма **أفعال يفعل افعالا** – аф‘ала йуф‘илу иф‘а: лан қолипидидаги IV боб феъллари билан бошланади. «Муқаддамат ал-адаб» нинг Тошкент нусхалари таркибига юқоридаги феъл бобларининг барчаси киритилган. Тошкент қўлёзмалари матнидан Шуштар нусхасида мавжуд бўлган **افعال يفعل افعوالا** – иф‘аввала йаф‘аввилу иф‘ивва: лан боби тушиб қолган.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг Шуштар қўлёзмаси таркибидаги туркий сўзликнинг умумий ҳажми 3506 сўзни ташкил этади. Шу жумладан, 2908

таси туркий, 598 таси ўзлашма, яъни 450 та арабча, 133 та форсча, 5 мўғулча, 4 та хоразмча, 2 та сўғдча, 2 та русча, 1 та тибетча ва 1 та юнонча сўзлардир [8, в. 24-25].

Шуштар нусхасининг Тошкент нусхаларидан энг муҳим фаркли жиҳати шундаки, Тошкент нусхаларидаги ҳар бир арабий сўзнинг остига унинг бир туркий муодили, айрим ўринлардагина икки туркий муодил келтирилган. Шуштар нусхасида эса аксарият ҳолларда икки, уч, ҳатто тўрт туркий муодил келтирилган ўринлар ҳам учрайди. Масалан, икки муодилли ўринлар: чиқарди ани бурчдин, би: за: р қилди ани бурчдин (Ш. 1-7); сифиндурди ани анга, қисарлади ани анга (Ш. 2-8); кэлтурди анга ўқунчни, ўқунч сўнгланди анга (Ш. 5-3); ўлжалади анларға тэварни, ға: рат қилурди анларға ма: лни (Ш. 5-8);

Уч муодилли ўринлар: азда йўлдин, йангилиди йўлни, йава қилди йўлни (Ш. 1-2); ўтсуз-сувсуз бўлди кишиларнинг йўраси тэгрэси, қизликлу бўлди будзунлар йани, сувсиз бўлди тўрт йани (Ш. 3-5); кўнгулга душмас сўз сўзлади, ғари: б сўзлади сўз ичинда, дангсук сўз сўзлади (Ш. 4-5); ўрта бўлди ай, ай йарулади, ўртасинга йэтти ай (Ш. 1-138);

Тўрт муодилли ўринлар: кэнду ўзин танг кўрди, қуванди кэнду ўзи бирла, тангға кэлтурулди ўзи била, кэнду тангланди (Ш. 1-5); эрки қилди ма: лни, ми: ра: с алди ма: лни, эскиртти ма: лни, йиғди эски ма: лни (Ш. 7-8); қавушти нарса, чатук бўлди нарса, йаншунди нарса, йаншунди нарса бири биринга тэгди нарса (Ш. 4-138).

Кўлэзмада эгани изоҳлаш ҳоллари ҳам учрайди, масалан: йугурди анлар уза атлиғлари бирла, йа'ни чэриги бирла (Ш. 3-6. 7), ўтсуз-сувсуз бўлди кишиларнинг йўраси, тэгрэси (Ш. 3-5).

Шуштар нусхасида туркий ёзма ёдгорликлар тилида XIII–XIV асрларга қадар кенг қўлланилган *كندو* – кэнду ўзлик олмоши ҳам учрайди. Бу олмош «Муқаддамат ал-адаб» нинг Тошкент нусхаларида фаол қўлланилган: кэнду ағир сўгал бўлди (Ш. 8-22), кэнду тилаклу қилди қулни (Ш. 8-25), кэнду қисқа бўлди (Ш. 7-41), кэнду ассу алди (Ш. 6-52).

Шунингдек, кўлэзма матнида мазкур олмошнинг *اوز* – ўз шакли ҳам қўлланилган: ўз сўзин буза сўз сўзлади (Ш. 2-50), ўз мулкинга қайтарди тишини бўшамшидин сўнг (Ш. 2-115), кэнду ўзин кўрди (Ш. 1-5), битиди кэнду ўзи учун ба: тил сўзларни (Ш. 6-128).

Кўлэзмада эски туркий ёзма ёдгорликлар тилида кенг истеъмолда бўлган

тақи олмоши қўлланилган: йунгул қилди ани сэвинч тақи қадзғу (Ш. 4-7), идзди анга йалғуз савчини тақи битигни (Ш. 8-10), бўлук бэрди анга ўтдин тақи билигдин (Ш. 4-17), бўйа йэтди ўғлан тақи мэва пишди (Ш. 6-26).

Мазкур қўлёзма матнида د – д, ذ – з, ی – й ундошлари фонетик ҳодисаси аралаш ҳолда учрайди: қадғурди (Ш. 8-145), қазғурди (Ш. 2-175), тикилди азақи уза (Ш. 1-129), эл аяқ тэғурди тишига (Ш. 1-58), бузунлар (Ш. 3-5), қазғу (Ш. 4-7), тарди андин қайғуни (Ш. 7-77). Д, з, й ундошларининг қоришиқ ҳолда учраши XI–XIV асрларга оид эски туркий тил ёдгорликларида қўлланилган.

Шуштар нусхасини Тошкент нусхалари билан дастлабки қиёслаш жараёни бу нусха матнининг Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланувчи 3807 рақамли XIV аср қўлёзмаси матнига яқинлигини тасдиқламоқда.

Шуштар ва Тошкент нусхасидаги туркий сўзликни яққолроқ тасаввур қилиш мақсадида أفعال يفعل – аф‘ала йуф‘илу қолипидаги IV боб феълларининг бир қисмини қиёсий келтирмоқдамиз.

Шуштар нусхаси Тошкент нусхаси

Башлади ишни – башлади ишни

Чиқарди ани бурчдин – қутарди ани бурчдин

Би: за: р қилди ани бурчдин

Игланди ишда – игланди ишда

Йақаға йақди кэмини – йақаға йақди кэмини

Сувсатди ани сувсатди ани

Ўқутди анга Қур’анни – ўқутди анга Қур’анни

Айди анга сала: мны сала: м ўқиди анга

Сала: м қилди анга

Сигиндурди ани анга – сигиндурди ани анга

Қисарлади ани анга

Билдурди анга фала: н нарсани – хабар бэрди анга ани

Қўпарди йэл булутни қўпарди йэл булутни

Бай бўлди эр, барлу бўлди – эр бай бўлди эр

Эмгатти ани

Арғузди ани, жана: батлиғ бўлди – арғузди ани, жана:

Башлиқин йунгу бўлди батлиғ бўлди

Кэнгликлу бўлди ўрун – неъматлу бўлди йэр

Йазди йазук қилди йазук қилди

Элтди ани элтди ани

Элтди ани, элту бәрди

Алтунлади курра: сани – алтунлади курра: сани

Алтун бирла бэзади мусхафни

Миндурди ани атқа – миндурди ани атни

Мунут бәрди анга атни

Кўлдаш қилу бәрди анга нарсани – эшлантурди анга нимани
ашлантурди

Шуштар нусхасининг умумий ҳажми 119 варақдан иборат бўлиб, қоғоз бичими 26,5x17 см, матн ўлчови 19x19,5 см ни ташкил этади. Ҳар бир саҳифага 8 қатордан арабий сўзлик жойлаштирилган. Арабий сўзлик насх элементлари киритилган йирик сулс хатида битилган. Форсий, туркий сўзлик эса сатрлар остига майда насх хатида ёзилган. Қўлёзма ҳошиясида кўплаб ибораларнинг шарҳи бор.

Эроннинг Техрон, Машҳад қўлёзма фондларида ҳам «МуқаддаMAT ал-адаб» нинг еттита қўлёзмаси мавжуд. Улардан тўрт нодир нусха Техронда, уч қўлёзма нусха Машҳадда сақланмоқда.

Демак, «МуқаддаMAT ал-адаб» нинг Эрон қўлёзмалари, жумладан Шуштар нусхаси луғатнинг бизгача етиб келган нодир қўлёзмаларидан ҳисобланади. Шуштар нусхасининг матни устидаги дастлабки изланишларимиз унинг XIII–XIV асрларда китобат этилганлигини тасдиқламоқда. Бу нусханинг ўзига хослиги «МуқаддаMAT ал-адаб» нинг мавжуд қўлёзмалари орасида туркий сўзликнинг кенг изоҳланишидан иборатдир. Асарнинг Эронда сақланаётган қўлёзмаларини асарнинг бошқа нусхалари билан қиёсий ўрганиш муҳим илмий вазифалардан биридир.

«МуқаддаMAT ал-адаб» нинг Ҳиндистон қўлёзмаси

Ҳиндистондаги Рампур Сарой кутубхонасида «МуқаддаMAT ал-адаб» нинг туркий сўзлик киритилган нодир қўлёзмаси мавжуд. 3810 ҳужжат рақамидаги бу қўлёзма тахминан XIII–XIV асрларда китобат қилинган [7, б. 9].

«МуқаддаMAT ал-адаб» нинг Британия музейи фондидаги нусхалари

Англиядаги Британия музейида «МуқаддаMAT ал-адаб» нинг учта нодир қўлёзмаси сақланмоқда. Муҳим илмий аҳамиятга эга нусхалардан бири 7429

сақланиш рақами остидаги қўлёзмадир. Феъллар қисмидангина иборат бу нусха таркибига арабий, форсий, кейинчалик туркий сўзлик киритилган. Бундан ташқари хоразмийча сўзлик киритилган ўринлари ҳам учрайди [11, б. 6]. Қўлёзма 760/1359 йили кўчирилган.

Иккинчи қўлёзма исмлар қисмидангина иборат, арабча-форсча-туркий сўзлик киритилган нусхадир. У ҳижрий 864 йил ражаб, 1460 йил апрель-май ойларида кўчирилган. Котиб – Аҳмад ибн Йусуф ибн Иброҳим ибн Йа‘қуб ан-Нагидий. Маълумотларга кўра, қўлёзмада айрим сўзларнинг юнонча муодиллари ҳам берилган [3, р. 345].

Кейинги қўлёзма асарнинг қадимий нусхаларидан бири бўлиб, 771/1371 йили китобат этилган. «Муқаддат ал-адаб» нинг Англиядаги Британия музейи қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзмалари ўзининг қадимийлиги, ўзига хослиги, улардаги ўрни билан киритилган хоразмийча ҳамда юнонча муодиллар билан ажралиб туради. Бу қўлёзмалар асарнинг нодир манбалари сифатида илмий аҳамиятга эга.

«Муқаддат ал-адаб» нинг Францияда сақланаётган қўлёзмалари

Франциядаги Миллий кутубхона қўлёзмалар фондида асарнинг 12 та нодир қўлёзмаси мавжуд. Яқинга қадар «Муқаддат ал-адаб» нинг мазкур фондда сақланаётган иккита қўлёзма нусхаси маълум эди. Франциялик олим, Страсбург гуманитар фанлар университети қошидаги илмий тадқиқотлар миллий маркази ходими Мари Шуппенинг юборган маълумотларига қараганда, қўлёзмалар фондидаги асарларни ўрганиш асарнинг янги нодир нусхаларини аниқлашга имкон берган. Биз қуйида «Муқаддат ал-адаб» нинг Парижда Франция Миллий кутубхонаси қўлёзмалари фондида сақланаётган нодир қўлёзма нусхаларининг илмий тавсифини келтирмоқдамиз.

Anquetil 34 рақамли қўлёзма (Paris Supplement Türk 287) «Муқаддат ал-адаб» нинг қадимий, нодир қўлёзмаларидан бири. Арабий-туркий сўзлик киритилган икки тилли бу қўлёзмага асарнинг иккинчи – феъллар қисми киритилган. Арабий сўзлик матни ўртача катталиқдаги насх хатида битилган. Қўлёзма таркибидаги туркий сўзликка келсак, у «А», «Б», «В», «Г» нусхалардаги туркий сўзликка жуда яқин келади. Масалан, арабий **أنشأ يفعل كذا** – анша‘а йаф‘алу каза: ибораси «А» нусхада **يانقى قىلادور فلان ايشنى** – йанқи қиладур фалан ишни, «Б» нусхада **بشلادى فلان ايش قىلو** – башлади фалан иш қилу, «В», «Г» нусхаларда **قىلو بشلادى اول ايشنى** – қилу башлади ул ишни,

Париж нухасида قیلو بشلادی فلان نایرسانی – қилу башлади фалан на эрсани, Ёзгат нухасида قیلو بشلادی فلان ایشنی – қилу башлади фалан ишни тарзида берилган. Нуханинг ҳар саҳифасига 9 қатордан матн киритилган. Қўлёзма хатининг қадимийлиги, ундаги туркий сўзликнинг китобат хусусиятларига кўра, бу нусха XII–XIII асрларда Хоразмда китобат этилган, деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур қўлёзма «Муқаддат ал-адаб» нинг муҳим манбаларидан бири бўлиб, йиғма туркий сўзлик матнини тузишда қимматли маълумотлар беради. Умумий ҳажми 218 в. Ўлчами 17x25,5 см.

Париж миллий кутубхонасидаги 1631 рақамли қўлёзма (Supplement Persan 1631).

Асарнинг қадимий арабий-форсий сўзлик киритилган қўлёзмаси. Қўлёзмага муқаддима, исмлар ҳамда феъллар қисми киритилган. Исмлар қисми тўлиқ келтирилган. Феъллар қисмининг бошланиш қисмидан бир саҳифа тушиб қолган, қисм ثلّه – салабаху феъли билан бошланган. Мазкур қисм матни охиригача тугалланмаган, нуқсонли. Фасл, боб сўзлари, ажратиб кўрсатилган ўзак ҳарфлари қизил сиёҳда ёзилган. Арабий матн йирик насх хатида, қора сиёҳда битилган. Ҳар бир саҳифага 8 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлёзма муқоваси қадимий. Қўлёзма матнини мазкур фонdda сақланаётган 287 рақамли арабча-туркий нусха сўзлиги матни билан қиёслаш уни ҳам XII–XIII асрларда китобат қилинган, деб ҳисоблашга илмий асос бўлади. Варақларнинг умумий сони 330 та.

Ancien Fond 1336 в-П рақамли қўлёзма. Бу қўлёзмага луғатнинг исмлар қисми киритилган. Мазкур бўлак 40 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 12 сатрдан матн жойлаштирилган. Арабча-форсча сўзлик киритилган ушбу қўлёзма 866 ҳижрий, 1462 милодий йили кўчирилган. Ўлчами 21,5x14,5 см.

Ancien Fond 1315 рақамли қўлёзма таркибига муқаддима, исмлар ҳамда феъллар қисмлари киритилган. XV асрда кўчирилган мазкур қўлёзма матни немис олими М. Ветштейн томонидан 1830 йили нашр этилган «Муқаддат ал-адаб» матни учун ёрдамчи нусха вазифасини ўтаган. Қўлёзма нуқсонли бўлиб, унинг охири йўқолган. Нуханинг умумий ҳажми 120 варақни ташкил этади, ҳар бир саҳифага 6 қатордан матн жойлаштирилган. Ўлчами 16,5x12 см.

Ancien Fond 1256-1 рақамли қўлёзма. Мазкур мажму‘анинг 1–207 варақларидан иборат биринчи қисмига «Муқаддат ал-адаб» асари киритилган. Қўлёзма асарнинг тўлиқ нухаларидан бири ҳисобланади. У тахминан XVI асрда китобат этилган. Саҳифалардаги матнларнинг

жойлашиши бир хил эмас, айрим саҳифаларга 10, айримларига 11 сатрдан матн жойлаштирилган. Ўлчами 26x18 см.

Ancien Fond 1290 рақамли қўлёзма. Асарнинг арабча-форсча сўзлик киритилган нусхаларидан бўлиб, XVI асрда кўчирилган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 51 варақни ташкил этади. Саҳифаларга 9 сатрдан матн жойлаштирилган, форсий сўзлик сатрлар орасига киритилган. Ўлчами 18,5x13 см.

Ancien Fond 1317 рақамли қўлёзма. Бу нусха таркибига фақатгина асарнинг исмлар қисми киритилган. Унда арабча-форсча сўзлик билан бир қаторда туркий муодиллар ҳам ўз аксини топган. Қўлёзма XVI асрда китобат қилинган. Ҳар бир саҳифага етти қатордан матн жойлаштирилган. Ўлчами 18x13 см.

Ancien Fond 1675-III рақамли қўлёзма. «Муқаддамат ал-адаб» нинг арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган нодир қўлёзмаларидан бири. Унга исмлар (159-223 в.), феъллар (228-302 в.) қисмлари киритилган. Ҳар иккала қисм бир-бирдан ёзув тури ва матнининг жойлашиши бўйича фарқ қилади. Қўлёзма XVI асрда кўчирилган. Тавсифда келтирилган маълумотга кўра, бу қўлёзmani Ванелебен Қохирада сотиб олган ва 1673 йил август ойида Миллий кутубхонага ҳада қилган. Ўлчами 11x17 см.

Renandol 481 рақамли қўлёзма. Луғатнинг уч тилли нодир нусхаларидан бири. Қўлёзма 895 хижрий, 1490 милодий йили кўчирилган. Арабий сўзлик йирик насх хатида, форсий ҳамда туркий сўзлик наста'лик хатида битилган. Умумий ҳажми 108 в. Ўлчами 15,5x13 см. Бундан ташқари, Париж миллий кутубхонаси фондида яна арабча-форсча 412, 413, 414 рақамли учта, арабча-форсча-туркийча битта қўлёзма мавжуд.

«Муқаддамат ал-адаб»нинг Франция фондларида сақланаётган қўлёзмаларидан бештаси таркибига туркий сўзлик киритилган. Улар китобат даврига кўра, анчагина қадимий бўлиб, асарни комплекс тадқиқ этиш учун зарур манбалар бўлиб ҳисобланади.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг Берлин қўлёзмалари

Берлин Давлат кутубхонаси фондида ҳам «Муқаддамат ал-адаб» нинг қатор нодир қўлёзмалари мавжуд. Улар китобат санъатининг нодир асарлари ҳисобланади. Фонддаги асарнинг биринчи нусхаси 66-рақамли қўлёзмадир. «Муқаддамат ал-адаб» нинг бу қўлёзмаси 681 хижрий йил сафар (милодий 1282 йил май) ойида кўчирилган. У тўлиқ беш қисмдан иборат. Арабча-туркий сўзлик киритилган мазкур нусха «Муқаддамат ал-адаб» асарини ўрганишда

муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Асар таркибидаги туркий сўзлик асл арабий матнга нисбатан кейинроқ, қўлёзмадаги қайдга кўра, 776/1374 йили қўшилган. Туркий сўзлик ўзига хос китобат услубига эга, бунда туркий сўзликдаги ت – та ҳарфи иштирок этган сўзларнинг ёнида уларнинг ط – та ҳарфи билан ёзилган шакллари келтирилганлигини кўрсатиш мумкин, масалан, تاريخ – та: ри: х, تاريخ – та: ри: х, تار – тата: р, ططر – татар шаклида. Бу ҳолни олимлар булғор-татар китобатининг ўзига хос хусусияти деб кўрсатадилар. Демак, қўлёзмадаги туркий сўзлик Булғор худудларида киритилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Қўлёзманинг умумий ҳажми 196 варақни ташкил этади.

Шунингдек, мазкур фондда 694/1294 йилга оид арабча-форсча тўлиқ нусха, 840/1466 йили кўчирилган форсча сўзлик киритилган, биринчи – исмлар қисмидангина иборат қўлёзма, 847/1469 йили китобат қилинган нусха, исмлар қисмидан иборат 916/1511 йилга оид арабча-форсча қўлёзмалар сақланмоқда.

Фонддаги «Муқаддамат ал-адаб» қўлёзмалари орасида туркий сўзлик киритилган нусхалар ҳам учрайди. Улар 959/1552 йили кўчирилган, феъллар қисми киритилган қўлёзма, 1000/1591 йили китобат қилинган нусха, китобат даври кўрсатилган нодир қўлёзмалардир [12, р. 242-245].

Шуни таъкидлаш лозимки, Германиянинг Берлин Давлат кутубхонаси қўлёзмалар фондида «Муқаддамат ал-адаб» нинг ўнта нодир қўлёзмаси мавжуд. Улар XIII–XVI асрлар оралиғида китобат қилинган. Бу қўлёзмалар икки тилли – арабча-форсча, арабча-туркийча, уч тилли – арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган нусхалардир. Улар таркибидаги сўзликлар, айниқса туркий сўзлик муҳим аҳамият касб этади.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг зикр этилган қўлёзмалари таркибан турли бўлиб, улар орасида беш қисмдан иборат тўлиқ нусхалар, биринчи – исмлар қисми ёки иккинчи – феъллар қисми алоҳида кўчирилган қўлёзмалар, шунингдек, ҳар иккала қисми биргаликда китобат қилинган қўлёзмалар мавжуд.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг Марсигли қўлёзмаси

«Муқаддамат ал-адаб» нинг ҳижрий 663 йил 13 раби‘ ал-охир (милодий 1265 йил) ойида кўчирилган қўлёзмаси Италиянинг Болоньядаги Марсигли шарқ қўлёзмалари коллекциясида сақланади [13].

Хулоса шуки, Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамат ал-адаб» асари яратилган даврдан бошлаб муҳим манба сифатида шуҳрат топган. У

фан ва маданиятимизнинг турли соҳалари бўйича қимматли маълумотлар бера оладиган нодир асар бўлганлиги боис, давр унинг кўплаб нусхаларда бўлишини тақозо этган. Шу сабабли у қайта-қайта кўчирилган ва унинг қўлёзмалари жаҳоннинг турли мамлакатларидаги машҳур қўлёзма хазиналарига тарқалган. Улар орасида Ўзбекистон худудида китобат қилиниб, кейинчалик олиб чиқиб кетилган қўлёзмалар ҳам талайгина.

«Муқаддамат ал-адаб» нинг кўп кўчирилиб, кенг тарқалишига яна бир сабаб, унинг кўп тиллилиги ҳисобланади. Асар араб тилида ёзилгани билан унинг исмлар ҳамда феъллар қисмлари форсий, туркий, мўғулий, хоразмий тилларидаги сўзлик билан таъминланган бўлган. Чунки бу қисмлар араб тилида ёзилган бўлса ҳам, араб тилининг изоҳли луғати эмас.

Илмий тадқиқот натижасида «Муқаддамат ал-адаб» нинг исмлар ҳамда феъллар қисмларидан иборат етмишга яқин нодир қўлёзмалари аниқланди. Бу соҳадаги илмий изланишни изчил давом эттириш филология фани олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Баевский С.И. Описание персидских и таджикских рукописей Института народов Азии. Москва: Наука, 1968.
2. Бартольд В.В. Сочинения. Том VII. Москва, 1973.
3. *Catalogue of the Turkish Manuscripts in the British Museum* / by Charles Rieu. London, 1988.
4. Каталог арабских рукописей Института истории, языка и литературы Дагестанского филиала АН СССР. Москва, 1977.
5. Каталог восточных рукописей АН Таджикистана. Том VI. Душанбе, 1983.
6. *Horezmce Tercümelî Muqaddimat al-Adab* / Yayınlayan Zeki Velidi Togan. İstanbul, 1951.
7. Nuri Yüce. *Mukaddimatü 'l-Edeb*. H'arizm türkçesi ile Şuster nüshası. Ankara, 1993.
8. Nuri Yüce. *Mukaddimatü 'l-Edeb*. H'arizm türkçesi ile tercümelî Şuster nüshası. Ankara, 1988.
9. Поппе Н.Н. Монгольский словарь «Мукаддамат ал-адаб». I-II. Москва, 1938.
10. Togan Z.V. *Zamahşeri 'nin Doğu Türkçesi ile «Mukaddimatü 'l-Edeb»i* // Türk Medeniyeti, N 14. İstanbul, 1965.
11. Togan Z.V. *Horezmce Tercümelî Mukaddimat al-Adab*. İstanbul, 1951.
12. *Verzeichniss der arabischen Handschriften* von W. Ahlward. B-de I-X. Berlin, 1887-1899, N 6990-6962.
13. *Remarques sur les manuscrits orientaux de la collection par Marsigli à Bologne, suivies de la liste complète des manuscrits arabes de la même collection par le baron Victor Rosen*. Rome, 1885, N 371.
14. Qavs ichida qo'lyozmada noto'g'ri berilgan so'zlar ko'rsatilgan.

MUSNAD ‘ABD BY ‘ABD AL-HAMID AL-KESHI: ITS COPIES AND IMPORTANCE IN STUDYING THE SCIENCE OF HADITH

Shukurilla Umarov*

The inherited manuscripts play invaluable role in the development of the world civilization. Regarding this, the late president Islam Karimov said: “Today, no one can say without exaggeration, and I want to emphasize that for centuries the scientific heritage of great geniuses of the Middle East was not yet fully researched for and they are waiting for their researchers. After all, there are more than 100 thousand manuscripts in manuscript funds in Uzbekistan. The main part entered into the cultural heritage list of UNESCO. “Gold Stock” of medieval manuscripts of scientists and thinkers of the East preserved in the libraries of Europe (Great Britain, Germany, Spain, Russia, and France), Asia (Egypt, India, and Iran) and many other countries” [22].

Sihah-i Sitta (Six Books) are among such works, and they are a unique source to study the development of hadith. *Sihah-i Sitta* were compiled by Imam al-Bukhari, Imam Muslim, Imam al-Tirmidhi, Ibn Maja, Abu Dawud and Imam al-Nasa’i. We can notice another 47 well-known muhaddiths from Central Asia who played their great roles in the development of the knowledge of hadith [20, p. 89]. Among these hadith scholars we can note shaykh ‘Abd al-Hamid al-Keshi. *Siyar a’lam al-nubala’* contains information on ‘Abd al-Hamid al-Keshi [8, p. 235]. What kind of relationship existed between ‘Abd al-Hamid al-Keshi and Imam al-Bukhari? ‘Abd al-Hamid al-Keshi, the great hadith master, lived in Kesh. He was one of the teachers of Imam al-Bukhari [16, p. 26].

‘Abd al-Hamid al-Keshi’s *Musnad ‘Abd* played a great role in the development of the knowledge of hadith. Al-Keshi used and cited all the hadith masters and their narrators in his book.

* Imam Termidhi Religious Educational School, Director, Doctor PhD

Tafsir 'Abd by the hadith master al-Keshi contains authentic interpretation of the Holy Qur'an. This work is actually quite perfect, which was used by famous authors to interpret their sources.

Tafsir 'Abd by 'Abd al-Hamid al-Keshi was mentioned in Ibn Nuqta's *Taqyid*, Shams al-Din Dhahabi's *Siyar a'lam al-nubala'* and Ibn Kathir's *al-Bidaya wa-l-Nihaya* [11; 8, p. 236]. Carl Brockelmann (1868-1956) was the first researcher who stated the existence of the work *Tafsir 'Abd* in the second volume of his book [1, S. 151]. Fuat Sezgin noted one copy of *Tafsir 'Abd* [19, p. 202]. 'Abd al-Hamid al-Keshi's *Tafsir 'Abd* remains today the only remaining copy in this field [20, p. 74].

Muntakhab min Musnad 'Abd ibn Humayd was the popular book under this title. It was written by Abu Ishaq al-Shashi who heard it from 'Abd al-Hamid al-Keshi.

The list of the narrators of *Muntakhab min Musnad 'Abd ibn Humayd* is as follows:

He narrated hadith from Nur al-Din Abu'l Hasan 'Ali ibn Muhammad ibn Abi Bakr and his two sons Jamal al-Din Abu 'Abdullah Muhammad and Shahab al-Din Abu'l 'Abbas Ahmad, from Abu'l Hasan 'Ali ibn Ahmad ibn 'Abd al-Husayni al-Gharrafi, from Abu Bakr Muhammad ibn Mas'ud ibn Bihruz Tabib, from Abu'l Waqt 'Abd al-Awwal ibn 'Isa ibn Dawud al-Sijzi, from Abu'l Hasan 'Abd al-Rahman ibn Muhammad ibn Muzaffar Dawudi, from Abu Muhammad 'Abdullah ibn Ahmad ibn Hamuya al-Sarakhsi, from Abu Ishaq Ibrahim ibn Khuzayma al-Shashi [2, p. 10].

This manuscript preserved by Abu Ishaq Ibrahim ibn Qumayr al-Shashi. He was born in the oasis town Kharashkat in Shash [8, p. 486]. Abu Ishaq Ibrahim ibn Khuzayma al-Shashi studied the books from 'Abd al-Hamid al-Keshi *Tafsir 'Abd* and *Musnad 'Abd* in the year 249/863. Mainly, Ibrahim ibn Khuzayma al-Shashi studied the science of hadith from 'Abd al-Hamid al-Keshi.

According to the sources, Abu Ishaq Ibrahim ibn Khuzayma heard hadith in Shash in 318/930 from Abu Hatim ibn Hibban, 'Abdullah ibn Ahmad ibn Hamawayh al-Sarakhsi and others. Among the books that he studied were *al-Musnad al-Kabir* and *Tafsir* [8, p. 492].

Abu 'Abdullah Muhammad ibn Ahmad ibn Hamawayh al-Sarakhsi was from Sarakhs. He was a reliable shaykh, imam of the city Sarakhs [8, p. 492]. He heard and wrote hadith from main narrators of three books: *Sahih al-Bukhari* by Imam al-Bukhari, *Sunan al-Darimi* by Imam al-Darimi and *Musnad 'Abd* by Imam al-

Keshi. Abu Sa'd al-Sam'ani said: "Abu 'Abdullah Muhammad ibn Ahmad ibn Hammuya al-Sarakhsi lived in Bushanj and Herat. He entered Mawarannahr where he heard whole *Sahih al-Bukhari* by Imam al-Bukhari from the narrators of Abu 'Abdullah Muhammad ibn Yusuf ibn Matri al-Firabri in 316/929" [8, p. 492].

'Abd al-Hamid al-Keshi's *Muntakhab min Musnad 'Abd ibn Humayd* played an important role in the development of the knowledge of hadith.

Ibn Hibban stated in his *Thiqat*: "Scholar 'Abd ibn Humayd al-Keshi is the famous mufassir and muhaddith" [12, p. 401].

Ibn Nuqta said: "He was well-known by the name 'Abd ibn Humayd ibn Nasir ibn 'Abd al-Hamid, and had compiled *al-Musnad*" [11, p. 161].

Al-Sam'ani: "'Abd ibn Humayd al-Keshi was a valuable shaykh and mufassir" [17, p. 109].

Imam Yaqut said: "Ibn al-Keshi was one of the great scholars of hadith and musnad literature" [13].

Imam al-Dhahabi said: "'Abd ibn Humayd Keshi was the most reliable muhaddith" [8, p. 534].

Ibn Nasir said: "'Abd ibn Humayd al-Kashi regarded as the most reliable, owner of *Musnad* and collected works" [10, p. 73].

Ibn Qattan said: "'Abd al-Hamid al-Keshi's *Muntakhab min musnad 'Abd ibn Humayd* was used by muhaddiths" [4, p. 22].

Ibn Hajar al-'Asqalani said: "Great imams Ahmad ibn Hanbal, Abu Dawud Tayalisi Humaydi, Ibn Abi 'Umar, Ahmad Mani', Abu Bakr ibn Shayba, 'Abd ibn Humayd and others have the books of *Musnad* [6, p. 167]. They are of the second ranks after *al-Kutub al-Sitta* (Six Books) [4, p. 22].

'Abd al-Hamid al-Keshi was of very high position in science and great muhaddith.

We could list manuscript copies of the works by 'Abd al-Hamid al-Keshi:

1. *Musnad 'Abd ibn Humayd* preserved in Aya Sofya Library in Istanbul, Turkey under the number 894. It was copied in 1090/1679 by Husayn ibn Ibrahim. It is preserved in good condition. This masterpiece consists of 204 folios, contains basic information and hadiths.
2. Its another copy preserved in the library of Maktabat al-Qarawiyyin in the city of Fas, Morocco under the number of 625 and consists of 204 folios. This work is stored also in the famous manuscript funds of the world like

- al-Maktaba al-‘Ilmiya, Maktabat al-Futyan in the city of Jerusalem, Fund of Maliki in Rabat, Zaydaniya Libraries and many other manuscript funds.
3. One of his books preserved in the manuscript copy under the name *Awwal min Musnad ‘Abd ibn Humayd*.
 4. In the Aya-Sofya Library there is the book under the title *Qit‘a min tafsir ‘Abd ibn Humayd Keshi*. The manuscript has the number 175. It consists of 205 folios and each sheet has 23 lines. The book was copied in 748/1348 [14, p. 14].

Twenty-four handwritten copies of the works of ‘Abd al-Hamid al-Keshi such as *Muntakhab min Musnad ‘Abd ibn Humayd*, *Tafsir ‘Abd ibn Humayd* and *Thulathiyat ‘Abd ibn Humayd* have been preserved in Saudi Arabia, Germany, Iraq, Jerusalem, Damascus, Maghreb, Turkey, India and other countries [21, p. 74-85].

Musnad by ‘Abd al-Hamid al-Keshi paid special attention to sahih hadiths and reliable hadith narrators. He narrated 1592 hadiths from a total of one hundred and fifty companions (sahaba). The book *Musnad ‘Abd* consists of 1466 hadiths from 118 male companions, and 126 hadiths from 32 female companions. It narrates mostly 52 hadiths from Abu Hurayra, 260 hadiths from Anas ibn Malik and 62 hadiths from ‘A’isha bint Abi Bakr.

Many muhaddiths and scholars used his book. For example, Jalal al-Din al-Suyuti cited it in his book *al-Durr al-Manthur*, in 2449 places. Imam al-Shawkani in his *Fath al-Qadir* cited it in 698 places [21, p. 80-84].

Hadith collections had particular styles. We analyzed ‘Abd al-Hamid al-Keshi’s collection *Musnad*’s structure, the meanings of hadith, and differences in the meanings. Therefore, *Musnad ‘Abd* contains some examples from the Islamic law, and universal ethical standards.

Musnad ‘Abd was an important source for knowledge in the development of hadith in Central Asia.

References

1. Brockelman, Carl. *Geschichte der arabischen Litteratur*. 3. Anfl. Leiden, 1943-1949. Bd. 1-2. Supplement. Bd. 1-3. Leiden, 1937-1942.
2. Abu ‘Abdullah ibn ‘Abd al-Wahid ibn Ahmad ibn Hanbal al-Maqdisi. *al-Ahâdith al-Mukhtara*.

- Makka-i Mukarrama: al-Nahda al-Hadith School, 1410 h.
3. Abu ‘Abdullah Mustafa ibn ‘Adawi. *Muntakhab min Musnad ‘Abd al-Hamid*. Riyadh: Dar al-balansiya, 2002.
 4. ‘Aynayni. *Muntakhab min Musnad ‘Abd*. Jild 1. B. 22. Riyadh, 2002.
 5. Ahmed Abu Bakr Busayri. *Ittihaf al-Khayrat*. Dar al-Watan, 1999.
 6. Ahmad ibn ‘Ali ibn Hajar al-‘Asqalani. *Tahdhib al-tahdhib*. Bayrut, 1984.
 7. Jalal al-Din al-Suyuti. *Durr manthur*: Bayrut, 1993.
 8. Dhahabi. *Siyar a ‘lam al-nubala*’. Bayrut, 1992.
 9. Ibn Makula. *al-Ikmal*. Bayrut, 1980.
 10. Ibn al-Nasir. *Tibyan*. Bayrut: Dar al-fikr, 1996.
 11. Ibn Nuqta. *at-Taqyid fi ruwat al-sunan al-masanid*. Bayrut: Dar al-fikr, 2005.
 12. Ibn Hibban. *Thiqat*. Bayrut: Dar al-fikr, 2000.
 13. Yaqut al-Hamawi. *Mu‘jam al-buldan*. Bayrut, 1979.
 14. Mukhlif Banih ‘Urf. *Qit‘atun min Tafsir of Imam ‘Abd al-Hamid*. Bayrut: Dar Ibn Hazm, 2004.
 15. Muhammad Shawkani. *Fath al-Qadir*. Bayrut: Dar al-fikr, 2009.
 16. Prozorov, Stanislav. “Al-Bukhari”, in: *Islam na territorii byvshei Rossiyskoi Imperii*. Ènsiklopedicheski Slovar’. Moskva: Vostochnaia Literatura, 2001.
 17. al-Sam‘ani. *al-Ansab*.
 18. Sezgin, Fuat. *History of Arabs*. Cairo, 1971.
 19. Sezgin, Fuat. *Geschichte des Arab Schrifttums*. Bd. I. Leiden, 1967.
 20. Umarov, Shukurilla. *Abdulhamid Keshi’s Life and Scientific Heritage*. Tashkent: Imam Bukhari Publishing, 2013.
 21. Umarov, Shukurilla. *Great Ancestors Who Lived in the Middle Ages*. Tashkent: Imam Bukhari Publishing, 2015.
 22. Karimov, Islam. *Speech at the Opening of the International Conference on the theme “The historical heritage of scientists and thinkers of the Middle Ages’ East, its role and importance in the development of modern civilization”*, held on May 15-16, 2014 in Samarkand.

ИБН СИНО

ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО ТАЛҚИНИДА

Абдурахим Амонович Болтаев*

Хожа Муҳаммад Порсо (1345, Бухоро – 1420, Мадина) ўз ижоди ва фаолияти билан тасаввуф илмий меросида ўзининг ўчмас изини қолдирган буюк мутасаввиф алломаларимиздан ҳисобланади. Унинг деярли барча асарлари тасаввуф ва сўфийлик йўналишларининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилган бўлиб, ислом маданияти ривожига ўзининг қатта тарихий-илмий, маънавий-ахлоқий ўрнига эгадир. У ўрта асрлар муҳитига хос бўлган кўплаб илмларни пухта ўзлаштирган эди. Жумладан, Қуръон, ҳадис, калом, тарих каби илмларни ўрганди. Кейин эса Баҳоуддин Нақшбанддан тариқат сирларидан таълим олди. Нақшбандиянинг етук мутасаввифларидан бири бўлиб етишган Хожа Муҳаммад Порсо умрининг иккинчи ярмидан бошлаб сермахсул ижод қилди. Унинг «Рисола-и қудсия», «Таҳқиқот», «Мақомот-и Хожа Баҳоуддин Нақшбанд», «Мухтасар-и та'рих-и Макка» ва «Фасл ал-хитоб би-васл ал-аҳбоб» каби йигирмадан ортиқ асарларни яратди.

Унинг «Фасл ал-хитоб би-васл ал-аҳбоб» («Дўстларни висолга етакловчи хитоб китоби») асари ўзида 500 га яқин муаммоли диний масалани атрофлича ёритиб берган, унинг ечимларини аҳли сунна ва-л-жамо'а мазҳаби ақидавий талабларидан келиб чиққан ҳолда Қуръон, ҳадис ва жуда кўплаб алломаларнинг асарларидан фойдаланиб, шунинг уларнинг ўзлари ҳақида ҳам айрим маълумотларни бериб, уларнинг қарашларини кўрсатиб, очиб берган. Шу сабабли у узоқ давр шу мазҳаб тариқатларининг ҳам зоҳир уламолари, ҳам ботин илми намояндalари ўртасида асосий қўлланмалардан бири сифатида фойдаланиб келинган. Мазкур асар араб ва форс тилларидан бир хил фойдаланилган ҳолда ёзилганлиги учун айрим шарқшунослар учун

* Бухоро давлат университети доценти, сиёсий фанлар номзоди

бироз мураккаб асарлар сирасига киради. Тил тўсиқларидан ташқари унда мураккаб диний-тасаввуфий муаммолар, турли фикҳий ёки тасаввуфий мактаблар қарашларининг ёки турли бидъат ва хурофотларнинг ўзаги Қуръон, Ҳадис, Қиёс ёки Ижмо‘га мос ёки мос эмаслиги тадқиқ қилинганлиги билан ҳам ўзига хос қийинчиликларни юзага келтиради. Мазкур китоб ўтган аср бошларида бир неча бор чоп этилган бўлсада, ўзбек тилига ҳозирча тўлиқ таржима қилинмаган. Асарнинг биз учун яна бир қимматли томони шундаки, унда айрим юртимиздан етишиб чиққан машҳур алломалар билан бирга ҳали илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилинмаган юртимиз олимларининг, уларнинг айрим асарларининг номларини ёки уларга муносабатни учратамиз.

«Фасл ал-хитоб би-васл ал-аҳбоб» («Дўстларни висолга етакловчи хитоб китоби») асарини эски Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифжонов литографиясида хаттот томонидан ҳижрий 1331 (милодий 1913) йил санаси қайд этилган нусхаси асосида ўрганганимизда, унда турли масалалар ечими кўсатилаётган пайтда ватандош олимларимиздан айримларининг бу масалага доир фикрлари илова қилиб кетилганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, асарда ватандошимиз, тариқатда ўзига хос «ҳакимийа» йўналишини вужудга келтирган, машҳур «Хатм ал-авлийо’» асарининг муаллифи Абу ‘Абдуллоҳ ал-Ҳаким ат-Термизийни, улуғ аллома ал-Мустамлийни, унинг кетидан эса «ат-Та‘арруф» асари соҳиби ал-Калободийни ҳам эслайди. Шунингдек, биз учун у қадар таниш бўлмаган термизлик олим Муҳаммад ибн Ҳомид ат-Термизийни, Абу-л-Баракот ‘Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий, Абу Зайд ‘Убайдуллоҳ ибн ‘Умар ибн ‘Исо ад-Дабусий, Аҳмад ибн Маҳмуд ал-Бухорий ас-Собуний, Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий, Абу-л-Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмо‘ил ибн Иброҳим ибн Зайд ал-Ҳаким ас-Самарқандий кабиларни зикр қилиб, улар тўғрисидаги хулосаларини ва муносабатини қисқача билдириб ўтади.

Хожа Муҳаммад Порсо номларини келтираётган алломаларнинг аксарияти мутасаввифлар, сўфийлар ёки калом илми, фикҳ илми намояндalари ҳисобланади.

Маълумки, тасаввуф ва фалсафа олам ва одам моҳиятини англашнинг ўзига хос икки оқими бўлиб, ҳозиргача яшаб келмоқда. Хожа Порсо тасаввуфнинг йирик намояндalаридан бири сифатида табиийки, файласуфларга эргашмаган, уларнинг фикрларига асосан қарши томонда турган. Бу

хатто жаҳон фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшган, номи абадиётга муҳрланган зот, қомусий олим Ибн Синога нисбатан ҳам ўзгармади.

У мазкур асарида бу буюк ватандошини эслаганда унинг фикридан ўзи рад қилган хулосани келтириб, кейин Ибн Синонинг назарий билиш ақидасида хатоси бор бўлганлигини, Ибн Синонинг ўзи буни кейинчалик тушуниб, аввалги ақидасидан қайтиб, тўғри йўлга кирганлигини таъкидлайди. У ёзади: «Айрим орифлар илмул яқинни фикрий қонун ва назарий далил билан эгаллаш кийинлигини таъкидлайдилар. Моддий нарсаларни англашда фақат далил керак бўлсада, бошқа кўплаб нарсаларни англашда биргина далил мутлақо ҳеч нарса қилолмайди. Аҳли басират ва соғлом ақл эгаларига тушунарлики, англаш икки хил йўл биландир. Биринчиси кўриш ва далил келтириш йўли билан, иккинчиси ботинни поклаш ва Аллоҳ та'олога илтижо қилиш орқали эришиладиган кашф йўли билан. Назарий мартабада ҳол аввал қилган машқларимиздан тиниқлашади ва шунда қалбни поклаш ва том маънодаги фақр билан, қалбнинг борлиққа тааллуқли барча нарсалардан, билим ва қонуниятлардан бутунлай фориғ қилиш билан Аллоҳ та'олога таважжуҳ қилиш йўли кўринади».

Аҳли назарнинг устози, уларнинг муқтадоси ра'ис Ибн Сино Абу 'Али ал-Хусайн ибн 'Абдуллоҳ ибн ал-Хусайн Абу 'Али Ибн Сино ўзининг бу йўлдаги изланишларида назарий қувватнинг фитратни соғломлаштириши мумкинлигини ёки у орқали завқ ва илҳом йўлини очиш имкони борлигини рад этувчилар йўлидан кетди. У кўп ўринларда нарсаларнинг ҳақиқатларини англаш башарнинг қудратида эмаслигини, аксинча, инсоннинг бош ғояси нарсаларнинг хислатларини ва уларнинг қайси керак, қайси ноқераклигини аниқлаш эканлигини айтди. У мақсади ва фикрининг тўғрилигини қатъий баён қилган бўлсада, кейинроқ яна Ҳаққ та'олонинг маърифати масаласига қайтганда, у аввалги айтганларига хилоф гапларни айтганлиги машҳур. Ҳаётининг сўнгида у тавба қилди, ўзида бор нарсаларни камбағалларга садақа қилиб берди, мазлумларга ёрдамашди. У Қуръонни ёддан ўқиб, ҳар уч кунда хатм қиларди. 428 йилда рамазон ойининг биринчи жумасида вафот қилди ва Ҳамадонда дафн қилинди. Туғилган санаси 370 йилда дейишади, яна бир жойда 373 йил дейилган. Отаси балхлик бўлган. Бухорога Нух ибн Мансур ҳукмронлиги даврида келиб, Хармитан ва Афшона қишлоқларида иш бошқарувчи бўлган. Шу жойда уйланган ва ундан Абу 'Али дунёга келган. Кейинроқ Бухорога кўчиб борган. Ибн Сино у ерда имом Исмо'ил

аз-Зоҳиддан фикҳни ўрганган. Ал-Йофи'ийнинг тарихида Абу 'Али ҳақида ёзилишича, у ўн саккиз ёшни тўлдирмай туриб, барча илмларни тўлиқ ўрганган экан. Унинг юзга яқин асарлари бўлиб, улардан бири «Рисолат ат-тайр» дир. У мусулмон файласуфларидан ҳисобланади. Кейин у Аллоҳ та'олонинг инояти ва раҳмати билан тавба қилиб, танассук (зоҳидлик) ва табаттул (дунёдан узилиш) қилиб, ботинини софлаган экан. Яна ҳақиқатини Аллоҳ билувчирокдир».

Хожа Муҳаммад Порсо, бу асарида ўз юртдошлари орасидан энг катта эътиборини Ибн Синога қаратган. Унинг биографиясига, ҳаёт йўлига кенгрок тўхталган. Порсонинг Ибн Синога ҳурматининг баландлиги яна шундан маълум бўлмоқдаки, у нафақат Ибн Синога катта ўрин ажратган, балки, уни мазкур китобнинг асосий ўқувчилари ҳисобланган сўфийлар ва мутасаввифлар олдида оқлаб, унинг фалсафадан қайтиб, ботиний илмларни ҳам эътироф этган ва ҳаётида ҳам қўллаган киши сифатида кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Биринчи бор Ибн Сино тўғрисида бу каби хулоса берган мутасаввиф фақат унинг ўзи бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, унинг инсон руҳининг камолоти масаласига бағишланган «Рисолат ат-тайр» («Қуш рисоласи») асарини алоҳида таъкидламоқдаки, бунинг асосий сабаби Ибн Синодан илҳомланган Абу Ҳомид ал-Ғазолий, ас-Сухравардий, Нажм ад-дин ар-Розий ва Фарид ад-дин 'Аттор каби кўплаб сўфий ва мутасаввифлар бу рисолага катта қизиқиш билан қараганлар ва бу асарга суяниб, унинг умумий сюжети асосида тасаввуфий нуқтаи назардан шу каби номлар билан янги асарлар ҳам яратганлар. Бу анъана Порсодан кейинги даврда ҳам давом этиб, Навоийнинг «Лисон ат-тайр» асари дунёга келди.

Шу сабабдан Хожа Муҳаммад Порсо ўз ватандошининг бу мавзуда биринчилардан бўлиб қалам тебратган инсонлигини таъкидлаётгани, бу ҳол Хожа Порсонинг буюкликни қанчалик нозик тушунишини, шунингдек, уни эъзозлашини, бу билан эса ўзининг ҳам шу каби инсонлар тоифасидан эканлигини аниқ кўрсатиб турибди. Булардан ташқари у ўз ўқувчилари олдида тасаввуф тарихи ва назариясининг катта билимдони, етук ориф ва мутафаккирлигини кўрсатиб турибди.

Аждодларимизнинг ўз ораларини бир неча юз йилликлар ва ғоявий қарама қаршилик ажратиб турган бўлсада, кейингиларнинг аввалгиларга чуқур ҳурмат кўрсатганлиги биз авлодларга ўрнак эканлиги шубҳасизир.

«АЛ-ЖОМИ‘ АС-САҲИХ» – ҚУРЪОНИ КАРИМДАН КЕЙИНГИ АСОСИЙ МАНБА

Олимхон Юсупов*

Имом Бухорийнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» асарлари Ислому оламида Аллоҳ та‘олонинг китобидан сўнг асосий манба экани шубҳасиз. Ер юзидаги барча жумхур уламолар «Саҳиҳ Бухорий» Аллоҳ та‘олонинг китоби Қуръони каримдан кейинги энг ишончли ва саҳиҳ китоб эканлигига иттифоқ қилганлар ва бу китобни катта иноят билан қабул қилиб, юқори мақомга қўйганлар.

Имом Нававий, раҳматуллоҳи ‘алайх, ўзининг «Саҳиҳ Муслим» га ёзган шарҳи мукаддимасида қуйидагиларни ёзади: «Уламолар Қуръони ‘Азиздан кейинги энг саҳиҳ китоблар Бухорий ва Муслимнинг саҳиҳларидир. Уммуат бу икки китобни қабул қилиб олгандир. Бухорийнинг китоби иккисидан саҳиҳроғи ва фойдалироғидир. Собит бўлган ҳақиқат шулки, Муслим Бухорийдан фойдаланган кишилардандир. У ҳадис илмида Бухорий беназир эканини эътироф қилгандир. Бухорийнинг китоби афзал экани ҳақида биз зикр қилган нарса ҳадис сирларини яхши билган моҳир устозлар тан олган ҳақиқатдир».

Имом Дорақутний ёзади: «Агар Бухорий бўлмаганида Муслим кетмасди ҳам, келмасди ҳам. Муслим нима қилган? Фақатгина Бухорийнинг китобини олиб, унинг асосида баъзи ҳадисларни чиқарган ва баъзи зиёдалар киритган, холос».

Бу китоб ҳақида сўз очилар экан, беихтиёр ўқувчи зеҳнида саҳиҳ ҳадислар ва машаққатли сафар қийинчиликлари гавдаланади. Аммо, биз бу мақоламизда машаққатли сафарлар ёки Имом Бухорийнинг қувваи ҳофизалари ҳақида сўз юритмоқчи эмасмиз. Балки бу китобни ёзилишига сабаб бўлган омиллар ҳамда «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» га нисбатан билдирилган

* Ҳадис илми мактаби ректори

фикрлар ва бугунлик кунда китобнинг сақланиб қолган нусхалари ҳақида бақадри имкон маълумот бериб ўтмоқчимиз.

Иброҳим ибн Ма‘қил ан-Насафийдан ривоят қилинади: Абу ‘Абдуллох Муҳаммад ибн Исмо‘ил Бухорий шундай дедилар: «Биз, Исҳоқ ибн Роҳвайҳнинг ҳузурда эканимизда, у: «Агар сизлар Расулуллох, соллаллоху ‘алайҳи ва-салламнинг, ҳадисларидан саҳиҳларини ихчам ҳолда жамласанглр эди», – деди. Шунда қалбимга буни амалга ошириш фикри тушди ва «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳни» тўплашга киришдим» [1, муқаддима].

Абу ‘Али Ғассоний, Бухорийдан қилган ривоятида шундай дейди: «Мен уни (яъни, «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ») китобидаги саҳиҳ ҳадисларни олти юз минг ҳадис ичидан танлаб олдим» [1].

Исмо‘илий эса, Бухорийдан қилган ривоятида шундай дейди: «Мен бу китоб (яъни, «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ») га фақат саҳиҳ бўлган ривоятларнигина киритдим. Аммо саҳиҳ ривоятлардан китобга киритмай тарк қилганларим, киритганларимдан кўра кўпроқ бўлди» [1].

Фирабрий, Муҳаммад ибн Аби Ҳотам Бухорийдан ривоят қилиб дейди:

«Тушимда Муҳаммад ибн Исмо‘илни кўрдим. У, Набий, соллаллоху ‘алайҳи ва-салламнинг, ортларидан юриб борарди. Қачонки Набий, соллаллоху ‘алайҳи ва-саллам, қадамларини кўтарсалар, ўша жойга Бухорий қадамини кўяр эди» [1].

Таъкидлаб ўтганимиздек, бу китоб барча аср уламолари томонидан энг тўғри ва мўътабар манба деб эътироф этилган. Баъзи кишиларнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» ҳақида юзага келган ногўғри тасаввурларининг негизи – ровийларнинг ихтилофлар сабабидир [Ҳадис матнининг ҳар хил лафзлар билан ривоят қилинишидир]. Бу баъзилар ўйлаганидек «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» га нисбатан салбий ёндашувни келтириб чиқармайди. Балки бу табиий ҳол бўлиб, муҳаддис уламолар ўз мусаннафотларини ёзишда илмий жиҳатига қанчалик диққат билан ёндашганликларини, ўз шайхларидан олган ҳадисларни қайта кўриб чиқиб, хатоларини тўғрилашда бардавом бўлганларини, манбаларга қайта-қайта мурожаат қилишга ўта талабчан бўлганликлари ва уни пухта билганликларини фикр қилиш имконини беради.

Бу каби эътиборни нафақат «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» ҳақида, балки Имом Моликнинг «Муватто’» китоблари ҳақида ҳам айтишимиз мумкин. Бу китобда ҳам ровийларга қайта-қайта мурожаат қилингани учун ҳадис ривоятлари бир нечта бўлганини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари бошқа

ҳадис китобларида ҳам ровий ва ривоятларнинг кўплиги, мусулмонлар далилларнинг ишончли ва аниқлигига беҳад эътиборли бўлганликларига далолат қилади.

Имом Бухорий ўз мусаннифотларига катта эътибор қаратганлар. Бу ҳақида у кишининг ўзлари шундай дейдилар: «Барча китобларимни уч мартадан тасниф қилиб чиқдим», яъни қайта-қайта кўриб сўнг вароққа туширганлар [2, с. 403].

«Ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» хусусида Ҳофиз Ибн Ҳажар шундай дейдилар: «Имом Бухорий ундаги ҳадисларни шаҳарлардан тўплаган бўлсаларда, уларни тартибга солиш ва бобларга ажратиб ёзишни Масжид Ҳаромда бошлаганлар. Ўн олти йил мобайнида уларни қоғозга туширганлар. Аммо бу муддатни тўлиқлигича Маккада ўтказмаганлар».

Ибн ‘Адининг бир қанча ҳадис шайхларидан қилган ривоятида: «Имом Бухорий «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» китобларини Набий, соллаллоҳу ‘алайҳи ва салламнинг, қабрлари ва минбарлари ўртасида ёзганлар. Ҳар бир ҳадисни ёзишдан олдин икки рақ‘ат намоз ўқирдилар» дейди.

Имом Бухорийнинг ўзлари бу ҳақда: «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» китобимни Масжид ал-Ҳаромда тасниф қилдим. Унга, икки рақ‘ат намоз ўқиб, Аллоҳ та‘олодан истихора қилиб, саҳиҳлигига ишонч ҳосил қилмагунимча, бирор бир ҳадисни киритмадим», – деганлар. Юқорида айтилганидек, унинг таснифи Маккаи Мукаррамада бошланиб Мадинаи Мунавварада давом этган.

Абу Жа‘фар ал-‘Уқайлий: «Бухорий ўзининг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» китобини тасниф қилгач, уни Ибн ал-Мадиний, Аҳмад ибн Ҳанбал, Йаҳйё ибн Му‘ин ва бошқаларга кўрсатди. Улар китоб ҳақида яхши фикр билдириб китобдаги тўртта ҳадисдан бошқа, барча ҳадисларнинг саҳиҳлигига гувоҳлик беришди» – деди. ‘Уқайлий: «Сўз, Имом Бухорий айтганидек. У саҳиҳдир», – деди [3, с. 12].

Имом Бухорий ҳадисларни ва «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» китобларини ёзиб олишлари учун илмий мажлис ташкил этган эдилар. Фирабрийнинг айтишича, Имом Бухорийнинг ўзидан тўқсон минг киши ҳадис эшитган. У кишидан охириги ҳадис эшитган одам Бағдодда Қози Хусайн ал-Маҳомиллий бўлган [3, с. 4].

Ибн Рушайд «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» китоби ҳақида шундай дейди: «Сўнг бу китоб Фирабрийдан мутавотир бўлди. Бас мусулмонлар уни маржон қилиб тақиб олдилар ва унга ижмо‘ бўлдилар» [3, с. 11].

Муҳаддислар Имом Бухорийнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» китобларига бениҳоя эътибор билан ёндашдилар. Имом Бухорийнинг шогирди Фирабрий «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» китобини Бухорийнинг ўзидан 90.000 (тўқсон минг) киши эшитганини айтиб ўтади [3, с. 11].

«Ҳозирги кунда «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ»нинг қўлёзма нусхалари сақланиб қолганми ёки йўқми?» деган савол барчамиз учун долзарб савол саналади. Ғарб ва Шарқдаги мусулмонлар «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ»нинг нусхаларига эга бўлиб, уларни масжидлар, хос ва умумий кутубхоналарга қўйишга, улардан барча бирдек фойдаланишига талабчан бўлганлар. Кейинчалик мусулмон мамлакатлари душманлар томонидан босиб олинган, у китоб ва қўлёзмалар ўғирлаб кетилган ва талон-тарож қилиниб турли давлатлардаги кутубхоналарга олиб кетилган. Имом Бухорийнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» асарларининг қўлёзма нусхалари энг кўп ёзилган асар сифатида эътироф этилади.

Ҳозирда «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ»нинг тўлиқ бўлаклари ёки баъзи қисмлардан иборат қўлёзма нусхаси дунёнинг 2327 (икки минг уч юз йигирма етти) та кутубхоналарида сақланмоқда. Жумладан: Мадинаи Мунавварадаги «Малик ‘Абд ал-‘Азиз» кутубхонасида ушбу китобнинг 226 та асл нусхаси мавжуд. Уларнинг баъзиси тўлиқ ва баъзиси бўлақлардан иборат ҳолда сақланмоқда [3, с. 33].

Биз буюк ватандошимиз Имом Бухорийнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» китоблари ҳақида бақадри имкон маълумот бериб ўтдик. Шояд бу маълумотлар ул зотнинг ҳаётлари ва асарларини янада қизиқиб ўрганишимизга туртки бўлса.

Ҳозирда «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» нинг сақланиб қолган баъзи нусхаларидан намуналар:

Адабиётлар:

1. Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳ ал-бори. Байрут: Дор ал-Ма‘рифат, 1379.
2. Шамс ад-дин Заҳабий. Сийар а‘лам ан-нубала’. Байрут: Му‘ассасат ар-Рисала, 1993.
3. Доктор Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Карим ибн ‘Убайд. Ривоят ва нусах ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ. Макка-и Мукаррама, 2006.

ИМОМ-ЗОДА БУХОРИЙНИНГ «‘УҚУД АЛ-‘АҚО’ИД» МАНЗУМАСИ КАЛОМ ИЛМИГА ОИД МУҲИМ МАНБА

Тоҳир Эвадуллаев*

Маълумки, қадимий Бухоро заминидан илм-фаннинг барча соҳаларида кўплаб аллома ва мутафаккирлар етишиб чиққан. Айниқса, буюк аждодларимиз тарафидан ёзилган асарлар тарихий қўлёзма ва тошбосма асарлар ҳолида ҳозиргача дунё аҳлини ўзига жалб қилиб келмоқда. Кейинги пайтларда ўтмишда яшаб, ўзларининг сермахсул ижодлари билан ислом маданиятининг турли соҳаларига бағишлаб кўплаб асарлар ёзиб қолдирган алломаларимизнинг ҳаётлари ва бой илмий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Муҳтарам президентимиз Ш. Мирзиёев юртимиздан чиққан алломалар ҳақида шундай дедилар: «Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани мукамал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз – ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин» [1].

Тарихда «Имом-зода» номи билан танилган Муҳаммад ибн Аби Бакр Бухорий ҳам ана шундай алломалардан бири бўлган. Аллома Бухородан Самарқандга қараб юришда 4 фарсах (23 км) узоқликда жойлашган «Шарғ» қишлоғида ҳижрий 491/1098 милодий йилда таваллуд топган [2, Ж. 1, б. 370].

Аллома туғилган қишлоқ номида тарихчи олимлар ўртасида турли қарашлар бўлган. Баъзи олимлар бу қишлоқ номини «Чарғ» деб ҳам айтишган. Вақтлар ўтиши билан мазкур қишлоқ номи «Жарғ» ва «Шарғ» тарзида ёзилган ва талаффуз қилинган. ‘Абд ал-Ҳайй Лакнавий ва Абу-л-Вафо’ Қурашийлар

* Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази, Самарқанд филиали директори

ушбу кишлокни «Жуғ» номи билан аташган ва алломага «Жуғий» нисбасини беришни маъқул деб ҳисоблашган. Аммо ‘Абд ал-Карим Сам‘оний ва Йоқут Ҳамавийлар ўзларининг асарларида «Жуғ» (جوغ) сўзини ёзилишида хатолик ўтган. Аслида «Жуғ» сўзидаги و харфи ُ бўлиб, бу сўз «Жарғ» (جرغ), яъни «Чарғ» сўзини араб тилидаги ёзилиши дейишган ва араб тилида «Ч» харфи бўлмаганлиги боис, уни «Ш» харфи билан ёзишган.

Муҳаммад ибн Жа‘фар Наршахийнинг маълумотларига кўра, «Шарғ» ўша пайтларда Бухоронинг энг яхши кишлоқларидан бири бўлган [4, б. 96].

Аллома ўз даврида «Имом-зода», «Шарғий», «Жуғий», «Жарғий», «Рукн ал-Ислом», «Во‘из», «Муфтий аҳл-и Бухоро», «Мажд ад-дин» ва «Садид ад-дин» каби лақаблар билан аталган.

Муҳаммад ибн Аби Бакр Бухорода яшаб ижод қилган ва у ерда муфтийлик вазифасида ҳам фаолият олиб бориб, фикҳ ва калом соҳасида етук аллома бўлган [5, Ж. 6, б. 54].

Манбаларда, Имом-зода Бухорий Абу-л-Фазл Бакр ибн Муҳаммад ибн ‘Али Заранжарий (ваф. 512 й.) [2], Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн ‘Абдуллоҳ ибн Фо‘ил Сурхакатий (ваф. 518 й.) [2], Ради ад-дин Нишопурий ва Хожа Йусуф Ҳамадоний (ваф. 535 й.) лардан фикҳ ва калом илмларини ўрганганлиги қайд этилган.

Бурҳон ал-Ислом Зарнужий (ваф. 610 й.), Шамс ал-А‘имма Муҳаммад ибн ‘Абд ас-Саттор ибн Муҳаммад ‘Имодий Кардарий (ваф. 642 й.), Жамол ад-дин Абу-л-Фазл ‘Убайдуллоҳ ибн Иброҳим Маҳбубий Бухорий (ваф. 630 й.), Аҳмад ибн ‘Абд ал-Малик ибн ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз ва Са‘д ад-дин Муҳаммад ибн Муҳаммад ‘Авфийлар эса Имом-зоданинг шогирдлари бўлишган [2, Ж. 1, б. 546; Ж. 2, б. 362].

Имом-зода Бухорий Мовароуннаҳрда Имом Мотуридийдан кейин унинг таълимотини тарқатган ва ривожланишига ўзларининг ҳиссасини қўшган Абу-л-Ҳасан Сирож ад-дин ‘Али Фарғоний Ўший (ваф. 575 й.) ва Нур ад-дин Собуний Бухорий (ваф. 580 й.) лар билан замондош бўлган.

Абу-л-Му‘ин Насафий (ваф. 508 й.), Иброҳим Саффор Бухорий (ваф. 534 й.), Абу Ҳафс Нажм ад-дин ‘Умар Насафий (ваф. 537 й.), Абу Бакр ‘Ало’ ад-дин Самарқандий (ваф. 539 й.), Абу-с-Сано’ Маҳмуд Ломиший (ваф. 539 й.) ва Абу-л-Фатҳ ‘Ало’ ад-дин Усмандий (ваф. 552 й.) каби фақиҳ ва мутакаллим алломаларни ўзининг шайхлари деб эътироф этган [3, б. 23].

Имом-зода Бухорий Бухорони Мўғуллар томонидан босиб олган дастлабки

йилларда, яъни ҳижрий 573/1177 милодий йилда вафот этган. Унинг қабри ва қаерда дафн этилгани тўғрисида аниқ маълумотлар берилмаган. Манбаларда келтирилишича, аллома ва унинг Мас‘уд исмли ўғли Мўғулларга қарши ўтган жангда шаҳид бўлишган. Бу мудҳиш санани тарихчи Ибн ал-Асир «Тарихда эркаклар, аёллар ва болалар энг кўп йиғлаган кун, ўша кун эди» деб ёзиб қолдирган [6, Ж. 9, б. 415; 7; Ж. 5, б. 308].

Муҳаммад ибн Аби Бакр ҳақида уламолар шундай фикрларни билдиришган:

1. ‘Абд ал-Карим Сам‘оний: «Муҳаммад ибн Аби Бакр Бухоро аҳлининг муфтийси эди».
2. ‘Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад Қураший: «Муҳаммад ибн Аби Бакр, факих, шоир, парҳезкор, чиройли сийратли, яхшилиқ аҳлларида ва диндор эди. Унинг бир жилдли нафис ва кўп фойдали «Шир‘ат ал-ислам» асарини кўрдим» [2, Ж. 1, б. 36].
3. Йўқут Ҳамавий: «Муҳаммад ибн Аби Бакр илм аҳлларида эди» [8, Ж. 3, б. 335].
4. Ҳожи Халифа: «Муҳаммад ибн Аби Бакр «Садид ад-дин», яъни диннинг ҳимоячиси эди. Унинг бир жилдли, кўп фойдали ва нафис «Шир‘ат ал-ислам» ва «‘Уқуд ал-‘ақо’ид фи фунун ал-фаво’ид» номли манзума шаклида ёзилган китоблари мавжуд» [9, Ж. 2, б. 1041].
5. Хайр ад-дин Зириклий: «Муҳаммад ибн Аби Бакр «Рукн ал-ислам», яъни исломнинг устуниси эди. Унинг китоби «Шир‘ат ал-ислам» 61 фаслдан иборат бўлиб, қўлёзмасини Бруссавий ўзининг «Мафатих ал-жинан ва-масабиҳ ал-жанан» китобида шарҳлаган» [5, Ж. 6, б. 54].
6. ‘Умар Каҳҳола: «Муҳаммад ибн Аби Бакр факих ва мутакаллим бўлиб, унинг «Шир‘ат ал-ислам» ва «‘Уқуд ал-‘ақо’ид фи фунун ал-фава’ид» номли асарлари мавжуд» [10, Ж. 9, б. 116].
7. Карл Броккелман: «У Рукн ал-ислам, Садид ад-дин Муҳаммад ибн Аби Бакр Бухорий Имом-зода бўлиб, ҳижрий 491/1098 милодий йил раби‘ ал-аввал ойида туғилган. Бухоро аҳлининг муфтийси бўлиш даражасига етган. У шоир ва мутасаввиф эди. Ҳижрий 573/1177 милодий йил вафот этган» [11, Ж. 3, б. 675].

Алломанинг илмий мероси ўрганилар экан, унинг қаламига оид учта асар аниқланди. Улар: «Шир'ат ал-ислам», «'Уқуд ал-'ақо'ид» ва «Ғаро'иб ал-Қур'он» асарларидир. Туркиялик олим Ражаб Жижи Имом-зоданинг «Шурут ас-салот» номли китоби ҳам борлигини қайд этган.

«'Уқуд ал-'ақо'ид» китоби назмий услубда ёзилган бўлиб, унинг қўлёзма нусхалари ҳозирда Туркия, Миср, Буюк Британия китоб фондларида сақланиб келмоқда. Ушбу манзумага Ҳамид ад-дин Ҳомид ибн Аййуб Қураший «Мирқот ал-мубтадийин», яъни (Бошланғич таълим олувчилар ойнаси) номли шарҳ ёзган. Ушбу шарҳ Британия музейида 7708 рақам билан сақланади [11, Ж. 6, б. 305].

Манзуманинг тўлиқ номи «'Уқуд ал-'ақо'ид фи фунун ал-фава'ид», яъни (Фойдали илмлардаги эътиқод маржонлари) бўлиб, манзума 770 байтдан иборат. Манзума калом илмига оид энг узун ва қадимий манзума ҳисобланади. Манбаларда келишича, манзума 560 ҳижрий санада ёзилган [3, б. 16].

Имом-зоданинг ушбу асари эътиқодий масалаларга бағишланган бўлиб, содда ва тушунарли тарзда назмий услубда ёзилган. Мусанниф манзумани бобларга ажратиб, бобларни эса фаслларга бўлган. Ҳар битта фасл камида икки байт ва кўпи билан йигирма олти байтни ўз ичига олган.

Мусанниф эътиқодий масалаларни баён қилиш билан бирга баъзи ақидада адашган мазҳаблар, фалсафий мушоҳада қилувчилар, даҳрийлар, мунажжимлар, бидъатчи фирқалардан бўлмиш жаҳмийлар, ботинийлар, жабарийлар, мушаббихчилар, рофизийлар, қадарийлар ва му'тазиллийларга раддиялар бериб кетган.

Ушбу манзума муқаддима, тўққизта боб ва хотимадан иборат. Бобларнинг тақсимланиши куйидагича:

- Манзума муқаддимаси 1-27 байтлар.
- Боб 1. Аллоҳга унинг феълий ва зотий сифатларига иймон келтириш ҳақида. Бу боб ўз ичига 27 фаслни олган ва 28-байтдан 180-байтгача.
- Боб 2. Пайғамбарлар, расуллар, фаришталар ва кутбларга иймон келтириш ҳақида. Бу боб ичига 25 фаслни олган ва 181-байтдан 352-байтгача.
- Боб 3. Иймон ва унинг аҳкомлари тўғрисида. Бу боб ичига 27 фаслни олган ва 353-байтдан 430-байтгача.

- Боб 4. Тавба ва то‘ат ҳақида. Бу боб ичига 12 фаслни олган ва 431-байтдан 478-байтгача.
- Боб 5. Турли масалалар ҳақида. Бу боб ичига 14 фаслни олган ва 479-байтдан 542-байтгача.
- Боб 6. Турли масалалар бўлиб, уларни ақл эгалари билиши зарур деб топилган. Бу боб ичига 18 фаслни олган ва 543-байтдан 632-байтгача.
- Боб 7. Охират аҳкомлари ҳақида. Бу боб ичига 20 фаслни олган ва 633-байтдан 681-байтгача.
- Боб 8. Тортишиш ва талашишнинг ҳаромлиги, бидъат ва адашганлар билан мунозара қилиш ҳақида. Бу боб ичига 4 фаслни олган ва 682-байтдан 707-байтгача.
- Боб 9. Бидъат ва адашганларнинг сўзларидан куфрни вожиб қиладиган нарсалар ҳақида. Бу боб ичига 1 фаслни ичига олган, 708-байтдан 741-байтгача.
- Манзума хотимаси 742-байтдан 770-байтгача бўлиб, шу билан китоб якунланган.

Бугунги кунда Имом-зода Бухорий ҳаёти ва илмий мероси бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, бу борада Туркия олимлари ўта самарали ишларни амалга ошириб келишган.

2018 йил Мармара университети тадқиқотчиси Муҳаммад ‘Усмон Дўғон ушбу «‘Уқуд ал-‘ақо’ид» номли манзумани таҳқиқ қилиб, нашрдан чиқарди. У бу илмий иши давомида Туркия китоб фондларида сақланиб келаётган олти нусхани топишга муваффақ бўлган ва уларни қиёслаб ўрганган.

Унинг хулосаларига қараганда, «‘Уқуд ал-‘ақо’ид» асарининг энг қадимги нусхаси ҳозирда Кастамону шаҳридаги кутубхонада сақланиб келмоқда. Бу нусха 659 ҳижрий йили Ўтамиш ибн Сулаймон исмли хатот томонидан Бухоронинг ҳозирги Вобкент туманига қарашли Хайробод қишлоғида рамазон ойининг 4-кунида қўчирилган.

Асар мотуридийа таълимоти бўйича эътиқодий масалаларини кенг ёритилиши, турли ботил адашган ақидавий таълимотларга ишончли манбалар асосида раддиялар бериши билан катта аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу асар софдил, ихлосманд халқимиз

ва ёшларимизнинг турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолмасликларида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Асарнинг ўрганилиши эса юртимиздан чиққан Имом-зода Бухорийдек алломаларимиз ва улар ёзиб қолдирган бой илмий меросни кенг халқ оммаси, хусусан, илм аҳлига янада яқиндан таништиришда ўз ифодасини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 29 март куни ‘Абд ал-Холик Ғиждувоний макбарасига қилган зиёрат ташрифидаги нутқи // <https://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev-abdukholi-izhduvoni-mazhmuasi0-marifat-mar-29-03-2019>
2. Қураший, Абу Муҳаммад ‘Абд ал-Қодир ибн Аби-л-Вафо’ Муҳаммад ибн Муҳаммад Мисрий. Ал-Жавоҳир ал-мудийа фи табақот ал-ҳанафийа. Байрут, 1993.
3. Муҳаммад ‘Усмон Дўғон. ‘Уқуд ал-‘ақо’ид фи фунун ал-фава’ид. ‘Амман: Дор ал-Фатҳ ли-д-дираса ва-н-нашр, 2018.
4. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент: Камалак, 1991.
5. Зирикли, Хайр ад-дин. Ал-А’лом. Байрут: Дор ал-‘илм ли-л-малайин, 1998.
6. Шамс ад-дин Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ‘Усмон Заҳабий. Та’рих ал-ислам.
7. Ибн ал-Асир. ал-Комил фи-т-та’рих. Байрут, 1997.
8. Йоқут Ҳамавий. Му‘жам ал-булдон. Байрут, 1979.
9. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ‘ан асами ал-кутуб ва-л-фунун». Истанбул, 1360-1362/1941-1943.
10. ‘Умар Ризо Каҳҳола. Му‘жам ал-му’аллифин. Байрут, [нашр йили кўрсатилмаган].
11. Броккелман, Карл. Араб адабиёти тарихи. Дор ал-ма‘ориф, 1993.

«ЛУБОБ АЛ-КАЛОМ» АСАРИ ВА УНИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

Отабек Бозорович Муҳаммадиев*

Мовароуннаҳр тарихи, маданияти ва маънавиятини юксак даражага қўтаришда самарқандлик алломаларнинг ҳам ўрни бекиёс бўлган. Бу соҳада нафақат Самарқанд шаҳри балки, унга қарашли бир қанча қишлоқларидан етишиб чиққан муҳаддис, фақиҳ, мутакаллим ва дунё илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган алломаларни ҳам тилга олиб ўтишимиз мумкин.

Шундай алломалардан бири, ўз даврининг машҳур фақиҳ ва мутакаллим олими, мутафаккир – Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Ҳамид Усмандий Самарқандийдир [Илл. 11]. Аллома ўзидан сўнг ҳозирги кунгача ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган улкан илмий мерос қолдирди. Хусусан, унинг қаламига мансуб «Лубоб ал-калом», «Тарикат ал-хилоф байн ал-аслоф», «Базл ан-назар фи-л-усул» ва «Мизон ал-усул» асарлари алоҳида аҳамиятга эга.

Олимнинг тўлиқ исми – Абу-л-Фатҳ ‘Ало’ ад-дин Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Ҳамид ибн ‘Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Усмандий Самарқандий бўлиб, унинг туғилган ва вафот этган йили ҳақида манбаларда турли маълумотлар келтирилган. Баъзи манбаларда «Аллома 408/1017 йилда Самарқандда туғилиб, 502/1109 йилда шу ерда вафот этган» [1, б. 85], – деб келтирилса, кўпчилик манбаларда «У 488/1095 йили Самарқанд қишлоқларидан бири «Усманд» да таваллуд топиб [Илл. 10], 552/1157 йилда 64 ёшида вафот этган» [2, Т. 2, б. 74-75], – дейилади. Табақот асарларида Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Ҳамид ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Ҳамза Усмандий, Самарқанд аҳлидан бўлиб, «Оламнинг устуни» сифати билан машҳурдир

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директор ўринбосари

[3, том 1, б. 156], – деб келтирилади.

Аллома қатор исломий илмларда, айниқса, фикҳ, ҳадис ва калом илми, шунингдек, турли мазҳаблар ўртасидаги ихтилофларни ўрганадиган махсус соҳа ҳисобланган ‘илм ал-хилоф бўйича етук олим ҳисобланган. У мазкур соҳалардаги илм аҳллари орасида бўладиган баҳс ва мунозараларда ўзининг чуқур билими, беназир иқтидори ва фавқуллодда салоҳияти билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам у илм аҳли орасида «‘Ало’ ал-‘олам» [3, том 1; 4] («Оламнинг устуни»), «ал-‘Ало’» («Устун»), «ал-‘Ало’ ас-Самарқандий», «‘Ало’ ад-дин» [5; 4] («Диннинг устуни») каби юксак лақаблар билан машҳур бўлган.

Манбаларда алломанинг турли соҳалар бўйича ўнга яқин асарлар ёзгани қайд этилади. Ҳозирда уларнинг қўлёзма ва микрофильм нусхалари дунёнинг қатор кутубхоналарида сақланмоқда.

Алломанинг «Лубоб ал-калом» («Калом илмининг жавҳари») асари Истанбулдаги ислом тадқиқотлар маркази (ISAM) доктори Муҳаммад Саид Узерварли томонидан илмий асосда чуқур таҳқиқ қилиниб, 2005 йилда «Исам яйынлари» нашриёти томонидан чоп этилган. Узерварли Туркия кутубхоналаридаги фикхистлардан калом илмига оид қўлёзма асарларни қидириш асносида «Лубоб ал-калом» нинг икки нусхасини топишга муяссар бўлган. Шунингдек, у ўзи таҳқиқ қилган «Лубоб ал-калом» да мазкур асарнинг иккита мажму‘а таркибида келганлигини ёзади [6, с. 21].

Шулардан бири Сулаймония кутубхонасининг Қора Чалабийзода қисмида 347-ашёвий рақам билан қайд этилган мажму‘а бўлиб, унда куйидаги асарлар мавжуд [Илл. 9]:

- Нур ад-дин Собунийнинг «ал-Кифойа мин ал-хидойа» асари (1^а-81^а);
- «Лубоб ал-калом» (25^а-125^а);
- Сирож ад-дин Ўшийнинг «Қасидат ал-амолий» рисоласи (153^а-156^б);
- икки варақдан иборат муаллифи ва номи номаълум қасида;
- Абу-л-Му‘ин Насафийнинг «Китоб ат-тамҳид» асари (159^б-203^а);
- муаллифи номаълум бўлган «Бурҳон ал-ҳақо‘ик» асари;
- Абу-л-Хусайн ‘Али ибн Аби Бақр Найсобурийнинг «Таҳзиб масо‘ил ал-фикҳ» асари [6, б. 21].

Асарнинг мазкур нусхаси жуда эски бўлиб, кўпчилик ҳарфлари фарқлаб

бўлмайдиган даражага келган. Асар 1303 йил хаттот ‘Али ибн Нажм ад-дин томонидан наста‘лик хатида кўчирилган. Мазкур асарнинг Усмандийга тегишли эканлигини тасдиқловчи маълумот матннинг ибтидосидаги ҳамд ва салавотдан кейин зикр этилган.

Асарнинг иккинчи нусхаси Сулаймония кутубхонасининг Шаҳид ‘Али Пошо қисмида 1704-ашёвий рақам билан қайд этилган мажму‘а таркибида келган бўлиб, унда куйидаги асарлар мавжуд [Илл. 8]:

- Нур ад-дин Собунийнинг «Китоб ал-бидойа фи-л-усул» асари (1^б-30^б);
- бор-йўғи икки варақдан иборат «Васийат Аби Ҳанифа» рисоласи (30^а-32^а);
- «Китоб тасҳиҳ ал-и‘тиқод» номи остида келган «Ўубоб ал-калом» (33^б-84^а);
- муаллифи номаълум «Китоб ал-мухаммасот» (85^б-89^а);
- Абу Мансур Мотуридийга мансуб «Китоб усул ад-дин» (90^б-102^а);
- ‘Али Бухорийнинг «Шарҳ қасидат ал-ломийа» асари (103^а-121^а).

Асарнинг бу нодир қўлёзма нусхаси хаттот Йусуф ибн Байрамбек ибн Исмо‘ил ибн ‘Исо томонидан 1314 йилда кўчирилган. Биринчи нусханинг кириш қисмидаги алоҳида бир вараққа (92^а) битта сатрга йирик ҳарфлар билан «Ўубоб ал-калом» деб ёзилган [4, с. 176]. Асарга бу номни муаллифнинг ўзи берганми ёки унинг вафотидан кейин бошқалар асарни шундай атаганларми, буниси бизга маълум эмас. Чунки Усмандийнинг ҳаёти ва унинг асарлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган табақот асарларининг кўпчилигида алломанинг каломга оид асари бўлгани зикр этилса-да, лекин унинг исми аниқ кўрсатилмайди. Шу жиҳатдан, баъзи ёзма манбаларда алломага нисбат берилаётган «Китоб ал-ҳидойа фи усул ал-и‘тиқод» ёки «ал-Ҳидойа фи-л-калом» [Дор ат-турос кутубхонаси] мазкур тадқиқот объекти ҳисобланган «Ўубоб ал-калом» асарининг айнан ўзи эканлиги ҳақиқатга яқинроқ. Зотан, муаллифнинг ўзи ҳам асарни «ҳидойатан ли-л-мубтади’ фи тасҳиҳ ал-и‘тиқод» («эътиқодни соғломлаштириш, тузатиш йўлида дастлабки қадам ташлайдиганларни ҳидоят йўлига бошлаш») мақсадида ёзганини алоҳида таъкидлаган. Бу эса, ўз навбатида, юқорида баён этган фикримизнинг тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Асарнинг иккинчи нусхасидаги «Китоб тасҳиҳ ал-и‘тиқод» номи

асарнинг бошида келтирилган «Лийакуна хидойатан ли-л-мубтади фи тасхих ал-и‘тиқод» иборасидан олинган бўлиши ҳам мумкин.

Бизнингча, асарнинг ҳақиқий ва тўғри номи биринчи нусханинг бошида келтирилган «Лубоб ал-калом»дир.

Аллома ушбу асарни ёзишда ханафий мазҳаби олимлари ва айниқса, мотуридий мутакаллимлари йўлидан бориб, шу эътиқодга қатъий амал қилган. Асар муқаддимасида усул ад-дин ва унга тааллуқли бўлган ‘илм ва назар, бандаларнинг феъллари, имон, исмлар ва ҳукмлар ва ниҳоят охират ва имоматга тегишли калом илмига оид муҳим масалалар бўйича ўз қарашларини баён этган.

‘Илм ва назар ҳақидаги бобда аллома илмга таъриф бериш жараёнида уларнинг ҳам мартабаси борлигини таъкидлаган ҳамда жами илмлар орасида тавҳид, яъни калом илмининг алоҳида ўринга эгаллиги, унинг бошқа илмлардан айрим жиҳатлари билан ҳатто афзал ҳам эканлигини далиллар орқали баён этган.

Шунингдек, ушбу бобда ҳиссинг беш тури [7, ж. 2, б. 1187], ақл ва тўғри хабар ҳақида ҳам фикр билдирилган. Бундан ташқари, аллома ўз асарида нубувват, пайғамбарлар мўъжизалари, илоҳий китоблар, Қуръондаги ривоятлар ва келажак ҳақидаги башоратларга алоҳида тўхталган.

Усмандий бандаларнинг амаллари («Аф‘ол ал-‘ибод») масаласида фикр юритиб, ўз қарашларида жабарийлар ва му‘тазилийларнинг ғояларини мувофиқлаштиришга уринган. Унинг фикрича, Аллоҳ та‘оло инсонни яратиб, яхши ва ёмонни, фойда ва зарарни ажрата олиши учун унга ақл ва иродани берган. Бандаларнинг амалларини Аллоҳ йўқдан бор қилади, аммо уни касб қилиш ва ўзлаштириш банд томонидан амалга оширилади. Аллоҳ бандасига маълум бир ишни қилиш вақтида унга куч ва қудрат ато этади. Шу билан бирга, Аллоҳ бандасининг зиммасига унинг тоқати ва қудратидан ортиқ нарсани юкламайди. Аммо инсоннинг амалларидан ҳисобланган катта ва кичик гуноҳлар ҳам, гарчи Аллоҳнинг розилигига хилоф бўлса-да, Яратганнинг иродаси ва яратишига биноан содир бўлади.

Бу қарашлар юртимизда асрлар давомида амал қилиб келинаётган аҳл ас-сунна ва-л-жамо‘а эътиқодига ҳамоҳанг бўлиб, ўз ўрнида му‘тазилийа, жабарийа ва уларнинг фикрларини қабул қилган айрим адашган тоифаларга ўринли раддия ҳам ҳисобланади.

Бундан ташқари, асарда имон, охират, қабр азоби, Мункар ва Накир,

мизон, сирот кўприги, шафо'ат, имомат каби калом илмининг муҳим масалаларига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Усмандий ўзининг «Лубоб ал-калом» асарида калом илмига оид муҳим масалаларнинг таҳлилида, кўриниб турганидек, мотуридия ақидавий мазҳаби амал қилган тамойилларга таянган. Бу эса, ҳозирги ғоялар кураши авж олган бир даврда аждодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий мерос халқимиз, хусусан, ёшларимизга муқаддас динимизнинг асл мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, айниқса, ақидавий масалалар ҳақида баҳс юритувчи калом илмининг мотуридий йўналиши қарашларини баён қилиш, ботил даъволарни илгари сураётган айрим оқим ва фирқаларга ғоявий зарба беришда дастуруламал сифатида муҳим омиллардан ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Атаев М. Жиззах алломалари. Тошкент: Adib, 2014.
2. 'Абд ал-Қодир ибн Аби-л-Вафо' Кураший. *ал-Жавоҳир ал-мудийа фи табақот ал-ҳанафийа*. Байрут: Му'ассасат ар-рисола, 1993.
3. Абу Саъд Абдулкарим Самъоний. Насабнома, 1-жилд / Арабчадан Абдулғаффор Раззоқ таржимаси. Бухоро: Бухоро, 1999.
4. Абу-л-Ҳасанот Муҳаммад 'Абд ал-Ҳайй Лакнавий. *ал-Фаво'ид ал-баҳийа фи табақот ал-ҳанафийа*. Қозон: Матба'ат ал-хизона, 1903.
5. Кафавий. *Като'иб а'лом ал-ахйор*. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. № 91 ашёвий рақамли қўлёзма.
6. Усмандий Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид Самарқандий. Лубоб ал-калом / Муҳаммад Саид Узерварли таҳқиқи. Истанбул: ИСАМ йайинлари, 2005.
7. Хайр ад-дин Зириклий. *ал-А'лом*. 17 жилд. Қоҳира: [ношири кўрсатилмаган], 1954.

АБУ ҲАФС БУЖАЙРИЙ ВА УНИНГ «АЛ-ЖОМИ‘ АЛ-МУСНАД» АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАСИ

Йўлдошхон Исаев*

IX-XII асрлар ислом оламида илм-фан ривожининг олтин даври деб эътироф этилган. Ўша даврларда ислом оламида чиққан алломаларнинг 60 %ини мовароуннаҳрлик олимлар ташкил этган десак, муболаға бўлмайди. Чунки, дунё олимлари томонидан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу-л-Му‘ин Насафий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Махмуд Замахшарий, Абу Бакр Қафзол Шоший, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Накшбанд ва Мирзо Улуғбек каби алломаларимизнинг шуғулланган соҳаларининг пешволари эканлиги эътироф этилган.

Айни ўша даврда ҳадис илми ривожи катта ҳисса қўшган муҳаддислардан бири Абу Ҳафс ‘Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр ибн Ҳозим ибн Рошид Ҳамадоний Самарқандий Бужайрий бўлиб, у 223/838 йил Самарқанд худудидаги Хушуфағн кишлоғидаги зиёли оиласида таваллуд топган [1, Ж. 5, б. 60; 2, Ж. 2, с. 374; 3, Ж. 3, с. 324].

Манбаларда келтирилишича, «Бужайр» муҳаддис Абу Ҳафснинг бобосининг исми бўлган. Бужайр ибн Ҳозим ибн Рошид Ҳамадонийнинг фарзанду набиралари ҳам ўз даврининг машхур муҳаддис-ровийларидан ҳисобланган. Уларнинг барчаси «Бужайр» нисбаси билан тарих саҳифаларида муҳрланиб қолган.

Мисрлик замонавий тадқиқотчи олим ‘Абдуллоҳ ‘Абд ал-Ҳамид Са‘д томонидан тузилган «Ўрта Осиё олимлари қомуси»да «Бужайр»га «кичкина

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

коринчаси бўлган бобо» маъноси берилган [4, с. 53]. «Бужайр» «Бажрун» сўзидан олинган бўлиб, «кичик қорин» маъносини ҳам билдиради.

Абу Ҳафс Бужайрий ҳадис соҳасида қилган самарали меҳнати сабабли «ҳофиз», «такводор муҳаддис», «имом ал-қабир» номларига сазовор бўлган.

Абу Ҳафс Бужайрийнинг болалик ва ёшлик даври туғилган қишлоғи Хушуфағнда ўтган. У дастлабки таълимни отаси Абу ‘Умар Бужайрдан олган.

Абу Ҳафс Бужайрий илм олиш мақсадида шу даврнинг илм маърифат ўчоғи бўлган Хуросон, Шом, Ҳижоз, Басра, Куфа, Миср, Дамашқ каби диёр ва шаҳарларга борган ва у ернинг бир қанча таниқли олимларидан таълим олган.

У асосан илмни Абу Маҳмуд Муҳаммад ибн Му‘овийа (‘Абдуллоҳ ибн ‘Абд ар-Раҳмоннинг тоғаси), ‘Абдуллоҳ ибн ‘Абд ар-Раҳмон Доримий Самарқандий, ‘Исо ибн Ҳаммод Зуғба Мисрий, Исҳоқ ибн Шоҳин Воситий, Абу Со‘иб Силм ибн Жаннода Куфий, ‘Абд ибн Ҳумайд Кеший ва Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмо‘ил Бухорий каби кўплаб устозларидан олиш билан бирга улардан ҳадис тинглайди [3, Ж. 3, с. 327].

Имом Бухорийнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» тўпламига ёзилган мўътабар шарҳлардан бири Ибн Ҳажар ‘Асқалонийнинг «Фатҳ ал-борий» асари бўлиб, унда шундай келтирилади: «‘Умар ибн Муҳаммад Бужайрий: «Муҳаммад ибн Исмо‘ил Бухорийни: «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» китобимни Масжид ал-Ҳарамда тасниф қилдим. Бу китобга киритилган ҳар бир ҳадисни Аллоҳ та‘олодан яхшилиқни сўраб икки рақ‘ат (истиҳора) намоз ўқиб, унинг саҳиҳлигига аниқ ишонч ҳосил қилганимдан кейин киритдим», – деб айтаётганини эшитдим», – дейди [5, Ж. 2, с. 490].

Ушбу ривоятдан маълум бўладики, Абу Ҳафс Бужайрий Имом Бухорий ҳазратлари билан бир даврда яшаган. У зотнинг суҳбатида бўлган ва ҳадислар тинглаган.

Абу Ҳафс Бужайрийнинг ‘илм талабида Дамашқ шаҳрига борганлигини Абу-л-Қосим ‘Али ибн Ҳасан Шофи‘ий ўзининг «Та‘рих мадинат Дамашқ ва зикр фадлиҳо ва тасмийат ман ҳаллаҳо мин ал-амосил» асарида шундай келтиради: «Ҳофиз Абу Ҳафс ‘Умар ибн Муҳаммад Бужайрий Самарқандий илм олиш мақсадида Дамашқ шаҳрига бориб, у ерда Аҳмад ибн ‘Абд ал-Воҳид ибн У‘буд, Абу ‘Омир Мусо ибн ‘Омир Марий, Ҳишом ибн Холид, Муҳаммад ибн Ҳошим Ба‘лабаккий, Сулаймон Ҳимсий, Аййуб ибн ‘Али ибн Ҳайсам Киноний каби машҳур муҳаддислардан таълим олган ва ҳадис тинглаган» [6, Ж. 45, с. 320; Ж. 69, с. 119].

Ўз навбатида, Абу Ҳафс Бужайрий таълим олиш билан бирга кўплаб шогирдлар ҳам тайёрлаган. Манбаларда келтирилишича, Бухоро, Самарқанд ва Шош шаҳарларига мансуб бўлган бир қанча алломалар Абу Ҳафс Бужайрийдан ҳадис тинглаш билан бирга ҳадис илмининг сир-асрорларини ўрганган.

Жумладан, Муҳаммад ибн Собир Бухорий, Абу Назр Муҳаммад ибн Бақр Дехқон Самарқандий, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ‘Имрон Шоший, Му‘тамар ибн Жибрил Карминий, А‘йюн ибн Жа‘фар Самарқандий, Абу Жа‘фар Муҳаммад ибн ‘Али Му‘аддаб Шоший, ‘Исо ибн Мусо Кушоний, Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн ‘Умар Бужайрий, Имом Абу Бақр Муҳаммад ибн ‘Али ибн Исмо‘ил Қафқол Шоший [6, Ж. 69, с. 52], Абу Йаҳйо Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Исҳоқ ибн Ҳозим Самарқандий, Муҳаммад ибн Ҳотам Кушоний, Абу-л-Фазл Аҳмад ибн Исмо‘ил ибн Йаҳйо ибн Ҳозим Аздий Самарқандий ва ‘Али ибн Бундор Сайрафий каби шогирдлари бўлганлигини санаб ўтиш мумкин [3, Ж. 3, с. 327; 6, Ж. 45, с. 37].

Дамашқлик олим Хайр ад-дин ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Зириклий «ал-А‘лом» асарида таникли олим Заҳабийнинг: «Абу Ҳафс Бужайрий замонасининг тенги йўқ алломаси бўлиб, мен у зотдан олтмиш мингдан ортиқ ҳадис эшитганман» [1, Ж. 5, с. 60], – деган сўзини келтириб ўтган.

Абу Ҳафс Бужайрий илм-фан саҳнасига етук алломаларни етказиб бериш билан кифояланиб қолмасдан, ўзининг бой илмий ижоди билан илм-фан рифожига юксак ҳисса қўшган. Ҳадис ва тафсир илми соҳасида бир қанча асарлар тасниф этган. Манбаларда қайд этилишича, у зотнинг «Саҳих» ҳадислар тўплами, «Тафсир» ва яна бир қанча асарлари бўлган.

Ушбу асарлардан «Саҳих» ҳадислар тўплами ҳозирги кунда хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда [1, Ж. 5, 60; 7, Ж. 2, 206].

Хайр ад-дин Зириклий «ал-А‘лом» асарида Абу Ҳафс Бужайрийнинг «Саҳих» ҳадислар тўпламини қўлёзма нусхаси ҳақида шундай келтиради: «Мовароуннаҳрлик муҳаддис, ҳофиз Абу Ҳафс Бужайрий «Саҳих» ва «Тафсир» каби китоблар муаллифи бўлиб, у Самарқанд қишлоқларининг бирига мансубдир. Ҳозир бу жой «Тўғонбоши» («Ра‘с ал-Қантара») деб аталади [4, с. 145; 8, Ж. 8, с. 27].

Ҳозирги кунда Абу Ҳафс Бужайрийнинг «ал-Жоми‘ ал-муснад» асарини нодир қўлёзма нусхаси Дамашқдаги Дор ал-Кутуб аз-Зоҳирийа кутубхонасида 1067 рақам остида сақланмоқда. Кўп саъй-ҳаракат ва машаққатлар билан ушбу китобнинг электрон нусхаси олиб келинди.

Ушбу китоб Абу Ҳафс Бужайрийнинг «ал-Жоми‘ ал-муснад» кўлёзма асарининг бир қисми бўлиб, ўттизинчи китоб «Набийнинг беморлиги ва вафоти» бобидан бошланган. Ушбу нусха насх хатида ёзилган бўлиб, 248 саҳифадан иборат. Ҳозирги кунда ушбу асар ўзбек тилига таржима қилинмоқда.

Бундан ташқари Абу Ҳафс Бужайрийнинг «Китоб ас-сафина» («Кема китоби») номли асари ҳам бўлган. Бу борада ‘Абдуллоҳ ‘Абд ал-Ҳамид Са‘д ўзининг «Ўрта Осие олимлари қомуси» да шундай келтиради: «Абу Ҳафс Бужайридан унинг Аҳмад исмли набираси «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») ва «Китоб ас-сафина» («Кема китоби») каби китобларини тинглаган, ўрганган. Ушбу китобларни Абу Ҳафснинг ўзи тасниф этган» [3, с. 145; 8, Ж. 8, с. 370].

Муҳаддис Абу Ҳафс ‘Умар ибн Муҳаммад Бужайрий Самарқандий 311/923 йил 88/85 ёшида вафот этган [3, с. 54; 8, Ж. 8, с. 162].

Абу Ҳафс Бужайрий ўзининг улкан илмий, ижодий фаолияти билан ҳадис, тафсир ва бошқа соҳалар ривожига катта ҳисса қўшган алломалардан саналади. Юртимиздан етишиб чиққан машҳур муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримийлар қаторида муҳаддис Абу Ҳафс ал-Бужайрийнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси билан боғлиқ бўлган янги, қизиқарли ва аниқ маълумотларнинг чиқишидан умид қилиб қоламиз.

Адабиётлар:

1. Хайр ад-дин Зириклий. А‘лом. Ж. 5. Дор ал-‘илм, 2002.
2. Абу ‘Абдуллоҳ Йоқут ибн ‘Абдуллоҳ Ҳамавий. Му‘жам ал-булдон. Ж. 2. Байрут, 1979.
3. Абу Бакр Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Ғаний Бағдодий. Такмилат ал-икмол. Ж. 3. Макка: Жоми‘ат умм ал-қуро, 1410 х.
4. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осие олимлари қомуси. Тошкент: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007.
5. Ибн Ҳажар ‘Асқалоний. Фатҳ ал-борий. Ж. 2. Муқаддимаси. Миср: Мирий Кубро матба‘аси, 1301 х.
6. Абу-л-Қосим ‘Али ибн Ҳасан ибн Ҳибатуллоҳ ибн ‘Абдуллоҳ Шофи‘. Та‘рих мадинат Дамашқ ва зикр фадлиҳо ва тасмийат ман ҳаллаҳо мин ал-амосил. Ж. 45. Байрут.
7. Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ‘Усмон Заҳабий. Тазкират ал-хуффош. Ж. 2. Байрут, 1998.
8. Абу Са‘д ‘Абд ал-Карим Сам‘оний. Ансоб. Ж. 8. Байрут, 1988.

О СУФИЙСКИХ ТЕНДЕНЦИЯХ В ПРИДВОРНЫХ КРУГАХ КОКАНДСКИХ ХАНОВ (О МИСТИЧЕСКИХ МОТИВАХ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ВОЗЗРЕНИЯХ ‘АЛИМ ХАНА – «ЗАЛИМА»)

Абдукадир Захидов*

В исторических сочинениях – первичных источниках по истории Кокандского ханства, как в его начальный период (1708-1711-е гг.), так и в его наиболее зрелый, относительно могущественный, в региональном масштабе, период – с 1798 по 1842-е гг., содержатся следующие сведения:

1. О фетве Чимыш Бийа, из числа чодакских *муридов* Маулана Лутфуллаха Чустии – о благословлении на овладение тронном вновь создаваемой новой династии Мингов-узбеков [1].

2. В 5-ой главе, из числа 12 *та’ифа*, охватывающих период правления ‘Алим-хана [2].

3. Раздел «О периоде правления Алим-хана» сочинения Мирза ‘Алим ибн Мирза Рахима Тошканди «Ансаб ас-салатин ва таварих ал-хавакин» [3].

4. «Таварих-и Шахрухи» Нийаз Мухаммад Хуканди [4]. Вслед за разделом «Дибача», за преданием об Алтун Бешике приводится рассказ о периоде правления ‘Алим-хана.

5. В «Мир’ат-и футух», автор пока не установлен, имеется глава (Байан) «История периода правления ‘Алим-хана, ‘Умар-хана и Мухаммад-‘Али-хана» [5].

6. В сочинении Шер-Мухаммад Акмал Хуканди «Амир-нама» специально об амире ‘Алим-хане нигде не упоминается, однако при описании

* Кандидат философских наук

походов ‘Алим-хана, его автор упоминает хана под условным почетным именем «Амир Сахибкиран» [6].

7. Вместе с мотивами критики фальшивых историй, легенд, генеалогии кокандских властителей [7].

8. В первой главе «Хуллас ат-таварих» Махмуд Хаким ибн Шоди Мухаммад Йайпани Хуканди при изложении истории Кокандского ханства, с начала образования ханства до времени автора, содержатся некоторые сведения о правлении ‘Алим-хана [8].

9. В «Та’рих-и Туркистон», сочинении Мирза ‘Алим Махмуд-ходжи, при подробном изложении периода правления ‘Алим-хана даются несколько подробных сведений о суфийском образе жизни ‘Алим-хана [в тексте Каршинского (1992) и Ташкентских (Ташкент, 1915 и Ташкент, 2009) изданий], почти 1/3 часть посвящена ‘Алим-хану [9; 10].

10. Об ‘Алим-хане также содержатся сведения в трудах Фозилбека «Мукамал-и та’рих-и Фаргона»; Исхак-хана ‘Ибрата «Та’рих-и Фаргона»; Насими «Маджма‘ ал-хавадис». В составлении обзора выше перечисленных источников по ‘Алим-хану, мы использовали общее комментированное исследование профессора Ш.Х. Вахидова [11, с. 7-71].

В выше перечисленных сочинениях приводятся в различной компановке и объемах сведения о тенденциях активизации йасавийского тариката, его шейхов при ‘Алим-хане – «Залим»е в Кокандском ханстве. Однако, если авторы основных источников по проблеме – Акмал, Фазли Намангони, Хаким-хан, Мирза ‘Алим, Нийаз Мухаммад и пока анонимный автор «Мир’ат-и футух» не очень склонны к краткому упоминанию периода правления ‘Алим-хана, о суфийских «подвигах» этого хана почтительно не упоминают, также вообще обходят молчанием указанные прецеденты, однако, в обязательном порядке упоминают, что он был «Залим».

Труд Мирза ‘Алима «Та’рих-и Туркистон», несколько нетрадиционный, своеобразный источник по проблеме, выгодно отличается от них не только тем, что довольно объемно излагает историю правления, походов ‘Алим-хана, но и излагает его государственно-политическую деятельность позитивно, с некоторой заинтересованностью, даже, с большой симпатией «просветить суфийские подвиги» этого государя, стремится проникнуть в их тонкости, например, в суть его «маджзубства», при этом стараясь быть исторически объективным, беспристрастным по отношению к его личности.

Большинство авторов-исследователей по этой проблеме – акад. В.В. Бартольд, проф. А.З.В. Тоган, А.А. Семенов умудрялись своеобразно объяснять прецедент «Залимства», но, по существу были не в состоянии объяснить, или просто не удосужились объяснить этот феномен. Современный исследователь проблем легитимизации правления династии мангитов проф., д-р Анке фон Кюгельген (как и Садр ад-дин ‘Айни в своих династийных материалах периода 1925-1926 гг.) утверждает, что Мирза ‘Алим Махмуд-хаджи был чиновником колониальной администрации, как редактор «Туркистон вилоятининг газети» (1908-1915 гг.), и своего рода пророссийски ориентированным автором, и, по ее мнению, естественным было то, что ‘Алим-хан как сын своего времени, тем более, как властитель был воспринят простыми людьми, подвергнувшимися в пучину отсталых средневековых предрассудков, и тем паче, корыстолюбивыми официальными историками, не очень высокого уровня знаний и национальной чести, как некий тиран тоталитарных повадок [12, сс. 368-369; 13; 14].

На самом деле ‘Алим-хан был прогрессивным человеком, нацеленным на самые высокие идеалы национальной государственности, с высоким уровнем государственной мудрости и личной отваги, решительности, с железной волей – превратить Кокандское ханство, хотя бы в могущественное, централизованное государство своего региона, дерзнувшим реализовать отчаянные мечты своих предков, достойно скрестить мечи с великими государями, как на Востоке, так и на Западе или на Севере. По крайней мере, по тем написанным Мирза ‘Алимом текстам в его книге «Туркистон та’рихи» об ‘Алим-хане, согласно содержанию и логике его идей, реформ армии, выходит, в целом, вполне позитивное, светлое представление о нем как о государственном деятеле, как о незаурядной политической личности, властелине своего времени.

Относительно его идей, чувств и привязанностей, особенно практических действий, связанных с суфизмом, в т.ч., с йасавийским тарикатом, его шейхами и муридами, с процедурными действиями «зикр-и джахра», с личным участием в кружевых танцах, организацией и проведением «Вирд» и «Сама‘», согласно тексту, самого Мирза ‘Алима Махмуд-хаджи, пока мы можем представить на суд читателей только следующие, самые предварительные соображения.

Сначала приводим текст самого Мирза ‘Алима Махмуд-хаджи о суфийских подвигах ‘Алим-хана, и о том, что какой он был «Залим»ом (на

самом деле, был строгим по дисциплине, суровым по требовательности и справедливости, даже по отношению к дервишам, т.е. «святым людям»). Мирза ‘Алим писал: «... муддати икки йил ўтуб, мамлакат орасида тинчлик ва осуда хотирлик илан ‘Олим-хон ҳукмронлик маснадида туруб, атроф-жонибдаги шайхи риё’ий ва сўфиёни хурдўйлар аҳволотини тафтиш айлаб, ул шайхлариким, сайри сулукни тамом қилиб, пиридин ижозат олган бўлса, онинг борасиға ин’ом ва эҳсон айлаб, ‘иззат ва эҳтиромини бажо келтуруб, ва ул шайхларики, беқо’ида ва берох ўлуб, халафни роҳи залолат ва бид’атға ‘о’ид қиладурғон бўлса, анга та’зир ва таҳқир илан одоб берур экан. Зероки, худ Амир ‘Олим-хон сулуки Жаҳрийаға дохил ва мураххас ва мижоз бўлуб, ҳар ҳафта Боргоҳи Олийда ҳамма машойих-и Жаҳрийалар келуб, Зикр-и Жаҳр қилар эканлар. Ва Пири Иродатлари Шайх Носир (а.р.)-ға экан, касби камолотни ул жанобдин ҳосил қилгон экан. Зикр-и Жаҳрга машғул бўлуб турган ҳолатда худ Шайх ўзлари, қўллариға дарра олуб, Ҳалқани атрофида айлануб, эҳтиёт қилуб, беқо’ида зокирларға одоб берур эканлар. Амир-и Мажзуб ҳалқани ўртасиға кируб, ниҳойати мажзублик илан садр-и само’ға машғул ўлуб, ул ҳалқада Амир-у фақир баробарлик илан зикр этур эканлар ... (шундан сўнг ‘Олим-хонга су-йи қасд қилиб пичоқ урган фидо’ий, уни қўлга олиш, ‘Олим-хон олдиға олиб келиб, қандай жазо беришға ‘о’ид фикрини сўраш, унинг бир ўзини қатлга ҳукм қилиш борасидаги анчагина муфассал маълумотлари келтирилган) ... Амир бул сўзнинг жавобиға айтибдурлар: «Айбдорнинг айбини очмоқ ва тажассос қилмоқ – сабаб-и бетинчлик, хунрезликдур. Оламини фитна ва фасоддин халос қилмоқ учун хосни даф’ ва раф’ қилмоқ аз жумла-и Низом ва қо’ида-и умури салтанатдур». Шар’ан ва зоҳиран гуноҳкорни ўзиға жаъзо бермоқ қонуни шари’а ва мувофиқи қо’ида-и ҳикмат, деб, ул қотилни (бир ўзини) қатлга фармон қилуб, ўлдурубдурлар.

‘Олим-хоннинг мамлакатдорликларининг эҳтиёти шул даражада эканким, гадоёни ғайри мустаҳикларни тафтиш ва тажассус илан, оларға одоб ва сиёсат-и ҳукмроний кўрсатуб, девона-и маддох ва жўгўйи хушёқмасларни ушлаб, ҳар қайуларига уч ‘адад, тўрт ‘адад тева беруб, подшоҳлик ғалла ва ўтун ва мунга ўхшаш ашъёларни тева ила ташимоқға ма’мур айлаб, шул тариқа хизмат қилдуруб, подшоҳликдин авқоти гузаронликларини берур экан. Рабти мамлакатни зоҳиран сиёсат, ботинан шафқат ва марҳамат илан ўтқарар экан» [9, с. 25-26].

1. В тексте Мирза ‘Алима несколько раз, как достоверное, сообщается,

что его называли «Залим», что, возможно, связано с личной пуританской требовательностью, строгостью ‘Алим-хана, как в плане личных культовых связей с Богом, так и в плане, с другими рабами (‘абидами), т.е. с людьми, с муридами, саликами.

2. В тексте книги, ‘Алим-хан назван «Маджзубом» (т.е. Иступно предающийся состоянию гностического возбуждения, по мере приближению (Васл) к божественной сущности, сверх естественного присутствия). Что, очень кстати, видимо проявилось и в отстаивании ‘Алим-ханом законности, справедливости в социальных отношениях, его упорстве в решении тяжб своих подданных.

3. Перечислены все – почти полный набор принципов, средств проведения «зикр-и джахра», в соответствии с методом йасавийского *тариката*, практических действий, кружевых танцев, в ходе организации, проведения маджлисов, давра (круг) «Вирд» и «Сама‘», с иступительными возгласами «Хайй-ал-Ху!» и «Ху ал-Ху!».

4. Организация и проведение дервишского кружения «зикр-и джахр», под руководством старшего мурида (халфа) и с активным участием всех муридов, по ритму танца (ракс) и стихов. Организация их и управления ими составляли целую, специальную процедуру, церемониал, с развитым инструментарием.

5. Кульминация «зикр-и джахра» – кружения с танцами, пением и чтением известных классических ‘ирфанических стихов – «хикматов» самого Ахмада Йасави, бейтов и газелей его великих последователей, иступительные жесты, даже потери сознания, возгласы достигали своего апогея, когда сам Амир ‘Алим-хан вступал в круг джахра, вирда и сама‘.

Источник Мирза ‘Алим Махмуд-хаджи и его труд «Туркистон та’рихи» [9; 10]: Искусственная придуманность, т.н. «нетрадиционность» этого источника, связана с предрассудками исследователей, как нам кажется, с его службой в колониальной администрации, с его возможным вхождением в круг доверия властей, что, видимо, открывало перед ним доступ к официальным архивам, с возможностью использования им более древних, солидных источников, и даже возможностью использования им досье – отчетов царских ищеек, потайно наблюдавших за ходом проведения «Зикр-и джахров» и др. практических обрядов, проводимых членами тарикатов и т.п.

По крайней мере, строгое, доверительное, искреннее изложение

действий Амира ‘Алим-хана, связанных с его суфийством, со знанием дела, самое главное – позитивное изображение, с большой симпатией к суфийским идеям и действиям властелина, системный и последовательный рассказ о них, вызывают доверия и подтверждают аутентичность текста. В других источниках по тому времени, перечисленных нами выше, не то, что все тонкие подробности, нюансы, приводимые Мирза ‘Алимом, отсутствуют, или обходятся глубоким молчанием, или просто приводятся трафаретные мухтасары, ничего существенно не объясняющие по проблеме. Так что, тенденциозность, тем более, не доверительность к таким важным сведениям источников, в самом лучшем случае, вызывает сожаления, а, в худшем случае – серьёзного осуждения. Или быть может, эта моя досада связана с моей неосведомленностью о других случаях их эффективного, результативного исследования со стороны других коллег. Дай Бог, чтобы так и именно случилось!?

Литература:

1. Тоган А.З.В. Записки Восточного отделения Императорского Русского археологического общества, 1913, Том 21, выпуск 4.
2. Muhammad Khakim-khan. *Muntakhab al-tavarikh*. Selected history. Vol II. Editors: Y. Kawahara, K. Haneda. Tokyo, 2006.
3. Мирза Алим ибн Мирза Рахима Тошканди. Ансаб-ус-салатин ва таварих-ул-хавакин / русский перевод, комментарии, исследования, издания д.ист.н. Ш.Х. Вахидова. Том I. Ташкент, 2007.
4. Бейсембиев Т.К. Та’рих-и Шахрухи как исторический источник. Алма-Ата, 1987.
5. Мир’ат-и футух.
6. Шер-Мухаммад Акмал Хуканди. Амир-нама.
7. Фазли Намангони. ‘Умар-нома.
8. Махмуд Хаким ибн Шоди Мухаммад Йайпани Хуканди. Хуллас ат-таварих.
9. Мирза ‘Олим Махмуд-Ҳожи. Туркистон тарихи. Қарши: Насаф, 1992.
10. Мирза Алим Махмуд-Ҳожи и его труд «Туркистон та’рихи». Ташкент, 1915; Ташкент, 2009.
11. Вахидов Ш.Х. Историческая наука в Кокандском ханстве. Ташкент, 2007.
12. Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII–XIX вв.). Алматы: Дайк-Пресс, 2004.
13. Айни С. Бухоро инкилоби таърихи учун материаллар. Москва, 1926.
14. Айни С. Намунаи адабиёти тожик. Москва, 1926.

ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ФОНДИДАГИ «ТАФСИР-И ҚУШАЙРИЙ» АСАРИ

Усмонхон Муҳаммадиев*

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази манбалар хазинасининг қўлёмалар фондида тасаввуфий тафсирлар сирасига кировчи Абу-л-Қосим ‘Абд ал-Карим ибн Ҳавозин Қушайрий қаламига мансуб «Лато’иф алишорот би-тафсир ал-Қур’он» (Қуръон тафсир қилишдаги нозик ишоралар) асари сақланмоқда (№ inv. MR 227).

Асар муаллифининг тўлиқ исми Абу-л-Қосим ‘Абд ал-Карим ибн Ҳавозин ибн ‘Абд ал-Малик ибн Талха ибн Муҳаммад Истиво’ий Қушайрий Найсобурийдир. Тасаввуф ва ҳадис илми пешволаридан бўлган. 376 ҳижрий санада Истиво (Найсобур/Нишопурга қарашли ҳудуд) шаҳрида туғилган. Қушайр ибн Ка’б авлодидан бўлганлиги учун Қушайрий нисбатини олган.

Қушайрийнинг илм дунёсига кириши кичиклигидан бошланган. У дастлаб адабиёт ва араб тилини ўрганди. Кейинчалик ҳисоб илмини ўрганиб, қишлоғидаги идорада ишлаш мақсадида Найсобурга боради ва иттифоқо Абу ‘Али Даққокнинг дарс халқасига қатнашиб қолади. Даққоқдаги ихлос, тақво ва юзида порлаётган нурни кўрган Абу-л-Қосимда унга шогирд бўлиш истаги туғилади. Шайх ҳам ундаги зийракликни кўргач, шогирдликка қабул қилади ва кейинчалик унга ўз қизини никоҳлаб беради. Абу ‘Али Бохарзий ўзининг «Думйат ал-қаср» [1] китобида Қушайрийнинг шаро’ат илмларида тенгсиз бўлганлигини таъкидлаган.

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бўлим бошлиғи

Кушайрий фикх, ‘ако’ид, усул, тафсир, адабиёт, араб тили грамматикаси, шеърят илмларида замонасининг энг пешкадамларидан ва тасаввуф илми пешволаридан эди. Эътикод бўйича аш‘арий мазхабида, фикҳда шофи‘ий мазхабида бўлган [2, том 1, б. 37].

Имом Кушайрий душанба куни раби‘ ал-аввал ойининг 16 кунида 465 ҳижрий санада Найсобур шаҳрида вафот этган ва устози Абу ‘Али Даққоқнинг қабри ёнида дафн қилинган [3, том 1, б. 5].

Исмо‘ил Пошо Бағдодий «Ҳадийат ал-‘орифин» асарида Кушайрийнинг биз ўрганаётган асардан ташқари яна қуйидаги китобларни тасниф қилганини айтади:

«Арба‘ин фи-л-ҳадис», «Истифазот ал-муродот», «Булғот ал-мақосид», «ат-Тахйир фи ‘илм ат-тазкир фи ма‘ани исм Аллоҳ та‘ола», «ат-Тайсир фи ‘илм ат-тафсир», «‘Уйун ал-ажвиба фи фунун ал-мас‘ала», «ал-Фусул фи-л-усул», «Китаб ал-ма‘ариж», «ал-Мунтаҳо фи нуқат ул ан-нуҳо», «Носих ал-ҳадис ва мансуҳих», «Наҳв ал-қулуб», «Ҳайат ал-арвоҳ ва-д-далил ила тариқ ас-салоҳ», «Шикайат аҳл ас-сунна би-ҳикайат ма наа лаҳум мин ал-миҳна», «Мансур ал-хитоб фи шухуд ал-албаб».

Биз ҳозирда ўрганаётган «Лато‘иф ал-ишорат би-тафсир ал-Қур‘он» асари 410/1019 йилда ёзилган бўлиб, ўзига хос услуби билан бошқа тафсир китобларидан ажралиб туради. Асарнинг номидаги «Лато‘иф ал-ишорат» (нозик ишоралар) атамаси ҳам шунга далолат қилади. Муфассир Қуръон оятларини ҳар бир қори ва олим муфассирга маълум бўлмаган жиҳатларини очиб берган. Баъзи оятлар, хоссаган, «хуруф-и муқатта‘от» (маънодан узилган, маъноси номаълум ҳарфлар) билан бошланган оятлар сўфийлик таълимотлари асосида тафсир қилинган. Мусаннифнинг ўзи асар ҳақида шундай дейди: «Бу китобимиз Қуръон ишораларидан маърифат аҳли тилига кўчган алоҳида тарафларни зикр этади» [3, том 1, с. 5].

Мусаннифнинг мақсадини яхшироқ тушуниб олиш учун эътиборимизни мисол тариқасида «Му‘минун» сурасининг 2-ойатига қаратамиз:

Оятда мўминлар сифатланиб, «Улар намозларида хушу‘ қилувчилардир», дейилади. «Кашшоф» тафсирида намозда хушу‘ қалбнинг кўрқиши, кўзнинг пастга, сажда жойига қаратилиши, одобларга риоя қилиш, кийимни йиғиштириш, жасадни ва кийимларни ўйнашдан тийилиш, атрофга қарамаслик [4, б. 703] каби маънолар билан изоҳланган. «Тафсир-и Қушайрий» да эса намозда хушу‘ улуғворлик сифатларини мукамал қилиш,

кашф султони [Аллоҳ та‘оло назарда тутилмоқда] ҳукми остида эриб кетиш билан қалбни муножот майдонига қўйишдир, дейилган.

«Шу‘аро’» сурасининг биринчи ойати: «То. Син. Мим» «хуруф-и муқатта‘от» (маънодан узилган, маъноси номаълум ҳарфлар) билан бошланган. «Кашшоф» тафсирида ушбу ойатнинг қироат услубларини баён қилиш билан чекланилган. Қушайрийнинг тафсирида «То» Аллоҳнинг куч-қувватининг нуқсони йўқлигига, «Син» қудратининг ўта юксаклигига, «Мим» буюқлигининг азалий эканига далолат этиши ёритилган.

Имом Қушайрийнинг мазкур услуби «тафсир-и ишорий» йўли билан тафсир қилиш дейилади. Бу услуб Қуръонни зоҳирига хилоф равишда та‘вил қилишдир. Бунда илм аҳлларидан баъзилари ёки буюк тасаввуф пешволаридан мужоҳада билан нафсларини тарбиялаган, Аллоҳ қалб кўзларини мунаввар этган, Қуръони каримнинг сирларини идрок этиб, илоҳий илҳом, раббоний фатҳ воситасида зоҳирий ва ботиний маънолар орасини жамлаган ҳолда Қуръоннинг дақиқ маънолари зехнларида порлаган кишилар томонидан ўзларигагина зоҳир бўлган махфий ишораларга доир таржима қилишади [5, б. 115].

Марказ қўлёзмалар фондида сақланаётган мазкур асар «Фотиҳа» сураси билан бошланиб, «Анфол» сурасида тугаган. Наста‘лиқ ёзув тури билан шарқ қоғозига ёзилган. Нусха тўлиқ эмаслиги сабабли унинг ёзилган йили ва хаттоти маълум эмас.

Изланишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, ушбу тафсирнинг қўлёзма нусхалари бошқа тафсирларга нисбатан кам тарқалган. Саудия Арабистонидаги «Мактабат Аниза» фондида унинг айрим қисмлари сақланмоқда. Жами 124 бетдан иборат қисмлар бир тартибда эмас. Уларда Қуръоннинг еттита сураси тафсирини кўриш мумкин. Айрим бетларда қисқа ҳошиялар бериб ўтилган.

Саудия Арабистонидаги яна бир «Малик ас-Са‘уд» университети кутубхонасида ҳам № 2518 рақам остида мазкур асар қўлёзма нусхаси сақланаётган бўлиб, у ҳам тўлиқ эмас. Шунингдек, Дамашқ шаҳридаги «Зоҳирийа» (№ 391), Миср Араб Республикасидаги «Таймура» (№ 55/1 266), Истанбул университети марказий кутубхонасида (№ 376 А 3228) рақамлар остида асар нусхалари сақланмоқда. Германиялик олим Карл Броккельман каталогига № 556-557 рақамлар билан кўрсатилган.

«Shoh.uz» сайтида 2017 йил 20 июлда эълон қилинган «Тошкентда

сақланаётган нодир қўлёзма асарлар» мавзусидаги мақолада Ўзбекистон муслмонлари идораси кутубхонасида асарнинг XVIII асрда ёзилган қўлёзма нусхаси сақланаётганини маълум қилинган [6].

Адабиётлар:

1. Абу ‘Али Бохарзий. Думйат ал-қаср. Нью-Йорк университети кутубхонаси, РВ-73677 SB 5-42 СС.
2. Абу-л-‘Аббос Аҳмад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Маҳдий ал-Ҳасаний. ал-Баҳр ал-мадид фи тафсир ал-Қур’ан ал-мажид. Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа.
3. Абу-л-Қосим ‘Абд ал-Карим ибн Ҳавозин Кушайрий. Тафсир ал-Кушайрий ал-мусаммо Лато’иф ал-ишорот. Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 2007.
4. Замахшарий. Кашшоф. Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 2009.
5. Муҳаммад ‘Али Собуний. ат-Тибйон фи ‘улум ал-Қур’он. Покистон: Мактабат ал-Бушро, 2011.
6. Тошкентда сақланаётган нодир қўлёзма асарлар // Shoh.uz

ҲОФИЗ АД-ДИН АБУ-Л-БАРАКОТ НАСАФИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА «КАНЗ АД-ДАҚО’ИҚ» АСАРИ

Машраб Хидиров*

Маълумки, Мовароуннахрнинг қадимий ва машҳур шаҳарларидан бири саналган – Насафдан машҳур алломалар, фақиҳлар ва муҳаддислар сермахсул ижод қилиб ўтишган. Шундай олимлардан бири мутафаккир, фақиҳ, муҳаддис ва муфассир олим – Ҳофиз ад-дин Абу-л-Баракот ‘Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафийдир. Алломанинг ижоди сермахсул бўлса ҳам, ҳаёти ҳақида маълумотлар кам учрайди. Абу-л-Баракот Насафий 629/1232 йилда Насаф шаҳрида таваллуд топган. Алломанинг етук олим бўлиб етишишида устозларининг ўрни жуда катта бўлган. Ана шундай устозларидан Абу-л-Важд Муҳаммад Кардарий, Ҳамид ад-дин Дарир ‘Али ибн Муҳаммад ибн ‘Али Ромуший, Бадр ад-дин Хвоҳар-зода Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн ‘Абд ал-Карим сингари олимлардан тафсир, фикҳ ва калом каби илмларни пухта ўрганади.

Шундай машҳур устозлар илмидан баҳраманд бўлган Абу-л-Баракот Насафий «Ҳофиз ад-дин», яъни «динни сақловчи» деган шарафли унвонга сазовор бўлган. Абу-л-Баракот Насафий ҳақида олимлар томонидан кўплаб илиқ фикрлар билдирилган. Шундай олимлардан бири Ибн Камол Пошо «Кучли билан заифни ажрата оладиган, асарларида такрор ва кучсиз сўзлар келтирмайдиган муқаллид, фақиҳ олимлар жамо‘асидандир. У билан ижтиҳод даври тугаган. Ундан кейин мазҳабда ижтиҳод қиладиган мужтаҳид қолмаган», – деган.

Абу-л-Баракот Насафий ҳаёти давомида бир қанча асарлар ёзган.

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

– «‘Умдат ал-‘ақо’ид фи-л-калом» (Калом илмидаги ақидалар асоси) – ушбу асарига шарҳ ҳам ёзиб, уни «ал-И‘тимод» – «Таянч» деб атаган.

– «Мадорик ат-танзил ва ҳақо’иқ ат-та’вил фи-т-тафсир» (Тафсирдаги нозил ва та’вил ҳақиқатларини англаш китоби).

– «Манор ал-анвор фи усул ал-фикҳ» (Усул ал-фикҳда ёруғлик маёк).

– «ал-Кофи фи шарҳ ал-вофи» (Вофи асарига кифоя қилувчи шарҳ).

– «Канз ад-дақо’иқ» (Нозик масалалар хазинаси) [1, с. 262].

«Манор ал-анвор фи усул ал-фикҳ» (Усул ал-фикҳда ёруғлик маёк) номли асари ислом ҳуқуқшунослиги асослари ва унинг қонун қоидалари ҳақида ёзилган бўлиб, унда Қуръон ва ҳадис асосида ҳукм олиш, ижмо‘ ва қиёсни қўллаш усуллари каби масалалар баён этилган. У олимлар томонидан усул ал-фикҳ соҳасидаги қисқа, лекин жуда фойдали асарлардан деб тан олинган. Шу сабабли бу асарга ёзилган, шарҳлар асосида юртимиздаги диний таълим муассасаларида дарс берилади.

Алломанинг фикҳ илмига тегишли бўлган «Канз ад-дақо’иқ» (Нозик масалалар хазинаси) номли асари ҳанафий мазҳаби асосида ёзилган бўлиб, алломалар томонидан юксак ҳурмат билан қабул қилинган. Бу асар мусулмон қонуншунослиги асослари, ҳанафий ва шофи’ий мазҳабларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида бўлиб, рисола Насруллоҳ ибн Муҳаммад ибн Жаммоод ал-Ирди Кирмоний томонидан форс тилига таржима қилинган. У ҳанафий фикҳ илмида тўрт мўътабар асардан биридир. Китоб асрлар бўйи мадрасаларда ўқитилган, кўпгина олимлар унга шарҳлар битганлар. Ал-Зайла’ийнинг «Табйин ал-ҳақо’иқ», ал-‘Айнийнинг «Рамз ал-ҳақо’иқ», Мулла Мискин ал-Ҳиравийнинг «Табйин ал-ҳақо’иқ», ат-То‘ийнинг «Тавфиқ ар-Раҳмон», Ибн Нужаймнинг «ал-Баҳр ал-ро’иқ» асарлари бунга мисол бўла олади. Бу асарлар Қоҳира ва бошқа шаҳарларда бир неча қайта нашр этилган.

Асар фуру‘ масалаларига бағишланган бўлиб, унда Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари, Имом Молик, Имом Шофи’ий сингари мужтахид олимларнинг қарашлари келтирилган. «Канз ад-дақо’иқ» олимлар наздида «Мухтасар ал-Қудурий»дан кейинги, иккинчи мўътабар китоб ҳисобланади. Асарнинг аввалида асарнинг номи келтирилиб, пастидан алломанинг тўлиқ исми келтирилган. Асарнинг иккинчи бетидан аввал Аллоҳ та’олога ҳамду сано’ ва Расулуллоҳ, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-салламга, салавотлар билан бошланган. Асарнинг қўлёзма нусхалари Миср Араб Республикаси «ал-Азҳар» кутубхонаси № 1-029639 рақами остида, бундан ташқари Буюк Британия,

Покистонда ҳам сақланиб келинмоқда. Асар саксон беш саҳифадан иборат бўлиб, ҳижрий бир минг тўққизинчи йили ёзилган. Асарнинг аввали таҳорат бобидан бошланиб, фаро'из бобида тугаган.

Абу-л-Баракот Насафий ўз даврининг етук олимлари катта шуҳрат қозонган. 'Абд ал-Ҳайй Лакнавий таъбири билан айтганда: «Абу-л-Баракот Насафий ўз даврининг беназир алломаси сифатида фикҳ ва усул илмларида ғоятда сарбаланд, ҳадис ва унинг маъноларини тушунишда барчадан устун бўлган».

Фикҳ, калом, ҳадис ва тафсир соҳасида ўз даврининг мумтоз олимларидан бири бўлган Абу-л-Баракот Насафий умрининг охириги йилларида Бағдодга келади ва шу ерда Имом Кардарий, 'Аттобий ва Сигнақий каби ҳанафий мазҳабининг етук олимлар билан бир қаторда кўплаб мутафаккирлар билан кўришган. Аммо у ерда кўп вақт бўлмай, ўз юртларига қайтган. Умрини илм олиш, талабаларга дарс бериш ва китоб ёзиш билан ўтказган. Абу-л-Баракот Насафий раби' ал-аввал ойининг жума куни кечаси 710/1310 Бағдодда вафот этади ва Исфаҳон яқинидаги Изаж (Хузистон ва Исфаҳон оралиғидаги шаҳар) да дафн қилинган.

Абу-л-Баракот Насафий ўз даврида дин илмларини жуда пухта ўрганган ва динни қайтадан жонлантиришга ҳаракат қилган. Алломанинг барча асарлари ҳозирги кунда ҳам қимматли ва қадрли ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедияси. Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2016.
2. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. Тошкент, 2007.
3. Уватов У. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Самарқанд, 2015.
4. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун 'ан асоми ал-кутуб ва-л-фунун. Байрут: Ихйо' ат-турос ал-'арабий, [нашр йили номаълум].

ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ МАНБАЛАР ХАЗИНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН «АҲОДИС ҚУДСИЙА» ҚЎЛЁЗМА АСАРИ ТАДҚИҚИ

Барот Амонов*

Ушбу «Аҳодис қудсийа» қўлёзма асарида Ка‘б ал-Ахбор томонидан қилинган ривоятлар ҳамда самовий китоблардан ўқиб билдирган фикрлари келтирилган.

Ка‘б ал-Ахборнинг тўлиқ исми Абу Исҳоқ Ка‘б ибн Моги‘ Ҳимйарий Йаманий бўлиб, милодий олтинчи асрда Йаманда таваллуд топган. Замонасининг энг донишманди, оқил кишиларидан ҳисобланиб, у тафсир, ақида ва ҳадис илмларини яхши билган. Унинг асли келиб чиқиши яҳудий миллатига мансуб бўлиб, Набий ‘алайҳи-с-саломнинг вафотларидан кейин исломни қабул қилган ва ‘Умар розияллоху ‘анхунинг халифалиги даврида Йамандан Мадинага кўчиб келган. Ка‘б ал-Ахбор саҳобаларнинг давра суҳбатларидан баҳраманд бўлган тоби‘инларнинг улуғларидан саналади. У тарихни яхши биладиган шахслардан бири бўлиб, саҳобаларга Бани Исро‘ил ҳақидаги воқеаларни гапириб берар эди.

Умрининг охирида Шомда яшаб, Ҳимсада тахминан милодий 660 йилда вафот этган. Баъзи дин душманлари Ка‘б ал-Ахборнинг номидан турли бўлмағур гапларни тарқатиб юборганлари ва бу ёлғонлар баъзи китобларга кириб қолганини уламолар афсус ила таъкидлайдилар.

Ка‘б ал-Ахбор диёнатли, тақводор мусулмон ва заковатли уламолардан бўлиб, Пайғамбар ‘алайҳи-с-саломнинг суннат ва ҳадисларини саҳобаи киромлардан ўрганган. Шунингдек, ‘Умар, Сухайб ва бошқалардан ҳадислар

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бўлим бошлиғи

ривоят қилган. Ундан ҳам ўз навбатида Абу Хурайра, Му‘овийа, Ибн ‘Аббос каби саҳобалар ҳадислар ривоят қилишган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ка‘б ал-Ахбор тарихни, жумладан, Тавротни ва яҳудийларнинг бошқа китобларини, айниқса, Муҳаммад, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-салламнинг, келишлари башорат қилинган маълумотларни жуда яхши билар эди. Улардаги маълумотларнинг тўғри ёки нотўғрилигини ҳам ажратар эди. Унинг ривоятлари Абу Довуд, Термизий ва Наса‘ийнинг китобларида ҳам зикр қилинган. Шунингдек, ундан ривоят қилинган ҳадислар мусулмонлар орасида катта эътибор билан қаралиб, унинг ривоятлари алоҳида бир тўплам кўринишида ҳам китоб қилинган.

Шулардан «Ка‘б ал-Ахбор ва-асаруҳ фи-т-тафсир» асари ҳамда «Аҳодис қудсийа» номи билан машҳур бўлган Ка‘б ал-Ахборнинг ўзидан ривоят қилинган ҳадислар тўплами бизгача етиб келган. Ка‘б ал-Ахборнинг «Аҳодис қудсийа» ҳадис тўпламининг қўлёзмаси Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Манбалар хазинасида № MR 71/VIII рақами остида сақланмоқда [Илл. 12].

«Аҳодис қудсийа» асарида умри узоқ тоби‘инлардан саналган Ка‘б ал-Ахбор томонидан ривоят қилинган Пайғамбар, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-салламга, мансублиги даъво қилинаётган ҳадис-и қудсийлар ва набавий ҳадислар ҳамда Ка‘б ал-Ахборнинг ўз фикрлари ушбу қўлёзма асарида келтирилган.

Ушбу қўлёзма асар 1285/1868 йилда наста‘лиқ хатида ёзилган; 12 варақдан иборат; пойгирланган; сиёҳи қора; шарқ қоғози; варақлар шарқона рақамланмаган.

Асарда Ка‘б ал-Ахбор томонидан айрим самовий китобларда келган қирққа яқин иборалар ва ҳадис маъносига яқин ҳикматлар ривоят қилинган бўлиб, уларда одамзотнинг яратилишининг моҳияти, дунёнинг ўткинчи эканлиги, одам боласининг ризқи ўлчовлиги, одоб-ахлоқ, илм ва амал, кенгчилик ва қийинчиликда ҳам Яратганни унутмаслик, сахийлик, ростгўйлик, дунёга ҳирс қўймаслик каби хислатлар тарғиб этилади ҳамда инсонийликка хос бўлмаган ёлғончилик, очкўзлик, бахиллик, худбинлик каби разил сифатлардан узоқ бўлишга буюрилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, Ка‘б ал-Ахбор томонидан қилинган ривоятлар тўғрисида уламолар ҳар хил фикрларни билдиришган. Улар орасида Ка‘б ал-Ахбор қилган ривоятлари Тавротда ёзилган сўзлар

деганлари ҳам бор. Унинг ҳадис-и қудсий деб айтилаётган ривоятлари набавий ҳадислар ичида учрамайди. Бундан келиб чиқадики, «Аҳодис қудсийа» деб айтилаётган матнлар ҳадис-и қудсий эмас, балки Бани Исро’илга тегишли хабарлардан олинган деб фикр билдиришган. Шундай бўлсада, айрим уламолар Ка‘б ал-Ахборнинг ривоятларини айнан Расулulloх соллаллоху ‘алайҳи ва-салламнинг, ҳадислари деб эътиқод қилиб қолишдан қайтариб, ваъз, панд-насихат, ибрат олиш мақсадида ривоят қилиш жоиз дейишган.

Бу қўлэзманинг айрим жойларида баъзи матнлардаги ибора ёки сўзларни ёзилишида носих ёки хаттот томонидан йўл қўйилган камчиликлар борлигини учратиш мумкин. Қуйида берилган намуналарда матннинг асл тўғри ҳолати ёзилиб, ҳошияда қўлэзмадаги матн бериб ўтилди.

Мазкур китобдаги ҳар бир ҳадис-и қудсий «Эй одам фарзанди» ибораси билан бошланган бўлиб, қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

«يا بن آدم ما أطلبك لعمل غد فلا تطالبنى برزق غد».

«Эй одам боласи! Мен сендан эртанги куннинг амалини талаб қилмадим. Шундай экан, сен ҳам мендан эртанги куннинг ризқини сўрама».

«يا بن آدم لا تمنع المحتاج مما في يدك حتى لا أمتنع * مما في يدي».

«Эй одам боласи! Қўлимдаги нарсаларни (сендан) бахиллик қилмаслигим учун қўлингда бор нарсалардан муҳтожга беришга бахиллик қилма».

«يا بن آدم بقدر ما تنفق أخلق عليك».

«Эй одам боласи! Қилаётган хайр-эҳсонинг миқдорича мен сенга ризқ бераман».

Бу қўлэзма асар шу кунга қадар яхши сақланган бўлиб, бизгача тўлиқ ҳолда етиб келган. Асар «басмала» билан бошланади.

Асар боши [Илл. 12]:

* Қўлэзмада «حتى لأمتنع» бўлиб келган. Тўғриси эса биз юкоридаги матнда келтирганимиздек бўлади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
 قال كعب الأخبار * رضى الله تعالى عنه يقول الله تعالى في بعض الكتب المنزلة ** على الأنبياء لا
 تخف سلطانا غيري ما دام
 سلطاني باقيا و سلطاني عليك باق لا يضام (أبدا).

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Маъноси: Ка‘б ал-Ахбор, розияллоҳу ‘анҳу, шундай деди:

Аллоҳ та‘оло анбиёларга нозил қилинган китобларнинг баъзиларида:

«Модомики Менинг султонлигим боқий экан, Мендан бошқа султондан қўрмагин. Менинг сени устингдаги султонлигим эса боқий ва ҳеч қачон завоқ топмайди».

Асарнинг сўнги варағи [Илл. 13]:

(يا ابن آدم خَلَقْتُكَ لِعِبَادَتِي) فَلَا تَلْعَبْ، وَتَكْفَلْتُ بِرِزْقِكَ فَلَا تَتَعَبْ، فَاطْلُبْنِي تَجِدْنِي،
 فَإِنْ وَجَدْتَنِي وَجَدْتَ كُلَّ شَيْءٍ، وَإِنْ فَتَكَ فَاتَكَ كُلَّ شَيْءٍ***

Маъноси: «Эй одам боласи! Мен сени Ўзимга ибодат қилиш учун яратдим. Шундай экан, ўйнаб қолмагин. Мен сени ризқингни ўз зиммамга олдим. Шундай экан, сен ўзингни қийнама. Мени изласанг, топасан. Агар мени топадиган бўлсанг, демак барча нарсани топибсан. Агар мени қўлдан чиқарсанг, барча нарсани қўлдан берган бўласан» (китоб ниҳоясига етди).

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари марказ манбалар ҳазинасида сақланаётган ушбу қўлёзма асарни қиёсий таҳлиллар асосида тадқиқ ва таржима қилиб, кенг афкор оmmasига етказишни ўз олдиға мақсад қилиб қўйган.

* Қўлёзмада «كعب الاخبار» бўлиб келган. Тўғриси эса биз юқоридаги матнда келтирганимиздек бўлади.

** Қўлёзмада «بعض كتب المنزلة» бўлиб келган. Тўғриси эса биз юқоридаги матнда келтирганимиздек бўлади.

*** Қўлёзмада «تمت عليك كل شيء. وإن فتعك فتعك كل شيء. وإن فتعك فتعك كل شيء».

ДУНЁ КУТУБХОНАЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН НОЁБ АСАР

Ихтиёр Қушшақов*

IX асрдан бошлаб XIII асргача Мовароуннаҳр фикҳ илми тараққиётининг энг муҳим марказларидан бирига айланиб, унинг ҳудудида минглаб фақиҳлар ижод этганлар. Мовароуннаҳрлик ҳуқуқшунос олимлар ҳанафий мазҳабининг ривож ва тарқалишини ўз олдларига мақсад қилиб қўйиб, айримлари бу соҳада янги фанга асос солганлар.

Ўрта Осиёлик фақиҳлар орасида юртдошимиз шайх ал-ислом Бурҳон ад-дин Марғинович ўзига хос ўрин тутади. У ҳанафий мазҳабининг буюк вакили сифатида ушбу мазҳабни тарқатиш ва ривожлантириш учун ўзига хос ҳуқуқшунослик йўналишини ишлаб чиқди.

Буюк ватандошимиз Бурҳон ад-дин Марғиновичнинг номи бутун ислом дунёсида самимий меҳр муҳаббат, катта ҳурмат-эътибор билан тилга олинади. Шарқнинг турли бурчакларида Бурҳон ад-дин Марғинович номи эшитмаган бирор кимса, унинг номи етмаган бирор жой бўлмаса керак.

Мусулмон дунёсини барча мадраса ва дорулфунунларида Бурҳон ад-дин Марғиновичнинг «Ҳидоё» асари асосий дарслик, қўлланма, дастурул амал ҳисобланади. Давлат ва дин пешволари, жамият арбоблари, олиму-уламолар Бурҳон ад-дин Марғиновичнинг асаридан ҳар қадамда истифода қилиб, унга таяниб иш тутадилар.

Бурҳон ад-дин Марғиновичнинг қолдирган илмий меросидан бутун дунё халқлари баҳраманд бўлиши мумкин. Алломанинг асарлари турли тилларга таржима қилиниб нашр этилмоқда. Дунё мамлакатларининг диярли барча кутубхоналарида ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган. Дунёнинг кўплаб кутубхоналарининг интернет сайтлари мавжуд бўлиб, улардан исталган

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Қўлғезмалар билан ишлаш ва музей бўлими кичик илмий ходими

тилдаги Бурхон ад-дин Марғинонийнинг асарларини, айниқса, «Ҳидойа» ни топиб ўрганиш мумкин. Ўзбекистонда ҳам алломанинг «Ҳидойа» асари ўзбек тилига таржима қилиниб халқ оmmasига етказилмоқда.

Бурхон ад-дин Марғинонийнинг қўлёзма асарлари ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари кутубхона фондларида сақланмоқда. Уларни кўриб ўрганиш учун ҳар бир одамнинг имконияти бор. Асарларнинг қўпчилигини электрон вариантлари мавжуд.

Қуйида дунё кутубхоналарида сақланаётган Бурхон ад-дин Марғинонийнинг «Ҳидойа» асари қўлёзмаларини қисқача санаб ўтамыз:

Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги «Мактабат ал-Ҳарам ал-Маккий» кутубхонасида 77, 111, 201, 354, 395, «Марказ ал-Баҳс ал-‘Алами ва Ихйа’ ат-турос ал-исломий» кутубхонасида 440, «Макка ал-Мукаррама» кутубхонасида 32, То’иф шаҳридаги «‘Абдуллоҳ ибн ‘Аббос» кутубхонасида 197/4, Жидда шаҳридаги «Марказий» кутубхонада 697, Макка шаҳридаги «Марказий» кутубхонада 4844, 1248, 1287, 1240, Риёз шаҳридаги «Марказ ал-Файсал ли-л-буҳус ва-д-диросат ал-исломийа» кутубхонасида بيف 6336, Мадина шаҳридаги «Маҳмудийа» кутубхонасида 1194-1196, 1273-1277, Са‘уд қироллик университети кутубхонасида 217.4/۰.۴ рақамларда сақланади [1].

Суриянинг Ҳалаб шаҳридаги «Мактабат ал-авқоф» кутубхонасида 3516/2093, 620/2818, Дамашқ шаҳридаги «ал-‘Асимийа» кутубхонасида 15-17/33 [2, серия тартиб рақами 30955. Б.10], «аз-Зоҳирийа» кутубхонасида 11 дона сақланади.

Ирландиянинг Дублин шаҳридаги «Честербэтти» кутубхонасида 3633/3, 4213/5, 4276, 4860/6 рақамларда сақланади.

Германиянинг Берлин шаҳридаги «Давлат» кутубхонасида 4488, 4489, Мюнхен шаҳридаги «Мюнхен» кутубхонасида 268, 273 рақамларда сақланади.

Қувайтдаги «Дор ал-ватанийа» кутубхонасида ح 126, 18003-1921, 4860, «Куллийат ал-адаб ва-л-маҳтутот» кутубхонасида 1233, 430 рақамларда сақланади.

Голландиянинг Лейден шаҳридаги «Лейден илмий» кутубхонасида 1800 рақамда сақланади.

Франциянинг Париж шаҳридаги «Миллий» кутубхонасида 842, 844 рақамларда сақланади.

Англиянинг Лондон шаҳридаги «Британия» кутубхонасида 85-86, 196-

198, 211-217, Кембриж шаҳридаги «Кембриж» кутубхонасида 1216-1218 рақамларда мавжуд.

АҚШнинг Барнстон шаҳридаги «Барнстон» кутубхонасида 1698-1700, 236-238 рақамларда мавжуд [2, серия тартиб рақами 30511, б. 57].

Италиянинг Болонья шаҳридаги «Болонья университети» кутубхонасида 160, «Ватикан» кутубхонасида 1634, 1700/2 рақамларда.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги «Миллий» кутубхонасида 945, 1091-1094 рақамларда.

Жазо`ирдаги «Жазо`ир миллий» кутубхонасида 985-986 рақамларда.

Тунисдаги Зайтуна университетининг «‘Абдулийа» кутубхонасида 267/4, 2444-2448, «Дар ал-кутуб ал-ватанийа» кутубхонасида 119 рақамларда.

Туркиянинг Истанбул шаҳридаги «Сулаймонийа» кутубхонасидаги «Сулаймонийа» мажму‘аси 633-644, «Қилич ‘Али» мажму‘асида 633-644, «Салим оға» кутубхонасида 410-413 рақамларда сақланади.

Мисрнинг Қоҳира шаҳридаги «Худайбийа» кутубхонасида 149/3, «Дар ал-кутуб ал-мисрийа» кутубхонасида 471/1, «Азҳарийа» кутубхонасида 17 дона.

Покистоннинг Пешовар шаҳридаги «Пешовар» кутубхонасида 499, 500-504 рақамларда.

Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги «Осафийа» кутубхонасида 1074/2, 27, 274, Рампур шаҳридаги «Рампур» кутубхонасида 258/1, 259, Патна шаҳридаги «Худобахш» кутубхонасида 109/1, 1100-1104 рақамларда сақланмоқда.

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳридаги «Дар ал-кутуб ал-ватанийа» кутубхонасида 5/ ب 328/24 рақамларда.

Қатарнинг Доҳа шаҳридаги «Дар ал-кутуб ал-қатарийа» кутубхонасида 946, 947, 948, 949 рақамларда.

Швециянинг Упсала шаҳридаги «Упсала» кутубхонасида 174-175 рақамда сақланмоқда.

Бурҳон ад-дин Марғинонийнинг ҳаёт йўли, қолдирган бой илмий мероси бизнинг келажак авлод ёшларимиз учун катта ҳаёт мактаби вазифасини ўтайди.

Марғинонийга катта шуҳрат ва обрў келтирган бу асар ёзилганидан буён барча мусулмонлар учун дастурул амал бўлиб келмоқда. Бунга асосий сабаб асарда ақлий далиллар билан исботланган ҳуқуқий асослар ҳар тарафлама ва

чуқур мазмунли ҳолда баён этилганлигидир.

Бунинг асосий сабаби – фақиҳнинг мазкур асарида мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётий масалаларни, инсоннинг бурч ва масъулиятларига тааллуқли муаммоларни инсонпарварлик, адолатпарварлик, улкан бағрикенглик, шу жумладан диний бағрикенглик, воқеий ҳаёт шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиб берганлигидир. Бунга «Ҳидойа» да мусулмонлар ижтимоий-маиший ва маънавий-ахлоқий ҳаётида ўта муҳим ўрин эгаллаган закот ва солиқ ҳақида чиқарган ҳукмлари диққатга сазовор. Асарнинг бошқа мавзуларида ҳам ислом ҳуқуқларини одилона кўрсатмалар берилган.

Бурҳон ад-дин Марғинович ва у зотнинг «Ҳидойа» асарининг бутун ислом оламида ва бугунги барча ислом ўқув даргоҳларида тутган ўрни бекиёсдир. Бурҳон ад-дин Марғиновични танишлик биз ватандошларда миллий ғурур ва фахрни уйғотади. Ўтмишда ўтган аجدодларга мос ва муносиб яшаш биз авлодларни илм сари ҳаракат қилишга ундайди.

Бурҳон ад-дин Марғиновичнинг ҳаёт йўли, қолдирган бой илмий мероси бизнинг келажак авлод ёшларимиз учун катта ҳаёт мактаби вазифасини ўтайди.

Марказий Осиё уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намоёндаларининг Ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этдилар [3]. Бу эса Имом Бухорий, Термизий ва Бурҳон ад-дин Марғинович каби буюк алломалар номига ҳурмат бажо келтириш, уларнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш, кейинги авлодларга етказиш муқаддас вазифа эканлигини англатади.

Дарҳақиқат, келажак авлодни баркамол қилиб тарбиялашда ота-боболаримизнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганиб, уларнинг илмий меросини таҳлил қилишимиз бизнинг олдимизда турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Чунки, бизга қолдирилган маънавий меросни қанчалик ўрганар эканмиз, илмни нозик ва очилмаган қирраларини кашф этишимизга замин туғилади.

Адабиёт:

1. http://makhtota.ksu.edu.sa/browse/makhtota/8308/1#.WJxPANQS_Gg
2. Марказ ал-малик Файсал ли-л-буҳус ва-д-диросот ал-исломийа. Хизонат ат-турос. Мактабат ал-бустон ли-л-ма'рифа, [нашр жойи ва йили номаълум].
3. Мирзиёев Ш. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ «АЛ-ЖОМИ‘ АС-САҲИХ» АСАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ ДУНЁ КУТУБХОНАЛАРИДАГИ НУСХАЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Ирода Даурбекова*

Мамлакатимизда ислом маданияти ва маърифатини ўргатиш, татбиқ этиш ва ўсиб келаётган авлодга аждодларимизнинг илмий меросини етказиш учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳар бир тадқиқотчини олдига бир қанча масъулиятли вазифани қўйди. Бугунги кунда асрлар давомида қўл урилмаган нодир қўлёзма асарлар асрлар оша халқлар томонидан маънавий бойлик сифатида асраб авайланиб келинмоқда. Имом Бухорийни бутун ислом оламида билмаган ёки эшитмаган инсон бўлмаса керак. Алломанинг яшаган вақти ‘Аббосийлар сулоласининг ҳукмронлик даврига тўғри келади. Имом Бухорийнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исмо‘ил ибн Иброҳим ибн Муғира ибн Бардазбех ибн Баззазбех бўлиб, куняси Абу ‘Абдуллоҳ, лақаби «Имом ал-муҳаддисин» (Муҳаддисларнинг имоми, пешвоси), «Амир ал-му‘минин фи-л-ҳадис» (Ҳадис илмининг амири, султони) дир.

Имом Бухорийнинг илмий ижодий мероси ўзининг ҳажми, замонасининг диний ва ижтимоий фанларини тўла-тўқис қамраб олгани билан кишини ҳайратга солади. Имом Бухорий қаламига мансуб асарлари ҳам ҳозирги замон илм-фани учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Унинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ», «ал-Адаб ал-муфрад» каби асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, инсонлар қалбига ҳалоллик, адолат, иймон-эътиқодли, диёнатли, покиза, меҳнатсевар, ватанпарвар, мурувватли, раҳм-шафқатли, ота-она, аёлларга нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлиш каби юксак инсоний фазилатларни сингдиради. Бу ибратли панд-насихатлар ва ўғитлар

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Қўлёмалар билан ишлаш ва музей бўлими илмий ходими

ҳозирги жамиятимиз аҳлини, айниқса ёш авлодни етук, комил инсон қилиб тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Имом Бухорийнинг асарлари нафақат диний илмлар мажмуасига оид бўлиб қолмасдан, балки улар дунёвий илмларга оид маълумотларга ҳам бойдир. Масалан «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ»да тарих, мантиқ, фикҳ, ҳуқуқшунослик, табобат ва бошқа қатор фанларга оид кўплаб маълумотларни ҳам учратамиз.

«Ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ»нинг тўлиқ номи «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ ал-муснад мин ҳадис Расулуллоҳ, солаллоҳу ‘алайҳи ва-саллам, ва сунаниҳ ва айёмих» («Расулуллоҳ, солаллоҳу ‘алайҳи ва-салламнинг, ҳадислари, суннатлари ва айёмлари ҳақида жамловчи, саҳиҳ ва муснад»), деб аталади. Асарни ёзилган жойи ҳақида тарихчи Ибн Ҳажар ‘Асқалоний; «Имом Бухорий бу йирик асарни ёзишни уни асосий мундарижасини тузишни Макка-и мукаррамада – ал-Масжид ал-ҳаромда бўлган вақтдан бошлаб, она юрти Бухорода ниҳоясига етказиб, оққа кўчирган ва бу асарга 7275 та ҳадисни киритган», – деб шу фикрни айтади [1, б. 60]. Имом Бухорийнинг қолдирган илмий меросидан бутун дунё халқлари баҳраманд бўлиши мумкин. Алломанинг асарлари турли тилларга таржима қилиниб нашр этилмоқда. Дунё мамлакатларининг деярли барча кутубхоналарида ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган.

«Ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ»нинг ёзма нусхалари аллома ёзган даврдан ҳозирга қадар кўпгина муҳаддис, фақиҳ олимлар томонидан фойдаланилиб келинган ва нусхаларини жамлаб фарқли ривоятлари устида ишлар олиб борган. Бугунги кунда Имом Бухорийнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» асарини дунё кутубхоналарида бир неча нусхалари сақланиб келмоқда. Ушбу мақолада мана шу нусхаларидан айримларини келтириб ўтиб улар ҳақида бироз маълумот берилади.

Имом Бухорий ижодий фаолиятида ўзидан олдин ёзиб кетган ва ривоят қилган муҳаддисларнинг саҳиҳ ҳадисларини жамлаб, «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ ал-муснад мин ҳадис Расулуллоҳ, солаллоҳу ‘алайҳи ва-саллам, ва сунаниҳ ва айёмих» китобини ёзиб шуҳрат қозонди. Бугунги кунимизгача етиб келган «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» асарининг тўлиқ, энг ишончли нусхасини машҳур ровий Муҳаммад ибн Йусуф Фирабрый (ваф. 320/932 й.) ва Иброҳим ибн Ма‘қил Насафий (ваф. 293/908 й.) дан кейинги авлодларга етиб келган. Фирабрыйдан «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» эшитган ва ўзлари нусха олган энг машҳур ровийлардан яна бири Абу ‘Али ибн Сино (1057 й.), Абу Зайд Марвазий (371/981 й.), Абу Исҳоқ Мустамлий (376/986 й.), Ибн Ҳаммуя Сараҳсий

(381/991 й.), Абу Ҳишом Кушмайҳаний (389/998 й.), Абу Аҳмад Журжоний (373/983 й.), Ибн Шабудур (376/986 й.). Манбаларда Ну‘аймий (386/996 й.), Ахсикатий (346/957 й.) ва Кушонийнинг ҳам исмлари келтирилган [Қолган икки нусхаси ва Кушоний ривояти бизгача етиб келмаган]. Ҳофиз фақиҳ ‘Абдуллоҳ ибн Иброҳим Абу Муҳаммад Асилийнинг (ваф. 392/1002 й.) Абу Зайд Марвазийдан кўчирган нусхаси – Асилийнинг асл нусхаси бўлганлиги Фирабрийдан кейин энг машҳур ровийлар саналган Журжоний ва Марвазийлар нақл қилган нусхасидан кўчирилган. Ушбу нусха саҳиҳлигига кўра бизга етиб келган энг қадимий нусхалардан бири саналади [4, б. 190-191]. Миср ва Андалусия ҳофиз имомларининг кўплаб сифатлари мавжуд. Искандарийа портидаги тарихчининг қайдига кўра, 464/1072 йил рамазон ойида кўчирилган энг қадимий, ишончли нусхалардан биридир. Уни Абу-л-Вақтнинг кўчирган асл нусхаси деб қабул қилинган. Нусхани Абу-л-Вақт Сижзийнинг асҳоблари томонидан ўз гарданларига олган. Сиҳаҳга кўра, у Бағдодийа нусхаси номи билан машҳурдир. Нусха Имом Бухорий даврида ёзилган нусхалардан бири саналади. Аммо Фирабрий нусхасининг уч жуз’и йўқолган бўлиб, асарнинг бу нусхасида Фирабрийнинг ёзуви мавжуд ва унинг ўрнига бошқа ёзилган. Шунингдек, Фирабрийнинг белгиси (ف), Фирабрий нусхаси ёзилмаган жойда нуқта аломати қўйилган. Нусхалардан Фирабрий нусхасига мувофиқ келганларида чўзилган «фа’» ҳарфида нуқта бор. Бу суратда унинг кўриниши келтирилган Фирабрийнинг белгиси (ف), Ҳамавий ривоятига (ح) аломати, Абу-л-Ҳайсам ривоятига (ه) аломати, Абу Исҳоқ Мустамлий ривоятига (س) аломати, Мустамлий ва Абу-л-Ҳайсам ривоятларига (سه) аломати қўйилган. Шубҳали ва ноаниқ жойлари тузатилиб, хаттот ёзиш асносида ўзига шундай шартларни қўйган: асарни ёзишдан олдин таҳоратли бўлиши, рўзадор бўлиши, ҳар бир муснад ҳадисни ёзиб тугатганидан кейин Набий, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-салламга, салавот айтиб, Аллоҳ та‘олога икки рақ‘ат шукрона намозини ўқиш ва салавот ва намоздан кейин бир сажда қилиб, унда диний ва дунёвий ҳожатини сўрашлик ва саждадан бошини кўтаргандан сўнг, Қуръон каримдан ўн ойат ва Набий, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-салламга, ўн марта салавот айтишликни хабар бериб ўтган. Сўнг кейинги ҳадисни ёзишга ва ҳадисни муайян қаламлар билан ёзишда ҳам у қаламни бу китобдан бошқасига ёзмаган, ҳатто қаламлар қириндисини сақлаб қўйган. Аллома ушбу нусхани ярмини ёзишида кофирлар қўлида асирда эканлиги, аҳли ва диёрдан узоқда бўлганлигини

ёзади. Алломани ёлғиз ўзини ташқарига чиқиши ман қилинган ва жума, хайит намоз кунлари бир ғайридин киши унга маъсул қилинган бўлиб, у билан бирга ташқарига чиққан.

Аллома китобни ёзаётганида юқорида келтирилган шартларни унутиб қолдирганини билиб қолади. Асарни яна қайтадан белгиланган шартлар асосида ёзишга киришади. Аллома китобни ёзиб тугатиши билан Аллоҳ унга асирликдан озод бўлишликни насиб этади. Шунда аллома бу китобини асирликдан «Озод бўлишимга чопқир от каби бўлди» дея таърифлайди. Аллома ўзини «Ислом чавандози ва котиблар аҳлидан» бўлганлигидан ва Аллоҳ унга шундай имкон берганига ҳамд айтади. Инсон доимо Аллоҳга суянишни ва уни зикр қилишда бардавом бўлишликни айтади. Аллома асарни Ҳинд соҳилларидаги Кабо'ит шаҳридаги зиндонда бўлган пайтида ёзган. Асарни 625/1228 йил Қурбон хайити жума куни аср намозида ёзиб тугатган. Вафотидан кейин ғусл қилинадиган сувини иситилишини васият қилиб қолдирган.

Басрий нусхаси ҳам Ёуниний нусхасининг бир қисми ҳисобланади. Унинг мақтовга сазовор жойи шундаки, «Сихаҳ ас-ситта» китобларини энг ишончлисидир. Бу нусха шу қадар машҳур бўлдики, дунёнинг ҳар томонидан муражаат қилдилар. Бу асарларнинг энг афзали «Саҳиҳ ал-Бухорий» бўлиб, Ёуниний нусхасидан ҳам кўпроқ маълумотлар келтирилган. Алломани уни тузатиш, ёзишга йигирма йил иш олиб борган бўлиб, нусха саккиз жилддан иборат. Ушбу нусханинг хати ўқишга тушунарли қилиб ёзилган. Нусха Остона шаҳрига олиб келинган ва Амилия нусхасини унга мувофиқлаштириб чоп этишган. Султон 'Абд ал-Ҳамид бутун дунёга тарқатиб юборган ва вақф қилган [5].

Имом Бухорийнинг «ал-Жоми' ал-сахих» асарини дунё кутубхоналарида қўлёзма нусхаларининг сақланиши ҳақида унинг ўқувчиларига маълумот бериш ва унинг ўрганишнинг аҳамиятли жиҳатларини ёритиб беришдан иборат. Маълумки, дин эзгулик ва барча яхшиликлар манбаи ҳисобланади.

Адабиёт:

1. Мозийдан таралган зиё. Тошкент, 1998.
2. Süleymaniye Yazma Eser Kütüphanesi, Ayasofya, қўлёзма № 773.
3. Süleymaniye Yazma Eser Kütüphanesi, Turhan Vâlîde Sultan, қўлёзма № 67.
4. Қози Илийос. 'Илм, [нашр жойи ва йили номаълум].
5. Вақф ас-сунна ва-т-турос ан-набавий // www.al-sunnan.com

АБУ ҲАФС ‘УМАР НАСАФИЙ ҲАЁТИ ВА ТАФСИР ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Аҳмат Раҳимов*

Абу Ҳафс Насафийнинг асл исми Нажм ад-дин Абу Ҳафс ‘Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмо‘ил Муҳаммад ибн ‘Али ибн Луқмон Насафий бўлиб, 1068 йилда (баъзи тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра, 1069 й.) Насафда таваллуд топган [1, б. 257].

Абу Ҳафс Насафий муфассир, фақиҳ, муҳаддис, хофиз, мутакаллим, му‘аррих, адиб, тилшунос-наҳвшунос олим, Насафда туғилган ва (шу ерда) ҳадис тинглаган, сўнгра Самарқанд, Бухоро, Бағдод ва Марв каби илм марказларида кўплаб олимлардан илм олган.

Исмо‘ил ат-Танухий ва унинг жамоасидан ҳадис ривоят қилган. Умрининг асосий қисмини Самарқандда ўтказганлиги учун «Насафий сумма ас-Самарқандий» («Насафлик, сўнгра Самарқандлик») исми нисбалари ишлатилган. Баъзан у «ал-Мотуридий» нисбаси билан зикр этилади. Бу олимнинг Имом ал-Мотуридий таълимотини юзага келиб чиққан издошлари даврасида таълим олгани ҳамда калом ва фикҳ асосларини баён қилишда кўп ҳолатда Мотуридийга қарашларига таянганлигини кўрсатади [2, в. 36а-44а]. Асосан, мутафаккир илм оламида Абу Ҳафс Насафий номи билан машҳур. Алломанинг таржимаи ҳоли тарих олимларининг жуда кўп манбаларида келган [3; 4; 5, с. 27; 6, Ж. 4, б. 115].

Абу Ҳафс Насафий 45 ёшида Маккаи Мукаррамага ҳаж ибодати учун йўл олади. Ўз сафари давомида Бағдод шаҳрида бўлиб, у ердаги таниқли олимлар суҳбатидан баҳраманд бўлади. Амир Хумортегин ибн ‘Абдуллоҳ

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

мадрасасида ҳадис илмидан сабоқ беради, муҳаддис Абу-л-Қосим ибн Байондан ҳадислар ёзиб олади.

Абу Ҳафс Насафий ўзидан сўнг бой илмий маънавий мерос қолдирди. Манбаларда асарларининг умумий сони юздан ортиқ деб келтирилади.

Ҳанафий олимлар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи табакотларда ан-Насафий кўроқ фақиҳ ва муфассир сифатида тилга олинади. Чунки унинг асарлари, асосан, ушбу соҳаларга тегишли бўлиб, улар ислом оламида кенг тарқалган [2, б. 9].

Насафийнинг Қуръон илмига оид асарлари «ат-Тайсир фи-т-тафсир» (Тафсирда енгиллик), форс тилидаги «Тафсир-и Насафий» (Насафий тафсири), «Китоб заллат ал-қори» (Қорининг хатоси китоби), «Мухтасар ал-байон ва қиро'ат 'Асим би-ривоятих Ҳафс» (Ҳафс ривоятида 'Осим қироатининг қисқача баёни ҳақида), «Усул ал-вуқуф 'ала мавади' ал-вуқуф» (Тўхташ ўринларида тўхташ асослари) [2, б. 12] номли асарлари мавжуд.

Насафий тафсир соҳасининг ҳам билимдони бўлган. Тафсир илмини ан-Насафий, асосан, Насафда ан-Нухий сулоласи вакилларида бири Абу Муҳаммад Исмо'ил ибн Муҳаммад ан-Нухийдан (1033-1089) ўрганган ва у кишидан ан-Насафий ҳадислар ривоят қилгани келтирилган [2, б. 9]. У ёзган «ат-Тайсир фи 'илм ат-тафсир» 4 жилдли («Тафсир илмига оид осонлаштирилган китоб») асари ҳам ана шундан далолат беради. Унда Қуръон оятларининг шарҳи ўзига хос тартибда берилади.

Босния ва Герцеговина давлатининг Сараево шаҳридаги «Ғози Хисрав» кутубхонаси фондида сақланаётган Нажм ад-дин Абу Ҳафс 'Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафийнинг «ат-Тайсир фи-т-тафсир», 2-жуз' номли ноёб қўлёзма асари № R 335 рақам остида 317 вароқдан иборат. Ушбу асар басмаладан бошланиб, Қуръони каримнинг «Нисо'» сураси, «Ан'ом» сураси, «А'роф» сураси, «Анфол» сураси, «Тавба» сураси ва «Йунус» сураси билан якунланиб, «таммат» билан тугаган. Мазкур қўлёзманинг хаттоти Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Маҳавий бўлган. «Ат-Тайсир фи-т-тафсир» номи билан машҳур бўлган ушбу китоб ҳанафий мазҳаби ва мотуридий ақидасига мувофиқ ёзилган бўлиб, бутун ислом дунёсида, айниқса, Ўрта Осиёда катта шухрат қозонади. Китобнинг бир неча жойларида ҳанафий мазҳаби йўлбошчилари ва Имом ал-Мотуридийнинг сўзлари ҳамда ўша даврнинг илм марказлари ҳисобланган Бухоро, Самарқанд олимларининг фикрларини ўқиш мумкин. Ойатларни филологик жиҳатдан

таҳлил қилишда, наҳв илмининг машҳур олимлари Имом Сибавайх, Имом ал-Фарро'ларнинг қавллари ҳамда кироатнинг етти хил туридан кенг истифода қилинган [7]. Юқоридагилар сабабли «ат-Тайсир фи-т-тафсир» асари бир неча асрлардан бери тафсир фанидан «Тафсир ал-Байзовий», «Тафсир ал-Жалолойн», «Тафсир Ибн Касир» китоблари қаторида дарслик сифатида лойиқ деб топилиб, мударрис ва талабаларнинг суйиб мутолаа қиладиган тафсирларидан бирига айланди.

Дарҳақиқат, ушбу асар бошқа тафсир китоблари каби кенг кўламда ёзилган бўлса ҳам, асарни ўқиган киши ундан малоллик ҳам топмайди ёки маълумотнинг тўлиқ кўрсатилганлиги боис тушунмай ҳам қолмайди.

Кейинги даврда Қуръонни тафсирлашда раъй-ижтиҳодни ишлатиш кенг тус ола бошлади. Абу Ҳафс ан-Насафий, 'Ало'ад-дин ас-Самарқандийларнинг ўз раъй ва ижтиҳодларини қўллаган ҳолда шарҳ ёзганлари бунга мисол бўла олади.

XI-XII асрларда Мовароуннаҳрда тафсир илми даврда нафақат Мовароуннаҳрда, балки бошқа ўлкаларда ҳам раъйга асосланиб тафсир асарлари ёзила бошланган эди.

Мовароуннаҳрда тафсир илми бошқа ислом ўлкаларида каби ривожланди ҳамда Қуръонни шарҳлашда турлилик кузатилади. Бу ўз навбатида Қуръонни тушуниш ва шарҳлаш бўйича маъсур тафсир, раъй билан тафсир қилиш, ақидавий йўналишда шарҳлаш, тасаввуфий йўналишда шарҳлаш, луғавий шарҳлаш бўйича мукамал мактаблар шаклланишини кўрсатади.

'Умар Насафий кўплаб устозлардан таълим олган бўлиб, ҳатто у зот устозларининг исми шарифлари ҳақида «Ти'дод шуйух 'Умар» номли алоҳида асар ҳам таълиф этган.

Насафийнинг шогирдлари бўлган Муҳаммад ибн Иброҳим Турбуштий, Абу-л-Лайс Аҳмад ибн 'Умар Насафийдир. Бу зот 'Умар Насафийнинг ўғли бўлган. 'Умар ибн Муҳаммад ибн 'Умар 'Акилий ва ҳоказо булардан бошқа кўплаб машҳур шогирдлар етиштирган.

Абу Ҳафс 'Умар Насафий 1142 йилда вафот этиб, Самарқанддаги Чокардиза қабристонида Абу Мансур Мотуридий ёнида дафн қилинган.

Адабиёт:

1. Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедияси. Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2016.
2. Матла' ан-нужум ва-мажма' ал-'улум. Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015.
3. 'Абд ал-Карим ас-Сам'оний. ат-Тахбир / таҳқиқ Мунира Наджи Салим. Бағдод: Матба'ат ал-иршод, 1395/1975.
4. Йоқут ал-Ҳамавий. Му'жам ал-удабо', [нашр жойи ва йили номаълум].
5. Жалол ад-дин ас-Суйутий. Табақот ал-муфассирин, [нашр жойи ва йили номаълум].
6. Ибн ал-'Имод. Шазарот аз-заҳаб, [нашр жойи ва йили номаълум].
7. Нажм ад-дин Абу Ҳафс 'Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий. ат-Тайсир фи-т-тафсир. Босния ва Герцеговина, Сараево шаҳри, «Ғози Хисрав» кутубхонаси, қўлёзма № R 335.

ИМОМ БУХОРИЙ АСАРЛАРИ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИНИНГ ДУНЁ КУТУБХОНАЛАРИДА САҚЛАНИШИ

Қодирхон Маҳмудов*

Аждодларимиздан қолган улкан маънавий бойлик, қўлёзма асарлар дунё кутубхона фондлари ва музейларига сочилиб кетган. Жаҳондаги бирорта машхур кутубхона йўқки, у ерда халқимиз тарихи ва адабиётига тегишли қўлёзма асар бўлмасин. Британия музейи, Франция Миллий кутубхонаси, Оксфорд ва Кэмбриж кутубхоналари, Голландия, Германия, Испания, Италия, Туркия, Эрон, Ҳиндистондаги кутубхоналарда ўзимиз сақлай олмаган, кўплаб қўлёзма асарларимиз намуналари авайлаб-асраб келинмоқда. Шуларнинг орасида ватандошимиз буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг асарлари қўлёзмалари ҳам сақланмоқда.

Имом Бухорийнинг номи бутун ислом дунёсида самимий меҳр муҳаббат, катта ҳурмат-эътибор билан тилга олинади. Шарқда Имом Бухорий номини эшитмаган бирор инсон, унинг номи етмаган бирор жой бўлмаса керак.

Мусулмон дунёсини барча мадраса ва ўқув даргоҳларида Имом Бухорийнинг ўлмас асарлари Пайғамбаримиз, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-саллам, суннатлари бўйича асосий дарслик, қўлланма, дастурул амал ҳисобланади. Давлат ва дин пешволари, жамият арбоблари, олиму-уламолар Имом Бухорийнинг асарларидан ҳар қадамда истифода қилиб, унга таяниб иш тутадилар.

Имом Бухорийнинг қолдирган илмий меросидан бутун дунё халқлари баҳраманд бўлиши мумкин. Алломанинг асарлари турли тилларга таржима қилиниб нашр этилмоқда. Дунё мамлакатларининг деярли барча

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

кутубхоналарида ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган. Дунёнинг кўплаб кутубхоналарининг интернет сайтлари мавжуд бўлиб, улардан исталган тилдаги Имом Бухорийнинг асарларини, айниқса, «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ», яъни «Саҳиҳ-и Бухорий»ни топиб ўрганиш мумкин. Уларни кўриб ўрганиш учун ҳар бир одамнинг имконияти бор. Асарларнинг кўпчилигини электрон вариантлари мавжуд. Ўзбекистонда ҳам алломанинг асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб халқ оmmasига тақдим этилмоқда.

Имом Бухорий асарларининг қўлёзма нусхалари ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари кутубхона фондларини илмий ва моддий жиҳатдан бойитиб келмоқда. Қўлёзмаларнинг энг аҳамиятли жиҳати шундаки, мисол қилиб ҳадис манбаларни олсак, ҳозирда нашр қилинаётган ҳадис китобларнинг ортида албатта, уни саҳиҳлигини белгилаб турадиган қўлёзмаси бўлади. Қўлёзмалар ҳозирда нашр қилинган китобларнинг ўзгариб кетишидан, уларга ёлгон гапларни киритилишидан сақлайди. Шунинг учун ҳам қўлёзмаларни авайлаб асраш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Қуйида дунё кутубхоналарида сақланаётган Имом Бухорий асарларининг қўлёзмаларини қисқача санаб ўтамыз:

«Ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» қўлёзма нусхалари:

Саудия Арабистонининг Риёз шаҳридаги «Марказ ал-малик Файсал ли-л-буҳус ва-д-диросот ал-исломийа» кутубхонасида 201 дона қўлёзма асарлари ва унинг маълум жуз‘лари; «ал-Мактаба ал-марказийа» кутубхонасида 189 дона; «Мактабат ал-ифто’» кутубхонасида 86/315, 483 – 86/480, 86/565, 86/764–рақамларда; «Мактаба» кутубхонасида 114, 119, 148, 182–рақамларда; «ал-Мактаба ал-марказийа» кутубхонасида 19 дона, «Мактабат Макка ал-Мукаррама» кутубхонасида 34, 105, 105–рақамлар остида сақланади.

Жидда шаҳридаги «ал-Мактаба ал-марказийа» кутубхонасида 7 дона «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» қўлёзма нусхалари сақланмоқда.

Ҳоил шаҳридаги «Мактабат аш-Шайх ‘Али Солиҳ Солим» кутубхонасида «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» қўлёзма нусхалари мавжуд.

Тоиф шаҳридаги «Мактабат ‘Абдуллоҳ ибн ‘Аббос» кутубхонасида 3/171, 3/177–рақамларда.

Саудия Арабистонидаги «Мактабат ал-жоми‘а ас-Са‘удийа ли-с-сақофа ва-л-фунун» кутубхонасида 10, 11–рақамларда.

Аҳсо шаҳридаги «Малик Файсал институти» марказий кутубхонаси фондида 37, 38, 39–рақамларда.

Аниза шаҳридаги кутубхонада 2 дона «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» қўлёзма нусхалари сақланмоқда [1, серия тартиб рақами 49701, б. 10].

Шунингдек, Қатарнинг Доҳа шаҳридаги «Дор ал-кутуб ал-қатарийа» кутубхонасида 17 дона.

Суриянинг Ҳалаб шаҳридаги «Мактабат ал-авкоф би-Ҳалаб» кутубхонасида 7 дона.

Ирландиянинг Дублин шаҳридаги «Честер Бетти» кутубхонасида 29 дона.

Кувайтдаги «Марказ ал-махтутот ва-т-турос ва-л-васо‘иқ» кутубхонасида 64-158-рақамда.

«Мактабат ал-махтутот» кутубхонасида 60 дона.

«Ал-Мактаба» кутубхонасида 18 – 14, 4 – 2-рақамларда.

«Мактабат куллийат ал-одоб ва-л-махтутот» кутубхонасида 10 дона.

«Мактабат ал-малик ‘Абдуллоҳ ибн ‘Абд ал-‘Азиз» кутубхонасида биринчи жуз‘и 1176-рақамда, 338-рақамда ўн варақлиси мавжуд.

Йаманнинг Ҳарица шаҳрининг «Мактабат Аҳмад ибн Ҳасан ‘Аттос» кутубхонасида 330-рақамда.

Марокашнинг Фас шаҳридаги «Хизонат ал-қаравийин» кутубхонасида 91 дона, Татвон шаҳридаги «Хизонат Татвон» кутубхонасида 6 дона, Работ шаҳридаги «ал-Хизона ал-‘омма» кутубхонасида 8 дона, Сало шаҳридаги «ал-Хизона ал-‘илмийа ас-сабиҳийа» кутубхонасида 10 дона, Марокаш шаҳридаги «Хизонат Ибн Йусуф» кутубхонасида 86 дона.

‘Уммоннинг Маскат шаҳридаги «Дор ал-махтутот ва-л-васо‘иқ» кутубхонасида 7-рақамда.

Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатининг Абу Даби шаҳридаги «Дор ал-кутуб ал-ватанийа» кутубхонасида 3/5/193-рақамда.

Йаманнинг Сан‘о‘ шаҳридаги «ал-Мактаба» кутубхонасида 105-рақамда. «Мактабат Ол ал-вазир» кутубхонасида 58-рақамда. «Мактабат ‘Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғумзон» кутубхонасида 606-рақамда. «Мактабат ал-жоми‘ ал-кабир» кутубхонасида 21-рақамда.

Тунисдаги кутубхоналарда 166 дона.

Баҳрайннинг Манама шаҳридаги «Мактабат Марказ ал-васо‘иқ ат-та‘рихийа» кутубхонасида 7 дона.

Мисрдаги «ал-Азҳар» кутубхонасида 197 дона.

АҚШнинг Барнстон шаҳридаги «Барнстон» кутубхона фондида 13 дона «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» қўлёзма нусхалари мавжуд [1, серия тартиб рақами

49701, б. 10].

Мичиган университетети фондида ҳам ‘Усмонли турк султонлиги даврига оид бир неча нусхалари сақланади.

Болгариянинг София шаҳрида 1016 йилда кўчирилган ор. 801 рақами остида 109 varaқли «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ»нинг учинчи жуз‘и сақланади.

Германиянинг Берлин шаҳридаги «Берлин кутубхонаси» да 1033 йилда кўчирилган 1156 рақамда «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ»нинг иккинчи жуз‘и сақланмоқда.

«Ал-Адаб ал-муфрад» асарининг қўлёзма нусхалари:

Саудия Арабистонининг Риёз шаҳридаги «Марказ ал-малик Файсал ли-л-бухус ва-д-дирсот ал-исломийа» кутубхонасида 1651-ف, 0354-ف, 2072-ف, 2781-1-ف, 2781-2-ف- рақамларда. «Ал-Мактаба ал-марказийа» кутубхонаси фондида 2142-рақамда. «Мактабат ал-ифто’» 86/387-рақамда.

Ҳоил шаҳридаги «Солиҳ ‘Али Туйраб» ва «Шайх ‘Али ‘Абдуллоҳ Йа‘қуб» кутубхоналарида «ал-Адаб ал-муфрад» қўлёзмалари мавжуд.

Мадина шаҳридаги «‘Ориф Ҳикмат» кутубхона фондида 1-рақамда [1, серия тартиб рақами 55666, б. 1]. «Ал-Малик ‘Абд ал-‘Азиз» кутубхонасида 354 5/232, 2/825-рақамларда [1, серия тартиб рақами 102243, б. 1/241].

Йаманнинг Сан‘о’ шаҳридаги «ал-Мактаба ал-ғарбийа» кутубхонасида 3-рақамда.

Ироқнинг Сулаймонийа шаҳридаги «Мактабат ал-бобонийин» кутубхонасида 79/ت-рақамда.

Ливаннинг Байрут шаҳридаги «Мактабат ал-жоми‘а» кутубхонасида 267, 918, 1058-рақамларда.

Франциянинг Страсбург шаҳридаги «Страсбург» кутубхонасида 4306, 4319-4321-рақамларда.

Германиянинг Халле шаҳридаги Шарқшунослик институти кутубхонаси фондида 12-рақамда.

Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида, Патна шаҳридаги «Банкбур» кутубхона фондида 2/5, 370-рақамларда.

Суриянинг Дамашқ шаҳридаги «аз-Зоҳирийа» кутубхона фондида 84, 88, 95-рақамларда.

Кувайтдаги «ал-Махтутот» кутубхонасида 6 дона. «Куллийат ал-одоб вал-махтутот» кутубхонасида 5مع 142ب-рақамларда.

Мисрнинг Қоҳира шаҳридаги «ал-Азҳар» кутубхонасида (466) 3778-рақамда.

«Халқ аф‘ол ал-‘ибод» асарининг қўлёзма нусхалари:

Саудия Арабистонининг Риёз шаҳридаги «Марказ ал-малик Файсал ли-л-бухус ва-д-дирсот ал-исломийа» кутубхонасида 1-0654-ф, 1-1145-ф рақамларда сақламоқда.

Макка шаҳридаги «Мактабат Маккат ал-Мукаррама» кутубхонасида 349-рақамда.

Жидда шаҳридаги «ал-Мактаба ал-марказийа» кутубхонасида 230-рақамда.

Кувайтдаги «Куллийат ал-одоб ва-л-махтутот» 2مج 142б-рақамда.

Мисрнинг Қоҳира шаҳридаги «ал-Азҳар» (2895) 36424-рақамда [1, серия тартиб рақами 60248, б. 1/243].

Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги «Са‘идийа» кутубхонасида 352 (1б-31б) рақамда. «Равзат ал-ҳадис» кутубхонасида 359-рақамда.

Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Сулаймонийа мажмуаси «Ра‘ис ал-кутуб» кутубхонасида 139-рақамда сақланмоқда.

Мадина шаҳридаги «ал-Малик ‘Абд ал-‘Азиз» кутубхонасида 641-рақамда. Мазкур кутубхона «ал-Масжид ан-набавий» масжидининг ёнида жойлашган.

Ливия мамлакатининг Бенғозий шаҳридаги «Қори Йунус» университети кутубхонасида 1552-рақамда.

Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги «Умм ал-Қуро» университети кутубхонасида 349-рақамда.

Риёз шаҳридаги «Дор ал-кутуб ал-ватанийа» кутубхонасида 45-рақамда.

Жидда шаҳридаги «ал-Мактаба ал-марказийа» кутубхонасида 2764-2817-рақамларда [2, б. 101-109].

«Ат-Та’рих ал-кабир» асарининг қўлёзма нусхалари:

Саудия Арабистонининг Риёз шаҳридаги «Марказ ал-малик Файсал ли-л-бухус ва-д-дирсот ал-исломийа» кутубхонасида 1-1968-ф, 1-1968-ф, 1968-5-ф, 2325-ф, 2761-ф, 1-2786-ф рақамларда, «ат-Та’рих ал-кабир ‘ало ҳуруф ал-му‘жам» асари 5908-фб рақамда.

Макка шаҳридаги «Мактаба Макка ал-Мукаррама» 675/16 -рақамда.

Ирландиянинг Дублин шаҳридаги «Честер Бетти» 3433/2-рақамда.

Туркиянинг Истанбул шаҳридаги «Айа София» кутубхона фондида 3071-3069-рақамда.

Франциянинг Париж шаҳридаги «Миллий кутубхона» фондида 5908-рақамда.

Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги «Осафийа» кутубхона фондида 63, 1/775-рақамларда.

Ироқнинг Басра шаҳридаги «‘Аббосийа» кутубхона фондида бир нусхаси.

Суриянинг Дамашқ шаҳридаги «аз-Зоҳирийа» кутубхона фондида 202-рақамда.

Марокашнинг Фас шаҳридаги «Хизонат ал-Қаравийин» кутубхона фондида бир нусхаси сақланаяпти [1, серия тартиб рақами 51650, б. 1].

«Ат-Та’рих ал-авсат» асарининг қўлёзма нусхалари:

Саудия Арабистонининг Риёз шаҳридаги «Марказ ал-малик Файсал ли-л-буҳус ва-д-диросот ал-исломийа» кутубхонасида 1832-ف, 2326-ف-рақамларда.

Аниза шаҳридаги кутубхонада 1 дона.

«Ат-Та’рих ас-сағир» асарининг қўлёзма нусхалари:

Саудия Арабистонининг Риёз шаҳридаги «Марказ ал-малик Файсал ли-л-буҳус ва-д-диросот ал-исломийа» кутубхонасида 10-1498, 1833-ف-рақамларда.

Ҳиндистоннинг Патна шаҳридаги «Худобахш» кутубхонасида 2/304 2411, 2/371 2557, 687/12, 12/688-689-рақамларда. Рампур шаҳридаги «Рампур» кутубхонасида 623-рақамда. Биҳор штатидаги «Биҳор» кутубхонасида 221-рақамда.

Германиянинг Берлин шаҳридаги «Давлат кутубхонаси» фондида 9914-рақамда.

«Аз-Зу‘афо’ ал-кабир» асарининг қўлёзма нусхалари:

Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги «Мактабат Макка ал-Мукаррама» кутубхонасида 2/122-рақамда.

Ҳиндистондаги «Худобахш» кутубхонасида 1/557 2932-2937-рақамларда.

Кувайтдаги «Куллийат ал-одоб ва-л-махтутот» кутубхонасида 3-148ب-рақамда.

Мисрнинг Қоҳира шаҳридаги «Ма‘ҳад ал-махтутот ал-‘арабийа» кутубхона фондида уч дона. «Ал-Азҳар» кутубхонасида икки дона.

«Аз-Зу‘афо’ ас-сағир» асарининг қўлёзма нусхалари:

Туркиянинг Истанбул шаҳридаги «Лолали» кутубхонасида 2089-рақамда.

Ҳиндистоннинг «Худобахш» 1/558 2897, 12/690-рақамларда.

Мисрнинг Қоҳира шаҳридаги «ал-Азҳар» кутубхонасида 446-рақамда.

Бошқа асарларининг қўлёзма нусхалари:

Йаманнинг Сан‘о‘ шаҳридаги «ал-Мактаба» кутубхонасида «аз-Зу‘афо’» асари қўлёзмаси 62-рақамда. «Набза мин китоб аз-зу‘афо’» асарининг қўлёзмаси Та‘рих бўлимининг 193-рақамида.

Саудия Арабистонининг Риёз шаҳридаги «Марказ ал-малик Файсал ли-л-бухус ва-д-диросот ал-исломийа» кутубхонасида «Сулоснийот ал-Имом ал-Бухорий» қўлёзма асарлари فک -1884, فک -1885, ف-3-1148-рақамларда. «Марказ ал-малик Файсал ли-л-бухус ва-д-диросот ал-исломийа» кутубхонасида «ал-Қиро‘а халф ал-имом» қўлёзмаси 1983-ف-рақамда.

Туркиянинг «Фотих» кутубхонасида «ал-Қиро‘а халф ал-имом» қўлёзмаси 1131-рақам остида.

Макка шаҳридаги «Мактабат Макка ал-Мукаррама» кутубхонасида «Аволи ас-сиҳоҳ лаху» қўлёзмаси 679/4-рақамда.

Жидда шаҳридаги «ал-Мактаба ал-марказийа» кутубхонасида «ал-Ҳадис аш-шариф» қўлёзмаси 1026-рақам остида.

Мадина шаҳридаги «ал-Мактаба ал-Маҳмудийа» кутубхонасида «Махтут фи-л-ҳадис ва тарожим ар-рувот» қўлёзмаси 1/2679-рақамда. «Рисола фи байон ал-муҳаммот ва забт ал-калимот» рисоласи 4/2719-рақамда.

Мисрнинг Қоҳира шаҳридаги «ал-Азҳар» кутубхонасида «Хайр ал-калом фи-л-қиро‘а халф ал-имом» асари (2032) 22407-рақамда.

Тунисдаги «Дор ал-кутуб ал-ватанийа» кутубхонасида «Рисола фи ман басат лаху фи-р-ризқ би-силат ар-рахм» рисоласи 2473-рақамда. «Рисола фи кароҳийат ас-сахб ва-с-суқ» рисоласи 2625-рақамда. «Фазл савоб ас-сужуд ва ҳува ‘ало-л-жабҳа ва-л-‘унф» рисоласи 2632-рақамда. «Рисола фи фазл ал-ҳажж ал-мабрур» рисоласи 2638-рақамда. «Хатм ал-Бухорий» асари 2656-рақамда. «Рисола фи боб ма жа’ фи анна ал-а‘мол би-н-ниййот» рисоласи 2700, 2703-рақамларда. «Мажму‘ат аҳодис набавийа» асари 2910-рақамда. «Боб ман хасса би-л-‘илм қавман дуна қавм» асари 4454-рақамда.

Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги «Осафийа» кутубхона фондида «Раф‘ ал-йадайн фи-с-салот» қўлёзмаси 1/604 307-рақамларда [1, серия тартиб рақами 60249, 1/244].

Дунё кутубхоналарида ҳали бизга маълум бўлмаган яна минглаб Имом Бухорий асарларининг қўлёзма нусхалари мавжуд, улар тахминан беш минг донадан ошиб кетган.

Алломанинг асарларининг кўпчилиги тадқиқ қилиниб, ҳозирги давр нашрларида чоп этилган. «Саҳиҳ-и Бухорий» асари ўзбек тилига таржима қилиниб, бир неча бор нашр этилган. «Ал-Адаб ал-муфрад» асари ҳам уламолар томонидан таржима қилиниб, ўзбек тилида чоп этилган. Ушбу ва бошқа асарларининг бошқа тиллардаги таржималари ҳам мавжуд.

Мавжуд асарларни ўрганиб, ундан тўғри хулоса чиқариш, ҳар бир киши учун катта фойда келтиради. Алломанинг асарларида илоҳиёт, диний масалалар билан бирга ўз даврининг ахлоқий ва сиёсий анъаналари, инсонпарварлиги, инсонларни қовуштирувчи, улар ўртасида зиддият, низоларнинг олдини олувчи, адолат ўрнатишга қаратилган ахлоқий фикрлар ҳам кенг ўрин олган. Ҳадисларда илгари сурилган ахлоқий қарашлар инсон маънавий-ахлоқий тарбиясида энг таъсирчан, энг бақувват ҳалқа, унисиз жамият, халқ, инсон маънавиятини тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳадисларнинг ҳар бир нақли мўмин-мусулмонларнинг ахлоқ-одоб сифатларини ёритишга, уларнинг ўзига хос гўзал қирраларини очиб беришга ва шу руҳда тарбия топишга йўналтирилган. Уларда ҳар бир инсонни инсонпарвар, ватанпарвар, адолатли, маърифатли, маънавиятли, юксак ахлоқ-одоб соҳиби, бунёдкор, яқинларига ғамхўр бўлиши такрор ва такрор уқтирилади. Сирасини айтганда, алломанинг асарлари маънавий-ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукамал тўпламидир.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, Имом Бухорийни ҳаёт йўлими, қолдирган бой илмий меросими, амаллари бўладими, зуҳдими, таквосими, барчасини ҳаётга татбиқ этишда кўзларимиз қувончи бўлишини, бизнинг келажак авлод ёшларимиз учун катта ҳаёт мактаби вазифасини ўташини Яратгандан сўраймиз. Шуни эътироф этиш мумкинки, ҳадис билан бизнинг ҳаётимиз ўртасида чамбарчас боғлиқлик борлигини кўрамиз. Расулulloҳ, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-саллам: «Менинг гапимни эшитиб, ёдлаб, сингдириб, сўнгра адо этган одамни Аллоҳ неъматлантурсин», – деганлар [3, б. 201]. Бу Пайғамбаримиз, ‘алайҳи-с-саломнинг, кўрсатмалари эди.

Дарҳақиқат келажак авлодни баркамол қилиб тарбиялашда аждодларимиз қолдирган бой илмий меросига таянамиз.

Адабиёт:

1. Марказ ал-малик Файсал ли-л-бухус ва-д-диросот ал-исломийа. Хизонат ат-турос. Мактабат ал-бустон ли-л-ма'рифа.
2. Муҳаммад ибн Исмо'ил Бухорий. Халқ аф'ол ал-'ибод. ар-Риёз: Дор ас-сунна, 2014.
3. Аҳмад ибн Ҳанбал. Муснад Имом Аҳмад ибн Ҳанбал. Ж. 7. Байрут: Му'ассасат ар-рисола, 2001.

«АЛ-ЖОМИ‘ АС-САҲИХ»ДАГИ СУЛОСИЙ ҲАДИСЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Нодир Қобилов*

Имом Бухорий ва бошқа муҳаддис уламолар наздида ҳадис санадидаги табақаларда ровийларнинг оз бўлиши ҳам ҳадиснинг саҳиҳлигига далолат қилган. Масалан, санадаги тоби‘инлар табақасида икки ровий бўлса, у ҳолда ҳадис «ҳасан» (ривоят қилиниш услуби чиройли) мартабасида бўлган. Агар бу табақада бир ровий келтирилган бўлса, у ҳадисни «саҳиҳ» деб эътироф этган. Имом Бухорийнинг бундай йўл тутишининг ўзига хос сабаблари мавжуд. Чунки ҳадис қанчалик кўп ровийдан ўтиб, муҳаддисга етиб келса, унинг ибораларидаги хато ва адашишлар эҳтимоли шунчалик кўп бўлади.

Санадаги ровийлар озлиги муҳаддисни санад жиҳатидан Пайғамбаримиз, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-салламга, яқинлаштиради. Табиийки, бу ҳадиснинг мутлақо саҳиҳлигини таъминлайди. Бундай мақомдаги ҳадислар муҳаддислар томонидан «ал-ҳадис ас-сулосийа», яъни «санади уч ровийни ташкил қилган ҳадис», – деб эътироф этилган. Бундай ҳадиснинг санадида муҳаддис билан Пайғамбаримиз, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-саллам, орасида фақат уч ровий иштирок этган бўлади. Яъни:

Муҳаддис → Ровий → Тоби‘ин → Саҳобий → Пайғамбар ‘алайҳи-с-салом:
«Ҳадис матни».

Имом Бухорийнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» асарида ҳам санади уч ровийли ҳадислар мавжудлиги кузатилади. Имом Бухорийнинг бу мақомдаги ҳадислари ўзининг саҳиҳ ҳадислар тўплами асари ичидаги энг саҳиҳларидир.

Ҳадис уламолари Имом Бухорийнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» ҳадис тўпламини тадқиқ қилиб, ундаги ҳадисларни, ундаги сулосий ҳадисларни ажратиб алоҳида китоб шаклига келтирганлар.

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази кичик илмий ходими

Ҳадис уламолари томонидан «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» ҳадис тўпламида бу мақомдаги ҳадислар йигирма дондан ортиқроқ эканлиги аниқланган. Ана шундай асарлар сирасига Ҳофиз ибн Ҳажар ‘Асқалонийнинг «Сулосийот ал-Бухорий» (бу китоб бизгача етиб келмаган) асари, Ваҳид ибн ‘Абд ас-Салом Болийнинг «Сулосийот Саҳиҳ ал-Бухорий» асари,** доктор ‘Абдуллоҳ ибн ‘Абд ар-Раҳим Бухорийнинг «Сулосийот ал-Бухорий» асари, Абу Йўсуф ‘Али Йўнуснинг «Сулосийот ал-Бухорий» асари, ‘Али ибн Ҳижозий ибн Муҳаммад Буйумийнинг «Сулосийот ал-Бухорий» асари, Ибн Ҳиммат Димашкийнинг «Сулосийот ал-Бухорий» асари, Аҳмад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад А‘жамийнинг «Сулосийот ал-Бухорий» асари, шунингдек шайх ‘Али Ризо ва Аҳмад Базранинг Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, ад-Доримий, Ибн Можа, ‘Абд ибн Ҳумайд ва Табаронийларнинг ҳадис тўпламларидан тадқиқ қилиб олинган «ас-Сулосийот» асарларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ ал-Бухорий» ҳадис тўплamidан ажратиб олинган санади уч ровийдан иборат бўлган «Сулосийот ал-Бухорий» даги ҳадисларнинг санадидаги ровийлар Имом Бухорийнинг саҳиҳлик шартларидаги талабларига тўлиқ жавоб берганлиги ҳамда санадаги ровийларнинг озлиги жиҳатидан саҳиҳ ҳадислар ичида «энг олий санадли ҳадислар» деб ҳисобланади.

Имом Бухорий ҳазратларининг илмий маънавий меросининг гултожи бўлган «Саҳиҳ ал-Бухорий» асарини ўрганиб, илмий тадқиқ этишга ва кенг оммага етказишга юртимизда кенг эътибор берилмоқда. Бу асарнинг ўрганилмаган қирралари, ҳикматлари кўп.

Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқотлар марказининг қўлёзмалар фондида ҳам Имом Бухорийнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» ҳадис тўплamidан ажратиб олинган «Сулосийот Саҳиҳ ал-Бухорий» номли бир неча қўлёзма рисоалардан нусхалар ҳам сақланмоқда.

Биз ҳам бу тадқиқотларнинг давоми ўлароқ, мазкур ҳадис тўплами қўлёзмалари устида яна бир илмий изланиш ишини олиб боришга, бизгача етиб келган манбалар ва қўлёзмалар орқали Имом Бухорийнинг бу саҳиҳ

** Мазкур асар муаллифи Ваҳид ибн ‘Абд ас-Салом Болий ҳам сулосийотдаги ривоятларнинг санадини ҳадис айтишга ижоза билан йигирма нафар устозлар силсиласи орқали Имом Бухорийга етказганлиги билан алоҳида эътиборда туради. Яъни, Ваҳид ибн ‘Абд ас-Салом билан Имом Бухорий ўртасида йигирма нафар (шайх) устоз ровийлар бор. Ваҳид ибн ‘Абд ас-Салом билан Пайғамбаримиз, соллаллоҳу ‘алайҳи васаллам, ўртасида йигирма тўрт нафар ровий мавжуд.

ҳадислар тўпламидаги сулосий ҳадисларни аниқлаб, муъжаз бир рисола тайёрлашга жазм қилдик.

Қуйида мазкур даражадаги ҳадислардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола қилсак (Ҳадис санадини асл ҳолида сақлаб қолиш учун арабий матн сўзма-сўз таржима қилинди):

1. Имом Бухорий «‘Илм китоби» да айтади: Бизга Маккий ибн Иброҳим ҳадис айтди. Маккий деди: Бизга Йазид ибн Аби ‘Убайда Салама (ибн Аква‘), розияллоҳу ‘анҳудан, ҳадис айтди. Салама деди: Пайғамбар, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-салламдан: «Кимки мен айтмаган нарсани мени номимдан айтса, охирада ўтирадиган жойини дўзахдан ҳозирлайверсин», – деб айтаётганларини эшитдим.

Маккий ибн Иброҳим – тўлиқ исми – Маккий ибн Иброҳим ибн Башир ибн Фирқад ат-Тамимий ал-Ҳанзалий ал-Баржамий. Маккий сўзи бу ерда нисбат эмас, балки исмдир. У Имом Бухорийнинг устозларини энг ёши улуғларидан бири. Ишончли ровий. Таба‘ тоби‘ин, тоби‘инларнинг ўн еттасидан ҳадис тинглаган. Йазид ибн Аби ‘Убайда шулар жумласидандир.

Йазид ибн Аби ‘Убайда Салама, розияллоҳу ‘анҳунинг, қўлларида тарбия топиб, ундан бир қанча ҳадисларни тинглаган ишончли ровий.

Салама ибн Аква‘, розияллоҳу ‘анҳ – саҳобий, яъни Пайғамбаримиз, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-саллам, билан замондош бўлган, у зотни кўриб суҳбатларида бўлган ва иймон келтирган ҳамда шу иймонда вафот этган кишидир.

Ҳадис санадидаги ровийлар: 1. Маккий ибн Иброҳим; 2. Йазид ибн Аби ‘Убайда; 3. Салама ибн Аква‘, розияллоҳу ‘анҳ.

Ҳофиз ибн Ҳажар ал-‘Асқалоний: Имом Бухорий ривоят қилган сулосий ҳадислар ичида саҳиҳликда бу ҳадисга тенг келадигани йўқ, деб бу ҳадиснинг қандай даражада эканлигини таъриф этади.

Ҳадиснинг умумий маъноси:

Ёлғон сўз ва ёлғончиликда жамиятнинг бузилиши, уни таназзулига сабаб бўлувчи омиллар шаклланади. Шунинг учун ёлғон сўз ва ёлғончилик шароитимиз томонидан қаттиқ қораланган иллатлардан биридир, ҳатто Пайғамбаримиз, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-саллам, бошқа ҳадисларида: «Ёлғончилар менинг умматим эмас», – деб, бундай ёмон сифатли кишиларни исломдан йироқда эканлигини айтганлар. Аммо, жанжаллашиб қолган икки киши ёки эр-хотинни орасини ислоҳ қилиш учун ёлғон сўз ишлатишга ижозат

берилган. Чунки, бу ёлгон замирида шахсий манфаат эмас, балки жамиятнинг ислоҳи ётади.

2. Имом Бухорий «Кафолат китоби»да айтади: Бизга Абу ‘Осим (ан-Набил) Йазид ибн Аби ‘Убайдадан, Йазид Салама ибн Аква‘, розияллоху ‘анхудан, ҳадис айтди: «Пайғамбар, соллаллоху ‘алайҳи ва-саллам, жанозага (жанозани) ўқиш учун келдилар ва: «У (жанозаси ўқиладиган киши) нинг зиммасида қарзи борми?» – деб сўрадилар. Саҳобалар: – Йўқ, – деб жавоб беришди. Расулулох унинг жанозасини ўқидилар. Кейин бошқа бир жанозани келтиришди. Пайғамбар, соллаллоху ‘алайҳи ва-саллам: «Унинг зиммасида қарзи борми?» – деб сўрадилар. Саҳобалар: – Ҳа, – деб жавоб беришди. Расулуллох: «Биродарингизга ўзларингиз жанозани ўқинглар», – дедилар. Абу Қатода: Унинг қарзини ўз зиммамга оламан, эй Расулуллох! – деди. Пайғамбар, соллаллоху ‘алайҳи ва-саллам, унга жаноза ўқидилар».

3. Абу ‘Осим ан-Набил – Имом Бухорийнинг устозларидан, тўлиқ исми – аз-Заҳҳок ибн Муслим аш-Шайбоний ал-Басрий, Набил – унинг лақаби бўлиб, «пахлавон» деган маънони англатади. 212 х. санада вафот этган, баъзи манбаларда 240 х. санада вафот этганлиги айтилган.

Ҳадиснинг умумий маъноси:

Пайғамбаримиз, соллаллоху ‘алайҳи ва-саллам, бошқа бир ҳадисларида: «Вафот этган кишининг мулки, мероси унинг ворисларига, қарзи эса менинг зиммамгадир», – деб марҳамат қилганлар. Шундай бўлсада, Расулуллох, соллаллоху ‘алайҳи ва-саллам, уммат учун буюк бир намунани суннат қилиб қолдирдилар. Расулуллохдан қолган бу анъана то ҳозиргача ўз кўринишини йўқотмасдан давом этиб келмоқда. Марҳум жаноза ўқиш учун келтирилганда, имом-домла: Дунёдан ўтган марҳум холи ҳаётда бирортамизни билиб-билмай қўнглимизни оғритган бўлса ҳамма розими? – деб сўрайди. Зеро, қарз икки хил – маънавий қарз ва моддий қарздан иборатдир.

Маънавий қарз – бировни қўнглига озор бериб ёки ғийбат қилиб, ундан кечирим сўршни ортга суриш кабилардан иборат. Моддий қарз – бировдан бирор нарсани қарзга олиб, беролмасликдан иборат. Таъзияга келган жамоатнинг розилигидан сўнг: Марҳумнинг моддий қарзи бўлса, даъвогар сўраб келганда кафилликка олувчи кимса борми? – деб сўралади. Марҳумнинг яқинларидан бири буни ўз зиммасига олганидан сўнг, унга жаноза ўқилади. Эътибор қилинг, инсон зотига нисбатан қандай хурмат бажо қилинмоқда. Бу хурмат ўз шаклини 14 асрдан бери ўзгартирмасдан сақланиб келмоқда.

СА‘Д АД-ДИН ТАФТАЗОНИЙНИНГ «ШАРХ ‘АҚО’ИД АН-НАСАФИЙ» АСАРИ ҲАҚИДА

Абдувоси Шоназаров*

Са‘д ад-дин Мас‘уд ибн ‘Умар Тафтазоний (722-792/1322-1390), ўз даврининг энг машхур алломаларидан бири. У Самарқандда илмий фаолият олиб борган улуғ олим ҳисобланади. «Тафтазоний» тахаллуси билан машхур бўлган улкан ‘аллома нахв, сарф, мантиқ, балоғат, калом, фикҳ, тафсир ва бошқа илм соҳалари бўйича замонининг пешқадами эди. Юқорида қайд қилинган фан соҳаларига тааллуқли бўлган асарлари жамоатчилик томонидан кенг қабул қилинди. Бу асарлар узок вақт давомида диний ўқув юртларида асосий қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Аллома Тафтазоний мусулмон уламолари орасида шу қадар кенг шуҳрат қозондики, унгача яшаб ўтган олимлар «мутақаддимин», ундан кейингилари эса «мута‘аххирин» деб атала бошланди. Бу ҳол Аллома Тафтазоний мусулмон оламида тугган мавқеи нақадар юксак эканини тасдиқлайди [1, б. 90].

Аллома Са‘д ад-дин Тафтазоний, бизгача етиб келган ва ҳозиргача кўпчилик томонидан катта эътибор билан ўрганиб келинаётган китобларидан бири «Шарҳ ‘ақо’ид ан-Насафий» номли асаридир. Бу китоб Нажм ад-дин Абу Ҳафс ‘Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмо‘ил ибн Муҳаммад ибн ‘Али ибн Луқмон Насафий Ҳанафий (461-537 х.), «‘Ақо’ид ан-Насафий» матнига ёзилган шарҳдир. Абу Ҳафс ‘Умар Насафий, Мотуридий мактабининг кўзга кўринган намояндаларидан бири эди. У тасниф қилган асарлар сони юзта бўлгани учун «Юз китоб соҳиби» деб ҳам лақабланади. Тасниф қилган асарларининг ичида «‘Ақо’ид ан-Насафий» мотуридийа

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

ақидасининг жавҳари саналади. Мотуридий таълимотини тутган барча диёрларда «‘Ақо’ид ан-Насафий» асари бирдек қабул қилинган, ўқиб-ўрганилган ва юздан ортиқ шарҳ ва ҳошиялар битилган.

Устоз Саййид ‘Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ҳабаший (1183-1197) ўзининг «Жами’ аш-шуруҳ ва ал-ҳаваши» асарида «‘Ақо’ид ан-Насафий» асарига тааллуқли бўлган бир нечта маълумотларни келтирган. Устоз Саййид ‘Абдуллоҳ Ҳабаший ўзининг асарида «‘Ақо’ид ан-Насафий» асарига ёзилган 25 та шарҳни тарғиб билан келтирган [2, б. 464-465]. Шунинг учун бу асар асрлар бўйи мадрасаларда давомий дарслик бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Абу Ҳафс ‘Умар Насафий, «‘Ақо’ид ан-Насафий» асари Аллоҳ та‘оло машхур қилган матнлардан ҳисобланади. Бу асар устида жуда кўп уламолар тадқиқотлар олиб борган. «‘Ақо’ид ан-Насафий» асари моҳиятан Абу Мансур Мотуридийнинг «Тавҳид» ва Абу-л-Му‘ин Насафийнинг «Табсират ал-адилла» китобига мухтасар шарҳдир. Ҳожи Халифа ўзининг «Кашф аз-зунун» китобида «Табсират ал-адилла» асарини танитиш ниҳоясида: «Ким «Табсират ал-адилла»га назарса солса, ‘Умар Насафийнинг «‘Ақо’ид ан-Насафий» асари «Табсират ал-адилла» нинг фихристи эканини билади», дейди [3, Ж. 1, б. 338].

Ушбу асар ихчам бўлишига қарамай нуфузи «Табсират ал-адилла» дан кам бўлмаган. Имом Насафий ўзининг «‘Ақо’ид ан-Насафий» рисоласида Мотуридийнинг «Китоб ат-тавҳид» ва Абу-л-Му‘ин Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асарларида кўтарилган калом илмининг янги босқичини муайян шаклга солиб, ихчам шаклда берганлиги кўзатилади.

Асар Шарқда кенг тарқалган, мадрасаларда ўқув қўлланма сифатида ўқитилган. Ҳар бир талаба ушбу рисоланинг матни билан ёддан таниш бўлишган. Чунки у қадар катта ҳажмда бўлмаган, хат тури ва китоб ҳажмига кўра уч, беш, етти варақлар атрофида бўлган. Шунинг учун бўлса керак Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида юздан ортиқ нусхалари мавжуддир.

«‘Ақо’ид ан-Насафий» асари мотуридий таълимоти асосида ёзилган ихчам, тезис шаклидаги рисола бўлиб, унга кўплаб олимлар қизиқиш билан қарашиб шарҳ ва ҳошиялар битишган. Насафийнинг ушбу асари бошқа асарларидан тубдан фарқ қилади. У жуда ихчам ҳамда раво шаклда бўлиб, ҳар бир ўқувчи бир ўқишдаёқ уни матнларини эсда сақлаб олади. «‘Ақо’ид ан-Насафий» матнига ёзилган шарҳларнинг энг машҳури Са‘д ад-

дин Тафтазоний, «Шарх ‘ақо’ид ан-Насафий» асаридир. Манбаларда ушбу икки китобнинг номлари «ал-‘Ақо’ид ан-Насафийа», «‘Ақо’ид ан-Насафий» ва «Шарх ал-‘ақо’ид ан-Насафийа», «Шарх ‘ақо’ид ан-Насафий» тарзида учрайди. «‘Ақо’ид ан-Насафий» асарига кўп уламолар томонидан шарҳлар ёзилган, лекин Тафтазонийнинг шарҳи улар ичидаги шухратлиси ва уламолар томонидан қабул қилиниш, муҳимлик, кераклиги жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Асар бир қанча шар‘ий илм даргоҳларида дарслик сифатида ўқитилган. Аллома Тафтазоний китобни 768/1367 йилнинг шаъбон ойи Хоразмда ёзиб тугатган [4, б. 128].

Аллома Тафтазоний бу китоби ўз давридаги ‘ақида илмига оид илмий баҳсларнинг самарасини акс эттирган китобдир. ‘Ақо’идга оид китобларда ҳар бир китобнинг ёзилаётган давридаги ҳукм сураётган эътиқодий масалалар ва тортишувлар акс этиши одат тусига кирган нарса. Аллома Тафтазоний ўз китобининг аввалида ‘ақида илми тарихи ва унга одамларнинг ҳождати тушганлиги ҳақида қисқача тушунтириш беради. Аллома Тафтазоний ўз шарҳининг бошида, Мотуридий ақидавий мазҳабидаги бошқа олимлар каби, маърифат ҳосил қилиш воситаларини баён қилиш жараёнида ақлнинг тутган ўрни ва аҳамиятини тушунтиради. «Шарх ‘ақо’ид ан-Насафий» китобининг дастлабки мавзулари жуда ҳам қийин тил ва услубда келган. Бу ҳам ўша замон илмий муҳитининг таъсиридир. Муаллиф мазкур вақтнинг услуби ва тили ҳамда истилоҳларини ишлатишга мажбур бўлган. Айниқса, Аллоҳ та‘олонинг борлиги ва зоту сифатини, оламнинг қадим эмаслигини баён қилиш жараёнида кўпроқ файласуфларнинг иборалари ва услуби ила бўлган. Бу бобларда ойат ва ҳадислар деярли келтирилмаган. Аммо кейинроққа келиб услуб ҳам, гап-сўзлари ҳам осонлашиб боради. ойат ва ҳадислардан ҳужжат-далиллар келтириш ҳам кўпайиб борган. Аллома Тафтазоний аввал фақат ақлий далиллар келтирган бўлса ҳам, кейинроқ ойат ва ҳадисдан келтирган далилларини қувватлаш учунгина ақлий далиллар келтирган. Аллома Тафтазоний файласуфлар, му‘тазилийлар, жабрийлар ва қадарийлар каби турли фирка ва гуруҳларнинг фикрларини келтириб, уларга Аҳли сунна ва-л-жамо‘анинг раддияларини бериб борган [1, б. 94].

Са‘д ад-дин Тафтазоний, «Шарх ‘ақо’ид ан-Насафий» асарига уламолар катта қизиқиш билан қарашган ва унга ҳошиялар битишган. Ушбу асар ўз давридаги ақида илми борасидаги илмий баҳсларнинг самарасини акс эттирган китобдир. Аллома Тафтазоний ушбу асарга шундай баҳо беради:

«Абу Ҳафс Насафийнинг «‘Ақо’ид ан-Насафий» асари калом илмини ўрганишда энг фойдали ва қулай манбадир». Тафтазоний, Имом Мотуридий ақидасига эргашган ва унинг таълимотини кенг ёйишга хизмат қилган. Аллома мотуридийа ва аш‘арийалар ўртасидаги хилофли масалаларда мотуридий уламолар томонида турар эди.

Асарни ёзишда Тафтазоний, матн ибораси билан шарҳ иборасини узиб қўймасдан бир-бирига мос тарзда аралаштириб ёзган. Гоҳида матндан олдин «мим» ҳарфини, шарҳдан олдин «шин» ҳарфини, ёки матн устига чизиқ қўйган. Бу аксар шарҳ ёзувчиларнинг услубий йўлидир. Тафтазоний, ҳам бу шарҳида ўша услубни қўллаган. Қўлёзма асари боб ва фаслларга ажратилмаган дейилади. Шунинг учун муҳаққиқлар фаслларга тақсимлашга эътибор беришган.

«‘Ақо’ид ан-Насафий» асари мотуридий мазҳабига мағиз бўлиб намоён бўлди ва Тафтазонийнинг қўлида мазҳабнинг муфассал қилувчи ва қолиби бўлиб намоён бўлган. Аллома Тафтазоний «Шарҳ ‘Ақо’ид ан-Насафий» асари энг кўп чоп этилган асарлар сирасига киради. Бундан ташқари, бу китобнинг қўлёзмалари кўпгина Европа кутубхоналарида сақланмоқда. Ушбу асар асосан Истанбул, Қоҳира ва Ҳиндистон давлатларида нашр қилинган. Қозонда ҳам кўп маротаба бу шарҳ чоп этилган. «Шарҳ ‘Ақо’ид ан-Насафий» тахминан 15 маротаба нашр этилган. ‘Ақо’ид шарҳи хошиялар билан нашр қилинган. Асар 1260/1844 йил Калкуттада Мавлавий Ходим Ҳусайн ал-‘Азим-ободий хошияси билан, 1286/1869 йил Лакнахурда Хаёлий хошияси илова қилиниб, 1321/1903 йил Мисрда, 1331/1913 йил Шокир матба‘асида, 1897 йил Қозонда Шарҳ ал-‘Исом хошияси билан, 1898 йил яна Қозонда Мавло Муслиҳ ад-дин Мустафо Касталий хошияси билан, 1313/1896, 1323/1905 йилда Остонада, 1322/1904, 1323/1905 йил эса Лакнавада «Шарҳ ‘Ақо’ид ан-Насафий» ва «ал-Хайолий шарҳ ‘ақо’ид ан-Насафий ма‘а хошия» Мулло ‘Абд ал-Ҳаким Сийолкутий» билан нашр этилган.

Ҳозирга келиб, ушбу асар ва унга ёзилган хошиялар нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам тадқиқ қилинмоқда. Ушбу асарнинг нуфузи шундаки, унда мотуридийа таълимоти қисқа сатрлар ва шарҳлар орқали баён қилиб берилган. Бу ўқувчига қулайлик туғдириши билан бир қаторда, мотуридийа таълимотини изчил равишда ўрганишга имконият яратади.

Аллома Тафтазоний «Шарҳ ‘ақо’ид ан-Насафий» китоби Мотуридий ақидавий мазҳабида ёзилган китоблар ичида энг машҳурларидан бири

ҳисобланади. Уни кўпгина юртларда дарслик қилиб олинган. Бизга етиб келган асарлар ичида кўп учрайдигани ҳам айти шу китобдир.

Аллома Тафтазоний қолдирган илмий мерослари диний ва дунёвий фанларга катта ҳисса қўшган. Алломанинг бундай асарларини ўрганиш, таълим-тарбия, инсонийлик ва меҳр оқибат тушунчаларини ифода этишда катта роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Тафтазоний каби алломаларнинг илму ирфонларини кенг ўрганиб, уни оммага, ёшларга етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Адабиёт:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Йусуф. Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар. Тошкент, 2011.
2. Саййид ‘Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ҳабаший. Жами‘ аш-шуруҳ ва-л-ҳаваши, [нашр жойи ва йили номаълум].
3. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ‘ан асоми ал-қутуб ва-л-фунун: 2 томлик. Байрут: Дар ал-қутуб ал-‘илмийа, 1413/1992.
4. Са‘д ад-дин Тафтазоний. Шарҳ ‘Ақо‘ид ан-Насафий. Лакнав, 1322/1904.

«АДАБ АЛ-МУТА‘АЛЛИМИН» АСАРИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Отабек Баҳриев*

Бу қўлёзма асар Бурҳон ад-дин ‘Али ибн Аби Бакр Зарнужийга тегишли бўлиб, ҳозирги кунда Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказининг қўлёзмалар фондида сақланиб келаяпти. Бурҳон ад-дин ‘Али ибн Аби Бакр Зарнужийнинг туғилган йиллари номаълум бўлиб, вафотлари 620/1223 йилга тўғри келади. Бу асар жуда қисқа, яъни 18 саҳифадан иборат бўлиб, кўпгина мавзулар шеърӣ услубда келтирилган.

Муаллиф асарини шу тарзда бошлаган: «Жамики олам ичида Одам фарзандларини илм ва амал билан фазилатли қилиб қўйган Аллоҳ та‘олога чексиз ҳамду-сано бўлсин ва Аллоҳнинг солати ва саломи араб ва ажамларнинг саййидига ва у кишининг оила азоларига ва ҳикмат ва илмларни тошириб юборган дўстларига бўлсин. Мен замонамиздаги толиби илмларда илмга бефарқлигини ва илмнинг фойдаси ва меваси бўлган амалга безътиборлигини кўргач, ўзимга улар учун илм олишлик йўлларини баён қилиб беришликни маъқул кўрдим. Бу китобга қизиқувчилар ва унга мухлислик қилувчилар қиёмат кунда улуғ ютук ва ажрларга эришишини Аллоҳ та‘олодан сўраб дуо қилиб қоламан» [Илл. 14].

Бурҳон ад-дин ‘Али ибн Аби Бакр Зарнужий ушбу рисоласини бошлашда Аллоҳ та‘олога истихора қилганини, шундан кейин ушбу китобини «Та‘лим ал-мута‘аллим туруқ ат-та‘аллум», яъни «Илм олишлик йўлида илм ўрганувчининг илм ўрганишлиги» деб номлаб, 14 фаслга ажратди:

1. Илмнинг моҳияти, уни фаҳмлашлик ва унинг фазилати тўғрисида;
2. Ният қилишлик;
3. Илми, устозни ва шерикни ихтиёр қилишлик ва собит қадам

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

бўлишлик;

4. Илмни, устозни ва унинг аҳлини улуғлашлик;
5. Илм олишда ғайрат қилишлик, бардавом бўлишлик ва ҳимматини баланд қилишлик;
6. Дарсни бошлашлик ва илмнинг меъёрини ва тартибини ушлашлик;
7. Аллоҳга таваккул қилишлик;
8. Илм ҳосил қилишлик вақти тўғрисида;
9. Илмнинг чегараси ва илмга чин кўнгилдан самимий бўлишлик;
10. Фойда ва иқтибос олишлик одоблари;
11. Илм олишлик ҳолатида диёнатли бўлишлик;
12. Илмни ёдда сақлашлик ва уни унутишликга олиб борадиган сабаблар;
13. Ризқни олиб келадиган ва уни ман қиладиган сабаблар;
14. Умрнинг зиёда бўлишлиги ва унинг камайишлиги ҳусусида.

Биринчи фаслда муаллиф илмнинг моҳияти, уни фаҳмлашлик ва унинг фазилати тўғрисида Расулulloҳ, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-салламдан: «Илм талаб қилишлик ҳар бир мусулмон ва муслимага фарздир» ҳадисини келтириб, ҳамма илмни эмас, балки ҳар бир киши ҳолига қараб илм олишлиги лозимлигини айтиб ўтган. Чунончи айтилгандек, илмнинг афзали илми ҳол (қайси ҳолатда бўлса, шу ҳолатнинг илмини ўрганиш), амалнинг афзали ҳолни ёдда сақлашлиқдир.

Иккинчи фаслда илмни ҳосил қилишда ниятнинг зарурлиги. Чунки Расулulloҳ, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-салламнинг: «Амаллар ниятга қараб бўлади», – деган сўзларига кўра ният ҳамма ҳолатларда ва амалларда аслдир. Толиб илмга илмни Аллоҳнинг розилиги ва охиратда кўп савобларга эришиш ва ўз нафсидан жоҳилликни кетказиш, динни тирилтириш учун ҳосил қилишликни ният қилишлиги лозим бўлади. Чунки зуҳд ва тақво жоҳиллик билан дуруст бўлмайди, балки илм билан ҳосил бўлади.

Учинчи фаслда толиби илм ҳар бир илмнинг яхшисини, фойдалисини ва диний ишларида ўзи ва кишилар унга муҳтож бўлган илмни ўрганиши, бунда тавҳид ва маърифат илмини биринчига қўйишлик керак. Ҳар хил далилларни тарқ қилиб, «‘Алайқум би-л-атик» қондасига кўра янги фатволарни эмас, балки қадимги фатволарни лозим тутишлик ва устозни ҳам танлашлиқда унинг амалига эътибор беришлик, шерикнинг тақволисини ва тиришқоғини ихтиёр қилиб, унинг ялқов ва дангасасидан, бўҳтон ва фосид ишларни

қиладиганидан қочишлик керак.

Тўртинчи фаслда албатта толиби илм илмга ва унинг фойдасига фақатгина илмни, унинг аҳлини ва устозини улуғлашлик билан эришади. Ҳурмат қилишлик итоат қилишликдан яхшироқдир, чунки ким илмни улуғласа, устозини улуғлаган бўлади. ‘Али, розияллоху ‘анху, айтади: «Кимки менга бир ҳарф ўргатса, мен унга қулман, хоҳласа сотади, хоҳласа озод қилади». Аммо устознинг буйруғи Аллоҳга маъсият бўлмайдиган ишлар бўлишлиги шарт, чунки «Ҳоликқа гуноҳ бўладиган ишларда маҳлукга итоат қилинмайди» деган қоидага биноан.

Бешинчи фаслда илм олишда ғайрат қилишлик, бардавом бўлишлик ва ҳимматини баланд қилишлик жуда зарурдир. Кимки бирор мақсадни талаб қилиб, тиришса топади ва кимки эшикни тақиллатса, албатта, жавобини эшитади. Толиби илм доимо дарсни тайёрлашда ва уни такрор қилишда кечаси ҳам, кундузи ҳам давомли бўлиши шартдир.

Олтинчи фаслда муаллиф дарсни чоршанба куни бошлашликнинг афзаллиги ва дарснинг миқдорини шогирднинг зехнига қараб битта-битта калима ошириб боришлик, шогирдларнинг бақириқ-чақириқ қилишига, бир-бирини ёмон кўришига ва самарасиз мунозара қилишларига йўл қўймасликни айтиб ўтган.

Еттинчи фаслда илми толибнинг қилиши лозим бўлган ишлардан бири Аллоҳга таваккул қилишлиги ва ҳеч иккиланмасдан қалбини бошқа ишларга машғул қилмасдан илмга буришлигидир.

Саккизинчи фаслда илми толиб илм ўрганишда илм олишлик вақтини тайин қилишлиги, илм олишликнинг энг афзал вақти ёшлик вақти ва саҳар вақтидир. Агар шогирд ўқиётган китобидан зерикса бошқа илмлар билан машғул бўлишлиги мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўққизинчи фаслда илм эгаси, албатта, бировнинг дардига шерик бўладиган, ҳасад қилмасдан насихат берадиган бўлиши шарт. Чунки ҳасад инсоннинг ўзига зарар бўлиб, фойдасиз нарсадир.

Ўнинчи фаслда толиби илмнинг ҳар бир вақтдан унумли фойдаланиб, ўзи учун илм-маърифат ҳосил қилишлиги лозимдир. Ўзи билан бирга ҳар доим қоғоз-қалами бўлиб, эшитган нарсасини ёзишни одат қилишлиги керак, чунки ёдланган илм эсдан чиқади, ёзилган илм қарор топади.

Ўн биринчи фаслда илм толиб илм ўрганишлик чоғида тақвога жуда қаттиқ эътибор бериши ва Пайғамбаримиз, соллаллоху ‘алайҳи ва-саллам:

«Кимки илм ўрганишида такво қилмаса, Аллоҳ та‘оло уни ўнта бало билан балолантириб қўяди», – деганлар.

Ўн иккинчи фаслда зеҳни қувватли қиладиган сабаблар айтиб ўтилган. Улардан илмда доимий бўлишлик, овқатланишни озайтириш, кечалари намоз ўқиш, Қуръон ўқиш ва ҳоказо.

Ўн учинчи фасл ризкни олиб келадиган ва уни инсондан ман қиладиган воситалар тўғрисида.

Ўн тўртинчи фасл умрни зиёда ва кам қиладиган сабаблар ҳақида. Бу иккаласи тўғрисида китобларда жуда кўп гаплар айтилган. Жумладан кишиларга яхшилик қилишлик, азият бермаслик, кексаларни қадрлашлик, силаи-раҳм қилишлик ва ҳоказо. Умрни камайтирадиган сабабларга кишиларга азият беришлик, зино қилишлик, қарияларни хўрлашлик ва ўсиб турган дарахтларни заруратсиз кесишлик киради. Илм толибга тиб илмини ёзилган китоблар ва Шайх Имом Абу-л-‘Аббос тўплаган «Пайғамбаримиз, соллаллоҳу ‘алайҳи ва-салламнинг, табобати» асари асосида билишлиги ҳам зарурдир.

Бу қўлёзманинг охири шундай дуолар билан тугалланган: «Аллоҳ та‘оло ҳаммани тўғри йўлга бошласин ва қайтишлик унгадир. Бу китоб Ваҳҳоб Молик Зотнинг ёрдами ила Мажид ибн Мулло Ҳожи Қорининг қўлида ниҳоясига етди. Аллоҳ та‘оло иккаласини ҳам гуноҳларини мағфират қилиб, айбларини беркитсин». 1234/1819 сана [Илл. 15].

Хулоса ўрнида шунини айтиб ўтиш керакки, Бурҳон ад-дин ‘Али ибн Аби Бакр Зарнужийга тегишли бу нодир қўлёзма ёшларни тарбиялашда, уларни ҳар тарафлама келажак авлодга фойдаси тегадиган инсонлар бўлиб етишишида асқотади, деб ўйлаймиз. Албатта, келажакда бу қўлёзмани мукамал ўрганиб, ундаги ахлоққа ва тарбияга тегишли бўлган маълумотларни ёшларимизга тақдим етамиз.

АБУ-Л-ИХЛОС ҲАСАН ШУРУНБУЛОЛИЙ ВА УНИНГ ҚЎЛЁЗМА АСАРЛАРИ

Равшан Элмуродов*

Аллома Мисрнинг Мануфийа вилоятининг Шурунбулол қишлоғида 994/1585 йилда туғилган. Абу-л-Ихлос Ҳасан Вафо'ий Шурунбулолий ўз замонасининг фикҳ фанида энг етук ва мута'аххир олимларнинг машхур фақиҳларидан биридир. У Қоҳира шаҳридаги «ал-Азҳар» университетида таълим олган.

Шайх Шурунбулолий фикҳ ва усул ал-фикҳ фанларида етук олим бўлган. Аллома ханафийа мазҳабида, мотуридийа эътиқоди доирасида фаолият олиб борган.

«Радд ал-мухтор» китобининг муаллифи машхур аллома Ибн 'Обидин Шурунбулолий ҳақида шундай деган: «Муҳаққиқ олимларнинг таянчи, етук фақиҳ, бир қанча машхур китоблар соҳиби».

Имом 'Абд ал-Ҳайй Лакнавий ҳам Шурунбулолийни мақтаб ва эътироф қилиб, қуйидаги сўзларни айтган: «Имом Шурунбулолий аъло даражада ёзилган қимматбаҳо китоблар соҳибидир».

Бу кишининг фикҳ фанида мазҳаббошимиз Имом А'замга боғланадиган машхур санади бор эди. Шайх Муҳаммад Талха ўзининг «Таржамат аш-Шурунбулолий» номли қўл ёзма асарининг 51-саҳифасида Шурунбулолийнинг Имоми А'замгача, бўлган санадини тўлиқ келтирган.

Аллома Аҳмад ибн Муҳаммад Зайла'ий (ваф. 1025/1616 й.), Муҳаммад ибн 'Абд ар-Раҳмон Ҳамавий (ваф. 1017/1608 й.), Муҳаммад ибн Муҳиббий Мисрий (ваф. 1045/1636 й.) каби етук устозлардан таълим олган.

Фикҳ ва бошқа фанларни эса Имом 'Абдуллоҳ Наҳририй, аллома Муҳаммад Шамс ад-дин Маҳбубий ва шайх 'Али ибн Ғоним Мақдисийлардан ўрганган.

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

Қуръони каримни шайх Муҳаммад Ҳамавий ва шайх ‘Абд ар-Раҳмон Мусайрийларнинг ҳузурларида ёд олган.

Бу алломанинг бир нечта машҳур шогирдлари бўлиб, улар ҳам устозларига ўхшаган бир нечта китоблар ёзганлар. Аллома Исмо‘ил Нобулусий ва шайх Муҳаммад ибн Тож ад-дин ар-Рамлийлар шулар жумласидандир.

Шайх Шурунбулолий ҳаётлари давомида бир қанча илмий мажлислар ва талабаларга дарс бериш билан бирга 60 тадан ортиқ китоб ва рисоалар ёзган. Жумладан: «Нур ал-изоҳ ва-нажот ал-арвоҳ», «Мароқ ал-фаллах шарҳ Нур ал-изоҳ», «Ҳошийа ‘ала ад-дурар ва-л-ғурар», «Шарҳ манзумат Ибн Ваҳбон», «Мароқ ас-са‘ода фи ‘илмай ат-тавҳид ва-л-‘ибода», «Ғунйат зави-л-аҳқом», «Фатҳ ал-алтоф би-жадвал табақот мустаҳикқ ал-авқоф», «Иттиҳаф зави-л-итқон би-ҳукм ар-руҳбан», «ал-Истифода мин китаб аш-шаҳада», «Тухфат ал-акмал», «ал-‘Иқд ал-фарид фи-т-тақлид».

Алломанинг энг аҳамиятли ва машҳур китоби Мулла Хусравнинг «ад-Дурар ва-л-ғурар» китобига ёзган «Ҳошийат ад-дурар ва-л-ғурар» китобларидир. Бу ҳошийа Шурунбулолий ҳаётлик даврларидаёқ машҳур ва кўпчилик фойдаланадиган китоб бўлиб улгурган. Бу ҳам бўлса, Шурунбулолийнинг илми чуқур ва пухта эканига яққол далил бўла олади.

Олимнинг машҳур китобларидан яна бири «Нур ал-изоҳ ва-нажот ал-арвоҳ» бўлиб, унда таҳорат, намоз, рўза, закот ва ҳаж ибодатларига тегишли масалаларнинг энг саҳиҳлари қисқа ва лўнда шаклда, далилларисиз баён қилинган.

Биринчи бўлиб, китобнинг аввалидаги таҳорат, намоз ва рўза боблари ҳижрий 1032 йили ёзилиб, сўнгра мусаннифнинг ўзи томонидан буларга иккита шарҳ ёзилади. Биринчиси «Имдод ал-фаттоҳ» деб номланса, иккинчиси «Мароқ ал-фаллах»дир. Улардан «Имдод ал-фаттоҳ» ҳажми жиҳатдан каттароқ бўлиб, ҳижрий 1046 йили ёзилган ва 360 бетдан иборат. Етти йилдан кейин эса иккинчи шарҳ ёзилган ва, у 145 бетдан иборатдир. Аллома ҳижрий 1054 йили китобнинг закот ва ҳаж бобларини ҳам ёзиб, уни аввалги уч бобга қўшадилар. Натижада, «Нур ал-изоҳ ва нажот ал-арвоҳ» китоби беш бобли бўлди. Китобнинг учдан икки қисмида таҳорат ва намоз масалалари баён қилинган, учдан бир қисмида эса, рўза, закот ва ҳаж масалалари зикр қилингандир. Мазкур китоб дунё юзини кўрганидан бошлаб, ҳозирги қунимизгача дунёдаги кўплаб мадраса ва олийгоҳларда ўқитиб келинмоқда. Ушбу асарнинг 128 саҳифалик қўлёзма нусхаси «ал-Азҳар» кутубхонасида 1-029548 инвентар

рақами остида сақланади. Ушбу нуханинг электрон нухаси Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг кутубхонасида ҳам сақланмоқда.

Алломанинг «Мароқ ал-фаллах» китоби олимлар ўртасида машхур бўлиб, кўпчилик фуқаҳоларимиз ўз китобларида ундан иқтибослар келтиришган.

Асарнинг ҳажми кичкина, маълумоти кўп, ҳукмлари тўғри бўлиб, ниҳоятда осон ва раван услубда баён қилинган. Шунингдек, Қуръони карим, ҳадиси шариф, ижмо‘, ва қийослардан иборат бўлган далиллари ҳам зикр қилиб ўтилган. Ҳозирда кўпчилик олимлар ибодатга тегишли масалаларга мана шу китоб асосида жавоб берадилар.

«Мароқ ал-фаллах» китобига шайх Аҳмад Таҳтовий «Ҳошийат ат-Таҳтовий ‘ала мароқ ал-фаллах шарҳ нур ал-изоҳ» номли ҳошия ёзганлар. Хуллас, «Нур ал-изоҳ нажот ал-арвоҳ» ва «Мароқ ал-фаллах» китобларига машхур олимлар томонидан кўплаб шарҳ ва ҳошиялар ёзилган. Бу ҳам бўлса, мазкур китобларнинг нақадар юксак аҳамиятга эга эканига далolat қилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида Имом Шурунбулолийнинг «Мароқ ал-фаллах» асарини иккита тошбосма нухаси: 2132 ҳамда 707 интенвар рақамлари остида Шайх Аҳмад Таҳтовийнинг ҳошияси билан бирга ёзилган нухалари сақланмоқда.

Ҳозирда алломанинг кўплаб асарлари Миснинг «ал-Азҳар» кутубхонасида сақланмоқда. Олимнинг айнан ушбу кутубхонада сақланаётган китоб ва рисоаларининг қирққа яқинининг электрон нухалари Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг электрон кутубхонасида ҳам сақланади.

Алломанинг турли мавзуларга оид рисоалари асосан рақам остида ёзилган. Масалан, 1062/1652 йилда ёзилган «ал-Азҳар» кутубхонасида 1-029491 рақами остида сақланаётган «Китоб ал-имон» китоби «ар-Рисала ас-салиса ва-л-‘ишруна аҳсан ал-ақвол» деб бошланади.

16 саҳифадан иборат, 1057/1647 йилда ёзилган ва «ал-Азҳар» кутубхонасида 1-029511 рақами остида сақланаётган «Китоб аш-шаҳода» китоби эса «ар-Рисала ас-самина ва саласуна ал-истифада мин китоб аш-шаҳода» деб бошланади.

Мазкур қўлёзма манбалар ҳанафий фикҳи бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борувчилар учун фойдали асарлардан ҳисобланади.

Аллома Шурунбулолий ҳижрий 1069/1659 йили, Рамазон ойининг ўн биринчиси, жума куни 75 ёшларида вафот этган.

ИБН АЛ-АСИРНИНГ «АЛ-КОМИЛ ФИ-Т-ТА'РИХ» АСАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

Зариф Хидиров*

Ислом манбашунослигида ислом тарихига оид ёзилган кўплаб ишончли манба ва адабиётлар мавжуд. Уларда нафақат ислом тарихи, балки умумий тарихга оид маълумотлар ҳам учрайди. Хусусан, уларда юртимиз тарихи билан боғлиқ қимматли маълумотлар бор. Мустақиллик шарофати билан ўтмиш тарихимиз ёритилган тарихий асарларни ўқиш, ўрганиш ва уларни ҳолисона таҳлил этиш имконияти яратилди. Ана шундай тарихий манбалардан бири 'Изз ад-дин ибн ал-Асир қаламига мансуб «ал-Комил фит-та'рих» (Мукаммал тарих) асаридир.

Асар муаллифи 'Изз ад-дин Абу-л-Ҳасан 'Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад 'Абд ал-Карим ибн 'Абд ал-Воҳид аш-Шайбоний ал-Жазарий 555/1160 йили Ибн 'Умар жазираси (ороли) да дунёга келган. Ибн 'Умар жазираси Дажланинг ойга ўхшаб ўраб турувчи соҳилида жойлашган, шимолий-шарқий томондан Сурияга яқин бўлган шаҳар [1, б. 144]. Ибн Халликон ва Йокут Ҳамавий асарларида у оролни Ҳасан ибн 'Умар ибн Хаттоб ат-Тағлибий барпо қилгани келтирилган [2, б. 138, 350].

Ибн ал-Асир муҳаддис, му'аррих бўлиб шуҳрат қозонганига қарамасдан, унинг ҳаёти ва ижодини батафсил ёритган манбани учратиш қийин. Чунки Ибн ал-Асир ўзи ҳақида гапиришни ёқтирмаган. У ҳақида маълумот келтирганларнинг кўпчилиги Ибн Халликоннинг Ибн ал-Асир ҳақида ёзган қисқагина таржимаи ҳолидан фойдаланган. Ибн ал-Асирнинг фаолияти ҳақидаги барча маълумотларни табақот китобларидан ва унинг оиласи, ака-укалари ҳақида ёзилган асарлардан оламиз. Сабаби унинг акаси ва укаси ҳам

* Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ислом тарихи ва манбашунослиги ИРСИКА кафедраси ўқитувчиси

етук олим сифатида манбаларда келтирилган. Масалан, Жамол ад-дин ибн ‘Али ибн Йусуф Ибн ал-Қифти ўзининг «Инбаҳ ар-рувот ‘ала анбаҳ ан-нуҳот» (Грамматика олимларининг танбеҳларига ровийларнинг эътиборини жалб қилиш) [3, б. 257-260] асарида Ибн ал-Асирнинг акаси Мажд ад-дин ҳақида маълумотларни келтириб, Ибн ал-Асир ҳақида ҳам баъзи маълумотларни тақдим қилган.

Ибн ал-Асир бир неча йиллик ҳукумат ишларидан бўшаганидан сўнг китоб ёзиш билан машғул бўлди. Умрининг охириги йилларини уйда зиёратчи ва талабалар билан ўтказди. Ибн ал-Асир 639/1232 йили, ша‘бон/июнь ойида 75 ёшда Мосулда вафот этди [4, б. 209-210].

Ибн ал-Асир ҳадис, сийрат, тарих, насаб, байон (стилистика) ва одоб илмларига оид бир неча қимматли асарлар тасниф қилди. Унинг энг машҳур асарлари қуйидагилар:

- «ал-Комил фи-т-та’рих» (Мукаммал тарих);
- «Усд ал-ғоба» (Ўрмон шерлари);
- «Та’рих ад-давла ал-отабекия би-л-Мавсил» (Мавсилдаги Отабекия давлати тарихи);
- «ал-Лубоб фи таҳзиб ал-ансоб» (Насабларни ўрганишда сараланган маълумотлар);
- «ал-Жоми‘ ал-кабир» (Катта тўплам);
- «Тухфат ал-‘ажо’иб ва турфат ал-ғаро’иб» (Ажойиб тухфалар ва ғаройиб совғалар);
- «Адаб ас-сийоса» (Сиёсат одоблари).

«Ал-Комил фи-т-та’рих» (Мукаммал тарих) ўзининг хронологик чегарасигача бўлган давр оралиғида мусулмон шарқи ва ғарби ва улар орасида содир бўлган воқеа-ҳодисаларни баён қилувчи муҳим тарихий манбалардан бири бўлиб, у араб тилида ўн бир жилддан иборат. Асосий маълумотлар асарнинг дастлабки ўн жилдида мужассам бўлиб, биринчи жилди ислом динида қачондан бошлаб тарихга эътибор берилгани, замон ва дунёнинг яратилиши ҳақидаги маълумотларни ёритишдан бошланади ва охириги жилди мўғуллар босқинига оид маълумотлар билан тугайди. Охириги ўн биринчи жилди мундарижага бағишланган.

Аллома Ибн ал-Асир ўзининг «ал-Комил фи-т-та’рих» (кейинги сатрларда «ал-Комил» деб келтирилади) асарининг ёзилиш тарихи ва таърифи ҳақида

қисқача келтириб ўтган. «Мен доимо тарих китобларини мутолаа қилиш, улардаги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиш ва шу орқали одоб, маърифат ҳосил қилиш ҳамда тажрибаларни ўрганишни яхши кўрардим. Аввалига ўзим ўқиган маълумотларни эсимдан чиқармаслик, уларни доим тақрорлаб юриш учун ушбу асарни ёзишни бошладим. Китобнинг кўп қисмини ёзиб тугатганимдан сўнг бир муддат унга янги воқеа-ҳодисаларни қўшиш учун уни ёзишдан тўхтадим. Кейин агрофимдаги бир қанча биродарларим ушбу китобдаги воқеаларни ҳикоя қилиб беришимни ва ўзлари ҳам ундан ривоят қилишларини айтишди. Мен эса ҳали ушбу китобдаги маълумотлар тахрирдан ўтмагани, унга баъзи маълумотлар қўшилишини ёки олиб ташланишини таъкидладим. Лекин уларнинг қаттиқ илтимосларини инобатга олиб, асар охирига етмасдан ундан дарс бера бошладим.

Мен ушбу асаримда тарихга тегишли барча маълумотларни жамладим деб айтмоқчи эмасман, чунки Шарқ ва Ғарбга оид барча маълумотлардан хабардор бўлиш амри маҳолдир. Лекин китобимда шу вақтгача ҳали битта асарда жамланмаган маълумотларни келтирдим» [5, б. 8], дея баён қилади.

Ибн ал-Асир меросини ўрганиш давомида олим ишончли манбаларга суяниш орқали ўз асарининг кадрини оширганига гувоҳ бўламиз. «Ал-Комил» Табарийнинг тарихидан фойдаланилган ҳолда Одам (а.с.) дан то XIII аср бошигача бўлган даврни бир манбага жамлангани билан шуҳрат қозонган. Ибн ал-Асир «ал-Комил»ни тасниф қилишда Табарийнинг «ат-Та'рих ал-кабир» китобидан кенг фойдаланган. Ибн ал-Асир бу борада шундай деган: «Имом Абу Жа'фар Табарийнинг «ат-Та'рих ал-кабир» китобидан бошладим. Чунки бу китоб эътиборли ва ихтилоfli масалаларни аниқлашда муҳим манба ҳисобланади» [5, б. 6. 6]. Табарий вафот этгандан бошлаб, то Ибн ал-Асирнинг «ал-Комил» асари ёзилмагунча орада бирор муқаммал китоб тасниф қилинмади. Яъни Абу Жа'фар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг «Пайғамбарлар ва ҳукмдорлар тарихи» номли китобида дунёнинг яратилишидан тортиб то 302/915 йилга қадар содир бўлган тарихий воқеалар жой олган. «Ал-Комил»да муаллиф исломда тарих ёзиш қачондан бошланганини баён қилгандан сўнг замон ҳақида сўз бошлаган ва 628/1230 йилгача бўлган воқеа-ҳодисаларни ёритган. «Ал-Комил» орада уч асрдан кўпроқ вақт оралиғидаги воқеа-ҳодисаларни баён қилувчи муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Фикримизча, саҳобалар ҳақидаги маълумотлар ишончли келтирилгани учун ҳам Ибн ал-Асир Табарийдан кенг фойдаланган. «Ал-Комил» муқаддимасида:

«Мен Табарийдан бошқа машхур тарих китобларини ҳам мутолаа қилиб, Имом Абу Жа‘фар Табарийнинг «ат-Та‘рих ал-кабир» асарида келтирилмаган маълумотларни ҳам келтирдим. Аммо Табарий саҳобалар ҳақида келтирган маълумотларга қўшимча қилмадим. Бирон сўзни изоҳлаш, бир инсоннинг исми ёки уларга таъна етказмайдиган маълумотни қўшиб қўйдим, холос» [7, б. 7], – дейилган.

Бошқа шахслар ҳақидаги маълумотларда ҳам Табарийнинг асаридан кенг фойдаланилган. Ибн ал-Асир бу ҳақда: «У китобдаги келтирилган шахслар ҳақидаги маълумотларни ўзгартирмасдан олдим» [5, 8, б. 6-7], – деган.

Ибн ал-Асир воқеа-ҳодисаларни тартиблашда ҳам ўзига хос услуб қўллаган. Биз баъзида тарих, айниқса сийрат илмига бағишланган бирламчи манбаларда маълумотларнинг боғлиқлигини топа олмаймиз. Ёки бир воқеани ривоят қилишда бир неча ровийлар келтирилиши ўқувчида зериктириш пайдо қилиши мумкин. Биз бу билан у манбаларни камчилигини кўрсатиш, уларни қадрини камайитириш эмас, балки уларнинг услубларига ишора қилмоқчимиз. Ибн ал-Асир ҳам бу ҳақда: «Мен баъзи му‘аррихларнинг услубларига назар ташлаганимда уларнинг бир воқеани кўп жойларда кетма-кет ҳамда маълумотни парча-парча қилиб келтирганини кўрдим. Уни ўқиган киши у воқеани бир ўқишда эмас балки узоқ мулоҳаза қилгандан кейин тушунади. Мен ўз асаримда ҳар бир йилда содир бўлган машхур ҳодисани қайси йилда содир бўлган бўлса ўша йилда тўлиқлигича баён қилдим. Аммо муҳим аҳамият касб этмаган кичик воқеа-ҳодисаларни шу йил охирида алоҳида «Бир неча ҳодисалар баёни» мавзуси остида келтирдим. Шунингдек, ҳар йилнинг охирида шу йилда вафот этган машхур уламолар ва йирик амалдорлар ҳақидаги маълумотларни келтирдим» [5, 9, б. 7]. Юқоридаги воқеаларни йиллар, яъни хронологик тартибда келтириш ўша давр услуби эди. Масалан, муаллиф «90-ҳижрий йил» дея ўша йилда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни бирма-бир келтиради. Ибн ал-Асир ҳам шу услубдан фойдаланган.

Ибн ал-Асир асарни замон ҳақида сўз юритишдан бошлайди. Бу асарда замоннинг аниқ муддатини исбот қилиш ва далил-ҳужжат келтириш мақсад қилинмаган. Балки бу асарда ўтган подшоҳларнинг тарихи, улар билан содир бўлган қизиқарли воқеалар, пайғамбарларнинг замонлари, улар яшаган ёши, ўтган халифаларнинг кунлари, ҳаёт йўли, ҳукмронлик қилган муддати, уларнинг замониди содир бўлган воқеалар келтирилади. «Ал-Комил» асарининг бошқа муҳим жиҳати, унда салб юришлари батафсил баён

қилинган. Яъни салбчиларнинг ҳижрий 491/1097 йилдан то ҳижрий 628/1230 йилгача (Ибн Асир ўзи вафот этган давргача) бўлган даврда бўлиб ўтган салб юришлари, оқибатлари ёритилган.

Асарда юртимиз тарихига оид муҳим маълумотлар тўртинчи жилддан бошланиб, унда арабларнинг бу ҳудудларга кириб келиши, Муҳаллаб ибн Аби Суфранинг Кеш аҳли билан сулҳи, ундан кейинги йилларда Қутайба ибн Муслимнинг фаолияти, унинг Пойканд, Бухорога кириб бориши, суғдликлар билан келишуви, ундан сўнг Кеш, Насаф ҳудудларини эгаллаши, Хоразмшоҳ билан сулҳ тузиши, сўнг Самарқанд, Шош ва Фарғона шаҳарларини эгаллаши, Қутайбанинг вафоти, кейинги йилларда Ашрас ва самарқандликлар ўртасидаги музокара, Наср ибн Саййорнинг Мовароуннаҳрдаги фаолияти ва бошқа воқеалар ёритилган.

Яна бир муҳим жиҳати унда ҳижрий 616-628/1219-1230 милодий йиллар (Ибн ал-Асир ўзи вафот этган давргача) оралиғида мусулмон шарқида бўлган мўғуллар босқини келтирилган, демак, у мўғуллар истилосини ёритишда муҳим асар ҳисобланади. Аллома Ибн ал-Асир мўғуллар босқинига қуйидагича муқаддима қилади: «Узоқ йиллар бу ҳодиса ҳақида сўзлашга юрагим бетламади, қўлимга қалам тутардим, бироқ ёзишга қўлим бормасди. Ким ҳам Ислом ва мусулмонларнинг ҳалокатини ёза оларди?! Қайси инсонга ўшал воқеаларни гапириш енгил экан?! Эҳ... қани эди, онам мени туғмасайди! Кошки бундан илгари ўлсам-у, бутунлай унутилиб кетсам эди! Мен ёзишга ботина олмай турганимда, баъзи дўстларим бу воқеаларни ёзишимга ундашди, сўнгра фикрладим, буни ёзишни тарк қилмоғимнинг фойдаси йўқ экан. Яъни қиссанинг ёзилиши-ю ёзилмаслиги, ўлимни ёки қиёматни олдин ҳам, кейин ҳам қила олмас экан. Шундай экан, бундан сўнг мусулмонлар ундан фойдаланишлари учун ёзилмасинми?!» [5, 10, б. 359].

Хулоса қилиб айтамикки, Ибн Асирнинг «ал-Комил фи-т-та’рих» асари тарих илмига оид қимматли асарлардан ҳисобланади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Ибн Халликон. Вафойот ал-а’ён. Байрут: Дор Садр, 1994.
2. Йоқут Ҳамавий. Му’жам ал-булдон. Байрут: Дор ал-фикр, 1979.
3. Жамол ад-дин ибн ‘Али ибн Йусуф ал-Қифтий. Инбоҳ ар-рувот ‘ала анбах ан-нухот. Байрут: Му’ассасат ал-кутуб ас-сақофийа, 1986.
4. Ибн Касир. ал-Бидойа ва-н-ниҳоя. Байрут: Дар ал-ма’ориф, 1990.
5. ‘Иzz ад-дин ибн ал-Асир. ал-Комил фи-т-та’рих. Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1997.

ҲАДИСЛАРДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАЛҚИНИ (АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ «АРБА‘ИН» АСАРИ МИСОЛИДА)

Бахтиёр Темурович Турсунов*

Миллий ўзликни англаш, маънавий меросни ўрганиш ва тадқиқ этиш, ўтмишда яшаб ўтган мутаффакир ва алломаларнинг илмий-фалсафий ва диний-ахлоқий қарашларидан халқ оммасини, аввало ёшларни баҳраманд этиш ҳаётий заруратга айланди. Зеро, «замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола билладиган баркамол, мақсадга интилувчан, серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир» [1].

Сермахсул ижод соҳиби бўлган Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти мазмунини инсониятга, халқга, ватанга хизмат қилишдек буюк эзгулик ташкил этади. Шу боис улуг шоир ижодида одамийлик, бағрикенглик, дўстлик, оқибатлилиқ каби умуминсоний қадриятлар асосида комил инсонни тарбиялашга доир масалалар кенг тараннум этилади. Жумладан, «Арба‘ин» [2] асарида аллома умуминсоний қадриятларга содиқ қолган ҳолда, энг халқчил ҳадисларни шеърӣй усулда омма эътиборига ҳавола этади. Шарқ адабиётида мавжуд бўлган «арба‘ин» анъанасига кўра ислом таълимотининг халқ орасида машҳур бўлган энг саҳиҳ (ишончли) ҳадисларидан қирқ ҳадис саралаб олинган ва ҳар бирининг мазмуни бир рубо‘ийда талқин қилинган. Абдурахмон Жомийнинг «Чиҳил ҳадис»ини Алишер Навоий туркийга таржима қилади. Шоирнинг нияти, асар муқаддимасида таъкидланганидек, «форсийдонлар идрок айлаган» қирқ ҳадис моҳиятидан туркийзабонларни ҳам баҳраманд қилиш бўлган [2]. Бу ҳадисларни шеърға солишдан кўзланган мақсад эса уларнинг осон тушунилишини, ёдда сақланилишини ва энг муҳими, кундалиқ ҳаётда уларга

* Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

амал қилинишини тарғиб қилишдан иборат бўлиб, ҳадисларни Ҳақ ва халқ истаги сифатида ифодалаш орқали шоир «Арба‘ин» нинг таъсир кучини оширишга эришган.

Жумладан, асар дебочасида «сўзи хайрли бўлган Зот (Оллоҳ) га мактовлар бўлсинки, ундан элга Пайғамбар орқали хушхабар етди, дейилади. У Пайғамбарнинг сўзлари ёқимли бўлиб, ундан элга ишончли ҳадислар етди. Халқ ушбу (ҳадислар) орқали жаҳлдан халос бўлиб, илм хилватига эришди, дўзахдан нажот ва жаннат ичра ҳаёт топди, натижада Оллоҳнинг зикри улуғ ва пайғамбарнинг шафоати азиз бўлди», дея таъкидланади.

Алишер Навоий халқ орасида машҳур бўлган ҳадисларнинг мазмунини назмга келтирилишининг сабаблари хусусида шундай баён қилади, пок кўнгилларнинг, шу жумладан, Жомий покиза қалбининг ҳам оқибати яхшилик эканлиги, бу зот Навоийга яқин бўлиб, унга кўл берганлиги ва қиблагоҳ устозу пир бўлганлиги эътироф этилади. Шунингдек, Жомийнинг назм девони ва наср услуби таърифи жаҳон тутганлигини ва у хижрий саккиз юз саксон олтинчи йилда эл орасида машҳур бўлган «Чил ҳадис» (Қирқ ҳадис) асарини ёзганлиги, Жомий ҳадисларни шеърини усулда турфа хил баён қилганлигини, Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг барча шубҳалардан ҳоли бўлган қирқ ҳадиси наср билан назмда сиёҳга солиниб, форсий тилда баён қилинганлигини маълум қилади. Ушбу «Арба‘ин»лар чиқарди жонлар, балки қирқ «арба‘ин» чиқарганлар, унда мақсад завқин топдилар, «Арба‘ин»дан воқиф бўлганлар, дея шоир «Арба‘ин»ларни яратган инсонлар ёруғ дунёдан ўтиб кетган бўлсалар-да, уларнинг арба‘инларини ўқиган кўпчилик инсонлар билиб-билмасдан қилган гуноҳларига тавба келтириб, ўз-ўзини ташкиллаштириш асосида ҳаётда эзулик йўлини тутиб, ўз мақсадларига эришганлиги айтилади. Шоир форсийдонлар идрок айлади, халос эди бу нафдан туркийзабонлар, истадимки, бу халқ ҳам борича, бўлмасинлар бу нафдан холи деб, чинакам халқпарварликни намоён этади. Ҳазрат Навоий ушбу муддаони (устоз Абдурахмон Жомийга – Б.Т.) баён қилдим ва ул зот менга ижозат бериб, дуо қилди. Чунки мақсадим савобдан иборат бўлиб, кимки мени дуо қилса, мустажоб (кифоя) эди, дейди. Бир-икки кун мушоҳада қилдим ва кўз тутардан (уйкуга кетишдан) бурун тамом этдим, деб қирқ ҳадисга доир мазкур рубо‘ийларни қисқа бир фурсатда ёзиб тугатганлигини маълум қилади. Бор умидим менинг шоҳи шарият, кимки Пайғамбар шаънига берадур безак, улки саҳифалараро солгай кўз, кўнглига

айласин бор сўзни нишон, насридан барча баҳраманд бўлсин, назмидан барча хабардор бўлсин, бу ҳадисларга кимки итоат этса, киёматда улар муҳаддис (ҳадисшунос – Б.Т.) химоясида бўладилар [2], дея Навоий асарни ёзишдан бор умиди шарият моҳиятини халққа етказиш бўлганлигини айтиб, шу боис уни ўқиб, баҳраманд бўлганлардан уқганларини қалбига жойлаб ҳаётда уларга қатъий амал қилишларини сўрайди.

«Арба‘ин» асарида ҳам инсонни камолатга элтувчи умуминсоний қадриятлар кенг тарғиб этилади, хусусан, унда келтирилган қирқ ҳадиснинг аксарияти комил инсонга хос бўлган одамийлик, дўстлик, меҳр-муҳаббат, ўзаро ёрдам, мурувват, сахийлик каби умуминсоний қадриятлар талқинига бағишланади [2].

Жумладан, «Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига раво кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунча, чин мўъмин бўлолмайди» ҳадиси Навоий талқинида қуйидагича кўриниш касб этган:

Мўъмин эрмастур, улки иймондин
 Рўзгориди юз сафо кўргай,
 Токи қардошига раво кўрмас –
 Ҳар неким ўзига раво кўргай.

Навоий иймонда собитлиги туфайли ҳаётида юзлаб ёруғлик ва яхшиликлар кўрган инсон ҳам гарчанд ўзига раво кўрганини бошқаларга раво кўрмас экан, у ҳеч қачон ҳақиқий мўмин, яъни комил инсон бўла олмайди, дея инсонларни инсофга, одамийликка, бағрикенгликка ва меҳр-оқибатлиликка даъват этади.

Шунингдек, «Қўли очиклик – фойдадур» ҳадисига оид рубо‘ийда тухфаю эҳсонлар орқали фойда кўришни истаганлар ҳам охир-оқибатда ўлимдан қутула олмайди, шундай экан, ўзгаларга беминнат ҳадя улашиш орқали охирабда яхши амалларни ўзингга ҳамроҳ қилиш имконини фойда сифатида асрагин, дейди шоир:

Мол базл ила суд агар тиласанг,
 Оқибат чун ўлум эрур мавжуд.
 Асрагон қолур, улки базл эттинг
 Санга ҳамроҳ борурдин эттинг суд [2].

«Бир-бирингизга ҳадялар бериб, дўстлашинлар» ҳадиси баёнига доир рубо‘ийда ҳам совғалар бериб ўзаро дўстлашинг, эй ақл ҳадясида баҳра

топган инсонлар айтинг, жаҳонда борми дўстлик инъомидан яхшироқ совга?, дея инсонлар ўртасидаги дўстлик ва меҳр-оқибатлиликини мустаҳкамлашда беғараз совга-саломлар улашишнинг муҳимлиги таъкидланади:

Дўстлашинглар ҳадиялар беришиб,
Баҳра топқон хирад атиясидин.
Худ жаҳонда атияе борму,
Яхшироқ дўстлик ҳадиясидин.

Шоир «Миннат – сахийлик офатидур» ҳадисига бағишланган рубо‘ийсида эҳтиёжмандларга қилинган яхшилик, улашилган ҳадя-совғалар орқали эришилган савобдан киши миннат туфайли маҳрум бўлиш ҳавфидан огоҳ этади:

Ҳар кишига риояте қилсанг,
Миннат ўткармагил гумонингга.
Негаким ул кишига офат эрур,
Юкла миннат ва лек жонингга [2].

Агар кишига бирон-бир сахийлик қилсанг, миннат қилмагин, бу унинг жонига озор етказди ва қилинган яхшиликка офат бўлади, қанчалик миннат лозим бўлса, сен буни ўзингга нисбатан қилгин, бундан ўзгаларга озор етмасин, деб инсонларни қилинган эзгу амал ва хайрли ишлар туфайли олинган савобни ҳамда инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни асраб-авайлашга чақиради.

Навоийнинг «Қўлидан ва тилидан мусулмонларга озор етмайдиган кишигина ҳақиқий мусулмондир» ҳадисига оид рубо‘ийси ҳам чин маънода комиллик ғояларини ўзида мужассам этади. Бунда шоир ҳақиқий мўмин-мусулмон кишини комил инсон сифатида талқин этиб, мусулмонликка даъво қилувчи киши жонини фидо қилган тақдирда ҳам чин мусулмон (комил инсон) бўла олмаслигини, балки тили ва қўлидан мусулмонларга озор етмаган кишигина ҳақиқий мусулмон эканлигини баён қилади:

Ким мусулмонлиғ айласа даъво
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.
Ул мусулмондурурки, солимдур.
Тилию илгидин мусулмонлар [2].

Ушбу рубо‘ий орқали шоир инсонларни ўзгаларга тили ва қўли билан озор етказмасликка чақириб, инсон қалбига етказилган тил жароҳати унга

кўл ва амал орқали етказилган жароҳатдан асло кам эмаслигини уқтиради. Муаллиф ўзининг эзгу фикрини саҳиҳ ҳадис орқали моҳирона ифодалайди.

«Мўмин кишида икки хислат жамъ бўлмайди: бахиллик ва ёмон хулқилик» ҳадисига бағишланган рубо 'ий ҳам инсонларда эзгу фазилатларни шакллантиришга қаратилган:

Мўмин эрсанг қилиб дуррингни нисор,
Эл била равшан ўл нечукким шамъ.
Негаким, тенгри ҳеч мўминда,
Бухлу бадхўйлукни қилмади жамъ [2].

Ушбу рубо'ийда шоир мўмин киши ўз маблағларини эл манфаатига сарфлаш орқали улар орасини шам каби ёритиши кераклигини негаки, Тангри ҳеч бир мўминда бахиллик ва ёмон хулқиликни жам қилмаганлигини айтиб, инсонлар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг кушандаси бўлмиш зикналик ва ёмон хулқиликни қоралайди.

Навоий «Одамларга раҳмли бўлмаган кишига Оллоҳнинг ҳам раҳми келмайди» ҳадиси:

Тенгридин раҳм агар тамаъ қилсанг,
Аввал ўлмоқ кераксен элга раҳим.
Ҳар кишиким улусқа раҳм этмас,
Анга раҳм айламас раҳми карим.

ҳамда «Инсонларнинг яхшиси – инсонларга фойдаси тегадиганидир» ҳадиси:

Халқ аро яхшироқ, дединг, кимдур?
Эшитиб, айла шубҳа рафъ андин,
Яхшироқ бил ани улус ароким,
Етса кўпрак улусқа нафъ андин [2].

баёнига оид рубо'ийларда Тангридан раҳм истасанг, аввал элга раҳм қилгин, зеро одамларга раҳм қилмаган кишига Худо ҳам раҳм қилмайди, дея ўзгаларга ёрдам ва силаи раҳм кўрсатишнинг илоҳийлигини ва халқ орасида одамларга кўпроқ нафи теккан кишини эса чин инсон деб билиш лозимлигини англатади.

«Қаноат – туганмас бойликдир» ҳадисига доир рубо'ийда шоир ғам-андухнинг сабабчиси бўлган ҳирсдан кечгин, дея инсон ҳаётида дуч келган

барча ғам-ташвишлар чек-чегараси бўлмаган хирс ва нафс туфайли деб, сабр-қаноатни эса ниҳояси йўқ бойлик деб тушунтиради:

Хирсдин кечгил ул ғамедурким,
 Ҳадду ғоят эмас анга пайдо.
 Тут қаноатки, ул эрур моле
 Ки, ниҳоят эмас анга пайдо [2].

Навоий «Оллоҳ хушфёъл ва очик юзли бандаларини севади» ҳадисига бағишланган шеърда тил ва дилни бир қилиб, эл билан биргаликда шоду хандонлик ила гўзал сўзласанг ва чиройингни очиб гулгун яшасанг, Оллоҳ ҳам албатта сени севгай, дейди:

Ҳақ сени севгай эл била бўлсанг,
 Тилу кўнглунгни қилиб якрўй,
 Нукта сурсанг шукуфтау хандон,
 Зист қилсанг кушодау хушрўй.

«Яхшилиқни чехралари очик одамлардан кутинглар» ҳадисига оид рубо‘ийда ҳам шоир юқорида келтирилгани каби қайси бир ишда ҳожатинг бўлса, яхшилиқни фақат очик-юзли ва самимий кишилардан излагин, токи марҳамат қилинишидан олдин унинг очик юзли чехрасидан сенинг қалбинга осойиш етади, дейди:

Эйки, бир ишда ҳожатинг бўлса,
 Яхши юзлукдин иста бахшойиш.
 Токи бахшойишидин аввалроқ
 Кўрмагини етушгай осойиш [2].

«Динор ва дирҳам (молу давлат)га қул бўлганларга лаънатлар бўлсин» ҳадисига оид рубо‘ийда шоир:

Раҳмат озодағаки ул олмос,
 Даҳр динору дирҳамин ғамға.
 Лек лаънат ангаки қул бўлғай:
 Хоҳ динору хоҳ дирҳамға [2].

Динор ва дирҳам деганда шоир пул ва бошқа моддий бойликларни назарда тутаяди ва бундай молу давлатга қул бўлмаган ҳамда бойликларини эзгу амалларга сарф қилаётган қарам (олийҳиммат тоифа) вакилларига раҳматлар айтиш билан бирга, бойликка хирс қўйиб, динору дирҳамларга

кул бўлганларни, яъни молу давлат орттириш илинжида эртаю-кеч зир югуриб, ҳаловатини йўқотганларни кескин танқид остига олади.

«Гох-гоҳ кўришганда муҳаббат ошар» ҳадиси баёнига бағишланган рубо‘ийда Навоий дўстларнинг тез-тез учрашиб, дийдорлашиб туриши улар ўртасидаги дўстликни кучайтириши, томонларнинг ўзаро борди-келди қилишга бўлган интилишларидан истак ва орзулар рўёбга чиқишини башорат қилади:

Бир-бирин дўстлар агар гаҳ-гаҳ,
Кўрсалар, дўстлук ўлур ғолиб.
Шавқдин ихтилот ўлур матлуб,
Васл учун орзу ўлур толиб.

«Ўз айбини билиб, бошқалар айбини қидирмайдиган одам – хўб яхши одамдур» ҳадисига битилган тўртликда шоир яхши одам шуки, у ўзгалар айбини кўрмаслик билан юз хунар эгаси эришган даража ва мартабага етади, ўз айбига ўзгаларнинг айбини қидирмаслик орқали парда тортади, дейди:

Эй хушо улки, айб кўрмамак ила
Юз хунарвар маротибин топқай.
Яъни ўз айби пардаси кўзига
Ўзга эл айби чехрасин ёпқай [2].

Ушбу рубо‘ийда беайб фақат Парвардигор эканлигига ва бандалар айбларини бир-бирларининг юзига солиши оқибагида ўзаро ҳурмат – эътибор кўтарилишига сабабчи бўлишини, шунингдек, киши ўз айбини билган ҳолда, бошқалар айбига эътибор қаратмаса, ўзгалар назарида унинг ҳурмати юз карра ошиши маълум қилинади.

«Мажлисларда эшитганинг – омонатдир» ҳадиси баёнига оид рубо‘ийда шоир қайси мажлисда сўз эшитсанг, билки, бу сўз сенга омонатдир, агар буни ўзга ерда бошқаларга маълум қилсанг бу омонатга хиёнатдир, дея кишиларда учрайдиган гап ташиш ва чақимчилик каби иллатларни танқид қилади:

Қайси мажлисдаким эшитсанг сўз,
Билгил ул сўз санга амонатдур.
Гар ани ўзга ерда нақл этсанг,
Бу омонатга у хиёнатдур.

«Курашда ғолиб чиққан паҳлавон эмас, балки ғазабни келганда ўзини босиб олган одам паҳлавондир» ҳадисига битилган рубо‘ийда шоир ўз

кадрини нафс ҳукмига бош эгиш билан хор қилган эмас, балки ғазабни ва ёмон йўлга ундовчи нафсни енгган инсон паҳлавондир, дейди:

Эмас ул паҳлавонки ўз кадрин
 Бош уза элтибон нигун қилгай.
 Паҳлавон они билки етса ғазаб
 Нафси амморани забун қилгай [2].

Мазкур рубо‘ийда ғазаб-жаҳл барча ёмонликларнинг онаси эканлиги, чунки жаҳл келганда ақлнинг кетиши, ақлсиз ва ўйловсиз амалга оширилган хатти-ҳаракатларда эса хатолик ва ҳалокатларнинг муқаррарлиги айтилмоқда.

«Яхши сўз – садақадур» ҳадиси шарҳига доир тўртликда муаллиф кўмак сўраб келганларга киши ҳар доим ҳам ёрдам бера олмаслиги мумкинлигини, аммо инсонийлик юзасидан бундай ҳожатмандларга ҳеч бўлмаганда яхши сўз айтишнинг ўзи ҳам ажру савоб эканлигини уқтиради:

Яхши сўз бирла ҳожат аҳлин сўр,
 Бермасанг яхши тўъмадин нафақа.
 Не учунким расул қавли билан
 Яхши сўз бордур уйлаким садақа.

«Мўъмин киши қўшниси оч туриб, ўз қорнини тўйғазмайди» ҳадиси баёнига бағишланган рубо‘ийда Навоий ночорликдаги оч қўшниси билан бисотидаги умочни (Қаттиқ хамирни сувга умалаб пиширилган суюқ овқат) ҳам ўзаро бўлишиб еган инсон ҳақиқий мўъмин мусулмон (инсон)дир дейди:

Кимки мўъмин дурур қачон чидағай,
 Ким ўзи тўку қўшни бўлғай оч.
 Анга доғи керак етурса насиб,
 Хонида гар қулочу хоҳи умоч [2].

«Ваъда қарз кабидир» ҳадиси баёнига оид рубо‘ийда кимки ўзгага ваъда қилса, ваъдасига вафо қилмоғи шарт, ваъда қилдингми, билки, сен қарздорсан, қарзни адо этиш этиш эса фарздир, деб ваъдага вафо қилган ҳолда, уни бажаришнинг шартлиги таъкидланади:

Кимки ҳар кимга ваъдае қилди,
 Шарт эрур ваъдага вафо қилмоқ.
 Ваъдаким қилдинг уйладурким дайн,
 Фарздур қарзни адо қилмоқ.

Ушбу рубо‘ийда мусулмончиликда бўйнида қарз юки билан дунёдан ўтишликнинг гуноҳи азим эканлигидан келиб чикқан ҳолда, ваъда қарзга тенглаштирилади ва бу ўз навбатида ваъдасини бажармаган кишининг ҳам қарз олиб қайтармаган киши даражасида гуноҳқор бўлишига ишора қилинади ҳамда ваъдани бажаришга даъват этилади.

Шоир ўзининг «Бошқалардаги камчиликни кўриб, ўзини тузатган одам – саодатлидир» ҳадисига доир рубо‘ийсида эл бошига тушган мушкулликни ўзининг бошига тушган мусибат деб билмаганларнинг кўнглини ғафлат босиб, одамгарчиликдан асар йўқлиги айтилса, аксинча, ўзгалар бошига тушганни ўзига панд деб билганларни эса саодатманд кишилардир, деб эътироф этади:

Элга не келса айламас панд,
Улки кўнглини қилди ғафлат банд.
Кимки панд олди элга тушгандин,
Они билким, эрур саодатманд [2].

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, бугун маънавият тарихининг гувоҳлик беришича, цивилизация – бу инсонни ўзлигини англаши, ўзини камол топтириш учун олиб борган курашининг ҳосиласидир. Барча динлар, таълимотлар, тафаккур даҳолари инсон қобиляти, руҳияти ва ахлоқини ўрганиш, инсонни тарбиялаб, тўғри йўлга бошлаш ноқисликлар ва иллатлардан халос этиш билан шуғулланиб келдилар. Инсон нима, нега у шунчалик буюк ақли, қилни қирқ ёрадиган заковати билан муъжизалар яратишга қодир бўлгани ҳолда, яна тубан ишларга қўл уради, ҳайвоний ҳирсу нафс домига тушиб ўзини хароб этади, деган саволлар Шарқ мутафаккирлари, жумладан, Алишер Навоий қалбини жиддий ўйлантириб келган. Шу боис буюк шоир инсонларга қарата арба‘инни ўқиб ўзлаштиринг, ҳаётда унинг асосида иш кўринг, комиллик сари интилинг шояд мақсадга етасиз, дея уларни эзгуликка даъват этади [Илл. 16]. Асрлар ўтса-да ўз қимматини йўқотмаган «Арба‘ин» асари одамийликни ўзига шиор қилган, комилликка интилаётган инсонлар учун шубҳасиз дастурул амал вазифасини ўтайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – Kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида ПФ-5466-сон фармони / <https://lex.uz/docs/3826820>
2. Алишер Навоий. Арба‘ин / Магнни нашрга тайёрловчи Суйима Ғаниева. Тошкент, “Фан”, 2000 / <http://n.ziyouz.com>

Муаллифлар

АБДУЛАХАТОВ НОДИРЖОН УРАИМОВИЧ Фарғона вилояти Ўлкашунослик музейи, Қўлёзмалар фонди; Ўзбекистон халқаро ислом академияси докторанти, тарих фанлари номзоди

АМИНОВ БОБУР БОМУРАДОВИЧ Ўзбекистон Республикаси Тарих маркази, тарих фанлари номзоди

АМОНОВ БАРОТ Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бўлим бошлиғи

БАҲРИЕВ ОТАБЕК Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

БОБОЖОНОВ АҲМАДЖОН Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом энциклопедияси бўлими ходими

БОЛТАЕВ АБДУРАҲИМ АМОНОВИЧ Бухоро давлат университети доценти, сиёсий фанлар номзоди

БУЗРУКОВ МУҲАММАДИХОН ЖАМОЛОВИЧ Самарқанд давлат университети, Историография ва манбашунослик кафедраси

ДАУРБЕКОВА ИРОДА Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Қўлёзмалар билан ишлаш ва музей бўлими, илмий ходим

ЖУМАНАЗАР АБДУСАТТОР КЕНЖАЕВИЧ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими

ЗАИТОВА НАРГИЗА САБИРОВНА Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Қўлёзмалар, нодир ва қимматли нашрлар хизмати раҳбари

ЗАХИДОВ АБДУҚОДИР Фалсафа фанлари номзоди

ЗАХИДОВА САХОВАТ АБДУҚОДИРОВНА Ўзбекистон миллий университети, Тарих факультети Манбашунослик ва архившунослик кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

ЗИЁДОВ ШОВОСИЛ ЮНУСОВИЧ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари номзоди, доцент

ЗИКРУЛЛАЕВ МУРОД Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи илмий ишлар бўйича директор ўринбосари; Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси

ИБРАГИМОВ ФАХРИДДИН Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими

ИДРИСОВ АБДУСАЛИМ РАҲМАТУЛЛАЕВИЧ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоқ бўлими ходими

ИКРАМОВ САИДРАҲМАТ САИДАҲМАТОВИЧ Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси

ИСАЕВ ЙЎЛДОШХОН Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

ИСЛАМОВ ЗОҲИДЖОН МАҲМУДОВИЧ Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори, филология фанлари доктори, профессор

ИСЛАМОВ ШАРИФЖОН ҒАНИЖОНОВИЧ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, фонд мудир

МАДИЕВ ФАЗЛИДДИН Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, тадқиқотчи

МАДРАИМОВ АБДУМАЖИД АБДУРАИМОВИЧ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейи Экспозиция ва кўргазмаларни илмий лойиҳалаш ва бадий безаш бўлими мудир, тарих фанлари доктори, профессор

МАҲМУДОВ ҚОДИРХОН Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий ходим

МИРЗАЕВ ЖАЛОЛИДДИН ЗАЙНИЕВИЧ Термиз давлат университети; Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, тарих фанлари номзоди

МИРЗАЕВ НАСРИДДИН МУҲРИТДИНОВИЧ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви Катта илмий ходими; Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

МУМИНОВ АШИРБЕК КУРБАНОВИЧ Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ этиш маркази, тарих фанлари доктори

МУҲАММАДАМИНОВ САИДАКБАР АБДУРАШИДОВИЧ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди

МУҲАММАДИЕВ ОТАБЕК БОЗОРОВИЧ Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директор ўринбосари

МУҲАММАДИЕВ УСМОНХОН Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бўлим бошлиғи

НЕМАТОВ ОЛОВХОН Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий ходим

НОРҚОБИЛОВ ТОҲИР ҲУСАНОВИЧ Ўзбекистон тарихи давлат музейи, илмий ходим

ОҚИЛОВ САИДУМТОР САЙДАКБАРОВИЧ Ўзбекистон халқаро ислом академияси «Ислом фанлари» кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

РАЗЗОҚ БУХОРИЙ АБДУЛҒАФУР Мир Араб олий мадрасаси мударриси, хаттот

РАСУЛОВ ДИЛШОД тарих фанлари номзоди

РАҲИМОВ АҲМАТ Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

РАХИМОВ КОМИЛЖОН РАҲМАТОВИЧ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, PhD доктори

СИДИҚОВ ҒУЛОМЖОН КАРИМБАЕВИЧ «ИЧАН-ҚАЛЪА» давлат музей-қўриқхонаси, Музей фонди, Арабшунос илмий ходим

СОЛИХ ХАБИБУЛЛО ИСМАИЛОВИЧ Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, хаттот

ТУРАЕВ БАХТИЁР ОМОНОВИЧ Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директор маслаҳатчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

ТУРДИАЛИЕВ АБДУЛАТИФ Қўқон адабиёт музейи, директор, филология фанлари номзоди

ТУРСУНОВ БАХТИЁР ТЕМУРОВИЧ Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

УВАТОВ УБАЙДУЛЛА Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор

УМАРОВ ШУКУРИЛЛА Имом Термизий ўрта-махсус ислом таълим муассасаси раҳбари, PhD доктори

УСМАНОВ МАҲАММАДСИДИҚ АБДУМАННОВИЧ Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Манбалар хазинаси мудир

ХИДИРОВ ЗАРИФ Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ислом тарихи ва манбашунослиги ирсика кафедраси ўқитувчиси

ХИДИРОВ МАШРАБ Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

ЧЎТМАТОВ ЖЎРАБЕК ОМОНОВИЧ Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директор ўринбосари

ШОНАЗАРОВ АБДУВОСИ Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

ЭВАДУЛЛАЕВ ТОХИР Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази, Самарқанд филиали директори

ЭЛМУРОДОВ РАВШАН Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

ЭРКИНОВ АФАНДИЛ САДИРХАНОВИЧ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Қўлёмалар, музейлар ва архивлар тадқиқ бўлими, раҳбар, филология фанлари доктори, профессор

ЭШОНҚУЛОВ ЗАЙНИДДИН Ўзбекистон мусулмонлар идораси, Самарқанд вилоят вакили

ЮНУСОВ МАҲМУДХОН АСАТУЛЛАЕВИЧ Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бош муҳофизи

ЮСУПОВ ОЛИМХОН Ҳадис илми мактаби ректори

ЎРАЗБОВЕВ АБДУЛЛА ДУРДИБАЕВИЧ Хоразм Маъмун академияси, филология фанлари доктори

КОБИЛОВ НОДИР Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, кичик илмий ходим

ҚУШШАҚОВ ИХТИЁР Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Қўлёмалар билан ишлаш ва музей бўлими, кичик илмий ходим

ҒОФУРОВ АЗИМЖОН ШАРИПОВИЧ Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Манбашунослик ва қўлёзмалар бўлими, катта илмий ходим

ҒУЛОМОВ САНЖАР САИДАМИНОВИЧ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Тарихий ҳужжатлар тадқиқоти бўлими бошлиғи; GERDA HENKEL фонди донорлик қилган «CREATION OF AN ELECTRONIC CATALOGUE OF THE MANUSCRIPT FUND OF THE AL-BIRUNI INSTITUTE OF ORIENTAL STUDIES, ACADEMY OF SCIENCES, REPUBLIC OF UZBEKISTAN» лойиҳаси бошлиғи

Authors

ABDULAHATOV NODIRJON URAIMOVICH FERGANA REGIONAL LOCAL HISTORY MUSEUM, MANUSCRIPT FUND; International Islamic Academy of Uzbekistan, Postdoctoral Student, Candidate of Historical Sciences

AMINOV BOBUR BOMURADOVICH Center of History of the Republic of Uzbekistan, Candidate of Historical Sciences

AMONOV BAROT Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Head of the International Relations Department

BAHRIYEV OTABEK Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Research Fellow

BOBOJONOV AHMADJON International Islamic Academy of Uzbekistan, Department of the Islamic Encyclopedia, Research Fellow

BOLTAEV ABDURAHIM AMONOVICH Bukhara State University, Associate Professor, Candidate of Political Sciences

BUZRUKOV MUHAMMADIKHON JAMOLOVICH Samarkand State University, Department of Historiography and Source Studies

CHO'TMATOV JO'RABEK OMONOVICH Imam Termidhi International Scientific-Research Center, Deputy Director

DAURBEKOVA IRODA Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Department of Manuscripts and Museum, Research Fellow

ÈLMURODOV RAVSHAN Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Research Fellow

ÈRKINOV AFTANDIL SADIRKHANOVICH Center for the Research of Uzbekistan's Cultural Wealth Located Overseas under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, Department of the Study of Manuscripts, Museums and Archives, Head, Doctor of Philological Sciences, Professor

ÈSHONQULOV ZAYNIDDIN Muslim Board of Uzbekistan, Representative in the Samarkand Region

ÈVADULLAEV TAHIR Center for Advanced Studies under the International Islamic

Academy of Uzbekistan, Director of the Samarkand Branch

GHOFUROV AZIMJON SHARIPOVICH Center for Islamic Civilization in Uzbekistan, Department of Source Studies and Manuscripts, Senior Researcher

GULOMOV SANJAR SAIDAMINOVICH Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Department of Historical Documents, Head; Gerda Henkel Stiftung Project «Creation of an Electronic Catalogue of the Manuscript Fund of the Al-Biruni Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences, Republic of Uzbekistan», Head

IBRAGIMOV FAKHRIDDIN Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Research Fellow

IDRISOV ABDUSALIM RAHMATULLAYEVICH Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Qaraqalpaq Branch, Research Fellow

IKRAMOV SAIDRAHMAT SAIDAHMATOVICH Muslim Board of Uzbekistan, Library, Research Fellow

ISAEV YULDASHKHAN Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Research Fellow

ISLAMOV SHARIFJON GANIDJANOVICH Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Fund Curator

ISLAMOV ZOHIDJON MAHMUDOVICH International Islamic Academy of Uzbekistan, Vice-Rector, Doctor of Philological Sciences, Professor

JUMANAZAR ABDUSATTOR KENJAYEVICH Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Senior Researcher

KHIDIROV MASHRAB Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Research Fellow

KHIDIROV ZARIF International Islamic Academy of Uzbekistan, IRCICA Chair of Islamic History and Source Studies, Lecturer

MADIEV FAZLIDDIN Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Research Fellow

MADRAIMOV ABDUMAJID ABDURAIMOVICH State Museum of the History of Timurids, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Department of Scientific and Artistic Design of Expositions and Exhibitions, Head, Doctor of Historical Sciences, Professor

MAHMUDOV QODIRKHON Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Research Fellow

MIRZAEV JALOLIDDIN ZAYNIYEVICH Termidhi State University; Imam Termidhi International Scientific-Research Center, Doctor PhD

MIRZAEV NASRIDDIN MUHRITDINOV Central State Archives of the Republic of Uzbekistan, Senior Researcher; International Islamic Academy of Uzbekistan, Doctoral Student

AUTHORS

MUHAMMADAMINOV SAIDAKBAR ABDURASHIDOVICH Institute of Oriental Studies Named after Abu Rayhan Beruni, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Senior Researcher, Candidate of Historical Sciences

MUHAMMADIYEV OTABEK BOZOROVICH Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Deputy Director

MUHAMMADIYEV USMONKHON Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Head of the Scientific-Research Department

MUMINOV ASHIRBEK KURBANOVICH Research Centre for Islamic History, Art and Culture, Doctor of Historical Sciences

NEMATOV OLOVKHON Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Research Fellow

NORQOBILOV TOHIR HUSANOVICH State Museum of the History of Uzbekistan, Research Fellow

OKILOV SAIDMUKHTOR SAYDAKBAROVICH International Islamic Academy of Uzbekistan, Associate Professor, Candidate of Historical Sciences

QOBILOV TOHIR Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Junior Research Fellow

QUSHSHAQOV IKHTIYOR Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Department of Manuscripts and Museum, Junior Research Fellow

RAHIMOV AHMAT Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Department of Qur'anic Studies, Research Fellow

RAHIMOV KOMILJON RAHMATOVICH Institute of Oriental Studies Named after Abu Rayhan Beruni, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Senior Researcher, Doctor PhD

RASULOV DILSHOD Candidate of Historical Sciences

RAZZOQ BUKHARI ABDULGHAFUR Mir Arab High School, Lecturer, Calligrapher

SHONAZAROV ABDUVOSI Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Research Fellow

SIDDIQOV GHULOMJON KARIMBAYEVICH Ichan-Qal'a State Museum-Reserve, Museum's Fund, Research Fellow

SOLIH HABIBULLO ISMAILOVICH Center of Islamic Civilization in Uzbekistan, Calligrapher

TURAEV BAKHTIYOR OMONOVICH Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Director's Consultant, Doctor of Philosophical Sciences, Professor

TURDIALIEV ABDULATIF Kokand Museum of Literature, Director, Candidate of Philological Sciences

TURSUNOV BAKHTIYOR TEMUROVICH Imam Bukhari International Scientific-Research Center, Research Fellow

UMAROV SHUKURILLA Imam Termidhi Religious Educational School, Director, Doctor PhD

URAZBOEV ABDULLA DURDIBAYEVICH Khorezm Ma'mun Academy, Doctor of Philological Sciences

USMANOV MAKHAMMADSIDIK ABDUMANNONOVICH International Islamic Academy of Uzbekistan, Manuscript Fund "Treasury of Sources", Head

UVATOV UBAYDULLA Director of Imam Termidhi International Scientific-Research Center, Doctor of Historical Sciences, Professor

YUNUSOV MAHMUDKHON ASATULLAYEVICH Samarkand State Museum-Reserve, Chief Curator

YUSUPOV OLIMHAN Hadith School, Rector

ZAITOVA NARGIZA SABIROVNA Alisher Navoiy National Library of Uzbekistan, Service for Manuscripts, Unique and Highly Valuable Publications, Head

ZAKHIDOV ABDUQODIR Candidate of Philosophical Sciences

ZAKHIDOVA SAKHOVAT ABDUQODIROVNA National University of Uzbekistan, Department of Source Studies and Archives, Associate Professor, Candidate of Historical Sciences

ZIKRULLAEV MUROD State Museum for the Memory of Repressions' Victims of the Republic of Uzbekistan, Deputy Director; International Islamic Academy of Uzbekistan, Senior Lecturer


ZIYODOV SHOVOSIL YUNUSOVICH Imam Bukhari International Scientific-Research Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, Director, Candidate of Historical Sciences, Associate Professor

Illustrations

Иллюстрациялар


Chapter I. Shovosil Yunusovich Ziyodov. Manuscripts from the Treasury of Sources at Imam Bukhari International Scientific-Research Center

Бўлим I. Шовосил Юнусович Зиёдов. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Манбалар хазинасида сақланаётган кўлёмзалар



III. 1. al-Marginani. *al-Hidaya*. Manuscript of Imam Bukhari International Scientific-Research Center (IBISRC), No. 7, F. 1^b



Илл. 1. ал-Маргиноний. ал-Ҳидойа. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази кўлёмзаси, № 7, в. 1^б



III. 2. al-Marghinani. *al-Hidaya*. Manuscript of Imam Bukhari International Scientific-Research Center, No. 7, F. 348^a

Илл. 2. ал-Маргиноний. ал-Ҳидоиа. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази қўлэзмаси, № 7, в. 348^a

Ashirbek Muminov. National and Private Collections of Manuscripts in Arabic Script in Uzbekistan
 Аширбек Муминоф. Государственные и частные собрания арабографических рукописей
 в Узбекистане



III. 3. *Du'a'*. Manuscript № 4 from the Private Collection of S. Èrkinov, F. 126^b-127^a

Илл. 3. Ду'а'. Рукопись № 4 из частного собрания С. Эркинова, л. 126^b-127^a

ILLUSTRATIONS

III. 4. TABLE

Manuscript Collections in Arabic Script in Uzbekistan

Илл. 4. Собрания рукописей на арабской графике в Узбекистане

No	Name of Collection Название коллекции	Number of Manuscripts Количество рукописей	Lithoprinted Books Количество литографированных книг	Documents Количество документов
Tashkent				
1	Al-Beruni Institute of Oriental Studies	26000	37000	4860
2	Central State Archive	*	*	400000
3	Spiritual Directorate of Uzbekistan	2300	17000	*
4	National University of Uzbekistan	408	802	*
5	Navoiy State Museum of Literature	360	*	*
6	Tashkent State Pedagogical University	282	*	*
7	Navoiy National Library of Uzbekistan	77	221	*
8	Oltin Meros Fund	60	130	*
9	State Museum of the History of Uzbekistan	70	*	*
10	State Museum of the History of Timurids	16	*	*
11	Tashkent State University of Oriental Studies	6	*	*
12	State Museum of Arts	5	*	4
13	Center of Islamic Civilization in Uzbekistan	123	217	*
14	International Islamic Academy of Uzbekistan	500	2000	*
Samarkand				
15	Imam Bukhari International Scientific-Research Center	602	812	10
16	Samarkand State University	5000	*	*
17	Samarkand State Museum-Reserve	697	2169	1641
18	Samarkand State Institute of Foreign Languages	100	*	*
Bukhara (Information by Komiljon Rahimov)				
19	Bukhara State Museum-Reserve	824	1063	4109
20	Bukhara Regional Information-Resource Center	216	656	*
21	Bukhara Regional State Archive	*	*	1392
22	Ark Museum	26	13	9
23	Bukhara State University	48	130	3
24	Mir Arab Madrasa	80	1212	*
25	Peshku Tuman State Archive	*	*	4109
Khiva				
26	Ichan-Qal'a State Museum-Reserve	24	*	1170
27	Khorezm Ma'mun Academy	35	98	*
Nukus				
28	Fundamental Library of the Academy of Sciences	194	261	*


* The number of items is unknown.

MANUSCRIPT FUNDS OF UZBEKISTAN

29	Qaraqalpaq State Local History Museum	51	69	1
30	Institute of History, Archeology, Ethnography	103	194	*
Kokand				
31	Fergana Regional Museum of Literature	2000	6472	*
32	Regional Museum of Kokand City	250	250	*
Farghona				
33	Farghona State Local History Museum	50	*	*
Andijon				
34	Babur Museum of Literature and Arts	862	*	*
35	Andijon State Local History Museum	900	*	*
Namangan				
36	Regional Museum of History and Culture	60	*	*
Termidh				
37	Imam Termidhi International Scientific-Research Center	11	67	*
Shahrisabz				
38	Amir Timur Museum of Material Culture	6	*	2
Qarshi				
39	Qashqadaryo Regional Local History Museum	27	*	1
Private Collections				
40	B.Bukhoriy (Tashkent)	400		
41	Haydar Bobobekov (Tashkent)	206		320
42	Sayyid-Karim Hakimov (Tashkent)	10		3
43	Ma'ruf Yuldashev (Tashkent)	7		
44	Sayyid-Nasir Mirjalilov (Tashkent)	134		
45	Mulla Yunus Hakimjonov (Tashkent)	22		
46	Najmiddin Komilov (Tashkent)	11		
47	Shovosil Ziyodov (Tashkent)	11		
48	Sultanov (Tashkent)	6		
49	Sadirkhan Erkinov (Tashkent)	4		
50	Muhammadkhan Abdurahmanov (Andijon)	50		
51	Uzaq Rahmatullayev (Chimbay)	100		
52	Rawnaqi (Shahrisabz)	80	70	45
53	Zayniddin Khojaqulov (Shahrisabz)	10		
54	Daghi (Namangan)	15		
55	Hamraql Rizayev (Khatirchi)	15		

Chapter II. Fazliddin Madiev. Brief Review on the History of Calligraphy and Its Place in Islamic Culture

Бўлим II. Fazliddin Madiev. Xattotlik tarixiga qisqacha nazar va uning islom madaniyatida tutgan o'rnini haqida



III. 5. Nava'i. *Khamsa*. Manuscript of Imam Bukhari International Scientific-Research Center, No. 230/III, F. 189^b

Илл. 5. Navoiy. *Xamsa*. Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi qo'lyozmasi, № 230/III, V. 189^b

III. 6. Nava'i. *Khamsa*. Manuscript of Imam Bukhari International Scientific-Research Center, No. 230/III, F. 330^b


Илл. 6. Navoiy. *Xamsa*. Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi qo'lyozmasi, № 230/III, V. 330^b

Fakhriddin Ibragimov. Thoughts on the Manuscripts Regarding the History and Culture of Uzbekistan Preserved in the Libraries of Turkey
 Фахриддин Ибрагимов. Туркия кутубхоналаридаги Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид қўлёзмалар тўғрисида мулоҳаза




III. 7. Abu 'Isa at-Termidhi. Shama'il an-Nabi. Manuscript of the Institute of Oriental Studies Named after Abu Rayhan Beruni, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, No 7562, F. 124^b-125^a
 Илл. 7. Абу 'Исо ат-Термизий. Шамо'ил ан-Набий. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 7562, в. 124^b-125^a

Chapter III. Otabek Bozorovich Muhammadiyev. *Lubab al-Kalam* and Its Copies
 Бўлим III. Отабек Бозорович Муҳаммадиев. «Лубоб ал-калом» асари ва унинг қўлёзма
 нусхалари




III. 8. al-Usmandi. *Lubab al-Kalam*. Manuscript of Süleymaniye Library, Şehid Ali Paşa
 1704/III, F. 33^b, 84^a

Илл. 8. ал-Усмандий. Лубоб ал-калом. Süleymaniye кутубхонаси қўлёзмаси, Şehid Ali Paşa
 1704/III, в. 33^б, 84^а



III. 9. al-Usmandi. *Lubab al-Kalam*. Manuscript of Süleymaniye Library, Karaçelebizade 347/II, F. 82^b-83^a

Илл. 9. ал-Усмандий. Лубоб ал-калом. Süleymaniye кутубхонаси қўлэзмаси, Karaçelebizade 347/II, в. 82^b-83^a



III. 10. Cover of the Monography «Muhammediyev, Otabek. Alouddin al-Usmandi as-Samarqandiy. Tashkent, 2019»


Илл. 10. «Мухаммадиев Отабек. Алоуддин ал-Усмандий ас-Самарқандий. Тошкент, 2019» монографиясининг муқоваси



III. 11. Mausoleum of al-Usmandi at Jizzakh Region, Bakhmal Rayon, Settlement Usmat-Ota
Илл. 11. ал-Усмандийнинг Жиззах вилояти, Бахмал райони, Усмаг-Ота қишлоғида жойлашган
мақбараси


Barot Amonov. Studying the Manuscript of *Ahadith Qudsiya* from the Treasury of Sources at Imam Bukhari International Scientific-Research Center

Барот Амонов. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Манбалар хазинасида сақланаётган «Аҳодис қудсийа» қўлёзма асари тадқиқи



III. 12. *Ahadith Qudsiya*. Manuscript of Imam Bukhari International Scientific-Research Center, No. 71/VIII, F. 39^b


Илл. 12. Аҳодис қудсийа. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази қўлёзмаси, № 71/VIII, в. 39^б



III. 13. *Ahadith Qudsiya*. Manuscript of Imam Bukhari International Scientific-Research Center, No. 71/VIII, F. 48^b


Илл. 13. Аҳодис қудсийа. Имом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот маркази қўлёмаси, № 71/VIII, в. 48^б

Otabek Bahriyev. *Adab al-Muta'allimin* and Its Importance
 Отабек Баҳриев. «Адаб ал-мута'аллимин» асари ва унинг аҳамияти



III. 14. Zarnuji. *Adab al-muta'allimin*. Manuscript of Imam Bukhari International Scientific-Research Center, No. 149/VII, F. 126^b


Илл. 14. Зарнужий. Адаб ал-мута'аллимин. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази қўлёзмаси, № 149/VII, в. 126^б



III. 15. Zarnuji. *Adab al-muta'allimin*. Manuscript of Imam Bukhari International Scientific-Research Center, No. 149/VII, F. 143^b

Илл. 15. Зарнужий. Адаб ал-мута'аллимин. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази қўлзмаси, № 149/VII, в. 143^б

Bakhtiyor Temurovich Tursunov. Interpretation of Universal Values in the Hadiths
 (on the Base of *Arba'in* by 'Alisher Nava'i)
 Бахтиёр Темурович Турсунов. Хадисларда умуминсоний қадриятлар талқини
 (Алишер Навоийнинг «Арба'ин» асари мисолида)



III. 16. 'Alisher Nava'i. *Arba'in*. Manuscript of Imam Bukhari International Scientific-Research Center, No. 217/VI, F. 70^b

Илл. 16. Алишер Навоий. Арба'ин. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази қўлёзмаси, № 217/VI, в. 70^б

